O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI

TOSHKENT DAVLAT IQTISODIYOT UNIVERSITETI ANDIJON FAKULTETI



“RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA MOLIYANING DOLZARB MUAMOLARI, YECHIMLARI VA ISTIQBOLLARI”

mavzusidagi ilmiy-amaliy anjuman

MATERIALLAR TO‘PLAMI

28-mart, 2024-yil

1

To‘plamga 2024-yil 28-mart kuni Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti Andijon fakultetida “Raqamli iqtisodiyot sharoitida moliyaning dolzarb muammolari, yechimlari va istiqbollari” mavzusida o‘tkazilgan ilmiy-amaliy konferensiya ishtirokchilarning ma’ruza materiallari kiritilgan. To‘plam OTM professor-o‘qituvchilari, katta ilmiy xodim – izlanuvchilar, mustaqil izlanuvchilar, magistrlar va bakalavrlar uchun mo‘ljallangan.

Ushbu to‘plam Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti Andijon fakulteti kengashining 2024-yil 27-martdagi 10-sonli qarori bilan nashrga tavsiya etilgan.

Tahrir hay’ati:

Rais:

E.D.Muydinov – Iqtisod fanlari nomzodi, dotsent, TDIU Andijon fakulteti dekani

A’zolar:

D.Rustamova – Iqtisod fanlari nomzodi, dotsent, o‘quv ishlari bo’yicha dekan o’rinbosari

A.Satvaldiyev – Psixologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD), Yoshlar va ma’naviyat masalalari bo‘yicha dekan o‘rinbosari

O.Mahmudov – Iqtisodiyot fanlari doktori, professor, “Ijtimoiy-gumanitar fanlari” kafedrasi mudiri

J.Qurbonov – Iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD), “Mutaxassislik fanlari” kafedrasi mudiri

V.Abdurahmonov – Iqtisod fanlari nomzodi, kafedra dotsenti

A.To‘ychiyev – Iqtisod fanlari nomzodi, kafedra dotsenti

T.Abdullayev – Falsafa fanlari nomzodi, kafedra dotsenti

M.U.Kuchkarov – Pedagogika fanlari bo’yicha falsafa doktori (PhD), kafedra dotsenti

M.Yusupov – Texnika fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD), kafedra dotsenti

Texnik muharrir:

A.Akbarov – kafedra katta o‘qituvchisi

D.Iskandarov – kafedra katta o‘qituvchisi

Taqrizchilar:

Q.Muftaydinov – Iqtisodiyot fanlari doktori, professor, AndMI

I.Umarov – Iqtisodiyot fanlari doktori, professor, ADU

Anjuman to‘plamiga kiritilgan maqolalarning mazmuni, undagi statistik va shu turdagi ma’lumotlarning to‘g‘riliga mualliflar shaxsan javobgardir.

© Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti Andijon fakulteti

Kirish so‘zi

Raqamlashtirish jarayonlari iqtisodiyotning jadal sur’atlarda rivojlanishiga hamda moliya, sanoat va qishloq xo‘jaligi sohalarida biznes jarayonlarini tubdan o‘zgartirishiga sabab bo‘lmoqda. Riojlanishning innovatsion rivojlanish yo‘lini tanlagan davlatlarda bu jarayon tez muvaffaqiyatli amalga oshirilmoqda. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi PF-60-sonli Farmoni bilan tasdiqlangan 2022-2026-yillarda Yangi O‘zbekistonni rivojlantirish strategiyasida milliy iqtisodiyotni jadal rivojlantirish va yuqori o‘sish sur’atlarini ta’minlash uchinchi ustuvor yo‘nalish sifatida belgilangan.

Bugungi kunda ko‘plab rivojlangan davlatlarda raqamlashtirish, innovatsion rivojlantirish va ko‘plab startap loyihalari davlat va turli xususiy investorlar tomonidan qo‘llab-quvvatlanmoqda va moliyalashtirilmoqda. Respublikamizda ham zamonaviy voqeliklar va iqtisodiy va moliyaviy xavfsizlik tendentsiyalarini hisobga olgan holda raqamli iqtisodiyotga bosqichma-bosqich o‘tish boshlandi. Misol uchun, 2017 yilda Yagona interaktiv davlat xizmatlari portalining (my.gov.uz) yangi talqini ishga tushirildi. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Loyiha boshqaruvi milliy agentligi tashkil etildi. 2018-yilda ushbu sohadagi loyihalarni davlat-xususiy sheriklik shartlarida, shu jumladan blokcheyn texnologiyasini joriy etish bilan bog‘liq bo‘lgan loyihalarni amalga oshirish uchun investorlarning mablag‘larini jalb etish va birlashtirish maqsadida Raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishni qo‘llab-quvvatlash Raqamli ishonch jamg‘armasi tashkil etildi.

Axborot texnologiyalarini yanada rivojlantirish maqsadida 2020-yil 28-aprelda Prezidentning “Raqamli iqtisodiyot va elektron hukumatni keng joriy etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-4699-son qarori qabul qilindi. Hujjatda mazkur vazifani bajarish bo‘yicha kompleks chora-tadbirlar belgilangan.

Prezidentimizning 2020-yil 5-oktyabrdagi “Raqamli O‘zbekiston – 2030” strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-6079-son Farmoni qabul qilingani soha rivojining yangi bosqichi bo‘ldi. Hujjatni qabul qilishdan maqsad zamonaviy voqelikni hisobga olgan holda raqamli iqtisodiyotga samarali o‘tishdir.

Raqamli iqtisodiyot sharoitida moliyaning dolzarb masalalarini keng muhokama qilish, moliyaviy-iqtisodiy xavfsizlikni ta’minlash orqali barqarorlikka erishish, shuningdek, mamlakatimiz iqtisodiyotining samaradorligi va raqobatbardoshligini oshirish bo‘yicha yangi muammolarni tahlil qilish eng muhim yo‘nalishlar sifatida qaralmoqda. Zamonaviy moliyaviy munosabatlarni rivojlantirishga qaratilgan taklif va tavsiyalar tobora muhim ahamiyat kasb etmoqda.

Shu nuqtai nazardan, “Raqamli iqtisodiyot sharoitida moliyaning dolzarb muammolari, yechimlari va istiqbollari” mavzusida o‘tkazilgan ilmiy-amaliy konferensiya mavzusi dolzarb ahamiyat kasb etadi.

Konferensiyaning asosiy maqsadi raqamlashtirish sharoitida moliyaning dolarb muammalari va uning yechimlariga qaratilgan ilmiy taklif va tavsiyalarni ishlab chiqish: innovatsion ta’lim texnologiyalari yordamida “Moliya” fanini o‘qitishning o‘ziga xos jihatlari, moliya tizimini rivojlantirishning zamonaviy tendensiyalari, moliya tizimini rivojlantirishda bank, soliq, sug‘urta tashkilotlarining o‘rni va roli, barqaror rivojlanish maqsadlariga erishishning ijtimoiy-iqtisodiy va moliyaviy masalalari, moliyaviy menejmentni rivojlantirishning dolzarb masalalari, qimmatli qog‘ozlar va ikkilamchi bozorlarni rivojlantirish bo‘yicha muammolar va yechimlarni ko‘rib chiqish. Anjumanda sohaga oid dolzarb masalalar muhokama qilinadi va chuqur tahlil qilinadi, qimmatli fikrlar bildiriladi, amaliy tavsiyalar ishlab chiqiladi.

O‘ylaymizki, ushbu konferensiya va uning materiallari professor-o‘qituvchilarimiz, doktorantlar, magistrantlar va bakalavriat talabalarining kelgusidagi ilmiy va amaliy hamkorligigiga xizmat qiladi.

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
Andijon fakulteti dekani,
Iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent
Muydinov Erkinjon Jamolginovich

MUNDARIJA

	I SHO‘BA- INNOVATSION TA’LIM TEXNOLOGIYALARI YORDAMIDA ZAMONAVIY KADRLAR TAYYORLASHNING O‘ZIGA XOS JIHATLARI	
F.Tohirov	*Innovatsion texnologiyalar yordamida ta’lim samaradorligini oshirish yo‘llari*	13
M.Mo’minova	*Improving pronunciation on second language learners through innovative educational technologies*	17
M. Kuchkarov M.Jumaboyeva	*Aniq integrallar va ularni amaliy masalalarda qo’llashning ahamiyati*	19
А . Сатвалдиев	*Кичик бизнесни ривожлантиришда оилавий тадбиркорлик ўрни ва роли*	22
А . Сатвалдиев	*Мамлакатимизда тадбиркор аёлларини қўллаб-қувватлашнинг энг самарали усуллари*	27
F.Tohirov S.Abdusalomov	*Raqamlashgan talimda steam texnologiyasidan foydalanish*	31
R .Ataxanov G.Botirova	*Mustaqil ta’lim ishlarini bajarishda pedagogik innovatsion texnologiyalaridan foydalanish*	33
H.Orzikulova	*Innovatsion ta`lim texnologiyalari yordamida zamonaviy kadrlar tayyorlashning o`ziga xos jihatlari*	38
M.Jumaboyeva	*O’zbekistonda gender tengligini bo‘yicha faoliyat ko‘rsatayotgan boshqaruvchi ayollar*	41
М.Усмонова	*Ўсмир болаларда оғувчи аҳлоқнинг пайдо бўлиши*	44
G’.Parpiyev A.Tojiboyev	*Bulutli texnologiyalarda hisoblash tarixi*	48
G’.Parpiyev A.Tojiboyev	*Cyber security in business organizations*	52
A.Akbarov	*Kichik biznes iqtisodiy xavfsizligini ta’minlashda axborot xavfsizligining ahamiyati*	56
G’.Parpiyev F.Umarova	*Dunyoning rivojlangan davlatida online ta’lim jarayonlari*	60
G’.Parpiyev A.Tojiboyev	*Elektron darsliklar yaratish uchun dasturiy asoslar haqida umumiy ma’lumot*	64
R.Ataxanov	*Zamonaviy innovatsion ta’lim texnologiyalari: muammo va yechimlar*	71
	II SHO‘BA- MOLIYA TIZIMINI RIVOJLANTIRISHNING ZAMONAVIY TENDENSIYALARI: MOLIYA TIZIMINI RIVOJLANTIRISHDA BANK, SOLIQ, SUG‘URTA	

TASHKILOTLARINING O‘RNI VA ROLI		
A.Tuychiyev R.O’ktamxonova	*Jamiyat iqtisodiy hayotida moliyaviy nazorat va uni tashkil qilishning mohiyati*	76
A.Tuychiyev T.Sattoraliev	*Byudjetdan tashqari fondlarni tashkil etish va ularning ijtimiy-iqtisodiy ahamiyati*	79
V.Abduraxmonov N.Muxiddinov	*Investitsiya loyihalarini moliyalashtirishda tijorat banklarining o‘rni*	83
J.Qurbonov A.Foziljonov	*Davlatning maqsadli jamg`arlari va ularning mohiyati*	85
Г. Умарова	*Хорижий инвестицияларокимини облигациялар орқали ошириш истиқболлари*	88
A.Tuychiyev P.Maxmudov	*Moliyaviy rejalashtirish va pragnozlash*	93
L.A. Urinov	*Raqamli xizmat turlarini takomillashtirish orqali bank aktivlar samaradorligini oshirish*	96
A.Tuychiyev N.Muhiddinov	*Moliyaviy nazorat va uni tashkil etishning iqtisodiy mazmuni va mohiyati*	101
R.Raximov	*Amir temurning moliya sohasidagi faoliyati haqida*	104
J.Qurbonov N.Muhiddinov	*O’zbekiston respublikasi davlat byudjeti daromadlarining tahlili*	108
V.Abduraxmonov Y.Melixo‘jayev	*Tadbirkorlikni rivojlantirishda mikrokreditlashning o‘rni va axamiyati*	111
A.Tuychiyev M.Yigitaliyeva	*Davlat moliyaviy nazorat organlarining vazifalari va funksiyalari*	114
K.To’raboyev D.Xolmirzayev	*Davlat budjetining o'ziga xos xususiyatlari*	117
To’raboyev K Xolmirzayev D	*Aksiz solig‘ining mohiyati va uning obyekti*	120
M.Saydakbarova A.Foziljonov	*Davlat maqsadli jamg`armalari va ularning mohiyati*	123
G.Xasanova	*Moliya tizimini rivojlantirishda bank, soliq, sug’urta tashkilotlarining o‘rni va roli*	126
Sh.Usmonjonov	*Development of banking financial system through introducing innovative banking services*	128
F.Maxmudov	*Umumdavlat nazorat o’rganlari va ularning moliyaviy nazoratini tashkil etish*	133

	III SHO‘BA- BARQAROR RIVOJLANISH MAQSADLARIGA ERISHISHNING IJTIMOIY-IQTISODIY VA MOLIYAVIY MASALALARI	
М.Ахунов	*Иқтисодиётни математик моделлаштиришнинг рақамли иқтисодиётдаги аҳамияти*	135
Ф. Юлдашев	*Пул ислохотларида инфляцион таргетлаш режими*	139
J.Qurbonov M.Alijonov	*O’zbekistonda soliq siyosatini takomillashtirishning ustivor yo’nalishlari*	141
J.Qurbonov T.Sattoralıyev	*Inflyatsiyaning ijtimoiy iqtisodiy oqibatlari*	146
M.Saydakbarova	*Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда бюджет-солиқ сиёсати ва иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари, уларга эришиш омиллари таҳлили*	151
J.Qurbonov M.Asqarov	*Iqtisodiy o'sish omillari va turlari*	157
J.Qurbonov D.Farhodov	*Naflik va chekli naflik, chekli naflikni kamayish qonuni*	159
J.Qurbonov P.Mahmudov	*Tabiiy ishsizlik nazaryasi*	163
M.T. Yusupov A.Tojiboev	*Taqsimlangan ma`lumotlar bazasi*	166
F.Xolmirzayev A.Sharobiddinov	*Elektron tijorat: muammolar va istiqbollar*	170
N.Numonjonova	*Kichik biznes va tadbirkorlik salohiyati omillari hamda ularning o‘ziga hos xususiyatlari*	174
M.Saydakbarova	*Role of budget-tax policy in ensuring sustainable economic growth*	178
С.Аҳмаджонов	*Янги ўзбекистонда иқтисодий тафаккурнинг ривожланиши жараёнлари*	182
A.Ismailov	*Title: a comprehensive review of morphological analyzer algorithms*	185
J.Zokirov	*Iqtisodiyotni davlat tomonidan tartibga solish mexanizmi*	190

Z.Suyarov B.Yo‘ldashaliyev M.Aytboyeva	*O’zbekistonda ayollar va erkaklarni teng huquqliligi ta’minlashda iqtisodiy faollikning ayrim jihatlari tahlili*	193
R.Ro’ziyev T.Turobov	*Ekologiyaning iqtisodiyotga ta’siri*	196
М.Мирмуминова	*Гендер тенглик шароитида аёллар меҳнати*	200
R.Ataxanov	*Amir temur iqtisodiy siyosatining ayrim masalalari*	203
R.Ataxanov J.Abduqayumov	*Amir temur tuzuklarida ijtimoiy-iqtisodiy adolat tamoyillari*	208
M.Kuchkarov M.Rustamova	*Analitik geometriya elementlarining vujudga kelishi va ahamiyati*	211
O.X.Maxmudov I.Mirzaraximov	*Andijon viloyatida aholi turmush darajasi va daromadlarini o’zgarish tendetsiyalari*	214
X.Muydinov X.Jo‘rayev M.Jumaboyeva	*Banklar faoliyatidagi kreditlashda ehtimollik nazariyasini qo’llash*	218
M.Yusupov M.Jumaboyeva	*Bulutli texnologiyalar tushunchasi*	221
D.X.Iskandarov J.Abduraximova J.Shavkatov	*Chorvachilik korxonalari faoliyatidagi o'zgarishlarni o'rganishda narxlar indeksi*	225
D.X.Iskandarov R.Ikromov L.Ismoilov	*Tanlanmalar bir jinsliligini tekshirish uchun noparametrik kriteriylar orqali matematika fanini boshqa fanlar bilan bog‘liqligini tekshirish*	229
X.Muydinov X.Jo‘rayev M.Jumaboyeva	*Ehtimollar nazariyasi va matematik statistikaning iqtisodiyot poydevoridagi o'rni*	232
M. Kuchkarov Z. Odashboyeva	*Ehtimolliklar nazariyasining tushunchalari – ilk o’rganuvchilar tasavvurida*	235
M.Yusupov F.Umarova	*Elektron hukumat va elektron hukumatni joriy etish jahon tajribasi*	238
I.Ergashev	*Erkinlikning namoyon bo‘lish shakllari*	241
I.Ergashev	*Falsafa tarixida iroda va ma’suliyat masalasi*	245
T.Abdullayev B.Yo‘ldashaliyev	*Ijtimoiy sheriklik va uning hozirgi davr uchun ahamiyati*	249
V.Abduraxmonov J.Abduqayumov	*Iqtisodiy o‘sishda innovatsion faollikni rivojlantirish yo‘llari*	253

F.Umarova	*Ishlab chiqarish omillari xaqida tushunchalar*	257
V.Abduraxmonov **F.Umarova**	*Korxonalarda aylanma mablag‘lardan samarali foydalanish yo‘llari*	261
M.Yusupov	*Matematik modellashtirishning uzumni quritish jarayoniga tadbiqi*	263
M.Kuchkarov **A.Olimov**	*Matematikaning tayanch tushunchalaridan bo‘lgan pifagor teoremasining vujudga kelishi va ahamiyati*	268
V.Abduraxmonov **A.Shakirjonov**	*O‘zbekistonda ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotni ta’minlash masalalari*	270
R.Ataxanov	*Temur tuzuklarida – demokratiya va inson huquqlari g’oyalari*	273
А.Тохиржонов	*Корхоналарни иқтисодий самарадорлигини ошириш*	276
Г.Саттикулова	*Развитие и оптимизация промышленного производства в узбекистане*	280
М.Т.Юсупов **А. Тожибоев**	*Системный подход к предварительной подгатовки сушки винограда*	281
Ф. Қувватова	*Янги ўзбекистонда бунёдкорлик эҳтиёжларини шакллантириш хусусиятлари*	286
	IV SHO‘BA- MOLIYAVIY MENEJMENT VA MARKETINGNI RIVOJLANTIRISHNING DOLZARB MASALALARI	
S.Zanabitdinov	*Effective personnel management in industrial enterprises*	290
O.X.Maxmudov **J.Abduraximova**	*Sanoatda biznesni rejalashtirishni iqtisodiy axamiyati va va uning ko’rinishlari*	293
O.X.Maxmudov **I.Xolmirzayev** **X. Sarimsaqov**	*O‘zbekistonda qishloq xo‘jaligini rivojlantirishda agroklaster faoliyatini o‘ziga xos jihatlari*	296
V.Abduraxmonov **O.Kamoliddinov**	*Sanoat korxonalari raqobatdoshligini oshirishda mahsulot sifatini boshqarishnin ahamiyati*	301

Ш. Аблазов	*Қишлоқ хўжалиги кооперативларининг ўзига хос хусусиятлари*	303
V.Abduraxmonov A.Anvarov	*Iqtisodiyotni barqaror rivojlanishida turizm sohasini axamiyati*	307
A.Boyqobilov U.Baxtiyorov	*Marketingda zamonaviy motivatsiya nazariyalari*	310
B.O’.Nazarova	*Turizm va uning taxlili*	313
G.Umarova	*Increasing foreign investment through bonds*	317
M.Axunov U.Shukurov	*O‘zbekistonda xalqaro transport yo‘laklari tizimini rivojlantirish*	320
Ф.Қувватова	*Янги ўзбекистонда бунёдкорлик эҳтиёжларини шакллантириш хусусиятлари*	323
М.Т.Юсупов А. Тожибоев	*Системный подход к предварительной подгатовки сушки винограда*	325
Д. Холматов	*Ўзбекистон агросаноат мажмусида логистика тизимини ривожлантириш*	329
К.К.Нумонов Р.Р.Солиев	*Экономика Узбекистана: реально ли дедолларизация*	341
М.Т.Юсупов А. Тожибоев	*Узумни қуритишда намликни тарқалишини компьютер модели*	348
Э. Сотволдиев **М.Нажмоддинова**	*Қишлоқ хўжалигида маркетинг коммуникациялари самарадорлигини баҳолаш*	351
С. Рустамова	*Бошқарув қарорларини қабул қилишдаги ўзига хос жиҳатлар*	355
M.T.Yusupov A.Tojiboev	*Taqsimlangan ma`lumotlar bazasi*	358
F.Umarova	*Zamonaviy axborot kommunikatsion texnologiyalari va menejment*	362

F.Umarova	*Menejment va uning tashkiliy tamoillari*	365
IV SHO‘BA-BUXGALTERIYA HISOBI VA AUDITNI XALQARO STANDARTLAR ASOSIDA RIVOJLANTIRISH YO`LLARI		
Э. Муйдинов	*Молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларига ўтишнинг солиқ оқибатлари*	368
Б. Салиев	*Сотиш ҳажмини оширишнинг молиялаштириш омилларини моделлаштириш*	371
Н. Холматова	*Молиявий ҳисоботларни ҳисоб сиёсатида ёритиб бериш масалалари*	375
Б. Салиев **Т. Сатторалиев**	*Молиявий ҳисоботларни халқаро стандартларга ўтказиш ва унинг иқтисодиётга тасири*	378
X. Qo’chqarov **M.Zafarjonov**	*Korxonalarda buxgalteriya hisobini tashkil etishning me’yoriy-huquqiy asoslari*	383
Н.Холматова **Д. Фарходов**	*Акциядорлик жамиятларида харажатлар ва даромадлар ҳисобини назорат қилиш*	386
B. K.Saliev **M.N.Baxodirov**	*Ma’suliyat markazlari bo‘yicha xarajatlarni boqarishning tahliliy masalalari*	388
З.Қосимова	*Аудитнинг ташкилий-услубий шаклини такомиллаштириш*	394
N.Xolmatova **M.Jumaboyeva**	*Qurilish korxonalari hisobotini mhxs asosida tuzish va taqdim etish*	398
F.Kholmirzayev **M.Mukhtorova**	*Perspective directions of increasing efficiency in the transport sector*	401
E.Sotvoldiyev	*Menejmentda korxonalar moliyaviy munosabatlarning ahamiyati*	403

M.O‘smonjonov	*Bulutli boshqaruv va bulutli tahlil*	408
Zanabitdinov S	*Effective personnel management in industrial enterprises*	411
M.T.Yusupov F.Xabibullayeva	*Axborot xavfsizligi va uni shakllantirish jarayoni*	414
J.Qurbonov M.Yigitaliyeva	*Iste’molchining bozordagi harakati*	417
Saydakbarova M Alijonov M	*O’zbekistonda soliq siyosatini takomillashtirishning ustivor yo’nalishlari*	420
Qurbonov J Rayxona X	*Raqobatlashgan monopol bozor, ustun jihatlari va kamchiliklari*	424
Qurbonov J Qodirova G	*Ishlab chiqarish hajmi samarasiga ko’ra firmaning optimal o’lchamini aniqlash*	427
Saydakbarova M Omonillo H	*Iqtisodiyotda korxonalarining iqtisodiy barqarorligini ta’minlash*	430
Saydakbarova M Shuhratbekov S	*Yalpi talab - yalpi taklif modeliga kirish*	432
Egamberdieva B	*Unlocking efficiency: key factors influencing the success of small businesses*	436
Yo’ldashaliyev B	*Aholi turmush darajasini oshirish va hududlarni iqtisodiy rivojlantirish omillari*	439
Orifjonov B	*Bozor iqtisodiyoti sharoitida talab va taklif muvozanatiga ta’sir etuvchi omillar*	442

I-SHO‘BA

INNOVATSION TEXNOLOGIYALAR YORDAMIDA TA’LIM SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO‘LLARI

Tohirov Farruhbek Baxtiyorovich
TDIU Andijon fakulteti o‘qituvchisi

Annotatsiya: Maqolada O‘zbekiston Respublikasi ta’lim tizimini rivojlantirishda ilg‘or pedagogik texnologiyalarni joriy etilishi va ushbu jarayonning samarali tashkil etilishida bir nechta muhim omillar qay darajada ahamiyat kasb etishi va istiqboldagi samarali jihatlar haqida ilmiy fikr va mulohazalar yoritilgan.

Kalit so‘zlar: zamonaviy texnologiya, ilg‘or pedagogik texnologiya, axborot texnologiya, raqamli texnologiya, metod, vitual- stend, internet, xalqaro tajriba, kredit-modul tizimi.

Аннотация: В статье рассматриваются вопросы внедрения новых и передовых педагогических технологий в развитие системы образования Республики Узбекистан, а также значимость ряда важных факторов в эффективной организации этого процесса и перспективы на будущее.

Ключевые слова: современные технологии, передовые педагогические технологии, информационные технологии, цифровые технологии, метод, виртуальный стенд, интернет, международный опыт, кредитно-модульнаясистема.

Abstract: The article of the education system and the introduction of new and advanced technologies in the development of this process is effective in the creation of a number of important factors, and how important and effective approach for the future of scientific opinions and comments about the coverage.

Keywords: modern technologies, advanced pedagogical technologies, information technologies, digital technologies, method, virtual stand, internet, international experience, credit-module system.

Bugungi zamonaviy jamiyatda inson faoliyatining eng keng sohalaridan biri - bu ta’lim hisoblanadi. Oxirgi yillarda ta’limning ijtimoiy roli ortib, dunyoning aksariyat davlatlarida ta’limning barcha turlariga bo‘lgan munosabat o‘zgardi. Ta’lim ijtimoiy va iqtisodiy taraqqiyotning bosh, yetakchi omili sifatida qaralmoqda. Bunday e’tiborning sababi zamonaviy jamiyatning eng muhim qadriyati va asosiy kapitali - bu yangi bilimlarni izlash, egallash va nostandart qarorlar qabul qilishga qodir bo‘lgan inson hisoblanadi. Shunday ekan, hozirgi davrda ta’lim shaxs va jamiyatni rivojlantirishda hal qiluvchi rol o‘ynaydi.

Ma‘lumki dunyodagi mavjud barcha jamiyatning kelajagi, taraqqiyoti ta‘lim tizimining qay darajada taraqqiy etgani bilan belgilanadi. Shu boisdan ham, hozirda mustaqil taraqqiyot yo‘lidan ildam borayotgan davlatimizning uzluksiz talimni isloh

qilish va takomilashtirish, yangi sifat bosqichiga ko‘tarish, unga ilg‘or pedagogik va axborot texnologiyalarini joriy qilish hamda samaradorligini oshirish davlat siyosati darajasiga ko‘tarilgani ham sir emas. Ta‘lim-tarbiya jarayoni murakkab jarayon hisonlanadi. Uning murakkabligi shundaki, modernizatsiya sharoitida ta’limning samaradorligiga erishishdir, samaradorlikka erishish esa ko‘plab omillar, xususiyat va tendensiylar bo‘lishini talab etadi [1].

Birinchi navbatda, ta’lim oluvchi va ta’lim beruvchida motiv shakllanganligi, ularning orasida o‘zaro munosabat faollik nuqtai nazaridan bog‘langanligi, ta’lim oluvchi yangi bilimlarni egallashga bo‘lgan ehtiyojini qondirishga harakatda bo‘lishi, ta’lim beruvchi esa darsni tashkil etishda uning mukammalligiga, to‘gri tashkil etilishiga, metodika esa talabga javob beradigan darajada tuzilganligi kabi xususiyatlarni o‘zida mujassamlashtirgan bo‘lishi lozim.

Yurtboshimiz tashabbuslari bilan yangi davrga qadam qo‘yilayotgan bir davrda keng fikrlash doirasiga ega , bilimlarni chuqur egallagan, o‘z sohasida yetuk va davr talabiga javob beraoladigan shaxslarga bo‘lgan etibor va talab kuchayotgani yana bir karra, modernizatsiyalangan ta’limni va sifatli tashkil etilgan ta’limni joriy etish masalasini ko‘ndalang qilib qo‘yadi. Shu sababli ham, bilimdon, tashabbbuskor, jamiyatda faol va o‘z mehnatida bilan dunyoni zabt etaoladigan shaxs shaklllantirilishi lozim.

O‘ylaymanki, hozirgi davr nuqtai nazaridan kelib chiqib bunday talablarga javob bera oladigan va yuqorida sanab o‘tilgan xususiyatlarni o‘zida mujassamlashtirgan shaxsni shakllantirishda quyida mezonlarni tashkil etilish muhim ahamiyat kasb etadi:

- ♣ Zamonaviy va ilg‘or ta’lim texnologiyalari
- ♣ Raqamli texnologiya + zamonaviy va ilg‘or pedagogik texnologiya
- ♣ Xalqaro tajribalar

Avvalo ta’lim texnologiyalari haqidagi tushunchaga urg‘u bersak, ta’lim texnologiyalari ta’lim tizimini konseptual asoslariga dalil keltirishdan, o‘quv materiallarini tanlash va strukturalashdan, ta’lim modelini tanlashdan to ularni amalga oshirishgacha, ularning optimallik va samaradorlik darajasini baholashgacha loyihalashtirishdan tashkil topganligi uning tub mohiyatini ochib beradi. Vaholangki, optimallik va samaradorlik darajasini noan’anaviy usullarini ta’limga olib kerish va uning ilg‘origini ta’minlash zamonaviy pedagogik texnologiyalarning tashkil etishga zamin yaratadi [2].

Zamonaviy pedagogik texnologiya mohiyati shundan iboratki, u mavjud texnologiyalari bilan bir safda turadi, buning sababi har bir texnologiya o‘zining metodi, shakli, uslubi va qo‘llanish doirasiga egaligidir. Ammo ta’kidlab o‘tilgan zamonaviy pedagogik texnologiyalar tubdan farq qilib, ular murakkab va tushunish ancha chigal bo‘lgan kompleks tushuncha yoki pedagogikaga xos bo‘lgan bilimlar sohasini aniq va tushunarli ifoda eta olishi bilan mavjud texnologiyalardan farq qiladi. **Masalan,** “Klaster” metodi , “3X4” metodi, “Bumerang” metodi, “Iyearxiya”

metodi, “Muammoli ta’lim” metodi , “Keys stadi” metodi va bu metodlarni ko‘plab davom ettirishimiz mumkin. Quyida keltirib o‘tilgan metodlar ta’limda joriy etilgan zamonaviy pedagogik texnologiyalar turkumi bo‘lib, ularning maqsadi bilimlarni puxta egallashga ko‘mak berish, samaradorlikni ta’minlash ongni yuksalshtirish va talabalarni har xil vaziyatlarga moslashuvchanligini ta’minlashdir [3].

Shuni ta’kidlab o‘tish joizki, zamonaviy pedagogik texnologiyalar boshqa sohalardagi texnologik jarayonlar bilan birgalikda birlasha oladi, o‘z mazmun mohiyatini boyitib boradi va ta’lim jarayonida samarali yondashuvning yangi imkoniyatlarini ochib bera oladi. Bunga misol tariqasida axborot texnologiya, raqamlitexnologiya va zamonaviy pedagogik texnologiyalar uyg‘unlashuvini misol qilib keltirish mumkin. Fikrimizni oydinlashtiradigan bo‘lsak, axborot texnologiya,raqamli texnologiya va zamonaviy pedagogik texnologiyalar uyg‘unlashuvi «O‘quvchi - kompyuter-simsiz tarmoqlar (internet) – Pedagog» o‘rtasidagi muloqot deb atash mumkin. Bular yangi davr pedagogik texnologiyaning tarkibiy qismi bo‘lib, u ta’lim jarayonida texnik vositalarning mukammallashgan zamonaviy turi sifatida qo‘llana boshlandi.

Ta’lim berish va ta’lim olishning zamonaviy turi keng jamoatchilikka havola etilmoqda ya’ni masofaviy ta’limda ta’lim olishga muvaffaq bo‘lindi, albatta masofaviy ta’limni biz «Talaba- kompyuter-simsiz tarmoqlar (internet)-pedagog»larning uyg‘unlashuvisiz tasavvur etib bo‘lmaydi. Bu kabi dars mashg‘ulotlarini yo‘lga qoyilishida raqamli texnologiyalar muhim ahamiyat kasb etadi. Biz albatta, simsiz tarmoqlari, internet tarmoqlari va albatta kompyuter texnologiyalar bilan darsni maqsadini ushbu sharoitda amalaga oshirdik. Bu esa hozirda ta’limdagi eng zamonaviy yondashuv hisoblanib, shu sabadan ham ta’limda yangicha yo‘nalish olib kira oldik desak mubolag‘a bo‘lmaydi.

Masovafiy ta’limdan tashqari raqamli texnologiya-axborot texnologiya - zamonaviy pedagogik texnologiyani uyg‘unlashuviga dastur ilovalarorqali darsni tashkil etish haqida ham ko‘plab ma’lumotlar keltirish mumkin. Hozirda joriy etilgan va boshqa o‘quv yurtlarida tashkil etilayotgan «online jurnal» dasturini, videokonfrensiyalar o‘tkazishni, «videotopishmoq» ta’lim texnologiyasini va virtual stendlarni misol tariqasida keltirish mumkin. Shu o‘rinda virtual stend tushunchasiga tushuntirish beradigan bo‘lsak, virtual stend – o‘quv amaliy stendi yoki o‘quv-malaka ustaxonasi bo‘lib, o‘quvchi- talabalarning nazariy bilimlarini mustahkamlashga, kompyuter dastur va texnologiyalari orqali ma’lum yo‘nalishda zaruriy ko‘nikmalarni hosil qilishga yordam beradi. Virtual stendlar har bir o‘quvchi-talaba uchun texnikaga o‘zining kirish parametrlarini «buyurishga», o‘z bilimlarini nazorat qilishga imkon beradi. Ta’limni modernizatsiyalash va samaradorligi haqida so‘z yuritar ekanmiz, unda yana bir muhim omil xalqaro tajribalar o‘zlashtirishni nazarda tutish maqsadga muvofiq albatta. Xalqaro, chet el tajribasi ya’ni ta’limda o‘z yo‘nalishiga va uslubiga ega bo‘lgan davlatlarning ilg‘or tajribalarini olib kirish hozirda mamalakatimiz davlatsiyosati oldida turgan maqsadlardan biri desak mubolag‘a bo‘lmaydi.

Birobarin, “O‘zbekiston Respublikasi Xalq tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasi” sini tasdiqlanishi buning yaqqol isbotidir. Ushbu konsepsiya O‘zbekiston Respublikasi umumiy o‘rta va maktabdan tashqari ta’lim tizimini tizimli isloh qilishning ustuvor yo‘nalishlarini belgilash, o‘sib kelayotgan yosh avlodni ma’naviy-axloqiy va intellektual rivojlantirishni sifat jihatidan yangi darajaga ko‘tarish, o‘quv-tarbiya jayoniga ta’limning innovatsion shakllari va usullarini joriy etish maqsadida tasdiqlandi, shu bilan birga O‘zbekiston respublikasining 2030-yilga kelib PISA (The Programme for International student Assessment) Xalqaro miqyosda o‘quvchilarni baholash dasturi reytengi bo‘yicja jahonning birinchi 30 ta ilg‘or mamlakati qatoriga kirishishiga erishish yana birustuvor maqsaddir, shuningdek

♣ uzluksiz ta’lim mazmunini sifat jihatdan yangilash, shuningdek professional kadrlarni tayyorlash, qayta tayyorlash va malakasini oshirish

♣ o‘qitish metodikasinini takomillashtirish, ta’lim tarbiya jarayonida individullashtirish tamoyillarini bosqichma-bosqich tatbiq etish,

♣ xalq ta’limi sohasidagi zamonaviy axborot kommunikatsiya texnologiyalari va innovatsion loyihalarni joriy etish kabi vazifalarni bajarish odinga maqsad qilib qo‘yildi va vazifalarni bajarish bo‘yicha ilk qadamlar tashlanmoqda.

Yana bir xalqaro tajribalarni joriy etish doirasida, Koreya davlatining tajribasi olib kirildi bu tajriba barchaga ma’lum bo‘lgan kredit-modul tizimidir. Ushbu kredit-modul tajribasi Koreya davlatida yaxshi samara berganligi sababdan ham, bu xalqaro va ilg‘or tajriba ayrim oliy o‘quv yurtlarimizda tashkil etildi. Va o‘quv yurtlarida ta’lim kredit-modul tizimini joriy etish bilanoq, ta’limda sifatni yanada yaxshilanganligini ko‘rish mumkin.

Darhaqiqat bu kabi o‘z sinovidan o‘tgan va yaxshi samara beradigan xalqaro tajribalar bundan keyin ham o‘zlashlashtirib boriladi va umid qilamanki, ta’lim tizimimizni modernizatsiya qilishda o‘zining samaradorligibilan namoyon bo‘ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Xalq ta’lim tizimini takomillashtirish bo‘yicha qo‘shimcha chora tadbirlari to‘g‘risida” gi farmoni PF-5538 son. 05.09.2018 yil.

2. N.Muslimov, Z.Raximov, X.Qodirov “Ta’lim texnologiyalari” darslik. Toshkent-2017. 11- bet.

3. M.F. Hakimova, N.X. Xo‘jayev, D.Q. Axmedov. Zamonaviy pedagogik texnologiyalar. O‘quv qo‘llanma.– T.:TDIU nashr., 2006 y, 52-53-betlar

IMPROVING PRONUNCIATION ON SECOND LANGUAGE LEARNERS THROUGH INNOVATIVE EDUCATIONAL TECHNOLOGIES

Mo'minova Muslimaxon Muxiddin qizi
English teacher Andijan faculty
TSEU, Uzbekistan
moosleema@mail.ru

Annotation: *Pronunciation is one of the main challenges for English language learners in their learning. "Pronunciation is the main aspect which makes languages different all over the world" (Boyer, 2001, p. 14).*
Keywords: *pronunciation, innovative technologies, misunderstanding, fluency, accuracy.*

In English, fluent pronunciation makes speakers understand and communicate with each other easily. If the speaker pronounces the words incorrectly, it leads to misunderstanding among the conversation with the listeners. It is not necessary to speak like a native speaker, but learners should speak well enough to be understood. At all levels, it is very important as any language is not a language without pronouncing its letters correctly to be understood by the listeners. The learners should know not only about pronunciation but also the grammar and vocabulary to speak well. In this way, their pronunciation is easily understood by others.

"Pronunciation can also be helped through a deliberate focus on individual sounds, consonants clusters, and supra-segmentals. Fluency activities may also have a role to play in the improvement pronunciation" (I.S.P Nation and Jonathan Newton, 2009, p. 96). As fluency and accuracy influence each other, using easy tasks to develop fluency may also have a positive effect on the accuracy of pronunciation. Having a good pronunciation of the words can help in easy communication, mainly, it increases intelligibility among speakers. The aim of speaking is both intelligible, understandable, and acceptable to the recipients who listen to the pronunciation. Pronunciation plays a crucial role in both our personal and our social lives: we show our identity via the way we speak, and also indicate our membership and particular communities as individuals. At the same time or sometimes also in conflict with this identity function, our pronunciation is responsible for intelligibility: whatever or not we can convey our meaning (R.Carter and D.Nunan, 2001, p. 56).

As a tool, innovative technologies have a huge role to achieve the goal of teaching. Innovative technologies improves collaboration of the learners in educational setting. Collaboration is facilitated by educational technology, allowing not just teachers to interact with students in the course of lessons, but also enabling students to engage in communication with their peers. Incorporating basic technological tools like PowerPoint presentations, interactive games, online

assignments, or assessment systems can significantly impact the academic development of the language learners. Utilizing online lessons and educational games, students have the opportunity to collaboratively tackle problem-solving tasks. It is dealt with the belief that improving the pronunciation with help of the digital tools and increases the learning activities of the students within the time limit long enough. That means the learning activities of the students through the innovative technologies make the learning process more productive and it will cause better learning outcomes than without the help of them.

In addition, the process of watching colorful presentations, playing educative games with the help of Internet like Kahoot, Padlet, Quzlet, Bamboozle and other interactive activities reinforce learning procedure. These modern interactive platforms enable for the teacher to gamify the classroom by creating online games and quizzes or using samples. Moreover, the learners can create beautiful projects, improve language skills, mainly speaking and pronunciation by practicing the words, answering the given questions with each other. These technological tools are easy to share and collaborate on. These innovative websites give variety options for learners like multiple choice quizzes, brainstorm, crossword, matchup and word search.

On the other hand, these innovative activities may be challenging for learners as these activities are dealt with the internet but it makes them think and practice too. By watching English videos and movies, listening audios or podcasts by innovative tools, the learners can speak English well enough and keep in mind a new vocabulary and pronounce it without difficulties. We can see the students’ ability to understand the videos and movies to increase pronunciation.

All of these will influence language learners during learning in the class and they will not feel bored. Interesting technological tools will support the students to imitate what they see and listen to, so it will influence their understanding of communication by using English. During learning activity, the teacher guides and corrects the students’ errors in pronunciation and spelling, so the result of teaching and learning activities by using innovative technology as a tool will succeed.

Psychologist Carl Rogers proposed new view of education named “student-centered” that placed main focus on the learners, in opposition to “teacher-centered” viewpoints. With the use of innovative tools, the learning process is student-centered that leads language learning process will be more effective and engaging.

The learners can acquire knowledge and speak more fluently when they know more words and their usage in the context. Utilizing modern technologies is a huge motivation for learners who would like to improve their pronunciation. The lessons should involve the use of innovative teaching technologies to ensure the successful achievement of our teaching objectives.

References

1. Boyer, S 2001. Understanding English pronunciation: An integrated practice course.

2. Glenbrook: Boyer Educational Resources.
3. I.S.P Nation and Newton Jonathan, Teaching ESL/EFL Listening and Speaking, (New York: Routledge, 2009).
4. R.Carter and D.Nunan, “The Cambridge guide to teaching English to speakers of other languages” (The Edinburgh building, Cambridge, UK, 2001).
5. Rogers, C.R. (1951). Client-centered therapy. Houghton Mifflin.

ANIQ INTEGRALLAR VA ULARNI AMALIY MASALALARDA QO’LLASHNING AHAMIYATI


M. Kuchkarov
TDIU Andijon fakulteti
Ijtimoy-gumanitar fanlar kafedrasi
dotsenti, p.f.b.f.d.(PhD)
M. Jumaboyeva
TDIU Andijon fakulteti
1-kurs BXA talabasi

Annotatsiya. Maqolada integral tushunchasi va uning kelib chiqish tarixi haqida batafsil ma'lumotlar keltirilgan. Integrallarning bir-biridan farqi aniq misollar yordamida tushuntirilgan. Aniq integral tushunchasi va uni amaliy masalalarda qo‘llanilishi keng yoritilib, ayrim teoremalarga doir qarshi misollar taqdim qilingan.

Kalit so‘zlar: cheksiz kichik, maydon, qattiq jismning hajmi, integral, aniqmas integral, yuza, sirt integrali, aniqmas integral belgisi.

Integralning tarixiy rivojlanishi, integralini hisoblashning metodlarini o'rganish XVII-XVIII asrlarga borib taqaladi. Bu davrda, integralning nazariyasi va amaliyoti kengaydi va matematikada integrallashni o'rganishga katta e'tibor qaratildi. Integral atamasi birinchi marta lotin tilida 1690 yilda Jakob Bernulli tomonidan nashr etilgan asarda qo’llanildi.

$[a,\ b]$ oraliqdagi x haqiqiy o‘zgaruvchiga nisbatan (x) haqiqiy qiymatli funksiyaning integrali quyidagicha yoziladi $\int_a^b f(x)dx$ Integral belgisi $\int$ integrallash amalini ifodalaydi. x o'zgaruvchining differensiali deb ataladigan dx belgisi integral o’zgaruvchisi x ekanligini ko’rsatadi. Aniq integral matematika analizining bir muxim tushunchasi, funksiyalar uchun limiti sifatida hisoblanadigan holati.Aniq integralni



hisoblash uchun Nyuton-Leybnis formulasini kullaniladi, va bu formula aniq integralni boshlang'ich funksiyaning integrallash oralig'idagi orttirmasiga teng. Aniq integralning xossalari boshlang'ich funksiyaning b va a nuqtalardagi qiymatlaring F(b) – F(a) ayirmasidir. Bu tushuncha yordamida, yo'llar, iyersiya momentlarini, hokazalarni va egri chiziqli trapetsiyaning yuzini hisoblaydigan masalalar hisoblanmoqda.

$f(x)$ funksiya integrallanuvchi funksiya, a va b nuqtalar integrallash chegarasi (yoki shunchaki integral chegarasi). Funksiyaning o’z aniqlanish sohasidagi integrali chekli bo’lsa, integrallanadigan funksiya deyiladi. Agar chegaralar mavjud bo’lsa yoki aniqlansa, integral aniq integral deyiladi. $\int (x)$ integral aniqmas integral deb ataladi, u hosilasi integral bo’lgan funksiyalar sinfini (qarshi hosilani) ifodalaydi, desak bo’ladi. Hisoblashning asosiy teoremasi aniq integrallarni aniqmas integrallarga bog’lashni baholaydi. Uzluksiz sohalarda va yoki bir nechta o’lchamlarda integralni qamrab olish uchun integral belgilarining bir nechta kengaytmalari mavjud. Integrallar ko’pgina amaliy vaziyatlarda yuzaga keladi. Masalan, tubi tekis bo’lgan to’rtburchaklar shaklidagi suzish havzasining uzunligi, eni va chuqurligidan undagi suv hajmini, sirtining maydonini va atrofining uzunligini aniqlash mumkin. Ammo agar u yumaloq tubi bilan oval bo’lsa, bu miqdorlar uchun aniq va qat’iy qiymatlarni topish uchun integrallar talab qilinadi. Har bir holatda, qidirilayotgan miqdorni cheksiz ko’p cheksiz kichik bo’lakchalarga bo’lish mumkin, so’ngra aniq yaqinlashishga erishish uchun bo’laklarni yig’ish orqali natijaga erishish mumkin.

Integral belgisini rasmiy belgilashning ko’pgina usullari mavjud, ularning hammasi ham bir xil yoki ekvivalent emas. Farqlar, asosan, boshqa ta’riflar ostida birlashtirilishi mumkin bo’lmagan, balki ba’zan pedagogik sabablarga ko’ra turli xil maxsus holatlar bilan shug’ullanish uchungina mavjud. Eng ko’p qo’llaniladigan ta’riflar Riman va Lebeg integrallaridir. Riman integrali. Riman-Darbu va Lebeg integrali. Integral ostidagi chegaraga o’tish ko’pincha nazariy jihatdan ham, amaliy jihatdan ham qiziqish uyg’otadi. Masalan, ko’pincha tegishli ma’noda muammoning yechimiga yaqin bo’lgan funksiyalar ketma-ketligi tuzilishi mumkin. U holda yechim funksiyasining integrali yaqinlashishlar integrallarining limiti bo’lishi kerak. Biroq, chegara sifatida olinishi mumkin bo’lgan ko’plab funksiyalar - limit teoremalari Riman integrali bilan bajarilmaydi. Shu sababli, integralning kengroq sinfini integrallash imkonini beruvchi ta’rifga ega bo’lish katta ahamiyatga ega. Bunday integral Lebeg integralidir, u integrallanuvchi funksiyalar sinfini kengaytirish uchun quyidagi faktdan foydalanadi: agar funksiya qiymatlari soha bo’yicha qayta tartiblangan bo’lsa, funksiyaning integrali bir xil bo’lib qolishi kerak. Shunday qilib, Anri Lebeg o’z nomi bilan atalgan integralni kiritdi.

Murakkab holatlarda qaralayotgan to’plamlar uzluksiz va intervallarga o’xshash bo’lmagan holda bo’laklarga bo’linishi mumkin. Boshqa integrallar. Riman va Lebeg integrallari integralning eng ko’p qo’llaniladigan ta’riflari bo’lsada, bir qator boshqa ta’riflar ham mavjud. Alfred Haar integrali.Matematikada integral cheksiz kichik ma'lumotlarni birlashtirish natijasida yuzaga keladigan siljish, maydon, hajm va boshqa tushunchalarni tavsiflaydigan tarzda funksiyalarning qiymatlarini aniqlab beradi. Integrallarni topish jarayoni integrallash deb ataladi. Integrallar ikki asosiy tipga ajratilib, ular aniq integrallar va aniqmas integrallar deb yuritiladi. Aniq integral - matematik analizning eng muhim tushunchalaridan biridir.

Egri chiziq bilan chegaralangan yuzalarni, egri chiziqli yoylar uzunliklarini, hajmlarni, bajarilgan ishlarni, yo’llarni, inersiya momentlarini va hokazolarni hisoblash masalasi shu tushuncha bilan bog’liq. Aniqmas integrallar, esa berilgan funksiyaga qarshi hosila tushunchasini ham anglatadi. Integrallarni hisoblashning asosiy usullar, albatta aniq integrallarni differensiallash bilan bog’liq bo’lib, funksiyaning hosilasi ma’lum bo’lganda, uning aniq integralini hisoblash bir qadar osonlashadi va shu asnoda qoidalar yuzaga keladi. Maydonlar va hajmlarni hisoblash usullari qadimgi yunon matematikasidan kelib chiqqan bo’lsa-da, integrallash usullari va tamoyillari XVII-asr oxirida Isaak Nyuton va Gotfrid Vilgelm Leybnits tomonidan alohida mustaqil ravishda ishlab chiqilgan bo’lib, ular egri chiziqning ostidagi maydonni cheksiz kichik kenglikdagi to’rtburchaklarning cheksiz yig’indisi deb hisoblaganlar.

Integrallarni hisoblashdagi eng katta muvaffaqiyat XVII asrda Leybnits va Nyuton tomonidan integral hisobning asosiy teoremasini mustaqil ravishda bir-birlaridan bexabar holda kashf etishlari bilan yuz berdi. Ular integrallash va differensiallanish o’rtasidagi bog’liqlikni ko’rsatadi. Ushbu bog’liqlik, differensiallashning qiyosiy qulayligi bilan birgalikda integrallarni hisoblash uchun ishlatilishi ham mumkin edi. Xususan, hisob-kitoblarning asosiy teoremasi ancha kengroq sinfdagi muammolarni hal qilishga imkon beradi. Leybnits va Nyuton tomonidan ishlab chiqilgan keng qamrovli matematik tizimning ahamiyati bir xil edi. U uzluksiz sohalar ichidagi funksiyalarni aniq tahlil qilish imkonini berdi.

Integrallash amali birinchi marta Riman tomonidan aniq chegaralar yordamida qat’iy qonunlar yaratilda va rasman tan olindi. Integral belgisi tarixi haqida. Aniqmas integralning bugungi ko’rinishdagi belgisi 1675 yilda Gotfrid Vilgelm Leybnits tomonidan kiritilgan bo’lib, u ∫ integral belgisini yig’indi (summa) ni bildiruvchi ∫ (uzun s) harfiga (summa deb yozilgan; lotincha «sum» yoki «jami») moslashtirilib kiritilgan. Integral belgisi ustida va ostida chegaralari bo’lgan aniq integralning zamonaviy yozuvi birinchi marta Jozef Furye tomonidan 1819–1820 yillarda

Fransiya akademiyasining a’zolari orasida qo‘llanilgan va o’zining 1822 yil kitobida qayta nashr etilgan.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. A.Ahlimirzayev, A.Rizayev, M.Ibragimov, M.Kuchkarov. Oliy matematika (1-qism)/ o’quv qo’llanma/ Toshkent “Turon-iqbol”, 2015.
2. Yo.U.Soatov. Oliy matematika 1-jild./darslik/ Toshkent, «O‘qituvchi», 1992.
3. M.Kuchkarov, B.Umaraliyev. Oliy ta’limda talabalarning mustaqil fikrlash faoliyatini rivojlantirish. Республика илмий-амалий анжумани материаллари.– Андижон: АндМИ,2022
4. M.Kuchkarov. The importance of using applied mathematics In teaching process. Journal of Pedagogical Inventions and Practices //**ISSN NO: 2770-2367**//USA, **Date of Publication: 04-11-2022**

КИЧИК БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЎРНИ ВА РОЛИ

Сатвалдиев Азизжон Аҳмаджонович,
ТДИУ, Андижон факультети Маънавият ва ёшлар ишлари бўйича декан ўринбосари психология фанлари фалсафа доктори(PhD) доцент,

Кичик оилавий бизнес- тадбиркорлик фаолиятининг дунёда энг кенг тарқалган ва кўп асрлик анъаналарга таянувчи шаклидир. Ривожланган бозор иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларда оилавий фирмалар, жамият фаровонлиги ва ривожланишининг асосини ташкил қилади, ишлаб чиқариладиган товарлар ва кўрсатиладиган хизматларнинг каттагина қисми унинг зиммасига тўғри келади. Шу билан бирга кичик оилавий бизнесни ривожлантириш мамлакат учун нафақат иқтисодий, балки ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга эга. Ҳаттоки у кичик бўлсада, ўз бизнесига эга бўлган оилада интилгани мақсад, фарзандларини ўстиргани сабаб, мерос қилиб қолдиргани нарса мавжуд бўлади. Шундай қилиб мамлвкатда аста секинлик билан ўзи учун ишлай олувчи ва шу билан бир вақтда давлатга ҳам салмоқли даромад келтирирувчи мулкдорларнинг ўрта синфи шаклланади. Ўрта синф – жамиятнинг ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг асоси.

Ўзбекистон Республикаси”Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонунининг кучга киритилиши (Конун 2012 йилнинг 24- апрелидан бошлаб кучга кирди) мамлакатимизда кичик оилавий бизнес ривожлантириш учун ҳуқуқий асосини яратди.

Оила хонадонда эр-хотин ва болаларнинг манфаатини уйғунлаштиради, уларнинг саъй-харакатига умумий йўналиш беради. Шу боис рўзғор юритишнинг бир катор тамойиллари борки, уларга риоя қилиш керак бўлади. Биринчи тамойил - оиланинг хатти-харакати барча оила аъзолари талаб эхтиёжини қондиришга бўйсуниши талаб қилинади.

Иккинчи тамойил - оиланинг иқтисодий фаолиятига оид қарори демократик асосда қабул қилиниши керак. Агар бу қарор оиланинг айрим аъзоси томонидан қабул қилиниб ижро этилса, у холда хам бошқа оила аъзоларининг манфаатларини кафолатлаши талаб қилинади.

Учинчи тамойил - оила иқтисодий рационализм қоидасига риоя этиши керак, яъни оила ўз фаровонлигини оширишнинг энг нафли йўлидан бориши керак.

Туртинчи тамойил - альтернатив (мукобил) танлов қоидасига амал қилиш керак. Оиланинг эхтиёжи кўп бўлади, лекин унинг топган даромади чекланган холда бўлиб, хамма эхтиёжларни қондиришга етмайди. Шу боис, эхтиёжларнинг энг зарури танлаб олиниши ва улар кам сарф билан қондирилиши лозим булади.

Бешинчи тамойил - иктисодий компромисс (муросага келиш) қоидасига амал қилиш. Бунда оила аъзолари оила фаровонлигини ошириш учун ким нима иш қилиши, кимнинг индивидуал эхтиёжини қачон қондириш ҳақида бир қарорга келиши ва уни ҳамжиҳатлик билан амалга ошириши талаб қилинади. Оиладаги компромиссни уйнинг ёши улуғлари (ота, она, қайнота, қайнона, ака, опалар) хал этиши мумкин.

Олтинчи тамойил - оила даромадлари ва харажатларини режалаштириш, уларнинг бир-бирига мувофиклигини таъминлаб, оила бюджетидаги камомадга йўл қўймаслик. Ушбу тамойиллар оиланинг аҳл ва баркамол бўлишини, оила турмушини муттасил яхши бўлишини таъминлашга қаратилади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ва иқтисодиётни барқарор юқори суръатларда ривожлантириш натижасида ахоли турмуш даражаси муттасил ошиб, оилаларнинг иқтисодий асослари янада мустахкамланиб бормокда. Ўтган 22 йиллик мустақил тараққиёт даврида Ўзбекистон иқтисодиёти 4,1 баробарга ўсди. Аҳоли жон бошига нисбатан усиш 3 баробардан зиёдни ташкил этди. Бунинг оқибатида аҳолининг реал ялпи даромадлари жон бошига 8,2 баробар ошди. Бугунги кунда ҳар учта оиланинг биттаси шахсий енгил автомобилга эга. Хар 100 та оилага ўртача 80 та холодильник, 146 та телевизор тўғри келмокда. Шунингдек, аҳолининг кир ювиш машиналари, чангютғич, микротўлқинли печ, шахсий компьютер ва бошқа зарур воситалар билан таъминланиш даражаси ортиб бормокда. Аҳолининг истеъмол харажатлари 2013 йилда 2000 йилга нисбатан 9,5 баробар ошди. Сўнгги йилларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган энг муҳҳим озик-овкат ма^сулотлари буйича истеъмол ҳажми муттасил ўсиб бормокда.

Мустақиллик йилларида гўшт истеъмоли 1,4 марта, сут - 1,3 марта, сабзавот ва полиз махсулотлари - 2,6 марта, мевалар истеъмо-ли 6,4 марта ошди.

Ўзбекистонда аҳоли даромадлари ва турмуш даражасининг муттасил ўсиб, оилалар иқтисодий асосларининг мустахкамланиб боришида мамлакатимизда юқори ва мутаносиб иктисодий ўсишнинг таъминланганлиги, ишбилармонлик-бизнес юритиш учун амалий қулай шароитнинг яратилганлиги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни хар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, ижтимоий сохани ривожлантириш, иш жойларини шакллантириш ва аҳоли бандлиги, уй-жойлар куриш ва ахоли пунктларини ободонлаштириш, таълим-тарбия ва соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ этиш ва такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар мухим омиллар бўлиб хизмат қилмоқда.

Оила ўз мақомига кўра бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий фаолият сохаларида турлича иштирок этади. Ишлаб чикариш билан бевосита ўз номидан шуғулланувчи оилалар борки, улар оилада якка тартибда ишловчилар, оилавий дехкон ва фермер хўжаликлари, кичик оилавий фирмалар, хунармандчилик корхоналаридан иборатдир. Айни вақтда шундай оилалар хам борки, уларнинг вакиллари турли фирма, корхона ва хўжаликларда ёлланган ходим сифатида ишлаб чиқаришда қатнашадилар, шу билан бирга майда тижорат билан хам шуғулланадилар. Яна бир тоифа оилалар борки, улар бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқаришда ва ўз хўжалигида мехнат қилиб пул топадилар. Масалан, турли корхоналарда мехнат билан банд бўлган ишчилар ўз ёрдамчи (томорка, дехкон) хужаликларида хам мехнат қиладилар.

Мамлакатимизда оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг хуқуқий-меъёрий Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оклаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. / Мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг мухим устувор йуналишларига бағишланган Вазирлар Махкамасининг мажлисидаги маъруза. // "Халк сузи", 2014 йил 18 январь асосларининг яратилганлиги учун хам тадбиркорликнинг ушбу шакли кенг ривож топмоқда. Бунинг натижасида оилалар даромадлари таркибида тадбиркорликдан олинаётган даромадлар аҳоли ялпи даромад-ларининг ярмидан зиёдини ташкил этмокда. Холбуки, Мустакил Давлатлар Хамдустлиги мамлакатларида бу курсаткич уртача 20-25 фоиздан ошмайди2.
Оилавий тадбиркорликнинг ахамияти кат-та. Биринчидан, у ахоли учун зарур булган махсулот ва хизматларни яратади, иккин-чидан, оиладаги ишчи кучини мехнат билан банд этиб, оилага уз- узини даромад билан таъминлаш имконини яратади. Оилавий тадбиркорликнинг бир катор афзалликлари борки, булар уни ракобатбардош килади:

1) оилавий тадбиркорлик кичик булгани сабабли катта капитал талаб килмайди, уни бошлаш учун пул топиш енгил булади;
2) оилавий тадбиркорлик оиланинг ихтиёридаги кўчмас мулкка таянади, у уйда юритилгани учун капитал қурилиш ёки жойи ижарага олишни талаб қилмайди;
3) оилавий тадбиркорлик оммавий истеъмол учун эмас, балки махаллий бозордаги сайланган истеъмолчилар учун ишлайди. Унинг бозори кичик булгани учун рақобатга кам йўлиқади;
4) оилавий тадбиркорлик кўпрок қўл меҳнатини талаб қилувчи махсулот ва хизматларни арзон ишлаб чиқаришга мосланади;
5) оилавий тадбиркорлик оиладаги бекор турган меҳнат захираларига таянади, яъни бекалар, болалар ва қариялар кўмагида юритилади, натижада иш кучи ёллаш зарурияти камаяди.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, шу жумладан, оилавий тад-биркорликни молиявий қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмокда. Жумладан, 2012 йил давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредит маблағлари хажми 5 трлн 346 млрд сўмни (2011 йилга нисбатан 130%) ташкил этди, шу жумладан: 48,5 млрд сўм касб-хунар коллежлари битирувчиларига ўз бизнесини очиш ҳамда олинган замонавий билим ва кўникмаларни амалиётга татбик этиш учун; 80,1 млрд сўм - ёш оилаларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва ривожлантириш учун; 618,0 млрд сўм - хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ривожини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида кичик бизнес ва хусу-сий тадбиркорлик субъектлари учун; 491,7 млрд сўм - аёлларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш учун ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 19 февралдаги "Соғлом бола йили Давлат дастури тўғрисида"ги қарорининг қабул қилиниши оилада соғлом муҳитни, унинг иктисодий ва маънавий-аҳлокий асосларини мустахкамлашда муҳим аҳамиятга молик бўлди. Мазкур дастурда оилада меҳр-оқибат ва ўзаро хурмат муҳити, юксак аҳлокий ва маънавий қадриятларни барқарор қилиш, ёш оилаларни моддий қуллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза килиш, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, хотин-кизларнинг ўз иқтидорларини руёбга чиқаришлари учун зарур шароитлар яратиш, уларнинг кундалик рўзғор юмушларини енгиллаштириш каби биринчи даражали вазифалар белгиланган.

Эндиликда, оиланинг ижтимоий-иктисодий асосларини янада мустаҳкамлаш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун куйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:
- иқтисодиётни модернизация қилиш ва ислох этишни изчил давом эттириш негизида баркарор иқтисодий ўсишни таъминлаш асосида аҳоли даромадлари ва турмуш даражаси ҳамда сифатини ошириб бориш;

- оила институтини мустаҳкамлаш мақсадида ёшларни оила қуришга тайёрлаш учун ўрта умумтаълим мактабларининг юкори синфларида ҳамда ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида оилага йигит ва қизларни босқичма-босқич тайёрлашга йуналтирилган махсус ққув ва факультатив курсларни жорий этиш;
- оила иқтисодиёти, уй хўжалиги, оила молияси ва рўзғор юритиш асосларига бағишланган мавзуларни ўрта умумтаълим мактабларида ўқитиладиган иқтисодий билим асослари фанлари ўкув режаларига киритиш, ушбу фанлар бўйича дарсликларни улар хисобига такомиллаштириш; иқтисодиёт йунлашидаги олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида "Микроиктисодиёт" фани доирасида "Оила ёки хонадон иқтисодиёти", "Оилавий тадбиркорлик", "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни бошкариш" каби маҳсус ўкув курсларини ўқитишни йўлга қўйиш шахар ва туманларда никоҳдан ўтиш учун ариза берган йигит ва қизлар учун "Оила-рўзғор юритиш асослари" буйича махсус қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этиш;
- никох тўй маросимларини ихчамлаштириш ва окилоналаштириш ҳисобига ёш оиланинг дастлабки мол-мулки ва сармоясини шакллантиришда йигит ва қиз ота-оналарининг ўзаро келишув асосида бахоликудрат иштирок этишлари;
- ёшлар фаолият қиладиган ташкилот ва корхоналардаги меҳнат муносабатларида ижтимоий шерикчилик тизимлари ривожланиб боргани сайин уларнинг ёш оилаларни моддий жихатдан қўллаб-қувватлашдаги иштирокларини кенгайтириб бориш.

Шунингдек, бизнинг фикримизча, республикамизда оналикни ва болаликни муҳофаза қилиш ва "Соғлом она - соғлом бола" дастурларини амалга ошириш борасида тўпланган тажрибалардан келиб чиққан холда, "Соғлом ва масъулиятли ота - мустаҳкам оила ва соғлом бола кафолати" тизимини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга қўллаш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмокда.

Фойдаланилган адабиётлар.

1.Каримова В. Гендер-менежмент. Ўқув қўлланма. – Т., 2010 – Б. 35.
2.Салаева М. Ўзбек оилаларида ота-она ва фарзандлар узаро муносабатларининг ижтимоий психологик хусусиятлари: Психол.фан. ном. даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. – Т.: 2005. – Б. 18.
3. А.Сатвалдиев. “Шахс маънавий маданиятини юксалтиришда таълим тизимини ўрни” ФарДУ Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуриш шароитида шахс маънавий маданиятини шакллантиришнинг фалсафий омиллари (2017-йил 31-май) 77-79 бетлар.
4. А.Сатвалдиев. Хусусий тадбиркорликда раҳбар аёл фаолияти муаммосининг ўрнини ўрганиш Наманган давлат университети “Ахборотномаси” 2021йил 1-сон 324-328 бетлар

МАМЛАКАТИМИЗДА ТАДБИРКОР АЁЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ЭНГ САМАРАЛИ УСУЛЛАРИ

Сатвалдиев Азизжон Ахмаджонович,
ТДИУ, Андижон факультети маънавият ва ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари психология фанлари фалсафа доктори (PhD), доцент

Ўзбекистон Барқарор ривожланишнинг Бешинчи мақсадини амалга ошириш доирасида “Гендер тенгликни таъминлаш ҳамда барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш “га оид тўққизта вазифани ишлаб чиқди. Бешинчи мақсаднинг вазифаларига (Гендер тенглик) мувофиқ, 2030-йилга келиб барча хотин-қизларга нисбатан камситилишларнинг ҳар қандай шаклига барҳам бериш, сиёсий,иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда қарорлар қабул қилишнинг барча даражаларида аёлларнинг тўлиқ ва самарали иштирокини ва ятакчилик қилиш учун тенг имкониятларни, ушбу мақсад давлатнинг турли даражаларида Давлат дастурларини қабул қилиш жараёнида гендер тенглик тамойилларини жорий қилишни ўз ичига олади. Президентимиз 2022-йил 25-июл куни ,,Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегияси тасдиқлаш тўғрисидаъъги фармони имзоланди. Фармон билан Молия вазирлиги таркибиди юридик шахс мақомига эга бўлмаган Ижтимоий суғурта жамғарма-си ташкил этиш кўзга тутилди. Келгусида давлат ижтимоий суғуртаси бўйи-ча бериладиган нафақалар ,,Ижтимоий ҳимоя ягона рейестриъъ ахборот ти-зими орқали босқичма-босқич тўланади. Хусусий секторларда ишлаёт-ган аёлларга давлат томонидан тўланадиган ҳомиладорлик ва туғиш на-фақаси миқдори 2 миллион сўмни ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Гендер тенглиш таъминлаш масалалари бўйича комиссия раиси Танзела Норбоева. Танзела Норбоева гендер тенгликни таъминлаш масаласи дун-ёда ўз долзарблигини йўқотмаганини таъкидлади . Бу бежиз эмас, чунки гендер тенгликка эришиш жамият ҳаётининг барча жабҳаларида барқарор тараққиётга эришишнинг асосий пойдеворидир.

Ўзбекистонда тадбиркорлик мотивацияси масаласи ижтимоий психологиянинг объекти ҳамда предмети сифатида ўрганилган. Ўзбекистондаги тадбиркорлик фаолиятининг айрим ўзига хос жиҳатлари, хусусан, унинг ёшлар ва катталарга хос жиҳатлари, самарали фаолиятни таъминловчи ижтимоий психологик омилларга ўз эътиборини қаратган ва муайян муваффақиятларга эришган ишларида профессионал карьера ва компетенциядаги мотивация масаласига алоҳида эътибор берилмоқда, бунда ушбу психологик жараённинг айрим гендер хусусиятлари ва тафовутлар ҳам аниқланмоқда. Лекин изланишларида аёллар тадбиркорлиги ёки оилавий тадбиркорликнинг самарадорлигини таъминловчи шахсий ва ижтимоий психологик шарт-

шароитлар алоҳида тадқиқот предмети сифатида ажратилмаган. Лекин унинг изланиши бу борадаги дастлабки ижтимоий психологик тадқиқот эканлиги билан илмий ва амалий жиҳатдан аҳамиятлидир.

Хотин-қизлар бошқарувига бағишланган “Ўзбекистон шароитида тадбиркорликни бошқарувчи хотин-қизларнинг ижтимоий психологик мақомини ўрганиш, улардаги гендер менежмент ва унинг атрофидаги феноменлар доирасида шахсий хусусиятларининг ўзига хослигини тадқиқ этган ҳолда уларни самарали раҳбарлик фаолиятига тайёрлаш, иқтисодий жиҳатдан аёлларни рақобатбардош қилиб тарбиялаш, уларнинг ҳаётга фаол муносабатни шакллантириш, ишбилармон, тадбиркор, менежмент соҳасида билимдон қилиб вояга етказиш, шу билан бирга оилавий мақомларини ҳам йўқотмасликка ўргатишда амалий аҳамиятга эга бўлиши мумкин”[1].Ўзбек хотин-қизларининг замонавий ва миллий фазилатлари, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги, жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги ўрни масалалари. хотин-қизларни миллий демократик тараққиёт нуқтаи назаридан ўрганишга ёрдам беради. Мустақиллик туфайли “Хотин-қизларнинг тенглиги ва озодлигини тўла рўёбга чиқариш, янгича тафаккур, эркин фикрлаш ва дунёқарашини шакллантириш, ижтимоий ҳаётда аёлга бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш, Шарқ аёлига хос момо мерос, ахлоқий гўзал қадрият ва фазилатларни кенг камол топтириш зарурати мустақил юртимизда давлат сиёсатининг устувор вазифасига айланди. Ўзбек аёлларининг маданий ва маънавий, ҳуқуқий-ахлоқий, интеллектуал салоҳиятини ошириш, оиладаги оналик бурчи ва масъулиятини миллий, умуминсоний нуқтаи назардан чуқур англаб етиш ва амалиётга риоя қилишга одатлантириш мустақиллик тамойилининг асосий вазифасидир. Аёллар жамиятнинг энг эъзозга сазовор, ҳурмат-иззат, ғамхўрлик ва эътиборга лойиқ ижтимоий тоифасига айланмоқда... Демак, аёлни улуғлаш – оилани, Ватанни, ҳаётни улуғлашдир.” Ушбу фикрларини давом эттириб, ўзбек аёлига хос бўлган инсоний, маънавий фазилатларни қайд этиб, Х.О.Шайхова замонавий аёлларнинг ижтимоий фаоллигини ҳам кўрсатади. “Бирор соҳа йўқки, – деб ёзади у, – аёл ўз билими, фаоллиги, истеъдодини намоён қилмасин. Мулкдорлар синфи вакили, тадбиркор, фермер, кичик ва қўшма корхона соҳиби, тижоратчи, бизнес ва менежер каби касб эгалари ёки мудофаа ва ҳуқуқ-тартибот соҳасида минглаб иқтидорли, салоҳиятли, ақл-заковатда ўктам аёлларнинг фаолият кўрсатиши шаклланаётган фуқаролик жамиятимиз учун оддий ҳолдир. Дарҳақиқат, раҳбарлик ва бошқариш ишларида аёллар сони кўпайиб бормоқда”[1].

Бугун нафақат тадбиркор аёллар, балки фермер аёллар билан ҳам ишлашга, уларнинг таклиф ва муаммоларини ўрганиб, қишлоқ хўжалигига инновацион ғояларни татбиқ этиш, меҳнат самарасини ошириш, уларнинг экспортбоп

[1] Шайхова Х. Маънавият – камолот кўзгуси. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. – Б.88.

маҳсулотлар ишлаб чиқаришларига кўмаклашиш бўйича муайян саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Йил бошида “Аёллар фермерлигида инновациялар – ривожланиш ва рақобат асослари” мавзусида 1-Халқаро конференцияси ўтказилди. Конференция ишида 250 нафар фермер аёллар, 10 нафар халқаро экспертлар, ҳукумат вазирлик ва бошқарув ташкилоти вакиллари иштирок этдилар. Фермер аёллар ва инвесторлар билан инновацион ҳамкорликни кенгайтириш, қишлоқ жойларида истиқболли инклюзив бизнес лойиҳаларни амалга ошириш, фермер аёллар ишлаб чиқаришига инновацион технологияларни татбиқ этиш тизимли механизмини яратиш бўйича ишлаб чиқарилган таклифлар тегишли давлат органларига тақдим этилди.

Мамлакат тадбиркор аёлларини қўллаб-қувватлашнинг энг самарали усулларидан бири – уларнинг фаолиятига моддий кўмаклашиш, яъни тадбиркорлик фаолиятларини имтиёзли кредитлар билан таъминлашдир. 2017 йилда “Тадбиркор аёл” уюшмаси ва “Микрокредитбанк” АТБ ўртасида тузилган ҳамкорлик меморандумига асосан аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш учун 10 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилиб, минглаб тадбиркор аёлларимиз ушбу маблағлардан унумли фойдаланиб, ўз бизнесларини ривожлантиришга, юзлаб янги иш ўринлари ташкил қилишга муваффақ бўлган эдилар. Бу йил ҳам ушбу яхши анъана давом эттирилиб, “Микрокредитбанк” АТБ, “Ҳамкорбанк” АТБ, “Агробанк” АТБ, “Ипотека банк” АТБлар билан тадбиркор аёллар учун имтиёзли кредит ажратилиши масаласида музокаралар ўтказилди. Ўзбекистон Банклар ассоциацияси билан ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Мамлакатимизда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш мақсадида ўтказилаётган “Анор-2018” миллий танлови Ўзбекистон банклар ассоциацияси билан ҳамкорликда ўтказилиш келишиб олинди.

Бундай уюшмалар ёки марказларнинг машғулотларида қатнашувчилар ёки клубларга аъзо бўлаётганлар муайян тоифа хотин-қизлар бўлиб, улар кейинчалик бу билимларни ўз фаолиятларида жуда кам намоён этадилар ёки машғулотларга мунтазам қатнашмайдилар. Чунки бу машғулотлар учун етарли даража услубий база яратилмаган, мавжуд ўқув дастурлари маҳаллий шароитларга мослаштирилмаган ва уларда бошқарув компетенциясини оширувчиларнинг психологик жинсга оид қонуниятлар махсус тарзда ўрганилмаган. Шу сабабли ҳам бизнес соҳасидаги хотин-қизлар ўз иш-фаолиятларида жуда катта маънавий, аҳлоқий ва психологик тўсиқларни, зиддиятларни бошдан кечиришга мажбур бўладилар. Шундай тўсиқ ёки психологик барьерлардан бири – «Шаффоф шифт» феномени бўлиб, у хотин-қизлар қанчалик иқтидорли бўлмасин, холис ният билан карьерага эришишлари осон бўлмайди... Шу каби феноменларнинг Ўзбекистон шароитида қандай намоён бўлиши ва ўқув дастурларида уларнинг ижобий ёки салбий жиҳатларини инобатга олган ҳолда мақбул ижтимоий установкаларни

шакллантириш илмий-амалий аҳамиятга моликдир. Чунки Ўзбекистонда, биринчидан, аҳолининг ярмидан зиёдини хотин-қизлар ташкил этади; иккинчидан, айнан хотин-қизларнинг бошқарувчанлик қобилиятлари очиқ намоён бўлиши лозим бўлган соҳалар – соғлиқни сақлаш, таълим, маданият, фан, ижтимоий лойиҳалар, маҳалла доирасидаги ишлар кабилар бугун жамиятимизнинг барқарорлиги ва эркин фуқаролик жамияти қуришда катта роль ўйнади. Уларда раҳбар ва лидер хотин-қизларнинг ўз муносиб ўринларини топишидан нафақат хотин-қизларнинг ўзлари, балки яхлит жамият ҳам манфаатдор. Учинчидан, Ўзбекистонда хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилиши соҳасида муносиб ўрин эгаллашлари учун барча шарт-шароит, қонуний база яратилган”. Демак, Ўзбекистонда гендер-менежмент бошқарув йўналиши ва хотин-қизларни самарали бошқарувга тайёрлашнинг муҳим йўналиши сифатида долзарб аҳамият касб этмоқда.

Шунга ўҳшаш оила муҳитининг, ота-оналик муносабатларининг фарзандларга гендер таъсири, қиз бола ва ўғил болада шаклланадиган айрим ижтимоий психологик фазилатларнинг намоён бўлиши муаммоси М.Салаева тадқиқотларининг предметига айланган. Жумладан, у қўлга киритган хулосалардан бири, “Ўзбек оилаларида оналарнинг оталарга нисбатан фарзандларга ўта ғамхўрлиги, яъни уларни қийинчиликлардан сақлаш, зиён етказиб қўйишдан қўрқиш, фарзанднинг ўзига боғланганлиги ва тобелигини рағбатлантириш, уларда шаҳвонийлик ва тажовузкорликни босиш каби хусусиятларнинг кучлигиги, оналарда оталарга нисбатан демократиклиликнинг кучлилиги исботланган”[1]. Бу сифатлар, табиий истиқболда фарзандлардаги лидерлик ва етакчиликка таъсири бўлиши мумкин, деган хулосага олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1.Каримова В. Гендер-менежмент. Ўқув қўлланма. – Т., 2010 – Б. 35.
2.Шайхова Х. Маънавият – камолот кўзгуси. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009;
3.Шайхова Х. Баркамол авлод – ахлоқий- қадриятлар қуршовида. –Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ инст. нашр., 2010
4.Шайхова Х. Ўзбек аёли – одоб тимсоли. –Тошкент: Ўзбекистон, 2007;
5.Салаева М. Ўзбек оилаларида ота-она ва фарзандлар узаро муносабатларининг ижтимоий психологик хусусиятлари: Психол.фан. ном. даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. – Т.: 2005. – Б. 18.
6. А.Сатвалдиев. “Шахс маънавий маданиятини юксалтиришда таълим тизимини ўрни” ФарДУ Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуриш шароитида шахс маънавий маданиятини шакллантиришнинг фалсафий омиллари (2017-йил 31-май) 77-79 бетлар.

[1] Салаева М. Ўзбек оилаларида ота-она ва фарзандлар узаро муносабатларининг ижтимоий психологик хусусиятлари: Психол.фан. ном. даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. – Т.: 2005. – Б. 18.

7. А.Сатвалдиев. Хусусий тадбиркорликда раҳбар аёл фаолияти муаммосининг ўрнини ўрганиш Наманган давлат университети “Ахборотномаси” 2021йил 1-сон 324-328 бетлар

RAQAMLASHGAN TALIMDA STEAM TEXNOLOGIYASIDAN FOYDALANISH

Tohirov Farruhbek Baxtiyorovich
TDIU Andijon fakulteti oqituvchisi
Abdusalomov Samandar Azimjon o’gli
TDIU Andijon fakulteti talabasi

Annotatsiya: Ushbu maqolada STEAM talim texnologiyasi qanday qilib talim tizimiga kirib keldi. Uning yani STEAMning maqsad va vazifalari, talim tizimiga STEAM yondashuvi qanday samaradorlik beradi. Shular haqida soz boradi.

Kalit sozlar: STEAM ,oqitish va fikrlash, zamonaviy dunyo, talim tizimi,ijodkorlik, integratsiyalashgan talim

Teacher of the Pedagogical Department of Shahrisabz State Pedagogical Institute Abstract: In this article, how STEAM educational technology entered the educational system. That is, the goals and objectives of STEAM, how effective the STEAM approach is in the education system. It is about these things

Key words: STEAM, teaching and thinking, modern world, educational system, creativity, integrated education

Аннотация: В данной статье рассказывается о том, как образовательная технология STEAM вошла в систему образования. То есть цели и задачи STEAM, насколько STEAM-подход эффективен в системе образования. Именно об этих вещах.

Ключевые слова: STEAM, обучение и мышление, современный мир, образовательная система, творчество, интегрированное образование.

STEAM talimi texnalogiyalari- zamonaviy dunyoda eng mashhur bolib kelayotgan yonalishlardan biridir.Shuning uchun bugungi kunda STEAM tizimi asosiy tendentatsiyalardan biri sifatida rivojlanmoqda.STEAM talimi yonalish va amaliy yondashuvni qollash, shuningdek,barcha beshta sohani yagona talim tizimiga integratsiyalashuviga asoslangan.

STEAM-hozirgi kunda dunyo talim tizimining eng asosiy urf bolgan innovatsion metodlaridan biri hisoblanadi.

S-scince(Tabiiy fan) T-technology(texnologiya)
E-engineering(muhandislik)
A-art(sanat)
M-mathematics(matematika)

Oddiy soz bilan aytganda, zamonaviy dunyoda eng kop talab etilayotgan fanlardan biridir. Uning asosiy goyasi shundan iboratki, amaliyot nazariy bilimlar singari muhimdir. Yani uni organish paytida biz nafaqat miyamiz bilan, balki qolimiz bilan ham ishlashimiz kerak. STEAM yondashuvining asosiy farqi shundaki, bolalar turli xil mavzularni muvaffaqiyatli organishi uchun ham miyani, ham qollarini ishlatadilar. Ular olgan bilimlarni ozlari “uqib oladilar”.

STEAM talimi nafaqat oqitish usuli, balki fikrlash tarzidir. STEAM talim muhitida bolalar bilimga ega boladilar va darhol undan foydalanishni organadilar.Shuning uchun ular osib ulgayganlarida va hayotiy muammoga duch kelganlarida ,atrof muhitning ifloslanishi yoki global iqlim ozgarishi boladimi,bunday murakkab masalalarni faqat turli sohalardagi bilimlarga tayanib va birgalikda ishlash orqali hal qilishlari mumkinligini tushunadilar. Bu yerda faqat bitta mavzu boyicha bilimga tayanish yetarli emas.

STEAM yondashuvi bizning talim va talimga bolgan qarashimizni ozgartiradi.Amali qobiliyatga etibor berib,talabalar ozlarining irodasini, ijodkorligini, moslashuvchanligini rivojlantiradi.

Bilamizki, XX asr Raqamlashgan texnalogiyalar asridir. Bugungi kunda biz hayotimizni texnalogiyarsiz tasavvur qilib bilmaymiz. Uzogimizni yaqin qiladigan mashinalar,turli xildagi ommaviy axbarot vositalari, televizor, telefon, kompyuter va hokazolar. STEAM talimi ilk bor Amerikada ishlab chiqilgan. Bazi maktab bitiruvchilarning martabalarini etiborga olishdi va fan, texnalogiya, muhandislik va matematika kabi fanlarni birlashtirishga qaror qilishdi va STEM tizimi shu tarzda shakllandi. Oxirida Art qoshildi va endi STEAM oxirigacha shakllandi.Ushbu fanlardan bilimlar kelajakda talabalarning yuqori malakali mutaxassis bolib yetishiga yordam beradi deb hisoblashdi. Oxir oqibat,bolalar yaxshi bilim olishga intilishdi va uni darhol amalda qollashdi.

Programmalashtirilgan talim o’qitishni tashkil etishning bir shakli bo’lib, u o’quv jarayonida kibernetika g’oyalari va prinsiplarini amalga oshirish imkonini beradi. Programmalashtirilgan talim bilim va ko’nikmalarni o’zlashtirish jarayonini optimallashtirish masalasini hal qiladi. Bu masala kibernetika bilan talim jarayonining o’ziga xos xususiyatlarini o’rganadigan psixologik - pedagogik fanlar tutashgan joyda hal bo’ladi. Programmalashtirilgan talimda oquv materiali boyicha tayyorgarlikka, bayon ilishga va sorovga qoyiladigan aniqlik talablari tola qonuniy va zarurdir.

Chunki oquv jarayoni boshqariladigan jarayon bolishi va uni oqituvchi u yoki bu texnik vositaga joylangan dastur programmalashtirilgan darslik, oqitish mashinasi va boshqa zamonaviy elektron akustik hamda proeksiyalovchi apparatlar yordami bilan olib borishi kerak. Mashgulot jarayonida dasturlashtirilgan talimni oqitish vositasi bilan yakkama-yakka qoladigan oquvchining ishidagi barcha ijobiy va salbiy tomonlarini maksimal darajada hisobga olish uchun oquv materiali qanchalik aniq sistemalashtirilishini tasavvur etish mumkin. Har qanday topshiriqni kodlangan

axborotga moslashtirish mumkin boladi. Didaktika tili bilan aytganda, topshiriqni muvaffaqiyatli bajarish uchun uni bajarishga mos barcha usullarni ozlashtirish kerak. Axborot faqat miqdori boyicha emas, balki maqsadga erishish ehtimolini orttirishga kora qimmati bo’yicha ham olchanishi lozim. Axborotning qimmati qanchalik yuqori bolsa, u olinganidan keyin maqsadga erishish yollari ham shunchalik keng boladi.

Xulosa Shuni takidlash kerakki, ananaviy oqitish uslublari bilan taqqoslaganda, STEAM yondashuvi bolalarni tajribalar otkazishga, modellar tuzishga, mustaqil ravishda musiqa va filmlar yaratishga o’z goyalarini haqiqatga aylantirishga va yakuniy mahsulotlarini yaratishga undaydi. Ushbu talim yondashuvi nazariya va amaliy konikmalarini samarali tarzda birlashtirishga imkon beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1.Z.Ashurova.Maktabgacha talimda STEAM texnologiyasidan foydalanish.Metodik qollanma .Durdona nashriyoti.2022

2. M.Ashurova.Talim olish jarayonini samarali boshqarishda pedagogik texnalogiyalarni qollash.Scientific Progress(2021)pp,801-807

3. Z.M.Ashurova Maktabgacha talimda STEAM talim texnalogiyasining ahamiyati.Pegagogs.1:1(2022),pp.233-235

MUSTAQIL TA’LIM ISHLARINI BAJARISHDA PEDAGOGIK INNOVATSION TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH

Ataxanov Rafikjon Sotvoldievich
“Kokand University” Andijon filiali,
«Ijtimoiy-gumanitar va pedagogika fanlar» kafedrasi dotsenti, t.f.f.d.(PhD)
ataxanov1966@gmail.com
Botirova Gavxaroy
tarix yo‘nalishi 1-bosqich talabasi

Mavzuning dolzarbligi: Har bir jamiyatning kelajagi uning ajralmas qismi va hayotiy zarurati bo‘lgan ta’lim tizimining qay darajada rivojlanganligi bilan belgilanadi. Bugungi kunda mustaqil taraqqiyot yo‘lidan borayotgan mamlakatimizning uzluksiz ta’lim tizimini isloh qilish va takomillashtirish, yangi sifat bosqichiga ko‘tarish, unga ilg’or pedagogik va axborot texnologiyalarini joriy qilish hamda ta’lim samaradorligini oshirish davlat siyosati darajasiga ko‘tarildi. «Ta’lim to‘grisida»gi Qonun va «Kadrlar tayorlash milliy dasturi»ning qabul qilinishi bilan uzluksiz ta’lim tizimi orqali zamonaviy kadrlar tayyorlashning asosi yaratildi. Ma’lumki, uzluksizlik va uzviylik ta’lim tizimda, avvalo, jamiyatning ma’naviy va intellektual salohiyatini kengaytiradi, qolaversa, davlatning ijtimoiy va ilmiy

taraqqiyotini takomillashtirish omili sifatida ishlab chiqarishning barqaror rivojlanishini ta’minlaydi. Pedagogik texnologiyalarning rivojlanishi va ularning o‘quv-tarbiya jarayoniga kirib kelishi, shuningdek, axborot texnologiyalarining tez almashinuvi va takomillashuvi jarayonida har bir inson o‘z kasbiy tayyorgarligini, mahoratini kuchaytirish imkoniyati yaratiladi [1].

Pedagogik innovatsiya bir qancha asoslarga ega. Pedagogik innovatsiyaning ijtimoiy asosi har bir shaxs, jamiyat va davlatning ta’lim-tarbiya sohasidagi ehtiyojlaridan kelib chiqadi va ehtiyojlarni qondirishning maqsad va talablarini, tashkiliy shakllari va usullarini belgilaydi. U shaxsning, jamiyatning va davlatning rivojlanishida asosiy omillardan hisoblanadi. Pedagogik innovatsiyaning mafkuraviy asosi uning milliy istiqlol g‘oyasi va mafkurasi tamoyillarini o‘zida mujassam etishi va ularni amalga oshirishga yo‘naltirilgan bo‘lishidan iborat. Bunda barkamol insonni shakllantirishda mafkuraviy tarbiyaning fidoyi, mustaqil fikrlay oladigan xulq-atvori bilan boshqalarga ibrat bo‘ladigan, bilimli, ma’rifatli, ijtimoiy faol insonni voyaga yetkazishdan iborat asosiy vazifalarni amalga oshirib borishi har bir pedagogik innovatsiya uchun dolzarb masalalardan hisoblanadi. Pedagogik innovatsiyaning falsafiy asosi uning maqsadlari hamda tashkiliy shakl va usullarining falsafiy jihatdan to‘g‘ri yo‘nalishda bo‘lishini ta’minlashga xizmat qiladi.

Falsafiy oqimlar va yo‘nalishlarning har biri ta’lim-tarbiya masalalariga o‘ziga xos yondashadi. Shu sababdan pedagogik innovatsiyaning falsafiy yo‘nalishi, uning to‘g‘ri yoki noto‘g‘riligini, jamiyatning ma’lum maqsadlariga muvofiq yoki zidligini ko‘rsatadi. Pedagogik innovatsiyaning didaktik asosi uni ta’lim-tarbiya qoida va tamoyillariga muvofiqligini belgilaydi. Didaktik talablar ta’lim-tarbiyaviy vazifalarning nazariy jihatdan to‘g‘ri bajarilishini ta’minlaydi.Pedagogik innovatsiyaning didaktik jihatdan to‘g‘ri bo‘lishi uning yuqori samaradorligini zaruriy sharti hisoblanadi. Buning uchun zamonaviy didaktikaning ilmiy xulosalaridan ijodiy foydalanish talab qilinadi [2].

Mavzuga oid mavjud muammolar: Ma’lumki, har qanday pedagogik innovatsiya ta’limning yangi mazmunini shakllantiruvchi ta’lim tamoyillariga asoslangan bo‘lib, u talaba shaxsini tarbiyalashga unda kasbiy mahoratni hosil qilishga yo‘naltirilmog‘i kerak. Ta’lim jarayonining faol sub’ektlari pedagog va talabalar bo‘lib, ularning hamkorlikdagi faoliyatlari muayyan mavzu (yoki fanlar asosida) bo‘yicha kam kuch va vaqt sarflangani holda nazariy va amaliy bilimlarni chuqur o‘zlashtirish imkonini beruvchi jarayonning umumiy mohiyatini tavsiflaydi. Tahlil va natijalari: O‘qituvchining faol, samarali faoliyat ko‘rsatishiga yo‘naltirilgan ta’lim jarayonining metodik ishlanmasidan farqli ravishda, ta’limning musiqa o‘qitilishida innovatsion texnologiyalari ta’lim oluvchi (talaba)larga nisbatan yo‘naltirilgan bo‘lib, ularning shaxsiy, shuningdek o‘qituvchi bilan birgalikda

faoliyatini hisobga olgan holda, o‘quv materiallarini o‘zlashtirishga qaratiladi. talabalarda ijodiy tafakkurni rivojlantirish, o‘quv materiallariga tanqidiy yondashish ko‘nikmasini shakllantirish hamda maxsuldor faoliyat turlarini tashkil etish bilan bir qatorda ularning rivojlantirish uchun darsning an’anaviy shakllari (uyg‘unlashtirilgan darslar) bilan birgalikda konferentsiya darsi, ishchan o‘yin darslari, integrallashtirilgan (ikki komponentli) darslardan foydalanish lozim. Mazkur vaziyatda ta’lim metodlari ta’lim maqsadi bilan mutanosib bo‘lishi kerak. Chunonchi, bilimlarni turli vaziyatlarda qo‘llashga yo‘naltirilgan topshiriqlar, yangi sharoitda faoliyat ko‘rsatishga undovchi sxemalar tuzish, ularni tasniflash, qiyoslash, izchil tizimga solish, umumlashtirish va boshqalar. Yetarli darajadagi rag‘bat (motivatsiya) hamda talabalar faoliyatini tashkil etish bilan ham ko‘zlangan natijalarga erishish kafolatlanmaydi. Ta’lim-tarbiya jarayonining didaktik nuqtainazardan takomillashuvi faqatgina ushbu jarayonni tashkil etish va boshqarish yo‘llarini to‘g‘ri tanlash bilan ta’minlanadi.

Ma’lumki, ta’lim-tarbiya jarayoni o‘zida uchta o‘zaro aloqador uchlik-ta’lim, tarbiya va shaxs rivojlanishini aks ettiradi. Mazkur uchlikni ta’lim jarayoniga barobar tatbiq qilish modullashgan texnologiyani qo‘llashni osonlashtiradi. Modullashgan texnologiyaning afzalliklaridan biri – ta’lim maxmunini tartibga solishdan iborat. Unda mavjud axborotlarning Davlat ta’lim standartlari doirasida o‘quvchilar faoliyatini etarli darajada muvaffaqiyatli amalga oshirish imkonini beradiganlari qat’iy tanlab olinadi. Modulli texnologiyaning mohiyati ta’lim jarayonini modullar asosida lotsihalashtirishdan iboratdir (o‘quv predmeti va uning bo‘limlari mazmunini tartibga solish, ta’limning muayyan bosqichidan boshlab bo‘linmaydigan kasbiy faoliyatni mantiqan tugallangan qismlarga ajartish). So‘ngra ajratilgan har bir modul bo‘yicha shu modulning o‘zigagina taalluqli bo‘lgan faoliyat mazmuni va ta’siri doirasi belgilanadi. Moduli texnologiya maqsadini ro‘yobga chiqarish uchun modul bosqichma-bosqich amalga oshiriladi. Ushbu jarayonda sodir etilayotgan har bir harakat (qo‘yilayotgan qadam) o‘quv elementi sifatida qaraladi. O‘quv elementi o‘z ichiga quyidagilarni qamrab oladi: faoliyatning aniq elementlarini o‘rgatish bilan bog‘liq bo‘lgan nazariy va amaliy axborotlar, ta’lim uchun zarur bo‘lgan faoliyatni ta’minlovchi materiallar haqidagi ma’lumotlar, maqsadlar identifikatsiyasi, ya’ni, ta’lim oluvchilarni harakatlantiruvchi maqsadlar, o‘quv materiallari, o‘quv sharoitini nazorat qilish instrumentlari, chunonchi, o‘quvchilarning ko‘zlangan natijalarga erishishlari uchun zarur bo‘lgan shart-sharoitlar, testlar, maqsad etaloni va boshqalar. Ta’lim texnologiyasi jarayonining umumiy maqsadi bir necha darajalarda oydinlashadi. Birinchisi - ta’lim muassasasining maqsadi hamda pedagog va uning metodik faoliyati identifikatsiyasi. Ikkinchisi – o‘quv predmeti (bo‘lim)ning maqsadi, pedagog va uning metodik faoliyati indentifikatsiyasi. Uchinchisi – ushbu modul

(o‘quv elementi)ning maqsadi va uning talabalar faoliyatidagi alohida modulga ham, uning tashhis qilinadigan oxirgi natijalariga ham o‘tkaziladi.

Muammoni hal qilish usullari: «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi» va Kadrlar tayyorlashning milliy modeli, o‘quv predmetlari bo‘yicha Davlat ta’lim standartlari, ularda ilgari surilgan g‘oyalar asosida chiqariladigan xulosalar, yosh avlodning barkamol shaxs etib shakllantirishga yo‘naltirilgan ta’lim mazmunini, shuningdek tegishli mashg‘ulotning umumiy, aniq maqsadiga erishish uchun ta’limning tashkiliy shaklini tanlash hisobga olinadi. Zamonaviy ta’limning eng muhim elementlari qadimdan shakllanib kelgan. Ta’lim maqsadi, mazmuni, shakl, uslub va vositalari ta’lim jarayonlari mazmunini tahlil qilish uchun qo‘llaniladigan an’anaviy kategoriyalar bo‘lib hisoblanadi. Aynan shu kategoriyalar ma’lum predment, mutaxassislik yoki ixtisoslikk bo‘yicha o‘quv-tarbiyaviy jarayonni tashkil qiluvchi pedagog faoliyatining predmeti sifatida yuzaga chiqadi. Qayd etilgan pedagogik kategoriyalarni maqsaldga muvofiq ravishda yo‘naltirilgan pedagogik faoliyatni qonuniyat va mezonlar tizimlashtiruvchi omil vazifasini bajaradi. Uzoq yillar mobaynida qayd etilgan pedagogik kategoriyalar jamiyat ijtimoiy talabi darajasida maqsadlarini ro‘yobga chiqarish uchun etarli bo‘lib kelgan. Muayyan davrlarda bir guruh pedagoglar barcha davrlarda pedagog faoliyat darajasi qoniqarsiz ahvolda deb baholab kelganlar.

“Talabalarning mustaqil ishlari oliy ta'limda ilm olish jarayonining asosiy va muhim tashkil etuvchisi hisoblanadi. Ko‘plab rivojlangan mamlakatlarda bunga umumiy ta'lim vaqtining yarmidan ko‘pini ajratiladi. Fan bo‘yicha o‘quv maqsadlariga erishish uchun bu ulkan zahira hisoblanadi. Afsuski, amalda undan to‘la foydalanilmaydi, ba'zan o‘qituvchining e'tiboridan chetda qolib ketadi. Bu kamchiliklarni bartaraf etish maqsadida mustaqil ishni tashkil qilishning juda ko‘p usullari ishlab chiqilgan”. Talabalarning mustaqil ta'limi – talabaning o‘quv predmetiga aylantiradigan bilish faoliyati, kasbiy rivojlanishda o‘z-o‘zini boshqarish mexanizmi shakllanadi, o‘qituvchi tomonidan bilvosita nazorat qilinib, kasbiy bilim va ko‘nikmalarni takomillashtirishga hamda bo‘lajak mutaxassisning kasbiy sifatlarini rivojlantirishga qaratilgan. Ushbu ta'rifda biz uchun quyidagi xususiyatlar muhim ahamiyatga ega: - talabalarning bilish faoliyati; - o‘qituvchi tomonidan bilvosita rahbarlik; - talabalar o‘z-o‘zini boshqarish mexanizmini shakllantirish; - kasbiy bilim va ko‘nikmalarni takomillashtirish: - mutaxassisning kasbiy mahoratini rivojlantirish; - mustaqil fikrlash va qaror qabul qilish kompetentsiyalari shakllantirish [3]. Talabalar mustaqil ta'limini faollashtirish – talabalar mustaqil ta'limining har bir bo‘g‘inini qamrab oluvchi chora-tadbirlar tizimi: talabalarning ijodiy bilish faoliyati, rahbariyat tomonidan mustaqil ta'limlarni takomillashtirish, mustaqil ta'limlarning faol shakl va usullaridan foydalanish va mutaxassis shaxsining

kasbiy sifatlarini takomillashtirishdir. Yuqoridagi fikrlarga tayanib, mustaqil ta'limni tashkil etish jarayonlarini quyidagi bosqichlarda amalga oshirish mumkin. Mustaqil ishni tashkil qilish bosqichlari Talabalarning mustaqil ta'limini tashkil etish va uni faollashtirish psixologlar, pedagoglar, hamda uslubshunoslar tomonidan pedagogik muammo sifatida muhokama qilinayotgan holatlar ham juda ko‘p. Bunday tadqiqotlar ta'lim oluvchilarning o‘quv jarayonidagi mustaqil ta'limning didaktik maqsadlarini umumiy ko‘rinishda shakllantirishga imkon yaratadi. Olib borilgan izlanishlar natijasida ishlab chiqilgan o‘quv-uslubiy monografiyalar va elektron ta'lim resurslari asosida bo‘lajak kasb ta'limi o‘qituvchilarini tayyorlashda mustaqil ta'limni faollashtirish uchun didaktik ta'minoti boyitiladi. Bunda talabalarning mustaqil ishlash qobiliyatlarini rivojlantirish imkoniyatlari (motivatsiya, yo‘naltirish, jalb etish va tajribalarni boyitish) kengaytiriladi. Talabalarda mustaqil ishlash metodik kompetentlikni shakllantirishning maqsadi kasbiy va shaxsiy rivojlanish jarayonida talabaning o‘z-o‘zini anglash, baholash va boshqarish kabi tarkibiy qismlarni rivojlantirish va turli ta'lim muassasalarida ishlashga tayyorlash sanalsada, umumkasbiy va ixtisoslik fanlari asoslarini o‘rganish vazifalari quyidagilardan iborat bo‘lishi lozim: - aniq pedagogik hamda ishlab chiqarish muammoli vaziyatlarda masalani ajratib olish va ularni hal qilish usuli sifatida pedagogik va texnik-texnologiktafakkurni rivojlantirish; - bo‘lajak kasb ta'limi o‘qituvchisining pedagogik-shaxsiy faoliyati asosi sifatida pedagogik, umumkasbiy va ixtisoslikka oid bilimlarni o‘zlashtirishga nisbatan ijobiy munosabatda bo‘lishga erishish; - bo‘lajak kasbiy faoliyat individual metodining asosi sifatida, o‘quv- pedagogik va ishlab chiqarish harakatlarining reproduktiv va ijodiy usullarini shakllantirish; - muhim kasbiy-pedagogik sifatlarini rivojlantirish (hamdardlik, bolalani sevish va boshqalar), kasbiy va shaxsiy o‘z-o‘zini rivojlantirish ehtiyojini yuzaga keltirish hisoblanadi.

Ilmiy asoslangan taklif va tavsiyalar: Ta’limning barcha bosqichlariga oid umumiy pedagogik va didaktik vositalari, talabaning dasturiy bilim, tasavvur va ko‘nikmalari asosida mustaqil ishlash samaradorligini takomillashtirish, ilmiy fikrlashga, o‘quv faniga qiziqishini kuchaytirish, kasbiy bilimlarini chuqurlashtirish, nazariy va amaliy mashg’ulot mobaynida ularning faolligini oshirishdan iboratdir. Jaxon pedagogik tajribasi, zamonaviy pedagogik texnologiyalarining talabalarni fanlarga qiziqtirishga, ularning mustaqil ishlashda faolliklarini oshirishga imkoniyati cheksiz ekanligini tasdiqlamoqda.

Ta’limning bugungi vazifasi talabalarni kun sayin oshib borayotgan axborot ta’lim muxiti sharoitida mustaqil ravishla faoliyat ko‘rsata olishga axborot oqimidan oqilona foylalanishga o‘rgatishdan iboratdir. Buning uchun ularga uzluksiz ravishda mustaqil ishlash imkoiniyati va sharoitini yaratib berish zarur. Shuga ko’ra yoshlarining talab va istaklaridan kelib chiqqan holda umumkasbiy fanlarni axborot komunikatsion texnologiyalar orqali tayyorlab, yoshlarning yanada bilim va

ko’nikmalarini shakllantirishga harakat qilish bugungi kun dolzarb muammosi desak xato qilmagan bo’lamiz.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI

1. https://www.tdpu.uz/page/innovatsion-texnologiyalar
2. Ishmuhammedov R.J. Innovatsion texnologiyalar yordamida ta’lim samaradorligini oshirisg yo‘llari. – Toshкент: ToshDPU, 2004. - 44 b.
3. See discussions, stats, and author profiles for this publication at: https://www.researchgate.net/publication/328321322 An Integrated Model for STEM

INNOVATSION TA`LIM TEXNOLOGIYALARI YORDAMIDA ZAMONAVIY KADRLAR TAYYORLASHNING O`ZIGA XOS JIHATLARI

Orzikulova Hurshida Ne`matjonovna
Andijon Davlat Universiteti 1-kurs magistranti
orzikulova2022gmail.com

Innovatsion ta’lim texnologiyalari zamonaviy kadrlar tayyorlashning muhim elementi hisoblanib, globallashayotgan va tez o‘zgarib borayotgan dunyoda muvaffaqiyatli halqaro miqyosda yetuk bo`lgan mutaxasislarni tayyorlash uchun zarur ko‘nikma, bilim va malakalarni ta`minlab beradi.

Innovatsion ta'lim texnologiyalari bir necha sabablarga ko'ra zamonaviy kadrlar tayyorlashda muhim rol o'ynaydi:

1. Mehnat bozori talablariga javob berish: Innovatsion texnologiyalar mehnat bozorida talab qilinadigan zarur ko‘nikma va bilimlarni egallashda yordam beradi. Bu ayniqsa raqamli iqtisodiyotda kasbiy mahorat, jamoaviy ish, muammolarni hal qila olish va o'z-o'zini isloh qilishni o'z ichiga oladi.

2. Tanqidiy fikrlash va ijodkorlikni rivojlantirish: O‘qitishning innovatsion usullari talabalarni tahlil qilish, tanqidiy fikrlash va muammolarni ijodiy hal etishga undaydi. Bu ko'nikmalar bugungi tez o`zgarib borayotgan dunyoda yangi vaziyatlarga tezda moslashish qobilyatini shakllantirishda juda muhim hisoblanadi.

3. Ta'limni individuallashtirish: Innovatsion texnologiyalar yordamida har bir talabaning xususiyatlarini hisobga olgan holda individuallashtirilgan ta'limni yanada samaraliroq amalga oshirish mumkin. Bu o'quv natijalarini yaxshilashga va o'quvchilarning motivatsiyasini oshirishga yordam beradi.

4. Global ta’lim: Innovatsion texnologiyalar xalqaro ta’lim loyihalarini yaratish, butun dunyo universitetlari va mutaxassislari bilan hamkorlik qilish imkonini beradi, bu esa talabalarning dunyoqarashini kengaytiradi va ularni xalqaro muhitda ishlashga tayyorlaydi.

5. Kelajakdagi o‘zgarishlarga tayyor turish: Innovatsion ta’lim texnologiyalaridan foydalanish orqali talabalar o‘zgaruvchan sharoit va

texnologiyalarga tez moslashishni o‘rganadilar, bu esa ularga kelajak muammolarini muvaffaqiyatli yengishda yordam beradi.

Potensial imtiyozlarga qaramay, O‘zbekiston ta’lim tizimida innovatsion texnologiyalardan foydalanish bir qator muammolarga duch kelishi mumkin:

1. Infratuzilmaviy cheklovlar: zamonaviy IT infratuzilmasining yetarli emasligi, keng ko`lamli internetdan foydalanish imkoniyatining yo‘qligi hamda maktab va oliy o‘quv yurtlarida kompyuterlashtirishning yetarli darajada emasligi ta’lim jarayoniga innovatsion texnologiyalarni joriy etishga to‘sqinlik qilishi mumkin.

2.O‘qituvchilarning ko`nikmasi yo‘qligi: Ayrim o‘qituvchilar ta’lim jarayonida innovatsion texnologiyalardan samarali foydalanish uchun yetarli ko‘nikma va malakalarga ega bo‘lmasligi mumkin. O'qituvchilarga texnologiyani o'z ishlariga muvaffaqiyatli integratsiya qilish uchun maxsus tayyorgarlik va qo'llab-quvvatlash kerak.

3. Madaniy va tashkiliy to'siqlar: Ta'lim tizimidagi mavjud madaniy va tashkiliy me'yorlar o'zgarishlar va innovatsiyalarni qiyinlashtirishi mumkin. Ba'zi maktablar va universitetlar noma'lumlik yoki nazoratni yo'qotish qo'rquvi tufayli o'zgarishlarga qarshilik ko'rsatishi mumkin.

4. Moliyaviy cheklovlar: yetarlicha mablag‘ ajratilmaganligi ta’lim jarayoniga innovatsiyalarni muvaffaqiyatli joriy etish uchun zarur bo‘lgan zamonaviy texnologik yechimlar va jihozlardan foydalanishni cheklashi mumkin.

5. Milliy strategiyaning yo‘qligi: Ta’limda innovatsion texnologiyalardan foydalanish bo‘yicha aniq va yo‘naltirilgan milliy strategiyaga ega bo‘lish muhimdir. Bunday strategiyaning yo'qligi texnologiyani o'zlashtirish jarayonlarida samarasizlik va nomuvofiqlikka olib kelishi mumkin.

Ushbu muammolarni hal qilish infratuzilmaga sarmoya kiritish, o‘qituvchilar malakasini oshirish, madaniyat va tashkiliy me’yorlarni o‘zgartirish, moliyaviy qo‘llab-quvvatlashni ta’minlash va ta’limda innovatsion texnologiyalardan foydalanish bo‘yicha milliy strategiyani ishlab chiqishni o‘z ichiga olgan kompleks yondashuvni talab qiladi.

O‘zbekistonda ta’limda axborot texnologiyalarini rivojlantirish tizimli yondashuvni va samarali amalga oshirish uchun qator tavsiyalarni talab qiladi. Mening tavsiyalarim quyidagilardan iborat:

1. Axborot texnologiyalari infratuzilmasiga investitsiyalar: Ta’lim muassasalarida zamonaviy AT infratuzilmasini rivojlantirish, jumladan, keng ko`lamli internet tarmog‘i bilan ta’minlash, kompyuterlar va boshqa zarur jihozlar xarid qilish uchun mablag‘ ajratish zarur.

2. Pedagog kadrlarni tayyorlash va qayta tayyorlash: O‘quv jarayonida axborot texnologiyalaridan foydalanish bo‘yicha pedagog kadrlarni tayyorlash va qayta tayyorlash tizimini tashkil etish. Bu kurslar, treninglar, seminarlar va boshqa o'qitish shakllarini o'z ichiga oladi.

3. Raqamli ta’lim resurslarini rivojlantirish: sifatli raqamli ta’lim resurslarini, jumladan, interaktiv darsliklar, onlayn kurslar, o‘quv o‘yinlari va boshqalarni yaratish va tarqatishni qo‘llab-quvvatlash.

4. Innovatsiyalarni qo‘llab-quvvatlash va rag‘batlantirish: Ta’lim sohasida innovatsiyalarni rag‘batlantirish uchun shart-sharoitlar yaratish, shu jumladan, ta’limda axborot texnologiyalarini rivojlantirishga qaratilgan startap va loyihalarni moliyaviy qo‘llab-quvvatlash.

5. Ta’limning ochiqligini ta’minlash: Aholining turli toifalari, jumladan, nogironligi bo‘lgan bolalar, chekka hududlar aholisi va boshqa ijtimoiy himoyaga muhtoj guruhlar uchun axborot texnologiyalaridan foydalangan holda ta’lim olish imkoniyatini yaratish masalalariga e’tibor qaratish.

6 .Raqamli savodxonlikni rivojlantirish: talabalar raqamli muhitda muvaffaqiyatga erishishlari uchun zarur ko‘nikmalarga ega bo‘lishini ta’minlash uchun ta’limning barcha darajalarida ta’lim dasturlariga raqamli savodxonlik bo‘yicha treningni kiritish.

7. Hamkorlik aloqalarini o'rnatish: Ta'limda axborot texnologiyalaridan foydalanish bo'yicha resurslar va ilg'or tajriba almashish uchun xususiy sektor, xalqaro tashkilotlar va fuqarolik jamiyatlari bilan hamkorlik qilish.

8. Baholash va monitoring: Ehtiyojlar va erishilgan natijalarga muvofiq strategiya va dasturlarni tuzatish maqsadida ta’limda axborot texnologiyalaridan foydalanish samaradorligini muntazam ravishda baholash va monitoring qilish.

9. Sifatli ta’lim mazmunini rivojlantirish: sifatli raqamli ta’lim mazmunini, jumladan, interaktiv darsliklar, onlayn kurslar, multimedia materiallari va boshqa ta’lim resurslarini yaratish va tarqatish.

10. Mahalliy IT-kompaniyalarni qo‘llab-quvvatlash va rivojlantirish: Innovatsion ta’lim yechimlari va texnologiyalarini ishlab chiquvchi mahalliy IT-kompaniyalarni qo‘llab-quvvatlash. Bunga grantlar berish, soliq imtiyozlari berish, eng yaxshi ta’lim IT-loyihalari uchun tanlovlar o‘tkazish va hokazolar kiradi.

11. Ta’lim sohasiga IT-mutaxassislarini jalb etish va saqlab qolish uchun rag‘batlantiruvchi omillarni yaratish: masalan, ish haqini oshirish, ta’lim sohasida ishlovchi IT-mutaxassislariga imtiyozlar joriy etish.

Ushbu tavsiyalar O‘zbekistonga ta’lim sifatini oshirish va kelajak avlodni informatsion ta`lim texnoligiyalaridan samarali foydalangan holda tez o‘zgarib borayotgan dunyoga muvaffaqiyatli moslashishga tayyorlashga va halqaro darajadagi yetuk mutaxasis bo`lishga yordam berishi mumkin.

Foydalangan adabiyotlar ro‘yxati:

1. "Teaching Naked Techniques: A Practical Guide to Designing Better Classes" - Dr. José Antonio Bowen

2. "The New Education: How to Revolutionize the University to Prepare Students for a World in Flux" - Cathy N. Davidson
3. "The Power of Blended Learning in the Sciences" - Norman Reid
4. "Disruptive Classroom Technologies: A Framework for Innovation in Education" - Sonny Magana
5. "Learning in the Age of Digital Reason" - Søren Brier

O’ZBEKISTONDA GENDER TENGLIGINI BO‘YICHA FAOLIYAT KO‘RSATAYOTGAN BOSHQARUVCHI AYOLLAR .

Jumaboyeva Mahliyo
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
Andijon fa’kulteti 1-kurs BXA yo’nalishi
61/23 guruh talabasi

Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh Assambleyasining 2015-yilning sentyabrda Barqaror rivojlanish bo’yicha o’tkazilgan sammitda qabul qilingan 70-son rezolyutsiyasiga muvofiq, shuningdek, 2030-yilgacha bo’lgan davrda BMT Global kun tortibining Barqaror rivojlanish maqsadlarini izchil amalga oshirish bo’yicha tizimli ishlarni tashkil etish maqsadida O’zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi “2030-yilgacha bo’lgan davrda barqaror rivojlanish sohasidagi milliy maqsad va vazifalarini amalga oshirish chora-tadbirlari to’g’risida”qaror qabul qildi . O’zbekistonda gender tengligi ko’rsatkichi ro’yxatida 2019-yil holati bo’yicha O’zbekistonning gender tengligi ko’rsatkichi ro’yxatidagi 189 mamlakat Ichida 66 o’rin.2019-2020 yillarda ayollar bandligi 4,2%ga kamaygan. Bu 2020 yilda ishlaydigan ayollar soni 2019 yildagiga nisbatan 1,3 million nafarga kamayganligini anglatadi.

O’zbekiston Barqaror rivojlanishning Beshinchi maqsadini amalga oshirish doirasida “Gender tenglikni ta’minlash hamda barcha xotin-qizlarning huquq va imkoniyatlarini kengaytirish “ga oid to’qqizta vazifani ishlab chiqdi. Beshinchi maqsadning vazifalariga (Gender tenglik) muvofiq, 2030-yilga kelib barcha xotin-qizlarga nisbatan kamsitilishlarning har qanday shakliga barham berish, siyosiy,iqtisodiy va ijtimoiy hayotda qarorlar qabul qilishning barcha darajalarida ayollarning to’liq va samarali ishtirokini va yatakchilik qilish uchun teng imkoniyatlarni, ushbu maqsad davlatning turli darajalarida Davlat dasturlarini qabul qilish jarayonida gender tenglik tamoyillarini joriy qilishni o’z ichiga oladi. Prezidentimiz 2022-yil 25-iyul kuni ,,O’zbekiston Respublikasi aholisini ijtimoiy himoya qilish strategiyasi tasdiqlash to’g’risida’’gi farmoni imzolandi. Farmon bilan Moliya vazirligi tarkibidi yuridik shaxs maqomiga ega bo’lmagan Ijtimoiy sug’urta jamg’arma-si tashkil etish ko’zga tutildi. Kelgusida davlat ijtimoiy sug’urtasi bo’yi-cha beriladigan nafaqalar ,,Ijtimoiy himoya yagona reyestri’’ axborot ti-zimi orqali bosqichma-bosqich to’lanadi. Xususiy sektorlarda ishlayot-gan ayollarga davlat

tomonidan to’lanadigan homiladorlik va tug’ish na-faqasi miqdori 2 million so’mni tashkil etadi. O’zbekiston Respublikasi Gender tenglish ta’minlash masalalari bo’yicha komissiya raisi Tanzela Norboeva. Tanzela Norboeva gender tenglikni ta’minlash masalasi dun-yoda o’z dolzarbligini yo’qotmaganini ta’kidladi . Bu bejiz emas, chunki gender tenglikka erishish jamiyat hayotining barcha jabhalarida barqaror taraqqiyotga erishishning asosiy poydevoridir.

Mazkur yo’nalishdagi samarali siyosat umr ko’rish davomiyligi, ta’lim sifati bandlike va umuman , rivojlanishning belgilangan ko’rsatkichlarga erishishga ko’maklashadi. Aynan shu sababli O’zbekistonda bu masala-lar davlatimizning doimiy diqqat markazida turibdi . Komissiya O’zbe-kiston Respublikasining Prezidentining 2019 yil 7 martdagi ,,Xotin-qiz-larning mehnat huquqlari kafolatlarini yanada kuchaytirish va tadbirkor-lik faoliyatini qo’llab-quvvatlashga oid chora-tadbirlar to’grisida”gi qa-ror bilan tuzilgan edi. Gender tenglik-samarali iqtisodiy va ijtimoiy ta-raqqiyotning omili. Shu bois mamlakatimizda xotin-qizlarning o’z imko-niyatlarini to’laqonli ro’yobga chiqarishlari ,uchun barcha shart-sharoit-larni ta’minlash davlat siyosati darajasiga ko’tarildi.Senatda Xotin-qizlar va gender tenglik masalalari qo’mitasi tuzildi.Komissiya tomonidan qator nufuzli xalqaro tashkilotlar bilan birgalikda xalqaro forum, turli anjumanlar ,shuningdek, “Biz zo’ravonlikka qarshimiz “ shiori ostida aksiyalar tashkil etildi. Himoya ordeni berish tartibini joriy qilish va Amaliyotida tatbiq qilish maqsadida xorijiy tajriba o’rganilib,uning loyi-hasi ishlab chqildi va Vazirlar Mahkamasiga taqdim etildi. Shu bilan bir qatorda ,ayollarga nisbatan zo’ravonlikka barham berishda idoralararo hamkorlik standartlarini mahalliy sharoitdaga moslashtirish bo’yicha. Uning a’zolari tomonidan sog’loqni saqlash , huquqni muhofaza qilish,psixologik -ijtomoiy ko’mak ko’rsatishning minimal standartlarini joriy etilishi yuzasidan xalqaro tajriba o’rganilmoqda .Siyosiy va huquqiy bilimli, innovatsion g’oyalarga va tashkilotchilik qobiliyatiga ega bo’lgan xotin-qizlardan iborat 6 ming nafardan ortiq kadrlar zaxirasi shakillantirilib , xotin-qizlarning joriy yil 22 dekabr kuni bo’lib ,o’tgan saylovda deputatchilik nomzod sifatidagi faol ishtiroki ta’minlandi.So’n-gi yillarda gender tenglikni ta’minlash ,ayollarning ijtimoiy va siyosiy hayotdagi rolini oshirish bo’yicha ishlar bir necha yo’nalishlarda olib borilmoqda.

1.Ayollar huquqlari to’g’risidagi qonun hujjatlarini takomillashtirish.

2.Ayollarni himoya qilishning institutsional asoslarini takomillashtirish.

3.Aholining gender tenglik va ayollar huquqlari to’g’risida xabardorligi-ni oshirish.

4.Huquqni qo’llash amalyotida ularga rioya etilishini ta’minlash uchun ma’sul mansabdor shaxslarni tegishli huquqiy meyorlar asosida o’qitish.

O’zbekiston Respublikasining ’’Xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlar kafolatlari to’g’risida’’gi hamda ,,Xotin-qizlarni tazyiq va zo’ravonliklardan himoya qilish to’g’risida’’gi qonunlar qabul qilindi.Gender tengligini joriy qilish nuqtayi nazaridan ta’limdagi ijobiy siljishlarni alohida

ta’kidlash kerak. Yani 2017- yildan boshlab ak-sariyat oliy o’quv yurtlarida turli mutaxassisliklar bo’yicha sirtqi bo’limlar faoliyati tiklandi . Shuni alohida qayd etish kerakki, 1948 yilda BMT Bosh Assambleyasi tomonidan qabul qilingan Inson huquqlari umumjahon deklaratsiyasida ayollar va erkaklarning tengligi alohida etirof etilgan. DEklaratsiyaning 1-moddasida belgilanganidek , ,,Hamma odamlar o’z qadr-qimmati hamda huquqlarida erkin va teng bo’lib tug’i-ladilar .Ularga aql va vijdon ato qilingan, binobarin bir-birlariga nisba-tan birodarlik ruhida munosabatda bo’lishlari kerak. Xususan, O‘zbekistonda ijtimoiy hayotda gender masalalari, gender tenglik munosabatlari berilayotgan chuqur e’tiborni amalga oshirilayotgan qator loyihalarda ko’rish mumkin. Masalan, 2019-yil 2-sentabr, O‘RQ-562-sonli “Xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlar kafolatlari to‘g‘risida”gi qonunning qabul qilindi, unga ko‘ra, xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlar kafolatlari, xotin-qizlarni ijtimoiy-huquqiy jihatdan qo‘llab-quvvatlash, onalik, otalik va bolalikni himoya qilish tizimini takomillashtirish, xotin-qizlarning erkaklar bilan teng ravishda ijtimoiy va ijtimoiy-siyosiy faolligini oshirish yuzasidan va hk. chora-tadbirlar olib borilmoqda. Shu qatorda, Birlashgan Millatlar Tashkilotining Barqaror rivojlanishning Beshinchi maqsadi – Gender tenglikni amalga oshirish doirasida O‘zbekistonda gender tenglikni ta’minlash hamda barcha xotin-qizlarning huquq va imkoniyatlarini kengaytirishga oid to‘qqizta vazifa ishlab chiqilgagini ham ta’kidlash mumkin. U 2030-yilga kelib barcha xotin-qizlarga nisbatan kamsitishlarning har qanday shakliga barham berish, siyosiy, iqtisodiy va ijtimoiy hayotda qarorlar qabul qilishning barcha darajalarida ayollarning to‘liq va samarali ishtirokini ta’minlash va yetakchilik qilish uchun teng imkoniyatlarni yaratish zarurligini o‘z ichiga oladi. Gender munosabatlarda xalqaro standartlarga haqiqiy yaqinlashuvga erishish, eng muhimi, ayollarni jamiyatning barcha jabhalarida faol ishtirok etishi uchun teng imkoniyatlarni ta’minlash bo‘yicha qator oddiy, ammo samarali chora-tadbirlar mavjudligini ta’kidlash mumkin. Mamlakatimizda, kvota tizimining ayollarga yo’naltirilganligining ortib borayotganligini, ayniqsa, oliy ta’lim tizimida amalga oshirilayotgan voqeliklar, magistraturaga qabul qilingan xotin-qizlarga kontrakt to’lovlarini to’liq davlat tomonidan qoplanishi haqidagi amaliy chora-tadbirlarni yaqqol misol tariqasida keltirish mumkin. Shuningdek, xotin-qizlarning mahalliy darajada va ijroiya hokimiyatida vakilligining oshib borishi, ularning parlament faoliyatidagi faol ishtirokini ham ta’kidlash zarur.

Xulosa qilib aytganda, davlatimizda gender siyosatining muhim strategik maqsadi millat oilasida xotin-qizlarning o’rni, ularning moliyaviy ahvolini va ijtimoiy farovonligini yaxshilashga qaratilgan.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1.”Xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlar kafolati to’g’-risida’’ O’zbekiston Respublikasi qonuni 2019 yil 2 sentyabrda qabul qilingan.

2. Mirziyoyev Sh.M Buyuk kelajagimiz mard va oliyjanob xalqimiz bilan birga quramiz .Toshkent : O’zbekiston 2017.

3.Toshkent Moliya Instituti Andijon Fakulteti .18-may 2023-yil.

ЎСМИР БОЛАЛАРДА ОҒУВЧИ АҲЛОҚНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

Усмонова Мухтасар
ФарПИ “Ижтимоий фанлар ва спорт ”
кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотатсия: ушбу мақолада кишининг девиант аҳлоқини жамиятда қабул қилинган меъёрларга зидлиги ва руҳий жараёнларининг мувозанатсизлиги, мослашувчан эмаслиги кўринишида ёки унинг шаҳсий аҳлоқи устидан аҳлоқий ва эстетик назоратдан бўйин товлаш кўринишидаги ўзини фаоллаштириш жараёнининг бузилишида намоён бўлувчи алоҳида қилмишлар ёки қилмишлар тизими сифатида фикрлар билдирилган.

Калит сўзлар: инсон омили, психологик қаровсизлик, психотерапевт, руҳий мослашув, ижтимоийлашув, тажовуз, руҳият

Мамлакатимиз ХХасрнинг оҳири ва ва ХХИ асрнинг бошларида жамиятнинг барча соҳаларида эришган улкан ютуқлари билан дунё ҳаритасидан муносиб ўрин эгаллаб, барча соҳаларда туб ислоҳотларни амалга оширмоқда. Бу ислоҳотларнинг мақсади аввало ***инсон омилини*** ҳар қачонгидан ҳам юқори даражага кўтариш, унинг кучи, савияси, идроки, салоҳияти, руҳий ҳамда маънавий баркамоллигини таъминлаш, юксак тараққиётга эришиш орқали барча соҳаларда жаҳон ҳамжамиятида етакчи ўринни эгаллашдан иборатдир.

Инсон психологиясини билишда, ўз имконияти, иқтидорини англай олиш, фаолиятини ташкил этиш, ҳар қандай ёш даврида ҳам оптимал равишда ишга яроқлиликни, турли ўзгаришларга психологик жиҳатдан тайёрликни таъминлаш, янгича фикрлаш ва тафаккур қилиш, рўй бераётган жараёнларни объектив ва тўғри идрок қилиш қобилиятини ривожлантириш муаммолари илгари сурилади.

Шундай қилиб, янги давр ҳар бир инсондан ўз ички имкониятларини адекват баҳолашни, шунингдек, психологик билимлар заҳираси билан яқинлари ва ҳамкасблари психик дунёсини билишни талаб қилмоқда. Инсоннинг қизғин ва ўзгаришларга бой ҳаёти эндиликда ундан психик ҳодисалар қонуниятларини билиш ва шунга мос тарзда оқилона ва омилкорона иш юритиш зарурлигини талаб қилмоқда.

Инсон ҳулқ-атвори, психологик ҳусусиятлари билан боғлиқ масала инсониятни қадим замонлардан буён қизиқтириб келган. Бу соҳада изланиш

олиб борган кўплаб олимлар инсоннинг туғилганидан бошлаб шаклланиши билан боғлиқ барча ҳодисаларни ўрганишни тадқиқ қилиш орқали, унинг ўта мураккаб жиҳатларини кашф этган. Ҳақиқатдан ҳам, инсон ҳулқ-атворининг жамиятда белгиланган ҳаётий нормал мезонлардан оғиши, бузилиши билан боғлиқ муаммони психология фани ўрганади. Демак, психологияда девиант, яъни оғувчи аҳлоқнинг турли шакллари, аномал турлари, сабаб ва мотивлари мавжуд бўлиб, бу педагоглар, психологлар, психотерапевт ва бошқа инсон онги ва тарбияси масалалари билан шуғулланувчи соҳа мутаҳассислари билан бирга, ички ишлар идоралари касбий психология соҳаси ҳодимларининг ҳам тадқиқот объекти ҳисобланади.

Маълумки, кишининг девиант аҳлоқини жамиятда қабул қилинган меъёрларга зидлиги ва руҳий жараёнларининг мувозанатсизлиги, мослашувчан эмаслиги кўринишида ёки унинг шаҳсий аҳлоқи устидан аҳлоқий ва эстетик назоратдан бўйин товлаш кўринишидаги ўзини фаоллаштириш жараёнининг бузилишида намоён бўлувчи алоҳида қилмишлар ёки қилмишлар тизими сифатида белгилаш мумкин.

Нормал ва уйғун аҳлоқ шаклларини руҳият билан боғлиқ уч даражада ифодалаш мумкин:

- руҳий жараёнларнинг мувозанати кўринишидаги мизож ҳусусиятлари;

-мослашувчанлик ва ўзини фаоллаштириш кўринишидаги ҳос ҳусусиятлар;

- кишининг маънавияти, масъулияти ва виждонлилиги кўри- нишидаги шаҳсийлик.

- Девиант аҳлоқнинг асосий турларига жиноятчилик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, ўзини ўзи ўлдириш, дайдилик, фоҳишалик ва руҳият бузилишини киритамиз.

- Оғувчи аҳлоқ - аҳлоқ мослашувини йўқотишнинг турли шаклларда ифодаланувчи салбий руҳий-ижтимоий ривожланиши ва ижтимоийлаштириш жараёни бузилишининг натижаси ҳисоб- ланади.

- ***Мослашув*** (лотинча адаптаре - мослаштирмоқ) - атрофдаги шарт-шароитларга мослашув. Инсоннинг мослашуви икки: биологик ва руҳий жиҳатга эга.

- Биологик мослашув организмни муҳитнинг барқарор ва беқарор шарт-шароитлари: ҳарорат, атмосфера босими, намликка, ёруғлик ва бошқа физик шароитларга, шунингдек организмдаги ўзгаришларга, касалликка, бирон-бир аъзони йўқотиш ёки унинг функтсияларини чеклашга мослашувини ўз ичига олади. Мослашув мақсадида инсон ўзининг фаолият маҳсули ҳисобланувчи турли ёрдамчи воситалардан (уй-жой, кийим, ҳаракатланиш воситаси ва ҳоказо) фойдаланиши мумкин. Шу билан бирга, кишида баъзи биологик жараёнлар ва ҳолатларни эркин руҳий бошқариш қобилияти пайдо бўлади, бу эса унинг мослашув имкониятларини кенгайтиради. Руҳий мослашув кишининг шаҳс сифатида мазкур жамиятнинг талаблари ва шаҳсий эҳтиёжлари, сабаблари ва

манфаатларига мувофиқ равишда ҳаёт кечиришини ўз ичига олади. Руҳий мослашув кенг маънода мазкур жамиятнинг меъёрлари ва қадриятларини ўзлаштириш йўли билан, шунингдек, энг яқин ижтимоий муҳитга - жамоатчилик гуруҳи, меҳнат жамоаси, оилага нисбатан амалга оширилади. Руҳий мослашувнинг асосий кўринишлари кишининг теварак-атрофдаги одамлар билан ўзаро муносабатлари ва унинг ташқи ва ички дунёсини тубдан ўзгартириш билан боғлиқ фаолиятидан иборат.

- Унда аҳлоқнинг мослашувни йўқотишини (дезадаптатсияни) муаммоли вазиятни ҳал қилишга эмас, балки унинг чуқурла- шувига, қийинчиликларнинг кучайишига ва ундан келиб чиқади- ган кўнгилсиз вазиятларга олиб келувчи жараён кўринишида белгилаш мумкин. Аҳлоқнинг мослашувни йўқотиш жараёнлари кичик ёшдаёқ, масалан, ижтимоийлаштириш институтлари вазифаларини бажарувчи ижтимоий ролларни, ўқув дастурларини, ижтимоий институтларнинг (оила, мактаб ва ҳоказо) меъёр ва талабларини ўзлаштириш бўйича қийинчиликларда намоён бўлиши мумкин. Мослашувни йўқотишнинг табиати ва хусусия- тига қараб ҳам алоҳида, ҳам умумий уйғунликда тасаввур қилиниши мумкин бўлган патоген, руҳий-ижтимоий ва ижтимоий дезадаптатсияни ажратиш мумкин.

- Ижтимоийлаштириш жараёнида инсон жамиятда нормал ҳаёт кечириши учун зарур бўлган ишонч, аҳлоқнинг ижтимоий маъқул шаклларига эга бўлади. Педагогик қаровсизликда, ўқишдаги қолоқлик, дарсларни қолдириш, ўқитувчилар ва синфдошлар билан зиддиятларга қарамай, субъектларда қимматли-меъёрий тасаввурларнинг кескин деформатсияси кузатилмайди. Бу ҳолда, шаҳс учун меҳнатнинг қадри етарли даражада баланд бўлиб қолади, у касб танлаш ва уни эгаллашга йўналтирилган бўлади, унинг учун атрофдагиларнинг фикрлари фарқсиз бўлмайди, ижтимоий ва референт муносабатлар ўз аҳамиятини сақлаб қолади.

- Ижтимоий қаровсизликда асотсиал аҳлоқ билан бир қаторда қимматли-меъёрий тасаввурлар, қимматли йўналишлар, ижтимоий ҳукмрон ғоялар тизими кескин деформатсияланади, меҳнатга салбий муносабат, тирикчилик учун шубҳали ва ноқонуний воситалар ҳисобига меҳнатсиз даромадлар топиш ва «чиройли ҳаётга» эришиш мақсади ҳамда унга интилиш истаги шаклланади. Бундай шаҳсларнинг референт муносабатлари ва қимматли йўналишлари позитив йўналишли ижтимоий алоқалар ва ижтимоий институтларнинг шаҳслардан анчагина бегоналашиши билан тавсифланади.

Ўсмирнинг девиант аҳлоқини диагностика қилиш учун психологлар томонидан «қарши ҳаракат» деб номланувчи мезонлар ишлаб чиқилган. Бундай ҳолда, улар ижтимоий, ўқув ёки шаҳслараро соҳадаги бузилишлар билан боғлиқ экстернал девиатсияни (нафрат, душманлик, тажовуз, ўғпилик, ёлғон) ўз ичига олади.

Ўсмирдаги девиант аҳлоқнинг муомала белгилари (ДСМ - ИЙ бўйича)

- ҳис- ҳаяжонли портлашлар;
- катталар билан жанжаллар;
- катталарнинг қоидалари ёки илтимосларини менсимаслик ёки бажаришни рад этиш;
- бошқа одамларни жўрттага безор қилиш;
- ўз ҳатоларида бошқа бировларни айблаш;
- жиззакиликнинг энг кескин даражаси;
- баджаҳллик, дарғазаблик, қасоскорлик, кек сақлаш;
- ҳақоратлар ва уятсиз сўзларни тез-тез ишлатиш.

Тадқиқотларга кўра, бундай тажовузкорлик, гипперфаоллик ва ота-оналари билан ўзаро муносабатларда қийинчилик аломатлари яққол кўриниб турган болалар каттароқ ёшга етганларида ҳаётда бундай муаммолари бўлмаган болаларга нисбатан беш марта кўпроқ жиноятчи ёки ичкиликбоз бўлиб етишганлар.

Шаҳсни ижтимоийлаштириш умумий жараёнининг бир қисми уни ҳуқуқий ижтимоийлаштириш бўлиб, унинг моҳияти шаҳс томонидан ҳуқуқий қадриятларнинг ўзлаштирилиши, уларни ўз ҳаёти ва аҳлоқининг меъёрларига, шаҳсий сифатларига айлантиришидан иборат.

Ўз ҳуқуқини таниш - юридик аҳамиятга эга бўлган вазиятларда инсон аҳлоқини тартибга солувчи юридик билимлар, ҳуқуқ ва уни қўллаш амалиётига бўлган баҳоловчи муносабатлар, ҳуқуқий йўл-йўриқлар ва қимматли йўналишлар шаклидаги ҳуқуқий борлиқни акс эттирувчи жамият, гуруҳ ва индивидуал онг доирасидир.

Ҳуқуқий аҳлоқнинг ҳар қандай ҳаракатида албатта, унда иштирок этаётган шаҳснинг ҳуқуқий онги намоён бўлади. Бунинг аниқ бир ҳуқуқ меъёрини билиши ёки билмаслиги, давлат ҳокимияти, қонун, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар нуфузи- нинг турли даражаси, амалдаги ҳуқуқий тақиқлар ва уларни бузганлик учун ҳуқуқий санктсияларнинг мавжудлиги ва унга нисбатан шаҳснинг салбий муносабати билан тавсифланиши мумкин.

Шундай қилиб, оғувчи аҳлоқ ўзини намоён қилишнинг кенг шаклларига эга. Девиант аҳлоқ намоён бўлиши ҳусусиятларининг дифференцсиатсиясини ўтказиш учун замонавий психологиянинг қуйидаги қоидаларига таяниш зарур.

1. Гарчи психопатологик бузилишлар мавжуд бўлган барча субъектларнинг аҳлоқи девиант деб ҳисоблансада, девиант аҳлоқ- нинг ҳар қандай тури орқасида ҳам психопатология яшириниб ётавермайди.

2. Руҳият бузилишлари, яъни когнитив, ҳис-ҳаяжонли ва бошқарувчи жараён, жараёнлар боришидаги бузилишлар албатта, шаҳснинг нуқсонини белгилаб бермайди.

3. Бузилишларнинг бир қанча кўринишлари шаклланишида органик

омилларнинг роли дезадаптив таъсирланишларга ўрганиш имкониятини инкор этмайди.

Адабиётлар

1. Сатвалдиев А. Раҳбарнинг касбий маҳорати //scienceweb academic papers collection. – 2021.
2.Сатвалдиев А. Бошқарув тизимида фаолият кўрсатаётган раҳбар хотин-қизларнинг шахсий ва ижтимоий психологик сифатлари //scienceweb academic papers collection. – 2019.
3.Сатвалдиев А. А. Женское лидерства в предпринимательстве сегодня //“ххи аср психологияси” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжумани мақолалар тўплами. – 2021. – с. 215.
4.Сатвалдиев А. Условия и решения для женщин предпринимателей сегодня //scienceweb academic papers collection. – 2020.
5.Сатвалдиев А. Гендерные вопросы в узбекистане //scienceweb academic papers collection. – 2020.
6.Сатвалдиев А. The role of women leaders in small business and private entrepreneurship //international journal of formal education. – 2022.
7.Сатвалдиев А. Personal and social psychological factors of female managers //scientific and technical journal machine building. – 2022.

BULUTLI TEXNOLOGIYALARDA HISOBLASH TARIXI


Parpiyev G‘afurjon G’ayratovich
AndMI, tayanch-doktoranti,
Tojiboyev Abdumo’min Muxtorjon o‘g‘li
AndMI, Axborot texnologiyalari va tizimlari ta’lim yo’nalishi 3-kurs talabasi

Annotatsiya: Sizga tafsiya etayotgan ushbu maqola yordamida siz sanoat korxonalarida yoki umumiy korxonalarda mehnatni tashkil etuvchi shaxslar hamda ularning toifalari bilan tanishishingiz mumkin bo’ladi.

Аннотация: С помощью этой статьи, которую мы вам представляем, вы сможете ознакомиться с лицами, организующими труд на промышленных или общих предприятиях, и их категориями.

Annotation: With the help of this article, which we present to you, you will be able to get acquainted with the persons who organize labor in industrial enterprises or general enterprises and their categories.

Bulutli hisoblash kontseptsiyasi 1950 yilda nozik/statik mijozlar orqali kirish mumkin bo’lgan asosiy kompyuterlarni joriy qilish bilan paydo bo’ldi. O’shandan beri bulutli hisoblash statik mijozlardan dinamik dasturlarga, dasturiy ta’minotdan xizmatlarga qadar rivojlandi. Quyidagi diagramma bulutli hisoblashning rivojlanishini tushuntiradi:



Mainfreymlar kompyuterlardir

Asosiy kompyuterlar katta hajmdagi xotira va real vaqt rejimida milliardlab oddiy hisob-kitoblar va tranzaksiyalarni amalga oshiradigan protsessorlarga ega yuqori unumdor kompyuterlardir. Asosiy kompyuter tijorat ma’lumotlar bazalari, tranzaksiya serverlari va yuqori chidamlilik, xavfsizlik va tezkorlikni talab qiluvchi ilovalar uchun juda muhimdir.

Mainfreymlar qanday ishlaydi?

IBM mainframelari quyidagilar uchun noyob tarzda ishlab chiqilgan:

Linux® kabi umumiy operatsion tizimlarni, IBM z/OS® kabi maxsus operatsion tizimlarni va noyob apparat imkoniyatlaridan foydalanadigan dasturiy ta’minotni ishga tushirish.

To’g’ridan-to’g’ri ilovalar bilan aloqa qilish uchun talab bo’yicha o’rnatilgan sig’im va o’rnatilgan umumiy xotira bilan bir vaqtning o’zida katta hajmdagi tranzaktsiyalarni va o’tkazish qobiliyatini qo’llab-quvvatlash.


O’rnatilgan kriptografik kartalar va innovatsion dasturiy ta’minot bilan eng yuqori darajadagi xavfsizlikni ta’minlash. Masalan, eng so’nggi IBM Z® meynfreymlari kuniga 1 trilliongacha xavfsiz web tranzaksiyalarni amalga oshirishi va maxfiylikni siyosat bo’yicha boshqarishi mumkin.

Har bir komponent (quvvat manbalari, sovutish, zaxira batareyalar, protsessorlar, kiritish-chiqarish komponentlari, kriptografiya modullari) va ekstremal

ob-havo sharoitlarini sinovdan o’tkazish uchun bir nechta zaxira qatlamlari orqali chidamlilikni taklif etish.


Mijoz-server arxitekturasi tushunchasini quyidagicha haotiy misol bilan tushuntirish mumkin. Tasavvur qiling siz biror restoran yoki kafega ovqat buyurtma qildingiz. Buyurtmani qo'ng'iroq orqali amalga oshirdingiz va kimdir qo'ng'iroqni qabul qilib buyurtmangizni ozib oldi va keyin uni yetkazib berdi. Oddiy, to'g'rimi? Ha, bu o'xshashlik mijoz serveri arxitekturasining asosiy printsipiga deyarli javob beradi.

Oddiy qilib aytganda, Mijoz-Server texnologiyasida ikkita omil ishtirok etadi:



1. Server so'ralgan xizmatlarni taqdim etuvchidir.
2. Mijozlar xizmatlarni talab qiladiganlardir.

Xostlangan muhit sotuvchi tomonidan Xostlangan dasturiy ta'minot xizmatlarini qo'llab-quvvatlash uchun foydalaniladigan uskuna , tizim dasturiy ta'minoti , hostingni qo'llab-quvvatlash dasturi , tarmoq ulanishi va ob'ektni anglatadi . Xostlangan muhit deganda Dasturiy ta’minot ishlayotgan server yoki ishlov berish quvvati operatsion tizim dasturiy ta’minoti , ma’lumotlar bazasi va Xostlangan muhitning bir qismi sifatida taqdim etilgan (umumiy , virtual yoki ajratilgan dasturiy ta’minot yoki jihozlardan foydalanilganidan qat’i nazar) boshqa jihozlar tushuniladi .



Hosted Environment umumiy integratsiyalashgan apparat va dasturiy ta’minot komponentlarini bildiradi (shu jumladan , bunday muhitda o‘rnatilgan apparat, dasturiy

ta’minot, serverlar , tarmoqlar va texnologiyalar) Xizmatlar bizning nazorat doiramizdan tashqari har qanday apparat, dasturiy ta'minot yoki telekommunikatsiya tarmoqlari bundan mustasno (masalan, Xost muhitiga ulanish uchun foydalaniladigan internet va telekommunikatsiya tarmoqlari kabi, lekin ular bilan cheklanmagan holda).

Bulutli hisoblash korxonalarga turli yo'llar bilan foyda keltirishi mumkin, bu esa an'anaviy ravishda uyda joylashtirilgan IT xizmatlarini yaxshilashi mumkin. Veb-xosting haqida gap ketganda, bulutli server jiddiy foyda keltirishi mumkin. Bu zamonaviy texnologiyaning asosiy afzalliklari.

Bulutli hisoblashlar shunchalik shov-shuv va ma'qullash darajasi bo'lib, uning afzalliklari baland ovozda aytilsa, ba'zilar shubha bilan javob berishga moyil bo'ladi. Ammo vaqt o'tishi bilan va ko'proq odamlar ushbu xizmat turini birinchi qo'ldan boshdan kechirishadi, shikoyatchilar xori kamayib bormoqda va bulut himoyachilari soni ortib bormoqda. Bulutli serverlar korporativ dasturiy ta'minotdan tortib butun IT infratuzilmasigacha bo'lgan hamma narsani joylashtirish uchun etarlicha moslashuvchan, bu ularni veb-saytlarni boshqarish uchun mukammal qiladi.

Nima uchun bulut veb-xosting uchun juda mos ekanligi haqida fikr berish uchun bu erda asosiy afzalliklar mavjud:

1. Bulutning chidamliligi shuni anglatadiki, ishlamay qolish vaqti minimal darajaga tushiriladi va qanday sharoitda bo'lishidan qat'i nazar, sayt har doim ochiq bo'lishi kerak.
2. Bulutli serverlarning kengayishi ichki infratuzilmani sezilarli yangilanishlarga sarmoya kiritmasdan turib, sig‘imning eng yuqori cho‘qqilari va pasayishlarini hisobga olish mumkinligini anglatadi.
3. Xarajatlar pasaytiriladi, chunki uskunaga texnik xizmat ko'rsatish yoki tizimlar monitoringi uchun pul to'lashning hojati yo'q, bularning barchasi provayder tomonidan amalga oshiriladi.
4. Bulutli hujumni aniqlashda xavfsizlik yaxshilanadi va yuqori darajadagi xavfsizlik devorlari avtomatik ravishda qo'llaniladi.
5. Bulutning moslashuvchanligi, shuningdek, korxonalar uchun xostingni kesish va joylashtirish yondashuvini qabul qilishni talab qiladigan yagona o'lchamli hosting paketlarini sotib olishning hojati yo'qligini anglatadi.

Buning o'rniga siz o'z talablaringizga moslashtirilgan, o'tkazish qobiliyatidan tortib saqlash maydonigacha real vaqtda hamma narsani boshqarish imkoniyatini beruvchi buyurtma xizmatidan bahramand bo'lishingiz mumkin. Va bulut oxirgi foydalanuvchining jismoniy joylashuviga bog'liq emasligi sababli, siz ofisdan tashqarida bo'lsangiz ham, bularning barchasiga erishishingiz mumkin.

Bulutning rivojlanishi bilan korxonalar endi xavfsizlik kabi narsalardan ko'ra xarajatlar haqida ko'proq qayg'urayotgani ayon bo'ladi, chunki provayderlar o'zlarini ilgari issiq tugmalar bo'lgan ushbu sohalarda umidlarni oqlay olishdan ko'ra ko'proq isbotlamoqda.

Bulutli xarajatlar haqida gap ketganda, ular, albatta, tushib ketmoqda, bu bozordagi jiddiy raqobat va bir qator provayderlar vaziyatni tartibga solmasdan va hukmronlik zanjiri paydo bo'lishidan oldin eng katta ulushni ta'minlash uchun bir-biri bilan kurashayotganligi sababli. tashkil etilgan.

Yakuniy foydalanuvchilar uchun bu bulutli xosting xarajatlari, ayniqsa o'tmishda talab qilinishi mumkin bo'lgan ichki muqobil echimlar bilan solishtirganda, pasayishda davom etishini anglatadi.

Bulutda ko'plab boshqa xosting formatlari uchun jismoniy cheklovlar yo'qligi sababli, u keyingi bir necha yil ichida korporativ hosting uchun de-fakto standartga aylanishi kerak.

Bulutli serverlar tejamkor, bardoshli, boshqarish oson va oldindan mavjud bo'lgan har qanday yechimga qaraganda ancha kengaytirilishi mumkin. Naysaylar har doim ovozli ozchilik sifatida mavjud bo'ladi, ammo dalillar shuni ko'rsatadiki, bulut bilan haqiqatan ham shug'ullanganlar uni rad etishga tayyor.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yhati:

1. https://www.ibm.com/topics/mainframe
2. https://intellipaat.com
3. https://www.lawinsider.com

CYBER SECURITY IN BUSINESS ORGANIZATIONS

Parpiyev G‘afurjon G‘ayratovich
Andijan machine-building institute, doctorant,
Tojiboyev Abdumo‘min Muxtorjon o‘g‘li
Andijan machine-building institute, student,
kuyganyor@gmail.com

Annotatsiya: Ushbu maqolamizda texnologik o'sishda zamonaviy dunyoda tashkilotlarni boshqarishda qiyinchiliklar tug'diradigan ba'zi jinoyatlarga va ularni oldini olish haqida fikr bildiriladi.

Аннотация: В этой статье мы обсудим некоторые преступления, которые затрудняют управление организациями в современном мире с технологическим ростом, и способы их предотвращения.

Annotation: In this article, we will discuss some of the crimes that make it difficult to manage organizations in the modern world with technological growth and how to prevent them.

Introduction

Technological growth has led to some crimes, which pose challenges to managing organizations in the modern world. The most dangerous crime associated with

technology is the emergence of hackers, who steal organizations’ information for financial benefits. Hacking has been a threat to organizational growth, thus resulting in huge financial losses (Erickson, 2008).

This paper will highlight the challenges that organizations face in protecting the customers and assets, the red flags that the Target Company ignored, and the actions employed after the hacking thievery coupled with discussing the main reasons that made the breach successful with reference to the article, “Missed Alarms and 40 million Stolen Credit Card Numbers: How Target Blew it”.

Challenges organizations face in protecting organizational assets and information

The most historic hacking happened in Target and it culminated in huge financial losses. For instance, customers for Target demanded compensation for the losses incurred by the organization, which cost about $ 61 million (Riley, Lawrence, Elgin & Matlack, 2014). Therefore, today’s business organizations face serious challenges that limit their financial growth. The following are the challenges that modern business organizations face in protecting their assets and information.

Information Resilience

Modern organizations encounter several challenges in protecting and sustaining critical information concerning their assets. The pathway through which the organizational information is processed, organized, stored, and deleted should be contained secretly (Myatt, 2013). The organizational risk management team ensures that the critical information assets that are used to drive the companies’ success are highly protected and contained within the risk management framework.

The data may be contract information or data related to an organization’s financial performance. However, organizations face the challenge of maintaining and controlling this vital information due to irresponsible and unethical employees (Middo, 2013). For instance, employees who may retire or undergo retrenchment may decide to spill out an organization’s important information. This aspect may lead to the damaging of the organizational public image. Moreover, the information can be used by hackers to trace information of their interest.

For example, the investigations on Target hacking incidence revealed that the arrested irresponsible IT employee may have given out the company’s information (Riley et al., 2014). Similarly, this scenario happens if the former employer has the full grasp of the company’s operational systems. Ultimately, the revealed information leads to financial losses through hacking.

In addition, the destroyed company’s public image may lead to reduced customer trust, if the spilled information has negative effects on the products or services offered by the company (Middo, 2013). The resulting effects will have an impact on the consumer behavior whereby the company sales will reduce significantly, hence low demand, thus leading to poor performance.

Increased operation costs

Due to the high technological development, the growing number of hackers increases organizational responsibility and efforts towards safe data and information keeping. Therefore, organizations hire or establish their own security data-management team or systems to protect information assets (Myatt, 2013). This move comes with increased financial costs on top of the normal operational costs.

The costs incurred may be through setting highly detective systems or hiring a specialized data security agency to monitor and respond to hackers at an early stage. For instance, Target established a data security system, which cost them a lump sum of cash (Riley et al., 2014). This extra cost could have been used to increase productivity. Target had installed a malware detection system at a cost of $1.6 billion.

Highly informational economy

Currently, the business sector relies on processed and stored information data that appears on organizational profiles, social media platforms, and company websites where it is mainly used for marketing purposes. This aspect exposes some of the information that organizations use in their daily routine for increased productivity. For instance, the modern economy depends on virtual information records, whish are based on their websites.

In fact, almost all business entities use virtual customer records, virtual product specification, virtual stock markets, virtual offices, and social media chatting systems. Apparently, these platforms are the main exposure avenues to the hackers. In addition, in case of a successful hacking thievery, organizations incur huge financial losses to compensate their customers and reform their organizational structure and design. Target is a good example of the costs incurred to compensate its customers on losses and restructuring its IT data systems (Riley et al., 2014).

The red flags that Target overlooked

On November 30, Fire Eye Security, which is firm in the computer systems security, detected the hackers’ malware on behalf of the Target data security. Immediately, the Bangalore-based Minneapolis computer specialist team, viz. the Target security management team, was alerted (Riley et al., 2014).

In addition, in December the same year, another software malware was sent by the hackers, but the Bangalore team had switched off its detection and monitoring software. The hackers had professionally structured their operation such that they used the same Target computer system by cloaking codes to ensure safety. The Target’s computer specialist team ignored the alarms sent by the Fire Eye security systems after the first detection.

Moreover, the Target management team ignored the attention of the irresponsible IT specialized employee, who was arrested from their office (Riley et al., 2014). Something was amiss, and thus that risk reduction, mitigation, and avoidance measures needed to be put in place. Nevertheless, no response was witnessed from the Target

Security system to thwart the hacking efforts. Ultimately, the ignored security alarms culminated in great financial loss to Target,

Response Actions after the Hacking thievery in Target

After suffering great data and information loss, Target decided to restructure the entire organizational structure. On his response following the breach incidence, Gregg Steinhafel, the Targets’ Executive officer, said that the organization was restructuring the employees, the processes, and the entire technological systems in order to tighten the security level. Moreover, the executive officer reported that the organization was scrutinizing the information systems to rectify and establish new systems.

Moreover, Gregg indicated that the company had already set up a customer response strategy (Riley et al., 2014). This move aimed at restoring the lost customer trust and above all maintaining the productivity level. In addition, customers were not to pay for any fraud charges arising from the information breach incidence. Ultimately, the breach of information incidence led to serious investigations by the Fire Eye Security systems to establish the entry and pathway of the hackers. The results revealed that the highly specialized hackers had mimic software to that of Target to conceal the thievery.

Reasons that led to Target thievery

After thorough investigations by the Fire Eye in 2008, the results revealed several pit holes in the Target, which include

Targets’ Management ignorance

The security specialist in Minneapolis ignored the alarms sent by the Fire Eye computer specialists. According to the Fire Eyes report, if the company had taken a quick response, such damages would have not occurred. Moreover, the company did not consider keeping secretive information about customer payments, contracts, and billings. Furthermore, the vendor that the company worked with revealed some crucial information that may have led to the hacking incidence.

Lost trust on Fire Eyes’ report

Target computer security specialists had switched off the system that would have automatically deleted any detected hacking malware (Riley et al., 2014). This system prevents any access to the customers’ and organizational vital information. This aspect culminated in easy access to the company’s credit cards. In addition, the Target’s computer security team had lost trust on Fire Eye organization. This aspect led to ignorance on any findings that the Fire Eye presented to them.

Poorly designed organizational structure system

According to report after the hacking thievery by Fire Eye, the IT infrastructure was poorly designed. For instance, the entire Targets’ anti-hacking system had only locked doors without CCTV screen surveillance of the operations. This aspect led to the loss of organizational data through manual and visual scanning. Moreover, the entire security systems had been designed in a poorly planned structure that enabled access to everyone’s information. Furthermore, the Target’s security software systems were

outdated to detect any highly technologized software. All these factors paved way and ease of access to the Target’s customer data and information

Conclusion

Hacking has been a threat to the modern businesses and organizations. In addition, hackers go to the extent of tracking personal bank information for financial benefits. Therefore, every organization should establish strict and reliable anti-hacking system. Moreover, every organization should focus on having a reliable and quick communication channel to foster timely response. If only Target had considered all these factors, the breach would have been managed without dire financial consequences.

References

1. Middo, M. (2013). *5 Minute Businesses- Growth Hacking Secrets Revealed*. Woollahra, NSW: Longueville Media.
2. Myatt, M. (2013). *Hacking Leadership: The 11 Gaps Every Business Needs to Close and the Secrets to closing them quickly*. Hoboken, NJ: Wiley.
3. Riley, M., Lawrence, D., Elgin, B., & Matlack, C. (2014). *Hack*: *Missed Alarms and 40 million Stolen Credit Cards Numbers: How Target blew it*.
4. Xoldarboyev, R. A., & Abduvaxobova, R. A. Q. (2022). Kiberxavfsizlik. *Science and Education*, *3(7), 29-34*
5. StudyCorgi. (2020, May 10). *Cyber Security in Business Organizations. Retrieved from https://studycorgi.com/cyber-security-in-business-organizations/*

KICHIK BIZNES IQTISODIY XAVFSIZLIGINI TA’MINLASHDA AXBOROT XAVFSIZLIGINING AHAMIYATI

Akbarov Abdulhamid Akmal o‘g‘li

Andijon mashinasozlik instituti tayanch doktoranti,

TDIU Andijon fakulteti katta o‘qituvchisi

Annotatsiya: Raqamli dunyoda iqtisodiyotning turli soha va tarmoqlari o‘z faoliyatida zamonaviy axborot-kommunikatsion texnologiyalarni joriy etmoqda. Tadbirkorlik va biznes faoliyatini esa hozirgi kunda axborot texnologiyalarsiz tasavvur etish qiyin. Shu nuqtai nazardan ushbu tezisda kichik biznes faoliyatini raqamlashtirish ahamiyati hamda bunda axborot xavfsizligi masalasi tahlil etilgan.

Kalit so‘zlar: Axborot xavfsizligi, iqtisodiy xavfsizlik, kichik biznes, raqamlashtirish

Borgan sari raqamlashtirilgan dunyoda kichik biznes o‘z faoliyatini samarali olib borish uchun texnologiyaga ko‘proq bog‘liq bo‘lib qoldi. Ushbu harakat bilan kiber tahdidlarga nisbatan zaiflikning kuchayishi, kichik biznesni sezilarli iqtisodiy yo‘qotishlarga olib kelishi mumkin. Shuning uchun axborot xavfsizligi kichik biznesning iqtisodiy farovonligini ta’minlashda hal qiluvchi omil sifatida paydo bo‘ldi. Axborot xavfsizligi bo‘yicha kompleks va mustahkam chora-tadbirlarni amalga oshirish orqali ushbu korxonalar o‘zlarini kiber tahdidlardan himoya qilishlari, ularning raqobatbardosh bozorda barqaror o‘sishi va barqarorligini ta’minlashlari mumkin.

Kichik biznes global iqtisodiyotning asosini tashkil etadi va aholini ish bilan ta’minlash, innovatsiyalar va iqtisodiy o‘sishga katta hissa qo‘shadi. Ularning tashabbuskorligi va rivojlanayotgan bozor talablariga moslashish qobiliyati ularni iqtisodiy faoliyatning muhim tarkibiy qismiga aylantiradi. Biroq, raqamli infratuzilmaga bo‘lgan ishonchning kuchayishi kichik biznesni moliyaviy barqarorligiga zararli ta’sir ko‘rsatishi mumkin bo‘lgan kiber xavflarga duchor qildi.

Kichik biznesga qaratilgan kiber tahdidlar ma’lumotlarning buzilishi va fishing hujumlaridan tortib to‘lov dasturlari va ichki tahdidlarga qadar murakkablik va jiddiylikda rivojlandi. Ushbu hujumlarning oqibatlari keng ko‘lamli bo‘lib, moliyaviy yo‘qotishlarga, tadbirkorlik obro‘siga zarar etkazishga va potentsial qonuniy majburiyatlarga olib kelishi mumkin.

Axborot xavfsizligini birinchi o‘ringa qo‘yish iqtisodiy xavfsizligini mustahkamlashga qaratilgan kichik biznes uchun hal qiluvchi ahamiyatga ega. Axborot xavfsizligiga ko‘p qatlamli yondashuvni amalga oshirish kiber tahdidlar bilan bog‘liq xavflarni sezilarli darajada kamaytirishi mumkin. Xavfsizlik devorlari,

xavfsiz ma’lumotlarni shifrlash, dasturiy ta’minotni muntazam yangilab turish va kiberxavfsizlikning eng yaxshi amaliyotlari bo‘yicha xodimlarni o‘qitish kabi choralar barqaror xavfsizlik tizimini yaratishda juda muhimdir.

Bundan tashqari, ilg‘or autentifikatsiya protokollarini qabul qilish, ma’lumotlarni muntazam zaxiralash va tarmoq faoliyatini real vaqtda monitoring qilish potentsial buzilishlardan himoyani kuchaytirishi mumkin. Kichik biznes, shuningdek, paydo bo‘layotgan tahdidlar haqida xabardor bo‘lib turishi va kiberjinoyatchilardan bir qadam oldinda bo‘lish uchun xavfsizlik protokollarini doimiy ravishda yangilab turishi kerak.

Axborot xavfsizligini biznes madaniyatiga integratsiya qilish ham muhimdir. Xodimlar o‘rtasida xavfsizlikni anglaydigan fikrlilarni rag‘batlantirish va hushyorlik madaniyatini tarbiyalash inson xatosi xavfini sezilarli darajada kamaytirishi mumkin, bu esa xavfsizlikni ta’minlashning asosiy sabablaridan biri bo‘lib qoladi.

Ichki xavfsizlik choralaridan tashqari, kichik korxonalar kiberxavfsizlik bo‘yicha mutaxassislar bilan hamkorlik qilish va xavfsizlik infratuzilmasini yaxshilash uchun tashqi yordamdan foydalanishlari mumkin. Sohaga oid xavfsizlik bo‘yicha maslahatchilardan yo‘l-yo‘riq izlash va axborot almashish tashabbuslarida ishtirok etish ularning himoyasini mustahkamlash uchun qimmatli tushunchalar va zarur amaliyotlarni taqdim etishi mumkin.

Bundan tashqari, me’yoriy muvofiqlik standartlari va sohaga xos xavfsizlik ko‘rsatmalariga rioya qilish kichik biznesga mijozlar, sheriklar va manfaatdor tomonlar o‘rtasida ishonch va ishonchni saqlashga yordam beradi va shu bilan ularning iqtisodiy barqarorligini himoya qiladi.

Axborot xavfsizligini birinchi o‘ringa qo‘yish orqali kichik biznes nafaqat o‘zlarining sirli ma’lumotlarini va intellektual mulkini himoya qilishi, balki o‘z faoliyatining uzluksizligini ta’minlashi va mijozlar ishonchini kuchaytirishi mumkin.

Xavfsizlikning faol holatini o‘rnatish – bu kichik biznesning iqtisodiy xavfsizligini himoya qiladigan, ularning tobora o‘zaro bog‘liq va raqamlashtirilgan biznes muhitida rivojlanishiga imkon beradigan muhim sarmoyadir.

Xulosa qilib aytganda, kichik biznesning iqtisodiy xavfsizligi ularning axborot xavfsizligi choralarining mustahkamligiga bog‘liq. Rivojlanayotgan tahdid ko‘lamini tushunish, keng qamrovli xavfsizlik tizimini birlashtirish, xavfsizlikni anglaydigan xodimlar madaniyatni rivojlantirish va tashqi qo‘llab-quvvatlashdan foydalangan holda, kichik biznes kiber tahdidlarga qarshi himoyani kuchaytirishi hamda raqobatbardosh bozorda iqtisodiy o‘sishi va barqarorligini ta’minlashi mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Arefieva, O.V., Kuzenko, T.B.: Planuvannia ekonomichnoi bezpeky pidpryiemsv (Planning of enterprise economic security). Vyd-vo Yevrop. un-tu, Kyiv (2005)

2. Хошимов П.З. Тадбиркорликнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш концепцияси ва тизими, Иқтисод ва молия / Экономика и финансы 2015, 11

3. Qosimov , S. D., & Akbarov , A. A. o‘g‘li. (2022). Kichik biznesda raqamli tadbirkorlik tendensiyalari: kecha va bugun. international conference dedicated to the role and importance of innovative education in the 21st century, 1(4), 208–212. Retrieved from https://openidea.uz/index.php/conf/article/view/442

4. Ermatov A., Akbarov A. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятида иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг ўзига хос жиҳатлари //Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar. –2021. –No. 6. –C. 239-249.

5. Ibragimov N., Akbarov A. A. The role of cryptography in information security //Научные разработки: евразийский регион. –2017. –C. 107.

DUNYONING RIVOJLANGAN DAVLATIDA ONLINE TA’LIM JARAYONLARI

Parpiyev G‘afurjon G‘ayratovich
Andijon mashinasozlik instituti tayanch-doktoranti,
Umarova Feruzabonu Toshmamat qizi
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, Andijon fakulteti,
Menejment ta’lim yo’nalishi 1-kurs talabasi

Anotatsiya: Maqolada Janubiy Koreya davlatida onlayn ta’lim tizimini amalga oshirishning taxliliga oid bir qator fikrlar keltirib o`tilgan.

Аннотация: В статье представлен ряд моментов, касающихся анализа внедрения системы онлайн-образования в государстве Южная Корея.

Annotation: The article presents a number of points concerning the analysis of the implementation of the online education system in the state of South Korea.


Janubiy Koreyada onlayn ta'limni amalga oshirish mamlakatning mukammal internet infratuzilmasi tufayli nisbatan silliq kechdi. Biroq ko'plab talabalar va o'qituvchilar ushbu yangi paradigmadan noroziliklarini bildirdilar. Janubiy Koreya tajribasi shuni ko'rsatadiki, ta'limni onlayn tarzda o'tkazish siyosat bilan mustahkamlangan uzoq muddatli tizimli o'zgarishlarni talab qiladi.

COVID-19 pandemiyasi Janubiy Koreyadagi deyarli barcha maktab va universitetlarni onlayn ta’limga o‘tishga majbur qildi. Mamlakatning onlayn ta'limga o'tishi asosan silliq kechdi va buning sababi aniq: Janubiy Koreya dunyodagi eng yaxshi IT infratuzilmalaridan biriga ega. Pandemiyadan oldin mamlakat 99% 4G qamrovini amalga oshirdi, 5G joriy qilinmoqda; Bundan tashqari, uy xo'jaliklarining qariyb 75 foizi kompyuterdan foydalanadi, 99,5 foizida esa internetdan foydalanish imkoniyati mavjud edi. Mamlakatda ta'limga ustuvor ahamiyat berish bilan birga, bu onlayn ta'limni oson amalga oshirish va talabalar va o'qituvchilar tomonidan ushbu rejimni keng qabul qilish muqarrar bo'lib tuyuladi.

Prezident Mun Chje In hukumati ushbu qiyin paytlarda ta'limning uzluksizligini ta'minlash uchun barcha sa'y-harakatlarini amalga oshirdi. Hukumat minglab, millionlab talabalarni qo'llab-quvvatlash uchun elektron ta'lim platformalarining imkoniyatlarini oshirish orqali davlat infratuzilmasini kengaytirdi. Bundan tashqari o'qituvchilarga tajriba va o'zaro maslahat dasturlarini taqdim etish orqali o'qitish qobiliyatini oshirishga yordam berdi. Misol tariqasida o'qituvchilarni onlayn ta'lim haqida o'z g'oyalari va ma'lumotlarini baham ko'rishga undaydigan "10 000 vakil o'qituvchilar hamjamiyati"ni keltirish mumkin.

Hukumat, shuningdek, tegishli ko'rsatmalar bilan o'rtoqlashdi va o'qituvchilar, ota-onalar va talabalarga onlayn ta'lim platformalaridan foydalanishda real vaqt rejimida yordam ko'rsatdi va raqamli tafovutni bartaraf etish uchun xususiy sektor

bilan ishladi. Bundan tashqari, minglab talabalarga ijaraga olinadigan qurilmalarni nol narxda taqdim etadi va nochor talabalarni onlayn darslarga jalb qilishni ta'minlash uchun ushbu siyosatni ta'lim muassasalariga taklif qildi




Janubiy Koreya oliy ta'limi onlayn ta'limni qanday qabul qilgan
Rasm: Koreya Iqtisodiy kundaligi

Biroq Janubiy Koreyaning ta'sirchan IT infratuzilmasi va hukumatning onlayn ta'limni joriy etish bo'yicha faol qadamlari onlayn ta'limning keng tarqalgan qabul qilinishiga olib kelmaydi. Misol uchun, yaqinda o'tkazilgan so'rov talabalarning onlayn o'rganish tajribasidan juda past qoniqish darajasini ko'rsatdi, hattoki talabalarning 50%i , ikkinchi semestrda ta'tilga chiqishni o'ylashgan. Bu talabalar noroziligiga asosiy sabab sifatida dars sifati pastligi (37,9%) va o'qish to'lovidan noroziligi (28%)ni ko'rsatish mumkin. Bundan tashqari, talabalar ham, o'qituvchilar ham onlayn sinf muhitida samarali muloqot qilish uchun texnik ko'nikmalarga ega emaslar. Buning ajablanarli joyi yo'q, chunki talabalar ham, professorlar ham masofaviy ta'lim muhitida o'zaro aloqada bo'lishga o'rganilmaganligini aytishdi. Bundan tashqari, onlayn ta'lim uchun standartlashtirish siyosatining yo'qligi maktablar o'rtasida turli xil operatsiyalarni keltirib chiqardi, bu esa ta'limdagi tafovutni yanada yomonlashtiradi.

Xulosa qilib aytganda, onlayn platformalar va texnologiyalar yuzma-yuz darslardagi kabi ta’lim mazmunini samarali yetkazib berishga tayyor emas. Muhandislik maktablarida ahvol bundan ham yomonroq: Turli universitetlarning muhandislik bo'limlari talabalari va professor-o'qituvchilariga qaratilgan so'rovda 33% darslar samarasiz ekanligini aytdi. Faqat 5% darslardan qoniqishini bildirgan. Professorlar orasida fan va muhandislik professorlarining 42 foizi noroziligini bildirdi va faqat 12 foizi qoniqarli deb baxolandi. Ushbu topilmalar shuni ko'rsatadiki, ba'zi darslar eng yaxshi oflayn rejimda o'tkaziladi. Yechim sifatida virtual haqiqat taklif qilinayotgan bo'lsa-da, bu texnologiyani amalda amalga oshirish uchun biroz vaqt

kerak bo'ladi. Xuddi shunday, universitet prezidentlari institutlarni isloh qilish va tarkibni tayyorlashdagi qiyinchiliklar, qo‘shimcha moliyaviy resurslar bilan ta’minlash uchun bosimlarni boshqarish, onlayn ta’limni amalga oshirishda davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlanmaslik va texnologiyalarni joriy etishga keng tarqalgan qarshilikni boshqarish kabi boshqa muammolarni ham keltirib o‘tadilar (quyidagi rasmga qarang). ta'limda.




Onlayn rejimga o'tish muammosiz emas, deydi xususiy universitetlar prezidentlari

Rasm: Dong-A Ilbo

Onlayn ta'limning cheklovlari bundan tashqari, kollejdagi ta'limning ba'zi jihatlarini, jumladan, tengdoshlar bilan o'rganish va professorlar bilan o'zaro aloqalar, yotoqxona hayoti va kollej o'yinlarini "kattalashtirish" mumkin emasligi aniq. Shu sababli, universitetlar va kollejlar yaqinda gibrid ta'lim modelini joriy qilishni boshladilar, unda darslar onlayn va oflayn rejimda o'tkaziladi. Ushbu rivojlanayotgan tendentsiya bizga "gibridtaktli" ta'limning yangi davrini tasavvur qilish imkonini beradi (quyidagi rasmga qarang), bu erda onlayn (kontaktsiz) ta'lim va oflayn (kontakt) sinflarning eng yaxshi xususiyatlari eng yaxshi o'qitish va o'rganish tajribasini taqdim etish uchun optimallashtirilgan. o'qituvchilar va talabalar. Masalan, internet va onlayn o‘quv platformalarining imkoniyatlaridan foydalangan holda, ta’lim muassasalari millionlab talabalarning arzonroq ta’lim olish imkoniyatlarini kengaytirish uchun o‘z resurslarini optimallashtirishlari mumkin. Ommaviy ochiq

onlayn kurslar (MOOCs) va Georgia Techning informatika bo'yicha onlayn magistrlari kabi kurslar bu ajoyib imkoniyatlarga misoldir.

Janubiy Koreya bu davrning kelishiga uzoq vaqtdan beri tayyorgarlik ko'rdi; masalan, Fan va AKT vazirligi K-MOOC ni joriy qildi, u oliy darajadagi fan universitetlariga mo'ljallangan va hamma uchun ochiqdir. Biroq, qabul qilish sekin kechdi va u hali ham kam obunachilariga ega bo'lib qolmoqda.



"Gibridtakt" yondashuvi Rasm: mualliflar

Tizimli o'zgarishlarga ehtiyoj

Ta'limning kelajagi "gibridtakt" degan fikr paydo bo'ldi. Biroq, bu hayajonli kelajakni amalga oshirish uchun hukumatlar infratuzilma va undan foydalanishga qaratilgan chora-tadbirlar doirasidan tashqariga chiqadigan ta'lim islohotlarini ko'rib chiqishi kerak. Janubiy Koreya misoli shuni ko'rsatadiki, ta'lim islohoti uzoq muddatli fikrlash va texnologiyalarni, jumladan, onlayn platformalar, sun'iy intellekt va bulutli hisoblashni ta'lim tizimining ajralmas tarkibiy qismlariga aylantirishga qaratilgan tizimli o'zgarishlarni talab qiladi. Hukumatlar, shuningdek, keng miqyosda o'qituvchilar, professorlar, talabalar va ota-onalar uchun treninglar va mashg'ulotlarni osonlashtirishi kerak.

Bundan tashqari, biz o'qitish va o'rganishni o'zgartirishimiz kerak; madaniyatlarni o'zgartirish va professorlar, o'qituvchilar, talabalar va ota-onalar uchun rag'bat yaratish bo'yicha ko'p mehnat qilish va ta'lim biznes modellarini yangi davr talablariga mos ravishda o'zgartirish. Shu sababli, biz hukumatlar va manfaatdor

tomonlarga mavjud onlayn o'qitish va o'rganish tajribasi bilan sinonimik bo'lgan texnologiya qarshiligini yumshatish uchun texnologiyaga mos muhitni targ'ib qiluvchi siyosatlarga e'tibor qaratishni taklif qilamiz. Oxir oqibat, bu "gibridtaktik" ta'lim bo'yicha ijtimoiy ishonch va kelishuvning rivojlanishiga olib kelishi mumkin.

Ikkinchidan, tizim va ijtimoiy oʻzgarishlarga qaratilgan siyosatlar bilan bir qatorda onlayn taʼlim infratuzilmasini (masalan, platformalar, qurilmalar va internetga ulanish) qoʻllab-quvvatlovchi siyosatni amalga oshirish zarur. Ikkinchisi talabalar, o'qituvchilar va maktab xodimlarini onlayn ta'limga o'rgatish uchun o'quv dasturlarini amalga oshirish, universitet tizimlarini isloh qilish va institutlar hamkorligini rag'batlantirish kabi imkoniyatlarni o'z ichiga oladi.

Nihoyat, manfaatdor tomonlar bilan maslahatlashgandan so'ng, masofaviy ta'limning huquqiy asoslarini yaratish va ta'lim muassasalarida onlayn standartlashtirishni rag'batlantirish uchun qonunlar va siyosatlar qabul qilinishi kerak. Bu o'qituvchilar va talabalar o'rtasidagi chalkashlikni kamaytirishga yordam beradi va ta'limdagi tafovutni yo'q qiladi.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, Janubiy Koreya misolida shuni ko'rsatadiki, ta'limni onlayn tarzda samarali yetkazib berish uchun zarur infratuzilma va foydalanish imkoniyati etarli emas. Texnologiyalar va manfaatdor tomonlarni keng ko'lamli o'qitish va jalb qilish imkoniyatlarini qamrab olish uchun tizimli fikrlash va tizimli islohotlarga ehtiyoj bor.

Foydalangan adabiyotlar ro`yxati :

1. www.weforum.org
2. www.koreanews.com

ELEKTRON DARSLIKLAR YARATISH UCHUN DASTURIY ASOSLAR HAQIDA UMUMIY MA’LUMOT.

Parpiyev G‘afurjon G‘ayratovich
Andijon mashinasozlik instituti tayanch-doktoranti,
Tojiboyev Abdumo‘min Muxtorjon o‘g‘li
Andijon mashinasozlik instituti, Axborot texnologiyalari va tizimlari ta’lim yo’nalishi 3-kurs talabasi
kuyganyor@gmail.com

Annotatsiya: Ta’limda elektron resurslardan foydalanish bilim olishning keng tarqalgan usuli hisoblanadi. Interfaol ta’lim texnologiyalaridan foydalangan holda masofaviy ta’lim elektron darsliklar yaratishni taqozo etadi. O‘quv materiallarini loyihalash uchun juda ko‘p turli xil vositalar mavjudligi to‘g‘ri mahsulotni tanlashda qiyinchiliklarga olib kelishi mumkin. Ushbu tadqiqotda elektron nashrlarni ishlab chiqish uchun ba’zi dasturiy vositalarning xususiyatlari ko‘rib chiqiladi va ularni tasniflashga harakat qilinadi.

Annotation: The use of electronic resources in education is a common method of acquiring knowledge. Distance education using interactive educational technologies requires the creation of electronic textbooks. With so many different tools available for designing educational materials, it can be difficult to choose the right product. This study examines the features of some software tools for the development of electronic publications and tries to classify them.

Аннотация: Использование электронных ресурсов в образовании является распространенным методом приобретения знаний. Дистанционное обучение с использованием интерактивных образовательных технологий требует создания электронных учебников. С таким количеством различных инструментов, доступных для разработки учебных материалов, может быть трудно выбрать правильный продукт. В данном исследовании рассматриваются особенности некоторых программных средств разработки электронных изданий и делается попытка их классификации.

Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari sohasining jadal rivojlanishi va ularning jamiyat hayotining barcha jabhalariga ta’siri natijasida elektron ta’lim vositalarining ta’limdagi roli ortib bormoqda. Elektron ta’lim vositalari deganda ilmiy yoki amaliy xarakterdagi tizimli ma’lumotlarni o‘z ichiga olgan, o‘qish va o‘qitish uchun qulay shaklda taqdim etilgan va turli yoshdagi va ta’lim darajasidagi talabalar uchun mo‘ljallangan elektron nashrlar tushuniladi. Eng mashhur elektron ta’lim vositalari bu elektron darsliklar (ED).

Hozirgi vaqtda zamonaviy o‘quv qurollariga qo‘yiladigan asosiy talablarni ajratib ko‘rsatish mumkinki, ular talabaning mustaqil ishini oshirishga yo‘naltirilgan bo‘lishi, demak, ulardan foydalanishda qulay, ma’lumotli, ko‘rgazmali bo‘lishi, fanni o‘zlashtirish motivatsiyasini oshirish; to‘liq huquqli ta’lim olishni xohlovchilarning barchasi uchun ochiq bo‘lishi; yuqori toifali mutaxassislarni tayyorlashni ta’minlash; zamonaviy telekommunikatsiya vositalari va eng yangi axborot texnologiyalaridan keng foydalanish.

Sanab o‘tilgan talablarning ko‘pchiligi bir-biriga zid va bir-biriga mos kelishi qiyin, shuning uchun elektron darslikni ishlab chiqish turli sohalardagi mutaxassislar jamoasi tomonidan hal qilinadigan murakkab vazifa bo‘lib, tegishli dasturiy ta’minotni oqilona tanlashni talab qiladi.

Elektron darsliklarni yaratish vositalarini bajariladigan maqsad va funksiyalar, texnik ta’minotga qo‘yiladigan talablar, qo‘llash xususiyatlari kabi ko‘rsatkichlarni o‘z ichiga olgan murakkab mezondan foydalangan holda guruhlarga bo‘lish mumkin. Ushbu mezonga muvofiq quyidagi tasniflash mumkin:

- dasturlash tillari;
- multimedia vositalari;
- gipermatn va gipermedia vositalari;
- elektron darsliklarni yaratish uchun maxsus dasturiy ta’minot.

Dasturlash tillari. Zamonaviy vizual dasturlash muhitlari (Visual Basic, C# va boshqalar) juda ko‘p qirrali dasturlarni, shu jumladan elektron darsliklarni yaratishga imkon beradi. Dasturlash tillari yordamida yaratilgan elektron darsliklarning aniq kamchiliklari quyidagilarni o‘z ichiga oladi:

- o‘zgartirish va texnik xizmat ko‘rsatishning murakkabligi;
- rivojlanishning murakkabligi tufayli yuqori narx.

Afzalliklar	Kamchiliklar
amalga oshirish uslublarining xilma-xilligi (ranglar palitrasi, interfeys, ES tuzilishi, materialni taqdim etish usullari);	
apparat cheklovlarining yo‘qligi, ya’ni mavjud texnik bazaga yo‘naltirilgan EDni yaratish imkoniyati.	

Ta’kidlash joizki, ta’lim muassasalaridagi texnik bazaning hozirgi holatini hisobga olgan holda, elektron darsliklarni yaratishda dasturlash tillaridan foydalanish ahamiyatsiz bo‘lib qolmoqda. Ushbu dasturiy vosita, qoida tariqasida, interaktivlik elementlari (bilimlarni test qilish modullari, o‘quv topshiriqlari, virtual tajribalar va boshqalar) bilan alohida modullarni yozish uchun ishlatiladi.

Multimedia vositalari. Multimedia texnologiyalari axborotni taqdim etishning bir necha usullarini birlashtiradi: matn, harakatsiz tasvirlar, harakatlanuvchi tasvirlar va tovushni interfaol mahsulotga aylantiradi.

Multimedia vositalari idrok etishning barcha usullarini faollashtirish orqali o‘quv materialini sezilarli darajada boyitishi mumkin.

Afzalliklar	Kamchiliklar
o‘quv materialini grafik, matn, tovush shaklida birlashtirilgan taqdim etish imkoniyati;	diskdagi elektron darslikning katta vazni;
mahsulotning butun tarkibini avtomatik ravishda ko‘rish imkoniyati ("slayd-shou").	o‘quv materialini taqdim etishning chiziqli tuzilishi ustunlik qiladi.

Gipermatn va gipermedia vositalari. Gipermatn - bu matn materialini chiziqli bo‘lmagan tarzda taqdim etish usuli bo‘lib, unda matnda ma'lum bir matn parchalari bilan bog'langan qandaydir tarzda ajratilgan so‘zlar mavjud [3]. Shunday qilib, foydalanuvchi matn sahifalarini shunchaki ketma-ket varaqlamaydi, u har qanday

havola orqali chiziqli tavsifdan chetga chiqishi mumkin, ya'ni ma'lumot berish jarayonini boshqaradi. Gipermedia tizimida tasvirlardan fragmentlar sifatida foydalanish mumkin, axborot esa matn, grafik, videoklip va ovozni o‘z ichiga olishi mumkin.

Gipermatn texnologiyasidan foydalanish darsliklar uchun tuzilganligi, foydalanish qulayligi kabi talablarni qondiradi. Agar kerak bo‘lsa, bunday darslik Internetda nashr etilishi mumkin va uni osongina tuzatish mumkin. Hozirgi vaqtda juda ko‘p turli xil gipermatn formatlari (HTML, DHTML, PHP va boshqalar) mavjud.

Afzalliklar	Kamchiliklar
web-texnologiyalar bilan to‘liq muvofiqligi va EDni Internetda nashr etish imkoniyati;	o‘quv materialini taqdim etishning yagona standartining yo‘qligi;
o‘quv materiali taqdimotining ixchamligi va ma'lumotni siqish uchun maxsus algoritmlardan foydalanish tufayli EDning past og‘irligi.	o‘quv materialini ko‘rsatishning ma'lum bir brauzerga bog'liqligi.

Elektron darsliklarni yaratish uchun maxsus dasturiy ta'minot. Hozirgi vaqtda elektron darsliklarni tuzish uchun ko‘plab maxsus dasturlar mavjud. Ular yordamida yaratilgan elektron darsliklarning afzalliklari va kamchiliklari Jadvalda keltirilgan.

Maxsus dasturlar yordamida yaratilgan elektron darsliklarning afzalliklari va kamchiliklari

Afzalliklar	Kamchiliklar
Turli o‘quv kurslari uchun ED komponentlarini taqdim etish uchun yagona standart	Illyustratsiyalar va multimedia taqdimotidagi cheklovlar
O‘rnatilgan nazorat va o‘qitish tizimlarining mavjudligi	EDning o‘zgaruvchan qismini yaratish imkoniyatlarini cheklash
Komponentlar va materiallarning qattiq tuzilishi	O‘quv materiallari va ularning tarkibiy qismlarini tuzishda o‘qituvchining erkinligini cheklash

Elektron darsliklarni yaratish uchun bir nechta maxsus dasturlarni ko‘rib chiqing.

Ebooks Writer LITE. Etarli miqdordagi funktsiyalarga ega foydalanish uchun qulay dastur. Uning yordami bilan kitoblar nafaqat shaxsiy kompyuterlar, balki mobil qurilmalar uchun ham yaratiladi. eBooksWriter LITE yangi boshlanuvchilar va ilg'or foydalanuvchilar uchun mos bo‘lgan oddiy vizual muharrirga ega. Mahsulot nafaqat noldan qo‘llanmalar yaratish, balki *.rtf yoki .*doc formatida tayyor kitoblarni import qilish imkonini beradi. Matn ma'lumotlariga qo‘shimcha ravishda, eBooksWriter LITE bilan yaratilgan kitob audio va video fayllar va jadvallarni o‘z ichiga olishi mumkin.

Afzalliklar	**Kamchiliklar**
- ushbu mahsulot bilan yaratilgan elektron darslik o‘z-o‘zidan ochiladigan kichik fayldir.	Bepul LITE versiyasi faqat 1 MB gacha bo‘lgan o‘lchamdagi elektron darsliklarni yaratishi mumkin, bu taxminan 20 sahifaga teng. Pro va oltin versiyalarida ruxsat etilgan kitob hajmi ancha katta: 260 000 sahifagacha.
- Siz kitobning alohida qismlarini yoki butun qo‘llanmani parol bilan himoya qilishingiz mumkin;	
- nusxa ko‘chirish yoki chop etishdan himoya qilish mumkin;	
- Kitoblar *.exe yoki * da saqlanadi. aen.	
- plaginlar mavjud.	

Elektron kitob Maestro. Elektron jurnallar, qo‘llanmalar, hisobotlar, taqdimotlar, so‘rovnomalar, kitoblar va boshqalarni yaratish uchun universal vosita. Ushbu mahsulotdan foydalanib, qo‘llanmaga har xil turdagi fayllarni kiritish mumkin: HTML sahifalari, VB va Java skriptlari, ovoz, grafik va video fayllar va boshqalar.

EBook Maestro yordamida siz kitobga Internetdagi manbaga havolalar kiritishingiz, elektron pochta manzilini nashr qilishingiz va piktogramma yaratishingiz mumkin. Kitob oynasi elementlari "Uy", "Izlash" va boshqalar kabi tugmalar bo‘lishi mumkin. Siz ularga rus va ingliz tillarida o‘z nomlaringizni berishingiz mumkin. Murakkab tuzilishga ega kitobning barcha fayllari turli kataloglarda saqlanadi.

Afzalliklar	**Kamchiliklar**
- HTML qo‘llab-quvvatlash;	- BEPUL versiyada bitta kitob uchun maksimal fayllar
- foydalanuvchi tomonidan loyihaga kiritilgan	

ma'lumotlarni qayta ishlash va saqlash;	soni 500 ta, STANDART va PRO versiyalarida esa ularning soni cheklanmagan.
- matnni nutqqa aylantirish;	
- tez va qulay qidiruv.	

ChmBookCreator oddiy htm, txt, doc va rtf fayllaridan qog'ozda oddiy ochiq kitobga o‘xshab ko‘rinadigan elektron qo‘llanma yaratadigan foydalanish uchun qulay mahsulot. ChmBookCreator yordamida siz yaxshi tuzilgan elektron darslik yaratishingiz mumkin.

Afzalliklar	**Kamchiliklar**
- siz nafaqat elektron darsliklarni yaratishingiz, balki ularni boshqa formatlardan ham o‘zgartirishingiz mumkin;	- CHM fayllarida aylantirish, xatcho‘plar yo‘q.
- qo‘llanma uchun o‘zingizning noyob dizayningizni yaratishingiz mumkin;	- *.doc fayllarini sekin qayta ishlash.
- tajribasiz foydalanuvchi uchun qulay;	
- Batafsil o‘rnatilgan yordam.	

TurboSite. Veb-saytlar va elektron darsliklar yaratish uchun bepul dastur. Izohlar, fikr-mulohaza shakllari, videolarni joylashtirish, JavaScript testlari va boshqalarni qo‘llab-quvvatlaydigan HTML sayti yoki elektron o‘quv qo‘llanmasini yaratishingiz mumkin. Dasturdan foydalanish juda oson, dasturlash tillarini va matn belgilarini bilishni talab qilmaydi.

Afzalliklar	**Kamchiliklar**
- dasturni o‘rganish oson va jarayonda o‘zgartirilishi mumkin bo‘lgan ko‘plab tayyor shablonlarni taklif qiladi;	- turli brauzerlarda materialni noto‘g'ri ko‘rsatish imkoniyati;
- ish HTML5 standartini qo‘llab-quvvatlaydigan veb-brauzer orqali amalga oshiriladi;	- yaratilgan elektron darslik tuzilmasida barcha bo‘limlar bir xil darajada bo‘ladi.
- natija tezda olinadi va uni jarayonda tahrirlash mumkin.	

O‘quv mazmunini ishlab chiqish tizimi. Elektron va masofaviy ta’lim uchun allaqachon yaratilgan boshqa spetsifikatsiyalar va standartlarning ishiga asoslangan ba'zi bir asosiy printsiplar, spetsifikatsiyalar va standartlardan foydalangan holda

ESning texnik tuzilishini tavsiflovchi SCORM formatiga mos keladigan ta’limni boshqarish tizimi.

Shuningdek, ta’lim mazmunini ishlab chiqish tizimi dasturining shubhasiz afzalliklari Windows Presentation Foundation (WPF) texnologiyasini qo‘llab-quvvatlashdir. Bu texnologiya foydalanuvchining grafik interfeysi, hujjat va multimedia imkoniyatlarini o‘zida mujassam etgan ilovalarni yaratish uchun vositalar to‘plamidir. WPF - foydalanuvchi interfeyslarini yaratish uchun oldingi Microsoft texnologiyalarining evolyutsiyasi (Windows Forms, Direct 3D, Windows Media Player-da qo‘llaniladigan texnologiyalar). WPF oldingi texnologiyalarning katta kuchini o‘z ichiga oladi va yanada murakkab foydalanuvchi interfeyslarini yaratish uchun yangi vositalarni qo‘shadi.

WPFni yaratish bir nechta maqsadlarga asoslangan edi:

- foydalanuvchi interfeyslari talablariga yanada chiroyli, aniqroq javob beradigan imkoniyatlar yaratish;
- dasturni tavsiflash uchun umumiy formatdan (XAML) foydalanadigan vositalar bilan ta'minlash orqali dizaynerlar va ilovalar ishlab chiquvchilarning o‘zaro hamkorligini yaxshilash;
- Windows va brauzerga asoslangan ilovalar o‘rtasida interfeyslarni yaratish uchun umumiy texnologiyani taqdim etish.

Bundan tashqari, ishlab chiqilgan ESning maqsadini, qo‘shimchani yangi ma’lumotlar bilan o‘zgartirish zarurligini, xotira hajmining cheklanishini va boshqalarni hisobga olish kerak.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. M.Aripov va boshqalar, Axborot texnologiyalari, O‘quv qo‘llanma, Toshkent: Noshir, 2009. 368 b.
2. Sh.A.Nazirov va boshqalar, Delphi tilida dasturlash asoslari, O‘quv qo‘llanma, Toshkent: G‘.G‘ulom, 2008. 278 b.
3. Sh.Razzoqov va boshqalar, Kompyuter grafikasi, O‘quv qo‘llanma, Toshkent: Talqin, 2006. 240 b.
4. M.T.Xodjiyev, Sh.Razzoqov. Elektron darsliklarni yaratish tamoyillari, afzalliklari, ularga qo‘yiladigan talablar va ishlab chiqish bosqichlari. Buxoro: «Texnotasvir».- 2004.
5. Q.T.Olimov. Maxsus fanlar bo‘yicha elektron darsliklarni yaratishning uslubiy asoslari // Kasb-hunar ta'limi, №2. 2004 y.
6. O.Rasulov. Zamonaviy elektron darsliklarning didaktik xususiyatlari // Kasb-hunar ta'limi, №5 2005 y.

ZAMONAVIY INNOVATSION TA’LIM TEXNOLOGIYALARI: MUAMMO VA YECHIMLAR

Ataxanov Rafikjon Sotvoldievich
“Kokand University” Andijon filiali,
«Ijtimoiy-gumanitar va pedagogika fanlar»
kafedrasi dotsenti, t.f.f.d. (PhD)
ataxanov1966@gmail.com

Mavzuning dolzarbligi: Bugungi kungi ta’lim tarbiya jarayonida keng qo‘llanilayotgan va talab qilinayotgan metodlardan biri bu – innovatsion-pedagogik va axborot ta’lim texnologiyalariga bo‘lgan ehtiyojdir. Chunki, zamonaviy o‘qitishning yangi ta’lim texnologiyalari asosida o‘qitish bir vaqtning o‘zida joriy etilishi zarur bo‘lgan dolzarb ta’lim texnologiyalaridan biri hisoblansa, ikkinchi tomondan ko‘pchilikning ko‘nikishi qiyin bo‘lgan sun'iy muammo sifatida gavdalanmoqda. Masalaning dolzarbligi shundaki, bugun O‘zbekistondagi ta’lim sifati xorijiy davlatlar ta’lim standartlaridan katta farq qilishi mumkin emas, chunki Davlatimiz islohotlariningn muhim tarmoqlaridan biri ham ta’lim sifatiga qaratilgan. Qolaversa maqsadimiz, ta’lim sifati va ko‘rsatkichlari bo‘yicha dunyodagi top 1000, top 100 talik universitetlar qatoridan joy olish hisoblanadi. Shuning uchun Oliy ta’lim muassasalarining professor-o‘qituvchilari ta’lim jarayonida zamon talabiga mos ravishda zamonaviy ta’lim texnologiyalaridan samarali foydalanishlari shart va majburdirlar. Aks holda mazkur talabga javob bermaydigan professor-o‘qituvchi kelgusida OTM sohasida pedagogik faoliyat olib borishi muammoni paydo qiladi. Aslida, innovatsion texnologiya o‘z mazmun-mohiyatiga ko‘ra an'anaviylikdan voz kechgan holda talabalarga tayyor bilimlarni berish va o‘rgatishdan ko‘ra, aksincha ularni o‘zlarini egallayotgan bilimlarini o‘zlari qidirib topishlari, mustaqil o‘rganishlari, tahlil qilishlari va xulosalar qilishlari lozim. O‘qituvchi esa bu o‘rinda koordinator (boshqaruvchi) sifatida kerakli topshiriqlar, vazifalar, test mashqlari, adabiyotlar va shu kabi fanning zaruriy resurslari bilan talabalarni ta’minlashlari kifoya. Hozirgi muammo shundaki, bugungi kunda na professor-o‘qituvchilar, na talabalar bu talablarga ko‘nikishi ancha sust ketmoqda. Bilьaks o‘qituvchilar an'anaviy dars mashg‘ulotlarini davom ettirmoqdalar, talabalar esa shu muhitga tobora ko‘nikib bormoqdalar. Natijada talabalar oliy ta’limda saboq olishni faqatgina o‘qituvchidan olish deb bilmoqdalar. Oxir-oqibatda talabalar mustaqil ta’lim, topshiriqlarni bajarish kabi vazifalarni faqatgina ta’lim muassasida degan tushunchaga kelmoqdalar.

Mavzuga oid mavjud muammolar: Shuning uchun oliy o‘quv yurtlarida zamonaviy o‘qitish metodlari – hisoblangan interaktiv metodlar, innovatsion texnologiyalarning o‘rni va ahamiyati katta hisoblanadi. Chunki, professor-

o‘qituvchilar qachonki, yangilik (innovatsiya) joriy qilmas ekan an'anaviylikdan voz kechishi ham shunchalik qiyin kechadi

Shavkat Mirziyoyev "Xalqimiz dunyoqarashida innovatsiya muhitini yaratish eng muhim vazifamizdir. Innovatsiya bo‘lmas ekan, hech bir sohada raqobat, rivojlanish bo‘lmaydi. Bu sohadagi o‘zgarishlarni xalqimizga keng targ‘ib qilmasak, odamlarda ko‘nikma paydo qilmasak, bugungi davr shiddati, fan-texnikaning mislsiz yutuqlari bilan hamqadam bo‘lolmaymiz" [1] degan edi.

Nafaqat O‘zbekiston, balki dunyo taraqqiyotning yangi — innovatsion yo‘lini tanlagan. Nega? chunki, bugun innovatsion g‘oyalar, yangiliklar — mamlakatning rivojlanish darajasini belgilab bermoqda. Innovatsiyalarning paydo bo‘lishi ortida — uzoq yillar davomida amalga oshirilgan o‘ta mashaqqatli mehnat yotadi. Ammo ko‘pincha, innovatsiyani yaratishdan ko‘ra, uni singdirish o‘ta qiyin masalaga aylanadi. **Prezident Shavkat Mirziyoyevning** O‘zbekistonda innovatsiyalarga "yashil chiroq"ni yoqish maqsadida, **"O‘zbekiston Respublikasi Innovatsion rivojlanish vazirligini tashkil etish to‘g‘risida"gi farmoni** ham aynan shu maqsadalarga qaratilgani bejiz emas.

Innovatsiya atamasi lotin tilidagi “innovatio” so‘zidan olingan bo‘lib, kiritilgan o‘zgarishlar, yangiliklar degan ma’noni beradi. Innovatsiya tushunchasi fanga XIX asr boshlarida avstriya va amerika iqtisodchi olimi Y.Shumpeter tadqiqotlari natijasida kirib keldi [2]. Bugungi kunda bu atama jamiyatning barcha sohalarida xususan, ilmiy doiralarda, tadbirkorlikda, biznes yuritishda keng qo‘llanilib kelinmoqda. Bir so‘z bilan aytganda innovatsiya ilmiy-texnika yutuklari va ilg‘or tajribalarga asoslangan texnika, texnologiya, boshqarish va mehnatni tashkil etish, sohalarga oid yangiliklar kabi tushunchalarni o‘z ichiga oladi, shuningdek, ularni turli sohalar va faoliyat doiralarida qo‘llaydi. Ken ma’noda “innovatsiya” pedagogik tizimga yangilik kiritish yo‘li bilan ta’lim-tarbiya jarayonini maqbullashtirish, sifat va samadorlikni oshirishni ko‘zda tutadi [3].

Pedagogikaga oid adabiyot va ilmiy tadqiqotlarda innovatsiya jaraèn quyidagicha beriladi [4]:

1. Yangi g‘oya tuzilish shakli èki yangilik kontseptsiyasini paydo qilish. U kashfièt bosqichi deb ham yuritiladi;
2. Ixtiro qilish, ya’ni yangilik yaratish bosqichi;
3. Yaratilgan yangilikni amalda qo‘llash bosqichi;
4. Yangilikni yoyish, uni keng tadbiq etish;
5. Muayyan sohada yangilikni xukmronlik qilish bosqichi;

Innovatsion ta’lim - bu ta’lim oluvchida yangi goya, me’yor, qoidalarni yaratish, qabul qilishga oid ko‘nikma va malakalarni shakllantirish imkoniyatini yaratadigan ta’limdan iborat. Innovatsion ta’lim jarayonida qo‘llaniladigan texnologiyalar innovatsion ta’lim texnologiyalari yoki ta’lim innovatsiyalari deb nomlanadi. Ta’lim innovatsiyalari - bu ta’lim sohasi yoki o‘quv jarayonida mavjud

muammoni yangicha yondashuv asosida yechish maqsadida qo‘ullanilib, avvalgidan ancha samarali natijani kafolatlay oladigan shakl, metod va texnologiyalardir. [5].

innovatsiya, bir tomondan, innovatsiyani amalga oshirish jarayoni emas, balki innovatsiyani muayyan ijtimoiy amaliyotga aylantirish faoliyatidir. Innovatsion faoliyat o‘zining to‘liq rivojlanishida o‘zaro bog’liq bo‘lgan ish turlarini o‘z ichiga oladi, ularning umumiyligi real innovatsiyalarning paydo bo‘lishini ta’minlaydi. Hozirgi kunda ta’lim jarayonida interaktiv metodlar, innovatsion texnologiyalar, pedagogik va axborot texnologiyalaridan o‘quv jarayonida foydalanish eng samarali vositalardan hisoblanadi. O‘qituvchi bu jarayonda shaxsning rivojlanish, shakillanishi, bilim olishi va tarbiyalanishiga sharoit yaratadi va shu bilan bir qatorda boshqaruvchilik, yo‘naltiruvchlik funksiyasini bajaradi.

Muammoni hal qilish usullari: Innovotsion texnologiyalarning o‘rni va ro‘li benihoya kattadir. Pedagogik texnologiya va pedagog mahoratiga oid bilim, tajriba va interaktiv metodlar talabalarning bilimli, yetuk malakaga ega bo‘lishlarini ta’minlaydi. Innovotsion texnologiyalar pedagogik jarayon hamda o‘qituvchi va talaba faoliyatiga yangilik, o‘zgarishlar kiritia borib, uni amalga oshirishda asosan interaktiv metodlardan to‘liq foydalaniladi. Interaktiv metodlar-bu jamoa bo‘lib fikrlash deb yuritiladi, ya’ni u pedagogik ta’sir etish usullari bo‘lib ta’lim mazmuninng tarkibiy qismi hisoblanadi. Bu metodlarnig oziga xosligi shundaki, ular faqat pedagog va talabalarning birgalikda faoliyat ko‘rsatishi orqali amalga oshiriladi. Bunday pedagogik hamkorlik jarayoni o‘ziga xos xususiyatlarga ega bo‘lb, ularga quyidagilar kiradi:

- talabaning dars davomida befarq bo‘lmaslikka, musaqil fikrlash, ijod etish va izlanishga majbur etishi;

- talabalarni o‘quv jarayonida bilimga bo‘lgan qiziqishlarini doimiy ravishda bo‘lishini ta’minlashi;

- talabaning bilimga bo‘lgan qiziqishini mustaqil ravishda har-bir masalaga ijodiy yondashgan holda kuchaytirishi;

- Pedagog va talabaning hamisha hamkorlikdagi faoliyatini tashkilllanishi.

fikrimizcha, pedagogik texnologiyaning eng asosiy negizi bu o‘qituvchi va talabaning belgilangan maqsaddan kafolatlangan natijaga hamkorlikda erishshlari uchun tanlangan texnologiyalarga bog’liq deb hisoblash muhim ahamiyatga ega.

Bugungi kunda "innovatsion ta’lim" bu o‘z-o‘zini rivojlantirishga qodir bo‘lgan va uning barcha ishtirokchilarining har tomonlama rivojlanishi uchun sharoit yaratadigan va rivojlanayotgan ta’limdir.

- O‘qituvchi innovatsion texnologiyalarga asoslanib darsni tashkil etar ekan, turli texnik vositalardan (kompyuter, proyektor, elektron doska va hokazo) foydalanishi mumkin. O‘qituvchining faoliyatida innovatsiyalar qanchalik ko‘p bo‘lsa, mazmun shunchalik oshadi. Ta’limda innovatsion texnologiyalar va interfaol metodlar haqidagi tasavvurlar barqaror va mukammal shaklga ega emasligini ham e’tirof etish kerak.

Ilmiy asoslangan taklif va tavsiyalar: Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan islohotlarning bosh mezoni o‘sib kelayotgan avlodni yuksak ma’naviyatli, intelektual salohiyati baland, har tomonlama yetuk shaxsni tarbiyalash hamda mamlakatimiz kelajagini yanada yuksaltiradigan, intelektual salohiyatli, malakali kadrlarni tayyorlashdan iborat.

Kadrlar tayyorlash sohasidagi davlat siyosati, uzluksiz ta’lim tizimi orqali shaxsning har tomonlama barkamol bo‘lib voyaga yetishini ko‘zda tutadi. Bunda shaxs uzluksiz ta’limda va kadrlar tayyorlashda ta’lim xizmatlarining iste'molchisi hamda ishlab chiqaruvchisi sifatida namoyon bo‘ladi. Shunday ekan bu iste'molchi hamda ishlab chiqaruvchisi bo‘lmish yosh avlodning ertangi kunini belgilab beruvchi bilim va ko‘nikmalari, o‘z navbatida malakali pedagog-o‘qituvchilar tomonidan qiziqarli dars mashg’ulotlari, dunyo bilim va ko‘nikmalariga javob bera oladigan bilimlar orqali mustahkamlanib bormog’i lozimdir.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, ta'lim tizimida yangicha sifat ko‘rsatkichlariga erishish uchun innovatsion ta'lim jarayonlarning samaradorligi Kadrlar tayyorlash milliy dasturi hamda Ta'lim to‘g‘risidagi Qonun talablari doirasida ishlab chiqilishi va joriy etilishini ta'minlashda islohotlarni uzluksiz va tizimli tashkil etilishiga bog‘liq. Dars jarayonida innovatsion texnologiyalarni qo‘llash o‘quvchilarda ilmiy izlanishga qiziqishni uyg‘otadi, ijodkorlik va bunyodkorlik qobiliyatini rivojlantiradi. Natijada egallangan bilim, ko‘nikma va malakalar amaliy faoliyatda tatbiq etiladi, o‘zlashtirish sifati oshadi.

Lekin shuni ham ta'kidlamoq joizki, innovatsion ta'lim texnologiyalari o‘zining afzalliklari bilan birga an'anaviy lekin, tajribada sinovdan o‘tgan hamda yillar davomida ijobiy natijalar berayotgan metodik usullardan butunlay voz kechishni anglatmaydi. Masalan, matematika fanlarini o‘qitishda talaba shaxsan o‘zi mustaqil ravishda, o‘qituvchining bevosita nazorati ostida misollarni ishlashi va uning yechimlarini topishi katta motivatsion xarakterga ega. Yoki fizika va kimyo fanlarida laboratoriya ishlarini ham xuddi shu tartibda bajarilishi talabalarning xotirasini mustahkamlashga xizmat qiladi. Xullas, innovatsion ta'lim texnologiyasini an'anaviylik bilan uyg‘unlashtirish maqsadga muvofiq deb hisoblaymiz. Buning uchun o‘qituvchi mahoratli bo‘lishi va mavzularning mazmuniga qarab darsni to‘g‘ri rejalashtirishi, mashg‘ulot davomida barcha o‘quvchilarni faol va ongli ishlashlariga erishmog‘i lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1.https://sputniknews.uz/
2.https://ru.wikipedia.org/wiki/
3. https://arxiv.uz/uz/documents/slaydlar/pedagogik-psixologiya/talimda-innovacion-tehnologiyalar
4. Xudoyqulov X.J., Allayarova S.N. Oliy ta'limda modulli o‘qitish va unda innovatsion texnologiyalardan foydalanish toshkent «mumtoz so‘z» 2019. V.20

5. Madreymova N. innovatsion ta'lim texnologiyalarining turlari va nazariy asoslari. https://cyberleninka.ru/
6. Dusmuxamedova D.R, Lafasov B.J Professional ta'lim o‘quvchilarini zamonaviy ta'lim texnologiyalari asosida o‘qitish. C:/Users/user/Downloads

2-Sho‘ba

JAMIYAT IQTISODIY HAYOTIDA MOLIYAVIY NAZORAT VA UNI TASHKIL QILISHNING MOHIYATI

Tuychiyev Abdurahmon G‘ofurovich
i.f.f.d., dotsent,
O’ktamxonova Robiyaxon Fahriddinxon qizi
TDIU, Andijon fakulteti, BHA ta’lim yo‘nalishi
71/22 guruhi talabasi

Annotatsiya: *Ushbu maqolada moliyaviy nazorat - moliyaning nazorat funksiyasini amalga oshiruvchi muhim nazorati ekanligi, u moliyaviy nazoratning mazmuni va yo‘nalishlarini belgilab berishi to’g’risidagi mavzu yoritilgan. Moliyaviy nazoratning mazmuni va yo‘nalishi jamiyatdagi ishlab chiqarish kuchlari va munosabatlarining o‘zgarishidan kelib chiqqan holda o‘zgarib turishi aytib o’tilgan.*

Kalit so’zlar: *moliyaviy nazorat, evolyutsion taraqqiyot, davlat va xo‘jalik boshqaruvi, qonun chiqaruvchi, ijroiya va sudlov hokimiyati, moliyaviy nazorat, moliyaviy tekshirish, tahlil qilish va baholash, jamoat organlari, boshqarish, rejalashtirish, optimallashtirish, prognozlash, davlat budjeti*.

Moliyaviy nazoratni tashkil qilish jamiyat iqtisodiy hayotida moliyaviy resurslarni boshqarishning zaruriy elementi hisoblanadi, chunki bunday boshqaruv jamiyat oldidagi o‘ta muhim bo‘lgan mas’uliyatni keltirib chiqaradi. Moliyaviy nazorat - bu shunchaki maqsad bo‘lib qolmasdan, balki u jamiyat iqtisodiy hayotini tartibga solishda uning ajralmas qismidir, uning maqsadi ijtimoiy-iqtisodiy ahvolni yaxshilash choralarini ko‘rish, ayrim hollarda tanqidiy nuqtai-nazardan tahlil qilish va choralar ko‘rish hamda yetkazilgan zararlarni qoplash yoki kelgusida bunday buzilishlarning oldini olish yohud kamaytirish imkoniyatiga ega bo‘lish uchun imkoni boricha dastlabki bosqichda qabul qilingan standartlardan chekinishlarni va qonun - qoidalarining buzilishlarini, moddiy resurslarning samaradorligi va tejab sarflanishini aniqlashdan iboratdir.

Nazorat iqtisodiy tizimning zarur elementi sifatida butun insoniyat svilizatsiyasi bilan birga rivojlanadi, evolyutsion taraqqiyot va inqilobiy to‘fonlar jarayonida, jamiyat iqtisodiy formatsiyasi, siyosiy tizimi, davlat va xo‘jalik boshqaruvi, qonun chiqaruvchi, ijroiya va sud hokimiyati organlari almashinuvi jarayonida o‘zgarib boradi.

Nazorat - jamiyat iqtisodiy hayotidagi obyektiv hodisa va har qanday davlat boshqaruvining muhim bo‘g‘inidir. Shu bilan birga u ko‘plab rahbar va mutaxassislar, mehnat jamoalari, jamoat va davlat tashkilotlarining subyektiv ijod sohasidir.

Moliyaviy nazoratning nazariy asoslari deganda - butun nazorat tizimining tarkibiy qismi bo‘lib, uning yo‘nalishi davlat moliya siyosatini muvaffaqiyatli amalga oshirish, tarmoqlar iqtisodiyotidagi barcha soha va bo‘g‘inlarda moliyaviy resurslarni shakllantirish va samarali foydalanishga qaratilgan bo‘ladi. Bozor munosabatlari rivojlangan taqdirda ham moliyaviy nazoratning salohiyati pasaymasdan, balki oshib boradi.

Moliyaviy nazorat - moliyaning nazorat funksiyasini amalga oshirish ko‘rinishida namoyon bo‘lib, u moliyaviy nazoratning mazmuni va yo‘nalishini belgilab beradi. Shunday bo‘lsada, moliyaviy nazoratning mazmuni va yo‘nalishi jamiyatdagi ishlab chiqarish kuchlari va munosabatlarining o‘zgarishidan kelib chiqqan holda o‘zgarib turadi. Masalan, korxonalarning xo‘jalik yuritish huquqlarining kengayishi, ularning moliyaviy faoliyatini olib borishdagi mustaqilligi, tadbirkorlikning rang-barang ko‘rinishdagi mulk shakllarining vujudga kelishi moliyaviy nazoratning mazmunini boyitishga olib keladi.

Moliyaviy nazorat bu maxsus shakl va uslublarni qo‘llash orqali xo‘jalik yurituvchi subyektlar va boshqaruv organlarining moliyaviy faoliyati bilan bog‘liq bo‘lgan masalalarni tekshirishga qaratilgan harakatlar va taftishlar yig‘indisidir.

Moliyaviy nazorat - bu moliyaviy tekshirish va u bilan bog‘liq bo‘lgan masalalar harakatini va muomalasini majmui bo‘lib, xo‘jalik subyektlari faoliyatini va boshqarishni o‘ziga xos usullar va shakllar yordamida tashkil etish.

Moliyaviy nazorat tizimi subyektlar (nazorat qiluvchilar), obyektlar (nazorat qilinuvchilar), nazoratning usul va vositalarini birgalikda jamlab, o‘z ichiga oladi. Ular nazorat obyektining holatini, ijroning kutilgan natijalarini aniqlash, ularni tahlil qilish va baholash, tuzatish kiritishga qaratilgan xatti-harakatlar yo‘sinini ishlab chiqish uchun yaxlit uyg‘unlikda hamkorlik qiladi.

Moliyaviy nazoratning vazifasi yo‘l qo‘yiladigan chetga chiqish me’yorlarini malakali belgilashdan iborat, qolgan barcha chetga chiqishlarni qayd etish va bartaraf qilish talab qilinadi. Boshqaruvning ichki va tashqi xo‘jalik jarayonlarini kuzatish, tekshirishni amalga oshirar ekan, nazorat bozor iqtisodiyotida, bu harakatlarning hammasi faqat samarali boshqarish uchun foydali bo‘lgandagina mavjudlik huquqiga egadir.

Moliyaviy nazorat xuquqiy asoslari deganda, nazorat vazifalari yuklatilgan davlat va jamoat organlarining korxonalar, muassasalar va tashkilotlarning moliya-xo‘jalik faoliyatini iqtisodiy samaradorligini holis baholash maqsadi bilan bu faoliyat ustidan nazoratning ko‘p tomonlama tarmoqlardagi tizimini, xo‘jalik va maqsadga muvofiqligini aniqlashni hamda davlat budjeti daromadlarining rezervlarini aniqlashni tushunmoq kerak.

Keltirib o‘tilgan ta’riflar tahlili nazoratning eng muhim jihati – og‘ishlarni qayd qilish va baholash xulosalaridan iboratligi xususida xulosa chiqarish imkonini beradi. Bu, fikrimizcha, nazoratning ahamiyati va mohiyati quyidagilar bilan belgilanadi:

–qonun nuqtai nazaridan nazorat qilinayotgan obyektning ruxsat etilgan holati va kutilgan daraja va xatti-harakati yo‘l qo‘yiladigan daraja bilan qiyoslanadi;

–harakatlar, xarajatlar, natijalar, standartlar, rejalashtirilayotgan yoki zarur ma’lumotlar bilan qiyoslanadi;

–qo‘llangan va huquqiy cheklashlar bilan amalga oshirilgan harakatlar qiyoslanadi;

–kutilayotgan va haqiqiylari oqilona va maqsadga muvofiqlari bilan qiyoslanadi;

–boshqa qiyoslashlar ham amalga oshiriladi.

Nazoratning mohiyati va nazorat qiluvchi shaxsning ish usuli shundan iborat. O‘tkazilgan qiyoslashlardan ish manfaatiga xizmat qiladigan va hatto aybdorlarni jazolash uchun baholash xulosalari chiqarish nazoratni boshqarishning boshqa vazifalaridan farqlaydigan maqsadi shu.

Shunday qilib, moliyaviy nazorat - davlat tomonidan tashkil etishni nazorat qilish vazifalari yuklatilgan davlat yoki mustaqil jamoat organlari tomonidan hukumat, korxonalar, tashkilotlar va muassasalar faoliyatining samaradorligini aniqlashga qaratilgan nazorat tizimidir. Davlat budjetini shakllantirish va sarflashdagi rezervlarni, moliyaviy va moddiy resurslarni boshqarishning barcha darajalarida operatsiyalarning maqsadga muvofiqligi va samaradorligini, qonuniylik tamoyillaridan chetga o‘tish va ularni buzishlarni aniqlash nazorat tizimi vazifasiga kiradi. Nazorat maqsadi - tuzatish choralarini ko‘rish, aybdorlarni javobgarlikka tortish va bularning oldini olishdan iborat.

Xulosa sifatida aytish mumkinki, moliyaviy nazorat deganda tashkilotning moliyaviy faoliyatini ularning belgilangan maqsad va vazifalariga muvofiqligini ta'minlash uchun monitoring qilish va boshqarish jarayoni tushuniladi. U moliyaviy operatsiyalar, xarajatlar, daromadlar va byudjetlarni kuzatish va tartibga solish uchun siyosat, tartib va tizimlarni amalga oshirishni o'z ichiga oladi. Moliyaviy nazoratning maqsadi aktivlarni himoya qilish, firibgarlik va o‘zlashtirishning oldini olish, resurslarni taqsimlashni optimallashtirish hamda qarorlar qabul qilish uchun to‘g‘ri va ishonchli moliyaviy ma’lumotlarni taqdim etishdan iborat.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. *Bodi Z., Merton R. Finansы. Uchebnik. Per. s angl. -M.: “Vilyams”, 2007. - 347 s.*
2. *Malikov T., Olimjonov O. Moliya. Darslik. -T.: “Iqtisod-moliya”, 2019. - 920 b.*
3. *Malikov T.S. Moliya: nazariy asoslari. O‘quv qo‘llanma. –T.: “Nur Durdonalari”, 2021. – 296 s.*
4. *Malikov T. Moliya: amaliy jihatlar. O‘quv qo‘llanma. – T.: “Nihol-print”, 2022. -428 b.*

5. *Axunova Ye. Finansы. Uchebnik. Chast I. – T.: “Iqtisod-Moliya”, 2019. -320 s.*
6. *https://genderi.org/2-mavzu-moliyavij-nazoratni-tashkil-etishning-nazarij-va-huuij.html.*
7. *https://english-life.uz/moliyaviy-nazoratni-tashkil-etishning-nazariy-va-huquqiy-asoslari-2/.*
8. *https://azkurs.org/mavzu-moliyaviy-nazoratni-tashkil-etishning-nazariy-va-xuquqiy.html*

BYUDJETDAN TASHQARI FONDLARNI TASHKIL ETISH VA ULARNING IJTIMIY-IQTISODIY AHAMIYATI

Tuychiyev Abdurahmon G‘ofurovich
i.f.f.d., dotsent,
Sattoraliev Tolibjon Jahongir o‘g‘li,
TDIU, Andijon fakulteti, BHA ta’lim yo‘nalishi
71/22 guruhi talabasi

Annotatsiya: *Ushbu tezis davlat maqsadli jamg'armalarining mohiyatini o'rganish, ularning maqsadi va davlat resurslarini samarali boshqarishga ta'sirini tushunishga qaratilgan. Davlat maqsadli jamg'armalari - bu kelajak avlodlar manfaati uchun muayyan aktivlarni yoki daromad manbalarini saqlash va boshqarish uchun hukumatlar tomonidan tashkil etilgan moliyaviy vositalar.*

Tayanch so`zlar: maqsadli jamg‘armalar, moliyaviy aktivlar, davlat *daromadlari, moliya mexanizmi, investitsiya, moliyalashtirish, sanoat infrastruktura, boshqaruv, davlat maqsadli jamg‘armalari, chora-tadbirlar, davlat byudjeti, davlat aktivlarini boshqarish, investitsiya qilish, aro‘dshtsh ijtiomiy qo‘llab-quvvatlash, iqtisodiy foliyat.*

Davlat maqsadli jamg‘armalari qat’iy maqsadli xususiyatga ega bo‘lib, davlatning byudjetdan tashqari jamg’armalari markaziy va mahalliy davlat boshqaruv organlari ixtiyoridagi moliyaviy mablag’lari yig’indisi hisoblanadi. Ular alohida davlat moliya tizimining ajralmas bo’g’ini hisoblanadi. Bu jamg’armalarni moliyaviy mablag’larining shakllanishi, taqsimlanishi va resurslardan maqsadli foydalanishi bevosita moliyaviy me’yoriy-huquqiy hujjatlar bilan muvofiqlashtiriladi va tartibga solinadi.

Davlatning byudjetdan tashqari jamg’armalari ijtimoiy-iqtisodiy xususiyatiga ko’ra, muayyan bir aholi qatlami yoki investitsion dastur ehtiyojlarini nazarda tutib, mamlakatda yaratilayotgan milliy daromadni qayta taqsimlash orqali tashkil etiladi. Davlat umumjamiyat ahamiyatiga molik bo’lgan ijtimoiy-iqtisodiy chora-tadbirlarni o’z vaqtida va to’liq amalga oshirish uchun jismoniy va yuridik shaxslarda

shakllanayotgan moliyaviy resurslarning bir qismini byudjetdan tashqari jamg’armalari ixtiyoriga moliyaning taqsimlash funksiyasi orqali jalb qiladi.

Tarixiy ma’lumotlarning darak berishicha, davlatning byudjetdan tashqari jamg’armalarining dastlabki shakllari hozirgi davlatchilikning yagona markazlashgan fondi hisoblangan davlat byudjetidan avval maxsus fondlar ko’rinishida shakllangan. Ma’lumki, davlatning jamiyatni boshqarish sifatida faoliyat ko’lami kengaygan sari uning xarajatlarga bo’lgan talabi ham oshib boravergan. Ushbu xarajatlarni moliyalashtirish uchun davlat yoxud uning vakolatiga ega bo’lgan muayyan organ moliyaviy mablag’larni maxsus fondlarda markazlashtirgan va maqsadli obyektlarni moliyalashtirish uchun yo’naltirgan.

Shuni alohida qayd etish joizki, o’sha paytlar markazlashgan Davlat fondlari davr taqozosiga muvofiq, vaqtinchalik xarakteriga ega bo’lgan. Ya’ni davlat zarur chora-tadbirlarni amalga oshirib, moliyalashtirishni tugatgandan keyin ushbu fondlar faoliyatini davom ettirishga zarurat bo’lmagan. Shu bois, maxsus fondlarning miqdori va shakli doimo o’zgarib turgan, ya’ni davr taqozosi va muayyan zaruriyatdan kelib chiqib, ehtiyoj qolmaganlari tugatilgan, yangilari paydo bo’lgan. Lekin, tarixiy tendentsiya shuni namoyon qilyaptiki, muayyan mamlakatda ishlab chiqarish va xizmat ko’rsatish sohalari va mamlakat hududining kengayishi munosabati bilan davlatning byudjetdan tashqari jamg’armalarining miqdori ham, hajmi ham o’sish xususiyatiga ega bo’lgan.

O‘z navbatida, Davlatning byudjetdan tashqari jamg’armalari miqdorining ortishi (ko’payishi) ma’lum bir qiyinchilik va noqulayliklarni keltirib chiqargan. Xususan, jamg’arma qat’iy maqsadli xususiyatga ega bo’lgani bois, ayrim jamg’armalarda moliyaviy resurslar keragidan ortiq bo’lsa, ayrimlarida yetishmovchiliklar paydo bo’lgan. Shuningdek, davlat ularni boshqarish va muvofiqlashtirishni moliyalashtirish uchun qo’shimcha moliyaviy resurslarni jalb qilishga majbur bo’lgan. Bu, o’z o’rnida, jismoniy va yuridik shaxslarga qo’shimcha moliyaviy yuk hisoblanib, ular o’rtasida ma’lum bir noroziliklarning paydo bo’lishiga ham olib kelgan. Bunday salbiy holatlarning oldini olish uchun markazlashtirilgan davlat maqsadli jamg‘armalarini shakllanishiga zarurat tug’ilgan.

O‘zbekiston Respublikasi mustaqillikni qo’lga kiritgan dastlabki kunlardan boshlab, mamlakatda Davlat byudjetini mustahkamlash bilan birga, Davlatning byudjetdan tashqari jamg’armalarini ham tashkil etishga zarurat tug’ildi. Bu jamg’armalarni tashkil etishga bir qator omillar ta’sir etadi, albatta. Ularning ko’lami keng, lekin asosiylari quyidagilar hisoblanadi:

- iqtisodiyot qisman nobarqaror bo’lgan bir sharoitda, tijorat va tadbirkorlikni qo’llab-quvvatlash, zarur bo’lgan sharoitlarda ularning moliyaviy operatsiyalarini rag’batlantirish uchun davlat boshqaruv organlari o’zgacha manbadan shakllangan moliyaviy resurslar hisobidan yangi ko’rinishdagi Davlat fondlarini tashkil etadi;
- davlat byudjetidan xoli bo’lgan Davlatning byudjetdan tashqari jamg’armalari muayyan bir muammoni bartaraf etish yoxud mavjud muammolar ko’lamini

qisqartirishga qaratilgan bo’lib, davlat tomonidan qat’iy e’tiborga molik bo’ladi. Aynan ushbu jamg’armalar qat’iy maqsadli xususiyatga ega bo’lib, ularning moliyaviy resurslarini tashkil etish, taqsimlash va foydalanishni davlat tomonidan samarali nazorat qilish imkoniyati tug’iladi;

- davlatning byudjetdan tashqari jamg’armalari muayyan bir sharoitlarda, ya’ni daromadlariga nisbatan xarajatlari kam bo’lgan hollarda, ortiqcha mablag’lardan Davlat byudjeti defitsitini noinflatsion manbasi sifatida qisqartiradi yoki moliyaviy bozordan foiz va dividend shaklida manba olib, daromadlar hajmini yanada kengaytiradi.

Davlat maqsadli jamg'armalari - bu davlat aktivlarini boshqarish va investitsiya qilish yoki muayyan dasturlarni moliyalashtirish kabi muayyan maqsadlarga xizmat qilish uchun hukumatlar tomonidan tashkil etilgan moliyaviy tashkilotlardir. Davlat maqsadli jamg'armalarining paydo bo'lishi va rivojlanishi mamlakat va uning o'ziga xos ehtiyojlari va maqsadlariga qarab farq qilishi mumkin.

Tarixdan neft, gaz yoki foydali qazilmalar kabi tabiiy resurslarni kelajak avlodlar uchun boshqarish va muhofaza qilish maqsadida davlat maqsadli jamg'armalari tashkil etiladi. Bu mablag‘lar ko‘pincha suveren jamg‘armalar sifatida tanilgan va mamlakat va uning fuqarolari manfaati uchun daromad olish va boylikni saqlashga qaratilgan.

Davlat maqsadli jamg'armalari, bir davlat tomonidan tahlil qilingan va o‘z maqsadlari uchun yo‘l qo‘yilgan siyosiy, iqtisodiy, ijtimoiy, madaniy va boshqa tadbirlar to‘plami hisoblanadi.

Davlat maqsadli jamg'armalari, davlatning iqtisodiy, siyosiy, ijtimoiy va ekologik maqsadlarini amalga oshirish uchun tashkil etilgan iqtisodiy tashkilotlardir. Ular mustahkamlash, moliyalashtirish, investitsiya qilish va boshqalar kabi savdo tartibotlar orqali iqtisodiyotni rivojlantirish va davlatning maqsadlariga erishishga yordam berish maqsadini qo‘llab-quvvatlashadi.

Davlat maqsadli jamg'armalarining mohiyati esa, ularning asosiy xususiyatlardir. Ular quyidagi mohiyatlarga ega bo‘lishi mumkin:

Davlat maqsadli jamg'armalar, mustaqil iqtisodiy tashkilotlardan farqli ravishda davlatning boshqa tashkilotlari tomonidan boshqariladi. Bunda davlat maqsadli jamg'armalar, davlatning maqsadlariga muvofiq ravishda faoliyat olib boradi;

Davlat maqsadli jamg'armalari, belgilangan maqsadlarni amalga oshirishda katta ahamiyatga ega. Ular o‘z faoliyatlarini davlatning iqtisodiy, siyosiy va ijtimoiy maqsadlariga moslashtirishadi;

Davlat maqsadli jamg'armalari, davlatning iqtisodiy rivojlanishini ta’minlash, ekologiya muhofazasi va ijtimoiy maqsadlarni erishishga qaratilgan yordamchilardir. Ular davlat va iqtisodiyot munosabatlari bo'yicha qonunlashtirilgan tartib-nizomlar, huquq asoslari va dolzarb moliyaviy harajatlar asosida faoliyat yuritadilar.

Davlat maqsadli jamg'armalari (DMJ) davlat tomonidan amalga oshiriladigan iqtisodiy, ijtimoiy va siyosiy choralarga yo‘naltiriladigan, maqsadli va muhim loyihalardir. Bu jamg'armalar, davlatning iqtisodiy rivojlanishini, ijtimoiy taraqqiyotini, siyosiy stabilligini va harakatchanligini ta’minlashning muhim vositasi hisoblanadi.

Davlat maqsadli jamg‘armalari davlatning boshqa sohalardagi iqtisodiy va ijtimoiy faoliyatlarini koordinatsiyalaydi va boshqaradi. Bu jamg'armalar yordamida quyidagilar amalga oshiriladi:

Infrastrukturani rivojlantirish: Davlat maqsadli jamg‘armalari, transport, elektro-energetika, suv va kanalizatsiya, telekommunikatsiya va boshqa infrastrukturaning turlari bo‘yicha loyihalarni o‘z ichiga oladi. Infrastrukturani rivojlantirish, iqtisodiy faoliyatni o‘sishi va yangi investitsiyalarni jalb etishga imkon yaratadi;

Sanoatni rivojlantirish: Bu jamg'armalar, so‘nggi texnologiyalar va innovatsiyalar asosida sanoatni rivojlantirish va modernizatsiyalash uchun loyihalarni amalga oshirishni o‘z ichiga oladi. Bu - iqtisodiy rivojlanishni kuchaytirish va kasb-hunar sohasini rivojlantirishga yordam beradi;

Davlat maqsadli jamg‘armalari, ta’lim sohasida yangi texnologiyalar va menejment usullarini keng qo‘llashni kafolatlaydigan loyihalarni amalga oshirishga yordam beradi. Bu loyihalar bevosita taminotni oshiradi va bu sohada islohotlarni o‘sishga imkon beradi, shuningdek, o‘quv muassasalari, sog‘liqni saqlash va boshqa ijtimoiy sohalar bo‘yicha loyihalar va dasturlarni o‘z ichiga oladi. Bu loyihalar, sodiq va barqaror jamoat yaratishga, mustahkam oilaviy qurilishlarni o‘rnatishga va insonlar hayotini yaxshilashga qaratilgan.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1.Bodi Z., Merton R. Finansы. Uchebnik. Per. s angl. -M.: “Vilyams”, 2007. - 347 s.

2.Malikov T., Olimjonov O. Moliya. Darslik. -T.: “Iqtisod-moliya”, 2019. - 920 b.

3.Malikov T.S. Moliya: nazariy asoslari. O‘quv qo‘llanma. –T.: “Nur Durdonalari”, 2021. – 296 s.

4.Malikov T. Moliya: amaliy jihatlar. O‘quv qo‘llanma. – T.: “Nihol-print”, 2022. -428 b.

5.Axunova Ye. Finansы. Uchebnik. Chast I. – T.: “Iqtisod-Moliya”, 2019. -320 s.

6, https://genderi.org/2-mavzu-moliyavij-nazoratni-tashkil-etishning-nazarij-va-huuij.html.

7.https://english-life.uz/moliyaviy-nazoratni-tashkil-etishning-nazariy-va-huquqiy-asoslari-2/.

INVESTITSIYA LOYIHALARINI MOLIYALASHTIRISHDA TIJORAT BANKLARINING O‘RNI

Abduraxmonov Valijon G‘ofurovich
TDIUAF “Ijtimoiy-gumanitar fanlar” kafedrasi dotsenti, i.f.n.
Muxiddinov Nazirjon Davronboy o‘g‘li
TDIUAF “Bank ishi audit” yo‘nalishi, 2-bosqich talabasi

Mustaqillik yillarida O‘zbekistonda zamonaviy bank xizmatlarini rivojlantirish asosida tijorat banklari raqobatbardoshligini oshirish borasida keng ko‘lamli islohotlar amalga oshirildi. 2017-2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasining uchinchi ustuvor yo‘nalishi doirasida «Bank tizimini isloh qilishni chuqurlashtirish va barqarorligini ta’minlash, banklarning kapitallashuv darajasi va depozit bazasini oshirish, ularning moliyaviy barqarorligi va ishonchliligini mustahkamlash, istiqbolli investitsiya loyihalari hamda kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sub’ektlarini kreditlashni yanada kengaytirish», shuningdek, «moliyaviy xizmatlar hajmini ularning yangi turlarini joriy qilish va sifatini oshirish hisobiga kengaytirish, shuningdek kapitalni jalb qilish hamda korxona, moliyaviy institutlar va aholining erkin resurslarini joylashtirishda muqobil manba sifatida investitsiya bozorini rivojlantirish» vazifalari belgilandi.

Globallashuv sharoiti mamlakatlar o‘rtasidagi integratsiya jarayonlarini ham jadallashtirib yubordi. Bu sur’atlar ijtimoiy-siyosiy, sotsial-iqtisodiy, madaniy-gumanitar, sport, qo‘yingki, davlat va jamiyat hayotining barcha jabhalarida o‘z ifodasini topyapti. Bunday tendensiyalar, albatta, moliya bozorlari, tijorat banklari, moliyaviy mexanizmlar, xususan, investitsiyalar oqimi qiyofalarini mutlaqo o‘zgartirib yubordi.

Binobarin, bugun qaysi davlat faol investitsiya siyosatini yuritayotgan bo‘lsa, o‘z iqtisodiyotining barqaror o‘sishiga erishayotgani aksiomaga aylanib ulgurdi.

Prezidentimiz ta’kidlaganidek, “investitsiya – bu iqtisodiyot drayveri, o‘zbekcha aytganda, iqtisodiyotning yuragi, desak, mubolag‘a bo‘lmaydi.

Investitsiya bilan birga turli soha va tarmoqlarga, hududlarga yangi texnologiyalar, ilg‘or tajribalar, yuksak malakali mutaxassislar kirib keladi, tadbirkorlik jadal rivojlanadi”.

O‘zbekiston Respublikasida esa keyingi yillarda tijorat banklarining investitsion faoliyati yirik aksiyadorlik jamiyatlari aksiyalarini boshqarish, investitsiya va xususiylashtirish fondlari bilan ishlash jarayonlariga to‘g‘ri keladi.

Tijorat banklari qimmatli qog‘ozlar bozorida investitsiya institutining professional qatnashchisi sifatida ishtirok etadi va emissiya brokerlik, dilerlik faoliyatini bajaradi, qimmatli qog‘ozlar bilan savdolarni tashkil qildi. Hozirgi kunda tijorat banklari uzoq muddatli kreditlardan keng foydalanib, investitsion loyihalarni moliyalashtirishni

amalga oshirmoqda. Lekin, investitsiya loyihalarini moliyalashtirish uzoq muddatli ko‘pgina mablag‘larni talab qilganligi sababli barcha tijorat banklari ham investitsion loyihalashtirish tizimidan foydalana olmaydi. Shunga qaramay, O‘zbekistonda juda ko‘plab moliyalashtirishni talab etadigan investitsiya loyihalari mavjud bo‘lib, ularni rivojlantirish mahalliy ishlab chiqarish darajasini yuksaltirishga olib keladi.

Tijorat banklarining investitsion loyihalarni moliyalashtirish tizimidagi ishtirokidan ko‘zlangan asosiy maqsad– bu foyda olishdir. Shu sababli mazkur maqsad bir qator quyidagi omillar bilan cheklanadi:

- risk ehtimoli;
- vaqtlar cheklovi;
- soliq bilan bog‘liq omillar.

Bank samarali investitsiya faoliyatining asosiy maqsadi, eng samarali va xatarsiz moliyaviy dastaklarni tanlab olish orqali investitsiya strate-giyasining amalga oshirilishini ta’minlash hisoblanadi.

Tijorat banklarining investitsion loyihalarni moliyalashtirish tizimidagi o‘rnini takomillashtirishda quyidagilarni amalga oshirish maqsadga muvofiq:

- tijorat tuzilmalarining kafolat talabini ta’minlash maqsadida kafolat-garov jamg‘armalari tizimini rivojlantirish;
- aholi bo‘sh pul mablag‘larini investitsiya jarayonlariga jalb qilish maqsadida qimmatli qog‘ozlar bozorini yanada rivojlantirish, turli qimmatli qog‘ozlarni muomalaga chiqarish (uy-joy sertifikatlari va uy-joy obligatsiyalari);
- ishlab chiqarishni tuzilmaviy-texnologik qayta qurishni jadallashtirish maqsadida markazlashgan kredit resurslarining bir qismini tez qoplaydigan investitsiya loyihalarini moliyalashtirishga qaratish, shu jumladan, kichik biznes ob’ektlariga yo‘naltirish;
- investitsiya loyihalarini moliyalashtirishning nokredit usullaridan – lizing, franchayzing, faktoring kabi turlaridan foydalanishni kengaytirish;
- investitsiya siyosatini ishlab chiqarish va amalga oshirishda yirik banklar boshqaruv tizimida o‘z tarkibida investitsiya dasturlarining turli masalalari bo‘yicha yuqori tajribaga ega bo‘lgan xizmatchilardan tashkil topgan investitsiya bo‘linmalarini yaratish va boshqalar.

Umumiy holda zamonaviy sharoitlarda investitsion faoliyatni jadallashtirish, uning samaradorligini oshirish uchun moliyalashning turli manbalaridan foydalanish zarur.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi «O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi to‘g‘risida»gi PF-4947-sonli Farmonining 1-ilovasi «2017-2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasi».

2. Qosimov M.S. Investitsiya loyihalar tahlili. (Darslik).- T., TDIU, 2019
3. https://xs.uz/uz/post/tizhorat-banklarining-samarali-investitsion-faoliyati-taraqqiyot-va-farovonlikning-muhim-omili
4. T.M.Karaliyev, O.B.Sattarov, I.F.Sayfiddinov Tijorat banklari faoliyati tahlili O‘quv qo‘llanma. Toshkent-Moliya 2013

DAVLATNING MAQSADLI JAMG`ARLARI VA ULARNING MOHIYATI

Qurbonov Jasurbek Fozilovich,
i.f.f.d, dotsent,
Foziljonov Azimiddin Asildin o’g’li,
TDIU Andijon fakulteti “Bank ishi va audit”
yo’nalishi 2-kurs talabasi

Annotatsiya: *Davlatning maqsadli jamg`armalari ahamiyati vazifalari tashkiliy-huquqiy asoslar haqida yoritib berilgan. Mamlakat miqyosida turli shakldagi moliyaviy resurslarning darajasi, jamiyatni yanada barqaror rivojlanishida davlat moliya tizimi oldiga qo'yilgan muhim vazifalar aks ettirilgan.*

***Kalit so`zlar:*** *Byudjet, jamg`armalar, davlat maqsadli jamg`armalari, xizmatlar ko`rsatuvchi ijtimoiy sohani qo`llab-quvvatlovchi jamg`armalar, iqtisodiy maqsadli jamg`armalar, iqtisodiyot yetakchi tarmoq va sohalar, qo`shimcha moliyaviy resurslar.*

Mamlakat miqyosida turli shakldagi moliyaviy resurslarning yetarlilik darajasi jamiyatni yanada barqaror rivojlanishida, iqtisodiy murakkabliklar va moliyaviy-iqtisodiy tanglik holatlaridan halos etuvchi manba sifatida ham namoyon bo'ladi. Bugungi kunda har qanday davlat moliya tizimi oldiga qo'yilgan muhim vazifalardan biri – shubhasiz, davlat maqsadli jamg`armalarining faoliyatidan unumli foydalanish hisoblanadi. Umuman olganda, davlat maqsadli jamg’armalari - davlatning alohida xarajatlarini moliyalashtirish uchun mamlakatning byudjet tizimi tarkibiy qismi sifatida jamlanadigan mablag`lar bo'lib, ularning maqsadli yo`naltirilishi ustidan davlat nazoratini ta'minlash maqsadida amaldagi me’yoriy hujjatlarga muvofiq shakllantirilgan jamg`armalardir. Bundan tashqari, iqtisodiy adabiyotlarda, byudjetdan tashqari jamg’larmalarda bir qator o’ziga xos ta’riflar berib o`tilgan. Bu kabi jamg’armalarning iqtisodiy mohiyatini to’laroq ochib berishda taniqli iqtisodchi olimlar o`zlarining fikrlarini bildirib o`tishgan.

Byudjetdan tashqari jamg`armalar - bu ba'zan ijtimoiy ehtiyojlarni moliya bilan ta'minlash uchun davlat tomonidan jalb qilinadigan va operativ mustaqillik asosida kompleks ravishda sarflanadigan moliya resurslarini qayta taqsimlash va foydalanish shaklidir. G`arb mamlakatlarida bundan jamg`armalar soni 30 tadan 80 tagacha

yetishi mumkin. Bunda byudjetdan tashqari jamg`armalarning hukumat ta’siridan holiligi va moliyaviy jihatdan mustaqilligiga urg`u berib o’tilgan. Biroq, bu omil davlatning iqtisodiy va siyosiy holatidan kelib chiqqan holda bir biridan farq qilinishi mumkin. Sababi, post industrial davlatlarda bozor iqtisodiyoti deyarli shakllanib bo’lgan hamda moliyaviy institutlar o`z-o`zini mustaqil idora qila oladi. Shuningdek, ular davlatning byudjet-soliq siyosatini yuritishida ham bevosita muhim ishtirokchi hisoblanadilar. Aksincha, bozor iqtisodiyoti hali to`liq shakllanmagan yoki unda davlatning ishtiroki va nazorati saqlanib qolgan davlatlarda bu kabi jamg`amalar bevosita hukumat nazorati ostida faoliyat olib boradilar.

Davlatning byudjetdan tashqari jamg'armalari markaziy va mahalliy davlat boshqaruv organlari ixtiyoridagi qat’iy maqsadli xususiyatga ega bo'lgan moliyaviy mablag'lar yig'indisidir. Ular har bir alohida davlat moliya tizimining ajralmas bo'g'ini hisoblanadi. Bu jamg'armalarni moliyaviy mablag'larining shakllanishi, taqsimlanishi va resurslardan maqsadli yo’lda foydalanishi bevosita moliyaviy me’yoriy-huquqiy hujjatlar bilan muvofiqlashtiriladi va tartibga solinadi.

Bugungi kunda, dunyoning juda ko`p davlatlarida idoralar, vazirliklar va ulkan xo`jalik subyektlari ixtiyorida ham ko`plab jamg`armalar tashkil etilgan.Rivojlangan mamalkatlarning ilg`or tajribalariga tayanib aytish mumkinki, odatda, byudjetdan tashqari davlat jamg`armalari shartli ikki yo`l orqali tashkil etiladi. Xususan: 1.Ma'lum bir xarajatlarini davlat byudjetidan ajratiladigan mablag`lar hisobidan muhim umumjamiyat ahamiyatini kasb etuvchi muammolarni hal etish uchun tashkil etiladi. Byudjetdan tashqari davlat jamg`armasini shaxsiy (o`zlik), maxsus ajratma va badallar mablag`lari hisobidan tashkil etiladi. Masalan, qator davlatlarda daromadi cheklangan va ijtimoiy himoyaga muhtoj aholi qatlamini moliyavny qo`llab quvvatlash maqsadida davlat byudjeti ko`magida maxsus sotsial sug`urta fondlari tashkil etilgan. Boshqa byudjetdan tashqari davlat jamg`armalarini tashkil etish muqaddam ma'lum bo`lmagan, ammo ishlab chikarishning rivojlanishi, xizmat kursatish ko`lamini kengayishi va moliyaviy siyosatni o`zgartirish natajasida paydo bo`ladigan muammolarni maqsadli va manzilli bartaraf etish maqsadida amalga oshiriladigan. Shunday vaziyat shakllanganda hukumat byudjetdan tashkari davlat jamg`armasini tashkil etish uchun maxsus qaror qabul qiladi. Bizda ham yuqorida qayd etilgan vaziyatga o`xshash holat vujudga kelishi va mamlakatni ijtimoiy yo`naltirilgan bozor munosabatlariga bosqichma-bosqich o`tishi munosabati bilan 2004-2009 moliya yillarini o’zida qamrab olgan byudjetdan tashkari "Maktab ta'lim jamgarmasi tashkil etildi.

Mamlakatimizda mustaqillikning dastlabki kunlaridan boshlab, byudjetdan tashqari davlat jamg`armalari tashkil etish va ularni davr talabidan kelib chiqqan holda davrga moslashtirish chora-tadbirlari amalga oshirilib kelinmoqda. 2002 - yil moliya yiliga qadar byudjetdan tashqari davlat jamg`armalari muxtor ravishda moliyaviy resurslarini shakllantnrish va ulardan maqsadli yo`nalishlarda 17 foydalanish keng qo`llanib kelinar edi. Ammo ayrim davlatning maqsadli fondlarida

o`z vaqtida va to`liqligicha moliviy resurslarni shakllanmaganligi, aholiga berilayotgan va tarqatilayotgan moliyaviy resurslarda kechikish, uzilgan hollari tez-tez uchray boshladi. Buni oldini olish maqsadida 2002 - yildan boshlab ulkan umumjamiyat ahamiyat kasb etuvchi ayrim davlatning maksadli fondlarini O`zbekiston Repsublikasi Moliya vazirligi tasarrufida bo`lishi ma'qul topildi. Keyinchalik, 2013-yil 26-dekabrda mamlakatimiz amaliyotida yangilik bo`lgan “Byudjet kodeksi” qabul qilinishi munosabati bilan, ushbu qonun o`z kuchini yo`qotdi. Ushbu kodeks endilikda, mamlakatimiz byudjet tizmi byudjetlari uchun tayanch huquqiy asosga aylandi. Shuningdek, yangi kodeksda byudjet tizimi byudjetlari bilan bog`liq bir qator o`zgarish va qo’shimchalar qayd etildi. Jumladan, davlat maqsadli jamg`armalar tushumchasi bir qator kengayib, huquqiy maqomi mustahkamlandi. Demak, Byudjet kodeksining 6-bobi aynan ”Davlat maqsadli jamg'armalari va byudjet tashkilotlarining byudjetdan tashqari jamg'armalari” deb nomlanib, ushbu soha rivoji yo`lida ulkan qadam tashlandi. Endilikda, davlat maqsadli jamg`armalari qatoriga bir qator yangi jamg`armalar qo’shilib, mavjudlarining tashkiliy asosi qaytadan ko`rib chiqildi. Davlat konsolidatsiyalashgan byudjeti tarkibida Davlat byudjeti hamda O`zbekiston Respublikasi Tiklanish va taraqqiyot jamg`armasi byudjeti bilna bir qatorda Davlat maqsadli jamg`armalari byudjeti alohida ajratib ko`rsatilgan bo’lib, kodeksning 36-moddasida quyidagilar davlat maqsadli jamg`armalari sifatida ko`rsatib o`tilgan: - O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi huzuridagi byudjetdan tashqari Pensiya jamg'armasi; - O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Respublika yo'l jamg'armasi; - Davlat mulkini xususiylashtirishdan tushgan mablag'lar jamg'armasi; - O'zbekiston Respublikasining Bandlikka ko'maklashish davlat jamg'armasi; - O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi huzuridagi byudjetdan tashqari Umumta'lim maktablari, kasb-hunar kollejlari, akademik litseylar va tibbiyot 18 muassasalarini rekonstruktsiya qilish, mukammal ta'mirlash va jihozlash jamg'armasi; - O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi huzuridagi Sug'oriladigan yerlarning meliorativ holatini yaxshilash jamg'armasi; - O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi huzuridagi Oliy o'quv yurtlarining moddiy-texnika bazasini rivojlantirish jamg'armasi.5 Kodeksda, shuningdek, har bir davlat maqsadli jamg`armalarining faoliyat sohasi, maqsadi va vazifalari, boshqaruv organi, byudjet loyihasi va hisobotlarini tuzish tartibini, qolaversa, daromadlar manbalari hamda xarajatlar yo`nalishlari bilan bog`liq me’yorlar ko’rsatib o’tilgan.

Davlat maqsadli jamg`armalari iqtisodiyotning ustuvor sohalarini qo`shimcha moliyaviy resurslar bilan ta'minlash hamda har xil maxsus fondlar ko`magida aholiga sotsial xizmatlar ko`lamini kengaytirish kabi vazifalarni bajaradi. Odatda, maqsadli jamg`armalar ijtimoiy maqsadlarga yo`naltirilgan va iqtisodiy yo`naltirilgan jamg`armlarga ajratiladi. Ijtimoiy maqsadli jamg`armalar deganda, aholini hamda unga ijimoiy xizmatlar ko`rsatuvchi ijtimoiy sohani qo`llabquvvatlovchi jamg`armalar tushunilsa, iqtisodiy maqsadli jamg`armalarga esa, iqtisodiyot yetakchi

tarmoq va sohalarini qo`shimcha moliyaviy resurslar bilan ta’minlash yoki aloihida tarmoqni yanada rivojlantirish uchun tashkil etiladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO’YXATI

1. Ahmedov D.Q. Ijtimoiy ta’minot huquqi. Darslik. –T. TDYUI nashriyoti, 2008. 406 бет.
2. Allayorov Sh., Toshmuxamedova D., Davlat pensiya ta’minoti.O‘quv qo‘llanma.-Toshkent, T.:Iqtisod-Moliya 2015.-248 b; 83
3. Jun Peng. State and Local Pension Fund Management. (Public Administration and Public Policy) 0th Edition . USA: Publisher: Auerbach Publications (August 21, 2008). – P. 280.
4. Malikov T., Jalilov P., Byudjet-soliq siyosati. Mongrafiya. T.: Akademnashr, 2011.472 b.
5. Mirzamahmudov M.M. Maqsadli jamg‘armalardan foydalanish samaradorligini oshirish mexanizmini takomillashtirish. Monografiya. - T.:«IQTISOD-MOLIYA». 2013.-112 b.;

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ОҚИМИНИ ОБЛИГАЦИЯЛАР ОРҚАЛИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Умарова Гулзодахон Қодирбековна
TDIU Andijon fakulteti, “Mutaxasislik fanlari” kafedrasi assistenti

Аннотация: Ушбу мақолада инвестицияларни жалб қилишда облигацияларнинг ўрни таҳлил қилинган. Иқтисодий ривожланишда ушбу воситаларнинг аҳамияти борасида хулосалар чиқарилган.

Калит сўзлар: инвестиция, облигация, пул-кредит, иқтисодиёт, банк, компания.

Аннотация: В данной статье анализируется роль облигаций в привлечении инвестиций. Сделаны выводы о значимости этих инструментов в экономическом развитии.

Ключевые слова: инвестиции, облигация, денежный кредит, экономика, банк, компания.

Abstract: This article analyzes the role of bonds in attracting investments. Conclusions were made regarding the importance of these tools in economic development.

Key words: investment, bond, monetary credit, economy, bank, company.

Бугунги кунга келиб мамлакатимизда хорижий инвестицияни жалб қилиш ва бу орқали миллий иқтисодиётни ривожлантириш масаласига катта

аҳамият қаратилмоқда. Бу борада облигацияларнинг аҳамияти юқори бўлиб, инвестиция оқимининг ўсишида катта аҳамият касб этувчи омиллар қаторида эътироф этилмоқда. Тан олиш керакки, облигациялар мамлакатимиз молия бозорида кичик ва ўрта бизнесга инвестицияларни жалб қилиш учун нисбатан янги воситадир. Бугунги кунга келиб у нисбатан оммалашиб бормоқда: кичик ва ўрта бизнес ривожланиш учун маблағларни тез ва фойдали тарзда жалб қилиш имконияти сифатида унга мурожаат қилмоқда. Таҳлилчиларнинг таъкидлашича, келгуси бир неча йил ичида эмитент компаниялар сони 4-5 баравар кўпайиб, потенциал инвесторларнинг қизиқишини жалб қилади.

Тижорат облигациялари жаҳон молия бозорида узоқ вақтдан бери мавжуд, бўлса ҳам, мамлакатимизда у нисбатан анча кейин пайдо бўлган. Классик облигациялар тижорат облигацияларидан биржа орқали тарқатилиши билан фарқ қилади. Шундай қилиб, биржа эмитентни ўз талаблари призмаси орқали кўриб чиқади ва компания ишончлиликнинг барча белгиларига эга бўлишидан манфаатдор. Харидорлар учун биржа облигациялари ва тижорат облигациялари ўртасидаги фарқ шундаки, тижорат облигацияларига инвестиция қилишда инвестор даромад солиғини тўлаши керак. Биржа облигацияларига инвестиция қилишда инвесторлар тегишли солиқни тўлашдан озод қилинади. Шундай қилиб, тижорат облигацияларини чиқаришда эмитентлар учун капитал қиймати одатда биржа облигацияларини чиқариш қийматидан юқори бўлади, чунки солиқ тўлаш зарурати ва лойиҳанинг юқори хавфини ҳисобга олган ҳолда бозорга юқори ставкаларни таклиф қилиш керак.

Биржа облигациялари инвесторларнинг ривожланган брокерлик тармоғи орқали сотилади, тижорат облигациялари эса чекланган миқдордаги шахсларга ёпиқ обуна орқали индивидуал брокерлар, инвестиция платформалари ёки эмитент ва инвестор ўртасидаги бевосита алоқалар орқали таклиф этилади. Шу маънода, тижорат облигацияларини чиқаришда инвестицияларни жалб қилмаслик ёки узоқ муддат жалб қилиш хавфи сезиларли даражада юқори бўлади.

Тижорат ва классик облигациялар бўйича ҳам ҳар қандай жисмоний ва юридик шахслар харидор бўлиши мумкин. Шундай қилиб, банк кредити нуқтаи назаридан, эмитент учун пул қиймати банк кредитлаш ставкаси билан таққосланади, шу билан бирга ҳеч қандай гаров талаб қилинмайди. Шу маънода кичик ва ўрта бизнес учун облигациялар чиқариш банк кредитларига яхши муқобилдир.

Адабиётлар таҳлили

Инвестицияларни жалб қилишда облигацияларнинг ўрни масаласида мамлакатимиз ва дунё миқёсида бир қанча тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, Л.Г. Батракова, И.А. Бланк, Е. Головина каби тадқиқотчилар ушбу масала юзасидан бир қанча дарслик ва монографиялар ёзганлар. Ушбу

тадқиқотчилар ўз изланишлари орқали инвестицияларни жалб қилиш масалалари, бу борада облигацияларнинг аҳамиятига таъриф берганлар[1].

Тадқиқот методологияси

Инвестицияларни жалб қилишда облигацияларнинг ўрнини ёритиб беришга қаратилган ушбу мақолада анализ ва синтез, аналогик таҳлил, абстракциялаштириш, қиёслаш каби илмий методлардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Бугунги кунда облигациялар чиқариш классик банк кредитлашдан кўра қўшимча маблағларни жалб қилишнинг арзонроқ усулига айланиб бормоқда. Эмитент пул маблағларини облигациялар бозорига кириш учун зарур бўлган инвестицияларни ҳисобга олган ҳолда ҳам пастроқ ставкаларда олади. Бироқ, бу муқобил молиялаштириш усулининг афзалликларидан фақат бири.

Молиялаштиришни жалб қилишнинг ушбу воситаси ҳам инвесторлар, ҳам потенциал эмитентлар орасида қизиқиш уйғотади. Инвестицион воситаларни танлашда энг муҳим параметрлардан бири бу компаниянинг маблағларни олиши мумкин бўлган вақтдир.

Облигациялар чиқарадиган компания бизнес-режада кўрсатилган ривожланиш истиқболларидан келиб чиқиб, энг қулай муддат ва фоиз ставкаларини белгилайди. Албатта, у қанчалик жозибадор шартларни эълон қилиши мумкин бўлса, маблағни олиш эҳтимоли шунчалик юқори бўлади. Бироқ, бу ерда, банк кредитидан фарқли ўлароқ, у ўз имкониятларидан келиб чиқиши мумкин ва инвесторнинг қарз миқдори ва кредит муддати каби шартларига бўйсунмайди[2].

Жозибадор шартларда чиқарилган облигациялар хусусий инвесторлар орасида катта талабга эга. Улар учун кириш чегараси минимал бўлиши мумкин, бу потенциал харидорлар сонини сезиларли даражада оширади. Бундан ташқари, облигациялар ҳимояланган қимматли қоғозлардир, бу эса инвесторларнинг ишонч даражасини оширади.

Тижорат ёки классик облигацияларни чиқариш ва сотиш бўйича муваффақиятли тажриба кичик ва ўрта бизнес учун ижобий кредит тарихини яратиш ва инвесторлар орасида ўз обрўсини оширишнинг ажойиб усули бўлиши мумкин. Келажакда бундай ҳаракат хусусий кредиторлар ва банклар ва, эҳтимол, йирик институционал инвесторлар томонидан арзонроқ сармояларни жалб қилиши мумкин. Агар компания ўзини истиқболли ва ҳурматли тўловчи сифатида кўрсатса, давлат кредитлари кўплаб имкониятларни тақдим этади.

[1] Л.Г. Батракова Экономический анализ деятельности коммерческого банка: учебник для ВУЗов. М.: Логос, 2013; И.А. Бланк Финансовый менеджмент: учебник. Киев.: Ника-Центр, 2013. 265 с; Е. Головина Стратегия новой промышленности: учебник. В мире науки. 2013. No 7-8. С. 36-39.

[2] Аскинадзи, В.М. Инвестиционные стратегии банков: монография (Серия «Академическая серия»). М.: Маркет ДС Корпорейшн, 2014. – С. 112.

Назарий жиҳатдан ҳар қандай кичик ва ўрта бизнес эмитентга айланиши мумкинлигига қарамай, компаниялар облигациялар бўйича мажбуриятларни бажариш қобилиятини кафолатлайдиган бир қатор аниқ талабларга риоя қилишлари керак.

Тижорат облигацияларини чиқариш фаолият юритувчи бизнес томонидан кафолатланади. Облигациялардан инвестициялар асосан компания фаолиятини кенгайтириш учун жалб қилинади. Мавжуд бизнес доирасида бўлмаган янги бизнес юритувчилар учун бундай восита мос эмас. Облигация ссудалари аллақачон фаолият турини ташкил этган ва уни кенгайтиришни хоҳлайдиган компаниялар учун мўлжалланган. Айтайлик, аллақачон кафелар тармоғи мавжуд ва сиз бошқасини очишингиз керак. Ёки мавжуд ишлаб чиқариш ва савдо бизнеси мавжуд ва бизнесни кенгайтириш учун қўшимча айланма маблағлар талаб қилинади. Бундай ҳолда, компания қандай қилиб мунтазам тўловларни амалга ошириши ва муддат охирида инвесторлар томонидан қўйилган маблағларни қайтариши мумкинлиги аниқ[3].

Ташкилот облигациялар бозорига кириши ва ўз таклифини муваффақиятли амалга ошириши учун у аниқ мулк тузилмаси, профессионал жамоа, тасдиқланган муваффақият ва оқилона ривожланиш истиқболларига эга бўлиши керак. Бир сўз билан айтганда, яхши обрўга эга бўлиш инвестициялар оқимини жалб қилишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Облигацияларнинг инвестицион жозибадорлиги қанчалик юқори бўлса, потенциал инвестор компания ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлади.

Бозорда облигацияларга бўлган талаб қуйидаги омилларга боғлиқ:

• кредит муддати,
• иккиламчи бозорда сотиш имконияти;
• компаниянинг банкротлик хавфи;
• инвестицияларни жалб қилиш жараёнида маркетинг омиллари.

Потенциал инвесторлар улар учун янги имконият ҳақида билишлари учун облигациялар савдосини ташкил қилиш муҳимдир. Инвестицион бозорда облигациялар эмиссиясининг сифати кўп жиҳатдан жалб қилиш муваффақиятини белгилайди.

Облигациялар маълум шароитларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга тез, ишончли, қулай, арзон инвестицияларни таъминловчи маълум бир компания учун инвестицияларни жалб қилишнинг энг фойдали усулига айланиши мумкин. Аммо бунинг учун эмитент компания ўз имкониятларини тўғри баҳолаши ва келажакда барча кредит мажбуриятларини ўз вақтида бажариши керак.

Облигацияларга инвестиция қилиш қимматли қоғозлар бозоридаги энг ишончли инвестиция ҳисобланади. Ушбу восита банк депозитига қараганда

[3] Бланк И.А. Финансовый менеджмент: учебник. Киев.: Ника-Центр, 2013. - С.213.

юқори даромадга эга бўлган капиталнинг тўлиқ хавфсизлиги ҳақида қайғурадиганлар учун тавсия этилади. Облигация эгаси ўз инвестициясидан фоиз тўловлари шаклида қатъий даромад олади. Ушбу восита банк депозитига жуда ўхшайди - пул олдиндан белгиланган фоизда маълум муддатга инвестиция қилинади. Аммо облигациялар иккита асосий афзалликларга эга: корпоратив облигациялар бўйича юқори рентабеллик ва ҳисобланган фоизларни йўқотмасдан пул олиш имконияти.

Инвестиция сифатида облигациялар қатъий фоизли даромад туфайли жозибадор бўлиб, бундай инвестициялардан олинадиган фойда миқдорини аниқ прогноз қилиш мумкин. Бу қимматли қоғозлар билан солиштирганда облигацияларга инвестиция қилиш хавфини сезиларли даражада камайтиради.

Облигация бўйича потенциал даромадни аниқлашда эътиборга олиниши керак бўлган ўзига хос хусусият шундаки, фоиз ставкалари ва облигациялар баҳоси қарама-қарши йўналишда ҳаракат қилади. Демак, умумий қоида шундан иборатки, облигациялар баҳоси фоиз ставкалари пасайган сари ошади ва фоиз ставкалари ошиши билан тушади.

Корпоратив облигациялар акцияларга қараганда ишончлироқ ва банк депозитларига қараганда фойдалироқдир. Облигациялар турли соҳалардаги компаниялар томонидан, шунингдек, банклар томонидан чиқарилади.

Хулоса.

Мазкур тадқиқот бўйича қуйидаги хулосаларга келинди:

- Облигациялар одатда акцияларга қараганда хавфсизроқ инвестиция воситаси ҳисобланади, чунки уларнинг эгалари тугатилган ёки қайта тузилган тақдирда компания активлари улушини талаб қилишда устунликка эга.
- Облигацияларнинг айрим турлари инвесторларга солиқ имтиёзлари беради. Шундай қилиб, АҚШ ғазначилик облигациялари бўйича тўланадиган фоизлар давлат ва маҳаллий солиқларга тортилмайди; Кўпгина муниципал мажбуриятлар бўйича фоизлар федерал солиқдан ва кўп ҳолларда маҳаллий даромад солиғидан озод қилинган.
- Облигациянинг баҳоси фоиз ставкалари, талаб ва таклиф, кредит сифати, тўлов муддати ва солиқ ҳолати каби кўп сонли ўзгарувчиларга асосланади. Янги чиқарилган облигациялар одатда номинал қийматида ёки унга яқин сотилади. Иккиламчи бозорда сотиладиган облигациялар нархи фоиз ставкаларининг ўзгаришига қараб ўзгариб туради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. *Т.М. Қоралиев ва бошқалар. Пул-кредит орқали мувофиқлаштириш. Дарслик. Тошкент Молия Институти 2007. 158 б.*
2. *Аскинадзи, В.М. Инвестиционные стратегии банков: монография (Серия «Академическая серия»). М.: Маркет ДС Корпорейшн, 2014.*

3. *Батракова Л.Г. Экономический анализ деятельности коммерческого банка: учебник для ВУЗов. М.: Логос, 2013.*
4. *Бланк И.А. Финансовый менеджмент: учебник. Киев.: Ника-Центр, 2013. 265 с.*
5. *Головина Е. Стратегия новой промышленности: учебник. В мире науки. 2013. No 7-8. С. 36-39.*

MOLIYAVIY REJALASHTIRISH VA PRAGNOZLASH

Tuychiyev Abdurahmon G‘ofurovich,
i.f.f.d., dotsent,
Maxmudov Paxlavon Farxod o’g’li
TDIU, Andijon fakulteti BHA ta’lim yo‘nalishi
70/22 guruhi talabasi

Annotatsiya: *Mazkur tezisda moliyaviy rejalashtirish haqidagi tushunchalar, moliyaviy rejalashtirish asosiy vazifalari, moliyaviy rejalashtirish jarayoni va bosqichlari, shuningdek moliyaviy ko'rsatkichlari tahlili hamda uzoq muddatli moliyaviy rejalarga tegishli mulohazalar yuritilgan.*

Kalit so’zlar: *moliyaviy boshqaruv, moliyaviy taktika ,boshqaruv obyekti, subyekti moliyaviy apparat, moliyaviy rejalashtirish. pul, foyda, moliya, narx, moliya tizimi, moliya mexanizmi, nazorat funksiyasi taqsimot funksiyasi.*

Har qanday ijtimoiy-iqtisodiy jarayonlarni boshqarish tizimining asosiy bosqichlaridan biri rejalashtirishdir[4]. Iqtisodiy adabiyotlarda, eng umumiy shaklda, rejalashtirish istiqbolga yo’naltirilgan qarorlarni qabul qilish bo’yicha faoliyat deb talqin qilinadi.

“Rejalashtirish” tushunchasining ma’no va mazmunini yanada umumiyroq bo’lgan va xo’jalik yurituvchi subyektlar faoliyatini muvofiqlashtirishning obyektiv zarurligi va imkoniyatini anglatuvchi “rejalilik” orqali aniqlash mumkin. Haqiqatdan ham rejalashtirish amaliyotda rejalilikni amalga oshirishni, ya’ni balanslilik (muvozanatlilik) va mutanosiblikka erishish bo’yicha ongli faoliyatni bildiradi. Shu ma’noda, moliyaviy resurslarning balansliligini (muvozanatini) va proportsionalliligini (mutanosibligini) ta’minlashga qaratilgan faoliyatga moliyaviy rejalashtirish deyiladi.

Bunda balanslilik (muvozanatlilik) davlatning ixtiyorida bo’lgan moliyaviy resurslar va xo’jalik yurituvchi subyektlarning ixtiyorida qolgan daromadlar o’rtasidagi optimal nisbatni bildiradi. Proportsionallik (mutanosiblik) esa korxonalar, xo’jalik tarmoqlari, mintaqalar va davlat subyektlari bo’yicha daromadlarning soliq

[4] Malikov T., Olimjonov O. Moliya. Darslik. – T.: “Iqtisod-moliya”, 2019. - 920 b.

to’languncha va soliq to’langandan keyingi miqdorlari o’rtasidagi oqilona nisbatdan iborat. Ana shu nisbatni ko’paytirish yoki kamaytirish orqali davlat ularning rivojlanishini rag’batlantirish yoki cheklab qo’yishi mumkin.

Umumiy va oddiy ko’rinishda, moliyaviy rejalashtirish deyilganda moliyaviy rejalarni tuzish va amalga oshirish jarayoni nazarda tutiladi. Moliyaviy rejani, xuddi uni ishlab chiqish, yaratish yoki tuzish jarayoni kabi moliyaviy ko’rsatkichlarni ijodiy tahlil qilish, umumlashtirish va o’zaro bog’lash tizimi sifatida tushunish kerak. Amaliyotda tez-tez foydalaniladigan rejalashtirish ma’lumotlarini, masalan, korxona faoliyatining shakliy modelini ishlab chiqish va shu asosda moliyaviy ko’rsatkichlarning rejali tizimini aniqlashni, moliyaviy rejalashtirishning ishchi sxemasi sifatida qarash mumkin. Shuni nazarda tutish kerakki, moliyaviy rejalashtirish jarayonida u yoki bu sub’ekt faoliyat ko’rsatishi moliyaviy ta’minlanishining hayotiychanligini oshiruvchi noshakliy omillar inobatga olinishi kerak.

“Moliyaviy rejalashtirish” tushunchasi o’z ichiga quyidagilarni oladi:

–taraqqiyotning asosiy tendentsiyalarini aniqlash va moliyaviy tahlil qilish;

–jalb qilingan mablag’lar va vaqtincha bo’sh turgan mablag’larni sarflash (joylashtirish) menejmenti;

–firma ichidagi moliyaviy natijalar va pullarni rejalashtirish, hisobga olish va nazorat qilish texnologiyasi;

–investitsion menejment;

– kapitallar menejmenti;

–faoliyatning boshqa ko’rinishlari (trast, faktoring, lizing va boshqalar). Moliyaviy rejalashtirishning asosiy vazifalari quyidagilar hisoblanadi:

–ishlab chiqarish, investitsion va moliyaviy faoliyatlarni kerakli bo’lgan moliyaviy resurslar bilan ta’minlash;

–pul mablag’laridan iqtisod qilib, tejab-tergab foydalanish hisobidan korxonaning foydasini oshirish bo’yicha ichki rezervlarni qidirib topish;

–kapitalni samarali joylashtirish yo’llarini aniqlash, undan oqilona va samarali foydalanishni baholash;

–kontragentlar bilan optimal moliyaviy munosabatlarni o’rnatish;

–korxonaning moliyaviy ahvoli, to’lovga qobilligi va kreditga layoqatliligi ustidan nazorat o’rnatish.

Bozor munosabatlariga o’tilganiga qadar moliyaviy rejalashtirishning mazmuni korxonalarda sof operativ vazifalarni – markazlashtirilgan iqtisodiyot amal qilgan-ligi uchun etarli darajada formal bo’lgan korxonalarning besh yillik moliyaviy rejalaridagi ko’rsatkichlarni ishlab chiqish, istiqbolga mo’ljallangan rejalarning loyihasini baholash, korxonaning yillik moliyaviy rejalarini tuzish kabilarni hal etishga qaratilgan edi. Bunday amaliyotning hukm surganligi korxona moliyaviy xizmatlarining obro’yiga obro’ qo’shmas, chunki ularga hech narsa bog’liq emas edi. Bozor iqtisodiyotida moliyaviy xizmatlarning roli tubdan o’zgaradi. Ular korxona

rivojlanishini faol va ta’sirchan boshqaradi va bir vaqtning o’zida, shu rivojlanishning yo’nalishi va sifatini nazorat qiladi.

Hozirgi sharoitdagi moliyaviy rejalashtirish barcha zaruriy harakatlarni oldindan ko’zda tutishgina (ko’ra bilishgina) emas. Bu tegishli ishlarni amalga oshirish jarayonida yuzaga chiqishi mumkin bo’lgan har qanday kutil-magan holatlarni ko’ra olish qobiliyati hamdir. Albatta, xo’jalik yurituvchi subyekt o’z faoliyatidagi barcha tavakkal-chiliklarga (risklarga) barham bera olmaydi. Lekin u ana shu risklarni oldindan samarali ko’ra bilish yordamida boshqa-rish imkoniyatiga ega.

Moliyaviy rejalashtirish amaliyotida quyidagi asosiy usullardan (metodlardan) foydalanish mumkin:

–iqtisodiy tahlil usuli;

–normativ usul;

–balansli hisob-kitoblar va pul oqimlari usuli;

–ko’p variantlilik usuli;

–iqtisodiy-matematik modellashtirish usuli.

Moliyaviy rejalashtirish jarayonining quyidagi asosiy bosqichlarini ajratib ko’rsatish mumkin:

–xo’jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining moliyaviy natijalarini tadqiq etish;

–operativ rejalarning o’zgarishi asosida moliyaviy hisobotlarning bashorat variantlarini ishlab chiqish;

–o’z reja topshiriqlarining bajarilishini ta’minlash uchun xo’jalik yurituvchi subyektning moliyaviy resurslarga bo’lgan aniq (konkret) ehtiyojlarini aniqlash;

–moliyalashtirish manbalari (shu jumladan, o’z va tashqi manbalarning) va ularning tarkibiy tuzilishini bashorat-lash;

–xo’jalik yurituvchi subyektlar moliyasini boshqarishning tizimini yaratish va uni qo’llab-quvvatlash;

–shakllantirilgan rejalarni operativ o’zgartirish, tartibini (reglamentini) ishlab chiqish.

Moliyaviy rejalashtirishning ikki turi bo’lishi mumkin:

– strategik moliyaviy rejalashtirish; – joriy moliyaviy rejalashtirish.

Strategik moliyaviy rejalashtirish o’z ifodasini stra-tegik moliyaviy rejalarda topadiki, u tashqi va ichki muhitda o’zgarayotgan xo’jalik yuritish subyekti moliyaviy taraqqiyotining ko’p variantli bashoratidan iboratdir.

Strategik moliyaviy reja, hech bo’lmaganda, quyidagi savollarga aniq javob bermog’i lozim:

–xo’jalik yurituvchi subyekt uchun talab qilinadigan kapitalning o’lchami qanday, u qaysi manbalar hisobidan va qanday muddatlarda jalb qilinadi? – bu kapitaldan qanday qilib foydalaniladi?

–o’z kuchiga ishongan holda xo’jalik yurituvchi subyekt rivojlanishi mumkinmi? Agar yo’q bo’lsa, moliyaviy resurslarni jalb qilishning manbalari qanday?

–xo’jalik yurituvchi subyekt pul mablag’lari tushumi, ishlab chiqarishning rentabelligi va investitsiyalar daromadligining qanday darajalariga chiqishi mumkin va qay muddatlarda?

O‘z navbatida, joriy moliyaviy rejalashtirishning asosiy funksiyalari quyidagilardan iborat:

–ishlab chiqarish, investitsion, marketing, ilmiy-loyi-haviy va qidiruv faoliyatlarini hamda ijtimoiy loyiha-larni amalga oshirish uchun zarur bo’lgan moliyaviy resurs-larning hajmi va ularning manbalarini aniqlash;

–mahsulotni (ishni, xizmatni) ishlab chiqarish va sotish tannarxini rejalashtirish;

–pul oqimlarini rejalashtirish;

–butun xo’jalik yurituvchi subyekt doirasida foydani rejalashtirish (bashoratlash);

–investitsiyalarning daromadliligini rejalashtirish.

Moliyaviy rejalashtirish mamlakat milliy xo’jaligini rejalashtirishning tarkibiy qismi bo’lib, sotsial-iqtisodiy rivojlanish rejasining ko’rsatkichlariga tayanadi, moliyaviy tizim barcha organlarining faoliyatlarini muvofiqlashtirishga yo’naltiriladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Malikov T., Olimjonov O. Moliya. Darslik. – T.: “Iqtisod-moliya”, 2019. - 920 b.
2. J.Ergashev “Mahaliy budjet daromadlarini pragnozlashtirish hamda daromadlarni oshirish masalalari” (2023)
3. Qabulov .X.A “ Xududiy iqtisodiyot va mahaliy budjetlar imkonyatlarini oshirish yo’nalishlari”.
4. Haydarov .N.X “Mahaliy budjetlar” (2020)

RAQAMLI XIZMAT TURLARINI TAKOMILLASHTIRISH ORQALI BANK AKTIVLAR SAMARADORLIGINI OSHIRISH.

Urinov L.A.
TDIU Andijon fakulteti, “Mutaxasislik fanlari” kafedrasi assistenti

Annatatsiya: *Xozirgi vaqtda bizning davlatimizda olib borilayotgan iqtisodiy isloxatlari qatori boshqa sohalar bir qatori bank soxasida xam izchil isloxatlar olib borilmoqda. Bu o‘z navbatida ijobiy natijalar bermoqda. Respublikadagi mavjud iqtisodiy munosabatlar davrida shidadtli raqamli iqtisodiyot rivojlangan bir vaqtda tijorat banklarning moliyaviy vositachilik xizmat turlarini rivojlantirishning asosiy muommolardan biri xisoblanadi.*

Kalit so‘zlar: *Tijorat banklar, innavatsiya, mijoz, bank tovarlari, bank xizmatlari, tijorat banklarning aktiv va passivlari, IT.*

Tashkent State University of Economics Andijan faculty lecturer L. A. Urinau

Abstract : *Currently, in our country, among other areas, along with the economic resources carried out in our country, Kham is consistently carried out in the banking industry. This in turn gives positive results. At a time when the digital economy of shidadtli developed during the existing economic relations in the Republic, one of the main approaches to the development of financial intermediary types of services of commercial banks is noted.*

Keywords: *Commercial banks, innavasia, customer, bank goods, banking services, assets and liabilities of commercial banks, IT*

Jahon bank tizimini rivojlantirishning hozirgi bosqichi moliyaviy bozorlarda raqobat va inqiroz hodisalarining kuchayishi sharoitida davom etmoqda. Bank faoliyatini muvaffaqiyatli rivojlantirishning asosiy omillaridan biri bu-doimiy innovatsiyalar siyosatidir.

Hozirgi vaqtda innovatsiyalar-banklarning barqarorligini, raqobatbardoshligi ni va barqaror iqtisodiy o'sishining asosiy omillari hisoblanadi. Bank innovatsiyalari, bank faoliyatining katalizatori sifatida, yaniy bank biznesining hozirgi voqeliklari bilan bank innovatsiyalarining 3 ta asosiy katalizatoriga ajratib ko'rsatishimiz mumkin:

-Moliyaviy bozor va bank xizmatlari bozorlarining globallashuvi,

-Bank va nobank sohalar raqobatning kuchayishi,

-Global moliyaviy inqiroz.

-Proffessor I. T. Balabanovning fikricha, "Bank innovatsiyasi- bu yangi bank mahsuloti yoki operatsiyasi shaklida amalga oshirilgan bankning innovatsion faoliyatining yakuniy natijasi"dir.

Innovatsion faoliyat deganda esa "Innovatsiyalarni yaratish va amalga oshirishning tizimli jarayoni"tushuniladi. Boshqa tadqiqotchilar ham xuddi shunday nuqtai nazarga ega, Masalan: E. A. Zolotova, A. V. Kaltirin, V. S. Vikulov, P. V. Semikova. O. I. Lavrushinning so'zlariga ko'ra,"Bank innovatsiyasi yoki yangi bank mahsulotlari va xizmatlari to'plami — bu mijozlarga foyda olishga yordam beradigan yangiliklarni joriy etish orqali resurs potentsialini shakllantirish va joylashtirish uchun qulay shart-sharoitlarni yaratish jarayonida qo'shimcha daromad olishga qaratilgan bank faoliyatining sintetik tushunchasi"dir.

Shunday qilib, bank innovatsiyasi — bu yangi yoki takomillashtirilgan mahsulot yoki xizmat shaklida amalga oshirish, mijozlarning mavjud ehtiyojlarini yaxshiroq qondirishga yoki bankning resurs salohiyatini boshqarish jarayonida yangilarini shakllantirishga qaratilgan bankning ilmiy-texnik faoliyatining yakuniy natijasidir.

Bu asrda siz va men uchun nima o'zgardi! Tezlik! Biz tezda oldinga siljiymiz va hayotimizning yuqori sifatini ta'minlaydigan xizmatlar sekinlashishini xohlamaymiz. Ular nafaqat biz bilan birga balkim bizdan oldinda bo'lishlari kerak!

Tovar-pul munosabatlarida jarayonlarda, biz doimo banklarga muhtoj bo'lamiz. Ammo biz ularga yangi talablar qo'ymoqdamiz, vaholanki faqat xizmatlar doirasi bizning ehtiyojlarimizni qondirish uchun etarlicha keng bo'lgan joyda qolamiz.

Zamonaviy mijoz bankdan nimani kutmoqda? Bain & Company mutaxassislari iste'molchilarning banklarga bo'lgan ehtiyojlari va umidlarini umumlashtirdi va quyidagi ehtiyojlarni aniqladi. Bank mahsulotlari va xizmatlari to'g'risida ma'lumot topish oson va arzon bo'lishi kerak. Bank xodimlarining yordami istalgan vaqtda — telefon, internet yoki to'g'ridan-to'g'ri markazlar orqali bank mahsulot yoki xizmatni foydalanishingiz, masalan; mobil qurilmada to'lovni amalga oshirishni boshlab, so'ng operatsiyani kompyuterdan yakunlash. Shunda barcha kanallarda mahsulot yoki xizmatlarning narxi bir xil bo'lishi darkor.

Bank hisobvaraqlariga turli xil qurilmalardan kirish imkoniyatining berishi. Kundalik bank operatsiyalarining aksariyati raqamli kanallar orqali amalga oshirilishi xaridlar, to'lovlar va pul o'tkazmalarini smartfon yordamida amalga oshirish imkonini berishi. Operatsiyalarning xavfsiz, tez va arzon qilinishi. Aloqalar oddiy va arzon bo'lishi va unga javoban reaktsiyalar tezkor bo'lishi banklarda innovatsiyalardan foydalanish darqor.

Raqamli bank-bu nima? Bank sohasidagi bir qator yangiliklarni ko'rib chiqsak, masalan Rossiyaning eng yirik banklari masofaviy xizmatlarni rivojlantirishga, biznesni raqamli sohaga o'tkazishda kerakli miqdorda pul mablaglarini kiritishmoqda. Digitalizatsiyaning foydalanuvchisi mohiyatan-tezlik, – jarayonlarning-shaffofligi va o'zaro munosabatlarning soddalashishidir. Bu albatta mijozlar uchun qulay, ma'muriy xarajatlarining kamayishi banklar uchun foydalidir, — deydi bank SMP strategiya va marketing departamenti direktori Aleksey Ilyushenko.

- Asta-sekin ATM va terminallar atrof-muhitga o'tadi, markazlar murakkab mahsulotlar bilan shug'ullanadi yoki mijozlar bilan turli tadbirlar o'tkaziladigan joylarga aylanadi, muntazam operatsiyalarning soni qisqaradi. Bu mijozlarga taqdim etilayotgan bank xizmatlari doirasini kengaytirishga imkon beradigan raqamli muhitdir.

Bank mahsulotlari va xizmatlari asosi shundaki, biznes va IT ulanishi kerak. Masalan, 2014 yilda Sberbankning IT-dagi xarajatlari taxminan 65 milliard rublni tashkil etdi, 2015 yilda ular uchdan biriga o'sdi. Raqamli bank-dastur shunday qilib, bir necha yil oldin, smartfonlarning paydo bo'lishi bilan, kontent va xizmatlarni mobil platformalarga ko'chirish tendentsiyasi shakllandi. Bugun biz ushbu tendentsiyaning samarasini har qadamda ko'rmoqdamiz(-bank mobil ilovalari, - media ilovalari, - kommunal xizmatlar, – mahsulotlarga buyurtma berish, - temir yo’l chiptalarini sotib olish). Yangi xizmatni ishlab chiqish bunga yorqin misol bo'lishi mumkin.

NFC texnologiyasi (yaqin maydon aloqasi — "yaqin maydon aloqasi") mobil telefonni virtual bank kartasiga aylantiradi. Bundan tashqari, raqamli sohada messenjerlarni yangi xizmat ko'rsatish kanali sifatida rivojlantirish trendida, ammo aslida banklar BCS banki misolida ko'rganimizdek, o'zlarining asosiy mahsulotlarini

digital-da yaxshilash bilan shug'ullanmoqdalar. Bu umuman yomon emas, chunki aksariyat internet va mobil banklar hali mukammal emas. Hamma operatsiyalar odamlar uchun mavjud emas, mavjud bo'lganlarning hammasi ham qulay va tushunarli tarzda amalga oshirilmaydi. Istisnolar mavjud bo'lsa-da. Biroq, hatto eng ilg'or banklari ham jonli odamlar ishtirokida qo'ng'iroqlar qabul qilish markazlariga ega, chunki ba'zi savollarga javob beradigan to'liq avtomatlashtirilgan botlar etarli emasligidir. Masalan, botda orqali ma’lum bir yo’nalishda savol bilan murojat berilsa ushbu savol bot orqali berilsa-u javob yopilmasa, kimdir mijozga javob berishi kerak. Shunda startaplar buni xizmat ko'rsatishda asosiy oqimga aylantirmoqda, ammo banklar uchun bu yondashuv hali hanuz ham yangilikdir. Ya'ni, messenjer banklarning mijozlar bilan o'zaro munosabatlari uchun qulay kanalar qatoriga kiritsak bo’ladi. “Digital”da mijozlarga o'zlari va bank o'rtasida aloqa o'rnatishga imkon beradigan kanallar mavjud. Suhbatlar bank bilan bankning mijozlar o’rtasida onlayn aloqa kanali hisoblanib, ideal holda tezkor xabar almashish, savol-javob qilish imkoniyati mavjuddir. Ya'ni, suhbatlar aslida qo'ng'iroq markazlarning ishining chat orqali botlarda aloqa bo’lib, avtomatik ravishda yoki belgilangan jadvalga muvofiq har qanday harakatlarni oddiy foydalanuvchi bilan bir xil interfeyslar orqali bajaradigan maxsus dasturlarga o'tkazilishi mumkin. Moliya bozorida texnologiya allaqachon rivojlangan, bu erda to'g'ridan-to'g'ri suhbatda bir-biringizga pul o'tkazishingiz mumkin, balki do'stlaringiz bilan ham muloqot qilasiz. Banklarning ko’proq qismi qo'ng'iroq markazlari orqali emas, balki norasmiy suhbatlarni qabul qilishadi, bu erda onlayn muhit madaniyati mos keladi: kulgichlar, qisqartmalar, "salomlar" va, "chem"lardir.

Big Data bankning marketologlari katta hajmdagi ma'lumotlar bilan ishlaydi, mijozlarni guruhlarga ajratadi, keyinchalik ular uchun mahsulot ishlab chiqishadi. Big Data — bu katta hajmdagi ma'lumotlarni tezda qayta ishlashga imkon beradigan texnologiyalardir. Katta ma'lumotlar nafaqat tasavvur qilinadigan hajmda, balki bazalardagi hisob millionlab gigabaytlarga to'g'ri keladi. Masalan, HSBC banki kredit karta firibgarligiga qarshi yechimning bir qismi sifatida katta ma'lumotlar texnologiyalarini joriy etdi. Natijada, firibgarlik holatlarini aniqlash bo'yicha xizmatning samaradorligi uch baravar oshdi va uni aniqlashning aniqligi o'n baravar oshdi. Dastlabki ikki hafta ichida HSBC xavfsizlik xizmatining ettita mutaxassisi yangi jinoiy guruhlar va sxemalarni aniqladilar, ularning umumiy zarari 10 million dollardan oshdi.

Blokcheyn-bank manfaatdor shaxslar uchun erkin foydalanish uchun balkim mo'ljallangan ma'lumotlar omborga osongina kirish imkoniyati bo'lishi kerak. Bu har qanday ma'lumotni (masalan, moliyaviy yozuvlarni) ommaviy saqlash texnologiyasi bo'lib, uni tashkil etishning matematik printsipi ma'lumotni "orqaga qarab" yoki soxtalashtirishdan himoya qilishdir.

Misol uchun, agar siz faylni internetda serveringizga joylashtirgan bo'lsangiz, uning tarkibini to'satdan atrofingizdagilar uchun o'zgartirishingiz mumkin. Faylni

blokcheynda saqlash bilan-bu texnik jihatdan mumkin emas. Blokcheyn-bu barcha manfaatdor tomonlar ko'rishi va foydalanishi mumkin bo'lgan grossbuch, lekin ularning hech biri uni nazorat qila olmaydi yoki erta kiritilgan yozuvlarni o'zgartira olmaydi. Masalan, yangi yozuv — pul o'tkazish, aktsiyalarni sotib olish, boshqa bitim — birinchi bitimdan boshlab xronologik zanjirga joylashtirilgan mavjudlarga qo'shimcha ravishda kiritiladi. Butun zanjir, aslida blockchain, bir vaqtning o'zida yuzlab yoki minglab kompyuterlarda saqlanadi. Goldman Sachs, JP Morgan, Credit Suisse va Barclays kabi jahon miqyosidagi banklar allaqachon Blokcheyn ishini yaqindan o'rganish uchun R3 konsortsiumiga birlashgan. 2015 yil dekabr oyining oxiriga kelib konsorsium dunyodagi 20 ga yaqin yirik banklarni tashkil etdi. Internet texnologiyalarini rivojlantirish chakana banking endilikda raqamli bo'lib bormoqda.

Bu mobil internetning faol tarqalishi va mobil qurilmalarning mavjudligi bilan bog'liqdir. Tadqiqot natijalariga ko'ra, o'tgan yili bank chakana operatsiyalarining yarmidan ko'pi mobil va onlayn kanallar orqali amalga oshirilgan. Agar bunga bankomatlardan foydalanish qo'shilsa, "raqamli" bank operatsiyalarining ulushi 85% dan, yaqin kelajakda esa 95% dan oshadi. Internetdan foydalangan holda muvaffaqiyatli operatsiyalar (masalan, hisob-kitoblarni masofadan to'lash tizimi yoki hatto mobil ilovaning asosiy xususiyatlari) ko'pincha mijozlar uchun ijobiy his-tuyg'ularni keltirib chiqaradi.

Bu o’z navbatida, raqamli xizmatlarni taklif qilmaydigan banklarnung o'z mijozlarini sodiqligini yo'qotish xavfi ostida qoldirishidir. Endi butun dunyo bo'ylab banklar internet mahsulotlari va xizmatlarini joriy etishga majbur bo'lmoqdalar, aks holda ular bozor ulushini yo'qotish xavfi ostida qoladi.

Bankirlar o'zgarish vaqti kelganini tan olish kerak, ammo eski tartib qaytib kelmasligini to'liq anglamaydilar. Katta avlod mijozlari bankni o'zgartirishni juda istamasligi, xayollarni saqlagan xolda qolishini hohlaydi. Shu bilan birga, 20 yoshli bolalar bankni tanlashda faqat mobil va onlayn xizmatlarning mavjudligiga e'tibor berishadi.

Xullas mamlakatimiz taraqqiyotining ushbu bosqichida metropoliyalarda yashovchi fuqarolar va chekka hududlar, qishloq chekkalari aholisi o'rtasida turmush tarzidagi tafovut qanchalik kuchli ekanligini tushunish kerak. U erda odamlar ish haqini naqd pul bilan olishadi va ular bilan to'laydilar. Albatta, internet vaqt o'tishi bilan u erga keladi, ammo inson mentalitetini o'zgartirish qiyin. Aholining ushbu segmenti uzoq vaqt davomida bitimni amalga oshirish uchun insoniy muloqotga muhtoj bo'ladi. Raqamli muhitga intilayotgan mamlakatimiz uchun yangi mijozlarni sotib olish va eskilarini yo'qotmaslik uchun innovatsion texnologiyalar va an'anaviylarni birlashtirish kerak bo'ladi.

Adabiyotlar:

1. Banklar va bank ishi / Ed. D. e. n., professor I. T. Balabanov. - Sankt-Peterburg: Piter, 2001 Yil. Bank boshqaruvi. Darslik / Ed. D. e. n., professor O. I. Lavrushina. 3-nashr., qayta ko'rib chiqilgan va qo'shilgan M.: Knorus, 2009.

2. Blahman L. S. menejmentga kirish. Spb.: Sankt-Peterburg iqtisodiyot va moliya universiteti nashriyoti, 2005.
3. Vikulov V. S. tijorat bankining innovatsion tarmoqlarini rivojlantirishga kontseptual yondashuv / / moliyaviy menejment. — 2004. — № 5. 106-121-sahifa.
4. Vikulov V. S. bank innovatsiyalari tipologiyasi / / moliyaviy menejment-Menth. — 2004. — № 6. — C. 12–19. Dementyeva K. Sberbank mafkuraviy fikrlashni qo'llagan.
5. Vikulov V. S. bank innovatsiyalari tipologiyasi / / moliyaviy menejment-Menth. — 2004. — № 6. — C. 12–19. Dementyeva K. Sberbank mafkuraviy fikrlashni qo'llagan.
6. Zolotova E. A. Stavropol o'lkasidagi iste'mol kreditlari bozoridagi hozirgi vaziyat / / Moliya va kredit. — 2007. 32-son (272) 23-30-sahifalar.
7. Kruglov A., Otkritie bankining katta vitse-prezidenti va Otkritie Digital bo'limi rahbari, bankir portali.Ru, 01.06.2016 yil.

MOLIYAVIY NAZORAT VA UNI TASHKIL ETISHNING IQTISODIY MAZMUNI VA MOHIYATI

Tuychiyev Abdurahmon G‘ofurovich
i.f.f.d., dotsent,
Muhiddinov Nazirjon Davronboy o’g’li
TDIU, Andijon fakulteti “Bank ishi va auditi” ta’lim yo‘nalishi, 2-kurs talabasi

Annotatsiya: *Ushbu maqolada umumdavlat moliyaviy nazoratini tashkil etishning iqtisodiy mazmuni va mohiyati, moliyaviy nazoratning ijtimoiy va iqtisodiy takror ishlab chiqarish jarayonini uzluksiz rivojlanishi, ilmiy-texnik taraqqiyotni tezlashuvi, iqtisodiyotning barcha sohalarida sifat ko’rsatkichlarini yaxshilashni ta’minlashga yo’naltirilganligi bayon qulingan.*

Kalit so‘zlar: *Nazorat, moliyaviy nazorat, byudjet, byudjet jarayoni, byudjetdan moliyalashtirish, byudjet tashkiloti, davlat moliyaviy nazorati, moliyaviy nazoratning subyektlari, moliyaviy nazorat obyektlari, moliyaviy nazorat ta’moyillari, byudjetdan moliyalashtirish, byudjet tashkiloti, davlat moliyaviy nazorat.*

Iqtisodiyotni modernizatsiyalash va tarkiblashtirish sharoitida mamlakat iqtisodiyoti va moliya tizimining samarali amal qilishining zaruriy sharti bo’lib moliyaviy nazorat xizmat qiladi. Moliyaviy nazorat ijtimoiy va xususiy takror ishlab chiqarish jarayonini uzluksiz rivojlanishi, ilmiy-texnik taraqqiyotni tezlashuvi,

iqtisodiyotning barcha sohalarida sifat ko’rsatkichlarini yaxshilashni ta’minlashga yo’naltirilgandir.

Moliyaviy nazoratning asosiy maqsadi tekshirilayotgan obyektda mavjud bo’lgan haqiqiy holatni obyektiv o’rganish va boshqaruv qarorlarini qabul qilish va ijro etishga salbiy ta’sir ko’rsatuvchi omillarni aniqlash yoki oldini olishdan iborat. Moliyaviy nazorat jamiyat iqtisodiyotidagi iqtisodiy samaradorlikni rag’batlantirish, moddiy, mehnat va moliyaviy resurslardan oqilona foydalanish, noishlab chiqarish xarajatlarini imkoniyat darajasida iqtisod qilinishi bilan dolzarb ahamiyatga ega.

Moliyaviy nazorat mazmunan ikki katta guruhga bo’lib o’rganiladi:

- birinchisi davlat moliyaviy nazorati organlari bo’lib unga O’zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Hisob palatasi, Moliya vazirligi tarkibidagi Nazorat – taftish bosh boshqarmasi, Soliq qo’mitasi, Davlat Bojxona qo’mitasi va boshqalar kiradi;

- ikkinchi guruh nodavlat moliyaviy nazorat tashkilotlari bo’lib, bular xilma-xil mulk shaklida bo’lgan audit muassasalari hisoblanadi.

Moliyaviy nazoratni o’rganish jarayonida mana shu ikki nazorat guruhining funktsiyalari va vazifalarining uyg’unligi hamda tafovutlari qamrab olinadi.

Moliyaviy nazorat – bu moliyaviy tekshirish va u bilan bog’liq bo’lgan masalalar harakatini va muomalasini majmui bo’lib, xo’jalik subyektlari faoliyatini va boshqarishni o’ziga xos usullari va shakllari yordamida tashkil etiladi.

Moliyaviy nazorat jamiyatning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishini boshqarish ustidan davlat nazoratining tarkibiy elementi bo’lib hisoblanadi. Davlat moliyaviy nazoratning boshqaruv tizimining asosiy elementi bo’lgan umumiy nazorat tizimidagi muhim o’rni va ahamiyati shundaki, birinchidan, moliya o’zi iqtisodiy kategoriya sifatida obyektiv tarzda nazorat funktsiyasini bajaradi; ikkinchidan, bozor iqtisodiyotida moliyaviy munosabatlarning roli oshib boradi. Barcha uzluksiz takror ishlab chiqarish jarayonlarini, xo’jalik yuritishning barcha pog’onalari, davlat boshqaruvining barcha darajalarini qamrab olar ekan moliyaviy nazoratning universal quroli sifatida amal qiladi.

Bozor iqtisodiyoti uchun davlat moliyaviy nazorati faoliyatning alohida bir sohasiga aylanib boradi. Davlat moliyaviy nazoratining obyekti bo’lib boshqarishning barcha darajalarida moliyaviy resurslarning shakllanishi va ishlatilishidan taqsimlanish jarayonlari maydonga chiqadi. Bu boradagi Davlat moliyaviy nazorati avvalo davlat moliyaviy resurslaridan maqsadga muvofiq va samarali foydalanishi, davlat mulkidan oqilona foydalanishini ta’minlashga xizmat qilmog’i lozim.

Moliyaviy nazorat – davlat tomonidan tashkil etilgan, nazorat o’tilish vazifalari yuklatilgan davlat yoki mustaqil jamoat organlari tomonidan hukumat, korxonalar, tashkilotlar va muassasalar faoliyatining samaradorligini aniqlashga qaratilgan nazorat tizimidir. Davlat byudjetini shakllantirish va sarflashdagi rezervlarni, moliyaviy va moddiy resurslarni boshqarishning barcha darajalarida operatsiyalarning maqsadga muvofiqligi va samaradorligini, qonuniylik

printsiplaridan chetga og’ish va ularni buzishlarni aniqlash nazorat tizimi vazifasiga kiradi.

Davkat moliyaviy nazoratining maqsadi - tuzatish choralarini ko’rish, aybdorlarni javobgarlikka tortish va buzishlarning oldini olishdan iborat. Moliyaviy nazoratning yuzaga kelishi va rivojlanishi davlat moliyaviy tizimining tashkil etilishi va rivojlanishi bilan shart qilib qo’yildi.

Moliya kabi moliyaviy nazorat ham kapitalistik jamiyatdan avvalgi bosqichlardayoq, shakllanish va rivojlanishning uzok davrini bosib o’tgan. Uning ba’zi elementlari quldorlik va feodal jamiyatlaridagi ijtimoiy munosabatlarda ham namoyon bo’lgan. «Natura xo’jaligining umumiy iqtisodiy quldorlik va feodal jamiyatlari barcha ijtimoiy qatlamlariga singgan hokimlik va tobelik munosabatlari, «musht» huquqi davlat soliq to’plovchilari faoliyatining nihoyatda xilma xil «nazorat» shakllarining gurkirab gullab-yashnashi uchun obyektiv asos yaratadi. Moliyaviy nazorat nazariyasi, uning mazmuni, o’rni va tashkil etilishini ishlab chiqish bilan ko’plab olimlar shug’ullangan bo’lib, shuning uchun bozor munosabatlarining yangi tizimiga o’tish va yangi moliyaviy tizimni shakllantirish chog’ida barcha turli-tuman fikrlarni, jumladan MDH davlatlari va bozor iqtisodiyoti rivojlangan mamlakatlar olimlarining fikrlarini o’rganib chiqmoq foydalidir.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O’zbekiston Respublikasi Konstitusiyasi. – Toshkent, “O’zbekiston”, 2023 yil
*2. O’zbekiston Respublikasi Fuqarolik Kodeksi**,** O’zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Axborotnomasi, 1996 y, 2- son.*
3. Respublikasi Ma’muriy javobgarlik to’g’risidagi Kodeks. O’zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Axborotnomasi, 1995 y,3-son.
4. O’zbekiston Respublikasi Soliq Kodeksi. O’zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to’plami, 2007 y., 52 (I)-son
5. O‘zbekiston Respublikasining Budjet kodeksi. O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2013 y., 52-I-son
6. O’zbekiston Respublikasi Bojxona Kodeksi . O’zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to’plami, 2016 y., 3(I)-son
7. O’zbekiston Respublikasining “Auditorlik faoliyati to’g’risida”gi Qonuni, 26.05.2000 y. (2017 yil 18 apreldagi O’RQ-429-sonli Qonuni bilan o’zgartirish kiritilgan)
*8. O’zbekiston Respublikasining «Sug’urta faoliyati to’g’risida» Qonuni, 5.04.2002 y. **(**2017 yil 16 oktyabrdagi O’RQ-448-sonli Qonuni bilan kiritilgan)*
9. O’zbekiston Respublikasining “O’zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi to’g’risida"gi 525-II- sonli Qonuni, 29.08. 2003 y.
10. O’zbekiston Respublikasining “O’zbekiston Respublikasining Markaziy bank to’g’risida”gi Qonuni. 21.12.1995 y. (2018 yil 3 yanvardagi O’RQ-456- sonli Qonuni bilan kiritilgan)

11. O’zbekiston Respublikasining “Banklar va bank faoliyati to’g’risida”gi Qonuni.25.05.1996 y.

AMIR TEMURNING MOLIYA SOHASIDAGI FAOLIYATI HAQIDA.

Raximov Rustamjon Karimovich,
Andijon mashinasozlik instituti
“Gumanitar” kafedrasi doktoranti, i.f.n., dotsent

Sharq iqtisodiy tafakkurining rivojlanishida ulug‘ bobokalonimiz, sohibqiron, buyuk sarkarda Amir Temur iqtisodiy g‘oyalari, u ishlab chiqqan va amalda yuritgan iqtisodiy siyosat mislsiz ahamiyatga ega. Amir Temur iqtisodiy g‘oyalarining o‘ziga xos ulug‘vorligi shundaki, ular hayoliy emas, balki real hayotdan kelib chiqqan va unda o‘z ifodasini topgan. Shuning uchun ham bu g‘oyalar o‘zining amaliy hayotiy ahamiyatini yo‘qotmay kelayotir.

Amir Temurning iqtisodiy g‘oyalari «Temur tuzuklari» asarida bayon etilgan. Unda Sohibqironning mamlakatni boshqarish, uni rivojlantirib borish qoidalari, tamoyillari, yo‘l-yo‘riqlari o‘z ifodasini topgan. Bu asarda iqtisodiyotni tashkil etish, barqarorlashtirish, tartibga solib borish, uni barqaror sur’atlar bilan yuksaltirib borishga oid qimmatli iqtisodiy tavsiyalar jamlangan.

Ulug‘ bobomiz Sohibqiron Amir Temurning iqtisodiy me’rosini o‘rganar ekanmiz, uning mamlakatni idora etishda olib borgan moliya sohasidagi, maosh va ulufa sohasidagi, aholini ijtimoiy himoya qilish borasida va soliq ishlari e’tiborimizni o‘ziga jalb etadi.

Markaziy Osiyoda ijod qilgan mutafakkirlarning iqtisodiy mavzudagi asarlari bilan tanishar ekanmiz, ularda mamlakatning iqtisodiy qudrati haqida so‘z yuritilganda asosan hududning kattaligi, aholisi, tabiiy imkoniyatlari, lashkarlari bilan bir qatorda davlat ixtiyorida bo‘lgan xazinaning g‘amlamalari haqida ham so‘z boradi. Xazinaning ahvoli doimo hukmdorlarning diqqat markazida bo‘lgan. Shunga qarab ko‘p hollarda moliya siyosatining yo‘nalishlari belgilangan.

Amir Temur jahondagi 27 mamlakatni bosqichma-bosqich o‘z davlati tarkibiga kiritib, ularni yagona davlat safida birlashtirdi, ularning iqtisodiy va moliya tizimini takomillashtirdi. Bu mamlakatlarning tabiiy sharoiti bir xil bo‘lmaganidek, ularning iqtisodiy rivojlanish darajasi ham, shuningdek aholining turmush darajasi, mashg‘uloti, boshqa mamlakatlar bilan savdo aloqalari ham bir xil emas edi.

Amir Temur bu o‘lkalarni idora qilish usullarini o‘ylar ekan, ularning har birida yiliga qancha yalpi daromad vujudga kelishi, u qanday usullar bilan taqsimlanishi, davlat ixtiyoriga to‘lanadigan to‘lovlar va boshqa masalalarni ko‘z oldiga keltirar,

ularni shariat qonunlarida ko‘rsatilgan tavsiyalar, avval o‘tgan podsholar tajribasi bilan solishtirar va ma’lum xulosalarga kelar edi.

Shu munosabat bilan Amir Temurning yagona mustahkam saltanatni shakllantirish strategiyasida moliya muammolari o‘zining muhimligi bilan boshqa muammolardan ajralib turar edi. Moliya davlat pul resurslarining markazlashtirilgan va markazlashtirilmagan fondlarini vujudga keltirish, taqsimlash va qayta taqsimlash, ulardan foydalanishdagi iqtisodiy munosabatlarni ifoda etadi. Bu davrlarda pul munosabatlari yetarli rivojlanmaganligi sababli natura holidagi davlat resurslarining harakati ham Temurning diqqat markazida bo‘lgan.

Amir Temur, avvalo, davlat moliyasining mo‘g‘ul va boshqa bosqinchilarga qaramligini uzil-kesil tugatdi: ulkan davlatning mustaqil moliyasini yaratdi va uni muttasil takomillashtirib bordi. Markazlashtirilgan davlat tarkibiga kirgan barcha mamlakatlar moliyasini bir tizimga birlashtirdi va ularni ma’muriy boshqarish talablari asosida idora qilish usullarini joriy etdi.

Bizga ma’lumki, (azal-azaldan beri) davlat ixtiyoridagi xazina ikki bo‘limdan iborat bo‘lgan: Birinchisi - asosiy xazina; ikkinchisi xarajat uchun xazina. Joriy mablag‘lar taqchilligi sezilganda asosiy xazinadan qarz olingan. Lekin bu xazinani doimo to‘ldirib borishga harakat qilingan. Yillik joriy xarajatlardan ortgan mablag‘lar asosiy xazina g‘amlamalaridan joy olgan. Xazinabon kirim-chiqimlarni mo‘tadil hisobga olib borgan va hukmdorga zarur ma’lumotlarni taqdim etgan. Temur hukmronligida esa xazinaning taqchilligi kam sezilgan.

Temur zamonida jahonda hali birinchi byudjet (xazina) shakllanmagan bo‘lsa ham, lekin uning ilk kurtaklari ko‘rina boshlagan edi. Faqat markaziy xazinaga kelib tushgan va uning hisobidan qilingan xarajatlargina emas, balki viloyatlardagi kirim-chiqimlar ham muntazam yozib borilgan. Viloyatning birinchi vaziri tiyul qilib berilgan (soliq va yig‘im to‘plash huquqi bilan in’om etilgan mulk) hududidan kelgan daromadlarni, mol-ashyolarni kirim daftariga yozib borgan. Lekin bu davrlarda yil boshlanmasdan xazinaning kirim-chiqimlari, kelgusi yilda tushadigan soliqlar va xarajatlar rejalashtirilmagan bo‘lsada, ma’lumotlar shundan dalolat beradiki, Temur davrida mamlakat xazinasi asosan shakllanib, tuzilib undan mamlakatning moliya tizimini barqarorlashtirishda keng foydalanilgan. Vaholanki, bu narsa Ovrupada, ya’ni Angliyada birinchi bo‘lib XVII asrning 70 yillarida, Fransiyada esa XVII asrning oxirlarida tuzilgan edi.

Amir Temur markazlashgan davlat vujudga keltirish jarayonida raiyatning mol-mulkini talon-taroj qilishdan himoya qildi. Ichki va tashqi bosqinchi, talonchi va qaroqchilarning yo‘li to‘sildi.

Hamma zamonlarda ham, shu jumladan, Amir Temur zamonida ham aholini adolatu-insofdan chekingan, iymonu insofni nafs balosiga almashtirgan amaldoru-

hokimlar, beklar, qozilar, amlakdorlar, yasovullar, zakotchilar va shunga o‘xshashlardan himoya qilish talab qilingan. Sipohiylar tomonidan ham qonun qoidani buzish va kezi kelganda aholi mulkini talon-tarojlik, zo‘ravonlik bilan tortib olish holatlari sodir bo‘lgan.

Amir Temur o‘g‘ri, qaroqchi, zo‘ravonlarni “yaso” asosida jazolagan, fasodchi, buzuqi, nafsi yomon kishilarni mamlakatdan haydab chiqargan. “Hokimlar, sipoh va raiyatdan qaysi birining xalqqa jabr-zulm yetkazganini eshitsam, ularga nisbatan darhol adolatu-insof yuzasidan chora ko‘rdim”. Raiyatga zolimlar tomonidan yetkazilgan ashyoviy va jismoniy zararlar, shariyatga muvofiq odamlar o‘rtasida muhokama qilinar, isbotlangandan keyin zararlar to‘lanar va shariat qoidalariga muvofiq jazolanar edi.

Yo‘llarni qo‘riqlash, o‘tkinchi savdogarlar, musofirlarning mol-mulki va boshqa narsalarini manzildan manzilga yetkazib qo‘yish uchun yo‘lni kuzatuvchilar, zobitlar tayinlangan edi. Agar yo‘l ustida birontasining narsasi yo‘qolsa, o‘zi o‘ldirilsa yoki boshqa kor-hol yuz bersa, bular uchun javob berish ularning zimmasiga yuklanardi.

Aholining kam ta’minlangan tabaqalarini ijtimoiy himoyalash va qo‘llab-quvvatlash borasida ham izchil iqtisodiy siyosat olib borilgan va mamlakat xazinasidan ma’lum miqdorda mablag‘ ajratilgan. Ishsizlik o‘sha zamonlarning ham katta ijtimoiy illati hisoblangan. Natural xo‘jalik hukmronlik qilgan zamonda mehant bozori juda sust rivojlangan edi, shuning uchun ishsizlik gadolar sonining ko‘payishida namoyon bo‘lar edi. Amir Temur gadolikka mamlakatni xunuk ko‘rsatuvchi omil deb qaradi va bu ijtimoiy illatning iqtisodiy zaminini yo‘qotmasdan, uning oldini olish mumkin emasligini aniq tahlil qilgan holda ijtimoiy himoya qilishda turli usullaridan foydalandi.

Birinchi navbatda aholining ijtimoiy jihatdan nochor tabaqalari – ojizlar, shol, ko‘r, cho‘loq, qarilik sababi bilan ishlay olmaydiganlari nafaqa bilan ta’minlandi. Ba’zi ma’lumotlarga qaraganda, xazinaning o‘n foizi shu maqsadga sarflangan.

Ikkinchi navbatda qilingan ish shu bo‘ldiki, mehnatga qobiliyatli, bilagida kuchi bor faqiru-miskinlar, gadolarni ish va hunar bilan ta’minlash chora-tadbirlari amalga oshirildi. “Yana buyurdimki, har mamlakatning gadolariga vazifa yuklab ish bersinlar, toki shu yo‘l bilan gadolik rasmi yo‘qolsin”.

Gadolikni kasb qilib olganlarni, nafaqa olib ham gadolik qiluvchilarni mamlakat hududidan haydab chiqarish choralari ko‘rilgan. Amir Temur davlati ijtimoiy himoya tizimining eng muhim xususiyati shundan iboratki, unda aholining turli qatlamlari qat’iy tabaqalashtirilgan holda yondoshilgan. Ijtimoiy himoya davlatning moddiy yordamiga muhtoj bo‘lgan jamiyat a’zolariga yo‘naltirilgan. Amir Temur hukmronligida jamiyatimizda kam uchraydigan ijtimoiy himoyaning kamyob

usulidan foydalanilgan. Agar fuqarodan birining uy-joyi buzilib, tuzatishga qurbi yetmasa, kerakli uskunalar yetkazib berilib, uy egasiga yordam ko‘rsatilgan.

Ijtimoiy himoya tabaqalashtirilgan holda yondoshilgan deganimizning ikkinchi bir isboti shuki, qaysi bir sipohiy xizmatda yurib qarilik yoshiga yetsa, u ulufadan (maoshning turi) mahrum etilmagan va martabasidan tushirilmagan. Aholining ijtimoiy himoyalash masalalari, albatta har bir mamlakat va elatlarning milliy an’analari va urf odatlariga tayangan holda amalga oshirilgan.

Barcha zamonlarda, shu jumladan Temur zamonida ham maorif, sog‘liqni saqlash, musofirlarga xizmat ko‘rsatish, suv chiqarish, ko‘priklar qurish davlatning yordamiga muhtoj bo‘lganlar davlat xazinasidan ta’minlangan.

Sohibqiron tomonidan amalga oshirilgan aholini ijtimoiy himoyalash, ayniqsa eng himoyasiz va muhtoj tabaqalarini qo‘llab-quvvatlash siyosati quyidagi maqsadlarni amalga oshirishga xizmat qilgan:

birinchidan, jamiyatda barqarorlik va inoqlik kayfiyatini vujudga keltirgan;

ikkinchidan, fan, madaniyat, mamlakat ishlab chiqaruvchi kuchlarini rivojlanishiga rag‘batlantiruvchi omil bo‘lib xizmat qilgan;

uchinchidan, aholini ijtimoiy himoyalash Amir Temurning “Mamlakatni obod, raiyatni rozi” qilishdan iborat iqtisodiy siyosatining uzviy qismini amalga oshirishga erishilgan;

to‘rtinchidan, Temur davlati dovrug‘i butun jahonga tarqalishiga sabab bo‘lgan, u xalqaro ahamiyat kasb etgan.

Amir Temurgacha hukmronlik qilgan sharqdagi hukmdorlar o‘zlaridan keyingi valiahdga otasiga nisbatan ko‘proq meros qoldirish va to‘plangan mablag‘larni ikki qismga bo‘lib, birinchi qismini joriy xarajatlarga sarflash, ikkinchi qismini esa jamg‘armaga o‘tkazishni moliya siyosatining markaziy maqsadi deb bilishar edi. Ammo Amir Temur bo‘lsa xazina mablag‘ini kuchaytirish va oqilona sarflash uchun o‘z moliya tizimining yangi qirralarini shakllantirdi.

Xullas, Amir Temur o‘zbek davlatchiligida moliya tizimi sohasida ilg‘or yo‘nalishlar va usullarni joriy qildi. Amir Temurning moliya strategiyasi iqtisodiy strategiyaning tarkibiy kismi sifatida markazlashgan yirik saltanatni barpo qilish va mustahkamlashda muhim ahamiyatga ega bo‘ldi. Amir Temur davriga qadar xazinani idora qilish faqat dargoh tamoyiliga asoslangan bo‘lsa, Amir Temur davriga kelib dargoh va vazirlik tamoyillari birgalikda qo‘shib olib boriladigan bo‘ldi, mahalliy va markaziy moliya mahkamalarining huquqlari va vazifalari qaytadan ko‘rib chiqildi, xazina daromadlari soliqli va soliqsiz daromadlarga ajratildi. Shu bilan birga moliya sohasida bir qancha sifat o‘zgarishlari sodir bo‘ldi.

Amir Temur aholining o‘zi yurgizayotgan iqtisodiy siyosatdan, xususan, moliyaviy munosabatlardan, pul muomalasi va soliq tizimidan xabardor bo‘lishini,

ya’ni, iqtisodiy savodxon bo‘lishini talab qilardi. U aholi iqtisodiy savodxon bo‘lsa, mamlakat iqtisodiy jihatdan ravnaq topadi, deb hisoblardi.

Amir Temurning moliya sohasidagi faoliyati aholining iqtisodiy, moliyaviy savodxonligini oshirishga xizmat qiladi degan umiddamiz.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Xalqaro Amir Temur jamg‘armasi.Temur tuzuklari.T.: O‘zbekiston. 2011,
2. A.A. Razzoqov. N.T. O’rmonov. O’rta Osiyo mutafakkirlarining iqtisodiy g’oyalari. Ma’ruza matnlari. T.: 2005, 43-bet.

O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT BYUDJETI DAROMADLARINING TAHLILI

Qurbonov Jasurbek Pozilovich,
i.f.f.d., dotsent,
Muhiddinov Nazirjon
TDIU Andijon fakulteti “Bank ishi va audit”
2-kurs talabasi.

Annotatsiya: *Ushbu maqolada davlat byudjeti nimadan iboratligi, u nimadan iboratligi, qanday taqdim etilishi va shunga a’xshash masalalarning yechimlari haqida sa’z boradi*.

Tayanch iboralar: *Byudjet, davlat byudjeti, xarajatlar, daromadlar, ijtimoiy, iqtisodiy kategoriya, loyiha, prognozlash, moddiy-moliyaviy, soliq, davlat qarzi tahlili.*

Byudjet - bu davlatning daromadlari va xarajatlari moddalar ba’yicha ba’lingan, ma’lum muddatga tuziladigan va qonun bilan tasdiqlangan hujjatdir. U milliy moliyaviy resurslar fondini shakllantirish va undan foydalanish bilan bog’liq ba’lib, bir tomondan davlat a’rtasidagi taqsimlash munosabatlarining bir qismini, ikkinchi tomondan korxonalar va aholi a’rtasidagi taqsimlash munosabatlarining bir qismini bildiradi. toifalari, chunki davlat byudjeti jamiyatda yaratilgan ijtimoiy mahsulot qiymatini taqsimlash jarayonida a’zining moddiy shakliga ega ba’ladi. Shuningdek, professor V.Rodionova ta’biri bilan aytganda “Byudjet munosabatlari jamiyat iqtisodiy tuzilmasining ajralmas qismi ba’lib, uni amalga oshirish ob’ektiv ravishda davlatning a’z funksiyalarini bajarishi uchun zarur moddiy-moliyaviy bazani shakllantirish bilan belgilanadi” Keyingi. Oliy Majlis Qonunchilik palatasining majlisida “A’zbekiston Respublikasining 2024-yilgi Davlat byudjeti ta’g‘risida”gi qonun loyihasi ham ka’rib chiqildi. dasturlari, byudjet tashkilotlarining byudjetdan tashqari jamg‘armalari daromadlari va xarajatlari tahlili, davlat qarzi tahlili, davlat byudjeti xarajatlarining yalpi ichki mahsulotdagi ulushi tahlili o‘z aksini topdi, – dedi

vazir Jamshid Qo‘chqorov. – 2024-yilda Davlat byudjeti daromadlari 270,1 trillion sa’mga, yalpi ichki mahsulotga nisbatan 20,7 foizga yoki 2023-yilning tasdiqlangan rejasiga nisbatan 37,5 trillion sa’mga ka’payishi kutilmoqda. Shuningdek, hukumat tomonidan taqdim etilgan loyihaga ka’ra, muayyan fuqarolarning byudjetni shakllantirishdagi ishtirokini yanada oshirish, byudjet mablag'larining sarflanishi ustidan jamoatchilik nazoratini kuchaytirishni ta’minlashga qaratilgan masalalar ka’zda tutilgan. Xususan, budjet mablag‘larini taqsimlash jarayonida aholining faol ishtirokini yanada kengaytirish maqsadida “Mahalla byudjeti” loyihasini ishga tushirish rejalashtirilgan. Aytilganidek, bu maqsadda 426 milliard sa’m mablag‘ ajratilib, mulk va yer solig‘idan undiriladigan mablag‘ning 10 foizi mahallalarga ya’naltiriladi. Ya’ni, kelasi yildan boshlab har bir mahallaning 100 million sa’mgacha a’z mablag‘lari ba’ladi. Bu mablag‘lar mahallada ish a’rinlari yaratish, aholi og‘irini yengillashtiruvchi loyihalarga sarflanadi. Yig‘ilishda suv muammosi kundan kunga dolzarb ba’lib borayotganiga ham e’tibor qaratildi. Shu munosabat bilan kelgusi yildan boshlab sug‘orish kanallarini betonlash va suvni tejovchi texnologiyalarni a’rnatish uchun 1 trillion 700 milliard sa’m mablag‘ ya’naltirilishi ta’kidlandi. Davlat byudjetining daromadlari 200 trillion sa’m yoki yalpi ichki mahsulotga nisbatan 23,8 foiz miqdorida belgilandi. Ulardan soliq tushumlari 68,5 trillion sa’mni, shu jumladan foyda solig‘i – 43,7 trillion sa’m, aylanma solig‘i – 2,7 trillion sa’m, davlat boji – 22 trillion sa’mni tashkil etadi. Bilvosita soliqlar daromadlari miqdori 73,2 trillion sa’mni, shu jumladan QQS – 53,3 trillion sa’m, aksiz solig‘i – 15 trillion sa’m, bojxona ta’lovlari – 4,8 trillion sa’mni tashkil etadi. sa’m, mol-mulk solig‘i esa 25,7 trln. Jamg‘arma byudjet xarajatlari 280,13 trln. Davlat byudjeti xarajatlari 188,91 trillion sa’m, davlat maxsus jamg‘armalari xarajatlari 58,18 trillion sa’m, Tiklanish va taraqqiyot jamg‘armasi mablag‘lari xarajatlari 7,73 trillion sa’m miqdorida prognoz qilinmoqda. 14,61 trillion sa’m tashqi mablag‘lar, 10,7 trillion sa’m esa tashqi qarz hisobidan davlat dasturlari ba’yicha amalga oshirildi. Byudjetni shakllantirishda barcha tuman va shaharlar byudjetlarining tasdiqlangan xarajatlarining 5 foizi jamoatchilik fikridan kelib chiqib shakllantirildi. Shuningdek, mahalliy byudjetlarning qa’shimcha manbalarining kamida 30 foizi jamoatchilik fikri asosida shakllantiriladigan tadbirlarni moliyalashtirishga ya’naltiriladi. a’zini a’zi boshqarish organlarining vakolatlarini kengaytirish, byudjet barqarorligini ta’minlash, byudjetni qoplashni oshirish. Budjetdan moliyalashtirishning oqilona tizimini tashkil etishda, birinchi navbatda, moliyalashtirish tamoyillari muhim a’rin tutadi. Joriy amaliyotda qa’llaniladigan byudjetdan moliyalashtirish tamoyillarini umumiy va xususiy guruhlarga ba’lish mumkin. Umumiy tamoyillar byudjetdan mablag' oluvchi barcha sub'ektlar faoliyatiga taalluqlidir. Maxsus tamoyillar sub'ektlar faoliyatini tashkil etishdan kelib chiqqan holda byudjet mablag'lari bilan ta'minlash tartibini belgilaydi;

Byudjetdan moliyalashtirishning umumiy tamoyillari quyidagilarni a’z ichiga olishi mumkin:

- minimal xarajatlar bilan maksimal samarani olish;
- byudjet mablag'laridan maqsadli foydalanish xususiyati;
- rejalashtirilgan rejalarning bajarilishi va avval ajratilgan mablag'lardan foydalanishni hisobga olgan holda byudjet mablag'lari bilan ta'minlash.

Byudjetdan moliyalashtirish amaliyotida umumiy tamoyillar bilan bir qatorda xususiy tamoyillardan ham foydalaniladi. Ularga quyidagilar kiradi:

- byudjet mablag'larini faqat ishlab chiqarishni kengaytirish xarajatlariga taqsimlash;
- byudjet mablag'lari hajmini aniqlashda "qoldiq" yondashuvidan foydalanish:
- ssuda usuli orqali rejalashtirilgan xarajatlarni ta'minlash bilan byudjetdan moliyalashtirishdan birgalikda foydalanish:
- korxonalarning moliyaviy holatini byudjet tomonidan tartibga solish tamoyili va boshqalar.

Xarajatlarni respublika budjeti mablag‘lari hisobidan moliyalashtirish qonun hujjatlarida belgilangan tartibda quyidagi ya’nalishlarda amalga oshiriladi:

1) fan, ta’lim, madaniyat, sog‘liqni saqlash, jismoniy tarbiya va sport (respublikaga bo‘ysunuvchi byudjet tashkilotlari bo‘yicha);
2) ijtimoiy ta'minot;
3) mudofaa, davlat xavfsizligi va jamoat tartibini ta'minlash;
4) sudlar va prokuratura organlari faoliyatini ta'minlash;
5) davlat zaxirasi va safarbarlik rezervini tashkil etish va saqlash;
6) markazlashgan davlat investitsiyalarini amalga oshirish;
7) davlat hokimiyati va boshqaruvi organlari, A’zbekiston Respublikasining xorijdagi diplomatik vakolatxonalari va vakolatxonalari faoliyatini ta’minlash;
8) respublikaga ba’ysunuvchi byudjet tashkilotlarini iqtisodiyotning turli tarmoqlarini ta'minlash;
9) A’zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qarorlariga muvofiq iqtisodiyot tarmoqlarini rivojlantirish ba’yicha maqsadli davlat dasturlari va chora-tadbirlarini amalga oshirish;
10) yerlarni a’zlashtirish, meliorativ holatini yaxshilash, tabiatni muhofaza qilish va epizootiyaga qarshi kurashish ba’yicha chora-tadbirlarni amalga oshirish;
11) qishloq xa’jaligi zararkunandalariga qarshi kurash;
12) gidrometeorologiya, da’lga qarshi kurash choralari;
13) qonun hujjatlarida nazarda tutilgan boshqa maqsadlar.

Quyidagi xarajatlar qonun hujjatlarida belgilangan tartibda Qoraqalpog‘iston Respublikasi byudjeti va mahalliy byudjetlar hisobidan moliyalashtiriladi:

1) fan, ta’lim, madaniyat, sog‘liqni saqlash, jismoniy tarbiya va sport (Qoraqalpog‘iston Respublikasi, viloyatlar va Toshkent shahar byudjetlaridan moliyalashtiriladigan byudjet tashkilotlari bo‘yicha);
2) ijtimoiy ta'minot;
3) aholini ijtimoiy himoya qilish;

4) Qoraqalpog‘iston Respublikasi davlat hokimiyati va boshqaruvi organlari hamda mahalliy davlat hokimiyati organlari faoliyatini ta’minlash;

5) Qoraqalpog‘iston Respublikasi, viloyatlar va Toshkent shahrining iqtisodiyotning turli tarmoqlari byudjet tashkilotlarini ta’minlash;

6) huquqiy hujjatlarga muvofiq iqtisodiyot tarmoqlarini rivojlantirishning maqsadli dasturlari va chora-tadbirlarini amalga oshirish;

7) qonun hujjatlarida nazarda tutilgan boshqa maqsadlar.

Adabiyotlar:

1.Vahobov A. va boshqalar. Budjet - soliq siyosati yaxlitligi. O’quv qa’llanma. - T.: Iqtisod va moliya. 2005.285 b. Malikov T., Xaydarov N. Davlat budjeti. O’quv qa’llanma, T.: "IQTISOD-MOLIYA", 2007, 84 b.

2.Malikov T., Xaydarov N. Budjet daromadlari va xarajatlari. O’quv qa’llanma, T.: "IQTISOD-MOLIYA", 2007, 245 b.

TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISHDA MIKROKREDITLASHNING O‘RNI VA AXAMIYATI

Abduraxmonov Valijon G‘ofurovich
TDIUAF “Ijtimoiy-gumanitar fanlar” kafedrasi dotsenti, i.f.n.
Melixo‘jayev Yuusufxon Saydali o‘g‘li
TDIUAF “Bank ishi audit” yo‘nalishi, 2-bosqich talabasi

Tadbirkorlikni rivojlantirishda mikrokreditlashning ahamiyati juda yuqori xisoblanadi. Bu, kichik va o‘rtacha bizneslarning moliyaviy muammo va qiyinchiliklari uchun yordamchi moliyaviy vosita sifatida xizmat qiladi. Tadbirkorlar mikrokreditlar orqali yangi bizneslar ochish, mavjud bizneslarni rivojlantirish, yoki talabalarini katta qilish uchun kerakli mablag‘larni olishadi. Bu esa biznesni kengaytirish, ish o‘rinini ko‘paytirish, ish joyida yangi ishchilarni ishga kirishini va shuningdek, axoli va turmush muhitini yaxshilashga imkon beradi. Mikrokreditlar aksariyat kichik miqdorda va qisqa muddatli bo‘ladi.So‘ngi bir necha yillar mobaynida yurtimizda bank tizimi tomonidan hududlarda tadbirkorlik sub’ektlarini moliyaviy qo‘llab- quvvatlash, shu jumladan, aholi bandligini ta’minlash va oilaviy tadbirkorlikni rivojlantirish, xotin-qizlar va yoshlarning tadbirkorlik tashabbuslarini ro‘yobga chiqarishga ko‘maklashish bo‘yicha ko‘rilayotgan chora-tadbirlar ishlab chiqilmoqda. Joriy yilning birinchi choragida qariyb 93 mingta loyihaga jami 12,2 trln. so‘m miqdorida kredit mablag‘lari yo‘naltirildi. Shu bilan birga, xorijiy kredit liniyalari mablag‘lari hisobidan tijorat banklari tomonidan tadbirkorlik sub’ektlarining qariyb 3700 ta loyihasini moliyalashtirish uchun 500 mln. AQSh dollari ekvivalentida kredit mablag‘lari ajratilgan. Jumladan, to‘g‘ridan-to‘g‘ri, ya’ni

davlat kafolatisiz jalb qilingan mablag‘lar hisobidan 400 mln. AQSh dollari miqdorida kreditlar yo‘naltirilgan.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 21 apreldagi PQ-5087- sonli qaroriga muvofiq, yurtimizda biznes yuritish shart-sharoitlarini yanada yaxshilash maqsadida tadbirkorlik faoliyatini qo‘llab-quvvatlash davlat jamg‘armasi tomonidan ko‘rsatilayotgan xizmatlar ko‘lami kengaytirildi, jumladan:

- Tadbirkorlik sub’ektlarining milliy valyutadagi bank kreditlari bo‘yicha kompensatsiya beriladigan kreditlar foizi miqdori Markaziy bank asosiy stavkasining 1,5 baravaridan 1,75 baravarigacha oshirildi; ya’ni joriy yilning 1 mayidan tijorat banklari tomonidan berilayotgan milliy valyutadagi 25 foizgacha bo‘lgan kreditlari uchun kompensatsiya qo‘llanilishi mumkin.
- Tadbirkorlik sub’ektlariga bank kreditlari bo‘yicha kompensatsiya va kafilliklar kredit shartnomasining sonidan qat’i nazar berilishi qayd etildi.

Oilaviy tadbirkorlikni rivojlantirish dasturlari ijrosini ta’minlashda asosiy e’tibor, hududlarda yangi ish o‘rni yaratishga, xizmatlar ko‘rsatish va ishlab chiqarish hajmini oshiriga qaratilgan kichik loyihalar hamda aholini doimiy daromad manbalarini shakllantirish maqsadlarga qaratilmoqda. Xususan, 2021 yilda mazkur dasturlar doirasida 135 mingta loyihaga jami 3,2 trln. so‘m imtiyozli kredit mablag‘lari ajratilgan. Bu ko‘rsatkich o‘tgan yilning mos davriga nisbatan qariyb 4 barobarga ko‘p. 2023 yilning 31-yanvaridagi O‘zbekiston Raspublikasi Prezidentinig PQ-39-son qaroriga muvofiq shu yilda 13 trln. so‘m miqdorida kreditlar ajratish belgilangan. Bundan ko‘rinib turibdiki, bu ko‘rsatkich 2021 yilga nisbatan 4 barobar ko‘p.

Yoshlarni ish bilan ta’minlashda ularning iqtisodiy mustaqillikka erishishlari va hayotda o‘z o‘rinlarini topib ketishlarida kichik biznes va tadbirkorlik sohasining rivojlanishii eng asosiy omil va manba bo‘lib xizmat qiladi. O‘zbekiston Prezidenti Shavkat Mirziyoev 2020-yilgi 29 dekabr kuni parlamentga murojaatnomasida, yoshlarni qo‘llab-quvvatlash dolzarb ekanligi to‘g‘risida alohida to‘xtalib o‘tdi va 2021 yilni “Yoshlarni qo‘llab-quvvatlash va aholining sog‘lig‘ini mustahkamlash yili” deb e’lon qilishni taklif qildi. Ushbu taklif jamoatchilik tomonidan qo‘llab-quvvatlandi. Xuddi shuningdek, Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev O‘zbekiston yoshlari forumida so‘zlagan nutqida ham yoshlarimizni “O‘zbekistonning eng katta boyligi, bebaho xazinasi” deb ta’rifladi. Azaldan yurtimiz o‘zining bolajonligi, yoshlarning kamoloti barcha davrlarda ustuvor bo‘lib kelgani bilan ajralib turadi. Statistik ma’lumotlarga ko‘ra, bugun dunyo aholisining 16 foizini yoshlar tashkil qilmoqda. Yurtimizda esa bu ko‘rsatkich e’tirof etsa arzigulik – aholining 60 foizdan oshiq qatlami kelajagimiz davomchilari hissasiga to‘g‘ri keladi. Shu ma’noda ham, O‘zbekistonni yoshlar mamlakati, desak mubolag‘a bo‘lmaydi.

2023-yilda oilaviy tadbirkorlikni rivojlantirish dasturlari doirasidagi loyihalarni moliyalashtirishning hududlar kesimidagi maqsadli parametrlari (mlrd. so‘m)

T/r	Hududlar nomi	2023-yilda yo‘naltiriladigan mablag‘lar	Shundan:		
			Avval berilgan kreditlarning gso‘ndirilishi hisobidan	Tiklanish va taraqqiyot jamg‘armasi hisobidan	Vakolatli banklarning resurslari hisobidan
JAMI:		**13 000**	**6 900**	**3 381**	**2 719**
1.	Qoraqalpog‘iston Respublikasi	950	457	342	151
2.	Andijon viloyati	1100	596	275	229
3.	Buxoro viloyati	1150	570	324	256
4.	Jizzax viloyati	790	364	135	290
5.	Qashqadaryo viloyati	1100	533	327	240
6.	Navoiy viloyati	780	396	204	180
7.	Namangan viloyati	950	641	159	150
8.	Samarqand viloyati	1100	668	231	200
9.	Surxondaryo viloyati	1091	572	278	241
10.	Sirdaryo viloyati	600	319	181	100
11.	Toshkent viloyati	1060	494	356	209
12.	Farg‘ona viloyati	1100	636	214	249
13.	Xorazm viloyati	941	484	266	191
14.	Toshkent shahri	290	171	89	30

Yoshlarni ish bilan ta’minlashda ularning iqtisodiy mustaqillikka erishishlari va hayotda o‘z o‘rinlarini topib ketishlarida kichik biznes va tadbirkorlik sohasining rivojlanishi eng asosiy omil va manba bo‘lib xizmat qiladi. Shu bilan birga, iqtisodiyotni erkinlashtirish sharoitida tadbirkorlikni rivojlantirish, uning qonuniy-me’yoriy asoslarini mustahkamlashga qaratilgan iqtisodiy islohotlar dolzarb masalalardan biri hisoblanadi. Kam sarmoya talab qiladigan, tez modernizatsiya qilinadigan va bozor konyukturasining o‘zgaruvchan talablariga yaxshi moslasha oladigan biznes yuritish zamon talabiga aylandi desak mubolag‘a bo‘lmaydi. Kichik biznes bozorni zarur tovar va xizmatlar bilan to‘ldiradigan, iqtisodiyotni tarkibiy negizini belgilab beradigan eng muhim sektor hisoblanadi.

Bugungi kunda Respublikamizda ushbu soha boyicha yoshlarimizga nisbatan katta yengilliklar yaratilgan. Imtiyozli kreditlar berimoqda va qishloq joylarida esa “Har bir yoshga bir gektar” loyihasining amalga oshirilishi natijasida 65 mingga yaqin yosh dehqonlarga 54 ming gektardan ziyod yer ajratib berildi. Albatta, bu berilgan imkoniyatlardan samarali foydalanayotgan yoshlarimiz talaygina. Masalan, birgina Namangan viloyatida – “Chust Textile” (aka-uka Ismatullaevlar), “Art Soft Holding” (aka-uka Boboxonovlar), Toshkent shahrida – “Techno export” (Sherzod Qosimov), Toshkent viloyatida – “New Way Industries” (Sardor Abbosxonov), Samarqandda – “Oxalik Oltin Bog‘i Mevasi” (Olim Soliev) kabi korxonalar o‘z faoliyatini “nol”dan boshlab, hozirgi kunda 10-15 million dollarlik mahsulot eksport qilmoqda. Ayni paytda ularning har biri minglab ish o‘rinlarini yaratib, nufuzli yirik kompaniyalarga aylangani diqqatga sazovordir.

Shuningdek, mikrokreditlashning tadbirkorlikni rivojlantirishdagi o‘rni, tadbirkorlarga ta’lim va maslahatlar ko‘rsatishda ham muhimdir. Mikrokreditlashning o‘nlab asosiy tamoyillari bor, masalan, biznes rejalashtirish va boshqarish, moliyaviy nazorat va xisob-kitoblarni saqlash, marketing va reklama ishlari, kafolatli kreditlar va boshqa bir qancha yordamchi xizmatlar. Barcha bu sabablarga ko‘ra, mikrokreditlashning tadbirkorlikni rivojlantirishdagi o‘rni juda ahamiyatli hisoblanadi va biznesni rivojlantirish uchun muhim vositalardan biridir. Mikrokredit orqali tadbirkorlar yangi imkoniyatlarni topib chiqishi mumkin va biznesni yanada kengaytirishi uchun zarur bo‘lgan kerakli mablag‘larni olishadi. Shu bilan bir qatorda yangi O‘zbekistonning yangi Konstitutsiyasi 67-moddasida ,,Tadbirkorlar va investorlarning manfaatlarinihimoya qilish belgilab qo‘yildi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati.

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va sanoat vazirligi huzuridagi Kichik biznes va tadbirkorliknirivojlantirish agentligi faoliyatini tashkil etish to‘g‘risida” 2019-yil 13-avgustdagi PQ-4417-son qarori.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 17-avgustdagi “Tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirishni qo‘llab-quvvatlash davlat jamg‘armasini tashkil qilish to‘g‘risida” gi qarori.
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2016-yil 5-oktabrdagi “Tadbirkorlik faoliyatining jadal rivojlanishini ta’minlashga, xususiy mulknihar tomonlama himoya qilishga va ishbilarmonlik muhitini sifat jihatidan yaxshilashga doir qo‘shimcha choratadbirlar to‘g‘risida”gi farmoni.
4. Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi, 31.01.2023-y., 07/23/39/0060-son
5. https://review.uz/

DAVLAT MOLIYAVIY NAZORAT ORGANLARINING VAZIFALARI VA FUNKSIYALARI

Tuychiyev Abdurahmon G‘ofurovich
i.f.f.d., dotsent,
Yigitaliyeva Maftuna Aliasqar qizi
TDIU Andijon fakulteti “Axborot tizimlari va texnologiyalari” ta’lim yo‘nalishi, 2-kurs talabasi

Annotatsiya: *Ushbu tezisda Davlat moliyaviy nazorati organlarining vazifa va funksiyalari davlat mablag‘larining ochiqligi, hisobdorligi va samarali boshqarilishini ta’minlashda hal qiluvchi o‘rin tutadi. Davlat organlarining moliyaviy faoliyatini nazorat qilish va nazorat mexanizmlarini joriy etish orqali bu organlar davlat moliyasining yaxlitligiga hissa qo‘shishi va samarali boshqaruvni rag‘batlantirishi haqida so’z yuritilgan.*
Kalit so’zlar: *davlat moliyasi, moliyaviy nazorat, audit, moliyaviy siyosat, moliyaviy risklar, inspeksiya, xalqaro hamkorlik.*

Davlat moliyaviy nazorati organlarining asosiy vazifalaridan biri davlat organlarining moliyaviy faoliyatini har tomonlama tekshirish va ekspertizadan o‘tkazishdan iborat. Bu moliyaviy hisobotlarni, operatsiyalarni tekshirish va tegishli qonun va qoidalarga rioya qilishni o'z ichiga oladi. Bu orqali ushbu organlar har qanday qoidabuzarlik, noto‘g‘ri boshqaruv yoki potentsial moliyaviy risklarni aniqlab, shaffoflik va hisobdorlikni ta’minlaydi.

Davlat moliyaviy nazorati organlari davlat organlarida firibgarlik faoliyatini aniqlash va oldini olish uchun javobgardir. Bu tekshiruvlar o'tkazish, moliyaviy ma'lumotlarni tahlil qilish va mustahkam nazorat mexanizmlarini joriy etishni o'z ichiga oladi. Bu organlar firibgarlikni aniqlash va bartaraf etish orqali davlat resurslarini himoya qiladi va soliq to‘lovchi mablag‘laridan maqsadli foydalanishni ta’minlaydi. Moliyaviy siyosat, yo‘riqnoma va me’yoriy hujjatlarni ishlab chiqishda davlat moliyaviy nazorati organlari ham rol o‘ynaydi. Ular hukumatlarga moliyaviy boshqaruvning ilg‘or amaliyotlari, milliy va xalqaro standartlarga muvofiqligini ta’minlash bo‘yicha ekspertiza va maslahatlar beradi. Shining uchun davlat moliyaviy nazorat organlarining faoliyatini o’rganish dolzarb hisoblanadi.

Davlat moliyaviy nazorati organlari davlat mablag'larini boshqarishda shaffoflik va hisobdorlikni ta'minlashda hal qiluvchi rol o'ynaydi. Quyida ushbu organlarning asosiy vazifalari va funksiyalari keltirilgan:

- Audit va inspeksiya: Davlat moliyaviy nazorati organlari davlat muassasalari, tashkilotlari va davlat organlarining moliyaviy operatsiyalari, byudjetlari hamda amaldagi qonun va qoidalarga muvofiqligini tekshirish maqsadida taftish va tekshirishlar o‘tkazadi.

- Moliyaviy nazorat: Bu organlar hukumatning moliyaviy faoliyatini, shu jumladan daromadlarni yig'ish, xarajatlarni boshqarish va qarzlarni boshqarishni nazorat qiladi va baholaydi. Ular moliyaviy resurslardan samarali, samarali va belgilangan qoidalar va tartiblarga muvofiq foydalanishni ta'minlaydi.
- Firibgarlik va korruptsiyani aniqlash: Davlat moliyaviy nazorati organlari moliyaviy firibgarlik, korruptsiya va mablag'larni noto'g'ri boshqarish holatlarini tekshiradi va fosh qiladi. Ular ushbu noqonuniy xatti-harakatlarning oldini olish va oldini olishda muhim rol o‘ynaydi va shu orqali davlat resurslarini himoya qiladi.
- Xavfni baholash: Ushbu organlar moliyaviy operatsiyalar bilan bog'liq potentsial xavflarni baholaydi va aniqlaydi va ushbu xavflarni kamaytirish bo'yicha tavsiyalar beradi. Ular hukumatga moliyaviy boshqaruv tizimlari va ichki nazoratni yaxshilashda yordam beradi.
- Hisobot va hisobot berish: Davlat moliyaviy nazorati organlari o‘z tekshiruvlari va tekshirishlari asosida o‘z xulosalari, xulosalari va tavsiyalari bo‘yicha hisobotlar tayyorlaydi. Bu hisobotlar shaffoflik, hisobdorlik va qarorlar qabul qilinishini ta'minlash uchun parlament yoki hukumat kabi tegishli organlarga taqdim etiladi.
- Potentsiyani oshirish va yo‘l-yo‘riq ko‘rsatish: Bu organlar davlat mansabdor shaxslari va muassasalariga moliyaviy boshqaruv, nazorat va talablarga rioya qilish bilan bog‘liq masalalarda o‘qitish, yo‘l-yo‘riq va yordam ko‘rsatadi. Ular moliyaviy boshqaruvning umumiy asosi va amaliyotini yaxshilashga qaratilgan.
- Xalqaro hamkorlik: Davlat moliyaviy nazorati organlari ko‘pincha xalqaro hamkasblari bilan tajriba, ilg‘or tajriba va tajriba almashish uchun hamkorlik qiladi. Bu hamkorlik ularning faoliyatini xalqaro standartlarga moslashtirish va salohiyatini mustahkamlashga yordam beradi.

  Davlat moliyaviy nazorati organlari davlat mablag'larini boshqarishda shaffoflik, hisobdorlik va samarali boshqaruvni ta'minlashga qaratilgan keng ko'lamli vazifa va funksiyalarga ega.

  Moliyaviy risklarni baholash va boshqarish davlat moliyaviy nazorati organlarining yana bir muhim vazifasidir. Ushbu organlar byudjet taqchilligi, qarzlarni boshqarish yoki noto'g'ri moliyaviy hisobotlar kabi hukumatning moliyaviy faoliyati bilan bog'liq bo'lishi mumkin bo'lgan xavflarni tahlil qiladi. Xatarlarni aniqlash va tavakkalchilikni kamaytirish bo‘yicha tavsiyalar berish orqali ular davlat tashkilotlariga ongli qarorlar qabul qilishda va moliyaviy zaifliklarni kamaytirishda yordam beradi.

  Davlat moliyaviy nazorati organlari ko'pincha davlat mansabdor shaxslari va xodimlari uchun malaka oshirish va malaka oshirish dasturlarini taqdim etadi. Ushbu dasturlar moliyaviy boshqaruv ko'nikmalarini oshirish, moliyaviy tartib-qoidalarga rioya qilishni rag'batlantirish va ichki nazorat tizimini takomillashtirishga qaratilgan. Davlat tuzilmalarining moliyaviy imkoniyatlarini kuchaytirish orqali ushbu organlar moliyaviy nazorat va boshqaruvning umumiy sifatiga hissa qo‘shadi.

Davlat moliyaviy nazorati organlarining vazifa va funksiyalari davlat mablag'larining shaffofligi, hisobdorligi va samarali boshqaruvini ta'minlashda muhim ahamiyatga ega. Moliyaviy nazorat, firibgarlikni aniqlash va oldini olish, siyosatni ishlab chiqish, xavflarni baholash va salohiyatni oshirish orqali ushbu organlar samarali boshqaruvni ilgari surish va davlat moliyasining yaxlitligini ta’minlashda muhim rol o‘ynaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1.Malikov.T “Moliya”. O’quv qo’llanma-2018.
2. “O‘zbekiston Respublikasi moliyaviy qonunlari”, 1997y. 1-12 sonlari, 1998y. 1-12 sonlari va ilovalari va 1999y. 1-12 sonlari va ilovalari, 2000y. 1-12 sonlari va ilovalari.
3. O‘zbekiston Respublikasi Moliya Vazirligi, Moliya va narxlar ilmiy-tadqiqot instituti, T. : 1997 - 2000Y.
4.Ziyo-net.
5.Vikipediya.uz-internet sayti

DAVLAT BUDJETINING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

To’raboyev Kambarali Kodirovich
TDIU, Mutaxassislik kafedrasi assistenti
Xolmirzayev Doniyorjon
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
Andijon Fakulteti SST ta’lim yonalishi talabasi

Annotatsiya:*Ushbu maqolada davlat budjetining o’ziga xos xususiyatlari haqidagi ma’lumotlar tahlil qilinib o’rganilib chiqildi,shuningdek,ushbu maqolada Davlat byudjeti muayyan mamlakatdagi ijtimoiyiqtisodiy munosabatlarni ham ifodalaydi. Jamiyatning iqtisodiy tuzumi, davlatning tabiati va faoliyatiga qarab davlat byudjeti mohiyati, uning daromadlari va xarajatlari xususiyati hamda tarkibi o’rganib chiqildi.*

Kalit so’zlar:*Davlat budjeti,daromadlar,xarajatlar,iqtisodiy tuzum, iqtisodiy beqarorlik*

Davlat byudjeti — davlatning muayyan vaqt (odatda bir yil) uchun mo‘ljallangan pul daromadlari va xarajatlari majmui. Davlat byudjeti davlat ixtiyoridagi pul fondlarining taqsimlanishini bildirib, u davlat moliyasining bosh bo‘g‘ini hisoblanadi.

Davlat byudjeti tarkiban umumdavlat (yoki markaziy) byudjeti (mamlakat miqyosidagi umumiy daromadlar va xarajatlar yig‘indisi) va mahalliy (munitsipal) byudjet (hududiy tuzilmalar — o‘lka, viloyat, tuman va h.k. doirasidagi pul

daromadlari va xarajatlari)ga bo‘linadi. Ikki turdagi byudjetlar nisbati mamlakatning ichki sharoitiga bog‘liq bo‘ladi. Davlat jamiyatga ijtimoiy xizmatlar (milliy xavfsizlikni ta’minlash, jamoat tartibini saqlash, atrof-muhitni himoya qilish, nochorlarga yordam berish, aholiga bepul ijtimoiy xizmatlar ko‘rsatish va b.) ko‘rsatadi va bularning barchasi xarajat talab qiladi. Byudjet daromadlari soliqlar, solikdan tashqari yig‘imlar, davlat zayomlaridan tushgan pul, davlat mul-kini sotishdan yoki ijaraga berishdan kelgan mablag‘lardan shakllanadi. Byudjet daromadining aholi jon boshiga hisoblangan miqdori mamlakatning byudjet salohiyati (potensiali) deb yuritiladi va bu byudjet daromadining umumiy hajmiga hamda aholining soniga bog‘liq. Byudjet xarajatlari uning daromadidan ortib ketsa, byudjet taqchilligi, ya’ni kamo-madi yuzaga keladi. Kamomad miqdori mamlakat yalpi millim mahsulotning 3—3,5 % ga teng bo‘lishi me’yoriy hisoblanadi. Byudjet kamomadining g‘oyat oshib ketishi va uni daromad bilan ta’minlash mumkin bo‘lmaganda byudjet xarajatlari qisqartiriladi. Markaziy, mahalliy davlat byudjetilari va davlat byudjetidan tashqari fondlar (davlatning muayyan maqsadli fondlari, maxsus maqsadli soliqlar, zayomlar, byudjetdan subsidiyalar hisobiga yaratiladigan maxsus fondlar) yig‘indisi davlatning yigma byudjetini tashkil etadi. Davlat byudjeti, odatda, joriy yilda kelgusi yil uchun tuziladi. Iqtisodiy beqarorlik sharoitida u chorak yoki yarim yilga tuzilishi ham mumkin. Davlat byudjetini huku-mat tuzadi va yuqori qonun chiqaruvchi organ (parlament) tomonidan tasdiqlanadi.

Davlat byudjeti muayyan mamlakatdagi ijtimoiyiqtisodiy munosabatlarni ham ifodalaydi. Jamiyatning iqtisodiy tuzumi, davlatning tabiati va faoliyatiga qarab davlat byudjeti mohiyati, uning daromadlari va xarajatlari xususiyati hamda tarkibi turlicha bo‘ladi. Sanoati rivojlangan mamlakatlarda davlatning iqtisodiyot, ishlab chiqaruvchi, milliy daromadni taqsimlash va qayta taqsimlashga faol aralashuvi davlat byudjeti mavqeining oshishiga sabab bo‘ladi, milliy daromad davlat ixtiyorida yig‘iladi va uning byudjet orqali qayta taqsimlanadigan qismi ko‘payadi.

Hozirgi rivojlangan mamlakatlarda davlat byudjetining asosiy qismi soliqlar (fuqarolarning shaxsiy daromadlaridan undiriladigan shaxsiy daromad solig‘i, ish haqi fondiga soliq va korxonalar, korporatsiyalar foydasidan undiriladigan foyda solig‘i va b.) hisobiga shakllanadi (mas, 1987-yilda AQShda soliq tushumlari davlat byudjetining 98 % ini, Buyuk Britaniyada 96,7 % ini, Fransiyada 91,5 % ini tashkil qildi). AQSH federal byudjetidan qilinadigan xarajatlar orasida „da-romadlar darajasini ta’minlash“ (qariyalar, mehnatga layoqatsizlar, ishsizlar, nogironlar, tibbiy yordamga muhtojlar, boquvchisini yo‘qotgan oilalar va h.k.ga yordam ko‘rsatish) sarflari 40 %, milliy mudofaa xarajatlari (28—30 %) eng muhim o‘rinda turadi.

Hozirgi davrda oz sonli sotsialistax mamlakatlarda davlat byudjeti daromadlarining asosiy qismi davlat sektori (ijtimoiy mulk)dan tushadigan mablag‘lardan, kooperativlar, xususiy korxonalardan, aholidan olinadigan turli soliqlardan hosil bo‘ladi va asosan xalq xo‘jaligini rivojlantirish hamda ijtimoiy-maishiy tadbirlarga sarflanadi.

O‘zbekiston Respublikasining davlat byudjeti respublika davlat byudjeti, Qoraqalpog‘iston Respublikasi D.6., viloyatlar va Toshkent sh. mahalliy byudjetlarini birlashti-radi. O‘zbekistonning birinchi davlat byudjeti 1924—25-yillarda tuzilgan bo‘lib, uning hajmi 3,64 mln. so‘mni tashkil etgan edi.

O‘zbekistonda yangi boshlanayotgan yil uchun davlat byudjeti yil yakuni (dek. oyining oxiri)da O‘zR Oliy Majlisi sessiyasida tasdiqlanadi va qabul qilingan davlat byudjeti qonun kuchiga ega bo‘ladi hamda amaliyotga joriy etiladi. O‘zbekiston mustaqillikka erishgandan so‘ng davlat byudjetining shakllanish xususiyatlari boshqariladigan bozor iqtisodiyotiga o‘tish davridagi o‘zgarishlar bilan bogliq holda bordi.

O‘zbekistan Respublikasi davlat byudjeti daromadlarining mutlaq ko‘pchilik qismi soliklar hisobiga olinmoqda.

1995-yilda O‘zbekistonda byudjet kamomadi 3 %, 1996-yilda 3,5 %, 1997-yilda 2,2 %, 2000-yilda yalpi ichki mahsulotning 1 % (32,8 mlrd. so‘m)ga teng bo‘ldi. Amalda bo‘lgan qonunchilikka muvofiq tashkil etiladigan byudjetdan tashqari jamg‘armalar (ijtimoiy sug‘urta jamg‘armasi, ish bilan ta’minlashga ko‘maklashish jamg‘armasi, Kasaba uyushmalari federatsiyasi Kengashi jamg‘armasi, yo‘l jamg‘armasi, O‘zbekiston Respublikasi Davlat mul-ki qo‘mitasi jamg‘armasi, mineral xom ashyo bazasini tak ishlab chiqarish fondi, o‘zini o‘zi boshqarish mahalliy organlarining maxsus fondlari)ning maqsadli yo‘nalishlarini saqlab qolgan holda, 1995-yildan boshlab O‘zbekiston Respublikasining birlashgan byudjetiga kiritildi.

O‘zbekiston Respublikasi davlat byudjetida jami daromadlar va xarajatlar o‘zgarishlarida ishlab chiqarishning rivojlanishi, xo‘jaliklar va aholi daromadlarining o‘sishi asosiy ahamiyatga ega. O‘zbekistonda davlat byudjetini shakllantirish tartibi O‘zbekistan Respublikasining 2001-yil 1 yanvardan kuchga kirgan „Davlat byudjeti tizimi to‘g‘risida“ qonuni (2000-yil 14-dekabr)ga muvofiq olib boriladi.[5]

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. https://www.google.com/search?q=Davlat+budjetining+o%27ziga+xos+xususiyatlari&oq=davlat&gs_lcrp=EgZjaHJvbWUqCAgAEEUYJxg7MggIABBFGCcYOzIGCAEQRRg5MgcIAhAAGIAEMg0IAxAAGIMBGLEDGIAEMg0IBBAuGK8BGMcBGIAEMgoIBRAAGLEDGIAEMgoIBhAAGLEDGIAEMgcIBxAAGIAEMg0ICBAuGK8BGMcBGIAEMgcICRAAGI8CqAIAsAIA&sourceid=chrome&ie=UTF-8
2. https://www.google.com/search?q=finance&oq=finance&gs_lcrp=EgZjaHJvbWUqDggAEEUYJxg7GIAEGIoFMg4IABBFGCcYOxiABBiKBTIOCAEQRRgnGDsYgAQYigUyDAgCEAAYFBiHAhiABDIHCAMQABiABDIHCAQQABiABDIHCAUQABiABDIHCAYQABiABDIHCAcQABiABDIHCAgQABiABDIHCAkQABiABNIBCDEyMTdqMGo3qAIAsAIA&sourceid=chrome&ie=UTF-8

[5] https://uz.wikipedia.org/wiki/Davlat_byudjeti

3. https://www.google.com/search?q=moliyaviy+hisoboylar&oq=moliya&gs_lcrp=EgZjaHJvbWUqBggAEEUYOzIGCAAQRRg7MgYIARBFGDsyDggCEEUYJxg7GIAEGIoFMgYIAxBFGDsyDAgEECMYJxiABBiKBTIGCAUQRRg9MgYIBhBFGD0yBggHEEUYPNIBBzgzOWowajeoAgCwAgA&sourceid=chrome&ie=UTF-8

AKSIZ SOLIG‘INING MOHIYATI VA UNING OBYEKTI

To’raboyev Kambarali Kodirovich
TDIU, Mutaxassislik kafedrasi assistenti
Xolmirzayev Doniyorjon
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
Andijon Fakulteti SST ta’lim yonalishi talabasi

Annotatsiya: *Ushbu maqolada aksiz solig’i haqidagi ma’lumotlar tahlil qilinadi, shuningdek, O‘zbekiston Respublikasida ishlab chiqarilgan aksiz to‘lanadigan tovarlar uchun ularning qo'shilgan qiymat solig‘i hisobga olinmagan holdagi (aksiz solig'i summasini o‘z ichiga olgan) qiymati yoki tovarning fizik hajmi soliq solish obyekti hisoblanadi.*

Kalit so’zlar:*Aksiz,tovar,iste’mol,soliq ko’deksi.tadqiqot,obyekt.*

Aksiz solig'i bilvosita soliq turi bo'lib, tovar yoki xizmat narxiga ustama ko'rinishda undiriladi va pirovardida istc’molchi tomonidan to‘lanadi. Aksizlar davlatning soliqqa doir umumiy siyosati tarkibiy qismi hisoblanadi hamda budjct daromadini ko'paytirish, ba’zi tovarlar istc’mol qilinishi (tamaki, spirtli ichimliklar), ishlab chiqarish ayrim turlarining ko'paytirish tabiatni muhofaza qilishga salbiy ta ’siri oqibatida yuzaga keladigan ijtimoiy xarajatlar o‘mini qoplashda, shuningdek, avtomobil yo'llari qurish va saqlash xarajatlarini, boshqa xarajatlami, himoyalash manbayi sifatida, vatanimizdagi ishlab chiqarishni qo'llab-quvvatlashda va hokazolar uchun qo'llaniladi. Aksiz hajmi qoida tariqasida, tovar qiymati bilan ham, uni ishlab chiqarish uchun qilingan mehnat sarfi bilan ham bog‘liq emas, balki davlatning soliq siyosatiga qarab belgilanadi. Ba’zi mamlakatlarda iste’mol solig'i, ya’ni chakana savdodagi har bir xarid uchun soliq, xizmat ko'rsatish sohasida oborot solig'i, tomoshaxonalardan undiriladigan soliq va boshqalar tobora ko'proq rivojlanmoqda.

O'zbekiston Respublikasida aksiz solig'i O'zbekiston Respublikasining 1991-yil 15-fevralda qabul qilingan «Korxonalar, birlashmalar, tashkilotlardan undiriladigan soliqlar to'g'risida» gi Qonuniga muvofiq qabul qilingan, lekin respublikamizda birinchi marotaba 1992-yildan boshlab joriy etilgan. «O'zbekiston Respublikasining Soliq kodeksida» aksiz solig'ining yangi umumiy qoidalari, aksiz stavkalari va to'lash tartibini ko'rsatib o'tilgan. Aksiz solig'i tovar qiymatining bilvosita soliq ko'rinishida budjetga to'lanadigan bir qismi bo'lib, u qo'shilgan qiymat solig'i solinadigan bazada hisobga olinadi. O'zlari ishlab chiqargan va aksiz solig'i solinadigan tovarlami

sotuvchi, mulkchilikning har qanday shaklidagi korxonalar, birlashmalar va tashkilotlar aksiz solig'i to'lovchilar hisoblanadi. Aksiz to'lanadigan tovarlarning eksportiga aksiz solig'i solinmaydi, O'zbekiston Respublikasiga tovarlar eksportiga nisbatan soliq solish rejimini qo'llaydigan davlatlarga tovarlar realizatsiya qilinadigan hollar bundan mustasno. O'zbekiston Respublikasida aksiz to'lanadigan tovarlar ishlab chiqarayotgan yoki bunday tovarlami import qilayotgan yuridik va jismoniy shaxslar budjetga aksiz solig'i to'laydilar.

0 ‘zbekiston Respublikasida ishlab chiqarilgan aksiz to ‘lanadigan tovarlar uchun ulaming qo'shilgan qiymat solig‘i hisobga olinmagan holdagi (aksiz solig'i summasini o‘z ichiga olgan) qiymati yoki tovarning fizik hajmi soliq solish obyekti hisoblanadi. Agar tovar ishlab chiqaruvchi aksiz toianadigan tovami naturial haq yoki sovg‘a sifatida bersa, soliq to’lovchidan tovami topshirish paytida tarkib topgan, lekin amal qilingan xarajatlardan kam bo'lmagan narxlar darajasidan kelib chiqib hisoblangan qiymat soliq solish obyekti hisoblanadi. Ushbu qoidalar, tovarlar o‘z xomashyosidan yoki berilgan xomashyodan ishlab chiqarilgandan qat’i nazar qo'llaniladi. Berilgan xomashyodan ishlab chiqarilgan tovarlar bo‘yicha aksiz solig'i va uni buyurtmachiga berish paytida ushbu qoidalarga muvofiq belgilangan narxda hisoblab chiqarilishi lozim. Tadqiqot obyektidan kelib chiqib, asosiy egri soliqlardan biri bo'lgan aksiz solig'ining kelib chiqishi va rivojlanishi tarixi xususida to'xtalamiz. Dastlab egri soliqlar ayrim tovar turlari (tuz, tamaki, aroq mahsulotlari, gugurt, shakar va boshqa keng iste'mol mollari)ga aynan aksiz solig'i ko'rinishida namoyon bo'lgan. Baqt o ‘tishi bilan aksiz osti tovarlari ro‘yxati kengayib borgan. O‘z-o‘zidan ma’lum bo‘ladiki, soliqqa tortishning aksizli shakli keng xalq ommasi iste’molidagi ommaviy tovarlami soliqqa tortish jarayonidagina samara berishi mumkin bo'lgan.

Qadimda aksizlami boshqa nomlar bilan boj, to ‘lov, yig‘im yoki sodda qilib soliq deb atashganlar. Aksizlaming o‘sha davrda amal qilgan soliqqa tortish mexanizmi to‘g‘risida taxminiy ma’lumotlar mavjudligi uning ilk paydo bo'lgan davrini aniqlashga imkon bermaydi. Masalan, xalq tribunlari Tiberiy va Gay Grakxov (er. av. 162-133 va 153-121-yy.) davrlarida Rim g'aznasiga qo'llami ozod etishdan, shu bilan birga o'z shaxsiy iste’moli uchun zarur bulmagan tovarlami dengiz orqali Rimga olib kelinishdan yig'imlar tushib turgan. Qadimgi Misrda XII—XIII chi sulolalar davrida (er. av. ikkinchi ming yillik) pivoga soliq solingan. Albatta, bu to‘lovlar hozirgi talqindagi aksizlar boMmasligi mumkin, lekin ulami aksizlaming dastlabki namunalari sifatida e’tiborga olish lozimdir. Tarixiy manbalarga ko‘ra, Angliyada Kromvel davrida respublikaning yigirma yil amal qilishi davomida aksizlaming ikki yuzga yaqin turi joriy etilgan. Bunda har xil turdagi obyektlar soliqqa tortilgan, masalan, poxol kukuni yoki yog‘ uchun quti idishlar shular jumlasidandir. XXI asrda Gollandiyada egri soliq turlari shunchalik ko‘p ediki, tarixchi de-Bitta so'zlariga qaraganda, mehmonxonada tortiq qilingan baliq bo'lagiga 34 xil aksiz to‘g‘ri kelgan. Demak, aksizlar, bojlami hisobga olmaganda soliqqa

tortishning eng qadimgi shaklidir. «Aksiz» franso'zcha-accise, lotincha-accidere so'zlaridan olingan bo‘- ladi, tarjima qilinganda «kesib olish» ma’nosini anglatadi.

O'zbekiston Pespublikasi soliq qonunchiligida aksiz solig'iga quyidagicha i/.oh berilgan: «aksiz solig'i sof daromadning narxda va qo'shilgan qiymat solig'iga toriladigan bazada hisobga olinadigan, egri soliq sifatida budjetga o'tkazilaigan (undiriladigan) bir qismidan iboratdir. Bizning fikrimizcha, aksiz solig'i sof daromadning emas, balki yuklab jo'natilgan tovarlar qiymatining bir qismini egri soliq sifatida budjetga yo'naltirish shaklidir. Egri soliq sifatida aksiz solig'ining qo'shilgan qiymat solig'idan farqlanuvchi xususiyatli jihatlarini aytib o'tish maqsadga muvofiqdir, ya’ni: - aksiz solig'ida cheklangan turdagi aksiz osti mahsulotlarini sotish oboroti soliqqa tortiladigan obyekt bo'ladi hisoblanadi. Boshqacha qilib aytganda, qo'shilgan qiymat solig'idagi soliqqa tortish obyekti bo'lgan ish va xizmatlar aksiz solig'iga tortilmaydi; - agar qo'shilgan qiymat solig'i tovar ishlab chiqarish va ayirboshashning barcha bosqichlarida vujudga kelsa va undirilsa, aksizlar esa faqat ishlab chiqarish sohasidagina amal qiladi. Ushbu qoidadan O'zbekiston Resublikasi hududiga olib kelinayotgan aksiz osti mahsulotlari va tovarlari istisnodir. Madomiki, ushbu holatda aksiz solig'ini to'lovchilar bo'ladi, aksiz osti mahsulotlarini sotib oluvchi va qayta sotuvchi tashkilotlar hisoblanadi. Aksiz solig'i o'z mohiyatiga ko'ra tovar bahosiga kiritiluvchi va oxirgi iste'molchi tomonidan to'lanadigan egri soliqdir. Uning ijtimoiy - iqtisodiy mohiyati faqat taqsimot darajasiga qarab ifodalanadi va takomillashtiriladi. Aksiz solig'ining iqtisodiy mofiiyati budjet tushumini ta'minlash orqali xalq xo'jaligi manfaatlarini qondirishga, ko'proq mablag'lami jalb ettirishi orqali namoyon bo'lsa, uning ijtimoiy mohiyati aholining, ya'ni asosiy iste'olchilaming to'lov qobiliyatlarini oshishida o'z ifodasini topadi. Bu esa aksiz solig'i obyektlari (aksiz osti tovarlari)ni qiskartirilishida, soliq stavkalari pasayishida, aholi to'lov qobiliyatini o'sishida namoyon bo'ladi. Shuni ham ta'kidlab o'tish kerakki, subyektlar aksiz solig'i iste'molchilari sifatida o'zaga kelishi tabiiydir. Ammo aksiz solig'i yengiliklari tovarlami xarid qilish uchun olinaigan kredit resurslarini qisqartirilishiga, bu esa o'z vaqtida xarajatlarning pasayishiga olib keladi. Xarajatlarning pasayishi esa daromad (foyda)ni oshirish omillaridan biridir. Aksiz solig'ini mohiyatini ochishda u bajaradigan vazifalami bilish muhimdir. Shu jihatdan uning quyidagi vazifalarini alohida ta’kidlab o'tmoqchimiz: birinchidan, mamlakat budjetining muhim daromad manbalaridan biri sanaladi. Soliq tizimi rivojlanish bosqichini boshdan kcchirayotgan barcha davlatlar singari, mamlakatimizda ham aksiz orqali daromadlami tez va oson yigish imkoniyatlari yuzaga keladi. Fransuz iqtisodchisi F.Demezon ta’biri bilan aytganda «aksizning o'zi barcha boshqa soliq tushumlari va undan ham ko'proqni berishga qodirdir»

Ushbu maqolada aksiz solig’i haqidagi ma’lumotlar tahlil qilinadi,shuningdek, O‘zbekiston Respublikasida ishlab chiqarilgan aksiz to ‘lanadigan tovarlar uchun ularning qo'shilgan qiymat solig‘i hisobga olinmagan holdagi (aksiz solig'i

summasini o‘z ichiga olgan) qiymati yoki tovarning fizik hajmi soliq solish obyekti hisoblanadi.

Internet saytlari:

1. www.lex.uz (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari milliy bazasi)
2. www.treasury.uz (O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi G‘aznachiligi);
3. www.gov.uz (O‘zbekiston Respublikasining Hukumat portali);
4. www.mf.uz (O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi);
5. www.stat.uz (O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistikasi qo‘mitasi).
6. www.soliq.uz (O‘zbekiston Respublikasining Davlat soliq qo‘mitasi);

DAVLAT MAQSADLI JAMG`ARMALARI VA ULARNING MOHIYATI

Saydakbarova Madinaxon Anisbekovna
TDIU Andijon fakulteti, “Mutaxasislik fanlari” kafedrasi o’qituvchisi
Foziljonov Azimiddin Asildin o’g’li
TDIU Andijon fakulteti “Bank ishi va audit” yo’nalishi 2-kurs talabasi

Annotatsiya: *Davlatning maqsadli jamg`armalari ahamiyati vazifalari tashkiliy-huquqiy asoslar haqida yoritib berilgan.*

***Kalit so`zlar:*** *Byudjet, jamg`armalar,*

Mamlakat miqyosida turli shakldagi moliyaviy resurslarning yetarlilik darajasi jamiyatni yanada barqaror rivojlanishida, iqtisodiy murakkabliklar va moliyaviy-iqtisodiy tanglik holatlaridan halos etuvchi manba sifatida ham namoyon bo'ladi. Bugungi kunda har qanday davlat moliya tizimi oldiga qo'yilgan muhim vazifalardan biri – shubhasiz, davlat maqsadli jamg`armalarining faoliyatidan unumli foydalanish hisoblanadi. Umuman olganda, davlat maqsadli jamg’armalari - davlatning alohida xarajatlarini moliyalashtirish uchun mamlakatning byudjet tizimi tarkibiy qismi sifatida jamlanadigan mablag`lar bo'lib, ularning maqsadli yo`naltirilishi ustidan davlat nazoratini ta'minlash maqsadida amaldagi me’yoriy hujjatlarga muvofiq shakllantirilgan jamg`armalardir. Bundan tashqari, iqtisodiy adabiyotlarda, byudjetdan tashqari jamg’larmalarda bir qator o’ziga xos ta’riflar berib o`tilgan. Bu kabi jamg’armalarning iqtisodiy mohiyatini to’laroq ochib berishda taniqli iqtisodchi olimlar o`zlarining fikrlarini bildirib o`tishgan.

Byudjetdan tashqari jamg`armalar - bu ba'zan ijtimoiy ehtiyojlarni moliya bilan ta'minlash uchun davlat tomonidan jalb qilinadigan va operativ mustaqillik asosida kompleks ravishda sarflanadigan moliya resurslarini qayta taqsimlash va foydalanish shaklidir. G`arb mamlakatlarida bundan jamg`armalar soni 30 tadan 80 tagacha yetishi mumkin. Bunda byudjetdan tashqari jamg`armalarning hukumat ta’siridan holiligi va moliyaviy jihatdan mustaqilligiga urg`u berib o’tilgan. Biroq, bu omil

davlatning iqtisodiy va siyosiy holatidan kelib chiqqan holda bir biridan farq qilinishi mumkin. Sababi, post industrial davlatlarda bozor iqtisodiyoti deyarli shakllanib bo’lgan hamda moliyaviy institutlar o`z-o`zini mustaqil idora qila oladi. Shuningdek, ular davlatning byudjet-soliq siyosatini yuritishida ham bevosita muhim ishtirokchi hisoblanadilar. Aksincha, bozor iqtisodiyoti hali to`liq shakllanmagan yoki unda davlatning ishtiroki va nazorati saqlanib qolgan davlatlarda bu kabi jamg`amalar bevosita hukumat nazorati ostida faoliyat olib boradilar.

Davlatning byudjetdan tashqari jamg'armalari markaziy va mahalliy davlat boshqaruv organlari ixtiyoridagi qat’iy maqsadli xususiyatga ega bo'lgan moliyaviy mablag'lar yig'indisidir. Ular har bir alohida davlat moliya tizimining ajralmas bo'g'ini hisoblanadi. Bu jamg'armalarni moliyaviy mablag'larining shakllanishi, taqsimlanishi va resurslardan maqsadli yo’lda foydalanishi bevosita moliyaviy me’yoriy-huquqiy hujjatlar bilan muvofiqlashtiriladi va tartibga solinadi.

Bugungi kunda, dunyoning juda ko`p davlatlarida idoralar, vazirliklar va ulkan xo`jalik subyektlari ixtiyorida ham ko`plab jamg`armalar tashkil etilgan.Rivojlangan mamalkatlarning ilg`or tajribalariga tayanib aytish mumkinki, odatda, byudjetdan tashqari davlat jamg`armalari shartli ikki yo`l orqali tashkil etiladi. Xususan: 1.Ma'lum bir xarajatlarini davlat byudjetidan ajratiladigan mablag`lar hisobidan muhim umumjamiyat ahamiyatini kasb etuvchi muammolarni hal etish uchun tashkil etiladi. Byudjetdan tashqari davlat jamg`armasini shaxsiy (o`zlik), maxsus ajratma va badallar mablag`lari hisobidan tashkil etiladi. Masalan, qator davlatlarda daromadi cheklangan va ijtimoiy himoyaga muhtoj aholi qatlamini moliyavny qo`llab quvvatlash maqsadida davlat byudjeti ko`magida maxsus sotsial sug`urta fondlari tashkil etilgan. Boshqa byudjetdan tashqari davlat jamg`armalarini tashkil etish muqaddam ma'lum bo`lmagan, ammo ishlab chikarishning rivojlanishi, xizmat kursatish ko`lamini kengayishi va moliyaviy siyosatni o`zgartirish natajasida paydo bo`ladigan muammolarni maqsadli va manzilli bartaraf etish maqsadida amalga oshiriladigan. Shunday vaziyat shakllanganda hukumat byudjetdan tashkari davlat jamg`armasini tashkil etish uchun maxsus qaror qabul qiladi. Bizda ham yuqorida qayd etilgan vaziyatga o`xshash holat vujudga kelishi va mamlakatni ijtimoiy yo`naltirilgan bozor munosabatlariga bosqichma-bosqich o`tishi munosabati bilan 2004-2009 moliya yillarini o’zida qamrab olgan byudjetdan tashkari "Maktab ta'lim jamgarmasi tashkil etildi.

Mamlakatimizda mustaqillikning dastlabki kunlaridan boshlab, byudjetdan tashqari davlat jamg`armalari tashkil etish va ularni davr talabidan kelib chiqqan holda davrga moslashtirish chora-tadbirlari amalga oshirilib kelinmoqda. 2002 - yil moliya yiliga qadar byudjetdan tashqari davlat jamg`armalari muxtor ravishda moliyaviy resurslarini shakllantnrish va ulardan maqsadli yo`nalishlarda 17 foydalanish keng qo`llanib kelinar edi. Ammo ayrim davlatning maqsadli fondlarida o`z vaqtida va to`liqligicha moliviy resurslarni shakllanmaganligi, aholiga berilayotgan va tarqatilayotgan moliyaviy resurslarda kechikish, uzilgan hollari tez-

tez uchray boshladi. Buni oldini olish maqsadida 2002 - yildan boshlab ulkan umumjamiyat ahamiyat kasb etuvchi ayrim davlatning maksadli fondlarini O`zbekiston Repsublikasi Moliya vazirligi tasarrufida bo`lishi ma'qul topildi. Keyinchalik, 2013-yil 26-dekabrda mamlakatimiz amaliyotida yangilik bo`lgan “Byudjet kodeksi” qabul qilinishi munosabati bilan, ushbu qonun o`z kuchini yo`qotdi. Ushbu kodeks endilikda, mamlakatimiz byudjet tizmi byudjetlari uchun tayanch huquqiy asosga aylandi. Shuningdek, yangi kodeksda byudjet tizimi byudjetlari bilan bog`liq bir qator o`zgarish va qo’shimchalar qayd etildi. Jumladan, davlat maqsadli jamg`armalar tushumchasi bir qator kengayib, huquqiy maqomi mustahkamlandi. Demak, Byudjet kodeksining 6-bobi aynan ”Davlat maqsadli jamg'armalari va byudjet tashkilotlarining byudjetdan tashqari jamg'armalari” deb nomlanib, ushbu soha rivoji yo`lida ulkan qadam tashlandi. Endilikda, davlat maqsadli jamg`armalari qatoriga bir qator yangi jamg`armalar qo’shilib, mavjudlarining tashkiliy asosi qaytadan ko`rib chiqildi. Davlat konsolidatsiyalashgan byudjeti tarkibida Davlat byudjeti hamda O`zbekiston Respublikasi Tiklanish va taraqqiyot jamg`armasi byudjeti bilna bir qatorda Davlat maqsadli jamg`armalari byudjeti alohida ajratib ko`rsatilgan bo’lib, kodeksning 36-moddasida quyidagilar davlat maqsadli jamg`armalari sifatida ko`rsatib o`tilgan: - O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va Moliya vazirligi huzuridagi byudjetdan tashqari Pensiya jamg'armasi; - O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Respublika yo'l jamg'armasi; - Davlat mulkini xususiylashtirishdan tushgan mablag'lar jamg'armasi; - O'zbekiston Respublikasining Bandlikka ko'maklashish davlat jamg'armasi; - O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va Moliya vazirligi huzuridagi byudjetdan tashqari Umumta'lim maktablari, kasb-hunar kollejlari, akademik litseylar va tibbiyot muassasalarini rekonstruktsiya qilish, mukammal ta'mirlash va jihozlash jamg'armasi; O'zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot va Moliya vazirligi huzuridagi Oliy o'quv yurtlarining moddiy-texnika bazasini rivojlantirish jamg'armasi. Shuningdek, har bir davlat maqsadli jamg`armalarining faoliyat sohasi, maqsadi va vazifalari, boshqaruv organi, byudjet loyihasi va hisobotlarini tuzish tartibini, qolaversa, daromadlar manbalari hamda xarajatlar yo`nalishlari bilan bog`liq me’yorlar ko’rsatib o’tilgan.

Davlat maqsadli jamg`armalari iqtisodiyotning ustuvor sohalarini qo`shimcha moliyaviy resurslar bilan ta'minlash hamda har xil maxsus fondlar ko`magida aholiga sotsial xizmatlar ko`lamini kengaytirish kabi vazifalarni bajaradi. Odatda, maqsadli jamg`armalar ijtimoiy maqsadlarga yo`naltirilgan va iqtisodiy yo`naltirilgan jamg`armlarga ajratiladi. Ijtimoiy maqsadli jamg`armalar deganda, aholini hamda unga ijimoiy xizmatlar ko`rsatuvchi ijtimoiy sohani qo`llabquvvatlovchi jamg`armalar tushunilsa, iqtisodiy maqsadli jamg`armalarga esa, iqtisodiyot yetakchi tarmoq va sohalarini qo`shimcha moliyaviy resurslar bilan ta’minlash yoki aloihida tarmoqni yanada rivojlantirish uchun tashkil etiladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO’YXATI

1. Ahmedov D.Q. Ijtimoiy ta’minot huquqi. Darslik. –T. TDYUI nashriyoti, 2008. 406 бет.
2. Allayorov Sh., Toshmuxamedova D., Davlat pensiya ta’minoti.O‘quv qo‘llanma.-Toshkent, T.:Iqtisod-Moliya 2015.-248 b; 83
3. Jun Peng. State and Local Pension Fund Management. (Public Administration and Public Policy) 0th Edition . USA: Publisher: Auerbach Publications (August 21, 2008). – P. 280.
4. Malikov T., Jalilov P., Byudjet-soliq siyosati. Mongrafiya. T.: Akademnashr, 2011.472 b.
5. Mirzamahmudov M.M. Maqsadli jamg‘armalardan foydalanish samaradorligini oshirish mexanizmini takomillashtirish. Monografiya. -T.:«IQTISOD-MOLIYA». 2013.-112 b.;

Internet saytlari:

6. www.lex.uz (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari milliy bazasi)
7. www.treasury.uz (O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi G‘aznachiligi);
8. www.gov.uz (O‘zbekiston Respublikasining Hukumat portali);
9. www.mf.uz (O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi);
10. www.stat.uz (O‘zbekiston Respublikasi Davlat statistikasi qo‘mitasi).
11. www.soliq.uz (O‘zbekiston Respublikasining Davlat soliq qo‘mitasi);

MOLIYA TIZIMINI RIVOJLANTIRISHDA BANK, SOLIQ, SUG’URTA TASHKILOTLARINING O‘RNI VA ROLI

Xasanova Guljamol Botirali qizi
Andijon Davlat Universiteti 1-kurs magistranti

Mamalakatimizda raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi natijasida tijorat banklarining yangi elektron xizmatlariga yanada talab ortmoqda. Aholi o’rtasida bank ofislariga bormasdan, oddiygina telefon, komputer va boshqa texnologiyalar orqali ko’plab amaliyotlar bajarishlari ommalashgan. Istalgan bankning mobil ilovasi orqali yoki rasmiy saytiga kirib kerakli ma’lumotga ega bo’lish, to’lovlar amalga oshirish, kreditlar rasmiylashtirish, omonotlar ochish va shikoyat yoki arizalarini yo’lllash mumkin.

Bugungi kunda barcha ma’lumotlar raqamalashtirilganligi tufayli, oldin ma’lum muddat kutib turiladigan operatsiyalar bir zumda amalga oshirilmoqda.

Bu axborot-komunikatsiyalarning shiddat bilan hayotimizga kirib kelishi bilan barcha sohalarda shu jumladan moliyaviy xizmatlar bozorida ham keskin raqobatni kuchaytirmoqda.

2020-2025-yillarga mo‘ljallangan O‘zbekiston Respublikasining bank tizimini isloh qilish strategiyasida ham bank tizimini yanada rijovlantirish hamda axborot komunikatsiyalarini bank sohasida yanada qo‘llashni kuchaytish hamda zaruriy chora-tadbirlarni amalga oshirishda asosiy vazifalar belgilab olingan ular quyidagilardir:[6]

- masofaviy bank xizmatlari, shu jumladan, kontaktsiz to‘lovlar soni va qamrovini kengaytirish;
- avtomatlashtirilgan skoring tizimi, raqamli identifikatsiyalash va kredit konveyerlaridan keng foydalanish;
- bank ma’lumotlari va tizimlarining axborot xavfsizligini kuchaytirish;
- bank sohasidagi yangi konsepsiya va texnologiyalarni keng joriy etish (fintex, raqamli bank).

Strategiyada bank tizimida hozirgi kunda saqlanib qolayotgan muammo va dolzarb masalalarga alohida e’tibor qaratilgan. Xususan:

- bank tizimida davlatning yuqori darajadagi ishtiroki natijasida moliyaviy va inson resurslaridan samarasiz foydalanilayotganligi, ularda korporativ boshqaruv va tavakkalchiliklarni boshqarish tizimlari to‘g‘ri yo‘lga qo‘yilmaganligi;
- davlat ishtirokidagi banklarning ustuvor dasturlar, sohalar va davlat ulushiga ega korxonalarga bozor stavkalaridan kam bo‘lgan stavkalarda kreditlar ajratuvchi an’anaviy “taraqqiyot banklari” vazifasini bajarishi;
- kreditlashning yuqori sur’atlarda o‘sib borayotganligi va buning natijasida banklarning barqarorlik darajasini ifodalovchi likvidlilik va kapital yetarlilik ko‘rsatkichlariga salbiy ta’sir etayotganligi;
- imtiyozli kreditlar ulushining yuqori darajada saqlanib qolayotganligi natijasida moliya bozorida narx signallarining noto‘g‘ri shakllanishi, shuningdek pul-kredit siyosatining transmission mexanizmlarining ishlashiga salbiy ta’sir ko‘rsatayotganligi;
- yuqori darajadagi dollarlashuv, shuningdek kredit va depozitlarning yirik korxonalar va iqtisodiyotning alohida sohalarida jamlanganligi (konsentratsiyasi) natijasida bank tizimining valyuta, kredit va likvidlilik xatarlariga bardoshliligining zaifligi;
- davlat ishtirokidagi banklar biznes-modellarining asosan korporativ mijozlarga xizmat ko‘rsatishga yo‘naltirilganligi, nobank moliya tashkilotlarining roli sustligi, shuningdek innovatsiyalar va axborot tizimlarining yaxshi rivojlanmaganligi sababli moliyaviy ommaboblik darajasining pastligi tizimda tub islohotlarni amalga oshirish zaruratini yuzaga keltirdi.

[6]2020-2025-yillarga mo‘ljallangan O‘zbekiston Respublikasining bank tizimini isloh qilish to’g’risida “ gi strategiyasi 2020-yil 12-maydagi PF-5992-son

Mamlakatimizda so’ngi yillarda bank xizmatlarinining sifati va ko’lamini oshirish bo’yicha ko’plab qonun va qarorlar ishlab chiqildi va bazilariga o’zgartirishlar kiritildi:

1. «O‘zbekiston Respublikasining Markaziy banki to‘g‘risida» gi qonun (yangi tahrirda);
2. «Banklar va bank faoliyati to‘g‘risida» gi qonun (yangi tahrirda);
3. “To‘lovlar va to‘lov tizimlari to‘g‘risida” gi qonun;
4. “Valyuta siyosatini liberallashtirish bo‘yicha birinchi navbatdagi chora-tadbirlar to‘g‘risida” gi (PF-5177-son, 02.09.2017);
5. “Respublika bank tizimini yanada rivojlantirish va barqarorligini oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” gi (PQ-3270-son, 12.09.2017);
6. “2020-2025 yillarga mo‘ljallangan O‘zbekiston Respublikasining bank tizimini isloh qilish strategiyasi to‘g‘risida” (PF-5992, 12.05.2020) farmonlar.

Valyuta bozori liberallashtirilishi hisobiga naqd pul bilan bog‘liq muammolar yechildi bu esa bankomatlar infratuzilmasi hamda zamonaviy to‘lov tizimlarin ijoriy etishga sharoit yaratdi,aholi va tadbirkorlik sub’ektlari uchun bank xizmatlaridan foydalanish imkoniyatlari kengaydi, mijozlar bilan ishlash tizimi o‘zgarmoqda, zamonaviy bank xizmatlari turlari ko‘paytirildi va raqamlashtirilmoqda,banklarni aholiga yanada yaqinlashtirish va qulayliklar yaratish maqsadida bank xizmatlari markazlari tashkil etilmoqda.

Biz yuqoridagi ma’lumotlar asosida quyidagi xulosalarga keldik:

1. Banklarning ish faoliyatidan tashqari yuklamalar hali hanuzgacha davom etmoqda. Banklarning faoliyatiga aralashuvlar ham davom etmoqda.
2. Tashkilotlar hamda mahalliy hokimyat organlariga banklarni ham tadbirkorlik subyektlaridan biri ularning asosiy vazifalari esa tijorat ekanliklarini sindirish qiyin bo’lmoqda.Banklarning rivojlanishi uchun mos tijoriy loyihalar moliyalashtirilmayapti.
3. Bank xodimlarining huquq va majburiyatlari va huquqiy ongini yanda oshirish uchun tushuntirish ishlarini amalga oshirish va shuningdek ish vaqtida majburiy yuklamalarga qonuniy yo’l bilan qilmaslikni tushuntirish.
4. Aholini ham moliyaviy savodxonligini kuchaytirish hamda turli xil firibgarlarga aldanib qolmasliklari uchun tushuntirish ishlarini amalga oshirish.
5. Bank ofislarida turli xil navbatlarni kamaytirish maqsadida online va oflayn navbat olish imkoniyatlarini yaratish.

Foydalangan adabiyotlar ro‘yxati:

1.”2020-2025-yillarga mo‘ljallangan O‘zbekiston Respublikasining bank tizimini isloh qilish to’g’risida “ gi strategiyasi 2020-yil 12-maydagi PF-5992-son

2. I.Aliqulov, Z.Davronov. Innovatsion faoliyat davlat tomonidan tartibga solishning xorijiy davlatlar tajribasi.” Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy electron jurnali.№ 3, may- iyun, 2015

DEVELOPMENT OF BANKING FINANCIAL SYSTEM THROUGH INTRODUCING INNOVATIVE BANKING SERVICES.

Usmonjonov Shohijahon Abdujalil o’g’li
AndMI, Iqtisodiyot fakulteti,
Menejment yo’nalishi, IV bosqich talabasi,
shohijahonusmonjonov@gmail.com

Annotatsiya. *Ushbu maqolada banklar faoliyatiga innovatsion bank xizmatlarini joriy etish orqali bank moliya tizimini rivojlantirish bo’yicha tushunchalar, yo’nalishlar haqida so’z yuritilgan. Maqola so’nggida xulosa va fikr-mulohazalar berib o’tilgan.*

Kalit so’zlar: *bank faoliyati, moliyaviy texnoloqiyalar, innovatsion bank xizmatlari, modernizatsiyalash, yangicha yondashuv.*

Аннотация. *В данной статье говорится о концепциях и направлениях развития банковской финансовой системы путем внедрения инновационных банковских услуг в деятельность банков. В конце статьи приводятся выводы и мнения.*

Ключевые слова: *банковская деятельность, финансовые технологии, инновационные банковские услуги, модернизация, новый подход.*

Abstract. *This article talks about concepts and directions for the development of the banking financial system through the introduction of innovative banking services into the activities of banks. At the end of the article, conclusions and opinions are given.*

Key words: *banking activity, financial technologies, innovative banking services, modernization, new approach.*

Relevance of the topic. Innovative banking services are explained by facilitating the interaction of customers, that is, business entities and individuals with the bank. The role of innovative marketing technologies in the formation and development of the potential of economic entities and individuals in the country for innovative banking services is very large. A new approach to understanding the innovative marketing strategy is based not on the search for an innovative product, but on the fact that there is innovation in the business environment, but on simplifying the use of this or that innovative development. It creates the need to revise the requirements of the banking security standard of commercial banks, fully fulfilling the requirements of the most perfect standard in international banking practice, and implement the innovations. One of the main factors of the growth of the modern economy is the development of digital technologies in the financial market. Digitization covers individual and complex industries, resulting in significant savings in human resources and all related costs,

which improves competition. Currently, the financial system as a whole, and the banking sector in particular, is developing based on the modern requirements of the digital economy. Due to digital transformation, business models and banking sector development concepts are being improved. The banking industry is undergoing major changes due to IT-based banking services, digitization and technological advancement.

Significant positive changes were observed in the banking system in our Republic during the years of independence. In particular, a number of important laws defining the legal basis of the activity of commercial banks have been adopted, and great conditions are being created for the development of this sector as a producer of the national economy. It is very important to develop banking activities, to use scientific and technological innovations more widely in the practice of banking activities. In the conditions of economic liberalization and modernization, one of the main tasks in serving production and service enterprises is to offer high-quality, cheap and convenient services. This, in turn, means that commercial banks should improve innovative banking services and increase the quality of their control, develop practical recommendations aimed at improving the quality of work of commercial banks in our Republic based on the experience and practice of international commercial banks.

The fact that the activity of commercial banks ended with a loss led to a decrease in the market prices of their securities, including their shares. As a result, there was a significant decrease in the level of capitalization of banks. This, in turn, led to a decrease in the level of solvency of commercial banks. Because one of the important indicators describing the level of solvency of commercial banks is the adequacy ratio of their capital. However, the USA and Western Europe are highly developed centers of commercial banking. The requirements of the world-famous International Basel Committee were first applied to the banking practices of Western European countries in 1993, and later serve as the methodological basis of the control system of commercial banks in more than 150 countries. Commercial banks that fully met the requirements of the Basel standard, which is considered the most perfect in international banking practice, also came to the brink of bankruptcy as a result of the global financial crisis. This, in turn, creates the need to revise the requirements of the international Basel standard on banking supervision. During such difficulties, the innovative activity of commercial banks is an incentive that ensures the high level of profitability, competitiveness, and quality of assets of bank products and gives positive results. That's why systems for remote service of bank accounts - that is, technologies for providing banking services based on the customer's orders from a distance (without coming to the bank) are important for attracting customers and developing banking activities.

Innovations in the field of financial engineering, information technology and telecommunications affect the competitive behavior of banks within the framework of existing market structures. One of the examples of such technologies that we are familiar with is ATMs. They serve as an alternative to building expensive affiliate networks, which, as mentioned above, are perceived as a barrier to market entry due to

high maintenance costs. An ATM network is a cheaper form of physical distribution channel for core banking services, reducing associated costs and facilitating market access. From the point of view of impact on competition, the expansion of the ATM network gives the same results as the expansion of the branch network - an increase in the coverage of competition. In addition, with the introduction of the results of technical development, the range of services provided to the customer through ATMs has increased significantly over the last ten years.

Characteristics of traditional banks and modern financial technologies in the field of service.

Distinctive features	Traditional model	Digital model
Customer service period	Limited. The service is performed only at the specified time	Unlimited. 24/7 access.
Speed of customer service	It depends on the qualification and experience of the bank employee	Immediately, directly.
Approach to service	Flexible, but service limited to subtypes of industry	Flexible and done through any convenient channel for the customer
Service price	High considering the bank's personnel and departmental maintenance costs	Few, often services are provided free of charge
Scope of service	Limited branch network and number of employees	Unlimited, can go beyond the geographical location of the banking institution
Status of the operator during service	The functions of the operator are performed by a bank employee	The functions of the operator are performed by the client of the bank
How to learn new services and promotions	It takes time and costs	It is done by quick, SMS and e-mail notifications
Expendable component of service system operation	Service to employees and departments	Mainly for purchasing and maintaining servers and software packages

Source: Prepared by the author.

Thanks to the technical progress in the field of information technology and telecommunications, this form of service has advantages for both the client and the bank. A banking service provider improves efficiency by reducing fixed costs and

economies of scale, has a simple and inexpensive channel to inform a large group of customers, and has the ability to collect valuable information about customers to personalize new service offerings. In turn, the consumer of banking services considers the offer to be more profitable in terms of prices due to the reduction of intermediate costs (tolls) and direct payments (fees and commissions). and absolute availability (24 hours a day, seven days), the client will have the opportunity to constantly monitor the status of their accounts, as well as get the convenience of access without standing in line or even leaving home. And finally, the last form of remote service is mobile banking. The proliferation of smartphones and tablets with access to the Internet has encouraged banks to use this distribution channel, especially since customers using mobile devices interact with the bank 3.5 times more often than traditional Internet banking users. Research shows that banking service providers are increasingly interested in this service distribution channel: in 2013, 45% of banks stated that mobile banking is a priority channel, and 63% of banks believe that it will not lose its relevance in the next decade. Much like online banking, mobile banking has become an alternative channel for the distribution of banking services. Thus, based on the above analysis, it can be said that the further development of FinTech will have a significant impact on the development of banking. The use of FinTech certainly gives banks new opportunities, but at the same time with new risks that banks must take care of and manage. In general, Fintech reduces costs, improves banking efficiency and competitive banking environment, reduces information asymmetry and increases access to financial services. In addition, the development of financial technologies affects the number of employees of the bank. One fintech startup can replace several workers. We can realize that in the banking sector, workers who have mastered IT and specialist knowledge will remain. Digitization has great potential, but it is still associated with new risks and threats that require awareness. However, on the other hand, financial technologies are risk management tools in banks (for example, big data can be used to minimize credit risk, internal audit, control, etc.).

In conclusion, it can be said that it is very important to provide customers with innovative banking services that spend less time today. Through this, commercial banks can increase the flow of customers and avoid excessive queues. Also, in turn, it achieves economic development.

REFERENCES

1. Norqobilov S., Dadaboeva H., Jo‘raev O‘. Xalqaro amaliyotda bank nazorati. –T.: “IQTISOD–MOLIYA”, 2017. 35– 71 b.

2. Toymuxamedov I.R. Bank ishi. O‘quv qo‘llanma. - T.: O‘zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg‘armasi nashiryoti, 2005. - 185 b. 96

3. Abdullaev Yo.A., Qoraliev T.M., va boshqalar “Bank ishi”. O‘quv qo‘llanma - B.M.: T.: “Iqtisod-Moliya”, 2015. - 576 b.

4. Ablyazov, T., Asaul, V. 2018. On competitive Potential of Organization under Conditions of the New Industrial Base Formation. SHS Web of Conferences, 44.

5. Thalassinos, I.E., Thalassinos, Y. 2018. Financial Crises and e-Commerce: How Are They Related. Available at SSRN: https://ssrn.com/abstract=3330169.
6. HKurshidbek T., Shakhzodbek Y., Shoxruxmirzo A. DIGITAL BANKING MANIFESTO 2.0 //YOUTH, SCIENCE, EDUCATION: TOPICAL ISSUES, ACHIEVEMENTS AND INNOVATIONS. – 2022. – Т. 1. – №. 1. – С. 55-59.

UMUMDAVLAT NAZORAT O’RGANLARI VA ULARNING MOLIYAVIY NAZORATINI TASHKIL ETISH

Maxmudov Farrux
TDIU, Andijon fakulteti
2-bosqich 70/22 guruh talabasi

Anotatsiya. *Ushbu maqolamizdan maqsad moliyaviy nazoratning asosiy jihatlari va tamoyillarini ilmiy chizmalkar va tahlillar bilan ochib berishga harakat qilganmiz. Hozirgi kunda moliyaviy nazoratning asosiy maqsadi tekshirilayotgan obyektda mavjud bo’lgan haqiqiy holatni obyektiv o’rganish va boshqaruv qarorlarini qabul qilish va ijro etishga salbiy ta’sir ko’rsatuvchi omillarni aniqlash yoki oldini olishdan iborat.*

Kalit so’zlar: *moliya, nazorat obyektlari, byudjet, prinsiplar, mahalliy idoralar,iqtisod, hisob palatasi.*

Moliyaviy nazoratning yuzaga kelishi va rivojlanishi davlat moliyaviy tizimining tashkil etilishi va rivojlanishi bilan chambarchas bog’liqdir. Moliyaviy nazoratni tashkil etish bu moliyaviy resurslarni boshqarishning majburiy elementi hisoblanib, bunday boshqaruv jamiyat oldidagi javobgarlikni aks ettiradi. Nazorat bu oxirgi maqsad hisoblanmaydi, nazorat bu boshqarish tizimining ajralmas qismi bo’lib, mamlakat iqtisodiyoti va moliya tizimining samarali amal qilishining zaruriy shartidir. Moliyaviy nazorat jamiyatning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishini boshqarish ustidan davlat nazoratining tarkibiy elementi bo’lib hisoblanadi. Muhtaram Prezidentimiz Sh.Mirziyoyev ta’kidlaganidek - “Makroiqtisodiy barqarorlikni yanada mustahkamlash va iqtisodiy o’sishning yuqori sur’atlarini saqlab qolish, jumladan, Davlat budjeti barcha darajada mutanosib, milliy valyuta va ichki bozordagi narx darajasi barqaror bo’lishini ta’minlash - eng muhim ustuvor vazifamizdir”. Davlat budjeti budjet mablag’lari boshqaruvchilarining ehtiyojlarini moliyalashtirish orqali muhim ijtimoiy-iqtisodiy vazifalarni bajaradi. Iqtisodiyot va umuman jamiyatni rivojlantirish uchun muhimligiga qaramay, O’zbekiston budjet tizimi yuqori markazlashuv, davlat qarzining yuqori darajasi sharoitida budjet taqchilligini moliyalashtirish muammolari va boshqalar bilan bog’liq ma’lum kamchiliklarga ega. Nazorat boshqarish siklining shakli sifatida qabul qilinayotgan yoki qabul qilingan boshqaruv qarorlarining asoslanganligi va samaradorligini baholash, bu qarorlarning

amalga oshirilish darajasini haqiqiy natijalarning o’rnatilgan parametrlari va me’yoriy ko’rsatmalardan og’ish (farq qilish) darajasini aniqlash va salbiy holatlarni bartaraf etishga qaratiladigan boshqaruv qarorlarini qabul qilish maqsadida boshqariluvchi obyekt faoliyatini kuzatish, solishtirish, tekshirish va tahlil qilish tizimidir.

Moliyaviy nazorat – bu faoliyat yurituvchi xo’jalik subyektlarining moliyaviy muomalalarini o’rnatilgan qonun-qoidalar doirasida amal qilinishini ta’minlovchi ularning samaradorligini tahlil qiluvchi va ularni kelgusida takomillashtirish bo’yicha takliflar ishlab chiquvchi mas’ul organlarning aniq maqsadga yo’naltirilgan faoliyati. Moliyaviy nazoratning maqsadi – bu shunchaki faqat nazorat emas, balki uning maqsadi ahvolni to’g’rilash choralarini ko’rish, ayrim hollarda aybdorlarni javobgarlikka tortish, yetkazilgan zarar uchun tovon undirib olish yoki kelgusida bunday buzilishlarning oldini olish yoxud kamaytirish imkoniyatiga ega bo’lish uchun imkoni boricha dastlabki bosqichda qabul qilingan standartlardan chekinishlarni va qonun qoidalarning buzilishlarini oldini olish, moddiy resurslarning samaradorligini oshirish va tejab sarflanishini aniqlashdan iboratdir. Moliyaviy nazoratning ahamiyati shundan iboratki, uning yordamida birinchidan, davlat va jamoat tashkilotlari, korxonalar, muassasalar, tashkilotlar, fuqarolar tomonidan o’z moliyaviy faoliyatlarida huquqiy tartibga rioya etilishini kuzatib borish; ikkinchidan, amalga oshirilayotgan moliyaviy harakatlarning iqtisodiy asoslanganligi va samaradorligini, bu harakatlarning davlat oldida turgan vazifalarga muvofiq kelishini tekshirish orqali amalga oshiriladi. Shunday qilib, moliyaviy nazorat moliyaviy faoliyatni amalga oshirish paytida qonunchilikka rioya etish, harakatlarni maqsadga muvofiqligini ta’minlashning muhim vositasi bo’lib xizmat qiladi. Bozor iqtisodiyotiga o’tish jarayonida moliyaviy nazoratning maqsad va vazifalari, turlari va shakllari tubdan o’zgardi. Endi u faqatgina jazolash maqsadida emas, balki davlatning o’z vazifalarini bajarish uchun zarur bo’lgan mablag’larning to’liq to’planishi va budjet mablag’laridan maqsadga muvofiq samarali xarajat qilinishini nazorat qilish maqsadida maslahat va ko’rsatmalar berish kabi vazifalarni bajarmoqda. Bugungi kunda moliyaviy nazorat tizimi o’z tarkibida nazorat qiluvchilar va nazorat qilinuvchilar bilan birga nazoratning turlari, shakllari va usullarini ham jamlaydi. Moliyaviy nazoratning muvoffaqiyatli va samarali o’tkazilishi uning tashkil etilish darajasiga va nazoratning turlari, shakllari va uni o’tkazishning metodlariga bog’liq.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1. Lex.uz
2. file:///C:/Users/555/Downloads/davlat-sektorida-moliyaviy-nazoratini-tashkil-etishning-nazariy-va-tashkiliy-asoslari.pdf

3-Sho‘ba

ИҚТИСОДИЁТНИ МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАШТИРИШНИНГ РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТДАГИ АҲАМИЯТИ

Ахунов Муҳаммадамин Абдуваситович
Андижон машинасозлик институти
“Иқтисодиёт” кафедраси доценти,
иқтисод фанлари номзоди,
E-mail: axunov@gmail.com
Phone: +998972736877

Аннотация: Бугунги кунда ёш авлоднинг таълим-тарбияси жамиятимиз тараққиётининг долзарб бўғинларидан бири бўлиб ҳисобланади. Келажагимиз эгаларини замонавий дунёвий билимларни эгаллашлари орқали касб ҳунарга ўргатиш, ишбилармонлик, тадбиркорлик руҳида тарбиялаш билан бирга маънавий етук инсонлар бўлишлари учун шарт – шароитлар яратиш зарурияти кучайиб бормоқда. Янги Ўзбекистонда тайёрланган ҳар бир мутахассис, ҳар бир касб эгаси маънавиятли, ахлоқли, ватанпарвар, яхши хулқ-атвор эгаси бўлиши керак. Шу мақсадда юртимизда олиб борилаётган ва амалга оширилаётган ишларни мукаммаллаштириш ва юксалтириш тўғрисида фикр мулоҳазалар баён қилинган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, математик моделлаштириш, иқтисодий жадвал, иқтисодий моделлар, кибернетика.

Рақамли иқтисодиётга ўтиш даврида ўтказилаётган ислоҳотларни белгилашни тўғри ташкил қилишда турли иқтисодий моделлар, жумладан, иқтисодий математик моделларнинг аҳамияти ўсиб бормоқда. Илмий ҳаётда машҳур инглиз иқтисодчиси Вилям Петти яшаган XVII асрдан бошлаб иқтисодиёт назарияси фанида статистик-математик методлари қўлланила бошланди. 1758 йилда эса Франция иқтисодиётини статистик материалларини иқтисодий математик усулида таҳлил қилиб ўрганган Франсуа Кене ўзининг “Иқтисодий жадвал”ини яратди

XX асрнинг ўрталарида Н.Винернинг “Кибернетика” китобининг дунёга келиши ўтган асрнинг 60-йилларида иқтисодий кибернетика фани яратилишига туртки бўлди. Иқтисодий моделлар яратилишида математик ва статистик усуллар орқали келгуси ислоҳотлар жараёнини программалаштириш ва режаларни белгилаш амалиёти кенг қўлланила бошланди. Ўрганилаётган иқтисодий жараён ҳамда объектив математик боғланишлар ва нисбатлар шаклида формаллаштирилган тавсифлаш турлари иқтисодий математик моделлар деб атала бошланди. Бундай моделлар бир неча кўринишларда бўлиб, улардан асосийлари матрица

моделлари, прогноз ёки режалаштириш моделлари ҳамда миқдорий тавсифлаш имконини берувчи иқтисодий статистик моделлардир.

Иқтисодиётни математик моделлаштириш мавжуд иқтисодиёт билан бир вақтда бўлғуси иқтисодиётнинг моделларини тузиш ва анализ қилиш муҳимдир, чунки иқтисодиёт динамик жараёндир. Бунда энг аввало, иқтисодий жараённи олдиндан таҳлил қилиш, шу асосда математик моделини ишлаб чиқиш, тузилган моделни муҳокамадан ўтказиш ва чуқур ўрганиб, зарурий ҳолатларда ўзгартиришлар киритиб уни якуний ҳолда расмийлаштириш керак бўлади. Математик моделларда харфлар, рақамлар, математик белгилар ва уларнинг намоён бўлиш шакллари бўлган формулалар, тенгламалар, тенгсизликлар орқали иқтисодий жараёнлар таҳлил қилинади.

Иқтисодий жараёнларнинг иқтисодий математик моделлари иқтисодий назариялар ва объектив қонуниятлар асосида яратилишини, реал иқтисодиётнинг мақсади, функциялари, структуравий ўзгаришларини ўзида намоён этишни ҳамда математик ечимга эга бўлишни талаб этади. Иқтисодий-математик моделларни яратишда иқтисодий нормативларнинг, яъни халқ хўжалигидаги иқтисодий муносабатларни тартибга солиш учун қўлланиладиган ҳамда ишлаб чиқариш харажатлари ва натижаларига, уларни тақсимлаш ва фойдаланишга нисбатан ижтимоий талабларни ифодаловчи кўрсаткичларнинг ўрнини алоҳида айтиб ўтиш керак. Шу билан биргаликда, иқтисодий-математик моделларини яратишда иқтисодиётнинг моддий ва технологик жиҳатлари тўғрисидаги информациялар аниқ характерга эга бўлган бир вазиятда жараён содир бўлишга таъсир қилувчи табиий ва ижтимоий муҳитнинг ўзгарувчанлигини ҳам эътиборга олмоқ зарурдир. Бозор муносабатлари шароитида эса рақобат ҳамда нарх-навонинг талаб ва таклиф асосида шаклланиши иқтисодиёт тараққиётига доимо ўз таъсирини кўрсатиб туради.

Рақамли иқтисодиёт муносабатларига ўтиш даврида иқтисодий математик моделларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш мамлакатимиз иқтисодиётинингнинг тез суръатлар билан ривожланишида аҳамияти каттадир. Бунда иқтисодий математик моделларни яратиш ва амалиётга тадбиқ қилиш мақсадга тўғри келади. Янгиланаётган Ўзбекистонда олий ўқув юртларида замонавий ахборот ва телекоммуникацион технологиялардан кенг фойдаланиш ўз самарасини кўрсатмоқда. Лекин шу билан бирга унинг натижасида баъзи бир муаммолар ҳам пайдо бўлмоқда. Биз ана шу муаммоларнинг баъзиларига тўхталиб ўтамиз. Замонавий ахборот ва телекоммуникацион технологиялардан фойдаланишнинг асосий муаммоларидан бири ижтимоий муаммо ҳисобланади, чунки таълим соҳасини ахборотлаштириш

ва ўқитишда янги ахборот технологиялари (мультимедиа, анимация, Флаш-технология ва ҳакозо) воситалари энг аввал фойдаланувчининг танлаётган касбий йўналишлари, мутахасисликлари ва ҳакозо бошқа факторларга боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳозирги кунда ахборот технологияларида кўпроқ оммалашган атамалардан фойдаланишга ва уларни ишлатишга эътибор берилмоқда. Булар технология, ахборот, компьютер, мультимедия, интернет, масофали ўқитиш, ягона ахборот муҳити ва ҳакозо каби атамалардир. Бу тушунчалар ҳеч қачон фойдаланувчиларни компьютер ва ахборот технологияларига бўлган қизиқишини сусайтирмайди, чунки нафақат таълим соҳасида, балки барча соҳаларда кенг қўлланилаётган тушунчалар ҳисобланади.

Компьютер ва ахборот технологияларидан таълим жараёнида фойдаланишда, албатта уларнинг натижаси тушунарлироқ, аниқроқ ва самаралироқ бўлиши лозим[1. 3-б.]. Бизга маълумки, хар қандай таълим жараёни доимо маълум бир ўқитиш услубиятига, яъни методикасига таянади. Бошқача айтганда методика-бу технология, ишлаб чиқариш жараёни эмас, балки ўқитиш жараёнидир. Технологик жараён эса олдиндан аниқланган ва кўрсатилган амаллар кетмакетлигидан иборат бўлиб, унинг бажарилиши натижасида қўйилган масалани ечиш усули танланади, ечими олинади ва таҳлил қилинади. Ана шунинг учун ҳам технологик жараён маълум бир жиҳатдан алгоритмга ўхшашдир.

Ҳозирги кунда таълим жараёнида ахборот ва телекоммуникацион воситалар ёрдамида ўқитишнинг кўплаб замонавий технологияларидан фойдаланилмоқда. Ана шулардан бири мультимедиа технологиясидир. Мультимедиа бу- аниқ бир маҳсулот сифатида мужассамлашган график, аудиомусиқа, видео-расмлар, ахборотлар, анимациялардан иборат бўлиб, унда фойдаланувчи учун тескари мулоқотнинг ҳам имконияти мавжуддир. Педагоглар математика ўқитиш жараёнида янги ахборот ва телекоммуникацион воситаларни мукаммал татбиқ қилишлари учун қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиши лозим:

- ўқитиш жараёни ўқитувчи учун жуда қулай ахборот ва компьютер технологиялари воситалари билан таъминланилиши (замонавий компьютер, мультимедиа, факс-модем, сканер, электрон доска, Интернет тармоғи);
- ўқитувчи учун нафақат компьютернинг ишлаш тезлиги, балки унинг мулоқот воситасининг енгиллиги ва қулайлиги муҳим, яъни ўқитувчи ўзининг фанлари учун компьютерни танлаш ва бесамара ишлатишда қимматли вақтини сарфламаслиги;
- ўқитувчига компьютерларни қўллашда методик синовдан ва тажрибадан ўтган замонавий ўқитиш моделларини тавсия этиш лозим;

-ҳар бир ўқитувчи учун малакасини ошириш имкониятини таъминлаш зарур, яъни янги ахборот технологиялар воситалари билан танишиш ва амалда уларнинг жиҳозларининг қўлланилиш афзалликларини ўрганиш.
Замонавий рақамли иқтисодиёт –бу янги технологиялар, платформалар ва бизнес моделлари яратиш ва уларни кундалик ҳаётга жорий этиш орқали мавжуд иқтисодиётни янгича тизимга кўчириш бўлиб, қуйидаги қулайликларга эга:
-тўловлар учун харажатлар камаяди (масалан, банкка бориш учун йўлкира ва бошқа ресурслар тежалади).
-товарлар ва хизматлар ҳақида кўпроқ ва тезроқ маълумот олинади.
-рақамли дунёдаги товар ва хизматларнинг жаҳон бозорига чиқиш имкониятлари катта.
-истеъмолчи фикрини тез олиш ҳисобига товар ва хизматлар жадал такомиллаштирилади. -тезроқ, сифатлироқ, қулайроқ.

Тажриба кўрсатиб турибдики, рақамли иқтисодиёт инсонларнинг турмуш даражасини сезиларли даражада оширади, бу унинг асосий фойдасидир. Давлатнинг рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўлини танлаганлиги ахборот технологиялари соҳасида ва умуман, электрон ҳужжатлар айланмаси соҳасида янги йўналишлар очиб беради. “Рақамли технологиялар” томон бурилишга бутун жаҳон интернет тармоғи ва сифатли алоқанинг ривожланиши сабабчи бўлди.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда аввало шу соҳага керакли кадрлар масаласини, уларни тайёрлайдиган таълим соҳасига эътиборни қаратишни таклиф қилган ҳолда, қуйидагича хулоса килиш мумкин: -рақамли иқтисодиёт тўғрисида замонавий илмий ва амалий асарлар яратиш -замонавий рақамли иқтисодиёт талабларига жавоб берадиган меҳнат бозорини ташкил қилиш механизмларини ишлаб чиқиш -юқори малакали дастурчилар ва соҳа мутахассисларини тайёрлашни йўлга қўйиш -рақамли иқтисодиёт соҳасидаги хорижий тажрибаларни ўрганиш ва уларни республика иқтисодиётига татбиқ қилиш -электрон платформали технологиялардан фойдаланган холда иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларига миллий тизимлар яратиш Юқорида айтиб ўтилган фикр ва ғояларга асосан шуни айтишимиз мумкинки, ушбу билдирилган таклифлар рақамли трансформацияга тўсиқ бўлаётган айрим муаммоларнинг бартараф этилишида алоҳида аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Концепция информатизации образования. Информатика и образование. М., 1990, N1. Стр. 3.

2. Howkins J. The Creative Economy: How People Make Money from Ideas. London: Penguin, 2001
3. Benkler Y. The Wealth of Networks: How Social Production Transforms Markets and Freedom. New Haven, Conn: Yale University Press, 2006. 515 p.
4. Гулямов С.С. va boshqalar. Raqamli iqtisodiyotda blokcheyn texnologiyalari. T.: Iqtisod Molia , 2019. 396 b 4. Negroponte N. Being Digital. New York: Alfred A. Knopf, 1995. 272 p.

ПУЛ ИСЛОХОТЛАРИДА ИНФЛЯЦИОН ТАРГЕТЛАШ РЕЖИМИ

Юлдашев Фарходбек Абдумуталибович
ТДИУ, Андижон факултети “Мутахассислик фанлари” кафедраси катта ўқитувчиси, и.ф.н.

Аннотация. Бозор иқтисодиёти шароитида пул-кредит сиёсатини юритишнинг самарали усуллари сифатида инфляцион таргетлаш режимидан кўп мамлакатлар томонидан фойдаланилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонига асосан қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Бунинг натижасида эришилган ютуқлар ва камчиликлар, уларни бартараф этиш бўйича айрим фикр ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар. Инфляция, таргетлаш, Марказий банк, пул-кредит сисати, молия бозори, валюта курси, нарх.

Мамлакатимизда аҳоли турмуш даражасини яхшилаш ва барқарор иқтисодий ўсиш учун шароитлар яратишга қаратилган иқтисодий ислоҳотлар самарадорлигини таъминлашнинг муҳим омили - инфляция даражасини янада пасайтириш борасидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2019 йил 18 ноябр ПФ-5877-сон Фармонига асосан қатор хуқуқий хужжатлар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Бунга кўра концепция, чора-тадбирлар режаси, йўл харитаси ва бошқалар амалда кучга кирди.

Бозор иқтисодиёти шароитида пул-кредит сиёсатини юритишнинг самарали усуллари сифатида инфляцион таргетлаш режимидан кўп мамлакатлар томонидан фойдаланилмоқда. Бунда марказий банкнинг пул-кредит бозоридаги фаол иштироки, шунингдек, иқтисодий ривожланишнинг

мунтазам таҳлили ва давлат сиёсати режаларининг кенг ёритиб борилиши инфляциянинг миқдорий мақсадларига эришишни таъминлайди, деб таъкидланган.

Инфляцион таргетлаш (ИТ) режими бизга хорижий тажриба сифатида кириб келди. Халқаро валюта фондининг тавсияси билан ИТ режимига ўтиш бўйича дастлабки чора-тадбирлар амалда қўлланилди ва қуйидаги натижаларни кўрсатди:

✓ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (ЎРМБ) 2017 йилнинг сентябрь ойида янги ёндашувни қабул қилди ва унга кўра пул-кредит сиёсати мақсади нархлар барқарорлигига эришишга ўзгартирилди;

✓ 2020 йил январда ЎРМБ ИТга ўтиш ва 2021 йилнинг охирида инфляцияни 10 фоизга ҳамда 2023 йилнинг охирида 5 фоизга туширилиши мақсад сифатида белгиланди. Лекин амалда 9% дан ортиқроқни ташкил этди;

✓ 2017 йилдан бошлаб олдинги алмашув курсига боғлиқликдан фаол пул-кредит сиёсатига ўтилди, бунда аввалига банклар ликвидлиги ЎРМБнинг операцион мақсадли кўрсаткичига айланди ва кейинроқ эса улар асосий ставка ва пул бозори фоиз ставкасига алмаштирилди;

✓ Инфляцияни ва бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларни қисқа муддатли прогнозлаш моделлари ишлаб чиқилди. ЎРМБ таҳлилий салоҳиятни ривожлантириш учун FPAS[i] моделини жорий этди;

✓ ЎРМБ 2018 йилдан бошлаб, пул-кредит сиёсатининг чораклик шарҳини эълон қилмоқда, хар ойда статистик бюллетенни эълон қила бошлади;

✓ 2019 йилнинг охирида (янги таҳрирдаги) валютани тартибга солиш, тўлов тизими ва банклар фаолияти тўғрисидаги қонунлар тасдиқланди. Имтиёзли кредитлар Марказий банкнинг асосий ставкасидан паст ставкада берилиши мумкин эмаслиги борасида қарор қабул қилди;

✓ 2017 йил сентябрь ойидаги 50 фоизли девальвация оқибатида инфляциянинг вақтинчалик ошишидан сўнг пул-кредит шароитларини изчил қатъийлаштириш натижасида инфляция пасайиш тенденциясига эга бўлди. Аммо, инфляция ҳали ҳам нисбатан юқори даражада;

✓ Алмашув курси умуман олганда асосий кўрсаткичларга мувофиқ ҳолда ҳаракат йўналишига эга бўлди. Аммо, бозорда амалиётлар ҳажмининг маълум даражада камлиги ҳамда ҳукумат ва давлат корхоналари йирик операциялари мавжудлиги шароитида ЎРМБ кескин тебранишларни олдини олиш мақсадида кунлик интервенцияларни амалга ошириш заруриятига дуч келмоқда;

✓ Молия бозорининг ривожланмаганлиги, юқори долларлашув даражаси, давлатнинг кредитлаш дастурлари, иқтисодиётда давлат банклари ва давлат корхоналари улушининг юқорилиги пул-кредит сиёсатининг трансмиссиясини чекловчи асосий омиллардан ҳисобланади. Банклараро пул бозори 2020 йил бошидан буён жадал ривожланган бўлса-да, бозор сегментациясининг айрим

белгилари ҳали ҳам мавжуд, айрим банклар бозорда доимий равишда қарз олувчи ёки кредитор сифатида қатнашиб келмоқда.

✓ Юқори долларлашув даражаси ҳам пул-кредит сиёсати трансмиссиясига тўсқинлик қилади. Юқори долларлашув пул-кредит сиёсати орқали таъсир кўрсатиш мумкин бўлган кредитлар ва депозитлар базасини қисқартиради. Долларлашув даражаси қанчалик юқори бўлса, пул-кредит сиёсати трансмиссияси шунчалик паст бўлади;

✓ Давлат банкларининг устунлиги ва давлат кредитлаш дастурлари ҳам пул-кредит сиёсати трансмиссиясини чеклайди. Мамлакатда 31 та банкдан 11 таси давлат банки бўлиб, банк сектори активларининг қарийб 82 фоизини ташкил қилади.

Юқоридаги келтирилган маълумотлар хорижий экспертлар томонидан олиб борилган ўрганишлар ва тахлиллар асосида келтирилган. Инфляцион таргетлаш жараёнларини кузатиш ва эришилган ютуқ хамда камчиликларни инобатга олиб қуйидаги тавсиялар ўринли, деб хисоблаймиз:

➢ Марказий банк мустақиллиги, шаффофлиги ва бошқарувини янада такомиллаштириш орқали фаолият самарадорлигини оширишга эришиш мумкин. Ишончни ошириш пул-кредит сиёсатининг самарадорлиги учун муҳим аҳамиятга эга;

➢ Инфляцияга таъсир этувчи сиёсат масалалари бўйича ҳукумат билан ҳамкорликни кучайтириш зарур. Имтиёзли кредитлаш дастурлари, коммунал хизматлар нархларини тартибга солиш ва давлат секторидаги иш ҳақи сиёсати пул-кредит сиёсати трансмиссиясига ва инфляцияга таъсир кўрсатадиган муҳим сиёсатлардан ҳисобланади;

➢ Валюта курсининг тебранувчанлиги ошириш орқали унинг инфляцион кутилмаларга таъсирини камайтириш мумкин. Алмашув курсининг мўътадил тебранишлари ва олдиндан тахмин қилиб бўлмайдиган холатларида иқтисодиётимиз курснинг динамикасига унчалик аҳамият бермайди ва бу, ўз навбатида, валюта курси ва инфляция ўртасидаги боғлиқликни камайтиради. Бу эса, ўз навбатида, валюта бозорини ривожлантиришни талаб қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2019 йил 18 ноябр ПФ-5877-сон Фармони.

2. “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги Ўз.Р. Қонуни, 2019 й. ноябр.

“Ўзбекистоннинг инфляцион таргетлаш режимига ўтиши”. Муайяд аль Расаси, Эзекель Кабезон. ХВФ тадқиқот иши. 2022 й.

O’ZBEKISTONDA SOLIQ SIYOSATINI TAKOMILLASHTIRISHNING USTIVOR YO’NALISHLARI

Qurbonov Jasurbek Fozilovich
TDIU Andijon fakulteti, “Mutaxasislik fanlari” kafedrasi dotsemti, PhD
Alijonov Mavlonbek Abdusamad o’g’li
TDIU Andijon fakulteti “Bank ishi va audit” yo’nalishi 2-kurs talabasi

Annotatsiya: Maqolada soliq yukini izchillik bilan kamaytirish, soliq solish tizimini soddalashtirish va soliq ma’muriyatchiligini takomillashtirish iqtisodiyotni jadal rivojlantirish hamda mamlakatning investisiyaviy jozibadorligini yaxshilashda soliq siyosatini ustivor yo’nalishlari bayon etilgan. Shu bilan birga, mazkur sohada bir maromda iqtisodiy o’sishga, ishbilarmonlik va investisiyaviy faollikni oshirishga, sog’lom raqobat muhitini shakllantirishga, shuningdek, soliqlar va boshqa majburiy to’lovlar yig’iluvchanligining zarur darajasini ta’minlashga to’sqinlik qilayotgan bir qator tizimli muammolar ochib berilgan hamda zamonaviy axborot-kommunikasiya texnologiyalarini keng joriy etish hisobiga soliq qonunchiligini soddalashtirish yuzasidan aniq tavsiya va xulosalar ilmiy jihatdan asoslab berilgan.

Kalit so’zlar: soliqlar, soliq siyosati, soliq kodeksi, investisiya, majburiy to’lovlar, axborot-kommunikasiya, imtyozlar, erkinlashtirish, soddalashtirish.

Soliq yukini izchillik bilan kamaytirish, soliq solish tizimini soddalashtirish va soliq ma’muriyatchiligini takomillashtirish iqtisodiyotni jadal rivojlantirish hamda mamlakatning investisiyaviy jozibadorligini yaxshilash - soliq siyosatini takomillashtirishning ustivor yo’nalishlari hisoblanadi.

Shu bilan birga, mazkur sohada bir maromda iqtisodiy o’sishga, ishbilarmonlik va investisiyaviy faollikni oshirishga, sog’lom raqobat muhitini shakllantirishga, shuningdek, soliqlar va boshqa majburiy to’lovlar yig’iluvchanligining zarur darajasini ta’minlashga to’sqinlik qilayotgan bir qator tizimli muammolarni ko’rsatdi, xususan:

-birinchidan, umumbelgilangan soliqlarni to’lovchilar uchun soliq yuki darajasining yuqoriligi, shuningdek, soliq solishning soddalashtirilgan va umumbelgilangan tizimida soliqlarni to’laydigan xo’jalik yurituvchi sub’ektlar o’rtasidagi soliq yuki darajasidagi farqning sezilarliligi;

-ikkinchidan, qo’shilgan qiymat solig’ini undirishning samarasiz tizimi, soliq to’lovchilarning aylanma mablag’larini jalb qiladigan, shuningdek, iste’mol mahsulotining oraliq va yakuniy qiymati qimmatlashishiga olib keladigan hamda yirik va kichik biznes o’rtasidagi kooperasiyaning rivojlanishiga to’sqinlik qiladigan majburiy to’lovlarning mavjudligi;

-uchinchidan, soliq to’lovchilar tomonidan xodimlarning Real sonini va mehnatga haq to’lash fondini yashirishga olib keluvchi mehnatga haq to’lash fondi soliq stavkalarining yuqoriligi;

-to’rtinchidan, imtiyozlarning samaradorligini monitoring va nazorat qilish bo’yicha ta’sirchan tizimning mavjud emasligi sababli sog’lom raqobatni ta’minlashga salbiy ta’sir ko’rsatuvchi, xo’jalik yurituvchi sub’ektlarni soliq va bojxona, shu jumladan individual xususiyatga ega bo’lgan imtiyozlar hisobiga qo’llab-quvvatlash amaliyotining keng tarqalganligi;

-beshinchidan, davlat organlari va tashkilotlari o’rtasida axborot almashish mexanizmlarining, elektron soliq ma’muriyatchiligi hamda soliq nazoratini amalga oshirish shakl va uslublarining takomillashmaganligi;

-oltinchidan, o’tkaziladigan nazorat tadbirlarining sifatiga salbiy ta’sir ko’rsatuvchi va insofli tadbirkorlik sub’ektlarining faoliyatiga aralashishlarni kamaytirishga to’sqinlik qiluvchi nazorat faoliyatini amalga oshirishda xavf-xatarlarni tahlil qilish va boshqarishning aniq tizimi yo’qligi;

-yettinchidan, mahalliy soliq va yig’imlarning ma’muriyatchiligi mexanizmlarining samarasizligi oqibatida ularning yig’iluvchanlik darajasi etarli emasligi, shuningdek, ko’chmas mulk va er uchastkalarini to’liq hisobga olish va qiymatini ob’ektiv aniqlashning mavjud emasligi.

Mavjud tizimli muammolarni bartaraf etish, O’zbekiston Respublikasi Prezidentining "O’zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo’yicha harakatlar strategiyasi to’g’risida"gi 2017 yil 07-fevral PF-4947-sonli va "2022-2026 yillarga mo’ljallangan yangi O’zbekiston taraqqiyot strategiyasi to’g’risida"gi 2022 yil 28-yanvar PF-60-sonli Farmonilari asosida belgilangan soliq yukini kamaytirish va soliq solish tizimini soddalashtirish, soliq ma’muriyatchiligini takomillashtirish vazifalarini amalga oshirish maqsadida, shuningdek, keng jamoatchilik muhokamasi natijalari hamda xalqaro valyuta jamg’armasi, Jahon banki va xalqaro ekspertlarning tavsiyalaridan kelib chiqib quyidagilar O’zbekiston Respublikasining soliq siyosatini takomillashtirish asosiy yo’nalishlari etib belgilandi;

-iqtisodiyotga soliq yukining darajasini kamaytirish, shuningdek, soliq solishning soddalashtirilgan va umumbelgilangan tizimi bo’yicha soliqlarni to’laydigan xo’jalik yurituvchi sub’ektlar o’rtasidagi soliq yuki darajasidagi nomutanosibliklarni bartaraf etish;

soliqlarni unifikasiya qilish orqali ularning sonini optimallashtirish, shuningdek, o’xshash soliq solish bazasiga ega bo’lgan soliqlarni birlashtirish, soliq hisobotlarini qisqartirish va soddalashtirish, operasion xarajatlarni minimallashtirish;

-makroiqtisodiy vaziyatning barqarorligini, O’zbekiston Respublikasi Davlat byudjeti va uning daromadlarini shakllantirishning mustahkamligini ta’minlash;

-soliq qonunchiligini soddalashtirish, soliq munosabatlari sohasida normative huquqiy hujjatlardagi qarama-qarshiliklar va ziddiyatlarni bartaraf etish, insofli soliq to’lovchilarning huquqlari va qonuniy manfaatlari himoyasini kuchaytirish;

-soliq solish masalalarini tartibga soladigan havolaki normalar va qonun osti hujjatlarini maksimal darajada cheklagan holda, soliq qonunchiligining barqarorligini hamda O’zbekiston Respublikasi soliq kodeksi normalarining to’g’ridan-to’g’ri amal

qilishini ta’minlash, shu jumladan Kodeksda soliqlar va boshqa majburiy to’lovlar stavkalarining miqdorlarini belgilash;

-xorijiy investorlar va investisiyalar uchun qulay rejimni saqlab qolish, ularni har tomonlama qo’llab-quvvatlash va ishonchli huquqiy himoyalash;

-soliq nazoratining shakl va mexanizmlarini, shu jumladan soliq solish ob’ektlari hamda soliq to’lovchilarni yanada to’liq qamrab olish va hisobini ta’minlaydigan zamonaviy axborot-kommunikasiya texnologiyalarini keng joriy etish hisobiga takomillashtirish, transfer narxlarni shakllantirish bilan bog’liq operasiyalarga soliq solish tartibini joriy etish, kabi soliq siyosatining eng muhim asosiy yo’nalishlari belgilab olindi.

Dunyo tajribasidan ma’lumki, iqtisodiyotni soliq siyosatini takomillashtirish orqali tartibga solish instrumenti har qanday mamlakatning eng muhim yo’nalishi hisoblangan moliyaviy siyosatning dolzarb masalalardan hisoblanadi. Chunki sof fiskal funktsiyadan tashqari soliq siyosati ijtimoiy ishlab chiqarishga, uning tarkibiy tuzilishiga va dinamikasiga, joylashishiga, ilmiy-innovasiya taraqqiyotini jadallashtirishga iqtisodiy ta’sir ko’rsatuvchi asosiy mexanizm bo’lib ham xizmat qiladi.

Mamlakatimizda keng qamrovli ijtimoiy-iqtisodiy islohotlarni izchil da’vom ettirish, milliy iqtisodiyotni rivojlangan zamonaviy bozor iqtisodiyoti darajasiga ko’tarish, eksportga yo’naltirilgan ishlab chiqarish tarmoqlarini vujudga keltirish, jahon iqtisodiyoti integrasiyasiga jadal kirib borishda moliyaviy siyosatning asosiy ustivor yo’nalishi bo’lgan soliq siyosati dolzarb ahamiyat kasb etadi.

Soliq siyosatining o’zi nima, uning asosini nima tashkil etadi, tarkibiy qismlari nimalardan iborat, bu siyosat ishlab chiqilayotgan paytda nimalarga e’tibor berish kerak, uning zamonaviy dolzarb muammolari nimalar va ularni qanday qilib hal qilish maqsadga muvofiq?

Shu munosabat bilan ushbu masalaga aniqlik kiritishda, bizningcha, uning quyidagi jihatlariga e’tibor bermoq lozim:

-makroiqtisodiy siyosat iqtisodiy siyosatning tarkibiy bir qismi. Uning bunday ko’rinishi iqtisodiy siyosat tur (ko’rinish)larining ma’lum bir belgilarga iqtisodiy siyosatning qaysi darajada ketayotganligiga qarab turkumlarga ajratish natijasi hisoblanadi;

-moliyaviy siyosat ham iqtisodiy siyosatning tarkibiy bir qismi. Uning bunday ko’rinishi iqtisodiy siyosat tur (ko’rinishlarining boshqa bir belgi iqtisodiy siyosatni amalga oshiruvchi instrumentlarga) qarab turkumlarga ajratish natijasidir;

-ma’lum ma’noda va ba’zi bir istisnolarni hisobga olgan holda, bir vaqtning o’zida moliyaviy siyosatni iqtisodiy siyosatning va makroiqtisodiy siyosatning ham tarkibiy qismi sifatida e’tirof etish mumkin;

-xalqaro amaliyotda makrodarajada fiskal siyosat to’g’risida gap ketganda, uning konkret mazmuni byudjet-soliq siyosati orqali namoyon bo’layotgan bo’lishiga qaramasdan, bu narsa byudjet-soliq siyosatining faqat va faqat makroiqtisodiy

siyosatning tarkibiy qismi sifatida e’tirof etilishiga etarli darajada asos bo’laolmaydi. Chunki aslida, o’shanda ham makrodarajadagi fiskal siyosatni moliyaviy siyosatdan ajratib bo’lmaydi.

Ko’p hollarda, haqiqatdan ham xorij amaliyotida "fiskal siyosat" deyilganda "moliyaviy siyosat" nazarda tutiladi va aksincha;

-byudjet-soliq siyosati moliyaviy siyosatdan ajralgan holda, mustaqil ravishda, iqtisodiy siyosatning ham va makroiqtisodiy siyosatning ham tarkibiga bevosita (to’g’ridan-to’g’ri) kiraolmaydi;

-iqtisodiy siyosat doirasida soliq siyosati xususida gap ketayotganda moliyaviy siyosat to’g’risida gap ketmayapti, deb bo’lmaydi;

-makroiqtisodiy siyosat doirasida ham soliq siyosati to’g’risida gap ketganda uni moliyaviy siyosatdan ajralgan holda tasavvur etish mumkin emas

-har bir mamlakatda soliq siyosatining ishlab chiqilishi va hayotga tadbiq etilishi, o’z-o’zidan emas, balki ob’ektiv reallikka asoslanadi. Bu erda, eng avvalo, inobatga olinishi lozim bo’lgan narsa shu mamlakatda bozor munosabatlari unga o’tishning qanday modeliga borib taqalishi bilan belgilanadi.

Soliq siyosati o’rganishda zamonaviy soliq siyosatini ishlab chiqish va uni hayotga tadbiq etishning fundamental asoslariga jiddiy e’tibor qaratilishi muhim o’rin tutadi.

Ular soliqlar,

-soliq tizimi va soliq siyosatidagi vaziyat;

-soliqqa tortish nazariyasining eng dolzarb muammosi va soliq siyosati;

-soliq tizimi, soliqqa tortish va soliq to’g’risidagi qonun hujjatlarining printsiplari, ularning soliq siyosati hayotiychanligiga ta’siri;

-iqtisodni tartibga solish instrumenti sifatida soliqlar va soliq siyosati;

-soliq siyosati va xorijiy investisiyalarni jalb qilish masalalari kesimida bayon qilindi.

Soliq siyosatining zamonaviy dolzarb muammolari, ularga nisbatan bildirilayotgan e’tirozlar, muammolarni hal etish va e’tirozlarni yumshatish yo’llari ham hozirgi sharoitda soliq siyosatinig dolzarb masalalaridan biri hisoblanadi.

Xulosa

Hozirgi global sharoitda zamonaviy soliq siyosatini ishlab chiqish va uni hayotga tadbiq etishni uning fundamental asoslarini aniqlab olishsiz tasavvur etib bo’lmaydi. Soliqlar muammosi bizning mamlakatimizda amalga oshirilayotgan iqtisodiy islohotlar amaliyotidagi eng murakkab muammolardan biri hisoblanadi. Bugungi kunda juda keskin tanqidga uchrayotgan, juda qaynoq munozaralarga sabab bo’layotgan, isloh qilish bo’yicha tahlil ob’ekti va qarama-qarshi g’oyalarga ega bo’layotgan soliqlardan bo’lak islohotlarning boshqa bir yo’nalishi yo’q. Tabiiyki, ideal (benuqson) soliq tizimini jamiyatdagi iqtisodiy munosabatlarning o’ziga xos xususiyatlari, undagi yaratilgan ilmiy va ishlab chiqarish salohiyatini hisobga oluvchi muhim nazariy asos yordamidagina yaratish mumkin.

Iqtisodiyotga soliq yukining darajasini kamaytirish, shuningdek, soliq solishning soddalashtirilgan va umumbelgilangan tizimi bo’yicha soliqlarni to’laydigan soliq to’lovchilar o’rtasidagi soliq yuki darajasidagi nomutanosibliklarni bartaraf etish;

Soliqlarni unifikasiya qilish orqali ularning sonini optimallashtirish, shuningdek, o’xshash soliq solish bazasiga ega bo’lgan soliqlarni birlashtirish, soliq hisobotlarini qisqartirish va soddalashtirish, operasion xarajatlarni minimallashtirish;

Makroiqtisodiy vaziyatning barqarorligini, davlat byudjeti va uning daromadlarini shakllantirishning mustahkamligini ta’minlash;

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O’zbekiston Respublikasining 2021 yil 30 dekabr "2022 yil uchun O’zbekiston Respublikasi Davlat byudjeti to’g’risida"gi O’RQ-742-sonli Qonuni. https://www.lex.uz/uz/docs/5801127
2. O’zbekiston Respublikasining Soliq kodeksi. 2020 yil, 01 yanvar. https://lex.uz/docs/-4674902
3. O’zbekiston Respublikasining Budjet kodeksi. 2014 yil, 01 yanvar. https://lex.uz/docs/-2304138
4. O’zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksi. 1997 yil 01 mart. https://lex.uz/docs/111189
5. Moliya: nazariy asoslar: O’quv qo’llanma / T.S.Malikov; –T.: "Iqtisod-Moliya", 2021.
6. Tilabov N.T. “Moliya” fanidan o’quv uslubiy qo’llanma

INFLYATSIYANING IJTIMOIY IQTISODIY OQIBATLARI

Qurbonov Jasurbek Fozilovich,
i.f.f.d, dotsent,
Sattoralıyev Tolıbjon
TDIU Andijon fakulteti “BXA”ta’lim
yo’nalishi 2-kurs talabasi

Annotatsiya: *Ushbu maqolada, ijtimoiy-iqtisodiy sohada sodir bo'lgan inflatsiyaning oqibatlari mavzusiga bag'ishlangan. Maqolada inflatsiyaning ijtimoiy va iqtisodiy oqibatlari tahlil qilinadi. Inflatsiya tushunchasi, sabablari va xususiyatlari, sodir bo'lishi mumkin bo'lgan oqibatlari va uning ijtimoiy-iqtisodiy sohada tashkil topishi masalalari ko'rib chiqiladi.*

Tayanch so`z va iboralar: *Inflyatsiya,narx,valyuta, narx indeksi, tovar,moliya, investitsiya, investor, talab,taklif, daromad, import, eksport, istemol, xarajat, soliq.*

Kirish.

Inflyatsiya - lotincha “inflatio” so'zidan olingan bo'lib, “shishish”, “bo'rtish”, “ko'tarilish” degan ma'nolarni anglatib, mamlakatdagi tovar va xizmatlar bahosi

umumiy darajasining oshishi (o'sishi) tushuniladi. Narxlarning umumiy darajasi ko'tarilishi natijasida mamlakat pul birligi (milliy valyuta) xarid qobiliyatining pasayishi ro'y beradi. Bu esa o'z navbatida, davlat pul birligining qadrsizlanishiga olib keladi.

Pulning qadrsizlanishi deganda, bir xil miqdordagi pulga vaqti kelib kamroq bo'lgan tovar va xizmatlarni sotib olish, ya'ni sotib olinishi mumkin bo'lgan tovar va xizmatlar miqdorining vaqti kelib kamayishi tushuniladi.

Misol uchun, yilning boshida 100 ming so'mga sotib olish mumkin bo'lgan kundalik iste'moldagi tovar va xizmatlarning miqdori yilning oxiriga kelib kamayadi. Bu esa 100 ming so'mga yilning oxirida yilning boshidagiga nisbatan xuddi o'sha tovar va xizmatlarni kamroq miqdorda sotib olish demakdir.

Inflyatsiyaning asosiy ko'rsatkichi bo'lib iste'mol narxlari indeksining ma'lum bir davrdagi o'zgarishi hisoblanadi.

Iste'mol narxlari indeksi – uy-xo'jaliklari talabidan kelib chiqib, ma'lum bir tovar va xizmatlar umumiy narxlarining o'rtacha o'zgarish darajasini aks ettiradi. Ushbu umumiy ko'rsatkich iste'mol savatidagi har bir tovar va xizmat uchun narxlarning o'zgarishini inobatga olgan holda hisoblanadi.

Mamlakat ichidagi tovar va xizmatlar bahosining o'sib borishiga ko'ra inflyatsiya turli darajalarda bo'ladi:

Bugungi kunda har qanday darajadagi inflyatsiya salbiy jihatga ega degan fikr ommada mavjud bo'lib, aslini olganda inflyatsiyaning har qanday darajasi ham iqtisodiyot uchun zararli emas. Iqtisodiy o'sish uchun kam foizli barqaror inflyatsiya bu tabiiy jarayon.

Past darajadagi inflyatsiya iqtisodiyotda qo'shimcha talab yaratishi orqali iqtisodiy o'sishga turtki beradi. Inflyatsiyaning umuman yo'q bo'lishi esa iqtisodiyotning o'sish sur'atini pasaytirib yuborishi mumkin. Shiddatli inflyatsiya kelgusida yuqori inflyatsiyaga olib kelib, iqtisodiyotni izdan chiqarishi mumkin. Shu nuqtai nazardan past darajadagi barqaror inflyatsiya ijobiy hisoblanadi.

Inflyatsiyani kelib chiqishiga ko'ra ikki toifaga ajratish mumkin:

Talab inflyatsiyasi	Taklif inflyatsiyasi
Inflyatsiyaning bu turi talabning keskin oshishi natijasida iqtisodiyotda pul taklifining oshishiga yoki xaridorlar tomonidan inflyatsion kutilmalarni shakllanishiga olib keladi. Soddaroq qilib aytganda, ishlab chiqarish sohasi aholining talabini to'la qondira olmaydi, taklifga nisbatan talab oshib ketadi. Natijada tovar va xizmatlar narxlari o'sadi.	Inflyatsiyaning bu turi ishlab chiqarish xarajatlarining keskin oshishi natijasida sodir bo'ladi. Ya'ni, har xil jarayonlar va tarkibiy o'zgarishlar (soliqlar o'zgarishi, energiya resurslari narxlari oshishi, davlat tomonidan tartibga solinadigan narxlar oshirilishi va boshqalar) tufayli mehnat unumdorligining pasayishi natijasida mahsulot ishlab chiqarishga ketgan xarajatlar oshadi. Natijada ishlab

	chiqariladigan tovar va xizmatlarning narxlari oshadi.

Ijtimoiy sohadagi inflatsiya, umumiy narxlarning o'sishi va pulning erkinliklari bilan bog'liq bo'lgan jarayondir. Bu inflatsiya, tovar va xizmatlarning narxlari vaqt o'tishi bilan yuzaga keladi.

Inflatsiya odatda narxlar bo'yicha o'zgarishlar orqali ifodalangan. Tovar va xizmatlarning narxlari o'sishi umumiy daromadning va pulning sifatining o'zgarishi, talab va taklif bilan bog'liq bo'lishi mumkin. Narxlar o'sishi esa uning asosiy sababi bo'ladi.

Ijtimoiy sohada inflatsiya, ko'p millatli tijorat muhitida, moliya siyosati va davlat siyosati tomonidan amalga oshirilgan siyosiy o'zgarishlarga bog'liq bo'lishi mumkin. O'zgartirilgan sanoat mahsulotlarining chiqarish narxlari, tovar eksport va importi, sug'urta, pensiya to'lovlari va boshqa muhim mavzular ham ijtimoiy sohadagi inflatsiyani ta'sir qilishi mumkin.

Inflatsiya ijtimoiy-iqtisodiy sohada bir qancha muammolar keltirishi mumkin. Bu muammolar o'z ichiga savdo muammo-lari, yurti bilan tashkilotlar o'rtasidagi xaridorlar savdo muammolari, tovar xizmatlarining sifatini pastalashtirishi, xaridorlarning sarmoyasiga ta'sir qilishi va boshqalar kabi mavzularni o'z ichiga oladi.

Ijtimoiy sohadagi inflatsiya kuzatib borilishi, to'xtatish yoki nazorat qilinishi lozim bo'lgan muhim masalalardan biridir. Savdo tashkilotlari, moliya siyosati ishtirokchilari va o'zgarishi kuzatish tarkibiga mansub tashkilotlar inflatsiyani tartibga solish yo'llarini izlashlari kerak

Iqtisodiy sohada inflyatsiya, umumiy narxlarning o'sishi va pulning sotiladigan qiymatining kamayishi bilan bog'liq bo'lgan maqsadli o'sishdir. Inflyatsiya, mablag'lar navbatida to'planayotgan vaqt davomida sodir bo'ladi va uning darajasi odatda yillik baza hisobida ifodalangan. Inflyatsiya yuqori darajada bo'lsa, narxlarning o'sishi va pulning sotiladigan qiymatlari ko'p darajada qo'shiladi. Buning natijasida o'sish har qanday mamlakat uchun iqtisodiy tasarruflarni va soliq to'lovlarni tasir etishi mumkin. Inflyatsiya darajasining yuqori bo'lishi tomonidan esa eksport uchun foydali bo'lishi mumkin.

Narxlarni to'g'ridan-to'g'ri mamlakatda talabning yanada ko`payishi ayrim xaridorlar uchun pul almashishining ko'payishi va iste'molchilar uchun savdo kuchining pasayishi kabilar inflyatsiyaga sabab bo'lishi mumkin. Inflyatsiyani to'g'ri hisoblash va uning tasirini ma'lum etish uchun esa iqtisodiy tahlil qo'llanmalari va statistik ma'lumotlar ishlatiladi.

Inflyatsiya, pulning umumiy narxlar darajasidagi o'sishiga aytiladi. Uning ijtimoiy sohaga tasiri va oqibatlari muhimdir:

1. Narxlarning o'sishi: Inflyatsiya natijasida, umumiy narxlar o'sadi. Bu esa, har kuni sotilayotgan mahsulotlarning narxlari o'sadi va har kuni qisqa vaqt davomida xarajatlaringizning o'sishi mumkin.

2. To'lov kuchining qisman kamayishi: Agar inflyatsiya qolgan darajaga kelgan bo'lsa, to'lovlar o'zining mablag'lariga tenglashtirilgan xarajatlardan foydalanish imkoniyati kamayadi. Bu esa, kam pulga ko`proq mahsulotni olish imkoniyatni oshiradi.

3. Qimmatli qog'ozlar bozori o'zgarishi: Inflyatsiya, qimmatli qog'ozlar bozori (masalan, obrigatsiyalar va aktsiyalar) orqali hissa sotib olish va sotish imkoniyatini o'zgartirishi mumkin. Bu esa, investorlar uchun kutilmagan xolis ishlar tug'ilishi mumkin.

Shuningdek, inflyatsiya tavsiya etiladigan pulni to'lash imkoniyatini pasaytirishi va har bir odamning puli bilan qaytara olish imkoniyatini pasaytirishi mumkin. Inflyatsiya mavjud bo'lganda, xaridorlar va sotuvchilar yangi xarajat rejalari va narxlar bilan qaytara oladilar.

Inflyatsiyani iqtisodiy sohaga tasiri va oqibatlari quyidagilardir:

1. Sotib olish istagida o'zgarish: Inflyatsiya natijasida, umumiy narxlar o'sadi. Bu esa, sotib olish istagini o'zgarishiga olib keladi. Xaridorlar narxlarning o'sishiga ko'ra mahsulotlarni va xizmatlarni kamroq sotib olishadi yoki kerakli mahsulotlarni sotib olishga imkon bermaydi.

2. Xaridorlar xarajatlarning o'sishi: Inflyatsiya bilan birga, sotib olish kuchi kamayadi. Bu esa, xaridorlarning ehtiyojini to`la qondira olmasligiga olib keladi. Xaridorlar uchun eng zararli oqibat esa, pul mablag'larining sotib olish kuchi kamaygani sababli ma'lum bir vaqt davomida istagidagi mahsulot yoki xizmatlarni sotib olishda boshqarish kuchlaridan foydalanish imkoniyatining kamayishi.

3. Xususiy iqtisodiy sohasiga ta'sir: Inflyatsiya yuzaga kelganida kelajak uchun moliyalashtirish va investitsiyalarni belgilashi murakkablashadi. Inflyatsiyaga qarshi kurashishning bir necha usullari mavjuddir, masalan, banklar tomonidan foizlar oshirishi yoki moliylashtirish siyosatchilarining pul mablag'larini kamaytirishi. Bu

esa, moliyalashtirish rejalarining nazorati va investitsiyalar bilan bog'liq iqtisodiy sohaga ta'sir qiladi.

4. Ko'p mablag'li pullarning samaradorligi: Energetika, transport, turizm kabi ko'p mablag'li sohalarda inflyatsiya iqtisodiy jarayonlarni samaradorliksiz qoldirishi mumkin. Narx o'sishi bilan birga, sohalardagi daromadlar ortishi hajmni kamaytirishi va uning natijasida investitsiyalar kamayishi mumkin. Bu esa, sohadagi bozorlarning kuchini va sifatini pasaytirishi va iqtisodiy jarayonlarni ta'sir qilishi mumkin.

Inflyatsiya iqtisodiy sohaga tasiri va oqibatlari ko'p tomonlama bo'lishi mumkin. Bu sababli, moliyaviy siyosatchilar inflyatsiya darajasini nazorat qilib, ma'naviy kuchlarni oshirishga intilish, moliyalashtirish rejalarini belgilash va sarmoya muvaffaqiyatini ta'minlash uchun to'g'ri strategiyalarni amalga oshirishadi.

Inflyatsiya, narxlarning umumiy darajasining o'sishi va pul miqdorining erkin o'sishi bilan bog'liq bo'lib, ijtimoiy iqtisodiy oqibatlarga olib keladi.

Quyida inflyatsiyaning ijtimoiy iqtisodiy oqibatlari haqida malumotlar keltirilgan.

1. Sotib olish kuchini to'xtatadi: Inflyatsiya o'sishi bilan birga tovarlar va xizmatlar narxlari yuqoriroq bo'lishi mumkin. Bu esa odamlarning sotib olish kuchini kamaytirishi natijasida, iste'mol va harajatlari qisqarib borishi bilan bog'liq bo'ladi.

2. Xarajatlarni oshiradi: Inflyatsiya o'sishi foydalanuvchilar uchun xarajatlarni oshirish sabab bo'ladi. Narxlarning o'sishi va pul miqdorining o'sishi, iste'molchilar uchun bojxona sohasida va import tovarlarni sotish uchun katta xarajatlarga olib kelishi mumkin.

3. Investitsiya va daromadning o'sishi: Inflyatsiya o'sishi, investitsiyalar va daromadning o'sishi bilan bog'liq bo'lishi mumkin. Narxlarning o'sishi, ishlab chiqarish narxlari va xizmatlar narxlari ko'payishi, korporatsiyalar uchun kengayishni ta'minlaydi va ularning daromadlarini oshiradi.

4. Qarzdorlarning aloqalari: Inflyatsiya o'sishi, qarzdorlarning moliyaviy holatiga ta'sir etadi. Pulning miqdorining o'sishi, qarzdorlarga o'tkaziladigan qarzlarining miqdorini ko'paytirishi va qarzdorliklarni boshqa moliyaviy muammo va muammolarga tushirishi mumkin.

5. Valyuta almashish oqibatlari: Inflyatsiya o'sishi va pul miqdorining o'sishi, mamlakatning valyutasi bilan bog'liq oqibatlarga olib kelishi mumkin. Agar mamlakatda inflyatsiya yuqoriroq bo'lsa, o'ziga ishoniladiganligi pasayishi va xorijiy valyutaga talabning oshishi bilan bog'liq bo'lib, mamlakatning valyutasi qiymatlari qadrsizlikka duch kelishi mumkin.

Inflyatsiyaning ijtimoiy iqtisodiy oqibatlari tarqalishi mumkin, bu sababli valyuta sifatidagi pul miqdorini nazorat qilish va iste'molchilarni qutqarish uchun tadbirlarni amalga oshirishning muhimligi haqida ekspertlarning fikrlari mavjud.

Foydalanilgan adabiyotlar.

https://cyberleninka.ru
https://uz.wikipedia.org
https://alldata.uz
https://www.collegesidekick.com

БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШДА БЮДЖЕТ-СОЛИҚ СИЁСАТИ ВА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ, УЛАРГА ЭРИШИШ ОМИЛЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Saydakbarova Madinaxon Anisbekovna
TDIU Andijon fakulteti, “Mutaxasislik fanlari” kafedrasi o’qituvchisi
madinasaydakbarova@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда бюджет-солиқ сиёсатининг ўрни хақидаги адабиётлар таҳлили ва иқтисодий ўсиш жиҳатлари ва аҳоли турмуш сифатини яхшилашга таъсир қилувчи омиллари келтирилган. Жумладан иқтисодий ўсиш жиҳатлари ва аҳоли турмуш сифатини яхшилаш борасида олиб борилган тадқиқотлар натижасида олинган хулосалар келтирилган. Шунингдек Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор, жадал ва мутаносиб равишда ривожлантириш, асосий тармоқларни диверсификация қилиш ва экспорт салоҳиятини ўстиришга йўналтирилган таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, иқтисодиёт тармоқлари, комплекслари ва корхоналарини модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш асосида уларнинг самарадорлиги ҳамда рақобатбардошлигини янада ошириш мақсадида мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг устувор йўналишлари хам келтирилган.

Annotation: This article presents an analysis of the literature on the role of budget-tax policy in ensuring sustainable economic growth and factors influencing the improvement of the quality of life of the population and the aspects of economic growth. In particular, the conclusions obtained as a result of research on the aspects of economic growth and improving the quality of life of the population are presented. In addition, in order to develop the economy of Uzbekistan in a stable, rapid and proportionate manner, to deepen the structural changes aimed at diversifying the main sectors and increasing the export potential, to modernize economic sectors, complexes and enterprises, to further increase their efficiency and competitiveness on the basis of technical and technological renewal of production in our country priority directions for ensuring growth are also presented.

Аннотация: В данной статье представлен анализ литературы о роли бюджетно-налоговой политики в обеспечении устойчивого экономического

роста и факторах, влияющих на улучшение качества жизни населения и аспектах экономического роста. В частности, представлены выводы, полученные в результате исследования аспектов экономического роста и повышения качества жизни населения. Кроме того, в целях стабильного, быстрого и пропорционального развития экономики Узбекистана углубить структурные изменения, направленные на диверсификацию основных отраслей и повышение экспортного потенциала, провести модернизацию отраслей экономики, комплексов и предприятий, дальнейшее увеличение их эффективность и конкурентоспособность на основе технического и технологического обновления производства в нашей стране также представлены приоритетные направления обеспечения роста.

Ҳозирги вақтда иқтисодий тараққиётнинг ривожланиши ҳудудларнинг табиий-иқтисодий салоҳиятидан ва имкониятларидан унумли фойдаланиш мамлакатда иқтисодий ўсишнинг асосий воситаси эканлиги учун мазкур соҳанинг назарий-иқтисодий мазмуни, унга таъсир этувчи омилларни чуқур тадқиқ этишни талаб этади.

Шунингдек барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда бюджет-солиқ сиёсатини тўғри ва ишончли таъминлаш ва юритиш хозирги куннинг долзарб муаммоларидан хисобланади.

Иқтисодий ўсиш турли нуқтаи назарлар орқали ўрганилиши сабабли, унинг интенсив ва экстенсив турларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Экстенсив иқтисодий ўсиш табиий ресурслар, ишчи кучи ва капитал каби ишлаб чиқариш омилларини қўшимча жалб қилиш ва фақат уларнинг миқдорий ошиши ҳисобига рўй беради. Интенсив йўл ишлаб чиқаришга жалб этилган ресурсларнинг ҳар бир бирлигидан олинадиган самара пировард маҳсулот миқдорининг ўсишида, маҳсулот сифатининг ошишида ўз ифодасини топади.

Макроиқтисодий барқарорлик ҳамда иқтисодиётнинг ички ва ташқи секторлари мутоносиблигини таъминлаш борасида:

- пул-кредит ислоҳоти натижасида сўнги 10 йил мобайнида йиллик инфляция даражаси 9-11% атрофида сақланиб қолинмоқда;
- самарали бюджет-солиқ сиёсати натижасида сўнги йилларда мамлакат бюджети профицит билан якунланмоқда;
- иқтисодиётни модернизациялаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш натижасида рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва ташқи савдо айланмаси ижобий сальдони ташкил этмоқда.

Демак, иқтисодий ўсиш жиҳатлари ва аҳоли турмуш сифатини яхшилаш борасида олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулоса ва таклифларни илгари суриш мумкин.

- ҳудудларда иқтисодий ўсиш даражасини ошириш, ишлаб чиқариш ва молиявий ресурсларни самарали тақсимлаш, зарур инфратузилмани шакллантиришга асосланган иқтисодий ривожланишнинг концептуал


йўналиш ва вазифаларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини таъминлаш;

- иқтисодий ўсишнинг инклюзивлигини таъминлаш, давлат бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат ташкилотлари ҳамда халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан ҳамкорликда камбағалликни қисқартириш бўйича стратегия ва дастурларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва мувофиқлаштириш;

- камбағалликни қисқартиришнинг аниқ дастак ва механизмларини ишлаб чиқиш, хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда камбағаллик даражасини аниқлаш мезонлари ва баҳолаш услубиятини, ижтимоий таъминотнинг минимал стандартлари ва меъёрий асосларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- аҳоли даромадлари табақалашувини ўрганиш бўйича тизимли ишларни олиб бориш ҳамда уларнинг давлат мақсадли дастурлари билан ўзаро мувофиқлигини таъминлаш мухимдир.


Жорий даврда, глобал ўзгаришлар ҳисобига юқори даражадаги ноаниқликнинг сақланиб қолиниши Давлат бюджетини шакллантириш ва асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни прогнозлаштиришни мураккаблаштирди. 2023 йилда ички талабнинг фаол сақланиб қолишига қарамай иқтисодий ўсишнинг секинлашиши прогноз қилинмоқда. Иқтисодий ўсиш 2022 йилдагига нисбатан пастроқ, яъни 5,3 %га прогноз қилинмоқда. Иқтисодий фаолликнинг тикланиши ҳисобига мос равишда 2024-2025 йилларда иқтисодий ўсиш 5,6 ва 6% гача кўтарилади. Бироқ, ноаниқликлар сақланиб қолинаётган шароитда турли омилли хатарлар мавжудлиги ҳисобига ушбу прогнозлар нобарқарорлигича қолмоқда.



1-расм. 2021-2025 йилларда ЯИМ ҳажми ва ўсиш суръатлари

Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Иқтисодиётнинг барча асосий тармоқларида ўсиш суръати секинлашиши кутилмоқда. Саноатнинг ўсиши 2023 йилда 5,1% гача, қурилиш - 6% гача ва хизматлар соҳаси - 6,7 % гача секинлашади.



2-расм. 2021-2025 йилларда ЯИМ таркиби, фоизда

Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Жаҳон иқтисодиётидаги ўзгаришлар ва пандемия давридаги талабнинг кечиктирилганлиги оқибатида дунё миқёсида инфляция даражаси кескин ўсди. Ўзбекистонда 2022 йилда инфляция даражаси 12,3% ни ташкил этди. Буларнинг барчаси инфляциянинг мақсадли кўрсаткичлар прогнозини ташқи хатарлар ва ички омиллар таъсири ҳисобига 2023 йилдаги 5%ни 2024-2025 йилларга силжитади. 2023 йилда инфляция 9,5% даражасида прогноз қилинди.

1-жадвал

2021-2025 ЙИЛЛАРДА ИНФЛЯЦИЯ ДАРАЖАСИ, %


	2021	2022	2023 (прогноз)	2024 (прогноз)	2025 (прогноз)
Инфляция	10,0	12,3	9,5	5-6,0	5,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Ташқи савдо айланмаси ўсишда давом этади, 2023 йилда прогноз 58,6 млн АҚШ долларини ташкил этади ёки 2022 йилда кутилаётганидан 17,1 фоизга ортиқдир.

Бу вақт ва масофанинг иқтисодий фаолиятга таъсирини муҳокама қилади ва ҳудудда бир хил бирлик сифатида ишламайди. Демак, ҳудудий микроиқтисодиёт предмети жойлашиш назарияси билан шуғулланар экан, баъзида макон иқтисодиёти атамаси ҳудудий иқтисодиётнинг синоними сифатида ишлатилади, аммо бу ҳолда макро жиҳатлардан кўра кўпроқ макон ва масофанинг аҳамиятига эътибор берилади.Турли мамлакатлар ўртасидаги ўзаро

муносабатлар ўрнига улар ҳудудлар ўртасидаги ўзаро муносабатларга эътибор беришади. Ҳудудий ривожланиш назариялари ва моделларининг турли хил спецификациялари мавжуд (3-расм).



3-расм. Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмаси

Манба: *Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари.*

3-расмда келтирилган статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистон Республикасининг умумий ташқи савдо айланмаси 2005 йилга нисбатан 2022 йилга келиб 30087,2 млн. АҚШ долларига ошиб, 36299,3 млн. АҚШ долларига етди ва бу ўз навбатида мамлакатимизнинг Халқаро бозорларда ўз ўрнига эга бўлиб бораётганлигидан далолат беради. Бунда экспорт ҳажми 2022 йилда 2005 йилга нисбатан 11863,0 млн. АҚШ долларига, импорт ҳажми 18224,1 млн. АҚШ долларига ошиб мос равишда 15127,7 млн. АҚШ доллари ва 21171,5 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, савдо баланси сальдоси -6361,1 млн. АҚШ долларига тенг бўлди.

Бу эса ўз навбатида маҳаллий бозорларда ҳам маҳсулот сифатига бўлган эҳтиёжни ортиши ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошираётганлигидан далолат беради. Натижалардан кўринадики, глобаллашув ва интеграция шароитида рақобатбардош ҳудудий иқтисодиётни шакллантириш зарурати унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини бошқаришда устун стратегик ёндашувни олдиндан белгилаб беради.

Анъанавий моделлар сифатида белгиланган ҳудудий иқтисодий ривожланиш назарияларининг биринчи гуруҳи ишлаб чиқариш меҳнат ва капиталга кириш функциясини тақдим этади. Ушбу неоклассик ўсиш назарияларида ҳудудий фарқлар пасайиши ишлаб чиқариш, капитал ва меҳнат омиллари мавжудлигига ва ҳудудлараро ҳаракатчанлигига боғлиқ. Ишлаб чиқариш функциялари бир хил бўлганлиги сабабли, капитал арзон иш кучи

билан ҳудудларга ўтишга интилади, ишчи кучи эса тескари йўналишни олади. Ушбу тенденциялар капиталнинг қайтиши ва ишчиларнинг иш ҳақи барча ҳудудларда бир хил бўлгунча давом этади.

Статистика (Descriptive Statistics) таҳлилини амалга оширамиз ва бу орқали тасодифан рўй берган бўлиши мумкин бўлган гуруҳлар орасидаги фарқнинг ишончли эканлиги эҳтимолини баҳолашдан хулоса чиқариш учун статистик маълумотлардан фойдаланамиз. Шундай қилиб, ушбу таҳлилдан умумий шароитлар ҳақида хулоса чиқариш ва олинган маълумотларда нима бўлаётганини тасвирлаш учун фойдаланилади. Бундан ташқари, тавсифловчи статистика бизга катта ҳажмдаги маълумотларни соддалаштиришга ёрдам беради ва ҳар бир тавсифловчи статистика кўплаб маълумотларни оддий хулосага қисқартиради.. Таъкидлаш жоизки, тақсимлашлар фоизлар ёрдамида ҳам кўрсатилиши мумкин. Унга кўра, ўртача ёки медиана, марказий тенденцияни эҳтимолий тавсифлашда энг кўп ишлатиладиган қийматлар бўлиб, ўртача қиймат бўйича ҳудудлар ўртасида ялпи ҳудудий маҳсулот юқори (Андижон (9386,4 млрд. сўм), Қашқадарё (10375,7 млрд. сўм), Навоий (8913,4 млрд. сўм), Самарқанд (11363,1 млрд. сўм), Тошкент (14716,2 млрд. сўм) ва Фарғона (9924,1 млрд. сўм) вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри (20133,4 млрд. сўм)) ва паст (Қорақалпоғистон Республикаси (4906,0 млрд. сўм), Буҳоро (8028,4 млрд. сўм), Жиззах (4338,8 млрд. сўм), Наманган (6723,1 млрд. сўм), Сурҳондарё (6537,4 млрд. сўм), Сирдарё (3163,6 млрд. сўм) ва Хоразм (5429,5 млрд. сўм) вилоятлари қийматлар бўйича тенглигини (7 тадан вилоятда) кўриш мумкин.

Медиана қийматига эътибор қаратадиган бўлсак, ўртачадан паст қийматларда 8 та вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси (2012,1 млрд. сўм), Андижон (4349,5 млрд. сўм), Буҳоро (4437,1 млрд. сўм), Жиззах (2051,6 млрд. сўм), Наманган (3162,6 млрд. сўм), Сурҳондарё (3158,7 млрд. сўм), Сирдарё (1549,4 млрд. сўм) ва Хоразм (2619,2 млрд. сўм) вилоятлари)ни кузатишимиз мумкин.

Ушбу қаторларда мода кузатилмади ва бу кузатилаётган статистик қаторлар учун ўртача, медиана ва модаларни бир-бирига тенглигида нормал тақсимот(яъни қўнғироқ шаклида бўлса) кузатилишини эътиборга оладиган бўлсак, бундай ҳолат мамлакат ҳудудларининг нотекис ривожланаётганлигидан далолат беради ва қолган кўрсаткичларни таҳлил қилиш шарт эмаслигини ифода этади.

Хулоса сифатида шуни айтишимиз мумкинки ушбу мақоламиз орқали барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда бюджет-солиқ сиёсатининг ўрни жамиятимизнинг барча сохаларида ўз ўрнига эгалиги ва унга тўғри муносабатда бўлиш орқали Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор, жадал ва мутаносиб равишда ривожлантириш, асосий тармоқларни диверсификация қилиш ва экспорт салоҳиятини ўстиришга йўналтирилган таркибий

ўзгартиришларни чуқурлаштириш, иқтисодиёт тармоқлари, комплекслари ва корхоналарини модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш асосида уларнинг самарадорлиги ҳамда рақобатбардошлигини янада ошириш мақсадида мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг устувор йўналишларини белгилаб беради. Албатта, бунда келгуси истиқбол учун белгиланадиган илмий асосланган даражадаги мақсадлар барча ҳудудлар учун универсал ва умумий ҳисобланади. Ҳудудларда ушбу ва бошқа умумий мақсадларни янада аниқлаштириш, семантик таркибий қисмларни ҳамда статистик қийматларни танлаш орқали амалга оширилиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони
2. Царев В.В. (2004) «Оценка экономической эффективности инвестиций». –СПб; Питер, – 19 с.
3. Шеремет В.В., Павлюченко В.М., Шапиро В.Д. (1998) “Управление инвестициями” Москва, “Высшая Школа”, 82-83 бетлар.
4. Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. (2010) “Иқтисодиёт назарияси” Дарслик. – Т.: 347-б.

IQTISODIY O'SISH OMILLARI VA TURLARI

Qurbonov Jasurbek Pozilovich
i.f.f.d., dotsent,
Asqarov Muxammadjon Ummatjon o’g’li
TMI Andijon fakulteti “Buxgalteriya hisobi va auditi”
yo’nalishi, 2-kurs talabasi

Annostatsiya: Iqtisodiy o'sish nazariyasi bozor iqtisodiyotini o'rganishga bag'ishlangan iqtisodiy fanning eng murakkab qismlaridan biridir. Iqtisodiy o'sishning intensiv turi ishlab chiqarishning ko'payishining ko'payishi bilan ajralib turadi, bu ishlab chiqarishning yanada samarali va sifatli mukammal omillaridan keng foydalanishga asoslangan. Ishlab chiqarishning o'sishi ko'proq mukammal texnologiyalar, ilg'or texnologiyalar, fan yutuqlari, bilimdonlik yutuqlari, xodimlarning malakasini oshirish bilan ta'minlanadi.

Kalit so’zlar: Iqtisodiy o’sish, o’sish omillari, haqiqiy o’sish omillari, potensial o’sish omillari

Iqtisodiy o‘sish — bu obyektiv qonuniyat bo‘lib, aholining o‘sishi, FTT, ishlab chiqarish hajmining ma’lum bir vaqt davomida o‘sishi kabi jarayonlar bilan

bog‘langan. Iqtisodiy o‘sish jami taklifning o‘sishini yoki potensial YaIM hajmining oshishini bildiradi.

Iqtisodiy o‘sishda nafaqat mamlakat real daromadlarining o‘sishi, shuningdek, jon boshiga to‘g‘ri keladigan real daromadlarning o‘sishi ham tushuniladi. Iqtisodiy o‘sish **ikki xil usul** bilan aniqlanadi va o‘lchanadi: **Birinchi usul**, YaIM (SIM)ni o‘tgan davrga nisbatan o‘zgarishi sifatida aniqlanadi va mamlakatning umumiqtisodiy imkoniyatlari harakatini aniqlash uchun ishlatiladi. **Ikkinchi usul**, real YaIM (SIM)ning o‘tgan davrga nisbatan aholi jon boshiga o‘zgarishi sifatida aniqlanadi.

Iqtisodiy o‘sishni aniqlash va asoslab berish jarayonlarida quyidagilarga e’tibor berish kerak:

1. Iqtisodiy o’sishni o’lchash
2. O’sish omillari
3. Iqtisodiy o’sish modellari.

Iqtisodiy o‘sish omillari **ikki guruh**ga ajratiladi:

Birinchi guruh omillari iqtisodiy o‘sishni fizik (ashyoviy) jihatdan ta’minlaydi. Bu guruhga ishlab chiqarish omillari kiritiladi:

- tabiiy resurslar soni va sifati;
- mehnat resurslari soni va sifati;
- asosiy kapital hajmi;
- texnologiyalar va ishlab chiqarishni tashkil etish;
- jamiyatda tadbirkorlik malakalarining rivojlanishi darajasi.

Ikkinchi guruh omillari jamiyatdagi iqtisodiy o‘sish potensialini yuzaga chiqarish imkonini beruvchi omillar – talab va taqsimot omillari bilvosita omillar) kiritiladi:

- bozorning monopollashuvi darajasini pasayishi;
- iqtisodiyotdagi soliq muhiti;
- kredit-bank tizimi samaradorligi;
- iste’mol, investitsiya va davlat xarajatlarining o‘sishi;
- eksport hajmining o‘sishi;
- iqtisodiyotda ishlab chiqarish resurslarini qayta taqsimlash imkoniyatlari;
- daromadlarni taqsimlashning shakllangan tizimi.

Agar o‘sish qo‘shimcha resurslarni jalb etish hisobiga ta’minlansa va jamiyatdagi resurslardan foydalanishning shakllangan o‘rtacha samaradorligi darajasini oshirmasa ekstensiv iqtisodiy deb ataladi.

Iqtisodiy o‘sishning bu ikki turi sof holda ro‘y bermaydi. Iqtisodiy o‘sish uni ta’minlashdagi intensiv yoki intensiv omillarning ulushi darajasiga qarab ko‘proq ekstensiv, yoki ko‘proq intensiv bo‘lishi mumkin.

Xulosa

Iqtisodiy o'sish omillari va turlari iqtisodiy o'sish processining asosiy komponentlarini ifodalaydi. Iqtisodiy o'sish omillari, iqtisodiy va moliyaviy siyosat, bozor talab va taklif dengizlari, investitsiyalar, xarid-kategoriyalar savdo mablag'i, demografik o'zgarishlar va boshqa faktorlar orqali yuzaga keladi.

Xulosa qilib aytganda, iqtisodiy o‘sish barcha davlatlarning asosiy maqsadi hisoblanadi. Shuning uchun, iqtisodiy o‘sishni amalga oshirish uchun jamiyatdagi barcha: ta’lim, sog’liqni saqlash, sport, iqtisodiyot, xalqaro aloqalar, soliq tizimi va shunga o‘xshash soha va tarmoqlarni bir butunlikda isloh qilish zarur bo‘ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yhati:

1. Xo‘jayev R.S., Mahmudov B., Xo‘jayev H.S., Ergashev E.I., Egamberdiyev R.I. “Mikro va makroiqtisodiyot”. T.: ILM ZIYO, 2016.
2. Bakiyeva I.A., Xo‘jayev H.S., Muxitdinova M.S., Fayziev SH.SH. “Mikroiqtisodiyot” o‘quv qo‘llanma. T: “O‘FMJN”, 2018.
3. Erkin Egamberdiyev “Mikroiqtisodiyot”. Darslik T.: ILM ZIYO, 2015.
4. N.Gregory Mankiw. Principles of Mikroeconomics. 2018.
5. Mankiw N.Gregori. Macroeconomics. Harvard University. NY.: Worth Publuthers, 2018.
6. Agapova T.A. Seregina S.F. Makroiqtisodiyot: Darslik. M.: Biznes va xizmat, 2001 yil.
7. Vechkanov G.S. Vechkanova G.R. Makroiqtisodiyot: Savdo siyosati. inflyatsiya va ishsizlik. Ijtimoiy siyosat. Sankt-Peterburg: ZAO Piter, 2005 yil.
8. Geiger A. Linvud T. Makroiqtisodiy nazariya va o‘tish iqtisodiyoti. Per. ingliz tilidan. M.: INFRA-M.
9. Galperin V.M. Grebennikov P.I. Leusski A.I. Tarasevich L.S. Makroiqtisodiyot: Darslik. SPb.: SPbGUEF

NAFLIK VA CHEKLI NAFLIK, CHEKLI NAFLIKNI KAMAYISH QONUNI

Qurbonov Jasurbek Pozilovich
“Mutaxassislik fanlari” kafedrasi mudiri, i.f.f.d.
Farhodov Dilshodjon Sherzodo o‘g‘li
Toshkent moliya instituti talabasi

Annotatsiya: Ushbu tezisda foydalilik, marjinal foydalilik va kamayuvchi marjinal foydalilik qonuni nimaligi haqida, odamlar har qanday tanlashlarini va o‘z resurslarini taqsimlashini tushunishga yordam berishi borasida so’z yuritilgan.
Abstract: This thesis discusses what utility, marginal utility, and the law of diminishing marginal utility are and how they help us understand the choices people make and how they allocate their resources.

Аннотация: В этой диссертации обсуждается, что такое полезность, предельная полезность и закон убывающей предельной полезности, и как они помогают нам понять выбор, который делают люди, и то, как они распределяют свои ресурсы.

Kalit so’zlar: Naflilik, marjinal, chekli naflik ,foydalilik.

Iqtisodiyot sohasida foydalilik nazariyasi inson xatti-harakati va qaror qabul qilish jarayonlarini tushunishda asosiy rol o'ynaydi. Ushbu nazariyaning zamirida odamlarning tovarlar va xizmatlarni iste'mol qilishdan qoniqish yoki qiymatni ifodalovchi foydalilik tushunchasi yotadi. Biroq, foydalilikni o'lchash va tahlil qilish oddiy sub'ektiv hukmlardan tashqariga chiqadi. Cheklangan foydalilik tushunchasi har bir qo‘shimcha iste’mol birligidan kelib chiqadigan foydalilikdagi qo‘shimcha o‘zgarishlarni tushunishga chuqurroq kiradi.

Ushbu tezis foydalilik nazariyasining nozik tomonlarini o'rganishga qaratilgan bo'lib, bunda alohida e'tibor cheksiz foydalilik qonuniga qaratilgan. Ushbu qonun shuni ko'rsatadiki, odamlar ma'lum bir tovar yoki xizmatning ko'proq birliklarini iste'mol qilsalar, har bir keyingi birlikdan olinadigan qo'shimcha qoniqish kamayadi. Foydalilik va marjinal foydalilikni o'rganish bir necha sabablarga ko'ra iqtisodiyot sohasida katta ahamiyatga ega. Birinchidan, u iste'molchilarning xulq-atvori va odamlarning o'z resurslarini taqsimlashda qilgan tanlovlari haqida tushuncha beradi. Odamlar turli tovarlarni qanday qadrlashi va ustuvorligini tushunish iqtisodchilarga bozor tendentsiyalarini bashorat qilish va resurslarni samarali taqsimlash strategiyalarini boshqarish imkonini beradi.

Ikkinchidan, kamaygan marjinal foydalilik qonuni ishlab chiqarishni optimallashtirish va samaradorlikka ta'sir qiladi. Vaqt o'tishi bilan qo'shimcha ma'lumotlar birliklaridan qoniqish darajasi ham kamayib borishini tan olgan holda, firmalar har bir mahsulot birligidan maksimal ishlab chiqarishni ta'minlash va chiqindilarni minimallashtirish uchun ishlab chiqarish jarayonlarini yaxshiroq sozlashi mumkin.Bundan tashqari, marjinal foydalilikning kamayishi qonuni oddiy iqtisodiy ta'sirlardan tashqarida ham mavjud. U qaror qabul qilish psixologiyasiga oid tushunchalarni taqdim etadi, odamlar ehtiyojlari va sharoitlari o‘zgarganda o‘z xohish-istaklari va xatti-harakatlarini qanday moslashtirishini o‘rganadi.

Foydalilik va marjinal foydalilik haqida chuqurroq tushunchaga ega bo‘lish orqali iqtisodchilar iste’molchilarning xulq-atvori haqida ko‘proq ma’lumotga ega bo`lishlari, siyosatchilarga samarali davlat siyosatini ishlab chiqishda yordam berishlari va korxonalarga qaror qabul qilish jarayonlarini yaxshilash uchun qimmatli tushunchalar berishlari mumkin.

Naflilik deganda shaxslar tovarlar yoki xizmatlarni iste’mol qilishdan oladigan qoniqish yoki foydalilikni bildiradi. Bu sub’ektiv tushunchadir, chunki foydalilik darajasi har bir kishi uchun farq qilishi mumkin. Foydalilikni to’g’ridan-to’g’ri o’lchash ko’pincha qiyin, biroq iqtisodchilar ushbu kontseptsiyadan iste’molchilarning xatti-harakatlari va qaror qabul qilishlarini tushunish uchun

foydalanadilar. Bozordagi iste’molchilarning xatti-xarakatiga qarab naflilikni ikki xil tahlil qilish mumkin. Bu o‘z navbatida **ikki xil yondashuv**ni kelib chiqishiga ham sabab bo‘lgan. Birinchisi, naflilikni son jihatdan o‘lchab tahlil qilish, ikkinchisi, naflilikni son jihatdan o‘lchab emas, balki tabaqalashtirish orqali, ya’ni yuqori va quyi naflilik, eng yaxshi va eng yomon naflilik va x.k. Ma’lumki, iste’molchi bozorga chiqar ekan, u bir qancha turdagi tovar va xizmatlarga duch keladi.


Cheklangan foydalilik tushunchasi va kamayuvchi chegaraviy foydalilik qonunini tushunish nazariy va amaliy sohalar uchun muhim ahamiyatga ega. Nazariy nuqtai nazardan, u an'anaviy taxminlarga qarshi chiqadi va iqtisodchilarni foydalilik nazariyasining cheklovlarini ko'rib chiqishga undaydi. Amaliy darajada, bu tushunchalar iste'molchi talabi, bozor xatti-harakati va narx strategiyasi haqida qimmatli tushunchalarni beradi. Foyda cheklanganligini tan olgan holda, korxonalar mahsulotni ishlab chiqish va marketing harakatlariga oid ko‘proq ma’lumotga ega qarorlar qabul qilishlari mumkin.

Marjinal foydalilik, aksincha, tovar yoki xizmatning bitta qo’shimcha birligini iste’mol qilish natijasida olingan qo’shimcha qoniqish yoki foydalilikni anglatadi. U iste’molning o’zgarishi natijasida foydaning o’zgarishiga qaratilgan. Marjinal foydalilik odamlarning qancha tovar yoki xizmatni iste’mol qilish to’g’risida qanday qaror qabul qilishini tushuntirishga yordam beradi.

Marjinal foydalilikning kamayishi qonuni shuni ko’rsatadiki, inson tovar yoki xizmatning tobora ko’proq birliklarini iste’mol qilgan sari, har bir qo’shimcha birlikdan olinadigan qo’shimcha qoniqish yoki foydalilik kamayadi. Oddiyroq qilib aytganda, biror narsani qanchalik ko’p iste’mol qilsangiz, har bir qo’shimcha birlikdan shunchalik qo’shimcha mamnuniyat olasiz. Bu hodisa marjinal daromadning pasayishi va to‘yinganlik kabi omillar tufayli yuzaga keladi.

Masalan, bir bo’lak pitsa yeyayotganingizni tasavvur qiling. Birinchi bo’lak sizga yuqori darajada qoniqish olib kelishi mumkin. Ovqatlanishni davom ettirsangiz, har bir qo’shimcha bo’lakning marjinal foydasi kamayadi. Oxir-oqibat, siz o’zingizni to’la his qila boshlay oladigan darajaga erishasiz va boshqa bo’lak iste’mol qilishning foydasi kamroq yoki hatto salbiy bo’ladi.

Marjinal foydalilikning kamayishi qonunini tushunish talab, narx va iste’molchi xatti-harakatlari kabi turli iqtisodiy tushunchalar uchun muhimdir. Bu nima uchun odamlar tovar yoki xizmatning birinchi birliklari uchun ko‘proq pul to‘lashga tayyor, lekin ko‘proq iste’mol qilgani uchun kamroq to‘lashga tayyorligini tushuntirishga yordam beradi.



1-rasm. Umumiy naflilik va chekli naflilikning o’zgarishi

1-rasmdan ko’rinib turibdiki, iste’mol qilinadigan ne’mat miqdorining (Q) oshib borishi bilan umumiy naflilik (TU) ham oshib boradi (a-rasm). Bunda chekli naflilik (MU) kamayib boradi (b-rasm). Umumiy naflilik Q* nuqtada maksimal darajaga erishganda, chekli naflilik (MU) nolga teng bo’ladi.

Odatda, biror ne’matni iste’mol qilish oshganda (boshqa ne’matlar iste’moli hajmi o’zgarmaganda), umumiy naflilik darajasi oshadi. Demak chekli naflilik musbat MU > 0. Shu bilan birga, biror ne’matdan qo’shimcha bir birlik iste’mol qilganda (boshqa ne’matlar iste’moli hajmi o’zgarmaganda), qo’shimcha iste’mol qilingan birlik oldingisiga nisbatan kamroq naf beradi va uning bu xususiyatiga chekli naflilikning kamayish qonuni deyiladi. Matematik tilda bu naflilik funksiyasining ikkinchi tartibli hosilasi noldan kichik degani:

$$(MU)' = \frac{\partial^2 U}{\partial X^2} < 0$$

Talabni aniqlashning asosida chekli nafligining kamayish qonuni yotadi. Shu sababli ishlab chiqaruvchilar mahsulot sotish hajmini ko’paytirishlari uchun qo’shimcha sotiladigan mahsulotlar narxiga chegirma berishlari kerak bo’ladi.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, chekli foydalilik va chekli foydalilikning kamayishi qonuni orqali foydalilik va uning cheklovlarini o'rganish iste'molchi xatti-harakatlari va qaror qabul qilish jarayonlarini chuqurroq tushunishga yordam beradi. Ushbu tezis foydalilikka ta'sir etuvchi omillarni, cheklangan foydalilikning oqibatlarini va odamlar va bozorlar uchun oqibatlarini yoritish uchun empirik dalillar va amaliy tadqiqotlarni ko'rib chiqish, tegishli tushunchalarni tanqidiy tahlil qilishga

qaratilgan. Foydalilik haqidagi tushunchamizni rivojlantirish orqali ushbu tadqiqot siyosatchilar, iqtisodchilar va doimiy o‘zgaruvchan bozor manzarasida o‘z strategiyalarini optimallashtirishga intilayotgan korxonalar uchun amaliy ahamiyatga ega bo‘ladi.

Tayanch iboralar:

Naflilik – jamiyat yoki biror bir shaxsni ehtiyojlarini qondira olish qobiliyatidir.

Yalpi naflilik(Total utility) – ma’lum bir vaqtda, ma’lum bir tovar yoki xizmatni iste’mol qilish natijasida olinadigan yalpi qondirish.

Naflilik funksiyasi – iste’molchining individual istagini aniqlab beruvchi iste’mol xajmi va yalpi naflilik o‘rtasidagi son jihatdan bog‘liqlikni ko‘rsatadi.

So‘nggi qo‘shilgan naflilik – muayyan ne’matning navbatdagi birligini iste’mol qilishdan olingan qo‘shimcha naflilikdir.

Chekli naflilik(Mariginal utility) – bir birlik qo‘shimcha iste’mol natijasida olinadigan qo‘shimcha naflilikdir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati:

1. Pindayk Robert. Mikroiqtisod: Inglizchadan qisqartirib tarjima qilingan/ Pindayk Robert, Rubinfeld Daniel. – T.; 2002.
2. E.Egamberdiev. Mikroiqtisodiyot. O’quv qo’llanma. T.: 2005 y.
3. Vikipediya.uz
4. www. http://el.tfi.uz/pdf/mddj22.uzk.pdf - Toshkent moliya instituti elektron kutubxonasi.

TABIIY ISHSIZLIK NAZARYASI

Qurbonov Jasurbek Pozilovich
i.f.f.d., dotsent,
Mahmudov Paxlavon Farxodbek o’g’li
TDIU, Andijon fakulteti, “Bank ishi va auditi” ta’lim yo‘nalishi 71/22 guruhi talabasi

Annotatsiya: Ushbu tezisda tabiy ishsizlik nima ,tabiiy ishsizlik iqtisodiyotga qanday ta’sir qilishi mumkin. Tabiiy ishsizlikni salbiy va ijobiy tomonlari, ishsizlikning darajalari haqida va uning qanday ahamyat kasb etishi borasida so’z yuritilgan.

Аннотация: В диссертации рассматривается, что такое естественная безработица и как естественная безработица может повлиять на экономику. Обсуждаются отрицательные и положительные стороны естественной безработицы, уровень безработицы и ее значение.

Abstract: In this thesis, what is natural unemployment, how can natural unemployment affect the economy. The negative and positive aspects of natural unemployment, the levels of unemployment and its importance have been discussed.

Kalit so’zlar : ishsizlik, aholi, iqtisodiy tebranish, tabiiy ishsizlik, aholi daromadi, mehnat bozori, ishsizlik darajasi, mehnat faolyati, xizmatlar, aholini o’sishi ishchi kuchi, mavsumiy ishsizlik, ish o’rinlari.

Tabiiy ishsizlik darajasi pul yoki boshqaruv siyosati bilan almashtirilishi mumkin emas, biroq bozorning ta'minot tomonida o'zgarishlar tabiiy ishsizlikka ta'sir qilishi mumkin. Buning sababi, pul siyosati boshqaruv siyosati bozorda investitsion his-tuyg'ularni tez-tez o'zgartiradi va bu haqiqiy stavka tabiiy nisbatlardan chetga chiqadi. Tabiiy ishsizlik darajasi tabiiy hisoblanadi, chunki ishsizlik iqtisodiyotning neytral, juda yaxshi emas va juda yomon bo'lsa, global savdo kabi tashqi ta'sirga ega bo'lmagan yoki valyutalar qiymatiga tushib qolgan davlatdir. Tushunishicha, ishsizlikning tabiiy darajasi to'liq ish joyiga to'g'ri keladigan narsa bo'lib, bu, albatta, "to'liq ish bilan bandlik" ishni istagan har bir ish bilan bandligini anglatmaydi. Ishsizlikning tabiiy darajasi, faqat ishsizlik darajasiga ta'sir qiluvchi omillarni aniqlash uchun foydalaniladigan vositadir, bu esa, mamlakatdagi mavjud iqtisodiy muhitni hisobga olgan holda, kutilganidan ko'ra yaxshiroq yoki yomonroq ishlarni amalga oshiradigan vosita ekanligini tushunish muhimdir. Boshqacha qilib aytganda, ishsizlikning tabiiy darajasi - bu iqtisodiyotning hech qanday bambuklikda yoki turg'unlikda bo'lmaganda, mavjud iqtisodiyotda ishqalanish va tizimli ishsizlik omillarining yig'indisi bo'lgan ishsizlik darajasi.

Shuning uchun ishsizlikning tabiiy nisbati nolinchi davriy ishsizlik darajasiga to'g'ri keladi. Shunga qaramasdan, bu ishsizlikning tabiiy nisbati ishqalanish va struktur ishsizlikning mavjud bo'lishi sababli nolga teng degani emas.

Ishsizlik — bir qism iqtisodiy faol aholining o‘ziga loyiq ish topa olmasdan qolishi va mehnat zaxirasiga aylanishi. O‘zbekistonda Ishsizlik tushunchasi rasman 1992-yil "Aholini ish bilan ta’minlash to‘g‘risida"gi qonunining qabul qilinishi bilan me’yoriy kuchga ega bo‘ldi (1998-yil 1 mayda ushbu qonunning yangi tahriri qabul qilindi).

Ishsizlik inson manfaatlariga to‘g‘ridan to‘g‘ri ta’sir qiladigan yirik ijtimoiy-iqtisodiy muammolardan biri hisoblanadi. Ish joyini yo‘qotish ko‘p kishilar uchun oilaviy turmush darajasining pasayishini, shaxsiy hayotining notinchligini keltirib chiqaradi, kishiga jiddiy ruhiy ta’sir ko‘rsatadi.

Amaldagi iqtisodiy hayotda Ishsizlik ish kuchi taklifining unga bo‘lgan talabdan oshib ketishi tarzida namoyon bo‘ladi. Ishsizlik sababi turlicha: texnika rivojlanish bilan mehnat unumdorligi ortadi, ishchi kuchi kam mehnat talab bo‘lib qoladi. Iqtisodiyotda jami talab va taklif muvozanati buziladi, tovarlarga bozor talabining qisqarishi ish kuchiga talabni ham qisqartirib yuboradi, natijada ish kuchining bir qismi ortiqcha bo‘lib qoladi; iqtisodiyot rivojlanishi bilann malakali ish kuchiga talab oshib, malakasizlar kerak bo‘lmay qoladi; aholi ishchilarga nisbatan tez o‘sgan kezlarda, uning bir qismi ortiqcha bulib, ishsiz qoladi.

Ishsizlik sababi har xil bo‘lganidek uning shakllari ham turlicha. Ishsizlikning asosiy shakllari: friksion Ishsizlik —turli sabablarga ko‘ra (yangi yashash joyiga o‘tish, kasbni o‘zgartirish, bola boqish, yangi ish tanlash) vaqt-vaqti bilan ishsiz

qolish. Bu ixtiyoriy ishsizlik hisoblanadi. Tarkibiy Ishsizlik — ishlab chiqarish tuzilmasi o‘zgartirilgan sharoitda eski tarmoqlarda ishlab kelgan kishilarning yangi tarmoqlarga kerak kasbni hali o‘zlashtirmagan kezlarida yuz beradi. Siklli Ishsizlik — iqtisodiy tangliklar bilan bog‘liq bo‘lib, ishlab chiqarishning pasayib ketishi natijasida yuzaga keladigan Ishsizlik Bu majburan ishsiz qolishdir. Mavsumiy Ishsizlik — mavsumiy ishda band bo‘lganlarning mavsum tugagach, ishsiz qolishi. Yashirin Ishsizlik — rasman ish bilan band bo‘lganlarning faqat qisman ishlashi. Unga qisqartirilgan ish kuni yoki ish haftasiga o‘tganlar, ish yo‘qligidan haqberilmaydigan ta’tilga chiqqanlar kiradi.

Ishsizlar ishlayotganlar bilan bir qatorda mamlakat ish kuchini tashkil qiladi. Iqtisodiyotda Ishsizlik muammosini o‘rganishdan asosiy maqsad aholining ish bilan bandligini yaxshilash orqali mamlakat (korxonalar) i.ch. ni kengaytirish va aholi turmush darajasini yanada yaxshilashga aloqador tadbirlar ishlab chiqishdan iboratdir.

Ishsizlar safiga, odatda, nafaqat turli sabablarga ko‘ra ishdan bo‘shatilganlar, balki o‘z ixtiyoriga ko‘ra ishdan ketganlar va yangi ish topishga harakat qilayotgan shaxslar ham kiritilishini qayd etish lozim. Ishsizliktarki-bi uning sabablariga kura ish kuchining 4 asosiy toifasini o‘z ichiga oladi: ishdan bo‘shatilishi natijasida ish joyini yo‘qotganlar; ishdan ixtiyoriy ravishda bo‘shaganlar; tanaffusdan so‘ng ish qidirayotganlar; birinchi bora ish qidirayotganlar. Bu toifalarning o‘zaro nisbatlari iqtisodiy rivojlanish bosqichlariga bog‘liq.

Mamlakat miqyosida 3—5% darajasidagi Ishsizlik iqtisodiyot uchun normal holat (Ishsizlik ning tabiiy chegarasi) hisoblanadi. Ishsizlik darajasini pasaytirish uchun aholi bandligini ta’minlash davlat dasturlari ishlab chiqiladi, korxonalar qurilib, yangi ish o‘rinlari tashkil etiladi, xodimlarni yangi kasblarga o‘qitish, qayta tayyorlash ishlari amalga oshiriladi, bandlikka yordam jamg‘armasi tashkil qilinadi.

Aniqlik uchun ishsizlik shakllari, turlari va ularning xususiyatlari jadvalda keltirilgan. Jamiyatning jismonan sog'lom, lekin hech qanday iqtisodiy faoliyat bilan shug'ullanmaydigan qismi ulushining ortishi turli xil salbiy oqibatlarga olib keladi. jamoat joylari. Shunga qaramay, diqqat bilan o'rganib chiqqach, ushbu hodisaning ijobiy va salbiy tomonlarini ko'rish mumkin.

Salbiy iqtisodiy omillar qatoriga quyidagilar kiradi:

- uchun davlat mablag'lari tomonidan qilingan xarajatlar ijtimoiy to'lovlar ro'yxatga olingan ishsizlar;
- ishsizlarning kam olinayotgan ish haqi fondi bo'yicha yo'qotishlar;
- yo'qotishlar soliq organlari qabul qilmaslikdan soliq yig'ish jismoniy shaxslardan undiriladigan soliqlar bo'yicha byudjetga;
- fuqarolarning daromadlari darajasining pasayishi tovarlarni iste'mol qilish va ularni ishlab chiqarishning qisqarishiga olib keladi;
- o'quv jarayonida olingan bilimlarning qadrsizlanishi;
-aholi turmush darajasining umumiy pasayishi.

Ijobiy iqtisodiy omillarga quyidagilar kiradi:
- iqtisodiyot tuzilmasini keng ko‘lamli o‘zgartirish uchun turli malakali ishchi guruhlar zahirasini yaratish;
- ish joylarini qisqartirish xodimni korxona uchun zarur bo'lgan mutaxassis sifatida faolroq namoyon bo'lishga undaydi, uni bilim darajasini oshirishga va kasbiy o'sishga intilishga undaydi;
- mehnat faoliyatini majburiy tugatish davrida qayta tayyorlash, malaka oshirish yoki talab qilinadigan profilda o'qish uchun vaqt bo'shatiladi;
-mehnat samaradorligi va unumdorligining o'sishini rag'batlantirish.

Ishsizlikning asosiy iqtisodiy zarari ishlab chiqarilmagan mahsulotdir. Bu esa mamlakatda ishlab chiqarilgan moddiy ne’matlar va ko‘rsatilgan xizmatlar umumiy hajmining kamayishiga olib keladi. Ishsiz aholining o'sishi iste'mol talabining qisqarishiga olib keladi. Mehnat qonunlariga ko‘ra, ishsizlarga mehnat birjalari orqali ishsizlik nafaqasi to‘lanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati:

1. Pindayk Robert. Mikroiqtisod: Inglizchadan qisqartirib tarjima qilingan/ Pindayk Robert, Rubinfeld Daniel. – T.; 2002.
2. E.Egamberdiev. Mikroiqtisodiyot. O‘quv qo‘llanma. T.: 2005 y.
3.Vikipediya.uz
4. Экономическая теория: учебник / И.К. Станковская, И.А. Стрелец.- 5-е изд., перераб. и доп.–М.:Эксмо, 2010.- 480 стр.- (Полный курс MBA)
5. To‘xliev N., Xaqberdiev Q., Ermamatov Sh., Xolmatov N. Iqtisodiy bilim asoslari. Qo‘llanma. T. O‘zME. 2004, 96 b.
6. Abulqosimov H va boshqalar. Iqtisodiy bilim asoslari. O‘quv qo‘llanma. T.: Akademiya, 2010.-304

TAQSIMLANGAN MA`LUMOTLAR BAZASI

Yusupov M.T.
Toshkent moliya instituti Andijon fakulteti dotsenti
Tojiboev Abdumo’min
Andijon mashinasozlik instituti talabasi

MBni hisoblash tizimlarida qo`llanilishi natijasida ma`lumotlarni qayta ishlashning eski usullari o`rniga yangi usullar paydo bo`lishiga sabab bo`ldi. Yangi usulda har bir ilova uchun alohida ma`lumotlar to`plami aniqlanadi va qo`llab – quvvatlanadi. Eski usulda esa barcha ma`lumotlar markazlashgan holda aniqlangan va qo`llab quvvatlangan.

So`nggi paytlarda tarmoq orqali ma`lumot almashish texnologiyalari shiddat bilan rivojlanmoqda. Bular Internet tarmog`i, mobil va simsiz hisoblash vositalari

hamda “intellektual” qurilmalardir. Taqsimlangan MBBT axborot texnologiyalarining MB sohasidagi eng katta yutuqlardan biri hisoblanadi. Taqsimlangan MB texnologiyasi ma`lumotlarni qayta ishlashning markazlashgan turidan, unga teskari bo`lgan markazlashmagan turiga o`tishga zamin yaratmoqda.

Taqsimlangan MB bilan bog`liq muammolarni tahlil qilishdan oldin taqsimlangan MB nima ekanligini aniqlab olish zarur.

Taqsimlangan MB – bu o`zaro mantiqan bog`langan va kompyuter tarmog`ida jismoniy jihatdan tarqoq joylashgan taqsimlangan ma`lumotlar to`plamidir.

Taqsimlangan MB. Ma`lumotlarni qayta ishlashning bu kesishuvchi va hatto takrolanuvchi ma`lumotlar saqlanadigan bir nechta serverlardan foydalanishni talab etadi. Bunday MB bilan ishlash uchun taqsimlangan MBBT ishlatiladi.


Taqsimlangan MBBT – taqsimlangan MBlarini boshqarish uchun mo`ljallangan va foydalanuvchilarga taqsimlangan ma`lumotlarga oson murojaat usulini ta`minlab beruvchi dasturiy majmuadir.

Taqsimlangan MBBT bir qancha fragmentlarga bo`lingan va mantiqiy jihatdan yagona bo`lgan MB dan iborat. MBning har bir fragmenti alohida MBBT boshqaruvchi ostida va o`zaro aloqa tarmog`i orqali bog`langan bitta yoki bir nechta kompyuterda saqlanadi. Tarmoqdagi har bir tugun foydalanuvchilarning lokal saqlanayotgan ma`lumotlarga bo`lgan so`rovlarini o`zi mustaqil qayta ishlash (ya`ni, har biri ma`lum darajadagi avtonomlikka ega) hamda tarmoqning boshqa kompyuteridagi ma`lumotlarni qayta ishlash imkoniga ega.

Taqsimlangan qayta ishlash.

Markazlashgan MBni qayta ishlashni turli kompyuterlardan turib amalga oshirilishidir.

Taqsimlangan MBBTni ta`riflashda bu tizim jismoniy jihatdan tarmoqda taqsimlangan ma`lumotlar bilan ishlashi asosiy hisoblanadi. Agar ma`lumotlar markazlashgan holda saqlanayotgan bo`lsa, u holda hatto ixtiyoriy foydalanuvchi bu ma`lumotlarga tarmoqdagi ixtiyoriy kompyuterdan murojaat etayotgan bo`lsa ham, bu tizim taqsimlangan qayta ishlashni qo`llab quvvatlovchi hisoblanadi, ammo taqsimlangan MBBT sifatida qaralmaydi. Taqsimlangan qayta ishlash topologiyasi sxemasi rasmda tasvirlangan. Bu sxemada tasvirlangan 2-tugundagi markazlashgan MBni rasmdagi MB bilan solishtiring



Taqsimlangan qayta ishlash topologiyasi.

Taqsimlangan MBga kompyuter tarmog`i orqali kiriladi va u bir biridan ancha masofada joylashgan bir necha MBdan tashkil topgan bo`ladi. Demak, bu MBga bevosita internet orqali kirish lozim bo`ladi. Bu MB larining ish jarayonini tashkil qilish va ularga oson kirishni ta`minlash vazifasini taqsimlangan MBBT bajaradi.

Taqsimlangan MBBT tarkibi (eng kamida) quyidagi komponentlardan tashkil topgan bo`lishi lozim:

- tarmoq tizimini tashkil qiluvchi kompyuter ishchi stantsiyalari (saytlar yoki
- tugunlar). Taqsimlangan MB asbob-uskunalarga bog`liq bo`lmasligi lozim;
- har bir ishchi stantsiyaning tarmoq uskunalari va dasturiy ta`minoti
- komponentalari;
- tarmoq komponentalari barcha saytlarning bir-biri bilan o`zaro hamkorlikda harakat qilishini va qiymat almashishini ta`minlaydi.
- Bu komponentlar (kompyuterlar, operatsion tizimlar, tarmoq va h-zolar) turli xil muassasalar tomonidan taqdim qilinadi. Shuning uchun, taqsimlangan MB funktsiyalari turli xil platformalarda ishlashi maqsadga muvofiq bo`ladi:
- qiymatlarni bir ishchi stantsiyadan boshqasiga o`tkazuvchi kommunikatsiya qurilmalari. Taqsimlangan MBBT kommunikatsiya qurilmalariga bog`liq bo`lmasligi lozim, ya`ni u turli xil kommunikatsiya qurilmalarini qo`llabquvvatlashi lozim;
- so`rov bajariladigan har bir kompyuterda mavjud bo`lgan va dasturiy komponentni ifodalovchi tranzaktsiya protsessori (transaction processor, TR).;
- saytda joylashgan qiymatlarni chaqirib olish har bir kompyuterda mavjud bo`lgan va dasturiy komponentni ifodalovchi ma`lumotlar protsessori (data processor, DP).

Ma`lumotlar protsessorini ma`lumotlar menedjeri (data manager, DM) deb ham atashadi. Ma`lumotlar protsessori hatto markazlashgan MBBTni ifodalashi mumkin.

Ma`lumotlar hamda ularga ishlov berish funktsiyalari kompyuter tarmoqlari tizimlarining bir nechta saytlarlariga joylashtirilgan bo`lib, ushbu ma`lumotlarni saqlash va mantiqan bog`langan ma`lumotlarga ishlov berish funktsiyalari ishini boshqarish vazifasini taqsimlangan MBBT bajaradi. Foydalanuvchi MB qaysi uzelda joylashganini bilmaydi.

Taqsimlangan MBBT quyidagi funktsional imkoniyatlarga ega bo`lishi lozim:

- foydalanuvchi yoki amaliy dasturlar hamda taqsimlangan MB doirasida
  - boshqa MBBT bilan bog`lanishni ta`minlovchi amaliy interfeys;
  - so`rovlarni tahlil qilishda ishonchlilik tekshiruvi;
  - So`rovni, qaysi komponentlari lokal, qaysilari esa taqsimlangan ekanligini
  - aniqlash uchun o`zgartirish;
  - kirishning eng yaxshi strategiyasini aniqlash kafolati bo`yicha so`rovni optimallashtirish;
  - qiymatlarning lokal va uzoqdagi qismlarini aniqlash imkonini beruvchi akslantirish;
  - qiymatlarning doimiy saqlanadigan o`rnidan o`qish/yozishni ta`minlovchi kirish/chiqish interfeysi;
  - qiymatlarni foydalanuvchiga taqdim qilish yoki amaliy dasturga uzatish uchun tayyorlash formatlari;
  - xavfsizlik, ya`ni qiymatlarni lokal va uzoqdagi MBlar uchun maxfiyligini ta`minlash;
  - ishdan chiqqan hollarda qiymatlarni tiklash va kirish imkonini yaratishni kafolatlash uchun zahira nusxalarni olinishi;
  - bir vaqtning MBBTning MBlari qismlariga kirish va qiymatlar yaxlitligi kafolatini ta`minlovchi parellel bajarilishni boshqarish;
  - o qiymatlarni bir turgun holatdan boshqasiga o`tishini ta`minlovchi tranzaktsiyalarni boshqarish.

Bundan tashqari lokal va uzoqdagi tranzaktsiyalarni sinxronlash hamda bir necha taqsimlangan segmentlarga berilgan tranzaktsiyalar ham qamrab olinadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yhati

1. Butayev, E. H. (2021). Algoritmlar Tizimli Tahlili Va Ularning Takomillashtirish. ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ И Л М И Й–Т Е Х Н И К А ЖУРНАЛИ, 25, 36-41.
2. Khomitjonovich, B. E. (2022). DEVELOPING ALGORITHM FOR CONVERTING INTEGER TYPE VARIABLES INTO STRING VIEW. Academicia Globe: Inderscience Research, 3(04), 105-108.

3. Xoldarboyev, R. A., & Abduvaxobova, R. A. Q. (2022). Kiberxavfsizlik. Science and Education, 3(7), 29-34.
4. Xoldarboyev, R. A., & qizi Abduvaxobova, R. A. (2022). Kiberxavfsizlik. Science and Education, 3(7), 29-34.

ELEKTRON TIJORAT: MUAMMOLAR VA ISTIQBOLLAR

Xolmirzayev Furqatbek Muxtarjonovich
“University of Economy and Pedagogy” NOTM assistenti
Sharobiddinov Abdumalik
“University of Economy and Pedagogy” NOTM talabasi

ANNOTATSIYA: Raqamli iqtisodiyot tadqiqotlari markazi olib borgan tahliliy o‘rganishlarga qaraganda, so‘nggi yillarda O‘zbekistonda elektron tijorat raqamli iqtisodiyotning asosiy elementlaridan biriga aylandi. Elktron tijoratning milliy iqtisodiyotda tobora ulushi kengayib bormoqda.

Kalit so’zlar: raqamli bank, elektron tijorat,avtomatlashtirish, mobil tizimlar, smart bank.

ELECTRONIC COMMERCE: PROBLEMS AND PROSPECTS

ABSTRACT

According to the analytical studies conducted by the Digital Economy Research Center, e-commerce has become one of the main elements of the digital economy in Uzbekistan in recent years. The share of electronic commerce in the national economy is increasing.

Keywords: digital bank, electronic commerce, automation, mobile systems, smart bank.


Elektron tijorat, internet orqali maxsulotlarni sotib olish va sotishni anglatadi. Bu turi bilan, siz birinchi turdagi mahsulotlarni internet orqali qabul qilish, buyurtma bermish va to'lovni amalga oshirish imkoniyatiga egasiz. Elektron tijorat, eng sodda usullardan biri bo'lib, global platformalarda xaridorlar bilan masofaviy tarzda savdo amalga oshirishga imkon beradi. Bu sohasi yanada osonlashib, tez rivojlana boshlaydi.Statistik ma’lumotlarga ko‘ra, O'zbekistonda elektron tijorat darajasini yanada oshirishga qaratilgan qadam-qadam harakatlar amalga oshirilmoqda. O'zbekiston hokimiyati, elektron tijorat sohasini rivojlantirish va internet orqali savdo muhitini kengaytirishga katta e'tibor qaratmoqda. Bu holatda, bir nechta onlayn savdo platformalari, dasturlar va onlayn to'lov tizimlari faoliyat yuritishmoqda. Bundan

tashqari, o'zbekistonlik tadbirkorlar ham onlayn savdo orqali xizmatlarni taklif etishadi.

Elektron tijorat tizimlarini rivojlantirish, onlayn savdo imkoniyatlarini kengaytirish va xaridorlarga qulaylik yaratish yo'li bilan, O'zbekiston hokimiyati tashqi investorlarni, shuningdek, mahalliy tadbirkorlarni ham o'z tizimlarini rivojlantirib, yanada yuqori darajada texnologik yaxshilik va xizmat sifatini ta'minlashgan.

O‘zbekistonda elektron tijorat va chakana savdo hajmi barqaror o‘sib bormoqda. Xususan, 2022-yilda elektron tijorat savdolari hajmi 2021-yilga nisbatan 1,8 barobar oshib, 10 886,8 milliard so‘mdan ortiqni tashkil etdi. Bu umumiy chakana savdo hajmining 4 foizdan ortig‘iga teng.

O‘zbekistonda elektron tijoratning kelajagini belgilovchi muhim omillardan biri sohani qonunchilik bilan tartibga solishdir. 2022-yilda yangilangan “Elektron tijorat to‘g‘risida”gi qonun qabul qilindi. Qonun iste’molchilarni ham, tadbirkorlarni ham huquqiy himoya qiladi, elektron operatsiyalarni amalga oshirish va huquqbuzarliklar uchun javobgarlikni belgilash tartibini belgilaydi. Ishonchli va barqaror elektron tijorat ekotizimini yaratishda qonunchilik va to‘lov tizimlari hal qiluvchi rol o‘ynaydi. Ular jarayonning barcha ishtirokchilari — ham xaridorlar, ham sotuvchilarning huquq va manfaatlarini himoya qilishni ta’minlaydi.



O’zbekistonda 2016-2022-yillarda elektron tijorat va chakana savdo hajmining dinamikasi

2019-yilda “To‘lovlar va to‘lov tizimlari to‘g‘risida”gi qonun qabul qilindi va bu fintech sektorining rivojlanishiga xizmat qilmoqda. Elektron to‘lovlar iste’molchilar va biznes uchun qulaylik va xavfsizlikni ta’minlovchi onlayn

tijoratning ajralmas qismiga aylandi. O‘zbekistonda onlayn tranzaksiyalarni osonlashtiradigan bir qancha to‘lov tizimlari mavjud.

Elektron tijoratning o’ziga xos qulayliklari va ustunliklari mavjud**:**

•Xalqarooperatsiyalarda axborot olish tezligi oshadi;

•Ishlab chiqarish va sotish davriqisqaradi;

•Arzon kommunikatsion vositalardan foydalanish evaziga axborot almashish xarajatlari kamayadi.

O’zbekistonda elektron tijoratni rivojlantirish jarayonlari amalda Bugungi kunga kelib, O’zbekistonda davlat organlari elektron tijoratni rivojlantirishda, dunyo tajribasida keng qo’llanilgan quyidagi prinsiplarga amal qilishmoqda.

• Elektron tijoratni rivojlantirishda korpoorativ sektor faol rol o’ynashi lozim;

• Elektron tijoratga nisbatan, davlat organlari tomonidan asoslanmagan turli cheklovlar qo’yilishiga yo’l qo’yilmaslik lozim;

• Davlat hokimiyati elektron tijorat jarayoniga, ushbu soha subyektlarini qo’llab-quvvatlash va huquq bazasini takomillashtirish maqsadida aralishishi mumkin;

• Elektron tijoratni boshqarish chora-tadbirlarini ishlab chiqishda davlat hokimiyati Inernetning o’ziga xosliklarini inobatga olishi lozim;

• Elektron tijorat jarayoni ma’muriy-hududiy bo’linish va davlat chegaralariga bog’liq bo’lmagan ravishda, global masshtabda sodir bo’lishi lozim.

Iqtisodiy rivojlanish oqibatida O’zbekiston xalqaro iqtisodiyot tizimida tobora o’z mavqe’ini mustahkamlab bormoqda. Bu esa o’z navbatida elektron tijorat infratuzilmasini takomillashtirish, uning jahon bozorida kuchli raqobatchi sifatida paydo bo’lishini ta’minlash zaruriyatini keltirib chiqaradi. Yuqoridagi holatlar inobatga olingan holda elektron tijoratning asosini , ya’ni huquqiy bazasini takomillashtirish bo’yicha bir qancha sezilarli ishlar amalga oshirildi. 2004 yil 29 aprelda N613-II “Elektron tijorat” to’g’risida O’zbekiston Respublikasi qonuni, 2007 yil 30 noyabrda Vazirlar Mahkamasining №21 “Elektron tijoratni rivojlantirish” tog’risidagi va 2007 yil 12 iyunda “Elektron tijorat tizimini amalda qo’llashda to’lov tizimini takomillashtirish” tog’risidagi qarorlar qabul qilindi. Bundan tashqari Respublikada elektron tijoratni rivojlantirish maqsadida “Ekarmon” loyihasi ishlab chiqildi va u samarali tarzda amaliyotga joriy qilinmoqda.

Olib borilgan va bajarilgan ishlar asosida bir qancha ijobiy natijalarga erishildi. Masalan, axborot almahinuvi tezligini oshirish va unga sarflanadigan vaqtni kamaytirish maqsadida olib borilgan ishlarning natijasi Respublikada xalqaro axborot tarmoqlari tezligini oshishida ko’rinadi.

Muammolar…

Shuni alohida ta’kidlab o’tish kerakki, o’zbekistonda elektron tijoratni rivojlantirish bilan bir qatorda bu sohaning takomillashishiga to’sqinlik qilayotgan bir qancha muammolar ham mavjud. Bu muammolarning tezkor va aniq yechilishi bugungi kunning muhim talablaridan biri hisoblanadi. Chunki aynan quyidagi

yechimini kutayotgan masalalar jahon tajribasida keng tarqalgan bo’lib, ularning to’gri hal qilinmasligi oqibatida bu sohada jiddiy inqirozlar vujudga kelishi mumkin.

Birinchidan, zarur infrastrukturaning hali ham yetarli darajada takomillashgmagani.

Quyida bir nechta misollar keltiramiz:

• internetning global tarmog’i bilan to’gridan-to’g’ri bog’langan provayderlar soni cheklangan miqdorda va buning natijasida internet mijozlarga provayder o’rtasida biridan ikkinchisiga tashish orqali yetkazilmoqda, ma’lumki bunday holat xizmat ko’rsatishning sifatiga salbiy ta’sir ko’rsatadi.

• viloyatlarda ko’rsatilayotgan internet xizmatining sifat ko’rsatkichlari poytaxtdagi holat bilan solishtirganda sezilarli darajada yomon. Ajratilgan ulanish (ADCL modem) uchun yetarli shart-sharoitning yaratilmaganligi natijasida mijozlar to’gridan to’g’ri qo’ng’iroq qilish orqali (Dial-up) ulanishdan foydalanishadi. Bu o’z navbatida xizmat sifatining yetarli darajada bo’lmasligiga olib keladi.

Ikkinchidan, internet foydalanuvchilarining miqdori shunday darajadaki, bu holat elektron tijorat bilan shug’ullanish uchun zarur bo’lgan yirik bozor yaratish imkonini bermaydi (O’zbekiston bo’yicha internet foydalanuvchilarining soni 2,5 mln. dan ortiq [4]). To’gri oxirgi yillarda bu sohada bir qancha ijobiy natijalarga erishilmoqda, lekin bu faqatgina ma’lum bir hududlarda (asosan poytaxt va ba’zi bir viloyat markazlar) o’smoqda. Ko’pchilik viloyatlarda bunday holat haligacha muammoligicha qolmoqda. Ma’lumki, yetarlicha hajmdagi bozorga ega bo’lmasdan turib elektron tijorat faoliyatini yuritish ixtiyoriy tadbirkor uchun zarardir.

Uchinchidan, jismoniy shaxslarning bank hisob raqamlaridan on-line to’lovni amalga oshirishni ta’minlaydigan ishonchli tizimning rivojlanmaganligi. Banklarimiz tomonidan chiqarilayotgan plastik kartochkalardan faqatgina maxsus terminallardan foydalanib to’lovni amalga oshirishimiz mumkin, xalqaro tajribada esa plastik kartochkalar yordamida, to’lovni qabul qilish uchun o’rnatilgan maxsus modullar orqali, to’g’ridan to’g’ri on-line do’konlarda to’lovni amalga oshirish mumkin.

Asosiy muammo shundaki, O’zbekistonda jismoniy shaxslar uchun on-line banking xizmati keng tarqalmadi. On-line banking bank mijozlari uchun internet tarmog’ida yoki mobil aloqa yordamida o’z hisoblarini boshqarish va to’lovlarni amalga oshirish imkonini beradi. Bir necha banklar tomonidan taklif etilayotgan SMS-banking bir tomonlama bo’lib, faqatgina hisob va operatsiyalar tarixi haqida ma’lumot olish uchun mo’ljallangan. Bu holat elektron tijoratning rivojlanishiga eng katta to’siq bo’layotgan muammolardan biridir.

To’rtinchidan, mavjud internet-do’konlar faoliyatida yetarli professionallik darajasi yetishmaydi. Aloqa va axborotlashtirish agentligi chop etgan ma’lumotlarga ko’ra 01.01.2008 yil holatiga bo’yicha O’zbekistonda 24 internet-do’kon faoliyat yuritadi. Kompyuter va elektron-mayishiy texnika mahsulotlarini sotishga bo’yicha-8, sovg’a va gullar bo’yicha-4, raqamli tovarlar bo’yicha -6, iste’mol va ma’ishiy tovarlar bo’yicha-3, kitob, musiqa va kompakt diskda filmlar sotishga mo’ljallangan-

3 do’kon mavjud. Bu veb-saytlarning 4-ishlov berilish jarayonida, 4-to’lovni xalqaro to’lov tizimidagi plastik kartochkalardan foydalanib amalga oshirish imkonini yaratadi, 12-WM Transfer to’lov tizimidan foydalanadi. Qolgan 7 do’kon naqdsiz to’lovni amalga oshirishni imkonini, yozma shartnoma imzolanganidan so’ng, yaratadi.

Takliflar…

Yuqorida keltirilgan muammolarni hal qilishda asosiy e’tibor beriladigan yo’nalishlar sifatida quyidagilarni taklif qilamiz:

• Elektron tijorat sohasida ilmiy izlanishlarni chuqurlashtirish zarur. Ilmiy ishlar, maqolalar yozish, maxsuslashtirilgan internet-resurlar yaratish, doimiy forum va konferensiyalar tashkil etish, kadrlar tayorlashda elektron tijoratning nafaqat texnik, balki iqtisodiy va huquqiy xususiyatlarini ham inobatga olish, eng asosiy muammolardan biri malakali kadrlar yetishmovchiligini, oldini oladi.

•Telekommunikatsion xizmatlarni ko’rsatish sohasida raqobatni rivojlantirish. Bu xizmat sifatining oshishiga, narxlar darajasining tushishiga va elektron tijorat uchun ma’lum internet-auditoriyalarining yaratilishiga olib keladi.

•O’z-o’zini boshqarish va tajriba almashish tizimlarini yaratish

•Elektron tizimi bo’yicha ta’lim tizimini rivojlantirish

•Axborot texnologiyalarining butun O’zbekiston bo’ylab keng tarqalishini ta’minlash. Nafaqat viloyat markazlarida, balki chekka qishloqlarda ham axborot texnologiyalarining joriy qilinishi elektron tijorat hajmining sezilarli darajada oshishiga olib keladi.

•On-line banking tizimini butun respublika bo’ylab samarali joriy qilish. Bu ulgurji va chakana savdo bilan shug’ullanayotgan tadbirkorlar uchun o’z tovar va xizmatlari bilan internet tarmog’i orqali erkin savdo qilish imkoniyatini oshiradi. Shu bilan birga bu bank sohasining boshqa yo’nalishlari bo’yicha ham sezilarli o’zgarishlarga olib keladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yhati.

1. Кобелев, О.А. Электронная коммерция /О.А. Кобелев ; под ред. С.В. Пирогова. – Москва : Издательско-торговая корпорация «Дашков и К°», 2018.

2. «Экономическое обозрение», 14 ноябрь 2009. «Новая вершина узбекского Интернета», 18-Б.

3. Schueffel P. Taming the Beast: A Scientific Definition of Fintech // Journal of Innovation Management. 2017.

4. Elektron manba: https://www.techtarget.com/searchcio/definition/e-commerce

5. Elektron manba: https://infocom.uz/elektron-tijorat-ozbekiston-iqtisodiyotidamavjud-holat-muammolar-va-istiqbollar/

KICHIK BIZNES VA TADBIRKORLIK SALOHIYATI OMILLARI HAMDA ULARNING O‘ZIGA HOS XUSUSIYATLARI

Numonjonova Nargiza Ashuraliyevna
Andijon mashinasozlik instituti tayanch doktoranti
nomonjonovanargiza7@gmail.com.

Bugungi yangilanayotgan iqtisodiy-ijtimoiy jamiyatda, bozor iqtisodiyotining shakllanishi va taraqqiy etishi, raqobatbardosh iqtisodiyotning samaradorlik darajasi va bozor islohotlarining muvaffaqiyatliligiga ta’sir etuvchi eng muhim omillardan biri - kichik biznes va tadbirkorlik faoliyati hisoblanadi.

Milliy iqtisodiyotimizda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish, uni davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlash mexanizmlarini takomillashtirish, u bilan bog‘liq muammolarni yechimini topish hamda moliyalashtirish masalalariga alohida e’tibor qaratilmoqda. Shu munosabat bilan mamlakatimizda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish, ijtimoiy-iqtisodiy vazifalarni hal etish buyicha aniq chora-tadbirlarni amalga oshirishimiz lozim. Shu o‘rinda, O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh. Mirziyoyev “Bizning yana bir muhim vazifamiz – kichik biznes va tadbirkorlik sohasini qo‘llab-quvvatlash va rag‘batlantirish, mamlakatimiz iqtisodiy qudratini, yurtimizda tinchlik va barqarorlik, ijtimoiy totuvlikni mustahkamlashdan, bu soha ulushini yanada oshirish uchun qulay shart-sharoitlar yaratib berishdan iborat” deb, ta’kidlagan [1]. Bu esa o‘z navbatida mamlakatimizda kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sohasini rivojlantirishning ustuvor yo‘nalishlarini belgilab olish va ularni asoslashni, sohadagi mavjud muammolarni hal etish yuzasidan ilmiy-amaliy taklif va tavsiyalar ishlab chiqishni yanada izchil davom ettirishni talab etadi.

Odatda, biron bir ijtimoiy-iqtisodiy voqea va hodisalarni o‘rganish avvalo uni nazariy jihatdan asoslashdan boshlanadi. Demak, biz eng avvalo iqtisodiyotda “salohiyat” va “tadbirkorlik” tushunchasi qanday mazmunga ega ekanligi haqida bilib olsak maqsadga muvofiq bo‘ladi.

“Salohiyat” atamasi biror subyektda mavjud imkoniyatlar, hamda obyektiv yoki subyektiv shart-sharoitlarga muvofiq faoliyat sohasida o‘zini hali to‘liq namoyon qilmagan yashirin imkoniyatlar birligini anglatadi. Shu nuqtayi nazardan “tadbirkorlik salohiyati” tushunchasiga ta’rif beradigan bo‘lsak,tadbirkorlik faoliyati bilan shug‘ullanayotgan har bir xo‘jalik yurituvchi subyekt o‘z imkoniyatlaridan foydalangan holda, ma’lum muddatda va hajmda tovar va xizmatlarni ishlab chiqarish va ularni iste’molchilarga yetkazib berish qobiliyatini tushunamiz.

Tadbirkorlik – bu doimo o‘z ishining fidoyisi, bilimdoni demakdir. Tadbirkorlik uchun nafaqat dastlabki paytlarda ilm olish va o‘qish zarur, balki tadbirkor bir umr o‘qishi, o‘z ustuda ishlashi va izlanishda bo‘lishi zarur. Tadbirkordan nimalarni bilish va qilish talab etiladi? U, eng avvalo, tadbirkorlik faoliyatini qanday amalga oshirishni, qanday sharoitda amaliy harakat qilishni, tadbirkor oldida uchraydigan to‘siqlarni va muammoni hal qilish yo‘llarini hamda

qanday yutuqlarga erishishni bilishi kerak. Tadbirkor ishlab chiqarish va xizmat ko‘rsatishni tashkil etish hamda mahsulotni sotish bilan birga, bozor munosabatlari sharoitida yuzaga keladigan holatlarni baholashni va to‘g‘ri yo‘l tanlashni ham bilishi zarur. Har bir tadbirkor faqat o‘z kuchiga, bilimiga, zakovatiga va salohiyatiga ishonishi, suyanishi lozim. Shu o‘rinda biznes falsafasi – «hamma hamma uchun emas, har kim o‘zi uchun» degan g‘oyani ilgari suradi [2]. Bundan ko‘rinib turibdiki tadbirkorlik faoliyati shaxsiy manfaatlardan boshlanadi.

Tarixan ilgari tadbirkorlik faoliyatining ko‘p jihatlariga oid fikrlar Sharqda shakllanib, tovar-pul munosabatlari dastlab shu yerda rivojlangan va asta-sekin G‘arbga qo‘chib o‘tgan.

Islomning asosiy manbai – “Kur’oni Karim”ga nazar tashlaydigan bo‘lsak,u insonlarni barcha moddiy ne’matlardan, resurslardan (yerdan) unumli, oqilona foydalanishga, tejamkorlikka chorlaydi. Sababi, Islomda mulk tushunchasi, uning mohiyati odamlar qo‘lidagi boylik - bu Allohning boyligi, odamlar esa faqat uning yerdagi boshqaruvchilaridir deb aytiladi [3]. Shu o‘rinda,tadbirkorlik salohiyatiga, Alloh tomonidan bizga in’om etilgan tabiiy boyliklarimizdan unumli foydalangan holda moddiy ne’matlar yaratib, iste’molchilarga yetkazishi deb, ta’rif bersak ham bo‘ladi.

Bugungi kunda ham, kichik biznes va tadbirkorlik faoliyatida “salohiyat” tushunchasi bir qancha xorijlik iqtisodchi olimlar tomonidan ilmiy asoslanib, ta’rif va tavsiflanib, iqtisodiy kategoriya sifatida qo‘llanilib kelinmoqda. Jumladan, iqtisodchi olim Yu.I.Sizov va B.L. Federchenkolar tadbirkorlik salohiyati tushunchasiga:- “Tovarlar va xizmatlarni ishlab chiqarish, ularni sotish, oqilona va izchil qarorlar qabul qilish, yangiliklarni yaratish hamda qo‘llash, har qanday tavakkalchilikni amalga oshirish uchun resurslarning eng yaxshi kombinatsiyasini topish va ulardan foydalanish imkonini beradigan inson fazilatlari, qobiliyatlari yig‘indisidir” deb, ta’rif bergan [4].

E.A.Fiyaksel, N.G.Shubnyakovalar esa, inson qobiliyatlari bilan bir qatorda tashqi muhit omillarini ham tadbirkorlik salohiyati shakllanishida muhim o‘rin tutadi deya ta’kidlagan holda quyidagicha ta’rif berishadi: “Tadbirkorlik salohiyati shaxslar, tashkilotlar, tarmoqlarning tadbirkorlik madaniyati va institutsional muhit mavjud resurs imkoniyatlarini o‘zgartirish bilan bog‘liq (yangi korxonalar yaratish) qobiliyatlaridan iboratdir”[5].

Milliy iqtisodiyot vakillarimizdan, O.Xatamov va S.Toshaliyevalar esa, shunday ta’rif berganlar:-“Tadbirkorlik salohiyati – iqtisodiy, ijtimoiy, demografik, tabiiy-iqlimiy, siyosiy-institutsional omillar ta’siri ostida tadbirkorlar va jismoniy shaxslarning muvaffaqiyatli tadbirkorlik faoliyatini amalga oshirish maqsadida muayyan natijaga erishish yo‘lida foydalanilayotgan ichki va tashqi tadbirkorlik qobiliyatlari, tadbirkorlik imkoniyatlari hamda hali foydalanilmayotgan tadbirkorlik zaxiralari yig‘indisini aks ettiradi” [6].

Shu nuqtayi nazardan, bugungi kunda, kichik biznesda tadbirkorlik salohiyatining o‘ziga hos xususiyatlari hamda uni samaradorligi oshishiga ta’sir qiluvchi bir qator omillar mavjud. Bular eng avvalo, moddiy, mehnat, moliyaviy resurslar bilan bog‘liq hisoblanadi. Bular sohani rivojlantirishning eng asosiy omili va ulardan oqilona va samarali foydalanish zarur. Shu bilan birga, iqtisodiy, ijtimoiy, siyosiy-institutsional, demografik, tabiiy omillar ham mavjud bo‘lib, ular xududlarda kichik biznesni rivojlanishiga o‘z ta’sirini ko‘rsatadi. Bugungi kunda kichik biznesda tadbirkorlik salohiyatini oshirish uchun o‘z tadbirkorligini boshlamoqchi bo‘lgan fuqarolarga qulay shart-sharoitlar yaratilyotganligi va tadbirkorlikni rivojlantirishni rag‘batlantiruvchi qo‘shimcha chora-tadbirlar tizimli ravishda ishlayotganligi hammamizga ma’lum. Ayniqsa, tadbirkorlik faoliyati bilan shug‘ullanishni hohlovchi aholi qatlamini boshlang‘ich mablag‘ bilan ta’minlanib, ularning ushbu sohadagi boshlang‘ich bilim va ko‘nikmalarini shakllantirish uchun maxsus o‘quv kurslari tashkil etilmoqda hamda ularni boshqarish, marketing, buxgalteriya hisobi, soliq va soliqqa tortishga oid bilim va ko‘nikmalarini oshirib borilishi, tadbirkorlik salohiyatini oshishiga xizmat qilmoqda.

Yuqorida ta’kidlab o‘tilganidek, tadbirkorlik faoliyatining boshida shaxsiy manfaat turadi va u keyinchalik daromat topish va foyda olish orqali boshqalarga ham naf keltiradi. Kimda moddiy imkoniyat, tajriba va tadbirkorlik salohiyati kuchli bo‘lsa, u rivojlanib boraveradi.

Ushbu fikr va mulohazalarni hamda bugungi kunda tadbirkorlik salohiyatining ilmiy-nazariy asoslarini o‘rgangan holda quyidagicha xulosa qilishimiz mumkin: - mamlakatimizda tadbirkorlik salohiyatini rivojlantirish maqsadida – iqtisodiy, ijtimoiy, demografik, tabiiy-iqlimiy, siyosiy-institutsional omillarni xududiy jihatdan o‘rganish hamda ulardan oqilona foydalanish uchun chora-tadbirlar ishlab chiqish;
- kichik biznesda iqtisodiy erkinlikni yanada takomillashtirish va bu sohani davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlanishini jadallashtirish;
- kichik va o‘rta biznesni yangicha moliyaviy instrumentlar bilan qo‘llab-quvvatlash bo‘yicha alohida dastur ishlab chiqish va.x.k.

Bu esa o‘z navbatidan mamlakatimizda kichik biznes sohasidagi tadbirkorlarni ham moliyaviy qo‘llab-quvvatlashga, shu bilan birga ularning tadbirkorlik salohiyatini oshirishga hamda iqtisodiy samaradorligini o‘sishiga olib keladi. Buning natijasida yana yangi ish o‘rinlari yaratiladi, ishsizlik darajasi pasayadi, mamlakat aholisining daromadlilik darajasi ortadi, turmush darajasi yanada yaxshilanadi.

ADABIYOTLAR

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev. “Erkin va farovon, demokratik O‘zbekiston davlatini mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz // «Xalqso‘zi», 15 dekabr 2016 yil.

2. Iminov T,Bo‘taboyev M,Qodirov A “Biznes boshqaruvi asoslari” F., 2017 yil. -105-bet.

3. A.Abdullayev, Sh.A.Mamatqulov, X.A.Aybeshov “Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik: tashkil etish, rivojlantirish, boshqarish”. Andijon-2019 yil.

4. Yu. I. Sizov, V. L. Fedorchenko i dr. Предпринимателство: энциклопедический словар. Волгоград: Издател, 2008. – 264 с

5. E.A.Fiyaksel, N.G.Shubnyakovaidr. Evolyutsiya ponyatiya predprinimatelskiy potensial. Jurnal Innovatsii № 9(215),2016. -48 s.

6. Xatamov O.Q, Toshaliyeva S.T. “Kichik tadbirkorlik subyektlari salohiyatini rivojlantirishning iqtisodiy-statistik tahlili” maqolasi “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnli, № 4, iyul-avgust, 2021 yil.

ROLE OF BUDGET-TAX POLICY IN ENSURING SUSTAINABLE ECONOMIC GROWTH

Saydakbarova Madinaxon Anisbekovna
Teacher of Andijan Faculty of Tashkent Financial Institute

Abstract

This article presents an analysis of the literature on the role of the budget and tax policy in ensuring sustainable economic growth and the factors influencing the improvement of the quality of life of the population and the aspects of economic growth.

In particular, the conclusions obtained as a result of research on the aspects of economic growth and improving the quality of life of the population are presented.

Currently, the development of economic development requires a deep study of the theoretical and economic content of this field, the factors affecting it, since the effective use of the natural and economic potential and opportunities of the regions is the main means of economic growth in the country. Economically stable growth determines the path of development of society, its level of development. Economic growth is primarily expressed in the growth and change in the amount of goods and services. In a broad sense, as a result of economic growth in society, reproduction increases, productive forces develop. Most importantly, the population's quality of life will materially improve and their well-being will increase.

Also, proper and reliable provision and management of the budget-tax policy in ensuring sustainable economic growth is considered one of the urgent problems of today.

Many economists in this field have conducted scientific and practical research on economic growth and put it into practice.

Also, mechanisms of economic growth are studied and models of economic growth are created. In modern economic theory, the basis of economic growth is not the real increase and short-term development of the volume of production, which is usually of natural importance, but the long-term growth of the natural level of the real volume of production, which depends on the development of productive forces in the long-term period.

Analysis of the literature shows that it was determined as a result of the industrial revolution in England in the middle of the 18th century. During this period, the real income of the population increased 10 times, and this indicator was even higher in developed countries. Until the beginning of the 20th century, data on economic growth was not fully available. The founder of the theory of economic growth is Joseph Schumpeter, an economist who worked at the beginning of the 20th century. Also, Simon Kuznets, Fernand Brodel, Theodore Schultz, Gary Becker, Michael Porter, Nikolai Kondratev and others contributed to the theory of economic growth. Economist Angus Madison has done a lot of research in real GDP and economic growth estimation. It is effective to analyze the country's economy through economic growth models. For example, analysis and forecasting of the economy through economic growth, the level of the country's armed forces with capital, maximum satisfaction of consumption and thereby keeping the savings rate at the level of the "golden rule" will help to improve the efficiency of the country's economy and make future plans. At the same time, other economic growth models can be used for economic analysis, evaluation and forecasting.

Since economic growth is studied from different points of view, it can be distinguished between its intensive and extensive types. Extensive economic growth occurs due to the additional involvement of production factors such as natural resources, labor and capital, and only their quantitative increase. Their quality and technical level will remain unchanged. Intensive economic growth is provided by improving the scientific and technical base and increasing labor productivity by effectively using all production factors. The result obtained from each unit of the resources involved in the production of the intensive road is finally reflected in the increase in the quantity of the product and in the increase in the quality of the product.

From the first stage of independent development, Uzbekistan paid attention to effective economic policy based on internal, stable factors of social and economic development. Great attention was paid to the creation of high-tech industrial sectors, development of entrepreneurship, and implementation of investments aimed at processing rich raw materials and resources in the country. The following will be the main factor in ensuring a high economic growth rate.




Figure 1 . Aspects of economic growth and factors affecting the improvement of the quality of life of the population

.

As a result of comprehensive modernization of the economy of Uzbekistan, the country is achieving social and economic stability. High results are being achieved as a result of effective economic policy of the state.

In terms of ensuring macroeconomic stability and the balance of internal and external sectors of the economy:

- as a result of strict monetary and credit reform, the annual inflation rate has remained around 9-11% for the last 10 years;
- as a result of effective budget and tax policy, the country's budget has been ending with a surplus in recent years;
- as a result of modernization of the economy, promotion of local producers, production of competitive products and foreign trade turnover create a positive balance.

Economic growth is the dynamic of continuous development of the national economy. Economic growth occurs at the microeconomic and macroeconomic levels. Microeconomic growth is the growth within an enterprise, firm or a particular industry, which is the result of certain group activities.

Aspects of economic growth and factors affecting the improvement of the quality of life of the population were grouped as follows (Figure 1).

Therefore, the following conclusions and suggestions can be put forward as a result of the research conducted on aspects of economic growth and improving the quality of life of the population.

- to increase the level of economic growth in the regions, develop the conceptual direction and tasks of economic development based on the effective distribution of production and financial resources, the formation of the necessary infrastructure, and ensure their implementation;

- ensuring the inclusiveness of economic growth, developing, implementing and coordinating strategies and programs to reduce poverty in cooperation with state administration bodies, non-governmental non-profit organizations, public organizations and international financial institutions and foreign government financial organizations;

- development of specific levers and mechanisms of poverty reduction, development and implementation of criteria for determining the level of poverty and evaluation methodology, minimum standards and normative frameworks of social security, taking into account foreign experience;

- it is important to carry out systematic work on the study of income stratification of the population and to ensure their compatibility with state targeted programs.

Sustainable economic growth in our country in order to develop the economy of Uzbekistan in a stable, rapid and proportionate manner, to deepen the structural changes aimed at diversifying the main sectors and increasing the export potential, to modernize economic sectors, complexes and enterprises, to further increase their efficiency and competitiveness on the basis of technical and technological renewal of production. the following can be defined as the priority areas of provision:

- development of clear, deep and well-thought-out long-term plans for the development of the leading sectors of the economy, on this basis, further deepening of structural changes aimed at diversification of the main sectors;
- production of competitive products with a high value-added share, which have constant demand in the world market, large-scale modernization, technical and technological updating of enterprises, equipping them with the most modern high-tech equipment;
- intensive application of modern scientific achievements and advanced innovative technologies in economic sectors;
- location of enterprises in all regions of the country and, on this basis, to ensure wide production of import-substituting products in the regions;
- increasing labor productivity, consistently reducing production costs and product prices, widely introducing modern technologies that save energy and resources;

- on the basis of deep and high-quality processing of domestic raw materials, stable growth of export potential, increase in production of competitive products intended for export, etc.

As a conclusion, we can say that through this article, the role of budget-tax policy in ensuring sustainable economic growth has its place in all areas of our society, and by treating it properly, structural changes aimed at the stable, rapid and proportionate development of the economy of Uzbekistan, diversification of the main sectors and growth of export potential in order to further increase their effectiveness and competitiveness based on deepening, modernization of economic sectors, complexes and enterprises, technical and technological renewal of production, determines the priority directions of ensuring stable economic growth in our country.

Literature

5. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 7, 2017 No. PF-4947 "On the Strategy of Actions for the Further Development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021 "
6. Tsarev V.V. (2004) "Rating of economic efficiency of investment". -SPb; Peter, - 19 p.
7. Sheremet V.V., Pavlyuchenko V.M., Shapiro V.D. (1998) Upravlenie investmenti, Moscow, Vysshaya Shkola, pp. 82-83.
8. Shodmonov Sh.Sh., Gafurov U.V. (2010) "Economic Theory" Textbook. - T.: p. 347.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЙ ТАФАККУРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ЖАРАЁНЛАРИ

Аҳмаджонов Содиқжон
Андижон машинасозлик институти
“Иқтисодиёт” кафедраси катта ўқитувчиси

Янги Ўзбекистонимизнинг барқарор ва самарали иқтисодиётини шакллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислоҳотлар бугунги кунда ўзининг натижаларини намоён этмоқда. Жумладан, қисқа вақт ичида иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш аҳоли даромадларининг ўсишини таъминлаш самарали ташқи савдо ҳамда инвестиция жараёнларини кучайтириш, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини барқарор ривожлантириш, банк-молия тизими фаолиятини мустаҳкамлашда аҳамиятли ютуқлар қўлга киритилади. Ҳозирги даврда дунё мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ўзининг маъно-мазмунн жиҳатидан олдинги босқичлардан кескин фарқ қилади. Бунда энг асосий ва муҳим жиҳат – миллий иқтисодиётнинг тобора интеграциялашуви ва глобаллашувининг кучайиб боришидир. Айни пайтда жараёнлар халқаро

майдондаги рақобатнинг ҳам кескинлашувига, ҳар бир мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун курашининг кучайишига ҳам таъсир кўрсатади.

2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида таълим сифатини ошириш масалаларига алоҳида аҳамият қаратилган. Айниқса, келажакни ўйлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида “Ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир” - деб айтган даъвати оламшумул аҳамиятга эгадир[1-1]. Шу ўринда ёшларнинг иқтисодий дунёқарашини замон талаблари асосида шакллантириш ҳам долзарб вазифа бўлиб бормоқда.

Ёш авлоднинг бугунги кундаги иқтисодий билимларга бўлган ўсиб борувчи эҳтиёжлари, талабларини қондириш ҳам ҳаётий заруриятдир. Маълумки, мамлакатимизда борган сари шаклланиб бораётган бозор иқтисодиёти инсонларнинг тирикчилик қилиш ва хўжаликларини ривожлантириш тизими сифатида ўз қонуниятларига эгадир. Бу қонуниятларни ўрганиш, эгаллаш, шу билимлар асосида ҳаракатлар жараёнида фойдаланиш ҳамда амалиётга татбиқ қилиш катта аҳамиятга молик вазифадир.

Ёшларнинг иқтисодий онгу тафаккурини бозор муносабатлари асосида шакллантириш ва тарбиялаш натижасида мамлакатимизда амалга оширилаётган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини ҳаётга татбиқ қилишда уларнинг фаоллиги ортади. Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон стратегияси” асарида “Ислоҳотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур. Шу боисдан ҳам боғчадан бошлаб олий ўқув юртигача – таълимнинг барча бўғинларини изчил ислоҳ қилмоқдамиз” - деб таъкидлаган[2-23]. Ўзбекистонда иқтисодий тафаккурнинг ҳамда тарбиянинг пайдо бўлиши, ривожланиши узоқ ўтмиш ва бой тарихга эга бўлиб, унда «Авесто» маълумотлари, Муқаддас китобимиз «Қуръони карим» насиҳатлари, Ҳадиси шарифдаги қадриятлар халқимиз ҳаёт тарзида маҳкамланиб келмоқда. Булар узоқ давр мобайнида, миллатимиз иқтисодий онги ва тафаккурининг ривожланишида, авлоддан-авлодга ўтиб келаѐтган қадрият ва анъана, урфодатларимизнинг юзага келишида мустаҳкам пойдевор ва асос бўлиб келмоқда. Жаҳоншумул асар бўлган «Авесто»да кишиларнинг деҳқончилик, чорвачилик, боғдорчилик билан шуғулланиш кераклиги, ер, сув, ҳавони булғалаш, ифлослантириш оғир гуноҳ эканлиги таъкидланади[3].

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий мафкуравий тараққиѐтининг ҳозирги босқичида тадбиркорлик қобилиятининг ривожланиши кишиларда мулкдорлик маданиятини шакллантириш, ресурслардан тежамли ва унумли фойдаланиш, мамлакат иқтисодиѐтини том маънода юксалтириш,

аҳолида иқтисодий тафаккур, иқтисодий маданият ва иқтисодий тарбиянинг қанчалик ривожланганлиги билан кечади. Иқтисодий тафаккур – инсоннинг иқтисодий жиҳатдан воқеаҳодисаларни таҳлил қилиши, унга баҳо бериш ва қарор қабул қилиш; кишидаги иқтисодий онг, иқтисодий қарашлар, иқтисодий фаолият, иқтисодий билим ва тушунчалар, иқтисодий хатти-ҳаракат мажмуидан иборат бўлиб, унинг асосида иқтисодий маданият пайдо бўлади.

Иқтисодий таълим иқтисодий тарбиянинг аҳамиятини янада ошириб, унинг самараси тадбиркорлик, ресурслардан тежамли фойдаланиш, банк кредити билан ишлаш, пинҳоний иқтисодиѐтдан сақланиш ва солиқ тўловларини ўз вақтида амалга ошириш, уй хўжалигини юритишда ҳисоб-китоб, янгиликларга интилиш ва жамият иқтисодий фаолиятидаги иштирокида намоѐн бўлади. Мамлакатимизда олиб борилаѐтган бозор ислоҳотларининг жамиятга жадал татбиқ этилиши, унинг асл моҳиятини англаш ва рўѐбга чиқариш ҳам аҳолида иқтисодий маданиятнинг шаклланганлиги ва иқтисодий билимларнинг қанчалик ўзлаштирилганлигига боғлиқ.

Иқтисодиѐтни ривожлантирувчи куч инсон омили экан, инсоннинг иқтисодий билимларни эгаллаши ва иқтисодий тарбияга эга бўлиши, иқтисодий маданиятлилигини таъминлайди. Иқтисодий тарбиянинг мақсади иқтисодий маданиятни шакллантиришдан иборат. Таъкидлаш лозимки, иқтисодий билимлар, иқтисодий таҳлил кўникмалари,иқтисодий тафаккур ва ўзига хос сезгилар (масалан, мулкка эгалик ҳисси)ниўзлаштириш даражасини таърифловчи бу билим, кўникма, 229 ижтимоийсезгиларни инсоннинг амалий фаолиятида рўѐбга чиқариш даражасини очибберувчи бошқа бирон-бир маданият ѐки иқтисодий тарбия услубига боғлиқ бўлади. Иқтисодий маданият ва иқтисодий тарбия уйғунликда инсон ижтимоий фаолиятининг ана шу тамонларини акс эттиради.

Иқтисодий маданият ва иқтисодий тарбиянинг кўникмаларини ўзлаштирмасдан иқтисодий муносабатларни онгли, изчил ва илмий ўзгартириш ҳамда такомиллаштириш мумкин эмас. Иқтисодий маданият ва иқтисодий тарбия уйғунликда қуйидагиларни ўз ичига олади: - иқтисодий билимлар, яъни иқтисодий назария асосларини, ходимнингихтисослиги билан узвий боғлиқ бўлган муайян иқтисод соҳасини, халқароиқтисодий муносабатларнинг асосларини билиши лозим; - хўжалик юритиш билими, малака ва кўникмаларининг ривожланганлиги; - ташаббускорлик ва тадбиркорликка, масъулиятни оширишга, кам харажат қилиб, катта иқтисодий натижаларга эришиш имконини берувчи йўлларни ижодий излашга йўналтирилган иқтисодий тафаккурнинг янги типи, яъни кўринишидир; - тежамкорлик, омилкорлик, хўжасизликка нисбатан муросасизлик кабиижтимоий хислатларни шакллантириш;иқтисодий билимлар, кўникмалар ва маҳоратни кундалик амалиѐтдамеҳнатда, оилавий маиший муносабатларда, ижтимоий-сиѐсий, бошқарув ватадбиркорлик фаолиятида қўллаш. Шундай қилиб, иқтисодий

билимларни эгаллаш ва ўзлаштириш иқтисодий маданиятдан маънавиятга, билимдан эътиқодга, ундан эса, ўз навбатида, реал амалий ҳаракатлар сари юксалишни назарда тутади. Демак, иқтисодий маданият иқтисодий тарбия билан чамбарчас боғликдир.

Жамиятда иқтисодий муносабатлар сақланар экан, иқтисодий маданият ва иқтисодий тарбия фалсафий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик, педагогик-психологикасос ва хусусиятларга эга бўлади. Иқтисодий маданият ва иқтисодийтарбиянинг фаолияти билимдан эътиқодга ва мазкур билимларни амалиётгататбиқ этишга ҳаракат тарзида содир бўлади. Иқтисодий маданият ваиқтисодий тарбия ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий фаолиятга иқтисодиёт ваиқтисодий тарбия назарияси нуқтаи назаридан, ҳаёт ҳодисаларига бозор номалари ва қонуниятлари ҳамда қоидалари талабидан қарашни талаб этади. Иқтисодий маданият иқтисодий тарбия назариясини ўзагидир.

Бугунги кунда республикамизда таълимни ривожлантиришнинг янги босқичида иқтисодий таълимнинг асосий вазифаси сифатида жаҳон талабларидаражасида янгиланиб бораётган ишлаб чиқариш шароитларига мослашаоладиган, иқтисодиётимизни буюк давлат даражасига кўтарадиган мутахассисларни тайёрлаш ва бу жараёнда асосий омил сифатида бериладиганахборотлар ҳажмини эмас, балки ижодий ёндашувни шакллантириш, мустақилфикрлаш ва татбиқ қилиш сифатларини тарбиялашга эътибор қаратиш лозим.

Шу билан бирга иқтисодий таълим ва иқтисодий тарбия кенг кўламли узлуксиз жараён ҳисобланади. Бунда давлат ва нодавлат ташкилотлари бирдек иштирок этиши мақсадга мувофиқдир. Масалан, маҳалла, ўзини-ўзи бошқариш органлари ёрдамида иқтисодий тафаккур шаклланишига хизмат қилувчи амалий тадбирларни ташкил қилиш, улар ёрдамида ҳар бир оилага кириб бориш, суҳбатлар ташкил қилиш, иқтисодий маданиятни тарғиб қилувчи шиор ва ташаббуслар билан чиқиш, маҳаллаларда тарғиботташвиқот ишларини олиб бориш лозим.

АДАБИЁТЛАР

1. Ш.Мирзиёев. Инсон манфаатлари ва ҳуқуқларини таъминлаш-демократик жамиятнинг асосидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи. 2017 йил 19 сентябрь.
2.Ш. Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. Т.,”Ўзбекистон” нашриёти, 2021 й. 23-бет.
3. Авесто: “Видевдот” китоби. –Т., 2007.

TITLE: A COMPREHENSIVE REVIEW OF MORPHOLOGICAL ANALYZER ALGORITHMS

Ismailov Alisher Shakirovich
Orcid: 0000-0002-8372-5108
alisherismailov1991@gmail.com
Tashkent Finance Institute

Abstract:
Morphological analysis is a crucial step in natural language processing (NLP) that involves breaking down words into their smallest meaningful units, known as morphemes. Morphological analyzers play a vital role in various NLP applications, such as machine translation, information retrieval, and text mining. This paper provides a comprehensive review of state-of-the-art morphological analyzer algorithms, highlighting their key features, strengths, and limitations.

Keywords: *Morphological analysis, Natural Language Processing (NLP), Morphemes, Computational models, Tokenization, Stemming, Lemmatization, Finite-State Automaton (FSA), Finite-State Transducers*

1. **Introduction**:

Morphological analysis is an essential aspect of understanding the structure and meaning of words in a language. The primary goal of a morphological analyzer is to identify and analyze morphemes within words, facilitating deeper language understanding in computational models. In recent years, several algorithms have been proposed to enhance the efficiency and accuracy of morphological analyzers.

2. **Basic Components of Morphological Analyzers:**

Before delving into specific algorithms, it is essential to understand the fundamental components of morphological analyzers. These typically include tokenization, stemming, and lemmatization. Tokenization involves breaking text into words or phrases, stemming aims to reduce words to their root form, and lemmatization focuses on transforming words to their base or dictionary form.

3. **Review of Morphological Analyzer Algorithms:**

a. Finite-State Automaton (FSA)-Based Approaches:

- FSA-based approaches are widely used in morphological analyzers due to their efficiency and simplicity.
- These algorithms utilize finite-state transducers to model the morphological rules of a language.

- Popular examples include the Xerox Finite-State Transducer and the HFST toolkit.

b. Rule-Based Morphological Analyzers:

- Rule-based approaches rely on linguistic rules to generate morphological analyses.
- These rules are often crafted by linguists or derived from linguistic resources.
- Challenges include the manual creation of rules and handling exceptions.
- Examples include the Two-Level Morphology and the Apertium platform.

c. Statistical and Machine Learning-Based Approaches:

- Statistical and machine learning methods have gained prominence in morphological analysis.
- Techniques such as Hidden Markov Models (HMMs) and Conditional Random Fields (CRFs) are applied.
- These approaches leverage annotated corpora for training and can adapt to various languages.

d. Hybrid Approaches:

- Hybrid approaches combine rule-based and statistical methods to harness the advantages of both.
- By integrating linguistic knowledge with data-driven techniques, these approaches aim for improved accuracy.
- Hybrid models are often applied in languages with complex morphological structures.

4. Evaluation Metrics:

Assessing the performance of morphological analyzers requires appropriate evaluation metrics. Common metrics include precision, recall, and F1 score. Additionally, runtime efficiency and adaptability to different languages contribute to the overall evaluation of an algorithm.

5. Challenges and Future Directions:

Despite significant advancements, morphological analysis continues to face challenges, such as handling morphological ambiguity and resource-intensive rule creation. Future directions may involve exploring deep learning architectures,

leveraging neural networks for morphological analysis, and addressing the complexities of morphologically rich languages.

6. Case Studies and Applications:

To further illustrate the effectiveness of various morphological analyzer algorithms, this paper presents case studies and real-world applications where these algorithms have been successfully employed. Case studies provide concrete examples of how different approaches handle specific linguistic challenges and contribute to the overall understanding of morphological analysis.

a. **Machine Translation:**

- Explore how morphological analyzers impact the quality of machine translation systems.
- Discuss instances where languages with complex morphological structures benefit from specific algorithms.

b. **Information Retrieval:**

- Investigate the role of morphological analyzers in improving information retrieval systems.
- Examine how stemming and lemmatization contribute to more accurate search results.

c. **Text Mining and Sentiment Analysis:**

- Analyze the impact of morphological analyzers on text mining tasks, such as sentiment analysis.
- Discuss how morphological analysis can enhance the extraction of meaningful information from textual data.

d. **Multilingual Applications:**

- Explore the adaptability of different algorithms to various languages.
- Highlight cases where hybrid approaches prove effective in handling morphological variations across multiple languages.

7. Limitations and Open Challenges:

While morphological analyzer algorithms have made significant strides, it is crucial to acknowledge their limitations and ongoing challenges. Discuss common issues such as:

- **Ambiguity Handling:** Address the challenges in dealing with morphological ambiguity, where a word may have multiple valid analyses.
- **Resource-Intensive Rule Creation:** Explore the difficulties associated with manually crafting linguistic rules and the need for extensive resources.
- **Cross-Linguistic Variations:** Discuss how morphological differences across languages pose challenges for universal algorithm applicability.

8. **Future Research Directions:**

Identify promising avenues for future research in the field of morphological analysis. Consider topics such as:

- **Deep Learning Architectures:** Explore the potential of deep learning models, including neural networks, in improving morphological analysis accuracy.
- **Unsupervised Learning:** Investigate the feasibility of unsupervised learning methods for morphological analysis, reducing reliance on annotated corpora.
- **Handling Morphologically Rich Languages:** Propose strategies for addressing the complexities of languages with rich morphological structures.

9. **Conclusion:**

This paper provides a comprehensive review of morphological analyzer algorithms, covering traditional FSA-based methods, rule-based approaches, statistical and machine learning techniques, and hybrid models. The evaluation metrics discussed offer insights into the performance of these algorithms. As NLP applications continue to evolve, ongoing research in morphological analysis remains crucial for enhancing language understanding in computational models.

Reference

1. Ismailov, A. S., & Jo‘Rayev, Z. B. (2022). Study of arduino microcontroller board. Science and Education, 3(3), 172-179

2. Ismailov, A. S. (2021). Smart car security system based Arduino and GSM. Science and Education, 2(2), 99-102.

3. Ismailov, A. S., Abdurakhmonova, N., & Tojiboyev, G. O. (2021). Wireless traffic light controller. Science and Education, 2(12), 249-253.

4. Ismailov, A. S., Qodirova, G. T. X. Q., & Yigitaliyeva, M. (2023). Arduino mikrokontroller platasini o’rganish. Science and Education, 4(3), 174-182.

5. Udayakumar R., Kaliyamurthie KP, Khanaa, Thooyamani KP, Ma'lumot qazib olish ne'mati: Akademiyada oliy o‘quv yurti ayollari uchun bashorat qilish tizimi, World Applied Sciences Journal, v-29, i-14, pp-86-90, 2014 yil.

6. Kaliyamurthie KP, Parameswari D., Udayakumar R., QOS simsiz sensor tarmog‘ida joylashuv monitoringini saqlaydigan maxfiylikdan xabardor, Hindiston fan va texnologiya jurnali, v-6, i- SUPPL5, pp-4648-4652, 2013.

7. KumarJ., SathishKumarK., DayakarP., Mikrosilikon yuqori mustahkam betonning ta'siri, Xalqaro amaliy muhandislik tadqiqotlari jurnali, v-9, i-22, pp-5427-5432, 2014.

IQTISODIYOTNI DAVLAT TOMONIDAN TARTIBGA SOLISH MEXANIZMI

Zokirov Jamshidbek Shavkatbek o’g’li
Andijon mashinasozlik instituti Iqtisodiyot ta’lim yo’nalishi 4-kurs talabasi
jamshidbekzokirov813@gmail.com

Mavzuning dolzarbligi. Bozor iqtisodiyoti sharoitida mamlakat iqtisodiyotining ko’plab muhim tarmoqlarini davlat tartibga solishi talab etiladi. Davlat bozor mexanizmi bajara olmaydigan bir qator iqtisodiy vazifalarni bajaradi. Ular quyidagilardir:

1. Mamlakatning ijtimoiy - iqtisodiy xavfsizligini va milliy iqtisodiyotni raqobatbardoshligini ta`minlash;
2. Barqarorlashtirish vazifalari (pul muomalasini tartibga solish, inflyatsiyani oldini olish va h.);
3. Qonuniy tartibga solish vazifasi;
4. Muvofiqlashtirish vazifasi;
5. Ijtimoiy yo`naltirilgan vazifasi;
6. Taqsimlash;
7. Nazorat va boshqalar.

Yuqoridagilarning barchasi hozirgi zamon iqtisodiyotida bozor mexanizmi orqali iqtisodiyotni tartibga solish qanchalik zarur bo`lsa, davlat mexanizmini shunchalar zarur ekanligini ko`rsatadi. Eng muhimi, iqtisodiy jarayonlarni tartibga solishda xar ikkala mexanizmlarni afzal jixatlarini birlashtirishdir. Bu esa iqtisodiyotni ratsional boshqarishdagi muhim vazifalardan biri hisoblanadi.

Iqtisodiyot o`zini-o`zi tartibga solish davrida bozor mexanizmi uzoq vaqt mobayinida iqtisodiyotni tartibga solishning yagona mexanizm bo`ldi. Iqtisodiyotni davlat tomonidan taribga solish zarurati va uni bozor bilan uy`gunlashtirish biroz keyinroq yuzaga keldi.

Iqtisodiyotni davlat tomonidan tartibga solish xususiy kapitalni takror ishlab chiqarilishi uchun qulay sharoit yaratishdan to iqtisodiy hamkorlik doirasida o`rta muddatli umumdavlat dasturini xalqaro kelishuvlar darajasigacha bo`lgan yo`li bosib o`tildi.

Hozirgi kunda davlat iqtisodiy tizimda iqtisodiy indikatorlarga faol ta`sir etuvchi yagona va asosiy tartibga soluvchi, muvofiqlashtiruvchi markaziga aylanmoqda, iqtisodiy o`zgarishlarga qulay sharoit yaratmoqda. Bozor iqtisodiyotini barcha jabxalarni tartibga solishda davlat boshqaruviga zaruriy elementi sifatida qaraladi.

Umumiy holda iqtisodiyotni davlat tomonidan tartibga solishning asosiy maqsadi:

1. Iqtisodiy va ijtimoiy barqarorlikka erishish;
2. Bozorni amal qilishi uchun qulay sharoit yaratish;
3. Iqtisodiy o`sishning barqaror darajasini ta`minlash;
4. Iqtisodiyotda tarkibiy o`zgarishlarni boshqarish;
5. Ijtimoiy taraqqiyotni ta`minlash;
6. Ekologik va demografik muammolarni xal etish hisoblanadi.

Iqtisodiyotni davlat tomonidan tartibga solinishi turli uslublar bilan amalga oshiriladi. Ulardan: iqtisodiy, qonuniy-ma`muriy va sudlov. Ushbu uslublar turli vositalardan foydalangan holda turli usullar orqali amalga oshiriladi. U umumiy ko`rinishda 1-chizmada keltirilgan.

Davlat tomonidan tartibga solish turlari: mutloq davlat monopoliyasi (sobiq ittifoq va boshqa davlatlar) va iqtisodiy erkinlik darajalari, ya`ni bu darajalar o`rtasida bir qator oraliq ko`rinishlari mavjud bo`ladi (Xitoyda bozor sotsializmi, Germaniya va Avstriyada ijtimoiy yo`naltirilgan bozor iqtisodiyoti, Shvedtsiya aralash iqtisodiyot modeli va h.k.).

Bozor iqtisodiyotiga o`tish davrida iqtisodiyotni davlat tomonidan tartibga solinishi.

Markazlashgan-rejali iqtisodiyotdan bozor iqtisodiyotiga o`tishda iqtisodiyotni tartibga solish borasida davlatning roli mazmun va shakli jihatdan o`zgaradi. Bozor iqtisodiyotiga o`tishda mulkchilik munosabatlari tizimini shakllantirish vazifasi yuzaga keladi. Bunday sharoitda davlatning aralashuvisiz ijtimoiy yo`naltirilgan bozor iqtisodiyotiga o`tib bo`lmaydi.

O`tish davrida davlat islohatlarni amalga oshirish, yo`naltirish va javobgarliklarni o`z zimmasiga oladi. Davlat bozor munosabatlariga o`tishda quyidagi vazifalar asosiy etib belgilaydi:

1. Monopoliyadan chiqarish, raqobatli muxitni yaratish va tadbirkorlikni rivojlantirish uchun huquqiy bazani yaratish va qulay sharoitni ta`minlash;

2. Aralash iqtisodiyotda yangi mulkchilik munosabatlarini va bozorning barcha elementlarini shakllantirish;

3. Inflyatsiyaga qarshi siyosat olib borishda, pul va moliya-kredit sohasida nazorat vazifalarini saqlab qolish va takomillashtirish.

Ta`kidlab o`tilgan davlat tomonidan tartibga solish usullari to``gri va egri usullarga bo`linadi. To’g’ri usullarga: davlat subsidiyasi, davlat tadbirkorligi, iqtisodiyotni davlat boshqaruvi tizimi taaluqlidir. Egri usullarga: soliq, jarima, kvotalar, bojxona bojlari va boshqalar taaluqlidir.

Indikativ rejalashtirish va davlat dasturlari iqtisodiyotni davlat tomonidan tartibga solishning muhim shakli hisoblanadi.

Davlat sektori – bu mulk egasi davlat bo`lgan ja`mi korxonalar va tashkilotlar majmuidir. Uning bir qismi milliylashtirishdan va ikkinchi qismi esa davlat mabla`glari hisobidan shakllanadi. Kapital talab etuvchi yangi tarmoqlarni yaratish (kosmik sanoat ishlab chiqarish va boshqalar) hisobiga iqtisodiyotning davlat sektori oshib boradi.

Turli mamlakatlarning ijtimoiy ishlab chiqarishida davlat sektori ulushi turlicha bo`lib, u asosiy kapitalning 2% dan 50% gachasini tashkil etadi. MDX davlatlarida bozor iqtisodiyotiga o`tish va iqtisodiyotni isloh qilishdan so`ng davlat sektori ulushi sezilarli darajada qisqardi. Misol uchun: Rossiya Federatsiyasi sanoatida davlat sektori ulushi 5 %dan kamni tashkil etdi, O`zbekiston Respublikasida – 30 %.

Davlat sektori ishlab chiqarish maqsadlariga ko`ra nodavlat sektoridan farqlanadi. Ishlab chiqarishdan asosiy pirovard maqsad - bu foyda olish, lekin davlat sektorining asosiy maqsadi – bu investitsiyani, bandlikni tartibga solish, nodavlat sektoriga yordam ko`rsatish va ijtimoiy jarayonlarni tartibga solish hisoblanadi. Davlat sektori maqsadlari milliy iqtisodiyot manfaatlaridan kelib chiqadi. Iqtisodiyotni davlat tomonidan tartibga solish vazifalarini amalga oshirish uchun soliqqa tartish va yi`gimlar yo`li bilan davlat byudjeti resurslari tashkil etiladi va davlat sektorining moddiy bazasi shakllantiriladi. Iqtisodiyotni davlat tomonidan tartibga solish – bu takror ishlab chiqarish jarayonining tarkibiy qismi va jamiyat iqtisodiyotii rivojlantirishdir.

Taklif va tavsiyalar. Iqtisodiyotni tartibga solishning davlat mexanizmi bozor mexanizmi bilan uzluksiz bo`glangan. Bundan hulosa qilsak, «Samarasiz davlat boshqaruvi bilan iqtisodiy barqaror rivojlanib bo`lmaganidek, ijtimoiy rivojlanib ham bo`lmaydi». Bu borada taniqli iqtisodchi P.Samuelson shunday deydi – «Iqtisodiyotni u yoki bu mexanizmisiz boshqarish – bu bir qo`lda qarsak cholish bilan barobardir».

Ilmiy rahbar: “Iqtisodiyot” kafedrasi stajyor-o’qituvchisi O.Olchinboyev

Adabiyotlar ro’yhati:

1. S.Yunusova, “Iqtisodiyotni davlat tomonidan tartibga solish usullari”, O`quv-uslubiy majmuasi, NamDU, 2022-yil;

2. Abulqosimov H.P. “Iqtisodiyotni tartibga solishning bozor va davlat mexanizmlari” - Toshkent, Akademiya, 2012-yil;

3. Abulkasimov H.P. “Makroiqtisodiy tartibga solish va O`zbekistonning barqaror rivojlanishi” – Toshkent, Akademiya, 2011-yil;
4. Erkaev B.A., Karimova G.I., Abdulqosimov X.P. “Bozor iqtisodiyotini davlat tomonidan tartiga solish vositalari”. Toshkent, «Sharq» 1996-yil.

O’ZBEKISTONDA AYOLLAR VA ERKAKLARNI TENG HUQUQLILIGI TA’MINLASHDA IQTISODIY FAOLLIKNING AYRIM JIHATLARI TAHLILI

Suyarov Zokirjon Ergashevich
Toshkent davlat Iqtisodiyot universiteti katta o’qituvchisi
Yo‘ldashaliyev Baxodirjon Iqboljon o‘g‘li
Toshkent davlat Iqtisodiyot universiteti Andijon fakulteti talabasi
Aytboyeva Mashhura Mahmudjan qizi
Toshkent davlat Iqtisodiyot universiteti Andijon fakulteti talabasi

Annotatsiya: Ushbu maqolada jamiyatda ayollarni iqtisodiy faolligini oshirish, xotin qizlarni kamsitilishini oldini olish, oila qadrini muhimligini anglash, O’zbekistonda ayollarni bandligini ta’minlash orqali oilalardagi ijtimoiy muammolarini kamaytirish masalalari yoritilgan.

Kalit so’zlar: oila, gender muammolari, gender tenglik, ayollar bandligi, ayollar faolligi.

O‘zbekistonda ayollar iqtisodiy faolligining yuqori emasligi ayollarning asosan uy-ro‘zg‘or ishlari bilan band ekanligi bilan bog‘liq. Shu bilan bir qatorda davlar budjet tashkilotlarida ishlaydigan ayollarnning ish haqi erkaklarning shu tashkilotlarda ishlab oladigan maoshlari bilan bir xil. Muammo shundaki, xususiy sektor va mulkilikning boshqacha shakllariga asoslangan xo’jalik yurutuvchi korxona va tashkilotlarda ayollar mehnati uchun to’lanadigan ish haqi erkaklarning xuddi shunday xo’jalik yurutuvchi korxona va tashkilotlardagi ish haqidan o‘rtacha 40% kamroq maosh oladi. Bugungi kunda xotin-qizlar bandligini ta’minlash, barcha sohalarda ayollar faolligini oshirishga erishish, mehnat bozorida kamsitishlarni oldini olish va ish haqi tengligini ta’minlash global muammolardan biri hisoblanadi. Mamlakatimizda xalqaro mehnat tashkiloti ma’lumotlariga ko‘ra, 2019−2020 yillarda ayollar bandligi 4,2%ga kamaygan. Bu 2020 yilda ishlaydigan ayollar soni 2019 yildagiga nisbatan 1,3 million nafarga kamayganligini anglatadi. Yuqoridagi ko‘rsatkichdan shuni anglashimiz mumkin, yildan yilga kamayotganini ko‘rib chiqsak O‘zbekistonda ayollar soni 2022-yilda 17 million 608 ming kishini tashkil

etgan. Ushbu ko‘rsatkich 2023-yilda ayollar soni – 18 million 66 ming kishi tashkil etgan hamda 2.2% oshganligi ma’lum bo‘lmoqda.

“Noqulay mehnat sharoitlariga ega bo‘lgan, ayollarning mehnatidan foydalanish cheklangan ayrim ishlar ro‘yxatini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qarori loyihasi e’lon qilindi. Loyihada ayollarning reproduktiv salomatligini asrash va onkologik kasalliklar kelib chiqishining oldini olish maqsadida 21 ta iqtisodiyot tarmoqlari bo‘yicha mehnat sharoitlari noqulay (zararli va xavfli) bo‘lgan 95 ta ishlar turi va kasblar ro‘yxati tasdiqlanmoqda. Ma’lum qilinishicha, loyiha qabul qilinishi natijasida “O‘zbekiston Mehnat kodeksini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qonun 393-moddasida belgilangan talablarni ijrosi ta’minlanishiga erishiladi. Noqulay mehnat sharoitlariga ega bo‘lgan, ayollarning mehnatidan foydalanish cheklanadigan ayrim ishlar ro‘yxatiga tog‘-kon qazib chiqarish sanoati, tog‘-kon, metallga ishlov berish, quduqlarni burg‘ilash, neft va gazni qazib olish, qora metallurgiya, rangli metallurgiya, kimyo sanoati hamda boshqa yo‘nalishlardagi ayrim ishlar kiritilgan.

Prezidentimiz 2022-yil 25 iyul kuni «O‘zbekiston Respublikasi aholisini ijtimoiy himoya qilish strategiyasini tasdiqlash to‘g‘risida»gi farmonni imzoladi. Farmon bilan Moliya vazirligi tarkibida yuridik shaxs maqomiga ega bo‘lmagan Ijtimoiy sug‘urta jamg‘armasi tashkil etish ko’zga tutildi. Kelgusida davlat ijtimoiy sug‘urtasi bo‘yicha beriladigan nafaqalar «Ijtimoiy himoya yagona reyestri» axborot tizimi orqali bosqichma-bosqich to‘lanadi. Xususiy sektorda ishlayotgan ayollarga davlat tomonidan to‘lanadigan homiladorlik va tug‘ish nafaqasi miqdori 2 million so‘mni tashkil etadi.

O‘zbekiston ayollarni iqtisodiy faolligi pastligiga sabab avvalo ularning uy-ro‘zg‘or ishlari va bola parvarishi bilan to‘liq bandligi bilan izohlanadi. O‘zbekiston ayollari vaqtining 22 % ni uy yumushlari va bola parvarishiga sarflaydi. Bu ish haqi to‘lanmaydigan mehnat hisoblanadi, erkaklar esa vaqtining 9% ni uy yumushlariga sarflaydi. Uy ishlari bilan bog‘liq katta mas’uliyat o‘zbek ayollarining mansab pillapoyalaridan yuqori ko‘tarilishiga to‘sqinlik qiladi. O‘zbekistonda ayollar ko‘proq qulay sharoitlarni taklif qiladigan davlat sektorida ishlaydi. Ayollar bandligining tarmoq tuzilmasi xarakterikasi shuki, ular asosan ish haqi past va ish vaqti qisqaroq bo’lgan sohalarda ishlaydi. Masalan: ta’lim, sog‘liqni saqlash kabi ijtimoiy sohalar. Bu sohalarda erkaklar va ayollarning ish haqi o‘rtasidagi faqr deyarli yo’q bo’lgan holda ushbu tizimlarda gender tengligi bilan bog’liq muammolar kuzatilmaydi. Biroq xususiy sektordagi va mulkchilikning boshqa shakllaridagi korxona va tashkilotlarda ayollarga yaratilgan mehnat sharoitlari yaratilgani holda ish vaqti uzoq davom etadi va ularga to’lanadigan ish haqi ayollar bajargan mehnatiga yarasha to’lanmaydi. Bu holat ko’pincha oilalardagi ishlaydigan ayollar ijtimoiy holatini og’irlashtiradi. Maishiy masalalarda nizo va kelishmovchiliklarni yuzaga keltiradi. Kunbay ish bilan band bo’lgan ayollar ham jamiyatimizda ko’pchilikni tashkil etadi. Bu hol ayniqsa, qishloq ayollari orasida yuqori bo’lib, bu joylarda real ish o’rinlari yaratilmaganligi va mavjud ish joylarining tanqisligi bilan bog’liq. Kunbay ish haqi olib ishlaydigan

ayollar joylarda quyidagi ijtimoiy muammolarga duch kelish holatlari uchrab turadi. Bular:

1. Mehnatiga yarasha ish xaqi ololmasligi.
2. Ish vaqtining aniq belgilanmaganligi.
3. Ular uchun zaruriy mehnat muhofazasi tashkil etilmaganligi.
4. Turli kamsitilish va zo’ravonlikka duch kelish havfining yuqoriligi va boshqa sabablarni misol qilib keltirish mumkin.

Mamlakatda ayollar tadbirkorligini, ijtimoiy-iqtisodiy faolligini yuksaltirishga oid bir qator tadbirlarni amalga oshirayotgan siyosiy partiyalar bo‘lsada, ularning ko‘lami, salmog‘i va ayollarning siyosiy madaniyatini yuksaltirishga ta’siri hali davr talablari darajasida emas. Ayollar tadbirkorligini qo‘llab-quvvatlash borasida mamlakatimizda tizimli tadbirlar amalga oshirilmoqda Prezidentimiz Sh.Mirziyoev ta’kidlaganidek, “Hayotimizning fayzu farishtasi bo‘lgan munis onalarimiz, mehribon opa-singillarimizga munosib mehnat va turmush sharoitini yaratib berish, ularni rozi qilish – barcha darajadagi rahbarlarning nafaqat xizmat vazifasi, balki, eng avvalo, insoniy burchidir”. Ayollar faolligini ko'paytirish uchun eng muhim o'zgaruvchi o'quv taminoti. Ayollar o'quv va professional ta'limga kirish imkoniyatiga ega bo'lsalar, bugungi ish bozorida ta'rixchilik qilish uchun zarur bo'lgan ko'nikmalarni egallayishlari mumkin. Ayol tasaodudi faoliyatning yanada o'sayotgan holda, ayollar o'simligi vaqtinchalik o'lmagan kuchli hamjihatni amalga oshirishi mumkin. Ma’lum bir davlatda ayollar tadbirkorligi muhitini aniqlovchi bir qator xalqaro standartlar mavjud bo‘lib, uning rivojlanish darajasi “Ayollar tadbirkorligi Global indeksi” deb nomlanadigan davlatlar reytingini belgilab beruvchi xalqaro hujjat bilan aniqlanadi.

2020-yilning may oyida Oliy Majlis Senati tomonidan 2030 yilga qadar gender tenglikka erishish strategiyasini qabul qildi. Shuningdek, O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi “Xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlar kafolatlari to‘g‘risidagi” qonuni, 2017-2021-yillarda O‘zbekiston Respubikasining rivojlantirishning beshta ustov yo‘nalishi bo‘yicha harakatlar strategiyasi hamda O‘zbekiston-2030 strategiyasida tegishli qonunchilik hujjatlari ishlab chiqilgan. Ushbu strategiyalarda ustuvor yo‘nalishlar singari ijtimoiy-iqtisodiy sohalarda xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlarni ta’minlash masalasi ham o‘rin egallaydi. O‘zbekistonda so‘nggi yillarda gender tengsizligini bartaraf etish bo‘yicha ishlar faollashdi. Gender tenglik masalasi davlat siyosati darajasiga ko‘tarilib 25ta sohaga oid qonun hujjatlari qabul qilindi. O‘zbekistonda parlamentdagi xotin-qizlar soni 32% tashkil etadi bu ko‘ratkich orqali mamlakatimiz 190ta davlatlar ichida qaryib 30-o‘rinni egallagan. Gender siyosati muammolari, gender tadqiqotlari, ayniqsa, “Ayollar muammosi” bilan bog‘liq masalalar rasmiy darajada davlat siyosatining ustuvor masalalari qatoriga kiritilgan. Xotin-qizlarning mavqeyini oshirish, ayniqsa, ularning huquqlarini qonuniy hujjatlari orqali himoya qilish va kengaytirish bo‘yicha chora-tadbirlar belgilandi. Natijalarga ko’ra, yigitlar orasida mehnatni kasbiy taqsimlash

masalalarida gender stereotiplariga amal qilish darajasi 70,8 foizni tashkil etadi. Qizlar mehnat taqsimoti bo'yicha ko‘proq liberal g‘oyalarga ega: ular 42,3 foiz kasblarni “erkak” va “ayol” ga taqsimlashdagi stereotiplarni hozirda ahamiyatsiz deb hisoblaydi. Tadqiqot jarayonida gender xususiyatlar asosida o’quvchilarning kasb tanlashdagi afzalliklari aniqlanib olinmoqda.

Xulosa shuki, aslida ayollarga nisbatan har qanday zo'ravonlik barcha aqlli jamiyatlarda, jumladan, Islomda ham qoralanadi. Ayollarga nisbatan kuch ishlatish tajovuz hisoblanadi. Ayollarni qo’llab-quvvatlash va ularda paydo bo’layotgan yangi fikr va g’oyalarni rag`batlantirish ularda o’ziga bo’lgan ishonchni yanada ortishiga xizmat qiladi. Shu ma’noda, siyosiy, iqtisodiy va ijtimoiy hayotda qarorlar qabul qilishning barcha darajalarida ayollarning to‘liq va samarali ishtirok etishini ta’minlash bo‘yicha ishlarni izchil davom ettirish zarur.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1.Mirziyoyev Sh.M Milliy taraqqiyot yo`limizni qat’iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko`taramiz. T. 1. - Toshkent: O`zbekiston. 2017.

2. Mirziyoyev Sh.M Buyuk kelajagimizni mard va oliyjanob xalqimiz bilan birga quramiz. Toshkent: O`zbekiston. 2017.

4. Mirziyoyev Sh.M Yangi O`zbekiston demokratik o`zgarishlar, keng imkoniytlar va amaliy ishlar mamlakatiga aylanmoqda. “Yangi O`zbekiston” gazetasi bosh muharriri Salim Doniyorovning savollariga javoblari. “Yangi O`zbekiston” gazetasi 2021 yil 16-avgust https//yuz.uz/news/

4. “Xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlar kafolatlari to'g'risida” O'zbekiston Respublikasining qonuni. 2019 yil 2 sentyabrda qabul qilingan.

5. https://civil.uz/ozbekistonda-gender-tenglikka-erishish-strategiyasi-bugungi-holat-va-mavjud-muammolar murojaat etilgan sana 09.03.2024

EKOLOGIYANING IQTISODIYOTGA TA’SIRI

Ro’ziyev Rustamjon Ravshanjon o’g’li
TMI Andijon fakulteti “Bank ishi va auditi”yo’nalishi 2-kurs talabasi
Turobov To’lqinjon Tohirjon o’g’li
Raqamli Iqtisodiyot va Agrotexnologiyalar Universiteti
“Xalqaro Moliya va Bank ishi” yo’nalishi 1-kurs talabasi

Annotatsiya: *Tezisda ekologiyaning iqtisodiyotga va uning subyektiv yechimlari haqida fikr yuritilgan. Turli chet el adabiyotlaridan ishlatilgan holda tezisga boyitishlar kiritilgan.*

Kalit so’zlar: *Ekologiya, Ifloslanish, Iqtisodiyot, Agrosanoat, ehtiyojlar, yashil hududlar.*

Abstract:*In the thesis, there is an opinion about the ecology of the economy and its subjective solutions. Various foreign literatures have been carefully used and enrichments have been included in the thesis.*
Key words*: Ecology, Pollution, Economy, Agro-industry, needs, green areas.*
Абстрактный: *В диссертации изложено мнение об экологии экономики и ее субъективные решения. В диссертацию была тщательно использована различная зарубежная литература и внесены дополнения.*
Ключевые слова*: Экология, Загрязнение, Экономика, Агропромышленность, потребности, зеленые зоны.*

Oxirgi o’n yillikda dunyo bo'ylab iqtisodiyotda, korxonalarga talabning o'sishining birinchi sababi elektr toki va hom-ashyo ehtiyojining ortishiga sabab bo'ldi. Bu ehtiyojlar ortishi, turli sohalarda kompaniyalar va korxonalar ochilishiga olib keldi:

www.stat.uz saytidan olingan ma`lumotlarga qaraganda 2010-2021-yillar oralig`ida ishlab chiqarish hajmi 11 barobar yuqorilaganini kuzatishimiz mumkin.

(в фактических ценах, млрд сум/amaldagi narxlarda, mlrd.so`m/in actual prices, billion soums)

*(*dastlabki ma’lumot/* предварительные данные/*preliminary data), (*2022- yil Iste’mol tovarlari ishlab chiqarish hajmini shakllantirish bo*

Hududlar	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
O`zbekiston Respublikasi	**13,683.8**	**18,336.4**	**21,527.8**	**28,614.1**	**33,868.5**	**42,085.5**	**48,253.8**	**59,690.4**	**83,512.6**	**110,321.0**	**129348.6**	**155159.1**
Qoraqalpog`iston Respublikasi	250.7	334.4	391.4	579.0	699.2	1,051.1	1,088.8	1,209.2	1,815.0	2,377.6	2804.2	2945.6
Andijon	3,266.9	3,887.6	4,843.0	6,717.3	7,329.6	7,159.7	5,313.5	9,853.1	21,385.4	26,179.4	27490.4	25823.9
Buxoro	764.1	977.2	1,082.0	1,331.8	1,732.7	2,292.0	2,635.9	3,112.1	3,661.3	5,311.1	6701.9	8570.2
Jizzax	256.9	312.8	382.6	442.1	573.6	878.1	1,053.4	1,299.5	1,821.5	2,351.6	2992.9	4009.7
Qashqadaryo	651.7	815.6	947.8	1,498.2	1,520.5	2,094.3	2,577.2	2,549.3	2,891.7	3,899.8	4947.4	4660.9
Navoiy	455.8	568.7	716.5	1,096.1	1,112.2	1,768.6	2,139.2	2,193.6	2,528.3	3,243.4	3896.5	4342.5
Namangan	581.8	774.5	968.6	1,113.1	1,413.1	2,098.1	2,413.4	3,090.5	4,135.6	6,030.0	6442.2	8303.8
Samarqand	1,412.4	1,736.3	2,070.7	2,484.0	3,242.3	3,829.9	5,079.8	5,919.2	7,848.2	8,745.3	11836.0	14381.9
Surxondaryo	290.7	363.6	445.5	537.8	687.7	942.8	985.2	1,068.4	1,218.0	1,601.3	2161.1	2640.6
Sirdaryo	252.9	391.3	467.8	669.7	822.7	1,135.3	1,404.0	1,516.6	1,895.2	2,840.3	2812.3	3718.9
Toshkent	1,335.3	2,362.9	2,177.1	3,053.3	3,811.0	4,970.1	6,250.0	5,785.5	7,700.9	10,859.0	14517.4	19981.5
Farg`ona	1,136.8	1,393.7	1,584.8	1,961.5	2,293.5	2,888.1	3,316.3	3,740.8	4,530.1	7,216.3	10360.9	11763.9
Xorazm	346.8	441.1	548.2	682.5	1,151.7	1,764.5	1,671.2	2,374.3	3,904.7	5,673.9	6448.3	8591.6
Toshkent sh.	2,681.0	3,976.5	4,901.8	6,446.8	6,382.8	8,731.2	11,700.7	14,275.8	17,840.1	21,997.7	24984.3	35424.2

Stats.uz(2023). Sanoat. Stat.uz. https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/industry-2

2010-2021-yillarda berilgan imkoniyatlardan tabdirkorlar unumli foydalanganini ko`rishimiz mumkin, bu holat viloyatlarning iqtisodiy va moliyaviy rivojlanishiga, kambag’allikni va ishsizlikni kamaytirishda kam juda salmoqli yordam berdi desak, yanglishmagan bo’lamiz. Ammo bu holatning o’ziga yarasha salbiy tomonlari bor. Masalan, www.stat.uz saytda berilgan ma`lumotlarga asoslanib 2011-2022-yillar oralig’ida havoga ifloslantiruvchi moddalar chiqarish 85.2 ming tonna ortgan:

Atmosferaga chiqarilgan ifloslantiruvchi moddalar												
ming tonna												
Hududlar	**2011**	**2012**	**2013**	**2014**	**2015**	**2016**	**2017**	**2018**	**2019**	**2020**	**2021**	**2022**
O‘zbekiston Respublikasi	**788.2**	**817.6**	**855.2**	**1,162.1**	**975.1**	**1,008.2**	**853.5**	**883.7**	**952.8**	**924.4**	**908.7**	**874**
Qoraqalpog‘iston Respublikasi	23.5	19.5	25.8	26.7	32.8	30.6	37.7	34.0	37.2	28.9	31.4	21
Andijon	13.6	12.2	14.4	6.6	18.5	36.7	15.8	15.9	14.3	11.5	4.9	17
Buxoro	71.7	61.7	50.7	51.9	55.6	58.5	63.8	74.8	69.1	37.1	44.7	36
Jizzax	17.3	14.1	17.2	37.2	70.2	63.4	5.2	11.8	4.3	3.4	2.9	27
Qashqadaryo	142.5	163.0	167.0	171.8	176.3	167.9	165.7	152.2	140.4	128.1	132.3	116
Navoiy	45.2	42.4	43.9	42.6	47.0	57.4	44.1	49.9	43.6	48.4	68.6	42
Namangan	5.6	7.0	3.7	3.9	7.8	15.8	15.9	15.2	15.8	15.0	23.9	7
Samarqand	51.8	52.8	49.1	51.3	54.7	51.6	37.2	52.1	44.2	52.7	39.4	39
Surxondaryo	3.3	4.4	3.7	5.8	3.1	3.2	3.2	5.1	6.9	6.5	7.1	7
Sirdaryo	58.7	46.9	35.4	69.3	66.1	68.9	59.6	60.5	47.8	71.8	45.7	49
Toshkent	280.3	290.4	372.3	619.2	370.6	318.7	302.9	336.6	397.9	430.0	425.5	438
Farg‘ona	42.8	73.5	40.2	38.4	38.9	103.2	60.1	53.2	49.6	50.5	46.5	49
Xorazm	4.9	4.9	6.2	6.3	5.0	5.2	9.2	7.1	7.2	6.8	7.2	5

stats.uz. (2023). *Ekologiya*. Stat.uz. https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/ecology-2

bu sonlar kichik sonlar emas. Bu o’z navbatida tabiatdagi daraxtlar kesilishi bilan xam bog’liq. Chunki barchamizga ma’lumki, daraxtlar fotosintez natijasida bizga kislorod ishlab chiqarib beradi.

Bu havoni ifloslantiruvchi gazlar asosan zavodlardan va Issiqlik Elektr Stansiyalar(IES)dan chiqayotgan Chlorofluorocarbons (CFCs), Hydrochlorofluorocarbons (HCFCs), Halons, Methyl bromide, PM 2.5 , Carbon tetrachloride, Methyl chloroform (Fahad, & Fahad. (2023, November 28). kabi gazlar hisoblanadi.

AQSHning “Milliy Biotexnologiya Axborot Markazi”da chop etilgan “Havoning ifloslanishi fond bozori faoliyatiga qanday ta'sir qiladi? Xitoydan dalillar” maqolasida keltirilishicha, Xitoyda o’tkazilgan 2013–2019-yillarni qamrab olgan Xitoydagi 1344 ta aksiyadorlik kompaniyalarining bergan ma’lumotlari asosida havo ifloslanishining fond bozori faoliyatiga ta’siri va potentsial mexanizmi o‘rganiladi. Natija shuni ko'rsatadiki, havo ifloslanishi fond bozori faoliyatiga salbiy ta'sir ko'rsatadi. Ikkinchidan, heterogenik tahlili shuni ta'kidlaydiki, tahlilchilar son jihatidan kichikroq, mulki ko'rsatilgan va tegishli sanoatni ifloslantiradigan firmalar, havo ifloslanishining salbiy ta'siriga nisbatan ko'proq zaifdir. Pirovard, natija shuningdek, havo ifloslanishi investorlarning kayfiyatini pasaytirish orqali fond bozorini yomonlashtirishi mumkin bo'lgan mexanizmni ochib beradi. Yuqoridagi topilmalar havo ifloslanishining fond bozori faoliyatiga ta'siri bilan bog'liq joriy tadqiqotlarni boyitadi va shuningdek, investorlarga aksiyadorlik investitsiyalari to'g'risida qaror qabul qilishda yangi istiqbollarni taqdim etadi.

Nafaqat, fond bozorida balki agrosanoatga ham katta ta’sir o`tkazadi. www.airly.org saytida e’lon qilingan maqolaga asoslanib, Havo ifloslanishi agrosanoatga turli xil yo’llar bilan ta’sir o`tkazishi mumkin. Masalan, iflos havo ekinlarni hajmini kichiklashishiga olib keladi-hisob kitoblarga ishonilsa, ekinning hajmini deyarli eng ikkiga qisqartirishi mumkin. Bundan tashqari, ifloslanish azon qatlamidagi teshikni kattalashishiga olib keladi va natijada, ultrabinafsha nurlari ekinlaring to`g`ri rivojlanishiga ta’sir o`tkazadi va ulardagi fotosintezni sekinlashtiradi. O`zbekiston qishloq xo`jaligi sanaoti asosiy eksport qiladigan tovarlaridan biri hisoblanadi, shu sababdan ifloslanish mamlakatimizning iqtisodiyotiga salbiy ta’sir o’tkazadi.

Eksport tarkibi (XSST-2008)

mln.AQSH.dollar

XSST kodi	XSST nomi	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022
	Jami:	14,795.1	13,455.4	14,298.6	13,532.0	12,499.6	12,078.4	12,534.2	13,990.4	17,458.7	15,102.3	16,662.8	19,293.7
1	Oziq-ovqat mahsulotlari va tirik hayvonlar	1,777.4	736.9	1,399.3	1,631.2	1,239.6	644.9	817.9	1,029.9	1,436.4	1,336.2	1,371.8	1,631.5
2	Ichimliklar va tamaki	41.9	43.0	32.4	23.0	23.1	17.8	23.4	22.3	29.8	27.1	36.0	111.0
3	Nooziq-ovqat xomashyo, yokilg‘idan tashqari	1,486.1	1,403.9	1,305.3	1,174.6	885.3	788.5	626.6	427.5	591.2	456.1	509.5	393.6
4	Asosan material turiga qarab klassifikatsiyalangan sanoat tovarlari	2,722.2	4,656.0	3,435.3	3,110.2	2,685.1	1,713.9	1,607.6	2,666.8	2,528.9	659.0	914.8	1,215.2
5	Hayvonlar va usimliklar moylari (yoglari), yoglar va mumlar	0.4	0.3	0.1	0.1	0.2	0.0	0.0	0.1	12.4	26.8	1.5	21.2
6	Kimyoviy vositalar va boshqa toifalarga kiritilmagan shunga o‘xshash mahsulotlar	819.6	747.8	580.3	620.6	594.8	817.6	860.7	881.3	836.5	820.9	1,131.2	1,301.3
7	Asosan material turiga qarab klassifikatsiyalangan sanoat tovarlari	1,805.7	1,733.3	1,864.4	1,927.0	1,739.5	1,712.6	2,200.7	2,411.8	2,752.9	2,906.4	4,333.1	4,383.7
8	Mashinalar va transport asbob-uskunalari	983.9	878.5	821.1	544.5	137.0	208.9	350.8	204.1	421.8	434.4	693.6	973.6
9	Turli xil tayyor buyumlar	196.7	233.1	269.3	230.3	213.1	245.8	311.8	337.6	435.7	617.3	785.6	1,112.4
10	Boshqa tovarlar	3,188.7	666.2	1,648.2	1,240.2	1,920.6	2,807.6	3,260.0	2,939.0	4,978.2	5,813.1	4,303.9	4,132.3
11	Xizmatlar	1,772.4	2,356.4	2,942.8	3,030.3	3,061.3	3,120.6	2,474.5	3,070.0	3,434.8	2,005.0	2,581.7	4,017.8

Stat.uz(2023) *Tashqi iqtisodiy faoliyat*. https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/merchandise-trade-2

www.stat.uz bergan ochiq manbalarga asoslanib, Oziq ovqat va tirik hayvonlar bo’limini ko’rib chiqilsa, 2011-yilda 2022-yilga qaraganda 163.9 mln AQSH dollari ko’proq savdo qilingan va berilgan ma’lumotlaga asoslanadigan bo`linsa, havo ifloslanishini qishlo q xo’jaligiga o’z ta’sirini o’tkazgan.

Ekologiya muammolarining iqtisodiyotga ta'sirini kamaytirishning bir necha yo'llari mavjud:

1. Qayta tiklanuvchi quvvat manbayidan foydalanish;
2. Chiqindilarni qayta ishlashni yo`lga qo`yish;
3. Ekologik innovatsiyalarni yaratish;
4. Hukumat tomonidan ifloslanishga qarshi kurashish uchun qonunlar ishlab chiqish;
5. Xalqaro ekogolik tashkilotlar bilan hamkorlik;

Birinchi navbatda, qayta tiklanuvchi energiya manbalaridan foydlanishni ko’paytirish, xususan, quyosh nuri yordamida quvvatni yig`adigan batareyalardan korxonaning ofis va administrasion zonalarida keng ko`lamda foydalanishni

boshlash, shu bilan birgalikda chiqindilarni kamaytirish va ularni qayta ishlab chiqarish bo`yicha start-uplarga rivojlangan davlarda shu yo`nalish bo`yicha tajribaga ega bo`lgan korxonalar bilan iqtisodiy munosabatlarni boshlashini zarur. Shu bilan birgalikda, yangi ekologik texnologiyalar uchun grandlar sonini ko`paytirish va yosh agroixtirochilarning g`oyalarini moliyalashtirish hamda, yosh mutaxasislarni chet davlatlarida amaliyot qilishlari bo`yicha chora tadbirlarni yo`lga qo`yish maqsadga muvofiq bo`ladi. Hukumat tomonidan har bir korxona o’zining hududining 25% iga eko-zona qilishi bo`yicha qonunlar ishlab chiqishini taklif qilinadi. Ekologik muommolar bilan kurashadigan xalqaro tashkilotlar bilan hamkorlik qilish ham maqsadga muvofiq hisoblanadi, ular bilan birgalikda ishlash; tajriba almashinuvini yo`lga qo`yish orqali mamlakatimizdagi ekologik muommolarini kamaytirb, ifloslanishning iqtisodiyotga ta’sirini kamaytirishga erishish mumkin.

Xulosa qilib aytganda, ifloshlanishga e’tiborsiz qaramasligimiz kerak, O`zbekistondagi havo iflosligini dunyo reytinglarida yuqori pog’onalarni egallamoqda, bu esa o’z navbatida insonlarning sog`ligiga shu bilan birgalikda iqtisodiyotiga ham ta’srini o`tkizmoqda va buni oldini olishimiz zarur.

ГЕНДЕР ТЕНГЛИК ШАРОИТИДА АЁЛЛАР МЕҲНАТИ

Мирмуминова Муниса Амануллаевна
Андижон машинасозлик институти “Иқтисодиѐт” мутахассислиги 2-босқич магистранти.
Phone: +99897273687

Аннотация: Мақолада янгиланаётган Ўзбекистонда аёллар бандлигига алоҳида эътибор берилаётганлиги ва гендер тенглик шароитида аёллар меҳнати давлат ва жамият назоратида эканлиги тўғрисида фикр мулоҳазалар баён қилинган.

Калит сўзлар: аёллар бандлиги, гендер тенглик, аёллар ҳуқуқлари, меҳнат кодекси, аёллар иеҳнатидаги имтиёзлар, оналик ва болалик, аёллар дафтари.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ўзининг “Янги Ўзбекистон стратегияси” асарида “Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ-манфаатларини, гендер тенгликни таъминлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, аёллар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, улар учун янги иш ўринларини яратиш, меҳнат ҳамда турмуш шароитларини яхшилаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди”.

Гендер тенглиги барқарор ривожланиш соҳасидаги халқаро кун тартибининг стратегик мақсадларидан бири ва узвий қисмидир. Гендер тенглиги тамойили эркаклар ва аёллар учун тенг ҳуқуқлар ва имкониятларнинг тўлиқ кафолатисиз инсон ҳуқуқларидан фойдаланишга эришиш мумкин эмас

деган концептуал ғояни ўзида мужассам этади. Ушбу тамойил кўплаб халқаро шартномалар, миллий конституциялар ва қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган. Гендер проблематикасини ҳисобга олиш инсон ҳуқуқлари ва ижтимоий адолатни қарор топтириш, хотин-к,излар ва эркакларнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида (сиёсат, илм-фан, маданият, санъат, таълим, ишлаб чиқариш, технологиялар ва б.) тенг иштироки ҳамда уларнинг натижаларидан фойдаланиш имкониятини таъминлашга ҳизмат қилади. Гендер тенглиги узоқ муддатли институционал ёндашувларни тақозо этади.

БМТнинг 2030 йилгача бўлган Глобал кун тартибининг барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси 2021 йилнинг май ойида давлат идоралари, ННТ, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда гендер тенгликни таъминлаш ҳамда барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга оид саккизта вазифани ишлаб чиқди ва «Гендер тенгликка эришиш стратегияси»ни қабул қилди. Унга мувофиқ 2030 йилга келиб хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг ҳар қандай шаклига барҳам бериш, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда қарорлар қабул қилишнинг барча гендер тенглиги: ғоядан қонунга қадар даражаларида аёлларнинг тўлиқ ва самарали иштирокини ҳамда етакчилик қилиш учун тенг имкониятларни таъминлаш кўзда тутилган.

2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг мақсади ҳам хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Мазкур қўлланма Ўзбекистонда гендер тенглиги муаммосини ўрганиш соҳасида муҳим тажрибадир. Унда тақдим этилаётган билим ва компетенциялар янгиланаётган Ўзбекистонда гендер тенглиги проблематикасини глобал ривожланиш, жаҳон тажрибаси ҳамда миллий-тарихий контекстда ўрганишни назарда тутади.

Қўлланмадан гендер тенглиги муаммосининг эволюцияси, тарихий-маданий ретроспективаси, муаммонинг назарий-амалий аспектлари ўрин олган. Хусусан, муаммони ёритишда жаҳон тажрибасидан кенг фойдаланиш, давлат дастурлари ва стратегияларни режалаштиришда гендер ёндашувни татбиқ этиш, давлат ташкилотларида гендер тенглигини таъминлашга қаратилган корпоратив маданият ва қулай институционал муҳитни яратиш, раҳбар ва мутахассисларнинг гендер тенглиги соҳасида компетентлигини ошириш мазкур қўлланманинг шубҳасиз кучли жиҳати ва ютуғидир. Қўлланма мамлакатимизда фуқаролик ҳамжамиятини барпо этишга қаратилган демократик жараёнлар контекстида муҳим ижтимоий аҳамият касб этади.

Гендер тенглиги барқарор ривожланиш асосларидан биридир. Халқаро миқёсда БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари (SDG) гендер тенглиги, аёллар ва қизларнинг имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, бошқа

мақсадлар доирасида ижтимоий тенглик масалаларини ўз ичига олади. Хотин-қизлар дунё аҳолисининг қарийб ярмини ташкил этади, аммо уларнинг кичик қисмигина муносиб иш билан таъминланади ва қарорлар қабул қилиш жараёнида қатнашади.

Сиёсатда ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида аёлларнинг тўлиқ ва тенг иштирокини таъминлаш ривожланиш учун жуда муҳимдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида сўзлаган нутқида: «Биз гендер сиёсати масалалари борасида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва ишбилармонлик соҳасида аёлларнинг ролини тубдан оширишга қаратилган ишларни қатъий давом эттирамиз», – деб таъкидлади. Бугунги кунда гендер тенглиги масалалари миллий қонунчиликдан ҳам муносиб ўрин олди. 2019 йил 2 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди.

Ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 17 августда қабул қилинди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан 2019 йил 23 августда маъқулланди. Мазкур қонун мамлакатимизда гендер тенгликни таъминлашга қаратилган яхлит ва асосий ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Қонунга кўра, гендер хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги муносабатларнинг жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан, сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, мафкура ва маданият, таълим ҳамда илм-фан соҳаларида намоён бўладиган ижтимоий жиҳатидир. Ушбу ҳужжатда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, ушбу соҳада давлат бошқаруви механизмлари белгиланди. Мазкур қонун минг йиллардан буён жамиятда мавжуд бўлиб келган аёл ва эркак ўртасидаги тенгсизлик муаммосини бартараф этишга қаратилган.

Янгиланаётган Ўзбекистоннинг ислоҳотларида инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг устунлиги, хусусан, эркак ва аёл ҳуқуқларининг ҳимояси, жамиятда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ҳамда имкониятларига аҳамият бериш масалалари кенг ўрин олган. Кейинги йилларда давлат ва жамият бошқаруви соҳасида олиб борилаётган тадқиқотлар ижтимоий ҳаёт равнақига салбий таъсир кўрсатувчи омиллардан бўлган эркаклар ва хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларда тенг эмаслиги муаммоларини ўз вақтида бартараф этиш раҳбар ва ходимларнинг менежмент соҳасида ишлашнинг илғор усуллари ҳамда билим ва компетенцияларни ўзлаштирганига боғлиқлигини кўрсатади.

Меҳнат шароити ноқулай ишларда, шунингдек ер ости ишларида аёллар меҳнатини қўлланиш тақиқланади, ер остидаги баъзи ишлар (жисмоний бўлмаган ишлар ёки санитария ва маиший хизмат кўрсатиш ишлари) бундан

мустаснодир. Аёлларнинг улар учун мумкин бўлган нормадан ортиқ юкни кўтаришлари ва ташишлари ман этилади.

Аёллар меҳнатини қўлланиш тақиқланадиган меҳнат шароити ноқулай ишларнинг рўйхати ҳамда улар кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган юк нормаларининг чегарасини Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши ва иш берувчиларнинг вакиллари маслаҳатини олган ҳолда тасдиқлайди.

Меҳнат қонунчилигига мувофиқ, аёлларни ишга қабул қилиш умумий асосларда меҳнат шартномаси тузиш орқали амалга оширилади. Аммо уларнинг айрим тоифасига қўшимча кафолатлар белгиланиши мумкин. Аёлларни ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли ишга қабул қилишни рад этиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланади. Ҳомиладор ёки уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлни ишга қабул қилиш рад этилган тақдирда, иш берувчи бунинг сабабларини уларга ёзма равишда маълум қилиши шарт. Бу тоифа аёлларни ишга қабул қилишни ғайриқонуний равишда рад этишга мутлақо йўл қўйилмайди. Ишга қабул қилишни рад этганлик устидан судга шикоят қилиниши мумкин. Бундай ҳолларда уларнинг поймол этилган ҳуқуқлари суд томонидан дарҳол тикланади.

Меҳнат қонунчилигида аёллар меҳнати учун турли имтиёз ва кафолатлар белгиланган. Бу имтиёз ва кафолатларнинг барчаси халқаро ҳуқуқий норма, қоидаларга асосланади. Хусусан, “Аёлларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенцияда аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий фаолият соҳасида эркаклар билан тенг ҳуқуқларга эга бўлиши учун барча зарур чора-тадбирлар амалга оширилиши лозимлиги таъкидланган. Ушбу Конвенция ва бошқа халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда баён этилган аёлларнинг ҳуқуқларига оид қоидалар Конституциямизда ва Меҳнат кодекси ҳамда бошқа қонунчиликларда тўлиқ ўз аксини топган.

Ilmiy rahbar: i.f.n., dotsent M.Axunov

Фойдаланилган адабиётлар

1.Конституция Республики Узбекистан // URL: http://www. lex.uz

2. Закон «О гарантиях равных прав и возможностей для женщин и мужчин» // URL: https://lex.uz/docs/4494849

3. Закон Республики Узбекистан «О защите женщин от притеснения и насилия» // URL: https://www.lex.uz/docs/4494709

AMIR TEMUR IQTISODIY SIYOSATINING AYRIM MASALALARI

Ataxanov Rafikjon Sotvoldievich
TDIU Andijon fakulteti
«Ijtimoiy-gumanitar fanlar» kafedrasi dotsenti
ataxanov1966@gmail.com

Mavzuning dolzarbligi: Tarix fanida davlatning kelib chiqishi va mavjudligi to‘g‘risida alohida nazariyalar ishlab chiqilgan. Ana shunday nazariyalardan biri davlatni mavjudligini saqlab qolmoq uchun soliq, moliya va bank kabi iqtisodiy omillardir. XIX asr oxiri XX asr boshlarida yashagan bir qator tadqiqotchilar insonning tiriklik manbai iqtisod ekanligini ta'kidlab, “odamlar o‘ylamoqlari uchun emoqlari kerak” degan xalqona fikrni ilgari surishgan. O‘zbekiston Respublikasi mustaqillikka qadam qo‘yishi bilan “O‘zbek modeli” nomi bilan olib borilgan islohotlarning asosiy bo‘g‘ini ham iqtisodiy masalani tashkil qilgan bo‘lib, xususan, iqtisodning siyosatdan ustuvorligi tamoyili O‘zbekistonni rivojlantirishning besh tamoyilining dastlabki ustuvor vazifalardan biri sifatida belgilab olingan edi. Xullas, iqtisodiy masala har bir davrda, har qanday jamiyatning eng dolzarb vazifalaridan biri hisoblangan.

Biz quyida fikr yuritib mushohada qilmoqchi bo‘lgan mavzu ham iqtisodiy masalalarga bog‘liq bo‘lib, uning asosiy mazmunini o‘rta asr Temur davlati va Temuriylar davlatchiligidagi mulk, soliq, xazina, g‘azna kabi tushunchalar bilan bog‘liq.

Tarixiy manbalardan ma'lumki, Amir Temur davlatni boshqarishga iqtisodièt harakatlanishi va rivojlanish nuqtai nazaridan yondashish haqida o‘ylar ekan, ularning har biri yiliga qancha yalpi daromad olib kelishi, u qanday usullar bilan taqsimlanishi, davlat ixtièriga o‘tkaziladigan to‘lovlar va boshqa masalalarni aniq belgilab olgan. Amir Temur buyuk strateg, mohir siyosatchi, ijtimoiy munosabatlarning qat'iy islohotchisi, savdo-sotiq, hunarmandchilik va madaniyatning homiysi sifatida, qonunlar va urf-odatlarga asoslangan davlatni barpo etdi. Shu bois Amir Temurning yagona saltanatni mustahkamlash strategiyasida, ayniqsa, moliyaviy masalalar muhim o‘rin tutadi. Xazina, ya'ni davlat pul resurslarining markazlashtirilgan jamg‘armalarini vujudga keltirish, taqsimlash va qayta taqsimlash jamiyatdagi iqtisodiy munosabatlarga bevosita ta'sir ko‘rsatadi. Amir Temur davlatida ma'muriy boshqaruv, iqtisodiyotni mustahkamlashga, halq farovonligini oshirish, harbiy qudrat, jangchilarning shaxsiy salohiyati, ma'naviy va jismonan sog‘lom, kuchli askarlarni tayyorlash kabi sohalarga moliyaviy harajatlar ajratgan [1].

Mavzuga oid mavjud muammolar: Markaziy Osiyoda o‘rta asrlar davomida, shu jumladan Amir Temur va temuriylar zamonida davlatu saltanat uch narsa bilan: mulk, xazina va lashkar [2] bilan tirikdir degan tafakkur humronlik qilgan. Shu bois feodal tarqoqlikni tugatish va markazlashgan davlatni vujudga keltirishda Temurning

iqtisodiy siyosat va mulk munosabatlari mohiyati va hajmi jihatidan hal etilishi lozim bo‘lgan keng va katta vazifalardan biri edi.

Ma'lumki o‘rta asrlar zamonida er va erga egalik qilish xo‘jalik munosabatlarining eng muhim bo‘g‘inini tashkil etgan. Er – mulkiy munosabatlarning asosini tashkil etgan holda, aholining erga eagaliq qilishi jamiyatda boy va kambag‘al, dehqon va mardikor kabi tabaqalanishni yuzaga keltirgan. Bir so‘z bilan aytganda, er-suvga egalik qilish, undan foydalanish, tasarruf etish o‘rta asrlarda hukmronlik qilgan jamiyatlar iqtisodiy munosabatlarining asosini tashkil etgan. Amir Temurning xizmati shundaki, u o‘z hukmronligi davrigacha shakllangan iqtisodiy munosabatlarni mustahkamlaydi, barqarorlikni ta'minlaydi, ijtimoiy adolat va sahovatlik tamoyillarini joriy qiladi. Bu ishlarni amalga oshirishda er egalarining o‘z manfaatlari yo‘lida erdan foydalanishdagi suist'emolliklarni siyosiy va diniy tomondan tartibga solishga erishadi. Temur, davlat agar diniy tartiblar asosida qurilmasdan, to‘rachilikka asoslanar ekan, bunday saltanatning shukuhi, qudrati va tartibi yo‘qoladi, degan fikrga asoslanib, vaqflarni boshqarish va nazorat qilish uchun mutavalliy – ya'ni vaqf mulkiga va undan keladigan daromadga vasiylik qiluvchi, uni taqsimlovchi diniy mansabdorlar tanlagan, shu bilan birga har bir shahar va viloyatda qozi, mufti, muhtasib – shariat qonunlarning bajarilishi ustidan nazorat qiluvchi mansabdor tayinlangan.

Muammoni hal qilish usullari: Temur davrida er-suvga egalik qilishning ko‘rinishlaridan biri suyurg‘ol deb atalib, suyurg‘ol – davlat oldida ko‘rsatgan katta xizmatlari evaziga qilinadigan in'om shakli bo‘lib, o‘rta asr sharoitida keng rivojlandi. Sayyidlar, ulamolar, shayhlar, saroy xizmatchilari, yirik mansabdorlarga suyurg‘ol belgilangan. Manbalardagi ma'lumotlarga ko‘ra, suyurg‘ol tariqasida berilgan erlar va vaqflarning ahvolini va shu sohaga mutasaddi amaldorlarning ishini Temurning o‘zi nazorat qilgan. Temuriylar davrida Sayhun va Jayhun daryolaridan kanallar qazib chiqarilgan. Ko‘plab o‘zlashtirilmagan erlar o‘zlashtirilib bu joylarga suv olib kelindi, ziroat maydonlari kengaytiridi. Eng muhimi raiyatning er-suvi, mol-mulki, buyumlari himoya qilindi, ularning dahlsizligi ta'minlandi. Amir Temur har bir dehqon aholining holidan xabardor bo‘lib turdi. Shu tariqa zolimlardan mazlumlar haqini olib berar, ular etkazgan ashyoviy va jismoniy zararlarni undirish tadbirlari ishlab chiqilar, xokimlar, sipoh va raiyatdan qaysi birining xalqqa jabr-zulm etkazgani eshitilsa, ularga nisbatan darhol adolatu insof yuzasidan chora ko‘rilardi. Amir Temur insonning yashashi, hayoti uchun moddiy ne'matlar ishlab chiqarish qanchalik muhim ahamiyatga ega ekanligi yaxshi tushunar, tabiiy resurslarni tayyor mahsulotlarga aylantirishda, umuman ishlab chiqarishda, boylik yaratishda mehnatning roliga katta baho berar edi. Temur tuzuklarida dehqonlar va raiyatdan qaysi birining dehqonchilik qilishga qurbi etmasa kerakli asbob-uskunalar va mehnat

qurollarini etkazib yordam berish kabi iqtisodiy siyosat yuritilar edi. Shu bois dehqonlar va raiyatdan qaysi birining dehqonchilik qilishga qurbi etmay qolgan bo‘lsa, unga ekin-tikin uchun zarur urug‘chilik ziroatlari va mehnat qurollari berilgan, toki o‘zlarini-o‘zlari boqish bilan o‘z erlarini ham obod qilish imkoniyatini yaratib bergan. Amir Temurning farmoniga binoan xarob bo‘lib yotgan erlarda korizlar qurilib, agar fuqarodan birining uy imorati buzilib, tuzatishga qurbi etmasa, kerakli uskunalarni etkazib berilgan, ularga yordam berilgan. Hatto zioratini talon-taroj qiluvchilardan himoya qilish uchun qo‘riqchilar tayinlangan.

Xazina, ya'ni davlat pul resurslarining markazlashtirilgan jamg‘armalarini vujudga keltirish, taqsimlash va qayta taqsimlash jamiyatdagi iqtisodiy munosabatlarga bevosita ta'sir ko‘rsatadi. Bu davrda pul munosabatlari etarli rivojlanmaganligi sababli natura holidagi davlat resurslarining harakati ham Amir Temurning diqqat markazida bo‘lgan. Sohibqiron, avvalo, davlatning moliyaviy jihatdan mo‘g‘ul bosqinchilariga qaramligiga uzil-kesil barham beradi, mamlakatning mustaqil xazinasini yaratadi va uni muttasil mustahkamlab boradi. Amir Temur saltanatni shariat doirasidagi iqtisodiy tamoyillar va tartiblar asosida shakllantiradi, har bir hudud va o‘lkaning o‘ziga xos xususiyatlarini e'tiborga olib, qator imtièzlar va islohotlar joriy qildi. Atrofdan kirgan-chiqqan mol-mulk, chetdan kirgan, chetga chiqqan notanish kishilar, har turli mamlakatlardan kelgan karvonlar, qo‘shni podshohlarga nisbatan iqtisodiy munosabatlarni rivojlantirdi. Jumladan, saltanat xazinasi va mahalliy ulus hamda tumanlar ixtièridagi mablag‘lar tarkibiga aniqlik kiritadi, ularning markaziy hokimiyat bilan moliyaviy-iqtisodiy munosabatlarini takomillashtiradi.

Amir Temur va temuriylar davlati iqtisodiètning ichki va tashqi savdosiga tayanar edi. Uning hukmronligi davrida savdo rastalari va bozorlarni, yo‘llarni yaxshilash va asosiy karvon yo‘llarida yangi karvonsaroylar barpo etish borasida katta ishlar amalga oshirildi. Shaharlar ko‘chasidan o‘tgan keng ko‘chalarda savdo rastalari joylashdi, shaharlarning turli qismlarida savdo-hunardmandchilik inshootlari barpo etildi, bozorlar hududi kengaytirildi. Ixtisoslashgan bozor rastalarida muayyan mahsulot turi bilan savdo olib borilar edi. Sohibqiron narx-navo va, ayniqsa, oziq-ovqat mahsulotlari narxini tekshirib borar hamda hunarmandlar uyushmalarining unumli ishlashiga homiylik qilardi. Yo‘lovchilarning xavfsizligini ta'minlash maqsadida butun Movarounnahrda yuk tashish va pochta xizmatini yaxshi yo‘lga qo‘ydi edi. Amir Temur savdo-sotiq, iqtisodiy aloqalar davlat moliya iqtisodiy siyosatini xalqlarning turmush darajasini ko‘tarishdagi muhim vosita deb bilganligi uchun ham ichki va tashqi savdoning rivojlanishiga alohida e'tibor bergan.

Amir Temurning pul-moliya sièsatida qo‘llagan chora-tadbirlaridan eng muhimi hisoblanadi. Temur tomonidan barcha hududlarda yagona pul muomalasi

yo‘lga qo‘yilgan edi. Bu butun saltanatning siёsiy, iqtisodiy jihatdan bir butun yaxlit davlat ekanligini ko‘rsatuvchi ramz, ya'ni belgi bo‘lgan.

Ilmiy asoslangan taklif va tavsiyalar: Temurning iqtisodiy siyosatidagi mazkur islohotni tahlil qilish asnosida bilish mumkinki, bundan qariyib 600-700 yil ilgari O‘rta Osiyoda iqtisodiy masalalarga alohida e'tibor berilib, er egaligi hamda dehqonning mehnati davlat tomonidan himoya qilingan. Go‘yoki, Temur tomonidan qilingan bu ishlar hozirda ham o‘z ahamiyatini yo‘qotmagandek.

Temurning Moliya sohasidagi, xususan soliq masalalari haqidagi qarashlarini tahlil qilar ekanmiz, ingliz iqtisodchisi Adam Smitning xalqlarning boyligi, tabiati va sabablari nomli kitobida[3] shuningdek, J.Bodenning davlat haqidagi nomli risolasi [4] hamda A. Rishele va M.Syulli asarlarida Temur tuzuklarida yozilgan davlatni boshqarish kabi ta'limotlar ayrim o‘zgarishlar bilan qaytadan qayd qilingan.

Bu dalillar Temurning iqtisodiy qarashlari o‘z zamonasiga nisbatan bir qancha keng bayon qilinganidan darak beradi. Moliya va davlat tuzilishi nazariyalari dastlab G‘arb emas, Sharqda shakllanganligini ko‘rsatadi. Amir Temur iqtisodiy siyosatining asosiy yo‘nalishi ―mamlakatni obod, raiyatni rozi qilish edi. U bu ishlarga odamzod rizqining vositasi bo‘lmish dehqonchilikni rivojlantirish orqali erishish mumkin deb bildi. Raiyatning roziligi ham xazinaning boyligi ham, harbiy qudratning iqtisodiy negizi ham shundan deb qaradi.

Tarixchi Ibn Arabshohning yozishicha, Amir Temur dehqonchilikni rivojlantirishga shunchalik katta e'tibor va qat'iyatlik ko‘rsatdiki, “Agar biron kishi garchi nomozini tark qilishga majbur bo‘lsa ham dexqonchilikni tark qilishdan hazarda bo‘lsin”, deb ko‘rsatma bergan. Amir Temur iqtisodiy siyosatining bugungi kun uchun ibrat bo‘ladigan tomoni shundaki, u o‘z mamlakatinggina emas, hattoki fath etilgan har bir mamlakatdagi dehqonlar va ekin maydonlari mulkdorlari ko‘ngilni hushnud etsinlar, o‘zlariga qaratsinlar, ko‘p va katta daromad olsinlar, deb ko‘rsatma beradi. Dehqonlarga yordam berish, qo‘llab-quvvatlash, ularning mulklarini daxlsizligi ta'minlash davlat iqtisodiy siyosatining asosi, deb biladi. Xarob bo‘lib yotgan erlar egasiz bo‘lsa, davlat mulki sifatida davlat tarafidan obod qilinishi shart deb hisoblagan va o‘z nazorati ostiga olgan. Xulosa o‘rnida ta'kidlash joizki, sohibqiron Amir Temur o‘z davrining etuk siyosatchisi sifatida ijtimoiy-iqtisodiy sohalarda keng islohotlarni amalga oshirdi. Buning natijasida barqaror iqtisodiyotga ega bo‘lgan buyuk davlatchilikka asos soldi. Ayniqsa, soliq qonunchiligida amalga oshirilgan islohotlar mazmuni hozirgacha olimlar tomonidan o‘rganib kelinmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1.Amir Temur va Temuriylar davri merosini barkamol avlod tarbiyasidagi orni. Andijon. 2017

2. Temur tuzuklari. Toshkent. 1991
3. Smit.A Xalqlar boyligi, tabiati va sabablari. Moskva. 1967
4. Boden.J Davlat haqida. Moskva. 2021

AMIR TEMUR TUZUKLARIDA IJTIMOIY-IQTISODIY ADOLAT TAMOYILLARI

Ataxanov Rafikjon Sotvoldievich
TDIU Andijon fakulteti
«Ijtimoiy-gumanitar fanlar» kafedrasi dotsenti
ataxanov1966@gmail.com
Abduqayumov Jaloliddin
“Iqtisodiyot” yo‘nalishi 1-bosqich talabasi

Mavzuning dolzarbligi: Shu yilning aprel oyida buyuk sarkarda, Temur va Temuriylar davri davlatining asoschisi Sohibqiron Amir Temur tavalludining 688 yilligini nishonlanadi. Olimlarimizning xisoblashlaricha, qadimdan to hozirgacha Turon zamindan dunè fani, madaniyati va ravnaqiga o‘zlarining buyuk xissalarini qo‘shgan ikki mingdan zièd buyuk allomalar etishib chiqqan ekan. Qizig‘i shundaki, dunèning hech bir zaminida bu qadar ko‘p allomalar etishib chiqmagan ekan. Vatandoshimiz Amir Temur ham shu ona zaminda tug‘ilib, ulkan davlatga asos solgan buyuk tarixiy shaxslardan biridir. Temur nafaqat Vatanimiz tarixida, balki jahon tarixida o‘zining yirik markazlashgan davlatini barpo etib, ijtimoiy adolatli siyosati bilan jahon madaniyat tamadduniga katta hissa qo‘shgan noèb qobiliyat va ajoyib iste'dod hislatlariga ega bo‘lgan shaxs hisoblanadi.

Alohida ta'kidlab o‘tish joizki, Temurning muvaffaqiyatlari, ulkan va o‘ziga xos davlatchilik asoslarini barpo etishi, uning tarkibiga yigirma sakkiz davlatni birlashtirishi o‘rta asrlar sharoitida misli ko‘rilmagan darajadagi muvaffaqiyat edi. Shu o‘rinda savol tug‘iladi: xo‘sh, Temurning ana shunday yirik mustahkam markazlashgan davlatni tuza olishiga nima sabab bo‘ldi? Bu tasodifmi, harbiy diktaturami yoki omadmi...? Temur tuzgan adolatli, iqtisodiy va madaniy-ma'rifiy jihatdan rivojlangan davlatini barpo etilishining sirlari nimada edi...?

Mavzuga oid mavjud muammolar: Barchaga ma'lumki, qariyib etti asrdan buyon o‘tgan davr ichida Temur va Temuriylar davlati to‘g‘risida ko‘plab ilmiy tadqiqotlar va izlanishlar olib borilib, mazkur ishlar hozirga qadar davom etmoqda. Ushbu tadqiqotlar, o‘sha davrning o‘zidayoq yozilgan tarixiy asarlardan boshlanib, to shu kunlargacha Temur shaxsining turli tomonlarini yoritib berish davom etmoqda. O‘ylaymizki, bu sohada tadqiqotlar hali davom etadi hamda Temur va Temuriylar davrining yanada yangi qirralari ilmiy muomalaga kiritiladi.

Yuqoridagi fikr va mulohazalardan kelib chiqib, biz quyida Temurning davlat boshqaruviga taalluqli bo‘lgan iqtisodiy siyosatining ayrim jihatlarini tadqiq etishga harakat qilamiz.

Muammoni hal qilish usullari: Bizgacha etib kelgan tarixiy manbalar va ilmiy adabiyotlar tahlili shundan dalolat beradiki, Temur butun faoliyati davomida ijtimoiy adolat va iqtisodiy siyosat tamoyillarini davlat boshqaruvining asosiy mezoni bo‘lgan tuzuklariga amal qilgan. Ma'lumot o‘rnida qayd etish joizki, Temur tuzuklari davlat boshqaruvining o‘z zamoniga xos bo‘lgan yagona qonun-qoidalar majmui hisoblangan. Temur tuzuklari o‘zining davlatchilik boshqaruvidagi ahamiyatiga ko‘ra bugungi va ertangi kelajagimiz uchun ham o‘rganisha arzigulik noyob manba hisoblanadi.

Tuzuklarda aytilishicha, Temur o‘z haèti davomida besh narsaga qat'iy amal qilganligini èzadi, bular: Olloh, iymon, tufakkur, qilich va kitob. Sohibqiron Amir Temurning ”Kuch – adolatdadir” tamoyiliga qat'iy amal qilganligi ma'lum. Tuzuklarda ijtimoiy adolat tamoyillari shariat qoidalari bilan yo‘g‘rilganiga guvoh bo‘lish mumkin masalan, “Azmu jazm bilan ish tutdim. Biron ishni qilishga qasd qilgan bo‘lsam, butun zehnim, vujudim bilan bog‘lanib, bitirmagunimcha undan ko‘nglimni tortmadim. Yaxshilarga yaxshilik qildim, èmonlarni esa o‘z èmonliklariga topshirdim. Ra'iyat ahvolidan ogoh bo‘ldim” [1. B.94]. Sohibqironning davlatida adolat mezonlariga izchillik bilan rioya qilinganligi uning quyidagi o‘gitlaridan ham bilsa bo‘ladi: “Har mamlakatda adolat eshigini ochdim, zulmu sitam yo‘lini to‘sdim”[1. B.94]. Temur o‘z avlodlarini o‘ch olmaslikka, har doim tinchlik va yarash yo‘llarini ochib qo‘yishga, qonni qon bilan emas, suv bilan yuvishni o‘rganish lozimligiga chaqiradi. Saltanat ishlarida esa to‘rt narsaga amal qilishni buyuradi;

1) kengash;
2) mashvaratu maslahat;
3) qat'iy qaror, tadbirkorlik, hushèrlik;
4) ehtièkorlik.

A.Temur tuzuklarida yozishicha: *“Hokimlar,sipoh va raiyatdan qaysi birininng xalqqa jabr-zulm etkazganini eshitsam, ularga nisbatan darhol adolat, insof yuzasidan chora ko‘rdim, sulton har narsada adolatpesha o‘lsun, qoshida insofli, adolatli vazirlar saqlasin, toki podshoh zulm qilgudek bo‘lsa, odil vazir uning chorasini topsin, agarda vazir zolim bo‘lsa, ko‘p vaqt o‘tmay saltanat uyi qulaydi” [1. B.90].*

Ilmiy asoslangan taklif va tavsiyalar: Xullas, Amir Temur davlatni boshqarish, adolatli ichki va tashqi siyosatni yurgizishda bevosita tuzuklarga amal qilgan. Shuningdek, Temur islom dini, shariat qoidalarini hisobga olgan holda mamalakatdagi barcha aholiga nisbatan bir xil ijtimoiy tenglik tamoyillarini qo‘llaydi. Chunonchi, kambag‘allarni, etimlarni boshini silash ularga yordam berish, zulm qilmaslik kabi insoniylik mezonlariga amal qiladi. Mamlakatni boshqarish bilan birga aholining iqtisodiy masalalari Temur davlatining bosh siyosati hisoblangan.

Bugungi kun iqtisodiy tushuncha va atamalar bilan yoki o‘sha davrning ta'biri bilan aytganda, Temur hamma vaqt aholining ochlik, kambag‘allik, nochorlik kabi turmush darajasidan xabardor bo‘lib turgan. Shu bilan birga Temur aholining o‘zi yurgizaètgan iqtisodiy sièsatdan, moliyaviy munosabatlardan, pul muomalasi va soliq tizimidan xabardor bo‘lishini, ya'ni iqtisodiy savodxon bo‘lishini muntazam talab qilib borgan. Temur aholi iqtisodiy savodxon bo‘lsa, mamlakat iqtisodiy jihatdan ravnaq topadi, deb hisoblardi. Temur o‘z saltanatida katta va kichik shaxarlar axolisidan xech kimga jarima solinmasin, mamlakatga kirgan har qanday karvonlar haqida menga xabardor qilib tursinlar, agarda yolg‘on so‘zlasalar ularning qo‘lini kessinlar yoki qatl etsinlar-deyiladi tuzuklarda [1. B.95]. Bu bilan Temur mamlakatga kirib kelayotgan tovarlar hamda tovar ayirboshlashdan davlat xazinasi hisobiga tushayotgan soliqlar va muomaladagi pul vositasi aylanishini hisobini olgan.

Shuningdek, Temur o‘z saltanida barcha tabaqadagi fuqarolarga belgilangan miqdorda maosh to‘lanishini tayinlagan. Xatto gadoylarga nisbatan fath etilgan hududlarda ularning kundalik emish-ichishlaridan xabardor bo‘lib, “...ularga biron vazifa tayinlasinlar va tamg‘alasinlar, barcha tamg‘alanganlar toki boshqa gadolik qilmasinlar. Agar shundan keyin ham ham gadolik qilgudek bo‘lsalar uzoq mamlakatlarga sotib yuborsinlar yoki haydasinlar, shundagina gado zoti mamlakatimizda yo‘qoladi [1. B.94] – deb amir qilgan. Bilishimizcha, Temur tamg‘alash deyilganda, davlatimizning hozirgi vaqtdagi ijtimoiy himoyaga muhtoj qatlamlarini ro‘yxatga kiritish, temir daftar, ayollar daftari, yoshlar daftari kabi chora-tadbirlar belgilangidek, o‘sha davrning o‘ziga xos belgi qo‘yishini nazarda tutilgan bo‘lsa kerak.

Yuqoridagi tuzuklarning mazmun mohiyatidan ko‘rinadiki, Temur avvalo saltanatni iqtisodiy jihatdan ta'minlashga harakat qilgan va barcha aholi qatlamlariga xususan, dehqonlarga hunarmandlarga, chorvadorlarga o‘z tirikchilik manbalarini topish uchun keng imkoniyat bergan. Gadoylarga ham muayyan vazifa yuklatilib, ularni ish bilan band qilgan. Shundan keyin ham gadolik qilganlik uchun esa jazo tayinlagan. Bu o‘rinda Temurning davlat boshqaruv sohasidagi tartib-intizom, aholining barcha qatlamlarini ish bilan ta'minlash kabi bugungi kungi o‘xshash dolzarb vazifalarni bajargan.

Sohibqiron soliqlar xususida quyidagilarni èzadi: «Agar aholi ro‘yxatga olingan erlardan beriladigan soliqni naqd aqcha (pul) bilan to‘lashga rozi bo‘lsa, ularga imtièz berilishi kepak» [1. B.98] deya ta'kidlaydi. By erda gap soliqni naqd pul bilan to‘lovchilar naqd pulsiz ya'ni mahsulot yo‘li bilan to‘lovchilar oldida engilliklar olishi ustida boradi. Bu bilan aholining ehtiyojdan ortiqcha pullarini muomalaga kiritish, hazinani to‘ldirish, bugungi kun ta'rifi bilan aytganda davlat byudjeti daromadlarini ko‘paytirish, iktisodiyotda pul taqchilligini keltirib chikarmaslik, pul emissiyasini tartibga solish, ya'ni pulning qadrsizlanishini oldini olish kabi g‘oyat puxta o‘ylangan iqtisodiy tushuncha yotadi. Shuningdek, Temur soliq islohotiga katta

e'tibor bergan holda, ishlab chikaruvchilarga soliq to‘lashda imtièzlar berganligini ko‘rish mumkin.

Amir Temurning moliya sohasida xususan, soliq masalalari haqidagi qarashlarini tahlil qilar ekanmiz, iqtisodchi Adam Smitning «Odamlar boyligining tabiati va sabablari to‘g‘risidagi tadqiqot» nomli 1776-yilda nashr kilingan kitobida keltirilgan xulosalarda Amir Temyp qarashlari Evropa mamlakatlarida Temurdan bir necha asr keyin takrorlanganligini ko‘ramiz va Evropa davlatlariga nisbatan O‘rta Osiyoda XIV-XV asrlardayoq moliya-byudjet masalalari rivojlanganligini guvohi bo‘lamiz. Shu o‘rinda yana bir ma'lumot, 1577 yilda Ovrupada fransuz tilida J.Bodenning «Davlat haqida» nomli asari nashr qilingan. Temur tuzuklari XIV asrning oxiri XV asrning boshlarida, ya'ni J.Boden asariga nisbatan tahminan ikki asr oldin shakllangan. J.Boden asarida boshqa masalalari bilan birgalikda moliya masalalari ayniqsa, davlat daromadlari masalalari baèn qilingan edi. Amir Temurning o‘zbek davlatchiligi tizimini takomillashtirishga qaratilgan katta hizmatlaridan biri davlat boshqaruv tizimining an'analarini qayta tiklash bilan chegaralanmasdan, zamon talablarini ko‘zda tutib yangi usullari joriy qilishdan iboratdir [2].

Sohibqiron Amir Temur o‘z vorislariga, temuriyzodalarga o‘zining Tuzuklarini meros qilib qoldirdi. Mazkur Temur tuzuklarida saltanatni adolatli boshqarish sirlari asosiy o‘rin egallagan. Ko‘plab tarixiy, ilmiy manbaalarda berilgan tarixiy ma'lumotlarga asoslangan holda xulosa qilib ayta olamizki, temuriyzodalardan Shohrux Mirzo, Ulug‘bek, Husayin Boyqaro, Sulton Ahmad Mirzo, Umarshayx Mirzo, Zahiriddin Muhammad Bobur va boburiylar sulolasi davridagi davlatchilik ishlarida, o‘rta asr Sharq xalqlari haètida ijtimoiy adolat tamoyillariga amal qilingan va ushbu tamoyil davlat boshqaruvida muhim ahamiyat kasb etgan.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Temur tuzuklari. Toshkent.1991
2. Yo‘ldashev. Q., Muftaydinov. Q. Iqtisodiy ta'limotlar tarixi.2000 y

ANALITIK GEOMETRIYA ELEMENTLARINING VUJUDGA KELISHI VA AHAMIYATI

Kuchkarov M.
TDIU Andijon fakulteti
Ijtimoy-gumanitar fanlar kafedrasi
dotsenti, p.f.b.f.d.(PhD)
Rustamova M.
TDIU Andijon fakulteti
Buxgaltriya hisobi va audit
ta’lim yo’nalishi 1-kurs talabasi

Analitik geometriya geometriyaning bir qismi bo’lib, uning asosiy tushunchalari algebraik nuqtai-nazardan o’rganiladi. Analitik geometriyaning asosiy tadqiqot vositalari koordinatalar metodi va elementar algebra metodlari bo’lib hisoblanadi.

Koordinatalar metodi XVII-asrlarda vujudga kelgan va qo’llanila boshlangan. Astronomiya, mexanika va texnikaning rivojlanishi u bilan bog’liq. Bu metod va analitik geometriya asoslari 1637 yilda fransuz matematigi Rene Dekart (1596-1650) tomonidan fanga kiritilgan. Ushbu sohaning rivojiga Pyer Ferma (1607-1665), Gotfrid Vilgelm Leybnits (1646-1716), Isaak Nyuton (1643-1727), Leonard Eyler (1707-1783) va boshqa olimlar katta hissa qo’shganlar.

Faraz qilaylik, x va y o‘zgaruvchi miqdorlarni bog‘lovchi $F(x,y)=0$ tenglama berilgan bo‘lsin. Bu tenglama o‘z navbatida bir o‘zgaruvchini, masalan, y ni ikkinchisining, ya’n x ning funksiyasi sifatida aniqlaydi. Agar (1) ni y ga nisbatan yechsak, $y=f(x)$ga ega bo‘lamiz. Bu yerda $f(x)$ bir qiymatli yoki ko‘p qiymatli funksiya bo‘lishi mumkin, bu funksiyaning qiymatlari x o‘zgarganda uzluksiz o‘zgaradi deb faraz qilaylik.

x va y miqdorlarni OXY dekart koordinatalar tekisligining biror M nuqtasini koordinatalari sifatida qaraymiz. U holda $y=f(x)$ tenglik x o‘zgaruvchining har bir qiymatiga y ning aniq bir qiymatini mos qo‘yadi.


Shu sababli, x ning har bir qiymatiga tekislikning koordinatalari x va $y=f(x)$ bo‘lgan aniq bir M nuqtasi mos keladi.

Agar x uzluksiz qiymatlarni qabul qilsa, u holda $M\,Oxy$ tekisligida uzluksiz o‘zgarib, nuqtalarning geometrik o‘rnini chizadi, bu geometrik o‘rinni chiziq deyiladi.

Demak, chiziq koordinatalari $F(x,y)=0$ yoki $y=f(x)$ ko‘rinishdagi tenglamani qanoatlantiruvchi nuqtalarning geometrik o‘rni ekan. Ushbu tenglamalar o‘z navbatida chiziq tenglamasi hisoblanadi.

Agar $F(x,y)=Ax+By+C$ bo‘lsa, $F(x,y)=0$ ni 1-tartibli tenglama, u ifodalaydigan chiziq esa to‘g‘ri chiziq bo’ladi.

Faraz qilaylik, y o‘qini $A(0,b)$ nuqtada kesib o‘tuvchi va x o‘qiga α burchak ostida og‘ib o‘tgan to‘g‘ri chiziq berilgan bo‘lsin. $M(x,y)$ to‘g‘ri chiziqning ixtiyoriy nuqtasi bo‘lsin. Chizmaga asosan $BM=AB\cdot \operatorname{tg}\alpha$, bu yerda BM va AB lar $\overrightarrow{BM}$ va $\overrightarrow{AB}$ vektorlarning kesma kattaligi.



$BM = y - b, AB = x$ bo‘lgani uchun yuqoridagi formuladan

$$y - b = \operatorname{tg}\alpha \cdot x \text{ yoki } y = kx + b$$

kelib chiqadi. $k = \operatorname{tg}\alpha$ deb belgilanadi. $y - b = \operatorname{tg}\alpha \cdot x$ tenglamani berilgan to‘g‘ri chiziqning ixtiyoriy nuqtasini koordinatalari qanoatlantiradi, va aksincha koordinatalari $y - b = \operatorname{tg}\alpha \cdot x$ ni qanoatlantiradigan har qanday nuqta l to‘g‘ri chiziqda yotadi. k koeffitsiyent $y = kx + b$ ga asosan α burchakka bog‘liq bo‘lgani uchun burchak koeffitsiyenti b esa, boshlang‘ich ordinata bo’ladi.

Shuningdek, tekislikda to’g’ri chiziqlardan tashqari, tenglamalari x va y o`zgaruvchi koordinatalarga nisbatan ikkinchi darajada bo`lgan chiziqlar – ikkinchi tartibli egri chiziqlar ham mavjud.

Tekislikdagi ikkinchi tartibli egri chiziqning umumiy tenglamasini quyidagicha yozish mumkin:

$$Ax^2 + 2Bxy + Cy^2 + 2Dx + 2Ey + F = 0$$

Bu yerda A, B, C, D, E, F — o`zgarmas koeffitsiyentlar bo`lib, A, B, C koeffitsiyentlarning kamida bittasi nol bo`lmasligi kerak. Ushbu tenglama undagi koeffitsiyentlarning qiymatlariga qarab, turli egri chiziqlarni ifodalaydi.

Har bir egri chiziqlarning tenglamasini uning ta’rifiga asosan ular koordinata o`qlarini maxsus tanlab olish yo`li bilan chiqarish va tekshirish mumkin. Ikkinchi tartibli egri chiziqlarga aylana, ellips, giperbola va parabola kiradi.

Aylana deb, berilgan nuqtadan barobar uzoqlashgan nuqtalarning geometrik o`rniga aytiladi. Aylana tenglamasi: $(\mathrm{x} - \mathrm{a})^2 + (\mathrm{y} - \mathrm{b})^2 = \mathrm{R}^2$

Ellips deb, tekislikning ixtiyoriy nuqtasining fokuslar deb ataluvchi ikki nu`qtasigacha masofalarining yig`indisi o`zgarmas son bo`lgan nu`qtalarning geometrik o`rniga aytiladi. Ellips tenglamasi: $\frac{\mathrm{x}^2}{\mathrm{a}^2} + \frac{\mathrm{y}^2}{\mathrm{b}^2} = 1$

Giperbola deb, tekislikning har bir nuqtasidan berilgan fokuslar deb ataluvchi ikki nuqtagacha masofalari ayirmasinining absolyut qiymati o`zgarmas songa teng bo`lgan nuqtalarning geometrik o`rniga aytiladi.

Giperbola tenglamasi: $\frac{x^2}{a^2} - \frac{y^2}{b^2} = 1$

Parabola deb, tekislikning har bir nuqtasidan fokus deb ataluvchi nuqtasigacha va direktrisa deb ataluvchi to`g`ri chiziqqacha bo`lgan masofalari o`zaro teng bo`lgan nuqtalarning geometrik o`rniga aytiladi.

Parabola tenglamasi: $y^2 = 2px$

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. A.Ahlimirzayev, A.Rizayev, M.Ibragimov, M.Kuchkarov. Oliy matematika (1-qism)/ o’quv qo’llanma/ Toshkent “Turon-iqbol”, 2015.
2. Yo.U.Soatov. Oliy matematika 1-jild./darslik/ Toshkent, «O‘qituvchi», 1992.
3. M.Kuchkarov, B.Umaraliyev. Oliy ta’limda talabalarning mustaqil fikrlash faoliyatini rivojlantirish. Республика илмий-амалий анжумани материаллари.– Андижон: АндМИ,2022
4. M.Kuchkarov. The importance of using applied mathematics In teaching process. Journal of Pedagogical Inventions and Practices //**ISSN NO: 2770-2367**//USA, **Date of Publication: 04-11-2022**

ANDIJON VILOYATIDA AHOLI TURMUSH DARAJASI VA DAROMADLARINI O’ZGARISH TENDETSIYALARI.

O.X.Maxmudov
TDIU Andijon fakulteti
“ijtimoiy gumanitar fanlari ”
kafedrasi professor, i.f.d
Mirzaraximov Ibroximjon
“Iqtisodiyot” yo’nalishi 1- kusr talabasi
E-mail: ***mirzaraximov.28@gmail.com***

Annotasiya. Ushbu maqolada O’zbekiston Respublikasida aholi turmush darajasini baholash, aholi farovonligi, turmush darajasi va sifatini yaxshilash, ularning daromatini oshirish, aholi daromadlari va iste’mol sarf xarajatlari orasidagi bog’liqliklarni o’rganish va mavjud holatni tahlil qilish masalalari yoritilgan.

Kalit so’zlar: Aholi daromadlari, nominal daromat, real daromat, iste’molchi budjeti, aholi turmush darajasi, aholi xarajatlari, kambag’allik.

“Mavjud zaxira va imkoniyatlarimizni safarbar etgan holda kelgusi besh yilda aholi jon boshiga yalpi ichki mahsulotni 1.6 barobarga oshirishga qaratilgan muhim vazifasi oldimizda turibdi. Shu tariqa respublika prezedenti Shavkat Mirziyoyev takidlaganidek 2030-yilga borib aholi jon boshiga to’g’ri keladigan daromadni 4

ming dollardan oshirib, daromadi o’rtachadan yuqori bo’lgan davlatlar” qatoriga kirishga puxta zamin yaratgan bo’lamiz”.[7]

Ma’lumki har bir insonning moddiy va ma’naviy turmush imkoniyatlari ularning oladigan daromatlari hajmiga be’vosita bog’liq. Aholi daromad darajasi qancha yuqori bo’lsa, uning o’z e’htiyojlarini qondirish, salomatligini saqlash, bo’sh vaqtini madaniy tarzda o’tkazish imkoniyatini beradi. Daromat bevosita e’htiyojlarini qondirish manbai sifatida aholi hayotida muhum ro’l o’ynaydi. Shu maqsadda O‘zbekiston Respublikasi prezidentining 2020-yil 29-dekabrdagi Oliy Majlisga murojaatnomasida ta'kidlanganidek, 2021 yilda iqtisodiy islohotlarning pirovard maqsadi kambag‘allikni qisqartirish va aholi farovonligini oshirish maqsadida qator vazifalar belgilandi, jumladan:

1. BMT Taraqqiyot dasturi, Jahon banki kabi qator xalqaro tashkilotlar bilan birgalikda «O‘zbekiston Respublikasida 2030 yilgacha kambag‘allikni qisqartirish strategiyasi» loyihasi ishlab chiqiladi.

2. Kambag‘allikni qisqartirish borasida kompleks yondashuv va nostandart usullar joriy etiladi ya'ni, kambag‘al aholining asosiy ehtiyojlarini kafolatli ta'minlash bo‘yicha Xalqaro ekspertlar bilan chuqur tahlil asosida, hisob-kitoblar yakuniga yetkaziladi va joriy yilning 1 martidan boshlab, «Aholining minimal iste'mol xarajatlari qiymati» joriy etiladi. Mazkur yondashuv aholining kambag‘al qatlamiga kredit, ijtimoiy nafaqa yoki uy berish bilan birgalikda ta'lim, sog‘liqni saqlash, kasb-hunarga o‘qitish, ichimlik suvi, energiya va yo‘l infratuzilmasi bilan bog‘liq kompleks muammolarni hal etishni nazarda tutadi.

3. Ehtiyojmand aholini to‘g‘ri aniqlash va shu asosda, ular bilan manzilli ishlash tizimi yaratiladi.

4. Kelgusi yildan to‘liq ishga tushadigan «Ijtimoiy reyestr»da «temir daftar»dagi barcha ma'lumotlar qamrab olinib, ehtiyojmand oilalarga 30dan ziyod ijtimoiy xizmatlar elektron shaklda ko‘rsatiladi.

5. Ijtimoiy kafolatlarni bir tizimga keltirib, ularni minimal me'yorlar darajasida bosqichma-bosqich ta'minlash bo‘yicha dastur ishlab chiqiladi.

6. Hududlarning mavjud salohiyatini kambag‘allikni qisqartirish uchun safarbar etish yo‘llari ishlab chiqiladi, jumladan:

hududlardagi mavjud maxsus industrial zonalardagi loyihalarni amalga oshirishga to‘sqinlik qilayotgan muammolarni bartaraf etish choralari ko‘riladi;

[7] O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murijaatnomasi”, 30-dekabr 2020-yil, №271-272. http://lex.uz.

ehtiyojmand aholini kambag‘allikdan chiqarish bo‘yicha motivatsiya, ko‘nikma va moliyaviy ko‘mak tamoyili asosida har bir tuman va shahar bo‘yicha alohida dasturlar ishlab chiqiladi.

7. Yoshlar va xotin-qizlarni kasb-hunarga o‘rgatish, tadbirkorlik tashabbuslarini qo‘llab-quvvatlash orqali ularning bandligini ta'minlash va doimiy daromad manbaini yaratishning yangi mexanizmini amaliyotga joriy etish bo‘yicha qaror loyihasi ishlab chiqiladi.

Bozor iqtisodiyoti sharoitida insonning yoki oilaning asosiy iqtisodiy ko‘rsatkichlari – bu ularning daromadlaridir. Daromadning inson ehtiyojlarini ta’minlanganlik darajasi uning siyosiy ishonchini ifoda etadi. Aholining daromadlari – bu aholi tomonidan ma’lum bir davrda olingan hamda iste’mol va jamg‘armalar uchun mo‘ljallangan pul va natura ko‘rinishidagi mablag‘lap yig‘indisidir. Pul yig‘indisida olingan daromad nominal daromad deyiladi.

Aholining pul daromadlari ishlovchilarning mehnatiga to‘langan haq ko‘rinishida kelib tushgan barcha pul mablag‘laridir: pensiyalar, stipendiyalar, turli nafaqalar va boshqa ijtimoiy to‘lovlar; shaxsiy mulkdan omonatlar bo‘yicha foizlar, dividentlar, rentalar ko‘rinishidagi daromadlar; aksiyalarni, qimmatbaho qog‘ozlarni, shaxsiy yordamchi xo‘jalik mahsulotlarini, turli buyumlarni va boshqa tovarlarni sotishdan kelgan tushumlar; ko‘rsatilgan xizmat uchun haq hamda sug‘urta to‘lovlari, olingan qarzlar, chet el valyutasini sotishdan olingan daromadlar va boshqalar shular jumlasidandir. Aholining natural ko‘rinishidagi daromadlari – bu qishloq xo‘jaligi mahsulotlari: dehqonchilik, chorvachilik, parrandachilik mahsulotlari; turli buyumlar, xizmatlar va tomorqalardan, bog‘-poliz uchastkalardan,shaxsiy hovlilardan, uy xo‘jaliklaridan olinadigan natura ko‘rinishidagi mahsulotlar; shaxsiy va oilaviy iste’mol uchun tabiat ne’matlarini (tovar ko‘rinishiga ega bo‘lmagan) g‘amlab qo‘yishdan keladigan barcha tushumlar hamda mehnatga haq to‘lashning barcha tushumlar hamda mehnatga haq to‘lashning barcha turlari va tovar ko‘rinishidagi barcha ijtimoiy to‘lovlardir. Malumki har bir aholi vakili bu turdagi ehtiyojlarini qondirish imkoniyatiga qodir emas. Aholimizning ko’plab zarur ehtiyojlar bilan taminlanmagan yani-kambag’al qismi bu mamlakatimizning og’riqli nuqtalaridan biridir. So’ngi yillarda mamlakatimizda yandi O’zbekiston taraqqiyot strategiyasi hamda “O’zbekiston-2030” strategiyasi doirasida aholi bandligi va daromadlari o’sishini ta’minlash, kambag’allikni qisqartirish borasida keng qo’lamli islohotlar olib borilmoqda. Insonlar o’z moddiy va ma’naviy ehtiyojlarini qondishishi uchun albatta yaxshi ish joy va doimiy daromat egasi bo’lishi kerak. Bu mavzudagi asosiy muommolardan biri hozirgi kunda yurtimizda bo’sh ish o’rinlarnish yetishmasligi yoki bo’sh ish o’rinlariga aholining bilim salohiyati yetishmasligidir. Bu masalada yurtimizda kambag’allikga qarshi kurashish chora-tadbirlari olib borilmoqda.

“2020-yil aholini ijtimoiy himoya qilish borasida tub burilish yili bo‘ldi, desak, mubolag’a bo’lmaydi. Avvalo, aholining muayyan qatlami o‘rtasida kambag‘allik mavjudligini birinchi marta tan olib, uni qisqartirish bo‘yicha keng qamrovli ishlarni boshladik. Barcha tuman va shaharlarda, har bir mahallada ehtiyojmand oilalar, ayollar va yoshlar bilan manzilli ishlash bo‘yicha mutlaqo yangi – “temir daftar” tizimi joriy etildi. Qisqa muddatda bu tizim orqali 527 ming fuqaroning bandligi ta’minlandi. Bundan tashqari, o‘zini o‘zi band qilgan aholi uchun soliq imtiyozlari berilishi hamda ko‘pgina cheklovlarning bekor qilinishi tufayli 500 ming nafar fuqaro mehnat faoliyatini qonuniy tarzda yo‘lga qo‘ydi. Dehqon xo‘jaligi va tomorqa er egalariga 300 milliard so‘m imtiyozli kredit va subsidiya ajratilgani ham qishloq aholisini ijtimoiy qo‘llab-quvvatlashda yangi yo‘nalishga aylandi”. O‘zbekiston tarixida ilk bor kambag‘allik masalasi 2020 yilning 24 yanvarida O‘zbekiston Respublikasi prezidentining Oliy Majlisga murojaatnomasida ko‘tarilib, mazkur mavzu ijtimoiy-iqtisodiy siyosatning asosiy kun tartibiga aylandi. Aholi o’rtasida ijtimoiy nafaqa va turli moddiy yordam pulini to’lash yoki ularning miqdorini oshirish orqali ushbu muammoni hal qilish mumkin. Bu-bir tomonlama yondashuv bo’lib, muommoni to’la bartaraf etish imkoniyatini bermaydi. Zero kambag’allikni kamaytirish uchun aholi orasida tadbirkorlik ruhini uyg’otish, aholining bilim salohiyatini oshirish, yangi bo’sh ish o’rinlari yaratish bo’yicha iqtisodiy va ijtimoiy siyosatni amalga oshirish qaratilgan bo’lishi kerak. Kambag’allikdan chiqib ketish uchun eng muhim omil bu- insonning intilishi, o’z kuchiga tayangan holda, aniq maqsad sari harakat bo’lishi kerak. Kambag’allikni qisqartirishning aniq dastak va mexanizmlarini ishlab chiqish, xorijiy tajribalarni inobatga olgan holda kambag’allik darajasini aniqlash mezonlari, ijtimoiy ta’minotning minimal standartlari va me’yoriy asoslarini puxta ishlab chiqish lozim. Bu vazifalarni amalga oshirish orqali aholi daromadlarini oshirish mumkin. Aholi daromadini Andijon viloyati misolida ko’radigon bo’lsak, 2023-yilning yanvar-dekabr oylarida viloyatimizning iqtisodiy holatini o‘zida aks ettiruvchi statistik ma’lumotlar bilan tanishtirib o‘tsam.

- 2023- yilning yanvar-dekabr oyi yakunlariga ko‘ra Andijon viloyati bo‘yicha yalpi hududiy mahsulot hajmi joriy narxlarda 68 trln 223,4 mlrd so‘mni tashkil etgan.

Bu ko’rsatkich 2022-yilning yanvar-dekabr oyi yakunlariga ko’ra 54 trln 464 mlrd so‘mni tashkil etgan. Bu esa undan oldingi yilga nisbatan 5,1 foizga oshganini ko’rsatadi.

Doimiy aholi soni 2024-yil 1-yanvar holatiga ko’ra 3 394 379 nafarni tashkil etadi. 2023-yilning yanvar-dekabr holatiga ko’ra aholi jon boshiga yalpi hududiy mahsulot hajmi 20 313,6 so’mni tashkil qilgan, bu ko’rsatkich 2022-yil holatiga ko’ra 17 179,6 so’mni tashkil qilgan.

Bundan tashqari Andijon viloyatining MDH mamlakatlari bilan tashqi savdo aylanmasi 2024-yil yanvar holatiga ko’ra, 72,4 mln. AQSh dollarni tashkil etdi. Shundan eksport 51,4 mln. AQSh dollariga yetgan bo’lsa, import 21,0 mln. Dollari qiymatida qayt etilgan. Bu ko’rsatkichlar Andijon viloyatida aholi daromadi yildan-yilga o’sib borayotganini ko’rsatmoqda. Shuni takidlab aytish joizki aholi daromadini oshirish ularni bandligini ta’minlash uchun aholi orasida tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirish, ularga kasb-hunar o’rgatish eng muhim vazifalar hisoblanadi. Mamlakatda aholi daromadlarining oshib borishi o‘z navbatida ular turmush sharoiti va sifatining bosqichma-bosqich yaxshilanib borishiga zamin yaratmoqda.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki Aholi turmush darajasi tushunchasini ularning hayot kechirishi uchun zarur bo‘lgan moddiy va ma'naviy ne'matlar bilan ta’minlanishi hamda kishilar ehtiyojining bu ne'matlar bilan qondirilishi darajasi sifatida tariflash mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. “O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murijaatnomasi”, 30-dekabr 2020-yil, №271-272.
2. O’zbekiston respiblikasi Statistika Qo’mitasi ma’lumotlari http://stat.uz
3. Andijon viloyati Statistika Qo’mitasi ma’lumotlari http://andstat.uz
4. O’zbekiston Respublikasi Milliy qonunchilik bazasi http://lex.uz

BANKLAR FAOLIYATIDAGi KREDITLASHDA EHTIMOLLIK NAZARIYASINI QO‘LLASH

Muydinov Xusniddin Nuriddin o‘g‘li
TDIU Andijon fakulteti,
“Ijtimoiy-gumanitar fanlari” kafedrasi o‘qituvchisi.
Jo‘rayev Xusanboy Saydullo o‘g‘li
TDIU Andijon fakulteti, 1-kurs talabasi.
Jumaboyeva Maxliyoxon Mirzoxid qizi
TDIU Andijon fakulteti, 1-kurs talabasi**.**

Annotatsiya

Ushbu maqola iqtisodiy faoliyat sohalaridan birida – kreditlash sohasida ehtimollik nazariyasining rolini o'rganishga bag'ishlangan. Hozirgi vaqtda mavzuning dolzarbligi aniqlandi. Maqolaning mazmuni fandan foydalanishning asosiy

yo'nalishini o'z ichiga oladi, shuningdek, maqolada ushbu sohadagi muammo misolida kredit berishda ehtimollik nazariyasini qo'llash ko'rib chiqiladi.

Аннотация

Данная статья посвящена изучению роли теории вероятности в одной из сфер экономической деятельности – в сфере кредитования. Раскрыта актуальность темы на данный момент. Содержание статьи включает в себя основное направление в использовании науки, а также в статье рассмотрено применение теории вероятности в самом кредитовании на примере задачи по данной отрасли.

Abstract

The article is devoted to studying the role of the theory of probability in one of the part of economy – in the crediting. At the moment the relevance of the topic is disclosed. The article also contains basic direction in the science - using and also the article deals with the application of probability theory in the lending to the example of the problem for the industry.

Kalit so'zlar: iqtisodiyot sohasi, bank, kreditlash, foyda, kredit berish.

Ключевые слова: сфера экономики, банк, кредитование, прибыль, выдача кредитов.

Keywords: economy sphere, bank, crediting, income, issuing loans.

Bugungi kunda iqtisodiy va moliyaviy faoliyat bilan bog'liq har qanday muammoni hal qilish uchun turli xil matematik va statistik usullarni qo'llash kerak. Ushbu usullarning barchasi qandaydir tarzda ehtimollik nazariyasining asosiy tushunchalari bilan bog'liq. Bozor iqtisodiyotida ehtimollik nazariyasi intizom sifatida iqtisodiyot va moliya sohasida qo'llaniladigan asosiy qismlardan biridir. Bozor munosabatlarida har doim tasodif elementi kabi element hisobga olinishi kerak. Iqtisodiy-matematik va ekonometrik modellarni qurish noaniqlik sharoitida, iqtisodiy hodisalarni o'rganish va bashorat qilishda rejalashtirishning ajralmas qismidir. Ehtimollar nazariyasiga tayanadigan ushbu usullarsiz iqtisodiyot sohasining ishlashi qiyin bo'ladi.

Kreditlash sohasi iqtisodiyot sohasidagi tarkibiy qismlardan biridir. Bugungi kunda aksariyat tijorat banklarida juda ko'p miqdordagi pul-kredit operatsiyalari mavjud, ammo ularning asosiy vazifasi kredit berishdir. Beqaror iqtisodiyot tufayli banklar asosiy muammoga duch kelmoqdalar – kredit xavfi bilan to'qnashuv. Ushbu xavf qarz oluvchining kredit muddati bo'yicha bank bilan tuzilgan shartnomaning barcha majburiyatlarini bajarishi yoki bajarmasligi ehtimoliga bog'liq. Ushbu qiymat qarz oluvchining kredit majburiyatlarini to'lash qobiliyati yoki aksincha aniqlanishi mumkin.

Aytaylik, bankdan kredit olgan kishi uni qaytarishi shart. Naqd pulni bankka qaytarish darhol amalga oshirilmaydi, lekin ulushlar bo'yicha, shuningdek, shaxs kreditdan foydalanganligi uchun ma'lum foiz bilan to'lanadi. Shartnomada ko'rsatilgan ma'lum vaqtdan so'ng, qarz oluvchi kreditga olgan barcha summani qaytarib berishga va undan foydalanish uchun bankka ma'lum foizni to'lashga vaqt topishi kerak. Ammo ba'zida odamlar kelishilgan vaqtda butun summani qaytarib bera olmaydigan yoki odam shartnomaning barcha shartlarini bajara olmaydigan holatlar mavjud. Bunday vaziyatda bank sud da'vosi bilan jazo tayinlash va yo'qotishlarni qoplash uchun to'liq huquqqa ega. Ammo shuni unutmasligimiz kerakki, bankning asosiy vazifasi qarz oluvchilarga jarima solish emas, balki kreditlar berishdir. Bundan xulosa qilishimiz mumkinki, bu holda bank har qanday jismoniy yoki yuridik shaxslarga kredit bermasligi mumkin, lekin faqat shubhasi bo'lmagan va o'z vaqtida butun kreditni foizlar bilan to'laydiganlarga.

Shu munosabat bilan, xuddi shu tasodifiy qiymat paydo bo'ladi – kredit qaytarilganmi yoki yo'qmi. Qarz oluvchining qanchalik ishonchli ekanligini aniqlash uchun bank kredit oluvchining umumiy xususiyatlarini, daromadlarini, kapitalini va iqtisodiy holatini tahlil qiladi. Bunga, shuningdek, qarz oluvchining kredit tarixi yoki qarz oluvchi tegishli bo'lgan ijtimoiy holat bo'yicha umuman kreditlarni qaytarish statistikasi kiradi. Ushbu tahlil ehtimollik nazariyasi va matematik statistika usullari, ya'ni ehtimollik, dispersiya va boshqalarni hisoblash zarurati bilan amalga oshiriladi.

Ammo shunga qaramay, bank uchun asosiy maqsad kreditlar berish va foyda olishdir, ya'ni har qanday tijorat banki qarz oluvchining butun summani to'lashiga ma'lum bir kafolat mavjud bo'lganda kredit berish foydaliroq bo'ladi.

Shunday qilib, tasodifiy bo'lgan va qarz oluvchining kreditni to'lash imkoniyatini tavsiflovchi qiymat paydo bo'ladi. Kredit berilishi mumkin bo'lgan va berilmaydigan fuqarolarning toifasini aniqlash uchun kredit tashkilotlari kreditni o'z vaqtida qaytarib berganlarning va umuman boshqa barcha qarz oluvchilarning nisbatlarini tahlil qilib, statistikani tekshiradilar. Ushbu tahlil va baholash matematik statistika va ehtimollik nazariyasining usullari va usullaridan foydalangan holda amalga oshiriladi.

Keyinchalik, kreditlash bilan bog'liq misol yordamida ehtimollik nazariyasini qo'llashni ko'rib chiqamiz.

Misol.

Kredit tashkiloti 365 kun (1 yil) uchun 1 mln so‘m miqdorida kredit beradi. Kreditni to'lamaslik ehtimoli 1%. Foyda olish uchun qanday foiz stavkasini belgilash kerak?

Yechim.

Shunday qilib, biz stavkani belgilaymiz p (100%). Kredit tashkilotining daromadi tasodifiy o'zgaruvchidir, chunki qarz oluvchi foizlarni hisobga olgan holda kredit berishi kerak, ammo shu bilan birga uni qaytarib bera olmasligi ehtimoli mavjud. Keyinchalik, tarqatish qonunini tuzamiz:

P	-1
0.99	0.01

Bu erda *P*-bu kreditni foizlar bilan qaytarish holati, shunda bank *r* million so‘mdan foyda ko'radi. Bank 1 mln so‘mni yo'qotganda hech qanday daromad bo'lmaydi, biz -1 ga teng daromad sifatida belgilaymiz.

Keyin matematik kutishni topamiz: 0,99 p – 0,01. Tengsizlikni hal qilish orqali 0.99 – 0.01>0, biz buni olamiz p> 1/99, shuning uchun kredit bo'yicha foiz stavkasi 1% dan yuqori bo'lishi kerak (100/99).

Kredit berishning asosiy xavfi shundaki, qarz oluvchi kreditni foizlar bilan birga o'z vaqtida to'lay olmaydi yoki umuman qaytarib bermaydi. Bugungi kunda, bozor iqtisodiyoti sharoitida, iqtisodiy xavf-xatarlarga ega bo'lgan holatlarda, kredit xatarlarini hisoblash va tanib olish, ularni to'g'ri bashorat qilish va minimallashtirishga qodir bo'lgan kishi maksimal foyda olishi mumkin. Bu har qanday bankning pul-kredit siyosatida muvaffaqiyatli ishlashining asosiy sababidir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Теория вероятностей для экономистов / – М.: Финансы и статистика, 2013.

2. Применение теории вероятности в сфере кредитования /, Взаимодействие математики с экономикой // Современные наукоемкие технологии. 2014.

3. Использование методов теории вероятностей и математической статистики в экономической сфере // Международный студенческий научный вестник. – 2016.

BULUTLI TEXNOLOGIYALAR TUSHUNCHASI.

Yusupov Muxtorjon
Toshkent Davlat Iqtisodiyot Universiteti
Andijon fakulteti dotsenti
Jumaboyeva Maxliyo
Toshkent Davlat Iqtisodiyot Universiteti

Andijon fakulteti talabasi

Hozirgi kunda bulutli texnologiyalar mamlakatlar, komponiyalar va shaxslar uchun ma’lumotlarni saqlash, birlashtirish va ulardan foydalanishni osonlashtiruvchi imkoniyatlarni taklif etadi.

Uning asosiy maqsadi, ma’lumotlar va xizmatlarga doimiy va oson kirish imkoniyatini berishdir. Bulutli texnologiyalar orqali, ma’lumotlar internet orqali saqlanadi va ularga istalgan vaqtda va istalgan joyda kirish mumkin bo’ladi. Bu, ma’lumotlar bilan ishlashning oson va samarali ususli bo’lib, tashqi serverlarni o’zlashtirib, xarajatlarni kamaytiradi va ish jarayonini tezlashtiradi.

Kunning dolzarb muammo va masalalaridan bo’lib bulutli texnolo’giyalardan foydalanishni to’gri yo’lga qo’yishdir.

Kun sayin hayotimizning har bir sohasiga axborot-kommunikatsiya texnologiyalari (AKT) joriy etilib, kasbiy faoliyatimiz samaradorligini oshirmoqda. Bugungi kundalik hayotimizni nafaqat televizor, radio, balki mobil telefonlari, kompyuter, planshet kabi zamonaviy qurilmalarsiz o‘tkaza olmay qoldik, ulardan foydalanib, turmushimiz mazmunini boyitamiz, ish va ta‘lim olishdagi vazifalarimizni yengillashtiramiz. Hozirgi davrda barcha boshqa sohalar qatorida ta‘lim tizimida ham turli fanlarni o‘qitishda AKT imkoniyatlarini joriy etish dolzarb masala hisoblanadi.

“Bulutli texnologiyalar” tushunchasi (inglizcha “cloud computing”)ingliz va rus man'balarda keng ishlatiladi. Bugungi kunda biz bulutli hisoblash (cloud computing) deb ataydigan hisoblash tarmog‘i jadallik bilan rivojlanmoqda. Axborot texnologiyalari sohasidagi Google (GoogleDrive), Yandex (Yandex disk), Microsoft (OneDrive), Apple (iCloud), DropboxInc, Cisco, Oracle va boshqa ko‘plab yirik kompaniyalar bugun o‘z bulutli xizmatlar spektrini kengaytirishga katta e‘tibor qaratishmoqda. Ko‘plab xizmatlar bulutli tarmoqqa kiritilmoqda va foydalanuvchilar ular orasidan o‘ziga kerakli xizmatlarni bulutdan olish imkoniyati yaratilgan.

Dunyo miqyosida keng rivojlangan va rivojlanishda davom etayotgan bulutli hisoblash tizimlari O‘zbekistonda ham bugun rivojlanishda davom etmoqda. Masalan, Huawei kompaniyasi bilan hamkorlikda yaratilgan Ma‘lumotlarni qayta ishlash markazi (MQIM) ning ishga tushirilishi O‘zbekistonda ham bulutli xizmatlarni rivojlantirish uchun katta ishlar olib borilayotganligini ko‘rsatadi.

Bugungi kunda bulutli hisoblashlar sohasi va ular taqdim etayotgan xizmatlar spektri ham kengayib bormoqda. Xizmatlarning ko‘payishi va qulayligi sababli uning iste‘molchilari soni ham ortmoqda. Bulutli xizmatlarga talablar va murojaatlar ortishi bilan tizimga tushuvchi yuklama miqdori ham ortmoqda.

Bulut provayderlari esa o‘z xizmatlarini taqdim etishda quyidagilarni maqsad qilib ko‘yadi:

- Tarmoqning doimiy ishlashini ta‘minlash.

Bulutli texnologiyalar tushunchasi rejasi quyidagi qadamlardan iborat bo'ladi:

1. Ma'lumotlarni saqlash: Bulutli texnologiyalar, ma'lumotlarni serverlarda saqlash imkonini beradi. Bu serverlar internet orqali foydalanuvchilar uchun erkinlik bilan murojaat qilishga imkon beradi;

2. Ma'lumotlarni boshqarish: Bulutli texnologiyalar, ma'lumotlarni boshqarish uchun xizmatlar taqdim etadi. Bu xizmatlar orqali foydalanuvchilar ma'lumotlarni yig'ish, tahlil qilish, filtratsiya qilish, ma'lumotlar bazasiga kirish berish va boshqarish imkoniyatiga ega bo'ladi;

3. Ma'lumotlardan foydalanish: Bulutli texnologiyalar, ma'lumotlarga istalgan vaqtda va istalgan joyda murojaat qilish imkonini beradi. Bu, mobil qurilmalar, kompyuterlar yoki boshqa qurilmalar orqali ma'lumotlarga erkinlik bilan murojaat qilishni o'z ichiga oladi.

Bulutli texnologiyalar tushunchasi rejasi, bu tushunchaning asosiy komponentlarini va ulardan foydalanishning asosiy jarayonlarini tushuntiradi. Bu rejalar, foydalanuvchilarga ma'lumotlarni saqlash, boshqarish va ulardan foydalanish imkonini beradi. Bulutli texnologiyalar, tashqi serverlarda ma'lumotlarni saqlash va ulardan foydalanishning ko'p tomonlama imkoniyatlarini taqdim etadi. Bulutli hisoblash texnologiyalari, ma'lumotlarni internet orqali bulut serverlarda saqlash va ularga murojaat qilish imkoniyatini ta'minlaydigan texnologiyalardir.

Ular quyidagi foydalarni o'z ichiga oladi:

1. Ma'lumotlar va ilovalar uchun yuqori darajada o'tkazuvchanlik: Bulut serverlarda ma'lumotlarni saqlash va ularga murojaat qilish, ularga har qanday joydan va har qanday vaqtda murojaat qilish imkonini beradi;

2. Skalabilnost: Bulutli hisoblash texnologiyalari, tashqi serverlarning resurslarini o'zgartirish va kamaytirish imkonini beradi. Bu, o'zgaruvchanlikni ta'minlaydi va tashqi serverlarni iste'molchilarning talablari bo'yicha moslashtirishga imkon beradi;

3. Xavfsizlik: Bulutli hisoblash texnologiyalari, ma'lumotlarni shifrlash va ma'lumotlar o'chirilganda yoki yo'qolganida tiklash imkonini beradi. Shuningdek, ularga murojaat qilish uchun autentifikatsiya va autorizatsiya protokollari mavjud;

4. Bulutli hisoblash texnologiyalari, tizim administratorlarining ilovalarni o'rnatish va boshqarish jarayonlarini osonlashtiradi. Bu, ishchi kuchini va vaqtni tejashga yordam beradi.

Bulutli hisoblash texnologiyalari, kompyuter texnologiyalarining bir necha sohalarida foydalaniladi, masalan, ma'lumotlar analizi, ma'lumotlar bazasi boshqaruv,

veb ishlab chiqish va boshqalar. Ular, foydalanuvchilar uchun ham oson va qulayliklar keltiradigan qulay va innovatsion texnologiyalar hisoblanadi.

Bulutli hisoblash - elektron hisoblash xizmatlarini komputer tarmoqlari orqali yetkazib berishni nazarda tutadi. Bunda kompmyuter resurslari foydalanuvchiga internet xizmati tarzida taqdim etiladi. Amazon Web Services kabi bulutli xizmatlar platformalari tarmoqqa ulangan uskunalarga ega bo‘lib, bunday dasturiy ta‘minot xizmatlaridan zarur bo‘lgan texnik xizmatni amalga oshirayotganda, Internet resurslaridan zaruriy resurslarni tarqatish va ishlatishda foydalaniladi.

Bulutli hisoblash (inglizcha cloud computing) - ma‘lumotlarni taqsimlangan holda hisoblash texnologiyasi bo‘lib, bunda kompyuter resurslari foydalanuvchiga internet xizmati tarzida taqdim etiladi. Bulutli hisoblash tizimlari avvalo mijoz-server tartibida ishlaydi: mijoz tarmoqdagi bir guruh serverlarning resurslari - protsessor vaqti, operativ xotira, disk maydoni, tarmoq kanallari, ixtisoslashgan kontrollerlar, dasturiy ta‘minot va hokazolardan foydalanadi.

Ammo, bu guruh mijoz uchun yagona virtual server shaklida ko‘rinadi. Foydalanuvchi o‘z ehtiyojlariga mos ravishda iste‘mol qilinayotgan resurslar hajmini o‘zgartirib borish imkoniyatiga ega.

Masalan, ma‘lum bir haq evaziga o‘zi egallab turgan disk maydonini kengaytirishi mumkin. Bulutli hisoblash kompaniyaga ishxonada hisoblash infrastrukturasini qurish va qo‘llab-quvvatlashdan ko‘ra, virtual mashina (VM), saqlash yoki dastur kabi foydali vositalarni, elektr energiyasi tejami kabi imkoniyatlarni beradi. Bulutli hisoblash tushuncha sifatida juda bahsli hisoblanadi. Bulutli hisob kitobni ta‘riflash so‘ralganda, ta‘rif aniq bir umumiy ta‘riflarni keltirish qiyin.

Umumiy qabul qilingan xavfsizlik choralari talab qilinadi, unda xavfsizlik devorlari, mumkin bo'lgan hujum vektorlari sonini kamaytirish uchun server vositalari, operatsion tizimlarni o'z vaqtida yangilash, kriptografik kalitlarni autentifikatsiya qilish va boshqalar kiradi.

Ko'p sonli serverlarni saqlash va bulutdan foydalanish uchun qiyinchiliklar paydo bo'lishi mumkin. bir nechta muhitlar, masalan, ishlab chiqish, ishga tushirish va samarali ish uchun mo'ljallangan. Bunday hollarda, har bir muhitni izolyatsiya qilish va himoya qilishni hisobga olish kerak, chunki prototiplash uchun ishlatiladigan serverdagi buzilish butun infratuzilmaning maxfiy kalitlariga kirish imkonini berishi mumkin.

Ommaviy bulutlar keng jamoatchilikka AWS ichki shaxsiy bulut bilan tajriba orttirgandan so'ng, umumiy bulutni yaratganida tanishtirildi. Operatorni tanlashda bir qator omillarga, birinchi navbatda, xarajat, ishlash, funksionallik, ma'lumotlarning joylashuvi va mavjudligiga e'tibor berish kerak. Bundan tashqari, operatorning bozordagi pozitsiyasini va bulut xizmatlaridan kelajakda foydalanish bo'yicha korxonaning rejalarini hisobga olish kerak.

Optimal operatorni tanlash xarajat / samaradorlik nisbati bo'yicha amalga oshirilishi kerak. Taqqoslash, shuningdek, talab qilinadigan ishlash darajasi, ishga

tushirish vaqti, masshtablash tezligi va ma'lumotlarni uzatishning kechikishi kafolatlanganligini hisobga olishi kerak. Tanlovga ma'lumotlar markazining joylashuvi ta'sir qilishi mumkin - provayder ma'lumotlar maxfiyligi to'g'risidagi qonunlarga va mijozda amaldagi korporativ qoidalarga rioya qilishi kerak.

Bu chegaralar mamlakat va kompaniyaga qarab farq qilishi mumkin. Ba'zan barcha ma'lumotlarni bitta yurisdiktsiyada saqlash talab qilinadi. Boshqa mintaqalarda faoliyat yuritayotgan AQSh kompaniyalari uchun xavfsiz bandargoh tamoyiliga rioya qilish zarur bo'lishi mumkin, unga ko'ra Evropa qonunlariga rioya qilish kerak.

Xulosa sifatida shuni aytishimiz mumkinki, davr talabidagi texnologiyalardan biri bulitli bo’lsa undan unumli foydalanish chora tadbirlarini mukammal o’rganish axborotlarimizni yo’qolishini oldini oladi va ximoya tizimini shakllantiradi.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Raqamli O‘zbekiston – 2030” strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF6079-sonli Farmoni.

2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 28 apreldagi "Raqamli iqtisodyiot va elektron hukumatni keng joriy etish chora-tadbirlari to'g'risida" PQ-4699-sonli йфкўкш.

3. Zhang and Li Xiao-ping, A content based dynamic load-balancing algorithm for heterogeneous Web server cluster // ComSIS. 2010. V. 7. № 1. Special Issue [электронный ресурс]: http://www.comsis.org/archive.php?

4. Б.З. Абдухалилов, Cloud computing: преимущества и недостатки, темпы развития на мировом уровне и в Узбекистане, Профессор-ўқитувчи ва илмий тадқиқотчиларнинг даврий мақолалар тўплами. ТАТУ, Тошкент. 2017.

CHORVACHILIK KORXONALARI FAOLIYATIDAGI O'ZGARISHLARNI O'RGANISHDA NARXLAR INDEKSI

D.X.Iskandarov
TDIU Andijon fakulteti
“ijtimoiy gumanitar fanlar” kafedrasi katta o‘qituvchisi,
Abduraximova Jayrona Arabboy qizi
TDIU Andijon fakulteti 1-bosqich talabasi
Shavkatov Jasurbek Mansurbekovich
TDIU Andijon fakulteti 1-bosqich talabasi

Chorvachilik tarmog‘ini jadal rivojlantirish xalqimizni arzon va sifatli go‘sht hamda boshqa oziq-ovqat mahsulotlari bilan ta’minlash, ayniqsa, qishloq joylarida istiqomat qilayotgan fuqarolarning bandligini oshirish va daromadlarini ko‘paytirishda muhim o‘rin tutadi.

Keyingi yillarda ushbu sohada zamonaviy va innovatsion uslublarni joriy etish, mahsulotlar ishlab chiqarish hajmini oshirish va ularning turlarini kengaytirish bo‘yicha tub islohotlar amalga oshirildi. Bu sa’y-harakatlar natijasini har bir chorvador o‘z faoliyatida sezmoqda va his etmoqda.

Xususan, chorvachilik tarmog‘i oxirgi olti yilda islohotlarga yuz tutdi. O‘tgan davrda agrar tarmoqda katta o‘zgarishlar, yangilanishlar bo‘ldi. Ko‘p yillar davomida chorvadorlarni o‘ylantirib, tashvishga solib kelgan muammolar qisqa fursatda hal etildi, ularning xohish-istaklari, orzu-umidlari ro‘yobga chiqa boshladi.

Ilgarlari 200 bosh nasilli mollarni boqayotgan fermerlarga qoyil qolishardi, hozir fermer va klasterlarimiz 10 minglab nasilli mollar, 100 minglab ko‘y echkilar parvarishlab, elimiz dasturxoniga sifatli sut va go‘sht mahsulotlarini yetkazib bermoqda. Ayniqsa, bozordagi narxlar barqarorligini ta’minlab beryapti. Bunday ajoyib o‘zgarishlar faqat ayrim chorvadorlar faoliyatida emas, balki minglab mulkdorlar hayotida ham yuz berdi.

Natijada chorvachilik bilan shug‘ullanuvchi xo‘jaliklar soni ortib, chorvachilik komplekslari tomonidan tirik vaznda ko‘plab tonna go‘sht va sut mahsulotlari yetishtirilishiga erishilyapti. Eng muhimi, bu sohada yangi ish o‘rinlari yaratilib, ming-minglab yoshlar xorijga ish izlab ketishdek og‘ir muammodan xolos bo‘lmoqda.

2022 yil 8 fevral kuni qabul qilingan “Chorvachilikni yanada rivojlantirish va chorva ozuqa bazasini mustahkamlash chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Prezident qarori sohada boshlangan islohotlarning uzviy davomi sifatida mamlakatimizda chorvachilik tarmoqlarini yanada rivojlantirishga qaratilgan qator istiqbolli chora-tadbirlarni belgilab berdi. Buni sohada faoliyat ko‘rsatayotgan tadbirkorlik subyektlari kayfiyatida ham sezish mumkin.

Shuningdek, chorvachilik tarmoqlarini yanada rivojlantirish, xo‘jalik yurituvchi subyektlarni moliyaviy qo‘llab-quvvatlash, chorva ozuqa bazasini ko‘paytirish, shuningdek, aholining o‘z xonadonida chorva mollari boqishini tashkil etish va chorva ozuqa bazasiga bo‘lgan talabni qondirish borasida qulayliklar, imtiyozlar, moliyaviy ko‘mak va imkoniyatlar yaratilmoqda.

Amalga oshirilayotgan islohotlar natijasida bugungi kunda respublikada jami 18167 ta chorvachilik xo‘jaliklari mavjud bo‘lib, shundan qoramolchilik yo‘nalishida 7614, qo‘y va echkichilik 3263, yilqichilik 142, tuyachilik 52, parrandachilik 1298, baliqchilik 4829, asalarichilik 715 ta va quyonchilik 254 tani tashkil etmoqda.

“O‘zbekiston Respublikasida chorvachilik sohasi va uning tarmoqlarini rivojlantirish bo‘yicha 2022-2026 yillarga mo‘ljallangan dasturni tasdiqlash to‘g‘risida”gi Prezident qarori ham ushbu sohada keng imkoniyatlar eshigini ochib berdi.[8]

Natijada 2022 yilda chorvachilikda umumiy qiymati 9,7 trln so‘mlik 2031 ta loyihalar amalga oshirilib, 160 mingga yaqin doimiy va mavsumiy yangi ish o‘rinlari yaratildi. Joriy yilning o‘zida esa 915,4 mlrd. so‘mlik 406 ta loyihalar ishga tushirildi.

E’tiborli jihati, ushbu Dastur doirasida paxta-to‘qimachilik klasterlari tomonidan 1,3 trln. so‘mlik 43 ta chorvachilik komplekslari tashkil etilib, 26 ming boshga yaqin qoramollar parvarishi yo‘lga qo‘yildi. 2022 yilda 110 ta go‘sht va 139 ta sut jami 249 mahsulotlarini yetishtiruvchi va qayta ishlovchi korxonalar tomonidan aholi xonadonlariga kooperatsiya usulida 19,6 ming bosh chorva mollari tarqatib berildi.

Chorvachilik korxonalarining faoliyatidagi o'zgarishlarni o'rganishda narxlar indeksining ta'siri muhim bo'lib, bu indeks chorvachilik sohasidagi narx o'zgarishlarini tahlil qilish, inflatsiyani belgilash va mamlakat iqtisodiy holatini tushunishda yordam beradi. Narxlar indeksining chorvachilik korxonalarining faoliyatidagi o'zgarishlarni o'rganishdagi muhim roli sifatida quyidagilarni ko‘rsatishimiz mumkin:

Chorvachilik korxonalarining xarajatlarini ta'sir qilishi - chorvachilik korxonalarining xarajatlarini tushunishda muhim hisoblanadi. Agar umumiy narxlar o'sib borsa yoki ma’lum darajada o'zgarib ketadigan bo'lsa, korxonalar mahsulotlar uchun o'z xarajatlarini ko'payishini hisobga olishlari mumkin bo‘ladi.

Chorvachilik mahsulotlarining narxlarini tahlil qilish - chorvachilik korxonalarining faoliyatini o'rganishda, chorvachilik mahsulotlarining narxlari va ularning o'zgarishlari tahlil qilinadi. Narxlar indeksi bu tahlillar uchun muhim ma'lumotlar ta'minlaydi.

[8] O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA CHORVACHILIK SOHASI VA UNING TARMOQLARINI RIVOJLANTIRISH BO‘YICHA 2022 — 2026-YILLARGA MO‘LJALLANGAN DASTURNI TASDIQLASH TO‘G‘RISIDA

Inflatsiyani aniqlash - inflatsiyani o'rganishda yordam beradi. Agar narxlar indeksining o'sishi inflatsiya ko'rsatkichi bo'lsa, bu chorvachilik korxonalarining faoliyatida o'zgarishlar bo'lishi mumkinligini bildiradi.

Iqtisodiy faoliyatga o'z ta'sirini ko'rsatish - chorvachilik korxonalarining iqtisodiy faoliyatiga o'z ta'sirini ko'rsatishda yordam beradi. Mahsulotlar va xizmatlar narxlari chorvachilik korxonalarining daromadi va faoliyatini ko'rsatishda muhim rol o'ynaydi.

Mijozlar bo‘yicha tahlillar - chorvachilik mahsulotlarini sotish bo'yicha mijozlar boyicha tahlillarni o'rganishda yordam beradi. Mijozlar narxlarining o'zgarishlariga qanday ta'sir ko'rsatishlarini tushunish uchun foydalaniladi.

Investitsiyalarni o'rganish - chorvachilik korxonalarining investitsiyalari va kapital investitsiyalari ko'rsatkichi sifatida narxlar indeksi ham foydalaniladi. Agar korxonalar o'sishi sababli investitsiyalar o'ssa, bu faoliyatni ko'rsatish uchun xavfli bo'lishi mumkin.

Xalqaro savdo boyicha ta'sir - chorvachilik korxonalarining xalqaro savdo harakati boyicha ham ta'sir ko'rsatadi. Agar mamlakatdagi umumiy narxlar o'zgarib qolsa, bu xalqaro savdo bilan bog'liq bo'lishi mumkin.

Korxonalar orasida raqobat - korxonalar orasida ham raqobat ko'rsatkichi sifatida ishlatiladi. Agar bir chorvachilik korxonasi o'z mahsulotlarini qimmatlab sotish mumkinligini aniqlasa, bu korxonaning faoliyatidagi o'zgarishlar uchun alomat bo'lishi mumkin.

Narxlar indeksi, chorvachilik korxonalarining iqtisodiy faoliyatini o'rganishda faol tahlil qilishda yordam beradi. Bu indeksning o'zgarishlarini tahlil qilish, chorvachilik korxonalarining faoliyatidagi muammolar va qulayliklar haqida umumiy tasavvurga ega bo'lishda muhim hisoblanadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi “2022-2026-yillarga mo‘ljallangan yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-5853-son Farmoni// Xalq so‘zi, 29.01.2022-yil. TARMOQLAR VA SOHALAR
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga va O‘zbekiston xalqiga murojaatnomasi// Xalq so‘zi, 20.12.2022-yil.
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 23-oktabrdagi “O‘zbekiston Respublikasi qishloq xo‘jaligini rivojlantirishning 2020-2030-yillarga mo‘ljallangan strategiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi PF-5853-son farmoni// Xalq so‘zi, 24.10.2019-yil.

4. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 3-avgustdagi “O‘zbekiston Respublikasining milliy statistika tizimini yanada takomillashtirish va rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-4796-son qarori// Xalq so‘zi, 04.08.2020-yil.
5. O‘zbekiston Respublikasining “Rasmiy statistika to‘g‘risida”gi Qonuni. 2021-yil 11-avgust // O‘zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari to‘plami, 2021-yil, №8. https://lex.uz
6. Маркова А.И., Афанасев В.Н. Статистика селского хозяйства: Учеб. пособие. – М.: Финанси и статистика, 2003 й. 272 с.

TANLANMALAR BIR JINSLILIGINI TEKSHIRISH UCHUN NOPARAMETRIK KRITERIYLAR ORQALI MATEMATIKA FANINI BOSHQA FANLAR BILAN BOG‘LIQLIGINI TEKSHIRISH

D.X.Iskandarov
TDIU Andijon fakulteti
“ijtimoiy gumanitar fanlar” kafedrasi katta o‘qituvchisi,
Ikromov Rustambek Axliddin o‘gli
TDIU Andijon fakulteti 1-bosqich talabasi
Ismoilov Lazizbek Baxtiyorjon o‘gli
TDIU Andijon fakulteti 1-bosqich talabasi

Biz maqolani Puassonni matematika to‘g’risida aytgan so‘zlari bilan boshlasak:

Hayotning ikkita bezagi bor: matematika bilan shug’ullanish va o‘qitish.

Ikki bog‘liqsiz tanlanma uchun *xi*-kvadrat kriteriysi.

$X^{(n)}$ va $Y^{(m)}$ tanlanmalar elementlarini guruhlarga taqsimlab olamiz. L orqali guruhlar sonini belgilab, n_i va m_i lar orqali i – guruhga tushgan $X^{(n)}$ va $Y^{(m)}$ tanlanmalarga mos kelgan elementlar sonini belgilab olamiz. U holda $\frac{n_i}{n}$ va $\frac{m_i}{m}$ lar i – guruhga tushgan tanlanma elementlari nisbiy takrorlanishlar sonini anglatadi. Bu yerda

$$\sum_{i=1}^{L} n_i = n, \quad \sum_{i=1}^{L} m_i = m.$$

Ikki tanlanma uchun *xi*-kvadrat statistikasi

$$X_{n,m}^2 = n \cdot m \sum_{i=1}^{L} \frac{\left(\frac{n_i}{n} - \frac{m_i}{m}\right)^2}{n_i + m_i}$$

amaliyotda juda keng qo‘llaniladi va shu sababli uning taqsimoti (*xi*-kvadrat taqsimot) kritik nuqtalari jadvali ko‘pgina adabiyotlarda keltirilgan. Bu statistika kritikasi nuqtaberilgan qiymatdorlik sathi a va ozodlik darajasi $v = L - 1$ ga qarab jadvaldan tanlanadi.

Z-kriteriylar. Tanlanma normal taqsimotga ega va uning dispersiyasi ma’lumligi tanlanma o‘rta qiymat va bosh to‘plam o‘rta qiymatlarini solishtirishdan iborat. U ikki tanlanmalik bo‘lishiham mumkin.

Agar tanlanmalarning $\bar{S}_1$ va $\bar{S}_2$ – standart og’ishlari ma’lum va ular σ_1^2 va σ_2^2 dispersiyalari teng bo’lgan bosh to’plamlardan olingan bo’lsa $H_0: \mu_1 = \mu_2$ gipotezani t – kriteriy yordamida tekshirish uchun $\bar{S}_{\bar{x}_1 - \bar{x}_2}$ hisoblab olinadi shundan so’ng t_{kuz} topiladi. Agar $t_{kuz} < t_{kr}$ bo’lsa H_0 rad etiladi yoki $t_{kuz} > t_{kr}$ bo’lsa H_0 gipoteza qabul qilinadi. Bu yerda:

$$\bar{S}_{\bar{x}_1 - \bar{x}_2} = \bar{S}_p \sqrt{\frac{1}{n_1} + \frac{1}{n_2}} = \sqrt{\left(\frac{(n_1 - 1)S_1^2 + (n_2 - 1)S_2^2}{n_1 + n_2 - 2}\right)\left(\frac{1}{n_1} + \frac{1}{n_2}\right)}$$

$$t_{kuz} = \frac{\bar{x}_1 - \bar{x}_2}{\bar{S}_{\bar{x}_1 - \bar{x}_2}}$$

Masala: Biz quyida talabalarning matematika fanidan olgan baholari bilan informatika fanidan olgan baholari orasidagi ma’lumotlarni ikki hil usulda solishtirib ko‘ramiz. Biz 60 nafar talaba o‘quvchilarni Matematika va Biologiyadan olgan baholarini quyidagi jadvalda keltiramiz:

	5	**4**	**3**
Matematika $n = 60$	15	31	14
Informatika $m = 60$	9	43	8

Dastlab ma’lumotlarni ya’ni o‘quvchilar bilimlari orasidagi farq deyarli farqlanmasligini ikki bog‘liqsiz tanlanma uchun *xi*-kvadrat kriteriysi yordamida ko‘rib chiqamiz:

Tajribada ikkala fandan ham $n = m = 60$ tadan talaba olingan bo‘lib, H_0 ya’ni ularning bilim darajalari sonli ko‘rsatkichlari mos taqsimotlari J va K lar tengligi haqidagi gipotezani ikki tomonlama alternativ $H_1: J \neq K$ gipotezaga nisbatan tekshiramiz.

$$\chi^2_{60;60} = 60^2 \sum_{i=1}^{3} \frac{\left(\frac{n_i}{60} - \frac{m_i}{60}\right)^2}{n_i + m_i} = 3600 \left[\frac{\left(\frac{15}{60} - \frac{9}{60}\right)^2}{15+9} + \frac{\left(\frac{31}{60} - \frac{43}{60}\right)^2}{31+43} + \frac{\left(\frac{14}{60} - \frac{8}{60}\right)^2}{14+8} \right]$$
$$\approx 5.08$$

Ozodlik darajasi $v = 3 - 1 = 2$. U holda $a = 0.05$ uchun jadvaldan kritik nuqtani topamiz:

$$t_{kr} = \chi^2_{0.05} = 5.99$$

Demak, $\chi^2_{60;60} \approx 5.08 < 5.99$ biz H_0 gipotezani qabul qilamiz. Bu esa bizda ma’lum bir fan bo‘yicha o‘quvchilar bilimlari farqlanadi degan gipoteza H_1ni inkor etishga asos bo‘ladi.

Endi, ma’lumotlarni Bog‘liq bo‘lmaga tanlanmalarga mos bosh to‘plamlar o‘rta qiymatlari farqlari haqidagi gipotezani tekshirishni ko‘rib chiqamiz. Biz avval berilgan ma’lumorlar asosida o‘rta qiymatlarni topib olamiz:

$$\bar{x_1} = \frac{15 \cdot 5 + 31 \cdot 4 + 14 \cdot 3}{60} \approx 4.002$$

$$\bar{x_2} = \frac{9 \cdot 5 + 43 \cdot 4 + 8 \cdot 3}{60} \approx 4.002$$

Hamda ularga mos standart og‘ishlar(chetlanishlar):

$$\bar{S_1} = \frac{25 \cdot 15 + 16 \cdot 31 + 9 \cdot 14}{60} \approx 16.62$$

$$\bar{S_2} = \frac{25 \cdot 9 + 16 \cdot 43 + 9 \cdot 8}{60} \approx 16.42$$

Demak,

$$\bar{S}_{\bar{x_1} - \bar{x_2}} = \bar{S}_p \sqrt{\frac{1}{n_1} + \frac{1}{n_2}} = \sqrt{\left(\frac{(n_1 - 1)S_1^2 + (n_2 - 1)S_2^2}{n_1 + n_2 - 2}\right)\left(\frac{1}{n_1} + \frac{1}{n_2}\right)}$$
$$= \sqrt{\left(\frac{(60-1)16.62^2 + (60-1)16.42^2}{60+60-2}\right)\left(\frac{1}{60} + \frac{1}{60}\right)} \approx 2.77$$

Alternativ gipotezani ikki tomonlama qilib tanlaymiz:

$H_1: \mu_1 \neq \mu_2$. t – statistikani hisoblaymiz:

$$t_{kuz} = \frac{\bar{x}_1 - \bar{x}_2}{\bar{S}_{\bar{x}_1 - \bar{x}_2}} = \frac{4.002 - 4.002}{2.77} = 0$$

Kriteriy ikki tomonlamalik va $t_{kuz} = 0 > -1.996$. Demak, H_0gipoteza qabul qilinadi.

Biz kelib chiqqan natijalardan hulosa qilib aytishimiz mumkinki talabalarning Matematikadan olgan baholari informatikadan olgan baholaridan farq qilmas ekan. Ya’ni talaba matematika fanini qanchalik yahshi o‘zlashtirsa qolgan fanlarni ham yahshi o‘zlashtira oladi degan hulosaga kelishimiz mumkin.

“Matematika shunday tilki – barcha aniq fanlar shu tilda gapiradi” Lobochevskiy.

Biz talabalarga matematikadan bilimlarini oshirishga harakat qilsak o‘z-o‘zidan boshqa fanlarni o‘zlashtirish darajasi ham oshib boradi.

“Agar matematika go‘zal bo‘lmaganda edi, ehtimol matematikaning o‘zi ham mavjud bo‘lmasdi. Aks holda qanday kuch, insoniyatning buyuk daholarini bu qiyin fanga torta olardi” Chaykovskiy.

“Kim matematikani bilmasa, haqiqatni bilmaydi. Kim uni tushunmasa zulmatta yashaydi”Rene Dekart

Foydalanilgan Adabiyotlar

1. A.Abdushukurov, T.Zuparov .“Ehtimollar nazariyasi va matematik statistika” Toshkent-2015.
2. Кретов М. В. Применение линейных моделей регрессии в дорожном строительстве // Вестник БФУ. Серия: Физико-математические и технические науки. 2007. №10.
3. DG Zakhidov, DK Iskandarov – “Computer Data Analysis and Modeling: Stochastics and Data Science”, 335-336 p. 2019.
4. DG Zakhidov, DK Iskandarov – “Applied Methods of Statistical Analysis. Statistical Computation and Simulation-AMSA'2019”, 102-104 p. 2019

EHTIMOLLAR NAZARIYASI VA MATEMATIK STATISTIKANING IQTISODIYOT POYDEVORIDAGI O'RNI

Muydinov Xusniddin Nuriddin o‘g‘li
TDIU Andijon fakulteti, “Ijtimoiy-gumanitar fanlari” kafedrasi o‘qituvchisi.
Jo‘rayev Xusanboy Saydullo o‘g‘li
TDIUAF, 1-kurs, AMMT-60/23 yo‘nalishi talabasi.
Jumaboyeva Maxliyoxon Mirzoxid qizi
TDIUAF, 1-kurs, AHBA-61/23 yo‘nalishi talabasi

Insoniyat tarixiga nazar tashlasak, inson o'zining kundalik hayotini boshqarishda qilgan har qanday harakati turli xil tabiatdagi iqtisodiy muammolarni hal qilish bilan bog'liqligini ko'rsatadi. Bunday muammolarni hal qilishda matematikadan keng foydalanish aniq.

Insoniyat jamiyati hayotning turli usullari va modellariga juda ko'p murojaat qildi. Matematik tahlil usullari eng samarali modellarni ishlab chiqish va ulardan to'g'ri foydalanish uchun ishlatilgan. Iqtisodiy jarayonlarning har xil turlarini o'rganish uchun maxsus iqtisodiy va matematik modellar ishlab chiqilgan. Matematikadan foydalanish ushbu usullarning samaradorligiga va ilmiy fikrlashning qat'iyligiga ta'sir ko'rsatdi. Shunday qilib, iqtisodiy fan tarixida ularning matematik asosga ega, analitik usul va modellarning ikki turi mavjud edi. Shunday qilib, matematika iqtisodiy fan hisoblanadi.

Har qanday fan singari, iqtisodiyotdagi har qanday iqtisodiy institut yoki jarayonni o'rganish uning holatini aniq tavsiflovchi ma'lumotlarni to'plashdan boshlanadi. Ushbu ma'lumotlarning aniqligi ko'p jihatdan statistik usullardan foydalanishga bog'liq. Matematikaning matematik statistikasi bo'limi ma'lumotlarni yig'ish usullarini asoslash va ularni birinchi o'rganish bilan shug'ullanadi.

Ishonchli matematik mulohazalarga asoslangan matematik statistika nazariyasi statistik usullardan samarali va to'g'ri foydalanishda muhim rol o'ynaydi. Bu, o'z navbatida, iqtisodiy taraqqiyot va samaradorlikka sezilarli ta'sir ko'rsatadi

Yuqorida aytib o'tilganidek, hayotda biz ko'pincha natijalarini oldindan aytib bo'lmaydigan voqealarga duch kelamiz. Bunday hodisalarning paydo bo'lishi unga ta'sir qiladigan ko'plab shartlarning bajarilishiga bog'liq. Bundan buyon biz buni muayyan shartlarning bajarilishini tekshirish yoki tekshirish deb ataymiz.

Tasodifiy hodisalarni ularning paydo bo'lish chastotasi, ya'ni ularning paydo bo'lishining sinovlarning umumiy soniga nisbati bilan tavsiflash mumkin. Agar hodisa chastotasi bir nechta sinovlarning har bir to'plamida doimiy songa yaqin bo'lsa, unda voqea chastotasi barqaror deb aytiladi. Iqtisodiy hodisalar-aksariyat jarayonlar chastotasi barqaror bo'lgan hodisalarga misoldir. Masalan, ustaxonada ishlab chiqarilgan alohida qismning ishdan chiqishi tasodifiy bo'lsa-da, ma'lum miqdordagi qismlarning ishdan chiqishi ushbu ustaxona uchun barqarordir. Hatto

hayotni boshqarish qiyin bo'lgan sohalarda ham barqarorlik hodisalari yuz beradi. Masalan, tabiiy ofat paytida sug'urta tashkilotida ro'yxatdan o'tgan ma'lum bir ob'ektning o'limi tasodifiy hodisadir. Biroq, sug'urta tashkiloti o'zi qayd etgan ob'ektlarning holatini va tabiiy ofatlar statistikasini sinchkovlik bilan o'rganadi va o'z faoliyatini ko'plab ob'ektlarning holati ma'lum darajada barqarorlikka ega ekanligiga asoslanib quradi.

Shunday qilib, ma'lum bir barqaror chastotada tasodifiy hodisalar ketma-ketligidan tashkil topgan jarayonlarni boshqarish inson faoliyatining asosiy yo'nalishi hisoblanadi. Bunday jarayonlarning rivojlanishini o'rganishni tashkil qilish ehtimollik nazariyasining asosiy vazifalaridan biridir. Matematikaning doimiy chastotadagi tasodifiy hodisalarni va ularning vaqt o'tishi bilan naqshlarini o'rganadigan bo'limi ehtimollik nazariyasi deb ataladi.

Raqamlar 1, 2, 3, 4, 5, 6 yoki hatto bittasi o'yin zarlarini uloqtirganda tushishi mumkin. "Yiqilish 1" deb nomlangan voqea (uni A1 deb belgilang) va "yiqilish 2" (A2) deb nomlangan voqea yoki "yiqilish 3" (A3) deb nomlangan voqea sodir bo'lish ehtimoli jihatidan bir-birini istisno qilmaydi. Shunday qilib, ular teng imkoniyatlarga ega hodisalardir. Umuman olganda, agar tajriba shartlariga ko'ra, bitta hodisaning ehtimolini boshqa hodisaning yuzaga kelish ehtimolidan ajratish uchun hech qanday sabab bo'lmasa, ya'ni agar ular eksperiment natijalariga teng huquqqa ega bo'lsa, unda ular teng ehtimoliy hodisalar deb ataladi. Agar bunday hodisalarni boshqa hodisalar bilan tavsiflash mumkin bo'lmasa, ular elementar hodisalar deb ataladi. Masalan, zarni tashlashda A1, A2, A3, A4, A5, A6 hodisalari elementar hodisalardir. Zarni tashlashda ikkita variant mavjud:" 1 yoki 2 "(B1 belgisi)," 3 yoki 4 "(B2) va" 5 yoki 6 " (B3). ularning har biri boshqa hodisalar orqali ifodalanishi mumkin. Shuning uchun ularni elementar hodisalar deb atash mumkin emas.

Agar bitta hodisaning paydo bo'lishi boshqa hodisaning paydo bo'lishini istisno qilsa, unda bunday hodisalar bir-biriga mos kelmaydigan hodisalar deb ataladi. Aksincha, ular tasodif deb ataladi. Masalan, A2 hodisasi o'yin kubini uloqtirganda "prolaps 5" (A5) deb nomlangan voqea bilan bog'liq emas. Ushbu tajribada A2 hodisasi "juft sonning yo'qolishi"deb nomlangan hodisaga o'xshaydi. Agar bir nechta voqealar bir-birini istisno qilsa, ular bir-birini istisno qiladi deyishadi.

Agar tajriba natijasida voqea sodir bo'lmasligi mumkin bo'lmasa, unda bunday hodisa zarur hodisa deb ataladi. Dominant hodisalar ko'pincha U harfi bilan belgilanadi, masalan, zarni tashlashda hodisa "1, 2, 3, 4, 5, 6" majburiy.

Agar eksperiment natijasi biron bir voqea sodir bo'lishining iloji bo'lmasa, unda bunday hodisa aql bovar qilmaydigan voqea deb ataladi. Aql bovar qilmaydigan hodisalar ko'pincha v harfi bilan belgilanadi, masalan, zar tashlanganida, "prolapsus 7" deb ataladigan narsa mumkin bo'lmagan hodisaga misoldir.

Agar tajriba natijasi har qanday hodisa yuz berishi yoki bo'lmasligi mumkin bo'lsa, unda bunday hodisa tasodifiy hodisa deb ataladi. Masalan, A1 hodisasi tasodifiy hodisaga misol bo'lib, u erda to'p tashlanadi.

Agar sinov natijasida A1, A2, hodisalaridan faqat bittasi sodir bo'lsa..., AP, keyin bu voqealar guruhi voqealarning to'liq guruhini tashkil etuvchi voqealar deb ataladi. Masalan, o'yinda zarlar tashlanganida, A1, A2, A3, A4, A5, A6 voqealari voqealarning to'liq ketma-ketligini hosil qiladi. Agar voqealarning to'liq to'plamini tashkil etuvchi voqealar soni 2 ga teng bo'lsa, unda ular qarama-qarshi (o'zaro qarama-qarshi) hodisalar deb ataladi. Masalan, zar tashlanganida, "1, 2" va "3, 4, 5 yoki 6" qarama-qarshi voqealarga misoldir.

Agar A hodisasining boshlanishi B hodisasining boshlanishiga olib keladigan bo'lsa, unda A hodisasi B hodisasini keltirib chiqaradi, agar A hodisasi B hodisasiga olib keladigan bo'lsa va B hodisasi A hodisasiga olib keladigan bo'lsa, unda bu hodisalar ekvivalent hodisalar deb ataladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Дорофеева, A.B. Oliy matematika gumanitar yonalishlar uchun 2016.
2. Ильин, B.A. Oliy matematika: Учебник / B.A. Ильин, A.B. Куркина. - M.: Проспект, 2017. - 608 c.
3. Клюшин, B.Л. Iqtisodchilar uchun oliy matematika: Учебное пособие для бакалавров / B.Л. Клюшин. - M.: Юрайт, 2016.

EHTIMOLLIKLAR NAZARIYASINING TUSHUNCHALARI – ILK O’RGANUVCHILAR TASAVVURIDA

M. Kuchkarov
TDIU Andijon fakulteti
Ijtimoy-gumanitar fanlar kafedrasi
dotsenti, p.f.b.f.d.(PhD)
Z. Odashboyeva
TDIU Andijon fakulteti
Bank ishi va audit ta’lim yo’nalishi 1-kurs talabasi

Ehtimolliklar nazariyasi matematik fan sifatida ro‘y berishi noaniq bo‘lgan hodisalarning modellarini o'rganadi. Boshqacha qilib aytganda, ehtimolliklar nazariyasida shunday tajribalar modellari o'rganiladiki, bu tajribalarning natijalarida muayyan hodisaning ro'y berishini aniqlab bo‘lmaydi.

Masalan, tanga tashlanganda uni gerb yoki raqam tomoni bilan tushishi, ob-havoni oldindan aytib berish, ishlab turgan agregatning yana qancha ishlashi, ommaviy ishlab chiqarilgan mahsulotning nosozlik qismi, elektr signallarini uzatishda halaqit beruvchi vaziyatlar yuzaga kelishi — bularning hammasini ehtimolliklar nazariyasi qo’llanilishi mumkin bo‘lgan sohalar deb qaralishi mumkin.

Ehtimolliklar nazariyasini qollash yoki qollash mumkinmasligi o‘rganilayotgan tajriba uchun «stoxastik turg‘unlik» xossasi o‘rinli bo‘lishiga bog‘liq. Oxirgi tushuncha esa, o‘z navbatida, o‘rganilayotgan tajribaning bir xil sharoitda ko‘p marta kuzatish (o‘tkazish) imkoniyati bilan bog'liq. Lekin, aytib o‘tilgan fikrlarni «stoxastik turg‘unlik»ning ta’rifi sifatida qabul qilib bo‘lmaydi.

Aslida esa, bu tushunchaga ehtimolliklar nazariyasi fundamental natijalaridan biri — katta sonlar qonuni orqali kelish mumkin. Buning uchun quyidagi fikrlarni keltirish bilan chegaralanib qolamiz. Bizning ongimizda biror hodisaning ehtimolligi («ro‘y berishlik darajasi») bir xil tipdagi tajribalarni bir xil sharoitda ko‘p marta takrorlanganda bu hodisaning ro‘y berishlar soniga bog‘liq.

Buni ko‘p marta foydalaniladigan «tanga tashlash» misolida namoyish etamiz. Aytaylik, tanga n marta tashlansin, m — tanganing «gerb» tomoni tushishlari soni bo’lsin. U holda, «gerb» tomon tuhish hodisasi ehtimolligi:

$$P=m/n$$

Ehtimolliklar nazariyasi — biron bir tasodifiy hodisalarning ro‘y berish ehtimoliga ko‘ra ular bilan qandaydir tarzda bog‘langan boshqa tasodifiy hodisalarning ro‘y berishi ehtimolliklarini topish bilan shug‘ullanadigan matematika sohasi. Biror A hodisaning ro‘y berish ehtimoli 1 ga qancha yaqinligi (yoki ro‘y bermaslik ehtimoli 0 ga yaqinligi) haqidagi xulosalar katta ahamiyatga ega. Bunday hodisa amalda muqarrar ro‘y berishi ishonchli bo‘lgan hodisa deb hisoblanadi. Ham ilmiy, ham amaliy ahamiyatga ega bo‘lgan bunday hodisalar, odatda A hodisa ko‘p sonli tasodifiy, bir-biri bilan sust bog‘liq bo‘lgan omillar ta’sirida ro‘y beradi yoki ro‘y bermaydi, degan farazga asoslanadi. Shuning uchun ehtimollar nazariyasini ko‘p sonli tasodifiy omillarning o‘zaro ta’siridan paydo bo‘ladigan qonuniyatlarni aniqlaydigan va o‘rganadigan matematik bo‘lim deyish mumkin.

Tabiatshunoslikda muayyan shartlar majmui $\boldsymbol{S}$ bilan shu shartlar bajarilganda ro‘y berganini yoki ro‘y bermaganini aniq aytish mumkin bo‘lgan A hodisa orasidagi bog‘lanish qonuniyatini bayon etishda quyidagi 2 sxema ishlatiladi:

1) shartlar majmui $\boldsymbol{S}$ bajarilgan har bir holda A hodisa ro‘y beradi. Mas, klassik mexanikaning qonunlari boshlang‘ich shartlar va jismga ta’sir etuvchi kuchlar berilganda jism harakati bir qiymatli aniqlanishini tasdiqlaydi;

2) shartlar majmui $\boldsymbol{S}$ bajarilganda A hodisa ma’lum $R(A/\boldsymbol{S})=r$ ehtimol bilan ro‘y beradi. Mas, radioaktiv nurlanish qonunlari har bir radioaktiv modda uchun

berilgan vaqt oralig‘ida bu modda N ta atomi yemirilishining ma’lum ehtimoli borligini tasdiqlaydi. Ikkinchi sxema bilan ifodalanuvchi qonuniyatlar statistik qonuniyatlar deyiladi.

Tug‘ilish va o‘lim bilan bog‘liq statistik qonuniyatlari ham (mas, o‘g‘il tug‘ilishi ehtimoli 0,515 ekanligi) avvaldan ma’lum. 19-asr oxiridan boshlab fizika, kimyo, biologiya va boshqalar fanlarda ko‘plab statistik qonuniyatlar kashf etiladi.

Turli sohalardagi statistik qonuniyatlarni Ehtimollar nazariyasi usullari bilan o‘rganish hodisalarning ehtimollari hamma vaqt ba’zi oddiy munosabatlarni qanoatlantirishga asoslangan. Shu oddiy munosabatlar asosida hodisalarning ro‘y berish ehtimollari xossalarini o‘rganish Ehtimollar nazariyasi predmetini tashkil qiladi.

O‘zbekistonda Ehtimollar nazariyasi 20-asrning 20-yillaridan boshlab V.I.Romanovskiy tashabbusi va bevosita ishtiroki bilan rivojlana boshladi. T.A.Sarimsoqov, S.X. Sirojiddinov, T.A. Azlarov, Sh.K. Farmonov, A.N. Nagayev, N.U. G‘ofurov, T.M. Zuparov kabi olimlarning ehtimollar nazariyasiga oid tadqiqotlari muhim ahamiyatga ega. Hozirgi kunda Ehtimollar nazariyasi va matematik statistika matematikaning eng taraqqiy etgan tarmoqlaridan biridir.

Bu atama bilan birinchi marta duch kelganimda, bu nima ekanligini tushunmadim. Shuning uchun men soddaroq tarzda tushuntirishga harakat qilaman:

Ehtimollik - istalgan voqeaning sodir bo'lish ehtimoli. Masalan, siz do'stingizga tashrif buyurishga qaror qildingiz, kirish joyini va hatto u yashaydigan qavatni eslang. Lekin kvartiraning raqamini va manzilini unutibman. Va endi siz zinapoyada turibsiz va sizning oldingizda tanlash uchun eshiklar mavjud.Agar siz birinchi eshik qo'ng'irog'ini bossangiz, do'stingiz uni sizga ochishi ehtimoli qanday? Butun kvartira va do'st ulardan faqat bittasining orqasida yashaydi. Teng imkoniyat bilan biz har qanday eshikni tanlashimiz mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. A.Ahlimirzayev, A.Rizayev, M.Ibragimov, M.Kuchkarov. Oliy matematika (1-qism)/ o’quv qo’llanma/ Toshkent “Turon-iqbol”, 2015.
2. Yo.U.Soatov. Oliy matematika 1-jild./darslik/ Toshkent, «O‘qituvchi», 1992.
3. M.Kuchkarov, B.Umaraliyev. Oliy ta’limda talabalarning mustaqil fikrlash faoliyatini rivojlantirish. Республика илмий-амалий анжумани материаллари.– Андижон: АндМИ,2022
4. M.Kuchkarov. The importance of using applied mathematics In teaching process. Journal of Pedagogical Inventions and Practices //**ISSN NO: 2770-2367//USA, Date of Publication: 04-11-2022**

ELEKTRON HUKUMAT VA ELEKTRON HUKUMATNI JORIY ETISH JAHON TAJRIBASI.

Yusupov Muxtorjon
TDIU Andijon fakulteti dotsenti
Umarova Feruzabonu Toshmamat qizi
TDIU Andijon fakulteti “Menejment” ta’lim yo‘nalishi talabasi
Tel:+99890 154-54-98
E-mail:feruzabonuumarova9@gmail.com

XX-XXI asrning jadal rivojlanayotgan tarmoqlaridan biri bu raqamli iqtisodiyotdir. Bizning fikrimizcha raqamli iqtisodiyotning yo’nalishlaridan biri bo’lib elektron hukumat hisoblanadi.

Ushbu tizimni bilish va unda faol ishtirok etish jamiyatimizdagi xar bir fuqarosi uchun muhimdir. Chunki ushbu jarayonda inson manfaati, omillari va himoya tizimi birlamchidir.

Shuning uchun ushbu tizim haqida ma’lumot berishni vazifamiz deb bildik.

Elektron hukumat-Barcha ham „ichki“, ham „tashqi“ aloqalar va jarayonlar majmuasi bo'lib, tegishli axborot-kommunikatsiya texnologiyalari bilan quvvatlanib va ta’minlanib turadigan hukumat bo’lib birinchi marta AQShda 1991 yilda qamrab olingan edi, ammo hozirgi kunda xalqaro amaliyot ushbu tizimni shakllantirish va rivojlantirish bo‘yicha yetarli tajribani to‘plab qo‘ygan. Dunyoning ilg‘or davlatlarining aksariyatida mamlakatning axborot rivojlanish strategiyasini ta’minlaydigan kompleks dasturlar ishlab chiqilgan va amalga oshirilmoqda.

Elektron hukumatni ishlab chiqish bilan birinchi galda AQSh va Angliya hamda Italiya, Norvegiya, Singapur, Avstraliya va ayrim boshqa davlatlar (Fransiya, Germaniya, Katar, BAA va h.k.) shug‘ullandilar.

O‘zbekistonda ham elektron hukumat barpo qilish ishlari boshlab yuborilgan. Jahon tajribasiga mavjud amaliyotga ko‘ra, u ikki o‘zaro bog‘langan, lekin funksional jihatdan mustaqil qismlardan, Hukumat Intranetidan va tashqi infratuzilmadan tarkib topgan. Hukumat Intraneti axborot tizimining ichki infratuzilmasini qamrab oladi, u davlat tuzilmalari tomonidan davlat korporativ vazifalarini amalga oshirishdagi o‘zaro munosabatlarda foydalaniladi.

Tashqi infratuzilma, davlatni fuqarolar **(G2C)** va tashkilotlar **(G2B)** bilan o‘zaro ishlashini ta’minlaydigan ommaviy axborot infratuzilmasini qamrab oladi.

Mamlakatimizda elektron hukumat tizimi O‘zbekiston Respublikasining **«Axborotlashtirish to‘g‘risida» va «Elektron hukumat to‘g‘risida»**gi qonunlari, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2013-yil 27-iyundagi “O‘zbekiston Respublikasining Milliy axborot-kommunikatsiya tizimini yanada rivojlantirish

chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori va boshqa qonunchilik hujjatlari asosida amalga oshirib kelinmoqda.

Elektron hukumat tizimini joriy etishga mas’ul organ va muassasalarga

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi - elektron hukumat sohasida yagona davlat siyosati amalga oshirilishini ta’minlaydi.

Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish vazirligi - elektron hukumat sohasidagi vakolatli organ bo‘lib, elektron hukumat sohasida yagona davlat siyosatini amalga oshiradi.

“Elektron hukumat” tizimini rivojlantirish markazi - Elektron hukumat” tizimi loyihalarini amalga oshirishning me’yoriy-metodik ta’minlanishini tashkil qilish, davlat organlarida foydalanilayotgan axborot tizimlari, axborot resurslari va ma’lumotlar bazalarini ishlab chiqish va integrasiyalashni ta’minlaydi.Davlat organlari elektron hukumat sohasida yagona davlat siyosatini amalga oshirishda ishtirok etadi.

Zamonaviy dunyoda axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish hamma joyda ko‘p tomonlama tendentsiyalarni, shu jumladan, inson faoliyati sohalari va jamoat institutlarini o‘zgartirishga olib keladi. Siyosiy institutlar va davlat boshqaruvining o‘zgarishi sharoitida axborot asrining talablarini inobatga olgan holda milliy hukumatlar o‘z oldilariga bugun va kelajakda dolzarb vazifa -“Elektron hukumat” ning samarali shakllanishi, ishlashi va rivojlanishini ta’minlashni qo‘ydilar.

Elektron hukumatning asosiy prinsiplari.		
davlat organlari faoliyatining ochiqligi va shaffofligi	elektron davlat xizmatlaridan ariza beruvchilarning teng ravishda foydalanishi	«bir darcha» prinsipi bo‘yicha elektron davlat xizmatlari ko‘rsatish
davlat organlarining hujjatlarini birxillashtirish	elektron hukumatning yagona identifikatorla-ridan foydalanish	elektron davlat xizmatlari ko‘rsatish tartibini muntazam takomillashtirib boorish
Axborot xavfsizligini ta’minlash		

Hozirda elektron hukumatni shakllantirish va rivojlantirish bo‘yicha o‘zining an’anaviy institutlari va mexanizmlariga qarshi turadigan siyosiy jarayonlarni o‘zgartiradigan transformatsiya vositasi sifatida harakat qiladigan yagona strategiya yoki shablon mavjud emas. ”Elektron hukumat” tizimini shakllantirish va rivojlantirish bo‘yicha jahon tajribasini tahlil qilar ekanmiz, elektron hukumatni shakllantirishning siyosiy strategiyasining ikkita asosiy modelini ajratish odatiy holdir: “g‘arbiy” va “sharqiy” Osiyo mamlakatlarida “Elektron hukumat” tizimining

shakllanishi va rivojlanishining o‘ziga xos xususiyatlarini aks ettiruvchi sharqiy model yangi davlat boshqaruvi tamoyillariga asoslangan davlat boshqaruvi tizimini isloh qilish va faoliyatining ochiqligi va oshkoraligini ta’minlash bilan tavsiflanadigan davlat organlari.

Ushbu model Koreya Respublikasi, Singapur va Yaponiyada eng muvaffaqiyatli bo‘lgan. G‘arb modeli Amerika va Evropa mamlakatlarida elektron hukumatni shakllantirish strategiyasini o‘z ichiga oladi. G‘arbiy, Markaziy va Sharqiy Evropaning aksariyat mamlakatlarida ma’muriy islohotlar va fuqarolarga xizmat ko‘rsatishda AKTni joriy etishga alohida e’tibor beriladi va Qo‘shma Shtatlarda siyosiy tizimni takomillashtirishga ham katta ahamiyat beriladi.

Yaponiya xalqi uchun yetarlicha ochiq, oshkora va qulay tizimni shakllantirishning navbatdagi bosqichi bo‘ldi. Ushbu islohotlar jamiyatning ma’muriy muammolari echimiga aylangan innovatsion loyihalarni birlashtirishga sharoit yaratdi. ”Narsalar Interneti» (Inter-net of things), katta ma’lumotlar (Big Data), karta “Ro‘yxatdan o‘tish Asosiy ma’lumot aholisi» (asosiy rezidenti tomonidan reestriga) ulardan ayrimlariga misol bo‘ladi. ” Nowcast ” seysmik diagnostika va bashorat qilish bo‘yicha axborot tizimi BMT tomonidan 2016 yilda dunyo davlatlari elektron hukumatining rivojlanish darajasini o‘rganishda yuqori baholandi.

Xizmat ko‘rsatish bo‘limlari litsenziyalarni olish, ijtimoiy ta’minot masalalari, pasportlarni olish va boshqalar kabi ko‘lamiga qarab tasniflanadi. Bundan tashqari, ma’muriy faoliyatni takomillashtirish bilan bir qatorda, AKT doirasida siyosiy tizim faoliyatini takomillashtirishga katta e’tibor qaratilmoqda. Yevropa Ittifoqi mamlakatlari makroiqtisodiy siyosatining asosiy tamoyillariga asoslangan “Elektron Yevropa” dasturi Yevropa davlatlarining axborot jamiyatini shakllantirish sohasidagi yondashuvidir.

Xulosa qilib shuni ta’kidlashimiz mumkinki elektron hukumat va uning talablariga to’liq rioya qilgan holatda elektron tizimda ishtirok etishimiz turli ko’rinishdagi, ma’lumotlarni yo’qolishi, noqonuniy xatti-harakatlarni oldini oladi. Shuningdek jamiyatimizdagi insonlarni bilim va ko’nikmalarini oshiradi shaffoflikni ta’minlaydi, nazoratni amalga oshiradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2013 yil 31 dekabrdagi 355-son qarori.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston Respublikasi Milliy axborot-kommunikatsiya tizimini yanada rivojlantirish choralari to‘g‘risida” 2013 yil 27 iyundagi 1989-son qarori.

3. Akaev A.A., KenjabaevA.T., Ilhamova YO.S., Jumaniyozova M.Ю. Iqtisodiyotda axborot komplekslari va texnologiyalari. Darslik.T.-“Fan va texnologiya”. 2019.- 448 bet.
4. Илхамова Ё.С., Джуманиязова М.Ю., Маннанова Ш.Г. Информационные комплексы и технологии в экономике. Учебник. Т.: “Инновацион ривожлантириш нашриёт-матбаа уйи”.2020.-648 стр

ERKINLIKNING NAMOYON BO‘LISH SHAKLLARI.

Ergashev I
TDIU Andijon fakulteti
“Ijtimoiy-gumanitar fanlar”

kafedrasi katta o‘qituvchisi f.f.n.

Erkinlik namoyon bo‘lish shakllariga ko‘ra quyidagilarga bo‘linadi: ahloqiy erkinlik, huquqiy erkinlik, siyosiy erkinlik va hokazo iqtisodiy erkinlik, vijdon erkinligi, ma’naviy erkinlik va hokazo. Masalan, vijdon erkinligi fuqarolarning istagan dinga e’tiqod qilish yoki hech qanday dinga ishonmaslik huquqini anglatadi. Shuning uchun ham O‘zbekiston Konstitutsiyasining 35-moddasida: “Hamma uchun vijdon erkinligi kafolatlanadi. Har bir inson xohlagan dinga e’tiqod qilish yoki hech qaysi dinga e’tiqod qilmaslik huquqiga ega. Diniy qarashlarni majburan singdirishga yo‘l qo‘yilmaydi”[9], – deb yozib qo‘yilgan. Hozirda mamlakatimizda “Vijdon erkinligi va diniy tashkilotlar to‘g‘risida” qonun qabul qilingan bo‘lib, unda vijdon erkinligining mamlakatimizdagi asosiy tamoyillari o‘z ifodasini topgan[10].

Bundan ma’lum bo‘ladiki, vijdon erkinligi demokratiyaning ajralmas, tarkibiy qismidir. Mazkur tushuncha fuqarolarning dinga munosabatlaridan qat’iy nazar, teng huquqligi, barcha diniy konfessiyalarning qonun oldida tengligi, dinga e’tiqod qilish yoki qilmaslikka nisbatan hech qanday majburiyat yo‘qligi, diniy konfessiyalar idoralari tomonidan majburiy yig‘imlar to‘plash ta’qiqlanganligini, diniy idoralar ishiga davlatning aralashmasligini, dindan siyosiy maqsadlarda foydalanish mumkin emasligini bildiradi. Erkinlikning fuqaro erkinligi kabi yana bir shakli esa har bir fuqaroning Konstitutsiya va qonunlarida belgilangan huquqlardan foydalana olishi, qonunlarda ko‘rsatib o‘tilgan burchlarni bajarishini anglatadi[11].

[9] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2023. – 8 б.
[10] «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. . – Тошкент, Адолат, 2021 –32 б.
[11] Андриянова Е.В. Эволюция форм свободы (Социально-философский аспект анализа): Дис. ... канд. филос. наук : - Екатеринбург: 2006. - 160 с.

O‘zbekiston fuqarolari millati, irqi, jinsi, kasb-kori, ijtimoiy kelib chiqishidan qat’iy nazar fuqaro sifatida qonun oldida huquqan teng va birdek mas’uliyatlidirlar. Shuning uchun ham mavjud muammolarni bartaraf etishda fuqarolarning o‘z fuqarolik huquqlarini bilib olishlari va ular himoya qilishlari hamda burchlarini chuqur anglab yetishlari uchun ularni huquqiy jihatdan tarbiyalab borish dolzarb vazifalardan biri sifatida qaralmoqda. Bu jarayon fuqarolar uchun ma’naviy kamolot manbai bo‘lishi bilan birga, ularning bu boradagi mas’uliyatini yanada oshirishda ham muhim ahamiyat kasb etadi.

Avvalo bu tushunchani ijtimoiy falsafiy jihatdan tadqiq etganimizda, uni ommaviy axborot vositalarda doimo yoziladigan va gapiriladigan siyosiy erkinlik bilan aynanlashtirmasligimiz kerak bo‘ladi. Zero shaxs erkinligi falsafaning ham serqirra tushunchalaridan biri hisoblanadi. Mazkur jarayonda biz avvalo iqtisodiy erkinlikni nazarda tutish lozim, ya’ni bu tushuncha qaysidir ma’noda insonning faqat ekspluatatsiyadan ozodligi, ishlab chiqaruvchilar va xususiy ishbilarmonlar o‘rtasida tengsiz munosabatlarinigina anglatmaydi.

Erkinlik va mas’uliyatning noekvivalent almashinuvi rivojlangan mamlakatlarda va uchinchi olam: ko‘pincha shahar va qishloq o‘rtasidagi munosabatlarda aniq namoyon bo‘ladi.

Ammo iqtisodiy erkinlik o‘zining hajmi jihatidan ekspluatatsiyadan oshib o‘tadi, xususan u o‘z ichiga iqtisodiy qaror qabul qilishni qamrab oladi, iqtisodiy harakat erkinligini yo‘lga qo‘yadi[12]. Mazkur holatda individ mehnat turini (tadbirkorlik, yollanma mehnat va hk.) tanlashi, qaysi biri uning maqsadlariga muvofiq, qaysi jabha va sohada o‘z faolligini namoyon qilishini tanlashi uning erkinligini anglatadi.

Ta’kidlash joizki, mustaqillik bizga faqat siyosiy erkinligina emas, balki iqtisodiy erkinlikni ham beradi. Sobiq Ittifoq davrida ishlab chiqarish, tijorat, korxonalarining chet ellar bilan aloqalari to‘laligicha davlat tasarrufida edi, endilikda ularning asosiy qismi xususiy mulkdorlar qo‘liga o‘tdi. Davlat mulki bilan xususiy mulk huquqiy tenglikka ega bo‘ldi, mulkdorlar tabaqasi vujudga keldi.

Erkinlikning yana bir ko‘rinishi siyosiy erkinlik deb ataladi. Uni juda muhim, ya’ni insonga normal hayotiy faoliyat ta’minlovchi fuqarolar huquqlari yig‘indisi deyishimiz mumkin. Shu bilan birga siyosiy erkinlik boshqa erkinliklar: iqtisodiy, g‘oyaviy va hokazolar bilan uzviy aloqadorlikka ham ega. Bizningcha, erkinliklarni oddiy vositasi sifatida ko‘rilmasligimiz kerak. Ya’ni siyosiy erkinlik bir vaqtning o‘zida ham vosita, ham qadriyat hisbolanadi. Zero rivojlangan jamiyatni umumiy va teng saylov huquqsiz, adolatli milliy davlat qurilmasisiz, xalqning to‘g‘ridan to‘g‘ri

[12] Галочкина О.А. Экономическая свобода и ее границы : Дис. ... канд. экон. наук : - Чебоксары: 1996. - 154 с.

hamma masalalar yechimida ishtirokisiz tasavvur qilib bo‘lmaydi. Siyosiy komfortga ehtiyoj demokratiya bilan ta’minlanadi. Ijtimoiy afzallikning yana bir tomoni ma’naviy erkinlik bilan ta’minlanadi. Ma’naviy erkinlik bu dunyoqarash, milliy g‘oya, milliy qadriyat va umuminsoniylik tamoyillarini targ‘ib qilish erkinligi demakdir. Odatda, ma’naviy erkinlik masalasi asosiy rasmiy hujjatlar, umumiy adabiyotlarda “vijdon erkinligi” deb yuritiladi. Etimologik jihatdan bu tushuncha keng ma’noga da’vogarlik qilsa-da, u qo‘llanilganda insonning e’tiqod erkinligi huquqi yoki umuman e’tiqod qilmasligini anglatuvchi vijdon erkinligini ham nazarda tutadi

Inson erkinligining gnoseologik erkinligi deb nomlanuvchi chegarasi spesifik xususiyatga ega hisoblanadi. Eslatib o‘tamiz, gnoseologiya bu bilish nazariyasi, ya’ni gnoseologik erkinlik qobiliyati insonning atrof tabiy va sosial olam qonuniyatlarini bilish oqibatida yana ham keng masshtabli va muvaffaqiyatli harakat qilish qobiliyati sifatida belgilanadi. Buyuk nemis faylasufi F.V.Gegel esa erkinlikka “anglab olingan zarurat”[13], deb ta’rif beradi. Bizningcha, Gegel ta’rifida erkinlikni juda ixcham, mantiqiy jihatdan mukammal mazmuni o‘z ifodasini topgan.

E’tiborga olishimiz kerakki, har bir konkret holatda, zaruratni adekvat ravishda anglagan bo‘lsak, bu shaxsiy yoki jamoaviy harakatning optimal variantini tanlashimiz uchun xizmat qiladi. Bu esa maksimalizm, minimalizm kabi bilimlarimizning yuzakiligini yoki amaliyot jarayonida ularni su’istemol qilganimizni ko‘rsatadi. Ammo baribir erkinlik individ sosial maqomini belgilovch bir jihatdir. U absolyut bo‘lishi mumkin emas, chunki individ Robinzon emas: u o‘ziga o‘xshashlar jamiyatida yashar ekan, uning erkinligi boshqa individlar erkinligi bilan moslashtirilishi kerak. Shunday qilib erkinlik nisbiy tushunchadir va mana shu nisbiylikdan barcha demokratik yo‘naltirilgan huquqiy hujjatlar kelib chiqadi. Shunday qilib BMTning inson huquqlari deklaratsiyasida, bu huquqlar amalga oshirilayotgan jarayonda boshqa individlar huquqlarini kamsitmasligi kerak. Ko‘pgina mamlakatlar qonunchiligi boshqa millat-elat vakillariga bo‘lgan nafratni targ‘ib qilishni qat’iyan man qiladi. Masalan, turli g‘arazli maqsadda tuzilgan diniy sektalar faoliyati ta’qib ostida, negaki ular e’tiqodchilarning jismoniy va psixik sog‘ligiga zarar yetkazishi mumkin.

Erkinlikning nisbiy xarakteri shaxs mas’uliyatida, boshqa shaxslar bilan munosabatida va jamiyat oldidagi insonning burchida o‘z aksini topadi. Shaxs erkinligi va mas’uliyati o‘rtasidagi tobelik proporsionaldir: jamiyat insonga qanchalik

[13] Гегель. Наука логика. 1-том. – М: Мысль, 1995. - С. 338.

ko‘p erkinlik bersa, bu erkinlikdan foydalanish mas’uliyati ham ortib boraveradi. Aks holda jamiyatni yemiruvchi anarxiya yuzaga keladi.

Buni har birimiz har soat, har soniya esdan chiqarmasligimiz lozim. Gyote aytganidek: “Qachonki biz o‘zimizdan oliy narsani faqatgina tan olishnigina emas balki hurmat qilishni o‘rgansak erkin bo‘lib boraveramiz. Chunki bunday hurmat bizni buyuklashtiradi; tan olishni va ichimizda qandaydir oliylikni ko‘tarib yurishimizni ko‘rsatadi. Shu bilan unga teng bo‘lishga loyiqdirmiz”[14].

Erkinlik - bu insonga yuklatilgan yuksak mas’uliyatdir. Bunday mas’ullik insonning jamiyat oldidagi muhim vazifalaridan hisoblanadi. Mana shu vazifani bajarishni erkin, ixtiyoriy tanlash, irodaga ega bo‘lish, uni vijdonan bajarishi bilan birgalikda insondan katta mas’uliyat ham talab qildi. Erkinlik va mas’uliyat insonning o‘zligini anglash darajasini ham anglatadi. Inson o‘z mohiyatini, vazifasini, ayniqsa jamiyat va yaqinlari oldidagi mas’ulligini chuqur anglab yetgan holda ish tutsagina yuksak darajada erkin bo‘lib boraveradi.

Bundan tashqari, erkinlik va mas’uliyatni falsafiy qarashlarda qaydarajada aks ettirilganligi masalasiga o‘z e’tiborimizni qaratsak, bu tushunchalar ortida yotgan muammolarni chuqur tushunish va tushuntirish imkoniyatiga ega bo‘lamiz. Bizga ma’lumki, Sharq va G‘arb falsafasi hayotning tub va o‘zak masalalari bo‘yicha bir-birini to‘ldirib, boyitib kelgan, bir-biridan oziqlangan, bir-biridan ta’sirlanib kelgan.

Shaxs amaliy faoliyati hayotiy pozisiyasini belgilovchi falsafiy-axloqiy kategoriya bo‘lgan erkinlik va mas’uliyat masalasi tadqiqida ham Sharq va G‘arb qomusiy bilim egalari ana shu me’yoriy uyg‘unlikni saqlaganlar. Garchi bu kategorial hodisalarni talqin etishda davr ruhi, tafakkur tarzi mentalitetdagi o‘ziga xos tomonlar ta’sirida ularning bu masaladagi qarashlarida muayyan farqlarni keltirib chiqargan bo‘lsada, umuman erkinlik va mas’uliyatni ilmiy-amaliy nuqtai-nazardan izohlashda mushtaraklik ko‘zga tashlanib turadi. Jumladan, antik davr faylasuflaridan biri Avreliy Avgustin “Erkinlik, tafakkurning ne’mati emas, inson irodasining xususiyati” degan nuqtai-nazarni ilgari sursa, B.Spinoza “Erkinlik insonning yashashga intilishi, muhabbati, ishtiyoqi asosida shakllangan zaruratdir” degan fikrni tasdiqlashga urinadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1.O‘zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi. – T.: O‘zbekiston, 2023. – 8 b.
2.«Vijdon erkinligi va diniy tashkilotlar to‘g‘risida»gi O‘zbekiston Respublikasi Qonuni. . – Toshkent, Adolat, 2021 –32 b.

3.Автобиография И.Гете. Поэзия и Правда (Wahrheit und Dichtung). — М.: Захаров, 2003. — 736 с.

3.Автобиография И.Гете. Поэзия и Правда (Wahrheit und Dichtung). — М.: Захаров, 2003. — 736 с

FALSAFA TARIXIDA IRODA VA MA’SULIYAT MASALASI.

Ergashev I
TDIU Andijon fakulteti “Ijtimoiy-gumanitar fanlar”

kafedrasi katta o‘qituvchisi f.f.n.

Bugungi kunda dunyodagi global o‘zgarishlar sharoitida o‘ziga xos yangicha yondashish zaruratini yuzaga keltirmoqda. Buning sabablarini esa ijtimoiy-falsafiy fikr tarixida erkinlik va mas’uliyat masalasidagi nuqtai nazarlar dinamikasini o‘rganish asosida izohlashga harakat qilamiz. Ma’lumki, inson o‘z fe’l-atvorini, kayfiyatini boshqarishga qobilligini iroda erkinligi asosida ro‘yobga chiqaradi. Bu xususda arab-islom falsafasining yirik namoyondalaridan biri Yusuf Ibn-Ishoq al-Kindi (803-872 y.y.)ning qarashlari diqqatga sazovordir. U o‘zining “G‘amdan qanday saqlanish zarur?” nomli risolasida “Bizga g‘amu anduhlardan saqlanib, baxtli yashash uchun kurashish imkoni berilgan”[15], deb yozadi. Al-Kindi ana shu imkoniyatni o‘zining qiyidagi o‘git va nasihatlarida asoslashga urinadi. Bular quyidagilar:

- birinchisi, har handay g‘am-anduh insonda sababsiz yuzaga kelmaydi, balki qaysidir hatti-harakati tufayli yo o‘zi tomonidan, yoki o‘zgalar tufayli yuzaga keladi;

- ikkinchisi, har qanday xafagarchilik vaqti-soati bilan unutiladi;

- uchinchidan, shuni esdan chiqarmaslik kerakki, barchada yo‘qotish, muayyan narsadan ajrab qolish holati bo‘ladi, xafagarchilikdan butunlay holi yashovchi odamning o‘zi yo‘q, chunki g‘am chekish insonning holati bilan bog‘liq.

Ammo shuni unutmaslik kerakki, inson qaysidir narsasini o‘g‘irlatsa g‘am-anduh chekadi, ammo o‘g‘irlatgan narsasi boshqa birovda umuman yo‘q ekanligidan negadir qayg‘urmaydi;

- to‘rtinchidan, inson hayotda g‘amu-tashvishsiz yashagisi keladi. Ammo istaymizmi yo‘qmi, g‘amu-musibat hayotning ajralmas qismidir... ;

- beshinchidan, bizning qo‘limizdagi narsalarga boshqalar ham ega bo‘lishga to‘la haqli. Modomiki, ularning qo‘lida bizdagi bor narsalar yo‘q ekan, ular bunga toqat qilishlari zarur va h.k.

[15] Игнатенко А.А. В поисках счастья. М., “Мысль”, 1989, С. 40-43.

Yuqorida keltirilgan fikrlarda insonning iroda erkinligini ta’minlashga doir chuqur mantiqiy mushohadalar ilgari surilganligi bilan bir qatorda, ana shu erkinlikni taqdiri azal bilan bog‘lashga da’vat etuvchi ziddiyatli qarashlar ham yaqqol ko‘zga tashlanib turibdi.

Baxtli yashash inson hayotining maqsadini tashkil etadi, ammo al-Kindiy fikricha, muntazam yo‘qotish va mahrumliklarga to‘la bu o‘zgaruvchi dunyoda baxtga erishish uchun uning asosini barqaror o‘zgarmas, doimo mavjud bo‘luvchi tafakkur, aql-zakovat dunyosidan qidirmoq kerak.

Ammo mutafakkir shu o‘rinda ham xatoga yo‘l qo‘ygan sababi, binobarin garchi inson ongi nisbiy mustaqillikka ega bo‘lib, moddiyat ne’mati bo‘lsa insonning bilimlarini boyishi bilan uning aqliy salohiyoti o‘z erki, irodasini takomillashtirishdagi tafakkur quvvatining o‘sishi sodir bo‘ladi. Fikrimizcha, erkinlikning o‘ziga xos ko‘rinishi hisoblangan iroda erkinligi tushunchasi eng umumiy ma’noda insonning mustaqil ravishda o‘zi qabul qilgan dunyoqarashga ko‘ra, o‘z hatti-harakatlarini belgilab olishi, o‘z qaroriga asosan ish yuritishni bildiradi. Ahloqiy ma’noda inson biror harakat sodir etar ekan, yaxshilik va yomonlik, axloqiylik va ahloqsizlik o‘rtasida chegarani aniqlashga harakat qiladi. Ushbu holat insonning irodasiga bog‘liq bo‘lgani uchun ham u axloqiy mas’uliyat kasb etadi. Ya’ni uning qilmishi koralanadi yoki olqishlanadi yoki tuzatiladi. O‘zi tanlab olgan maqsad asosida amalga oshiriladigan inson faoliyati oxir-oqibatda tabiat va jamiyat rivojlanishi qonunlarini ifodalaydi, ya’ni ob’yektiv zaruriyatni keltirib chiqaradi. Ushbu zaruriyatni insonga nisbatan faqat tashqi narsa deb qaramaslik lozim, chunki faqatgina insonlar faoliyati tabiat va jamiya qonunlari bilan belgilanadi. Balki inson ham o‘z navbatida atrof-olamga ta’sir o‘tkazishga, uni o‘zgartirishga va bu orqali o‘z erkinligini to‘liq namoyon etishga ham qodirdir.

Shu o‘rinda Sharqning buyuk mutafakkiri Jaloliddin Dovoniyning ushbu masaladagi qarashlariga to‘xtalish o‘rinli deb o‘ylaymiz. Uning ta’limotida har bir ma’naviy va xulqiy sifatlar vaqt o‘tishi bilan o‘zgarishga va yangilanishga qobil bo‘ladi, ular rivojlanib, takomillasha boradi, degan qoida ustunlik qiladi.

“Agar (kishilarning) xulqi o‘zgaruvchan bo‘lmaganda edi, u holda aqlning bilish quvvati foydasiz, tarbiya va siyosat haqiqiy bo‘lmagan bo‘lur edi. Unda faqat din bilan xudojo‘ylikning o‘zi yetarli bo‘lar edi”[16], deb yozadi Dovoniy. Mazkur fikridan u insonning iroda erkinligini qo‘llab-quvvatlagan, - degan xulosaga kelish mumkin[17]. Uning fikricha, insonning taqdiri o‘z qo‘lida bo‘lib, u xohishga ko‘ra o‘z xulqini

[16] Жалолиддин Довоний. Ахлоқий Жалолий. ЎзФА Шарқшунослик институтида сақланаётган қўлёзма. Инв. 7703.

[17] Алиқулов Ҳ. Жалолиддин Довоний. - Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – 59 б.

o‘zgartirishi ijobiy xislatlarni kasb qilishi, yaramas odatlardan xalos bo‘lishi mumkin. Shuni ham e’tibroga olish zarurki, iroda erkinligi, shaxs amaliy faoliyatida boshqa ob’yektiv jarayonlar, unga mutanosib holatdagi sub’yektiv omillar bilan o‘zaro aloqadorlikda shakllanib, erkinlikni mohiyatan takomillashib borishiga imkon beradi.

Ayni paytda shaxs erkinligi u yashayotgan ijtimoiy tuzum mohiyatiga, ijtimoiy munosabatlarning iqtisodiy, siyosiy, huquqiy, madaniy xarakteriga, odamlar ma’naviyatining darajasiga bog‘liq bo‘ladi. Shu ma’noda, Prezidentimiz I.A.Karimov; - “...ma’naviyatni yo‘qotsak, o‘zimizni va o‘zligimizni yo‘qotamiz. Ma’naviyatni yuksaltirsak, o‘z murod-maqsadimizga yetishga kuchli madad topamiz”[18], - degan edi. Shaxsning erkinligi, o‘z navbatida uning o‘zi yashayotgan jamiyat a’zolari oldidagi burchi va mas’uliyatini seza bilish tuyg‘usi bilan ham bog‘liq.

“Mas’uliyat” keng qamrovli tushuncha bo‘lib, u falsafiy kategoriya sifatida ijtimoiy voqelikda inson hatti-harakatlarini anglagan holatda amalga oshirishini anglatadi. Ba’zi adabiyotlarda uning quyidagi turlari alohida qayd etiladi: ijtimoiy mas’uliyat, ma’naviy mas’uliyat, moddiy mas’uliyat, jismoniy mas’uliyat, ruhiy mas’uliyat, tabiiy mas’uliyat. Bu funksiyalarga, munosabatlarga mavzumizga ko‘ra tadqiqotimiz talabidan kelib chiqib to‘xtalamiz. Falsafada bu tushuncha shaxsni jamiyatning ma’naviy-axloqiy talablarini bajarishi nuqtai nazaridan ta’rif va tasnif etiladi.

Mas’uliyatga aniq munosabatlar bilan yondashish kerak va bunda huquq va majburiyatlarning mushtarak birligidan kelib chiqish lozim bo‘lib, individ yoki odamlar guruhi ijtimoiy aloqalar tizimida qanday o‘rin egallashini ham hisobga olish zarur. Individlarning ijtimoiy vakolatlari va real imkoniyatlari qanchalik keng bo‘lsa, ularning mas’uliyat darajasi shu qadar yuqoridir. Mas’uliyat oxir-oqibatda insonning real axloqiy erkinligi haqidagi masala bo‘lib, shaxsning barcha xususiyatlari uyg‘unlikda rivojlangan holdagina to‘liq amalga oshadi.

Ijtimoiy mas’uliyat xizmat, oilaviy, fuqarolik, jamoat va shaxsiy xizmatlarni bajarayotganda vujudga keladi. U shaxsning xulq-atvori, jamiyatdagi ijtimoiy me’yorlar va ularning bajarilishi uchun javob beradi. Bu jarayon quyidagilar bilan belgilanadi:

Birinchidan, shaxs ma’naviy kamolotini davr va zamon talablari asosida ta’minlab borish orqali eng avvalo davlat va jamiyat qurilishida maqsadlilik va kasbiy yo‘naltirganlik hamda istiqboldagi hayotini to‘g‘ri belgilashni to‘g‘ri yo‘naltirish mumkin bo‘ladi.

[18] Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. – Т.: “Ўзбекистон” 2009. 58-бет.

Ikkinchidan, shaxs ma’naviy kamolotini to‘g‘ri shakllantirish oila, maktab, jamoada, ta’lim-tarbiyani to‘g‘ri yo‘lga qo‘yish bilan belgilanadi.

Uchinchidan, bugungi globallashuv jarayonida yoshlar o‘rtasida ma’naviy-ma’rifiy ishlar samaradorligini yanada yuksaltirish, mafkuraviy immunitetni oqilona shakllantirish, ommaviy madaniyat ko‘rinishlaridan, buzg‘unchi va yot g‘oyalar ta’siriga tushib qolmaslik chora-tadbirlaridan ogohlantirish, ularning ijtimoiy mas’uliyatlarini to‘g‘ri shakllantirish orqali amalga oshadi. Shaxs ma’naviy kamolotida ma’naviy mas’uliyat masalasi ham alohida ahamiyat kasb etadi va u jamiyatda quyidagicha ko‘rinishda tarkib topadi:

-ijtimoiy qatlamlarda;

-institutlar, tashkilotlar, uyushmalar, partiyalar;

-boshqaruv irearxiyasi;

-oila, maktab, mehnat jamoalari.

Bu ketma-ketlik o‘zining amal qilish doirasi tasnifida, mas’uliyat ijtimoiy-ma’naviy o‘zgarishlarning in’ikosi sifatida namoyon bo‘ladi. Shuningdek, har bir pog‘onada o‘ziga xos tarzda ichki daraja ham mavjudki bu bilvosita shaxslararo, guruhlararo, davlat va jamiyatlararo munosabatlar tarzida namoyon bo‘ladi. S

Shuningdek, har bir pog‘onada o‘z ifodasini topgan mas’uliyat darajasi uni tasniflovchi jihatlar shaxs ma’naviy faoliyati, uning turfa xususiyatlari bilan bir butunlikda kechadi. Bulardan ma’lum bo‘ladiki, ijtimoiy mas’uliyat kishilik jamiyatining asosiy ma’naviy hayot mazmun-mohiyatini tashkil qiluvchi omil hisoblanadi.

Yuqoridagi fikrlarni umumlashtirib, shunday xulosa qilish mumkinki, ijtimoiy falsafiy fikr tarixi, ayniqsa Sharq Uyg‘onishi hamda G‘arb Renessansi va ma’rifatchiligi davrlaridagi allomalarni aql-idroki orqali chuqur tadqiq qilingan qadriyatlar: iroda kuchi, tirishqoqlik, ishchanlik, tashabbuskorlik, qobiliyat va hokazolar hozirgi davr shaxs erkinligi hamda mas’uliyatini uyg‘unlashtiruvchi asosiy xususiyat bo‘lib qolmoqda. Bu xususiyatlarning shakllanishi shaxs erkinligini namoyon bo‘lishida ilgari tashlangan qadamlar edi.

Ammo bugungi kundagi global hodisalar, bashariyat tafakkuridagi tig‘iz o‘zgarishlar, ayni shu erkinlik darajasida shaxsda xudbinlik, shafqatsizlik, salbiy ma’nodagi shaxsiyatparastlik illatlarining mavjudligi bilan ham ifodalanayotganligini unutmaslik kerak

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1.Jaloliddin Dovoniy. Axloqiy Jaloliy. O‘zFA Sharqshunoslik institutida saqlanayotgan qo‘lyozma. Inv. 7703.
2.Aliqulov H. Jaloliddin Dovoniy. - Toshkent: O‘zbekiston, 1992. – 59 b.
3.Karimov I.A. Eng asosiy mezon – hayot haqiqatini aks ettirish. – T.: “O‘zbekiston” 2009. 58-bet.
4.Ignatenko A.A. V poiskax schastya. M., “Мыsl”, 1989, S. 40-43.

IJTIMOIY SHERIKLIK VA UNING HOZIRGI DAVR UCHUN AHAMIYATI

Abdullayev Tursunboy Yaxshiboyevich
Toshkent Davlat iqtisodiyot universiteti Andijon fakulteti dotsenti, f.f.n
Yo‘ldashaliyev Baxodirjon Iqboljon o‘g‘li
Toshkent Davlat iqtisodiyot universiteti Andijon fakulteti
MMT ta’lim yo‘nlishi 2-bosqich talabasi

Anontatsiya: Mazkur maqolada Yangi O‘zbekiston sharoitida ijtimoiy sheriklik-ning o‘ziga xos jihatlari, mamlakat iqtisodiyotini rivojlantirishdagi aholi turmush darajasini oshirish, mehnat jamoalariga ijtimoiy adolat, qonun ustuvorligini ta’minlashdagi ahamiyati, ijtimoiy sheriklik tarixi bilan bog‘liq masalalarni tahlil qilishga harakat qilingan.
Kalit so‘zlar: Sheriklik, ijtimoiy sheriklik, ijtimoiy sheriklik tarixi, Markaziy Osiyo va Yevropada ijtimoiy sheriklik, ijtimoiy sheriklikning shakllanishi, ijtimoiy sheriklikningme’yoriy-huquqiy asoslari, Yangi O‘zbekistonda ijtimoiy sheriklik.

Ijtimoiy sheriklik - davlat organlarining nodavlat notijorat tashkilotlari va fuqarolik jamiyatining boshqa institutlari bilan mamlakatni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish dasturlarini, shu jumladan tarmoq, hududiy dasturlarni, shuningdek normativ-huquqiy hujjatlarni hamda fuqarolarning huquqlari va qonuniy manfaatlariga daxldor bo‘lgan boshqa qarorlarni ishlab chiqish hamda amalga oshirish borasidagi hamkorligidir.

O‘zbek tilining izohli lug‘atida “sherik”, “sheriklik” tushunchalariga quyidagicha ta’riflar berilgan:
1. “Biror ish harakatni birga bajaruvchi, hamkor.
2. O‘zaro birga bo‘lgan shaxs (birga yurgan, birga turgan va h.k).
3. Biror jihatdan, qaysidir jihat bilan o‘zaro birga (birgalikda) bo‘lgan shaxs yoki shaxslar (og‘ayin, do‘st va x.k).
4. Biror narsaga bir hilda talabgor, bir tan bo‘lgan shaxs”[1].
Demak, “Sherikchilik” esa bir ish faoliyatida bir –biri bilan hamkorlik qilish, birga bo‘lib ish yuritish ma’nolarini anglatadi.

Davlatning siyosiy tashkilot sifatida shakllanishi, mulkchilik munosabatlarining takomillashuvi, jamiyatda ijtimoiy tabaqalanishining vujudga kelishi bir tomondan insoniyat rivojiga ijobiy ta’sir etgan bo‘lsa, ikkinchi tomondan turli

ijtimoiy guruhlar o‘rtasida ziddiyatlarni ham vujudga keltiradi. Xususan ish beruvchilar bilan yollanma ishchilar, iste’molchilar bilan ishlab chiqaruvchilar, davlat va fuqarolar o‘rtasida ma’lum bir qarama–qarshiliklar mavjud bo‘lgan. Ularni bartaraf etishning muhim vositalaridan biri ijtimoiy sheriklik uchun avvalo, g‘oyaviy–falsafiy asos zarur bo‘lib, Markaziy Osiyoda zardushtiylik ta’limotida bu borada “ezgu fikr, ezgu so‘z, ezgu amal” tamoyilini ilgari surilgan. O‘z davrida qadimgi yunon faylasufi Aristotel davlatning vujudga kelishi bir hududda istiqomat qiluvchi oilalar va urug‘larning farovon hayot uchun o‘zaro muloqatlariga asoslanganligi, uning asosida esa o‘zaro do‘stlik rishtalari mavjudligi, aynan do‘stlik birgalikda hayot kechirishlari va hamkorlikning zaruriy sharti ekanligini ta’kidlagan edi. Demak, qadimdan ijtimoiy sheriklikning ahloqiy jihatlariga ustuvor yo‘nalish sifatida qarab kelingan. O‘rta asrlarga kelib esa yurtimizdan yetishib chiqqan mutafakkirlarda Abu Nasr Farobiy fuqarolar bilan muloqat usullari va ularga ta’sir o‘tkazish yo‘llari sodda va tushunarli bo‘lishi, aks holda odamlar hukmdorni tushunolmasliklari mumkinligi, shu bilan birga rag‘batlantirishlar fuqarolar bilan muomalaning eng asosiy usullaridan ekanligini ta’kidlagan. Bu yerda davlat hokimiyati va fuqarolar o‘rtasidagi o‘zaro hamkorlik, sheriklik jamiyat taraqqiyotiga ijobiy ta’sir ko‘rsatishini tushunishi mumkin.

Shu o‘rinda “ijtimoiy” tushunchasiga e’tiborni qaratish joiz. Falsafiy fanlarda mazkur tushuncha “sotsial” tushunchasining sinonimi sifatida qo‘llaniladi. Bu uning keng ma’noda ifodalanishidir. Ana shundan kelib chiqib jamiyatda insonlar o‘rtasidagi barcha munosabatlarda ijtimoiy sheriklik mavjud bo‘ladi deb aytish mumkin. Ijtimoiy sheriklik ijtimoiy munosabatlarning o‘ziga xos ko‘rinishi bo‘lib, bu jarayon, ya’ni ijtimoiy munosabatlar keng ma’noda, torroq va tor ma’nolarda tahlil etiladi.

Yuqorida aytib o‘tilganidek, keng ma’noda ijtimoiy munosabatlar insonlar o‘rtasidagi barcha munosabatlarni o‘z ichiga olgan bo‘lsa, torroq ma’noda ma’lum ijtimoiy guruhlar, sotsial subyektlar o‘rtasidagi munosabatlar keng ma’nodagi ijtimoiy munosabatlarning bir bo‘lagi sifatida o‘rganilsa, tor ma’noda esa iqtisodiy, ijtimoiy, siyosiy, ma’naviy, ma’rifiy yo‘nalishlardagi munosabatlar o‘rganiladi.

Sotsial yoki ijtimoiy guruhlarga har qanday kesimlar birligi, ya’ni ijtimoiy guruh, barcha ijtimoiy munosabatlarni ifodalovchilar, ya’ni ijtimoiy munosabatlar subyekti, aniq ijtimoiy, sinfiy, turli toifadagi mulkdorlar, oilaviy munosabatlar, ijtimoiy –demografik guruhlar ham ijtimoiy munosabatlar subyekti sifatida ijtimoiy sheriklik munosabatlariga kirishadilar.

O‘zbekiston mustaqillikka erishgach ijtimoiy sheriklik borasida O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti birinchi Prezidenti tashabbusi bilan ko‘plab qonun qoidalar ishlab chiqildi. Shu munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining birinchi Prezidenti I.Karimov tomonidan 2014-yil O‘RQ-376-son Qonuni qabul qilindi. Ushbu qonun 5 bob 30 ta moddadan iborat. “Ijtimoiy sheriklik davlat organlarining nodavlat notijorat tashkilotlari va fuqarolik jamiyatining boshqa institutlari bilan

mamlakatni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish dasturlarini, shu jumladan tarmoq, hududiy dasturlarni, shuningdek normativ-huquqiy hujjatlarni hamda fuqarolarning huquqlari va qonuniy manfaatlariga daxldor bo‘lgan boshqa qarorlarni ishlab chiqish hamda amalga oshirish borasidagi hamkorligidir. Davlat organlari, nodavlat notijorat tashkilotlari va fuqarolik jamiyatining boshqa institutlari ijtimoiy sheriklik subyektlaridir. Davlat organlarining fuqarolarning o‘zini o‘zi boshqarish organlari, siyosiy partiyalar va diniy tashkilotlar bilan hamkorligi alohida qonunlar bilan tartibga solinadi”[2]. Ushbu qonun jarayonida ijtimoiy, jamoatchilik nazoratining o‘rni masalalari O‘zbekiston Respublikasining birinchi Prezidenti Islom Karimov tomonidan asoslanib berilgan bo‘lsa, Yangi O‘zbekistonni barpo etishda Prezident Shavkat Mirziyoyev tomonidan u yanada yangi yuqori bosqichga olib chiqildi.

Ijtimoiy sheriklik O‘zbekistonda rivojlanishi mustaqilligimizni milliy va umuminsoniy qadriyat sifatida namoyon bo‘lishi, aynan mustaqillik tufayli tashqi siyosatda milliy manfaatlar ustuvorligini ta’minlagan holda o‘zaro manfaatli hamkorlik g‘oyasi ilgari surilgan bo‘lsa, ichki siyosatda taraqqiyotning “O‘zbek modeli” asosida mamlakatda bozor iqtisodiyotiga asoslangan huquqiy–demokratik davlatni shakllantirish, mustahkamlash va asta–sekin fuqarolik jamiyatiga o‘tish g‘oyasiga asoslangan nazariy va amaliy ishlar amalga oshirildi. Mustaqillikka erishish ostonasida va mustaqillikning dastlabki yillarida iqtisodiy hayotdagi nosog‘lom hayot va uning oqibati sifatida vujudga kelgan og‘ir ijtimoiy ahvol, xususan, zarur oziq–ovqat mahsulotlarining yetish-masligi, ishsizlik, aholi daromadlarining pasayib ketishi, sobiq ittifoq davridagi integrativ aloqalarining uzilishi natijasida Respublika iqtisodiyotining bir tomonlama yo‘lga qo‘yilganligining aniq ko‘rinib qolganligi, O‘zbekiston xalqiga nisbatan ikkinchi darajali xalq deb qaraganligi oqibatida vujudga kelgan noxush holat, uyushgan jinoyatchilikni vujudga kelishi yoki mavjud guruhlarning oshkora faoliyat ko‘rsatishi hoxlasak hoxlamasak davlatning bosh islohatchi bo‘lishiga olib keldi. Shunga qaramasdan yagona komunistik mafkuraga barham berilib, ko‘ppartiyaviylik tizimiga o‘tish, jamoat tashkilotlari, ayniqsa, nodavlat notijorat tashkilotlari faoliyatiga yo‘l ochib berilganligi, siyosatimizga aralashmagan holda iqtisodiy –ijtimoiy sohalarga xorijlik hamkorlarni jalb etishga harakat qilingani, iqtisodiyotda turli mulk shakllariga, ayniqsa, xususiy mulkka ham teng huquqiylik berilganligi kabi holatlar ijtimoiy sheriklik jarayoniga keng yo‘l ochib berdi, desak mubolag‘a bo‘lmaydi. 2009 yilda ishlab chiqilgan O‘zbekistonda huquqiy demok-ratik davlat va fuqarolik jamiyatini rivojlantirish konsepsiyasi bu borada olg‘a qo‘yilgan yana bir qadam bo‘ldi. 2015 yildan boshlab “kuchli davlatdan –kuchli fuqarolik jamiyati sari” g‘oyasi bu boradagi ishlarni ham yangi bosqichga olib chiqdi. 2017 yilda boshlagan Yangi O‘zbekistonni shakllantirishga bag‘ishlangan 2017-2021 yillarga mo‘ljallangan harakatlar strategiyasining beshta ustuvor yo‘nalishi esa mamlakatni sifat jihatdan yangi bosqichga tomon yo‘naltirishga qaratildi. “Yangi O‘zbekiston”, “Uchinchi Renesans” atamalarining ilmiy, ilmiy ommabop muomalaga kirib kelishi esa

jamiyatni uzluksiz ravishda dialektik rivojlanish obyektiv jarayon ekanligini yana bir bor isbotlamoqda. “Dunyoda hech qachon bir xil tong otgan emas”[3]. Mazkur ibora paydo bo‘lganidan buyon ming yillar o‘tgan bo‘lishiga qaramasdan, bu butun koinot, tabiat va insoniyat doimo o‘zgarishda, yangilanishda, rivojlanishda ekanligini anglatadi. Ijtimoiy sheriklikning me’riy–huquqiy asoslari haqida gap borganda O‘zbekiston Respublikasining 2014 yil 14 iyunda qabul qilingan “Ijtimoiy sheriklik to‘g‘risida” gi, 2018 yil 30 aprelda qabul qilingan “Jamoatchilik nazorati to‘g‘risida” gi qonuni, fuqarolik jamiyati institutlarining roli, fuqarolarni iqtisodiy, ijtimoiy muammolarini hal etish maqsadida qabul qilingan 30 dan ortiq qonun va 100 dan ortiq me’yoriy –huquqiy hujjatlar qabul qilingani muhim ahamiyatga ega.

Odatda XX asrning boshlarida keng foydalanib kelinayotgan ushbu atama ko‘pincha mehnat nizolarini bartaraf etishda hamkorlik qilish, ijtimoiy –iqtisodiy, siyosiy, ma’naviy–madaniy va boshqa munosabatlar sohasida nodavlat notijorat tashkilotlarining davlat tuzulmalari bilan hamkorligi sifatida qarab kelingan.

Demak, Yangi O‘zbekistonda endi davlat emas, jamiyat bosh islohotchi ekan ijtimoiy sheriklik masalalariga ham “yangicha” qarashlar zarur;

Bu birinchidan: Ijtimoiy sheriklikning soha va shakllarining keng qamrovli ekanligini e’tiborga olib, mazkur atamani falsafiy mazmunnini boyitish maqsadga muvofiq bo‘ladi.

Ikkinchidan: Ijtimoiy sheriklikka doir qonun hujjatlariga tegishli qo‘shimcha va o‘zgarishlar kiritish.

Uchinchidan: Ijtimoiy sheriklik munosabatlarida jamiyatdagi degradatsion guruhlar, lyumpenlarning faol ijtimoiy hayotga jalb etish masalalariga e’tiboran kuchaytirish. Chunki “Eng katta boylik bu aql-zakovat va eng katta meros bu yaxshi tarbiya, eng katta qashshoqlik-bu bilimsizlikdir”[4].

To‘rtinchidan: Tomonlar o‘rtasidagi kelishmovchiliklar, ziddiyatlarni oldini olish bartaraf etishda jamoatchilik nazoratini xuquqiy mexanizmlarini takomillashtirish kabi masalalarni hal etish jamiyatda ijtimoiy sheriklik munosa-batlarini yangi bosqichga olib chiqadi.

Yangi O‘zbekiston strategiyasi ijtimoiy sheriklikning yangi nazariy metodologik asosi, ijtimoiy sheriklikni rivojlanib borishida fuqarolik jamiyati institutlari faoliyatini takomillashib borishi, ijtimoiy sheriklikning o‘ziga xos tizim va ijtimoiy institut sifatidagi istiqboli kabi yo‘nalishlar muhim ahamiyatga ega. Yangi O‘zbekiston fuqarolik jamiyatini inson borlig‘ining murakkab va ko‘p omilli hodisasi sifatida o‘zining tub mohiyatini namoyon etishi uchun yangi yangi makon bo‘lib xizmat qiladi. Yangi O‘zbekiston fuqarolik jamiyatini inson borlig‘ining murakkab va ko‘p omilli hodisasi sifatida o‘zining tub mohiyatini namoyon etishi uchun yangi yangi makon bo‘lib xizmat qiladi. Bu jarayonda “Kuch adolatda”, “Adolat esa qonun ustuvorligidir” degan chuqur ma’noli falsafiy tushuncha holda ijtimoiy hamkorlikning yuqori ko‘rinishi hisoblangan ijtimoiy sheriklik munosabatlari

O‘zbekistonni rivojlangan mamlakatlar qatoriga olib chiqishning muhim omillaridan biri bo‘ladi.

Xulosa qilib aytadigan bo‘lsak, Yangi O‘zbekistonda “Uchinchi Renesans” poydevoriga tamal toshi qo‘yilib, jamiyat, erkin, o‘z mustaqil fikriga ega bo‘lgan islohotlarning faol ishtirokchisiga aylanayotgan bir davrda ijtimoiy sheriklik mamlakatda tinchlik va xavfsizlikni ta’minlash, barqaror iqtisodiy o‘sish sur’atlariga erishish, yaqin yillarda O‘zbekistonni dunyoning 50 ta rivojlangan davlatlari qatoriga chiqishida, adolat va qonun ustuvorligi fuqarolik jamiyatining muhim sharti ekanligini teran his qilish, inson qadrini ulug‘lash, o‘z mehnati natijalaridan qoniqish hissini oshirish, turli ijtimoiy guruh va iatlamlar o‘rtasida sog‘lom ijtimoiy–ma’naviy muhit shakllantirish jarayonlariga kuchli ta’sir etuvchi vosita hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O‘zbek tilining izohli lug‘ati (A. Madvaliyev tahriri ostida). “O‘zbekiston milliy ensikilopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti T: 2015. 564-bet.
2. https://Lex.uz ijtimoiy sheriklik to‘g‘risidagi O‘zbekiston Respublikasi qonuni.
3. Mirziyoyev Sh.M. Yangi O‘zbekiston strategiyasi T. “O‘zbekiston” 5-bet.
4. Mirziyoyev Sh.M. Yangi O‘zbekiston strategiyasi T. “O‘zbekiston” 24-bet.

IQTISODIY O‘SISHDA INNOVATSION FAOLLIKNI RIVOJLANTIRISH YO‘LLARI

Abduraxmonov Valijon G‘ofurovich
TDIU Andijon filiali,
“Ijtimoiy-gumanitar fanlari” kafedrasi dotsenti.
Abduqayumov Jalolidin Jo‘rabek o‘g‘li
TDIUAF, 1-kurs, AIQT-60/23 yo‘nalishi talabasi.

Bugungi tezkor o`zgarish va yangilanishlar davrida kutilayotgan qisqa va uzoq istiqbodagi turli vaziyatlarga har tomonlama puxta tahlil asosida oqilona yechimga tayangan holdagina moslashish mumkin. Xo`jalik faoliyatini samarali amalga oshirish uchun zarur axborotni olish, aniq tadbir, tashabbus asosida omillarning eng maqbul kombinatsiyalarini ishga tushirish masalasi hozirgi kundagi eng dolzarb muammolardan biridir. Mazkur muammo barcha sohalarda eng ustuvor ahamiyatga ega ekanligini chuqur anglagan holda faoliyat olib borayotgan sub`ektlar salmoqli yutuqlarni qo`lga kiritayotgani hammaga ma`lum. O`zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 54-moddasida “Mulkdor mulkiga o`z xohishicha egalik qiladi, undan foydalanadi va uni tasarruf etadi. Mulkdan foydalanish ekologik muhitga zarar etkazmasligi, fuqarolar, yuridik shaxslar va davlatning huquqlarini hamda qonun bilan qo`riqlanadigan manfaatlarini buzmasligi shart”[1] deb belgilangan. Ushbu

me`yor yurtimizdagi barcha jismoniy va huquqiy shaxslarni mavjud qonunchilik talablariga so`zsiz itoat etishga undaydi.

Bunda eng avvalo, amaldagi huquqiy mezonlarni professional darajada o`rganib borish zarur. Aynan shu munosabatlarda bir tarafdan xo`jalik ichki imkoniyatlarining oqilona tahlili muhim ahamiyat kasb etsa, ikkinchi tarafdan hamkor sub`ektlar, raqobatchilar va iste`molchilarning maqomi (pozitsiyasi) aniq asoslarda o`rganib borilishi shart. Mazkur masala juda tez va shaffof usulda, muntazam, barcha tahliliy variant va parametrlardan foydalanib yuritilishi, har qanday xo`jalik yurituvchining kun tartibidagi asosiy ish ekanini e`tirof etamiz.

Lekin bir tarafdan, bozor munosabatlari har qanday tovar va xizmatlarni yuqori sifat, keng assortiment, qulay narxlarda taqdim etish, ayni vaqtda erkin raqobatli munosabatda bo`lishni talab etsa, ikkinchi tarafdan barqarorlik kafolati sifatida, innovatsion faollik bilan ish olib borish taqozo etilmoqda.

Bu har ikki vaziyat xo`jalik munosabatlarining olg`a rivojlanish va taraqqiyotini ta`minlashning ishonchli imkoniyatini bersa-da, mutlaqo teskari mutanosiblikni tasvirlaydi. Sababi, sof raqobatli muhitdagi sub`ekt narxni sozlay olmaydi, muqobil faoliyatdan oladigan foydalar farqi nolga tengligidan o`z sohasini o`zgartirishdan manfaat ko`rmaydi. Uning moliyaviy holati yuqori fan va kapital sig`imli o`zgarishlarni birdan qabul qilishga yo`l qo`ymaydi.

Monopol ish olib boruvchi sub`ekt esa, nafaqat ishlab chiqarish hajmi, balki narxni ham to`la sozlash ustunligini kasb etgani bois, katta foyda ko`rib ishlashi natijasida, innovatsion faollikning barcha imkoniyatlari bo`lgani holda ham, shu tarzdagi faoliyat bilan ham ko`zlanganidan yuqori ko`rsatkichlariga erishgani uchun, ortiqcha “bosh og`riq” sifatida, yangiliklarni inkor etishga moyil bo`ladi. Natijada monopol korxona bozor talabidan kamroq hajmda tovar ishlab chiqarib, ma`lum miqdordagi sun`iy taqchillikni ushlab turgani holda iste`molchilar uchun boshqa tanlov muqobillari qimmat bo`lgani bois, narxni nisbatan yuqori belgilash orqali foydasini maksimallashtirishga intiladi. O`zbekiston Respublikasining 2012 yil 6 yanvardagi “Raqobat to`g`risida” gi qonuni 6-moddasida “Ustun mavqe tovar yoki moliya bozorida xo`jalik yurituvchi sub`ektning yoxud shaxslar guruhining raqobatlashuvchi xo`jalik yurituvchi sub`ektlarga bog`liq bo`lmagan holda unga o`z faoliyatini amalga oshirish va raqobatning holatiga hal qiluvchi ta`sir ko`rsatish, tegishli bozorga boshqa xo`jalik yurituvchi sub`ektlarning kirishini qiyinlashtirish yoxud ularning iqtisodiy faoliyat erkinligini boshqacha tarzda cheklash imkoniyatini beradigan holatidir”[2] deb belgilangan.

Shuningdek, mazkur modda 2-xatboshisida “Tovar bozorida qaysi xo`jalik yurituvchi sub`ekt yoki shaxslar guruhi tovarining ulushi:

1) ellik foiz va undan ortiq foizni tashkil esa;

2) o`ttiz besh foizdan ellik foizgacha hajmda bo`lib, bunda quyidagi shartlar:

Xo`jalik yurituvchi sub`ektning tovar bozoridagi ulushi kamida bir yil mobaynida barqaror bo`lib turishi;

Tovar bozorida boshqa xo`jalik yurituvchi sub`ektlarga (raqobatchilarga) tegishli ulushlarning nisbiy miqdorda bo`lib turishi;


Ushbu bozorga yangi xo`jalik yurituvchi sub`ektlarning (raqobatchilarning) kirishiga imkoniyat bo`lishi shartlari belgilangan bo`lsa, shu xo`jalik yurituvchi sub`ektning yoki shaxslar guruhining mavqei ustun mavqe deb e`tirof etiladi”-deb ko`rsatilgan.

Mazkur ustun mavqe, ya`ni liderlik pozitsiyasida turgan shaxs (huquqiy, jismoniy), bozordagi boshqa ergashuvchi raqiblarga ma`lum turdagi tovarning minimal narxini belgilab qo`yish, ayni paytda o`z maksimal narxini raqiblar minimumidan pastroq ushlash bilan o`z xo`jalik aylanmasini tezlashtirish, tabiiyki, foydani ham maksimallashtirishga erishadi. Bunda lider narxidan arzonga tovar sotgan ergashuvchilar, javob tarzida lider sotuv narxini yana ham pastlatishi bilan “jazo” olib, sinish darajasigacha natijaga mubtalo bo`lishi mumkin.

Rivojlangan davlatlarda yuqori fan sig`imli echimlar, innovatsiyalarni tatbiq etish bilan ilg`or yutuqlarga intilgan muhitda, hattoki tabiiy monopoliyadan ham afzalroq samarali, sog`lom raqobat bozoriga erishilmoqda. Masalan, Janubiy Koreyada muqobil energiya yaratishning innovatsion echimlari ko`payib borishi natijasida, elektr-energiyasidan arzon, ham xavfsiz, qolaversa tejamkorlik bilan foydalanishning ko`plab tajribalari amal qilayotgani hammaga ma`lum.

Bizning fikrimizcha, har qanday xo`jalik yurituvchi faqatgina o`zining doimiy sur`atda yuqori innovatsion faolligi bilangina monopol bo`lishi mumkin va bu barcha manfaatdorlar uchun birdek foydali echimdir. Fikrimizning tasdig`i sifatida aytish mumkinki, O`zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi “2022-2026 yillarga mo`ljallangan Yangi O`zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to`g`risida” gi PF-60 – sonli Farmonida ham muhim maqsad sifatida g**lobal innovatsion indeksda O`zbekiston Respublikasining o`rnini yaxshilash va 2030 yilga qadar top-50 mamlakatlari qatoriga kirish.** Global innovatsion indeksda qayd etilgan past indikatorlar bo`yicha O`zbekiston pozitsiyasini yaxshilash. Innovatsion loyihalarni amalga oshirish uchun barcha yo`nalishlarda keng imkoniyatlarni yaratish, tadqiqotlarni va innovatsion tashabbuslarni qo`llab-quvvatlashning zamonaviy mexanizmlarini joriy qilish belgilab qo`yildi[3].

Har qanday innovatsion g`oya o`z hayotiylik davriga ega bo`lib, bu turli bosqichlarda namoyon bo`ladi (1-rasm).



1-rasm. Innovatsion g`oyaning hayotiylik bosqichlari.

1.Innovatsion g`oya yaratiladi, hech bir xo`jalik o`z faoliyatini yangiliklarsiz davom ettirishi mumkin emas;

2.Har qanday g`oya avvalo ilmiy asoslanishi shart, bu ilmiy faraz (gipoteza) dan tortib, tegishli soha doirasidagi barcha parametrlar bilan ifodalangandan so`ng ilmiy yangilik sifatida qabul qilinadi, u iqtisodiy jihatdan albatta asoslanishi shart, aks holda kutiladi, inkor etish yoki takomillashtirish variantlari ko`rib chiqiladi;

3.Ilmiy asoslangan har qanday g`oya va innovatsion echim ham hayotga tatbiq etishga yaroqli bo`lavermaydi, bu albatta iqtisodiy jihatdan asoslanishi, ya`ni vaqt, mablag`, resurs va energiyani tejashi, turli xavfsizlik (ekologik, iste`mol va boshqa) talablarga mos kelishi shart. Bu shartlarning bajarilmasligi qisqa yoki uzoq istiqbolda avvalo katta iqtisodiy yo`qotishlar yana qator, turli xatarlarni kuchaytirishi, ayrim salbiy hollarda, o`nglab bo`lmaydigan jiddiy yo`qotish va zararlarni keltirib chiqarishi mumkin.

4.Yangilik, innovatsiya mahsuli odatda qimmatbaholigi, yuqori fan va kapital sig`imdorligi uchun dastavval, kichik ishlab chiqarish muhitida qo`llanadi.

5.Keyingi navbatda innovatsiya sekin-asta bilan ommalashuvi natijasida ishlab chiqarishga keng tatbiq etiladi, iste`mol doirasi maksimal darajaga etgach, albatta pastlash, majudlari o`rniga yangi-yangi ishlanmalarning amaliyotga kirib kelishi bilan avvalgilar eskirish pozitsiyasiga ko`chadi. Bunda eskirgan moddiy va nomoddiy qiymatliklar iste`moldan chetlanadi yoki takomillashtiriladi[4].

Umumiy natija past sur`atda o`suvchan yoki o`zgarmas stsenariy asosida borishi korxonani davr talablaridan, iste`molchilar shart-sharoitlari hamda xalqaro andozalardan ortda qolishi va buning multiplikativ vaziyati jamiyat taraqqiyoti sekinlashiga va turg`unlashishishiga olib kelishi mumkin. omillar sarfiga mutanosib ravishda o`sish sur`ati esa, innovatsion faollikni rag`batlantirish uchun zarur mablag` ajratish imkonini cheklashi mumkin. Yuqori texnologik va iqtisodiy samaradorlik,

mavjud omillardan salmoqli tejam va mahsuldorlik bilan natija olish imkoniyatlarini mustahkamlaydi, shuningdek, barcha omil va zaxiralar eng maqbul variantlarda ishga solinishi bilan innovatsion faollikning yangi qirralariga sharoit yaratiladi.

Yuqoridagi fikrlardan kelib chiqib, har bir bir xo`jalik yurituvchida innovatsion faollik barqarorligini ta`minlash uchun quyidagi takliflarni bildiramiz:

1.Yuksak mehnat va ijro intizomi amal qilishi shart;

2.Innovatsion faollikning noyob jihati, tarmoq ichida o`ziga xos ustunligi zarur va bu sof raqobatli muhitda ham monopol mavqe yutug`ini kafolatlaydi;

3.Texnologiyalarning o`rtacha yangilanish sur`ati 5 yil bo`lgani uchun, yangiliklarni tatbiq etish darajasi yillik o`rtacha 20% dan ortiq bo`lishi;

4. Yangi ishlanma va tovar, mahsulotlar assortimentini raqobatchilarga nisbatan jadalroq oshirib borish;

5.Tegishli faoliyat bo`yicha tarixi va istiqboldagi o`zgarishlarni, huquqiy mezonlarni doimiy ravishda, puxta o`zlashtirish.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1.O`zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi, O`zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi palatalarining Axborotnomasi, 09.02.2021 y., 03/21/671/0093-son).

2.O`zbekiston Respublikasining “Raqobat to`g`risida” gi 2012 yil 6 yanvardagi O`RQ-319-son Qonuni.

3.O`zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi “2022-2026 yillarga mo`ljallangan Yangi O`zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to`g`risida” gi PF-60 – sonli Farmoni.

4.Липсис И.В. Экономика: учебник для студентов вузов, обучающихся по направлению подгот. “Економика”/И.В. Липсис. –7-е изд., стер. – Издателство “Омега-Л”, 2013, - 607 с.: илл., табл. – (Высшее экономическое образование). ИСБН 978-5-370-02771-0, 144-стр.


ISHLAB CHIQARISH OMILLARI XAQIDA TUSHUNCHALAR

Umarova Feruzabonu Toshmamat qizi
TDIU Andijon fakulteti,
Menejment 60/23- guruxi, 1-bosqich talabasi.
Tel:+998901545498 E-mail:feruzabonuumarova9@gmail.com

Ishlab chiqarish jarayonining mazmunini chuqur anglash uchun, eng avvalo, ishlab chiqarish omillari va ularning tarkibiy qismlari bilan tanishib chiqish maqsadga muvofiq hisoblanadi.

Ishlab chiqarish jarayonida bevosita qo‘llaniluvchi barcha resurslar **ishlab chiqarish omillari** deyiladi. Iqtisodiyotning tizimi va shaklidan qat’iy nazar to‘rtta omil: ishchi kuchi, mehnat qurollari va mehnat predmetlari, tadbirkorlik qobiliyati bo‘lishi shart.

Ishchi kuchi deb insonning mehnat qilishga bo‘lgan aqliy va jismoniy qobiliyatlarining yigindisiga aytiladi.



1-rasim. **Ishlab chiqarish omillarining turkumlanishi.**

Mehnat qurollari deb, inson uning yordamida tabiatga, mehnat predmetlariga ta’sir qiladigan vositalarga aytiladi. Bularga mashinalar, stanoklar, traktorlar, qurilmalar, uskunalar va boshqalarni misol keltirish mumkin.

Mehnat predmetlari esa bevosita mehnat ta’sir qiladigan, ya’ni mahsulot tayyorlanadigan narsalardir. Yer, suv, homashyo va boshqa turli materiallar mehnat predmetining asosiy turlarini tashkil etadi.

Mehnat qurollari va mehnat predmetlari birgalikda ishlab chiqarish vositalari deb yuritiladi.

«Kapital» ham qiymatga, ham naflilikka ega bo‘lgan, ishlab chiqarish va hizmat ko‘rsatish jarayonida foydalaniladigan, yollanma mehnat (ishchi kuchi) tomonidan xarakatga keltiriladigan vositalardir.

Hamma adabiyotlarda erga deyarli bir hil tushuncha beriladi, ya’ni er deganda tuproqning unumli qatlami, o‘tloqlar, yaylovlar, suv, havo, o‘rmon, qazilma boyliklar, umuman tabiiy resurslar tushuniladi.

Bozor iqtisodiyoti sharoitida katta e’tibor beriladigan omillardan biri tadbirkorlik qobiliyatidir. Tadbirkor deb iqtisodiy resurslar, ya’ni ishlab chiqarish vositalari va ishchi kuchi resurslarining, tabiiy resurslarning bir-biriga qo‘shilishini ta’minlaydigan, tashkilotchi, yangilikka intiluvchi, tashabbuskor, iqtisodiy va boshqa xavfdan, javobgarlikdan qo‘rqmaydigan kishilarga aytiladi, bu hislatlar majmui esa tadbirkorlik qobiliyati deb yuritiladi.

Ijtimoiy mahsulotning o‘sish sur’ati bilan ishlab chiqarish omillari miqdorining o‘zgarishi o‘rtasidagi nisbat iqtisodiy o‘sishning ekstensiv yoki intensiv turlarini belgilab beradi.

Ekstensiv iqtisodiy o‘sishga ishlab chiqarishning avvalgi texnikaviy asosi saqlanib qolgan holda ishlab chiqarish omillari miqdorining ko‘payishi tufayli erishiladi. Aytaylik, mahsulot ishlab chiqarishni ikki hissa ko‘paytirish uchun ishlab chiqarish omillari miqdori ikki barobar ko‘paytirilishi lozim, sodda qilib aytganda mavjud korxonalar bilan bir qatorda o‘rnatilgan uskunalarning quvvati, miqdori va sifati, ishchi kuchining soni va malaka tarkibi bo‘yicha xuddi o‘shanday yana korxonalar qurilishi lozim. Ekstensiv rivojlanishda, agar u sof holda amalga oshirilsa, ishlab chiqarish samaradorligi o‘zgarmay qoladi.

Hozirgi zamon iqtisod fani ishlab chiqarish omili deb ishlab chiqarish natijalarini belgilab beruvchi ob’ektlar, elementlar yoki shart-sharoitlarni tushunadi. Ishlab chiqarish omillari to‘rt asosiy guruhga bo‘lingan holda tahlil qilinadi: er, kapital, mehnat va tadbirkorlik qobiliyati.

Yer tabiiy omil sifatida qaraladi. U inson faoliyatining mahsuli emas, balki tabiatning in’omidir. Omillarning er deb nomlanadigan guruhiga barcha tabiiy boyliklar, foydali qazilmalar konlari, ishlov berilayotgan erlar, o‘rmonlar kiradi.

Kapital ishlab chiqarishning omili sifatida tovarlar va xizmatlarni ishlab chiqarishda foydalaniladigan ne’matlarning yig‘indisidan iboratdir. Ularga asbob-uskunalar, mashinalar, binolar, omborlar, transport kommunikatsiyalari, aloqa vositalari va boshqalar kiradi.

Moddiy kapitalning texnik holati va darajasi ishlab chiqarish samaradorligiga juda kuchli ta’sir etadi va uning samaradorligini belgilab beradi.

Tovar va xizmatlarni yaratishda ishga solinadigan insonning aqliy va jismoniy qobiliyatlari mehnat omilini tashkil etadi. Qobiliyatlar yig‘indisi xodimning ma’lumot darajasi, kasbiy ta’lim egallaganligi, ko‘nikmalari, jismoniy salohiyati va boshqa xususiyatlari bilan belgilanadi,

Tadbirkorlik qobiliyati ishlab chiqarishning o‘ziga xos omili bo‘lib, insonning ishlab chiqarishning boshqa omillarini muayyan kombinatsiyalarda va usullarda birlashtira olish qobiliyatini bildiradi.

Shuni ham aytib o‘tish joizki, hozirgi vaqtda yuqorida sanab o‘tilgan an’anaviy omillar bilan bir qatorda axborot olish va ekologik omillar ham ishlab chiqarishni oqilona tashkil qilish va uning yuqori samaradorligini ta’minlashning muhim shartlaridan biri sifatida tobora yuksak ahamiyat kasb etmoqda.

Ishlab chiqarish jarayoni barcha omillarni ishga solinib, amalga oshiriladi. Muayyan buyumni yoki xizmatni ishlab chiqarish uchun er, mehnat va kapitalning biron-bir kombinatsiyasi zarur bo‘ladi. Bu omillar bir-biri bilan bog‘liq holda ishga tushadi va bir-birini to‘ldirib turadi. Masalan, gazlama to‘qish uchun huquqiy jihatdan rasmiylashtirilgan firma tashkil etish, er maydonini ijaraga olish, bu maydonda binolar va texnikani (kapitalni) joylashtirish, xodimlar va menejerlarni yollash zarur bo‘ladi. Agar biror omil ishlab chiqarishga jalb etilmay qolsa, ishlab chiqarish jarayoni sodir bo‘lmaydi. Ishlab chiqarish omillarining bu xususiyati ularning bir-birini to‘ldirishi deb ataladi.

Demak shu bilan birga, ishlab chiqarish omillari ma’lum chegaralarda bir-birining o‘rnini bosishi ham mumkin. Muayyan hajmdagi tovarni ishlab chiqarishga yuqorida ko‘rsatib o‘tilgan omillarning turli-tuman nisbatlarda bir-biriga qo‘shilishi natijasida erishilishi mumkin. Tadbirkor ishlab chiqarish texnologiyasini tanlashda muayyan resurslarning kamyobligini e’tiborga oladi va shu resurslar o‘rniga boshqalaridan foydalanishga intiladi.

Xulosa sifatida tovar va xizmatlarni yaratishda ishga solinadigan insonning aqliy va jismoniy qobiliyatlari mehnat omilini tashkil etadi. Qobiliyatlar yig‘indisi xodimning ma’lumot darajasi, kasbiy ta’lim egallaganligi, ko‘nikmalari, jismoniy salohiyati va boshqa xususiyatlari bilan belgilanadi, Bularning hammasi zamonaviy fanda inson kapitali tushunchasi bilan ifodalanadi. Xodimning yuqori malakasiga, yuksak mehnat qobiliyatiga erishish uchun uni o‘qitish va tarbiyalash lozim. Demak, mehnat omilini yaratish uchun ham moddiy kapital talab etiladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Shodmonov Sh., Rahmatov M., Iqtisodiyot nazariyasi. Darslik..-T«Zamin nashr» nashr, 2021.-856 b.
2. Shodmonov Sh.Sh., Iqtisodiyot nazariyasi. Darslik. – T.: Iqtisod-moliya, 2017.

728 bet.

3. Jo‘rayev T., Iqtisodiyot nazariyasi. Darslik..-T.: «Fan va texnologiya» nashr, 2018. – 512 bet.
4. Экономическая теория: Учебник. - Изд., испр. и доп. / Под общ. ред. акад. В.И.Видяпина, А.И.Добрынина, Г.П.Журавлевой, Л.С.Тарасевича. – М.: ИНФРА-М, 2005, 55-с.

KORXONALARDA AYLANMA MABLAG‘LARDAN SAMARALI FOYDALANISH YO‘LLARI

Abduraxmonov Valijon G‘ofurovich
TDIU Andijon fakulteti, “Ijtimoiy-gumanitar fanlar”
kafedrasi dotsenti, i.f.n.
Umarova Feruzabonu Toshmamat qizi
TDIU Andijon fakulteti,
Menejment 60/23- guruxi, 1-bosqich talabasi.

Mamlakatimizda amalga oshirilgan islohotlarning asosi va tub maqsadi – mamlakatda yalpi ichki mahsulotni yanada ko‘paytirish, aholi ehtiyojlarini to‘liq qondirish, xalqimiz va milliy bozorlarimizni sifatli, arzon, raqobatbardosh mahsulotlar bilan ta’minlash, korxonalar faoliyatini takomillashtirish orqali ishlab chiqarish faoliyatini rivojlantirish, aholini zarur ish joylari bilan ta’minlash, har tomonlama ijtimoiy muxofaza qilish hamda ularning daromadlarini ko‘paytirish orqali iqtisodiy taraqqiyotga erishish, pirovardida mamlakatimizning milliy mustaqilligini mustahkamlashdan iboratdir.

Korxona xo‘jalik faoliyati mablag‘larni shakllantirish ancha qiyin masala sifatida sanaladi. Chunki bozor sharoitida naqd pul bilan bog‘liq muammolar vujudga kelib, ularni hal qilish uchun esa korxonada samarali boshqaruvni tashkil etishni, ilmiy asoslangan qarorlar asosida korxonaga tegishli mablag‘larni samarali sarflashni tashkil etish zarur bo‘ladi.

Shularni inobatga olgan holda korxona xo‘jalik faoliyatida aylanma mablag‘larning o‘rini va ahamiyati muhim bo‘lib, aylanma mablag‘larning me’yorini belgilash, sotilgan mahsulotlar, tovarlar uchun oldindan bo‘nak to‘lovini olish kabi masalalarga qaratilgan.

Ma’lumki, aylanma fondlar ishlab chiqarish jarayonini uzluksizligini ta’minlovchi asosiy omillardan biridur. Aylanma fondlarga iqtisodiy adabiyotlarda quyidagicha ta’riflar keltirilgan:

«Aylanma fondlar – bu ishlab chiqarish jarayonida bir marta qatnashib, o‘z qiymatini tayyor mahsulotga o‘tkazib, o‘z shaklini ham o‘zgartiradigan, butunlay yo‘qotib yuboradigan mehnat buyumlaridir»[1].

«Aylanma ishlab chiqarish fondlari–korxona ishlab chiqarish fondlarining bir qismi bo‘lib, bitta ishlab chiqarish sikli davomida sarflanadi hamda natural shaklini o‘zgartirib, o‘z qiymatini to‘lig‘icha tayyor mahsulot tannarxiga o‘tkazadi»[2].

“Ishlab chiqarish va muomala fondlari zaxiralarini shakllantirish uchun mo‘ljallangan pul mablag‘lari korxonaning aylanma mablag‘lari deyiladi”[3].

“Aylanma mablag‘lar-bu ishlab chiqarish va muomala fondlarining puldagi ifodasidir”[4].

Demak mehnat jarayonida moddiy resurslarning ashyoviy elementlarining natural shakli va fizik-kimyoviy xususiyatlari o‘zgaradi. Ishlab chiqarish iste’moli sari ularning iste’mol qiymati o‘zgarib yuqoladi va yangi iste’mol qiymati, ulardan tayyorlangan mahsulot shaklida paydo bo‘ladi.

Korxona iqtisodiyotiga aylanma mablag‘larning tarkibi va tuzilmasidan tashqari, ularni ishlab chiqarish, takror ishlab chiqarish va muomalaning turli bosqichlarida izlab topish katta ta’sir ko‘rsatadi. Aylanma mablag‘larning to‘liq aylanishi uch bosqichdan iborat bo‘lib, bu jarayonda mahsulot ishlab chiqariladi va sotiladi.

Birinchi bosqichda aylanma mablag‘lar pul shaklidan moddiy boyliklarning ishlab chiqarish zahiralariga aylanadi, ya’ni pul – tovar (P-T).

Ikkinchi bosqich ishlab chiqarish, yani mahsulotni tayyorlash jarayonini o‘z ichiga oladi. Bu bosqichda aylanma mablag‘lar va birinchi o‘rinda aylanma fodlar tugallanmagan ishlab chiqarish va yarim tayyor mahsulotlar holiga keltirilib, tovar shaklini oladi (T).

Uchinchi bosqichda aylanma mablag‘lar tovar mahsuloti shaklida muomalaga kiritilib, sotiladi va yana pul shaklini oladi (T-P).

Demak aylanma mablag‘lardan samarali foydalanish korxona faoliyatini normal ta’minlashda, ishlab chiqarish rentabelligini oshirishda alohida ahamiyat kasb etadi. Amaliyotda korxonalarda aylanma mablag‘lardan foydalanish darajasiga debitorlik qarzlari ham yuqori darajada ta’siri yuqori bo‘lib mablag‘lar aylanish davri ortishiga olib kelmoqda.

Shuni takidlash lozimki korxonada aylanma mablag‘larna aylanishini tezlashtirish uchun ishlab chiqarish zahiralarini tuzish bosqichida iqtisodiy asoslangan zahira normalarini joriy etish, xom ashyo, yarim tayyor mahsulotlar, butlovchi qismlar ta’minotchilarining iste’molchilarga yaqinlashuvini ta’minlash, moddiy – texnik ta’minotning ombor tizimini, shuningdek materiallar va uskunalar birja savdosini kengaytirish va standartizatsiya va unifikatsiyani rivojlantirish va takomillashtirish zarur.

Xulosa sifatida bizningcha aylanma mablag‘larning aylanishini tezlashtirish uchun har bir korxona ularning ishlab chiqarish va muomalada bo‘lish muddatini

qisqartirishga erishishi, mahsulotni realizatsiya qilish muddatini qisqartirish ham aylanma mablag‘larning aylanishini tezlashtirishning muhim yo‘li hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvarda “2022-2026 yilarga mo‘ljallangan yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida” gi PF-60-sonli Farmoni.
2. Ortiqov. A “Sanoat iqtisodiyoti” T.: TDIU, 2004y 186-bet.
3. Mahmudov. E “Korxona iqtisodiyoti” T.: TDIU, 2004y 125-bet.
4. Abdukarmov.B.A “Korxona iqtisodiyoti” T.: “Fan” 2005 y. 161-bet.
5. Abdukarimov B.A, Bektemirov B.A «Korxona iqtisodiyoti» T.: «Fan va texnologiya» 2013 y 199-bet.

MATEMATIK MODELLASHTIRISHNING UZUMNI QURITISH JARAYONIGA TADBIQI

Yusupov Muxtorjon Tojiboevich
Andijon iqtisodiyot va pedagogika universiteti
«iqtisodiyot va ijtimoiy fanlar» kafedrasi dotsenti

Hozirgi vaqtda qishloq xo'jaligi mahsulotlarini, shuningdek, uzumni quritishning turli xil turlari va usullari mavjud.

Mavjud apparatlar va qurilmalar nazariy va eksperimental shartlar bilan etarli darajada qo'llab-quvvatlanmagan, shuningdek, jarayonni tashkil etishda sezilarli kamchiliklarga ega.

Issiqlik modda almashinuvi jarayoni yordamida quritilgan mahsulotlarini olish uchun uzumni qayta ishlash jarayonida mavjud texnologik liniyalarda asosan issiqlik ta'minotining konvektiv usuli bilan tashkil etilgan. Bu quritish usuli qizdirilgan quritish agentining energiyasi tufayli quritilgan mahsulotga issiqlik o'tkazishga asoslangan.

Quritish agenti sifatida metaldan ishlab chiqilgan taglik va energiya uzatuvchi IQ-nurlari xizmat qiladi.

Biroq, bu usul yakuniy mahsulot sifatini sezilarli darajada kamaytiradigan xarakterli kamchiliklarga ega. Sirtdan namlikning bug'lanishi sodir bo'ladi, bu quritishni qiyinlashtiradigan va quritilgan mahsulotlarning sifatini yomonlashtiradigan plyonka paydo bo'lishiga olib keladi va ho'llash paytida mahsulotning qaytarilishi kamayadi.

IQ-diapazonida energiya ta'minotining yangi fizik usullaridan foydalanishning maqsadga muvofiqligi qishloq xo'jaligi mahsulotlarini oldindan tozalash va quritishning yuqori samaradorligi bilan bog'liq.

Shuning uchun, IQ-nurlanishining manbai sifatida, radiatsiya to'lqin uzunligi mahsulotning eng yuqori o'tkazuvchanligiga mos keladigan diapazonda bo'lgan generatorlardan foydalanish kerak, buning uchun dastlabki ishlov berish zonasida va quritish zonasida namlik eng ko'p singdiriladi. Shu nuqtai nazardan, o'tkazilgan eksperimental va nazariy tadqiqotlar asosida qishloq xo'jaligi mahsulotlarini qayta ishlash jarayonida issiqlik oqimlarining optimal qiymatlari aniqlanadi[1].

Shunday qilib, oldindan ishlov berish va quritish uchun tanlangan rejimlar quritish jarayonini kuchaytirish uchun maqsadga muvofiqdir. Yangi jismoniy quritish usullaridan foydalanish quyidagi natijalarni olish imkonini beradi:

• quritish jarayonining davomiyligini qisqartirish;


• tufayli tayyor mahsulot birligiga energiya xarajatlarini kamaytirish

• IQ- ta'sir qilish bosqichida quritish jarayonining samaradorligi;

• qimmatli tarkibiy qismlarni saqlab qolish orqali quritilgan mahsulot sifatini yaxshilash.

Quritilgan mahsulotlarning butun hajmi bo'ylab namlikni bir xilda olib tashlash uchun issiqlik ta'minotining bir xilligi talab qilinadi, aks holda quritish jarayoni uzaytiriladi va solishtirma energiya sarfining oshishiga olib keladi. Masalan, 1 kg quritilgan mahsulotni olish uchun mavjud quritgichlar yordamida 4,0 dan 9,5 kg gacha namlikni olib tashlash kerak. Shu bilan birga, o'ziga xos energiya iste'moli 20 mingdan 27 ming kDj/kg gacha yoki standart asosida yoqilg'ining 0,65 dan 0,91 kg gacha bo’lishi talab qilinadi.

Shu nuqtai nazardan, uzumni qayta ishlashning energiya tejovchi texnologiyasini ishlab chiqish uchun biz energiya ta'minotining yangi jismoniy usuli bilan noan'anaviy quritish usulini ishlab chiqdik. Biroq, tavsiya etilgan quritish usulini keng tatbiq etish uchun IQ-nurlatgich manbasining ta'siri va uning quritilgan mahsulot yuzasiga tarqalishi muammosini hal qilish kerak.



1-rasm. Nurlatgich oqimining grafik tasviri

Nurlatgichdan A(W, τ) nuqtaga etkazib berayotgan nurlatgich oqimining grafik tasviri 1-rasmda keltirilgan.

Eksperimental va nazariy shartlar asosida quritilgan mahsulotning IQ-hududida o'tkazuvchanligi va singdiruvchanligi aniqlandi.

Matematik modellashtirish orqali quritish jarayonida barcha tizimlarning o'zaro ta'siri o'rganildi va ta'sir etuvchi omillarning optimal qiymatlari aniqlandi, masalan, radiatsiya to'lqin uzunligi λ, issiqlik oqimining zichligi q, mahsulot qatlamining qalinligiδ, quritish kamerasining F birlik maydoniga xos yuk, shuningdek, IQ-diapazonidagi quritish rejimi.

Shuni ta'kidlash kerakki, IR diapazonining elektromagnit maydonida quritish jarayonini amalga oshirish uchun mahsulotlar yuzasida nurlanish oqimining bir xil

taqsimlanishi talab qilinadi. Shundan kelib chiqib, biz tavsiya etilgan quritish moslamasida IQ emitrlarining joylashishini nazariy asoslab oldik.

Bizning misolimizda, quritilgan mahsulot yuzasida, Zu mahsulotiga nisbatan emitentlarning balandligi, emitentlar orasidagi qadamlar S, reflektorlardan masofa hp.

Yassi konveyer ustidagi gorizontal joylashuv va bir tomonlama nurlanish bilan bitta emitentdan oqim zichligi [1, 2] formula bilan aniqlanadi.

$$E_i = \frac{E_э \cdot d_э \cdot Z_u}{2 \cdot \beta} = \left| \frac{x - v \cdot \tau}{(x - v \cdot \tau)^2 + \beta^2} + \frac{1}{\beta} \cdot arctg \frac{x - v \cdot \tau}{\beta} \right|_{x_1}^{x_2}$$

bunda υ- konveyer xarakatining tezligi, м/с; τ- vaqt, с.; x_1, x_2 – dastlabki va oxirgi nurlantirishning koordinatasi; i- blokdagi nurlantirish tartib raqami; $d_э$- ИК-nurlatgichni ekvivalent diametri, м; $E_э$- nurlatgich yoriqligi, Vt/m^2.

Mahsulot yuzasiga hosil bo'lgan nurlanish oqimi formula bilan aniqlanadi.

$$E_p = E_{pu} + E_{pu}(R_p)$$

hosil bo'lgan oqimning zichligi qayerda, u bilan aniqlanadi:

$$E_{pu} = B_э \cdot d_э \cdot K_{осв} \cdot \left(\frac{A}{1 - R \cdot R_p} \right)$$

bu erda $B_э$ - emitentning energiya yorqinligi;

A - mahsulotning integral assimilyatsiya qilish qobiliyati;

R - mahsulotning integral aks ettirish qobiliyati;

Rp - reflektorning integral aks ettirish qobiliyati;

$K_{осв}$ - material yuzasining yorug'lik koeffitsienti, bu quyidagi formula bilan aniqlanadi:

$$K_{осв} = \left(\frac{E}{B_э \cdot d_э} \right)$$

E -nurlatgichni yoritilishi.

n-chi nurlatgichni o'z ichiga olgan blokdan qayta ishlangan materialning umumiy nurlanish koeffitsienti $K_{осв} = \sum_{i=0}^{n-1} \cdot K_{осв}$ ifoda bilan aniqlanadi.

Hisoblashlar natijasida yangi jismoniy energiya ta'minotida qayta ishlashning tanlangan usuli uchun quritilayotgan mahsulotlarning termoradiatsion xususiyatlarini hisobga olgan holda, ushbu materialning IQ nurlanishining zarur oqimi zichligi (quritishda) aniqlandi. zona) q = 1,5-2,0 kVt/ м^2 ga teng Kosv=96 m-1 da erishiladi. Egri chiziqlardan ko'rinib turibdiki, Kosvning bunday qiymatini n=9, Zu=0,17-0,20 m da olish mumkin[3].

Hisob-kitoblarning tahlili shuni ko'rsatdiki, bir xil balandlikdagi IR-emitterlarni joylashtirish bilan ishlov beriladigan material yuzasida nurlanish oqimining bir xil taqsimlanishi ta'minlanmaydi. Konveyerning chekkalarida tushayotgan oqimning zichligi 2-2,8 kVt / m2, markazda esa taxminan 7-7,5 kVt / m^2 ni tashkil qiladi. Bu shuni ko'rsatadiki, nurlanish oqimining bunday taqsimlanishi bilan oldindan ishlov berish va quritish paytida namlikning notekis olib tashlanishi mahsulotlarning butun yuzasida sodir bo'ladi, buning natijasida jarayonning o'zi uzayadi va quritilgan mahsulot sifatiga ta'sir qiladi.

Yagonaroq taqsimlash uchun infraqizil emitrlarni o'zgaruvchan balandlikda joylashtirish tavsiya etiladi. Elementlarning bunday joylashishi konveyerning chekkalarida ham markazda, ham periferiyada oqim zichligini bir xil taqsimlashni ta'minlaydi va material yuzasining oqimi zichligi 1,5-2,00 kVt /m^2 ni tashkil qiladi.

Olingan ma'lumotlar uzluksiz IQ-konvektiv quritgichlarning muhandislik hisobi va yarim sanoat quritgichlarini yaratish uchun ishlatilgan.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Маматкулов А.Х., Юсупов М.Т. Системный анализ сушки винограда // Узбекский химический журнал. - Ташкент, 2006. - №6. - С.46-50 (02.00.00; №6).
2. М.Т. Юсупов, А.Х. Маматқулов. Узумни қуритиш жараёнини жадаллаштириш усуллари // «Вестник ТГТУ. – Ташкент, 2009. - № 1-2. - С.151-154 (02.00.00;№11).
3. Х.Ф. Джураев, Н.Р. Юсупбеков, А.А. Артиков и др. Промышленные испытания способа сушки дыни по схеме вяление — конвективная сушка, «Хранение и переработка сельхозсырья», 2002. № 3. с.36-37.
4. Erkin, K., & Khusan, I. (2022). Optimization of the development and location of agricultural clusters of regions. Texas Journal of Agriculture and Biological Sciences, 3, 9-13.

MATEMATIKANING TAYANCH TUSHUNCHALARIDAN BO‘LGAN PIFAGOR TEOREMASINING VUJUDGA KELISHI VA AHAMIYATI

Kuchkarov M. - Toshkent Davlat iqtisodiyot universiteti Andijon fakulteti Ijtimoy-gumanitar fanlar kafedrasi dotsenti, p.f.b.f.d.(PhD)


Olimov A. - Toshkent Davlat iqtisodiyot universiteti Andijon fakulteti Buxgaltriya hisobi va audit ta’lim yo‘nalishi 1-kurs talabasi


Pifagor teoremasi to‘g‘ri burchakli uchburchak tomonlari o‘rtasidagi munosabatlarni ochib beradigan geometriyaning abadiy tamal toshi bo‘lib turadi. Qadimgi yunon matematigi Pifagor nomi bilan atalgan bu teorema ming yillar davomida o‘zining nafis soddaligi va chuqur ma’nolari bilan madaniyatlar va sivilizatsiyalarni bosib o‘tib, ongni o‘ziga rom etib kelgan

Pifagor teoremasining kelib chiqishi antik davr tumanlari bilan qoplangan. Pifagorning o‘zi, ko‘pincha uning kashfiyoti sifatida e’tirof etilgan bo‘lsa-da, dalillar bu teorema uning davridan bir necha asr oldin bobillikklar va hindlarga ma’lum bo‘lganligini ko‘rsatadi. Shunga qaramay, Pifagor va uning izdoshlari teoremada ilgari surilgan fikrlarni ommalashtirish va rasmiylashtirishda ro‘l o‘ynaydi

Pifagor teoremasi o‘z mohiyatiga ko‘ra, to‘g‘ri burchakli uchburchakda gipotenuza uzunligining kvadrati (to‘g‘ri burchak qarshisidagi tomon) katetlar (qolgan ikki tomoni) uzunliklarining kvadratlari yig‘indisiga teng ekanligini aytadi.

Pifagor teoremasining asosiy vazifasi uchburchakning berilgan ikki tomonidan foydalanib, uning uchinchi tomonini topishdan iborat. Yuqorida aytilganidek, katetlar kvadratlarining yig‘indisi, gipatenuzning kvadratiga teng. Ya’ni berilgan uchburchakning a va b tomonlari katet, 90 gradus qarshisidagi tomon esa gipatenuza hisoblanadi. Bundan kelib chiqadiki $a^2+b^2=c^2$ formula o‘rinli bo‘ladi. Bu formulani misolda ko‘rib chiqsak: Uchburchakning katetlarining uzunliklari 4 va 3 ga teng bo‘lsin. Berilgan uchburchakdan eng kata tomoni (gipatenuzasi)ni topishimiz kerak. Biz avvalambor katetlarining kvadratlarini topib olamiz, $a^2=4^2$ va $b^2=3^2$,yani $a^2=16$, $b^2=9$. So‘ngra berilgan formuladan foydalanib katetlarni qo‘shib olamiz: 16+9=25 . hosil bo‘lgan son uchinchi tomon (gipatenuzaning) kvadratiga teng bo‘ladi. Bundan kelib chiqadiki gipatenuzamiz 5 ga teng ekan.





Buni sodda qilib tushuntiradigan bo‘lsak: Ko‘rib turganingizdek keyingi rasmda uchta kvadrat va bitta uchburchak berilgan. Uchburchakning uchala tomoniga kvadratlar yopishib turibdi. Bu uchburchakning a va b (katetlar)ga yopishgan kvadratlarining yuzalarini qo‘shsak c (gipatenuzaga) yopishgan kvadratning yuziga teng bo‘ladi.

Pifagor teoremasining qo‘llanilishi sof matematika doirasidan tashqariga chiqadi. Arxitekturadan astronomiyagacha, muhandislikdan navigatsiyagacha, uning tamoyillari ko‘plab sohalarda amaliy yordam b eradi. Arxitektorlar undan strukturaviy barqarorlikni ta’minlash va estetik jihatdan yoqimli dizaynlarni yaratish uchun foydalanadilar. Muhandislar masofalarni hisoblash, ko‘priklarni loyihalash va mexanik tizimlarni optimallashtirish uchun unga tayanadilar. Hatto rassomlar va musiqachilar ham visual va eshitiladigan uyg‘un kompozitsiyalar yaratish uchun uning tamoyillaridan foydalanadi.

Asrlar davomida matematiklar Pifagor teoremasining ko‘plab isbotlarini ishlab chiqdilar. Ularning har biri teoramaning asosiy tamoyillari haqidagi noyob tushunchalarni taqdim etadi. Olib borilgan tadqiqotlar va izlanishlar teoremaning geometrik konstruksiyalardan tortib algebrik manipulatsiyalargacha ko‘p qirrali va mustahkam ekanligini ko‘rsatadi.

Pifagor teoremasi o‘zining matematik ahamiyatidan tashqari madaniy va falsafiy rezonansiga ega. Pifagorchilar uchun u koinotdagi uyg‘unlik va tartibni ramziy qilib, ularning haqiqatning o‘ziga hos matematik tabiatiga ishonishlarini aks ettiradi. Uning ta’siri san’atga, adabiyotga va hatto ma’naviiyatga kirib , matematik go‘yalarning ilhomlantiruvchi va ma’rifiy kuchining mustahkamligidan dalolat beradi.

Xulosa qilib aytganda, Pifagor teoremasi go‘zalligi, foydaliligi, muhimligi, o‘zgarmasligi vas hu kabi noyob hususiyatlari bilan ajralib turadi. Qadimgi sivilizatsiyalardagi kamtarona kelib chiqishidan to hozirgacha u atrofimizdagi dunyo haqidagi tushunchamizni shakillantirishda davom etmoqda. Biz uning nafisligiga hayron bo‘lib, uning oqibatlari haqida o‘ylar ekanmmiz, raqamlar va shakllar sirlarini o‘rganishga jur’at etganlarning abadiy merosini eslatamiz.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. A.Ahlimirzayev, A.Rizayev, M.Ibragimov, M.Kuchkarov. Oliy matematika (1-qism)/ o‘quv qo‘llanma/ Toshkent “Turon-iqbol”, 2015.
2. Yo.U.Soatov. Oliy matematika 1-jild./darslik/ Toshkent, «O‘qituvchi», 1992.
3. M.Kuchkarov, B.Umaraliyev. Oliy ta’limda talabalarning mustaqil fikrlash faoliyatini rivojlantirish. Республика илмий-амалий анжумани материаллари.– Андижон: АндМИ,2022
4. M.Kuchkarov. The importance of using applied mathematics In teaching process. Journal of Pedagogical Inventions and Practices //**ISSN NO: 2770-2367**//USA, **Date of Publication: 04-11-2022**

O‘ZBEKISTONDA IJTIMOIY-IQTISODIY TARAQQIYOTNI TA’MINLASH MASALALARI

Abduraxmonov Valijon G‘ofurovich
TDIUAF “Ijtimoiy-gumanitar fanlar” kafedrasi dotsenti, i.f.n.
Shakirjonov Azizbek Shavkat o‘g‘li
TDIUAF “Bank ishi audit” yo‘nalishi, 2-bosqich talabasi

O‘zbekistonda ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotni ta’minlashda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish muhim yo‘nalish sifatida belgilandi. Ushbu faoliyatning rivoji uchun puxta qonunchilik siyosati, mustahkam huquqiy baza shakllantirilgani va muntazam takomillashtirib borilayotgani, kichik biznes va tadbirkorlikni rivojlantirishga imtiyoz va preferensiyalar berish, ishlab chiqarishni texnik va texnologik qayta jihozlash hamda modernizatsiya qilish masalalarida davlat tomonidan tizimli ravishda yordam ko‘rsatilayotganini va ushbu chora-tadbirlar kambag‘allikni qisqartirishga yordam bermoqda. Kambag‘allikni qisqartirish davlat tomonidan amalga oshirilayotgani, turli yo‘nalishlarda tizimli chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda. Shu kabi muhim islohotlar natijasida 2021 yil yakuniga ko‘ra, kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning ulushi yalpi ichki mahsulotda 58,9 foiz, sanoat mahsulotlari hajmida 40,6 foiz, qishloq xo‘jaligi mahsulotlari hajmida 98,4 foiz, asosiy kapitalga kiritilgan investitsiyalar hajmida 35,8 foizga etdi. Aholining mehnat bilan band qismining 77,9 foizi mazkur tarmoqda mehnat qilmoqda. Kambag‘allikni qisqartirishda kichik biznes va tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirish mexanizmlarini takomillashtirish, ushbu jarayonlarning samaradorligini oshirish, kichik biznes uchun qulay ishchan muhitni yaratish, tartibga solishning pul-kredit mexanizmlaridan samarali foydalanish, uning tashqi iqtisodiy faoliyatdagi ishtirokini kuchaytirish, yangi ish o‘rinlarini yaratish va aholi daromadini oshirish orqali kambag‘allikni qisqartirish borasidagi imkoniyatlaridan to‘laroq foydalanish, innovatsion g‘oyalar va texnologiyalarni amaliyotga joriy etish dolzarb hisoblanadi.

Kambag‘allik odamlarning moddiy ta’minlanmaganligining o‘ziga xos holati, qachonki shaxsning daromadi yoki oilalar hayoti uchun ijtimoiy zarur bo‘lgan iste’molni saqlab qolishga imkon bermaydi. Aholining bunday qatlami kambag‘allar deb ataladi.

2020 yil 26 martda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiy taraqqiyot va kambag‘allikni qisqartirish vazirligi hamda uning tizim tashkilotlari faoliyatini tashkil etish to‘g‘risida”gi Qarori hamda 2021 yil 3 dekabrda “Mahallada tadbirkorlikni rivojlantirish, aholi bandligini ta’minlash va kambag‘allikni qisqartirish masalalari bo‘yicha hokim yordamchilari faoliyatini tashkil etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Qarorlari qabul qilindi. Ushbu qarorga asosan, 1 yanvar 2022 yildan har bir shaharcha, qishloq, ovulda, shuningdek, har bir mahallada tadbirkorlikni rivojlantirish, aholi bandligini ta’minlash va kambag‘allikni qisqartirish masalalari bo‘yicha tuman (shahar) hokimining yordamchisi lavozimi ta’sis etildi. Hokim yordamchilari tizimining joriy qilinishi, mamlakatimizda kambag‘allikka qarshi kurashishga qaratilgan siyosatda keskin burilish yasaydi.

Yurtimizda maxsus mobil ilova yoki soliq to‘lovchining shaxsiy kabineti orqali faoliyat turini ko‘rsatgan holda ro‘yxatdan o‘tadi. Ro‘yxatdan o‘tganligini to‘g‘risida tasdiqlovchi matritsali shtrix kod (QR-kod) shakllanadi. Endi vaqtinchalik mehnat guvohnomalarini berish tartibi yo‘qoladi. Juda ko‘pchilik fuqarolar o‘zini band etib, ish stajlari yo‘qligi sabali pensiya yoshiga etganlarida pensiyaga chiqa olmay yurishgan edi. O‘zini o‘zi band qilgan fuqarolar 2020 yil uchun bazaviy hisoblash miqdorining kamida 50 foizi (111500 so‘m edi, hozirgi kunda bu summa yanada oshgan) hajmida ijtimoiy soliqni to‘laydi hamda ushbu summa to‘liqligicha budjetdan tashqari Pensiya jamg‘armasiga yo‘naltiriladi va undan kelib chiqqan holda yakka tartibdagi tadbirkorlar uchun o‘rnatilgan tartibda pensiya hisoblash uchun daromad hajmi aniqlanadi. Misol uchun, mardikor - xonadonlarda er ag‘darish, yuk tashish kabi ishlar bilan shug‘ullanadigan shaxs, oilasi kambag‘al. Kelajakda qariganda jismonan mehnat qobiliyatini yo‘qotadi, ishlay olmaydi, yana yordamga muhtoj oila bo‘lib qolaveradi.

Quyidagi 1-jadvalda yurtimiz hududlari bo‘yicha iqtisodiy faol aholi va ishsizlar soni keltirilgan.

1-jadval.

O‘zbekiston Respublikasi hududlari bo‘yicha iqtisodiy faol aholi, bandlar va ishsizlar soni[19]

	Iqtisodiy faol aholi soni jami, ming kishi	ulardan:		Aholining iqtisodiy faollik darajasi[2)], foizda	Aholining bandlik darajasi[3)], foizda	Ishsizlik darajasi, foizda
		Iqtisodiyotda bandlar	Ishsizlar[1)]			
2021						

[19] O’zbekiston Respublikasi Davlat Statistika Qo‘mitasi ma’lumotlari

O‘zbekiston Respublikasi	14910,3	13438	1472,3	69,1	66,4	9,8
2020						
O‘zbekiston Respublikasi	14797,4	13236,4	1561,0	73,8	66,0	10,5
2019						
O‘zbekiston Respublikasi	14876,4	13541,1	1335,3	75,0	68,1	9,0
2018						
O‘zbekiston Respublikasi	14641,7	13273,1	1368,6	74,3	67,4	9,3

Bu erda:

1) 2000-2006 yillar Mehnat organlarida ro‘yxatga olingan, ishsiz deb e’tirof etilganlar, 2007 yildan boshlab ishga joylashtirishga muhtoj mehnat bilan band bo‘lmagan aholi;

2) Iqtisodiy faol aholi sonini mehnatga layoqatli yoshdagi aholi soniga nisbati;

3) Band aholi sonini mehnatga layoqatli yoshdagi aholi soniga nisbati

Yuqoridagi 1-jadvalda respublikamizda iqtisodiy faol aholi soni 2021 yilda jami 14910,3 ming, 2020 yilda 14797,4 ming, 2019 yilda 14876,4 ming, 2018 yilda 14641,7 ming kishini tashkil etgan. Jumladan, iqtisodiyotda bandlar 2021 yilda 13438 ming, 2020 yilda 13236,4 ming, 2019 yilda 13541,1 ming, 2018 yilda 13273,1 ming kishini tashkil etgan bo‘lsa, ishsizlar soni 2021 yilda 1472,3 mingta, 2020 yilda 1561 mingta, 2019 yilda 1335,3 mingta, 2018 yilda 1368,6 mingta bo‘lgan.

Shuni aytish mumkinki, ishsizlikka qarshi kurash, aholini ish bilan ta’minlash kambag‘allikka qarshi kurashning asosiy yo‘llaridan biridir.

2-jadval.

O‘zbekiston Respublikasida kam ta’minlangan aholi ulushi*

(uy xo‘jaliklari tanlama kuzatuvlari ma’lumotlariga asosan), foizda[20]

	Yillar				
	2017	**2018**	**2019**	**2020**	**2021**
Kam ta’minlangan aholi ulushi	11,9	11,4	11,0	11,5	11,3

*Jahon Banki tavsiyasiga ko‘ra kam ta’minlanganlik darajasi ko‘rsatkichi kunlik 2100 kkal dan kelib chiqib hisoblangan

2-jadvalda esa ko‘rinib turganidek, O‘zbekistonda kam ta’minlanganlar ulushi 2021 yilda 11,3 % ni, 2020 yilda 11,5 % ni, 2019 yilda 11 % ni, 2018 yilda 11,4 % ni, 2017 yilda 11,9 % ni tashkil etgan. Bu esa Jahon banki tavsiyasiga asosan, kunlik 2100 kkal dan kelib chiqib hisoblangan.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Восколович Н.А. Экономика платних услуг: уче.пособ. М.: «Экономика», 2007. -366 стр.

2. Ochilov I.S. “Xizmat ko‘rsatish sohasi korxonalarida samaradorlikni oshirish yo‘llari”//Iqtisodiyot va servis, -6/ 2019

[20] O’zbekiston Respublikasi Davlat Statistika Qo‘mitasi ma’lumotlari

3. Xamrayeva S.N. va Samiyeva G.T. Ijtimoiy soha iqtisodiyoti. Darslik/ Qarshi. «Intellekt» nashriyoti, 2022. –460 bet.

TEMUR TUZUKLARIDA – DEMOKRATIYA VA INSON HUQUQLARI G‘OYALARI

Ataxanov Rafikjon Sotvoldievich
“Kokand University” Andijon filialii
«Ijtimoiy-gumanitar va pedagogika fanlari» kafedrasi dotsenti, t.f.f.d. (PhD)
ataxanov1966@gmail.com

Mavzuning dolzarbligi: Yurtimizda inson huquqlari masalasi azaldan eng muqaddas qadriyat hisoblanib, muqaddas dinimizning shariat odob-axloq qoidalari, ajdodlarimizning qadriyatlari, milliy urf-odat va an'analarimiz hamda buyuk mutafakkirlarning ta'limotlari bilan birga yo‘g‘rilgan.

Islomiy fikh manbalarning ilk namunalaridayoq inson huquqlariga katta e'tibor berilganligi, jamiyatda inson huquqlari oliy qadriyat sifatida e'tirof etilganligini ko‘rish mumkin. Qadimiy yozma manbalar, ajdodlarimizning ulkan meroslari, mukaddas diniy ta'limotlar hisoblangan Qur'oni karim, xadisi-shariflar va xatto Zardushtiylikning muqaddas kitobi Avestoda ilgari surilgan g‘oyalar ham inson huquqlari va manfaatlari uchun katta bir ta'limot ekanligi hech kimga sir emas. Xullas, bizning kundalik munosabatlarimizda aks etayotgan inson huquqlari bugun paydo bo‘lib, biz uni boshqalardan o‘rganayotganimiz yo‘q. Inshaolloh, mazkur masala o‘zining qadimiy ildizlariga, mustahkam poydevoriga ega.

Biz quyida fikr yuritib, muhokama va mushohada etmoqchi bo‘lgan mavzu aynan inson huquqlari va demokratik tamoyillar masalasiga tegishli bo‘lib, unda ajdodlarimiz ijtimoiy turmush tarzida qonunlarga amal qilishining qiyosiy tahlili berilgan-ki, uning asnosida shonli tariximiz o‘g‘itlari bugungi kunda o‘z asliyatini topayotganligini guvohi bo‘lamiz.

Mavzuga oid mavjud muammolar: Temuriylar davlatining asoschisi Temurbek Ibn Tarag‘ay, èshligidanoq zo‘ravonlik va zo‘ravonlarga kurash olib borib, jamiyatda adolat me'yorlariga muvofiq ish yuritish tuyg‘ulari bilan birga o‘sdi va kamol topdi. U irodasi va e'tiqodi mustahkam komil inson edi. Ta'kidlab o‘tmoq lozimki, Sohibqiron butun umrini davlatchilik ishlariga bag‘ishlab, Movarounnahrni chingiziylar asoratidan butkul xalos etib, markazlashgan qudratli davlat barpo etishga erishdi. Shu bilan birga davlatni boshqarish, yurt tinchligi va xalq farovonligi, shaharsozlik, qurilish, arxitektura, san'at, adabiyot hamda ilm – ma'rifat sohasida ulkan yutuqlarga erishdi. Markaziy Osiyodagi ijtimoiy – siyosiy va buyuk davlatchilik sièsatining yangi bosqichiga asos solgan Amir Temur o‘zining barcha amaliy faoliyatini shariat qonunlariga va tuzuklariga tayanib yuritgan. U: “Men o‘z saltanatimni boshqarishda uchragan har qanday voqea va ishni tuzuk asosida

bajardim. Shariat qonunlariga itoat qilish, urf – odatga e'tibor berish men uchun katta ahamiyatga ega edi. Mening mamlakatimda turli sohalarda qonunlarga qat'iy amal qilinadigan bo‘lsa, men o‘zimni o‘sha yerda hozir turganday sezardim” – deb ta'kidlagan. Ma'lumki, Sohibqiron Amir Temurning hurmat va e'tiborga molik meroslaridan biri uning siyosiy va huquqiy qarashlari majmui bo‘lgan “Temur tuzuklari”dir. Dunyoning turli tillariga tarjima qilingan ushbu asar, davlatni idora qilish usullari, qo‘shinni tashkil etish qoidalari, urushlarda amalga oshirilishi zarur bo‘lgan turli harbiy uslublar kabi qator siyosiy, huquqiy, harbiy, axloqiy g‘oyalar va me'yorlarni o‘z ichiga olgan. Tuzuklarning markazida inson, uning qadr-qimmati, mamlakat, yurt osoyishtaligi va uning ravnaqi turgan.

Muammoni hal qilish usullari: Ma'lumki Amir Temur o‘z davrida qudratli markazlashgan davlatni barpo etdi va uning poydevorlarini adolatda deb bildi. Temur tomonidan bizgacha yetib kelgan mashhur asari bo‘lmish Temur tuzuklari davlat boshqaruvining mulkka egalik qilish, nochorlarga muruvvat ko‘rsatish, inson huquqlari, demokratiya, ijtimoiy-iqtisodiy siyosat kabi muhim jihatlarini qamrab olgan edi. Shu ma'noda inson huquqlari masalalari buyuk sohibqiron g‘oyalarida asosiy o‘rinni egallagan.

“Temur tuzuklari”da keltirilgan qonun-qoida hamda nasihat va tavsiyalarni tahlil qilib, uni dunyodagi nufuzli xalqaro tashkilot hisoblangan BMTning eng muhim hujjati hisoblangan “Inson huquqlari Umumjahon Deklaratsiyasi”, O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi va boshqa hujjatlarda keltirilgan huquqiy normalar bilan solishtirib, taqqoslashga arzigulik muhim manbadir. Temur bundan 650 yil oldin, erkinlik, ozodlik, demokratiya, inson huquqlari kabi insoniylik tamoyillarga o‘zining tuzuklari tufayli erishdi. Chunki mazkur asarda ko‘rsatib o‘tilgan tuzuklar, ya'ni bugungi kun zamonaviy tili bilan aytganda muayyan huquqiy normalar, inson, uning qadr-qimmati, sha'ni, erkinligi, obro‘-e'tibori oliy qadriyat sifatida himoya qilingan.

Zero, Birinchi Prezidentimiz ta'kidlaganlaridek,: “Mustaqil O‘zbekistonning kuch-qudrat manbai–xalqimizning umuminsoniy qadriyatlarga sodiqligidir” [1]. Shuning uchun O‘zbekiston Respublikasida milliy davlatchilik an'analari o‘tmishga borib taqaladi va o‘sha zamonning eng maqbul qadriyatlari kelajak uchun dasturulamal bo‘lib hisoblanadi. Shu ma'noda Temur tuzuklari, unda zikr etilgan tartib-qoidalar, tavsiyalar va maslahatlar hozirgacha o‘z ahamiyatini yo‘qotmagan

Ilmiy asoslangan taklif va tavsiyalar: Tuzuklarni o‘qir ekanmiz quyidagi satrlarga duch kelamiz: “Har vaqt kengashchilar yig‘ilib, majlis ochilar ekan, yaxshi-yomondan, foyda-ziyondan, oldimizdagi ishlarni qilish-qilmaslikdan so‘z ochib, ulardan fikr so‘rar edim. Bularning so‘zlarini eshitgach, ishning har ikki tomonini mulohaza qilib, foyda-ziyonlarini ko‘ngilga keltirardim” [2]. Binobarin, aynan shunga o‘xshash huquqiy normani Konstitutsiyamizning 36-moddasida ko‘rishimiz mumkin, ya'ni ushbu moddada: “O‘zbekiston Respublikasi fuqarolari jamiyat va davlat ishlarini boshqarishda bevosita hamda o‘z vakillari orqali ishtirok etish

huquqiga ega... ”. Yoki 33-moddasiga ko‘ra: «Har kim fikrlash, so‘z va e'tiqod erkinligi huquqiga ega» [3] – deb ko‘rsatilgan. Tuzuklarda esa Sohibqiron: “Har kimdan so‘z olib kengash so‘rar edim”, “Saltanat ishlarida har kimning so‘zini eshitsin, har kimdan fikr olsin. Qaysi biri foydaliroq bo‘lsa, uni ko‘ngil xazinasida saqlab, vaqtida ishlatsin” [4] – deb fikr bildiradi. Demak, ma'lum bo‘ladiki, Temur qattiqqo‘llik bilan birga boshqalarni ham eshitgan, ularning ham fikrlarini e'tiborga olgan. Eng muhimi qonunga amal qilingan, har bir fuqaroning so‘zlarini tinglagan va ularni e'tibordan chetda qoldirmagan.

Tarixiy manbalardan shu narsalar ma'lumki, Temur biron bir masalani hal etishda albatta shu sohaning taniqli va tajribali bilimdonlari, olimlari bilan bamaslahat ish olib borgan. Taniqli olim I. Mo‘minov o‘zining ―”Amir Temurning O‘rta Osiè tarixida tutgan o‘rni va roli” nomli risolasida Temurning hijriy 806 yilda chaqirilgan olim – fuzalolar kengashida quyidagicha nutq so‘zlaganini keltiradi: “fan va dinning mashhur kishilari o‘z maslahatlari bilan podshohlarga èrdam berib kelganlar. Sizlar esa menga nisbatan bunday qilmayapsizlar. Mening maqsadim mamlakatda adolat o‘rnatish, tartib va tinchlikni mustahkamlash, fuqaroning turmushini yaxshilash, yurtimizda qurilishni kuchaytirish, davlatimizni rivojlantirishdir. Sizlar bu ishlarni amalga oshirishga menga o‘z maslahatlaringiz bilan ko‘maklashishingiz lozim. Agar oldin bizning diqqat – e'tiborimizda o‘zga mamlakatlarni ishg‘ol qilish uchun bo‘lgan harbiy yurishlar turgan bo‘lsa, endilikda mamlakatda xotirjamlik o‘rnatishga qaratilgan tadbirlarni amalga oshirish bosh vazifamizdir” [5].

Shuningdek, Temur o‘z tuzuklarida: «Odam Atodan boshlab Hotam ulanbiyogacha, ulardan hozirgi damgacha o‘tgan sultonlarning qonunlari va turish-turmushlarini donolardan so‘rab-surishtirdim. Har qaysilarining yo‘l-yo‘riqlari, turish-turmushlari, qilish-qilmishlari, aytgan gaplarini xotiramda saqladim va yaxshi axloqlari, ma'qul sifatlaridan na'muna olib, unga amal qildim» degan qoidani vasiyat qiladi. Vaholanki, konstitutsiyamizning 60-moddasida ham shu kabi quyidagi jumlalarni uchratish mumkin: «Fuqarolar Konstitutsiya va qonunlarga rioya etishga, boshqa kishilarning huquqlari, erkinliklari, sha'ni va qadr-qimmatini hurmat qilishga majburdirlar».[2]

Temur davlatni boshqarishda mazkur qonun – qoidalarni barchaga barobar ravishda qo‘llagan. Tartibni buzgan va o‘z vazifasini bajarmagan kishilarga qattiqqo‘llik bilan munosabatda bo‘lgan. Xususan¸ o‘z farzandlariga, nabiralariga va qarindosh-urug‘lariga taalluqli bo‘lgan taqdirda ham ularning barchasi tegishli jazoni olganlar. Bu o‘rinda erkinlik va adolatlilik o‘sha davrning o‘ziga xos xalqchil tamoyillari sifatida asosiy mezon bo‘lib xizmat qilgan. Endi ushbu tuzukni zamonaviy qonunlarimizda aks etishiga e'tibor bering: Chunonchi, konstitutsiyaning 15, 16, 19-moddalarida qonun ustuvorligi haqida gapirilib, “...O‘zbekiston Respublikasida barcha fuqarolar bir xil huquq va erkinliklarga ega bo‘lib, jinsi, irqi,

millati, tili, dini, e'tiqodi, ijtimoiy kelib chiqishi, ijtimoiy mavqeidan qat'i nazar, qonun oldida tengdirlar” degan konstitutsiyaviy huquq belgilab qo‘yilgan [3].

Eng muhimi Temur davlat boshqarishda miskinlar, faqirlar, kambag‘allar, nochor va yolg‘iz kimsalarga misli ko‘rilmagan iltifot va savob ishlarni amalga oshirdi. Tuzuklarda yozilishicha: “Darvish, faqir va miskinlarni o‘zimga yaqin tutdim, ularning ko‘ngillarini og‘ritmadim va biron talablarini rad etmadim. Buzuqi va og‘zi shaloq g‘iybatchi odamlarni majlisimga yo‘latmadim, so‘zlariga amal qilmadim. Biror kimsaga tuhmatu g‘iybat qilsalar, quloq solmadim” [4]. Mazkur tuzuk bizga konstitutsiyadagi 20-va 43-moddalarni aks ettiradi. Unda aytilishicha: “insonning konstitutsiya va qonunlarda mustahkamlab qo‘yilgan huquq v erkinliklarinidaxlsizdir”, “Davlat fuqarolarning bandligini ta'minlash, ularni ishsizlikdan himoya qilish, shuningdek kambag‘allikni qisqartirish choralarini ko‘radi” [3]

Xulosa sifatida alohida ta'kidlab o‘tmoq joyizki, “Temur tuzuklari” va O‘zbekiston Respublikasining amaldagi Konstitutsiyaviy qonunlar majmui o‘z mazmun-mohiyatiga ko‘ra hamohangdir. Ularning biri ikinchisini inkor etmaydi, balki to‘ldiradi. Tuzuklar milliy davlatchilik asoslarini barpo etish, huquqiy-fuqarolik demokratik jamiyatni tuzishda va unga erishishda katta ahamiyatga ega. Agarda, Konstitutsiyamizni inson huquq va erkinliklarining asosiy kafolati, milliy-ma'naviy qadriyatlarimiz, inson hayoti va sha'nini kafolatlovchi asosiy normativ-huquqiy hujjat deb hisoblasak, Tuzuklarni esa inson huquqlarini himoya qilish va ularni amalga oshirish yo‘llarini, mezonlarini hayotiy tajribada ko‘rsatib beruvchi, tarix sinovlaridan o‘tgan buyuk manba, ta'limot sifatida anglamog‘imiz lozimi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Karimov I. O‘zbekiston: milliy istiqlol, iqtisod, siyosat, mafkura. T, 1993, 74-b.

2 Temur tuzuklari. Forschadan Alixon Sog‘uniy va Habibullo Karomatov tarjimasi. t.f.d, prof. B.Ahmedov tahriri ostida. T:, 1991. B. 15:

3. https://constitution.uz/uz/clause/index

4. Temur tuzuklari. Toshkent. 1991. B. 16, 19, 55.

5. I.Mo‘minov. Amir Temurning O‘rta Osiè tarixida tutgan o‘rni va roli. Toshkent. 1993. B. 22-23

КОРХОНАЛАРНИ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Тохиржонов Асадбек Санжарбек ўғли
Андижон машинасозлик институти,
4 курс, Иқтисодиёт йўналиши талабаси
(Илмий раҳбар. Иқтисодиёт кафедраси
катта ўқитувчиси **Г.А.Саттикулова)**

Кишилик жамиятининг вужудга келиши, яъни жамоа бўлиб яшаш ва ишлаш инсоният онгининг такомиллашиб боришига туртки бўлди. Инсоният онгининг ривожланиши натижасида борлиқни ўрганиш борасида турли фикр ва қарашлар пайдо бўла бошлади. Хўжалик фаолиятини иқтисодий таҳлил қилиш фикри ҳам жамият ривожланишининг натижасидир. Корхоналарни тўғри, оқилона бошқариш, унинг молиявий ҳолатини яхшилаш, рақобатбардошлик қувватини ошириш хўжалик фаолиятини чуқурроқ ўрганишни талаб қилади. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида турли мулк шаклидаги корхоналар фаолиятига тўлиқ эркинлик берди. Янгича иш юритиш, жумладан, ташқи ва ички бозордан тажрибали мижоз ва ҳамкорларни танлаш билан бирга уларнинг молиявий имкониятларини ўрганиш долзарб масала бўлиб майдонга чиқди. Корхоналарнинг хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш, уларнинг ишларини яхшилаш корхона самарадорлигини оширишнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади. Хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш корхоналарнинг ишлаб чиқариш, молиявий, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш даражасини аниқлашга ёрдам беради, фойдаланилмаётган ресурсларни аниқлаб, уларнинг келгусида янада ривожланиши, уларнинг молиявий ҳолатини яхшилаш учун зарур тавсияларни ишлаб чиқишга имкон беради. Бозор муносабатларининг шаклланиши, ривожланиши кўп укладли бозор иқтисодиётини барпо этиш, ҳар хил шаклдаги бизнесни ва ишбилармонликни ривожлантириш шунга олиб келадики, корхоналар фаолиятининг молиявий натижалари – фойда ва рентабеллик корхоналар фаолиятининг асосий кўрсаткичларига айланади. Республикамиз бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтаётган бир шароитда иқтисодиёт секторларининг узлуксиз фаолият юритиши ва барқарор ривожланиши муҳим ҳисобланади. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки босқичида иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг ғоят муҳим йўналишларини белгилаб берувчи асосий устувор усуллар белгилаб олинди. Мазкур масалаларни тўғри мушоҳада қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2023-йили Олий Мажлисига қилган Мурожаатномасида ушбу масалага танқидий баҳо бериб, шундай деган эдилар: “Янги Ўзбекистонни яратишда, олдимизда турган биринчи ва асосий вазифа – бу изчил иқтисодий ўсиш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни модерни-зациялаштириш ва рақамли технологияларни жорий этиш макроиқтисодий ва молиявий барқарорликка эришишнинг асоси ҳисобланади”. Шу жиҳатдан қараганда, корхоналарнинг барқарор фаолият юритишида, ишлаб чиқариш жараёнининг барча элементлари, шу жумладан, бухгалтерия ҳисоби, аудит ва иқтисодий таҳлил мукаммал ишлаши керак.

Иқтисодиёт секторида бозор муносабатларини чуқурлаштириш ушбу соҳада иқтисодий ислоҳотларни янада жадаллаштиришни тақозо этади. Шу сабабли молиявий ҳисобот шакллари ва уларнинг таҳлилини

такомиллаштириш, уни барча секторларнинг тузилмасига ва ўзгаришларига мос тарзда қайта қуриш, корхонанинг молиявий-иқтисодий ҳолатини ўрганиш ва назорат қилишнинг мақсадли шаклини ишлаб чиқиш ҳамда қарор топтириш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Шу жиҳатдан ҳам кейинги йилларда республикамизда бошқарув ва молиявий таҳлилга эътибор кучайган. Агар илгари корхоналарнинг хўжалик фаолиятини, уларнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш билан фақат молия, банк, статистика органлари ва юқори ташкилотлар шуғулланган бўлсалар, эндиликда бу иш билан юқорида кўрсатилган ташкилотлардан ташқари солиқ органлари, аудиторлик идоралари, жамоа ташкилотлари, ационерлар, таъминловчилар, истеъмол-чилар ва бошқа органлар, ташкилотлар ҳам шуғулланишмоқда. Бу ҳолат молиявий таҳлил, жумладан, уни бажариш услуби олдига янги талаблар қўймоқда. Саноат корхоналарида молиявий фаолият таҳлили йўналишлари, бизнинг фикримизча, қуйидаги соҳаларни ўз ичига олади: глобал мақсадлар (ташкилот самарадорлигини ошириш учун яширин, фойдаланилмаётган захираларни аниқлаб топиш, бунинг натижасида мумкин бўлган максимал фойдани олишга эришиш); умумий мақсадлар (бошқарув қарорларини асосли қабул қилиш учун материаллар тайёрлаш); шахсий мақсадлар (аниқ иқтисодий вазият билан белгиланади).

Xulosa o‘rnida shuni aytish mumkinki, korxonalardagi bunday muammolarni hal

qilish uchun va moliyaviy ko‘rsatkichlarni yaxshilash bo‘yicha quyidagi chora-tadbirlarni

amalga oshirish maqsadga muvofiqdir: xarajatlarni kamaytirish (ularni optimal-

lashtirishni maksimal darajada oshirish). Bu tadbirlar foydaning pasayishini to‘xtatishga

yordam berishi kerak. Xarajatlarni samarali nazorat qilish tizimini yaratish xarajatlarni

kamaytirishning juda samarali usuli hisoblanadi. Xarajatlarni to‘g‘ri hisobga olish orqali

kamaytirish mumkin. Ishlab chiqarish jarayonidagi roliga qarab zaxiralarning konsen-

tratsiyasini o‘zgartirish orqali faoliyat turg‘unligini oshirish, zaxiralar miqdorini

kamaytirish kerak. Yaponiyaning “Just in time” usulini qo‘llash maqsadga muvofiq. Shu

bilan birga, tovarlarni markazlashtirilgan saqlash va chiqarish, hujjat aylanishining tezligi

va sifatini oshirish kabi samarali nazorat tartiblarini joriy etish orqali sotib olish

buyurtmalari sohasidagi faoliyatga alohida e’tibor qaratish lozim.

Xulosa o‘rnida shuni aytish mumkinki, korxonalardagi bunday muammolarni hal

qilish uchun va moliyaviy ko‘rsatkichlarni yaxshilash bo‘yicha quyidagi chora-tadbirlarni
amalga oshirish maqsadga muvofiqdir: xarajatlarni kamaytirish (ularni optimal-
lashtirishni maksimal darajada oshirish). Bu tadbirlar foydaning pasayishini to‘xtatishga
yordam berishi kerak. Xarajatlarni samarali nazorat qilish tizimini yaratish xarajatlarni
kamaytirishning juda samarali usuli hisoblanadi. Xarajatlarni to‘g‘ri hisobga olish orqali
kamaytirish mumkin. Ishlab chiqarish jarayonidagi roliga qarab zaxiralarning konsen-
tratsiyasini o‘zgartirish orqali faoliyat turg‘unligini oshirish, zaxiralar miqdorini
kamaytirish kerak. Yaponiyaning “Just in time” usulini qo‘llash maqsadga muvofiq. Shu
bilan birga, tovarlarni markazlashtirilgan saqlash va chiqarish, hujjat aylanishining tezligi
va sifatini oshirish kabi samarali nazorat tartiblarini joriy etish orqali sotib olish
buyurtmalari sohasidagi faoliyatga alohida e’tibor qaratish lozim.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, корхоналардаги бундай муаммоларни ҳал қилиш учун ва молиявий кўрсаткичларни яхшилаш бўйича қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир: харажатларни камайтириш (уларни оптималлаштиришни максимал даражада ошириш). Бу тадбирлар фойданинг пасайишини тўхтатишга ёрдам бериши керак. Харажатларни самарали назорат қилиш тизимини яратиш харажатларни камайтиришнинг жуда самарали усули ҳисобланади. Харажатларни тўғри ҳисобга олиш орқали камайтириш мумкин. Ишлаб чиқариш жараёнидаги ролига қараб захираларнинг концентрациясини ўзгартириш орқали фаолият турғунлигини ошириш, захиралар миқдорини камайтириш керак. Япониянинг “Just in tim” усулини қўллаш мақсадга мувофиқ. Шу билан бирга, товарларни марказлаштирилган сақлаш ва чиқариш, ҳужжат айланишининг тезлиги ва сифатини ошириш каби самарали назорат тартибларини жорий этиш орқали сотиб олиш буюртмалари соҳасидаги фаолиятга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Ortiqov A.A.Sanoat iqtisodiyoti Darslik.- T.:Sano-Standart, 2014-304b
2. https://www.norma.uz/
3. Иванов И.Н., Беляев А.М и др. Производственный менежмент. Учебник для бакалавров/ под. Ред. И.Н. Иванова.-М.: Юрайт, 2013.-574 с.

РАЗВИТИЕ И ОПТИМИЗАЦИЯ ПРОМЫШЛЕННОГО ПРОИЗВОДСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ

Саттикулова Гулнорпа Ахмадхоновна
Старший преподаватель кафедры Экономики, Андижанского машиностроительного института, Узбекистан

В условиях современного мирового рынка промышленное производство становится одним из ключевых факторов экономического развития для многих стран, включая Узбекистан. Эффективность и конкурентоспособность промышленного сектора играют важную роль в обеспечении устойчивого экономического роста. В данной статье мы рассмотрим особенности и перспективы оптимизации промышленного производства в Узбекистане.

Состояние промышленного производства в Узбекистане:

Промышленный сектор Узбекистана представлен различными отраслями, такими как текстильная, химическая, металлургическая, энергетическая и другие. В 2023 году объем валового внутреннего продукта (ВВП) Узбекистана в текущих ценах составил 1,06 квадриллиона сумов. Реальный рост по сравнению с уровнем 2022 года составил 6%. Наибольший вклад в экономической рост внесли сфера услуг (2,6%) и промышленность (1,5%).




Рис 1. Динамика роста предприятий в отрасли промышленности за период с 2020 по 2024 года

Динамика роста предприятий за соответствующие периоды последних лет отразилась в следующем виде: 2020 года – 75 443 ед; 2021 года – 89 989 ед; 2022 года – 97 143 ед; 2023 года – 105 884 единиц и на 1 февраля 2024 года уже зарегистрировано – 110 540 единиц промышленных предприятий в различных регионах Узбекистана, а темпы роста по сравнению с аналогичным периодом 2023 года составили 104,4 %. *(источник данных: государственный комитет статистики Узбекистана).* Рост предприятий говорит о развитии промышленного сектора республики, но для развития экономики необходимо оптимизировать производство, повысить производительность труда.

На данное время проблемой оптимизации промышленного производства в Узбекистане является низкая производительность труда и оборудования, что снижает конкурентоспособность продукции на мировом рынке. Недостаточная эффективность использования ресурсов также влияет на снижение конкурентоспособности и увеличение издержек.

Для улучшения производительности труда промышленного производства в Узбекистане необходима модернизация производственных технологий, развитие кадрового потенциала и стимулирование инноваций в производство. Инновации являются ключевыми мерами по оптимизации промышленного производства в Узбекистане. Объем инвестиций в развитие промышленности Узбекистана за период с 2022 по 2023 год составил 14862,3 млн.долларов, что способствовало модернизации производственных мощностей и внедрению новых технологий. Только в Андижанской области в 2022 году было инвестировано в промышленность 428,5 млн.долларов, а в 2023 году инвестиции в производство Андижанской промышленности увеличилось на 53,5 %, что составило 800,2 млн.долларов.

Уровень безработицы по итогам 2023 года в условиях устойчивого роста экономики 8% (в 2022 году — 8,9%). В 2024 году ожидается сохранение тенденций к снижению числа безработных, а уровень безработицы прогнозируется около 7,5−8% на фоне создания новых рабочих мест в промышленном секторе экономики, что свидетельствует о росте занятости в данной отрасли.

Оптимизация промышленного производства в Узбекистане является важным фактором для достижения устойчивого экономического роста и конкурентоспособности на мировом рынке. Модернизация технологий, развитие человеческого капитала и стимулирование инноваций помогут преодолеть существующие проблемы и обеспечить успешное развитие промышленного сектора страны.

Библиографический список.

1. Государственного комитета Республики Узбекистан по статистике. https://stat.uz/uz/ochiq-ma-lumotlar/umumiy-ma-lumotlar/443/

2. Тарасов П. С. Оценка производственного потенциала. Региональная экономика: теория и практика - Региональная экономика: теория и практика, 2009, № 35 (128), с. 8-15.

3. Maludakxan, Saidova, and Sattikulova Gulnora Akhmadkhonovna. "Distinctive Features of the Development of Industrial Production." *Telematique* 22.01 (2023): 663-667.

СИСТЕМНЫЙ ПОДХОД К ПРЕДВАРИТЕЛЬНОЙ ПОДГАТОВКИ СУШКИ ВИНОГРАДА

Юсупов М.Т.
доцент факультета Андижан
Ташкентского экономического университета
Тожибоев Абдумумин Мухторжон угли
Андижанский машиностроительний институт,
Студент 3-курса по специальности
“Информационные системы и технологии”

Известно, что изучение процесса и явлений на уровнях иерархии требует дальнейшего развития этого принципа применительно к сельхозпродуктам при наличии их живых клеток на стадиях переработки.

Поэтому на втором уровне иерархии элементом системы является рабочая камера, где происходят межфазные – межсистемные процессы. Рабочая камера сушильных установок обеспечены вспомогательными оборудованиями (вентилятор, вакуум-насос и фильтр). В данном уровне иерархии улучшение организации процесса сушки достигается путем подбора конструктивных элементов рабочей камеры, такие как тип нагревателя, отражателя, а также определением длины волны ИК-излучением.

С целью совершенствования процесса сушки винограда, изучения тепло- и массообменных явлений, протекающих в продуктах при их обработке, и определения влияния различных факторов на качество сушеного продукта проведен комплексный анализ технологической линии и обоснована ее иерархическая структура.

Высокая температура и большая продолжительность сушки способствуют развитию окислительных процессов.

Целесообразность применения новых физических методов подвода энергии в поле ИК- диапазона обусловлено высокой эффективности при предварительной обработки и сушки сельскохозяйственных продуктов. Следовательно в качестве источника ИК- излучения необходимо использовать генераторы, длина волны излучения которых находится в диапазоне соответствующем наибольшей пропускательной способности продукта в зоне предварительной обработки а в зоне сушки наиболее поглощательной способности влаги. С этой точки зрения, на основе проведенных экспериментальных и теоретических исследований определены оптимальные значение тепловых потоков в процессе переработки сельхозпродуктов.

Таким образом, выбранные режимы для предварительной обработки и сушки, является целенаправленным для интенсификации процесса сушки.

Применение новых физических методов сушки дает возможность получить следующие результаты:

- сократить продолжительность процесса сушки;
- уменьшить затраты энергии на единицу готовой продукции за счет эффективности процесса сушки на этапе ИК- воздействия;
- повысить качество сушеных продуктов в результате сохранения ценных компонентов.

С этой точки зрения для разработки энергосберегающей технологии по переработке винограда нами разработано нетрадиционный способ сушки новым физическим методом подвода энергии. Однако для широкой реализации предлагаемой способ сушки необходимо решить проблемы воздействия источника ИК- излучателей и ее распределение на поверхности высушиваемого продукта.

На основе экспериментальных и теоретических предпосылок определены пропускательные и поглощательные способности высушиваемого продукта в области ИК- диапазона.

Путем математического моделирование изучены взаимовлияния всех систем в процессе сушки и определены оптимальные значение влияющих факторов такие, как длина волны излучения λ, плотность теплового потока q, толщина слоя продукта δ, удельная нагрузка σ на единицу площади F сушильной камеры а также режим сушки в области ИК- диапазона.

При этом задача состоит в том, чтобы в процессе предварительной ИК - обработки и сушки, в первую очередь, максимально сохранить состав винограда.

Для этого построена линия первичного обработки сушки винограда.

На этот основе разработана рациональная технологическая схема, которая призвана позволить получать высококачественную сушеную продукцию.

Технологическую линию переработки винограда можно представит в виде большой системы. Здесь технологические процессы можно представить в виде подсистемы получения высушенного продукта из винограда. Данная система подвергается к декомпозиции и на втором этапе анализа имеет место ряд под систем, состоящих из следующих аппаратов:

Подсистема 2.2.1. – аппарат для мойки. В этом объекте протекают процесс очистки поверхности продуктов от наружных примесей с помощью промышленной воды, а также частичная сортировка и удаление наружных сопутствующих веществ[3].

Подсистема 2.2.2.- аппарат для предварительной обработки винограда, котором происходит обработка продуктов под ИК -воздействием с

соответствующей длиной волны. Благодаря этому существенно возрастает коэффициент диффузии влаги в материале.

Подсистема 2.2.3.- аппарат для сушки. Здесь протекает процесс удаления влаги в воздушную среду.

Подсистема 2.4. представляет собой в процессе расфасовки и упаковки высушенного продукта.

В рассмотренных подсистемах второго уровня иерархии основные тепломассообменные процессы происходят в системах 2.2. и 2.3.

С целью комплексного анализа процесса сушки винограда нами составлена технологическая схема с детализацией по уровням иерархии (рис.1.).

На втором уровне иерархии нами рассмотрена под система 2.3., которая представляет собой аппарат для предварительной обработки. Совершенствование организации процесса достигается за счет конструктивных параметров аппарата, а управление процессом осуществляется путем изменения технологических параметров.

Для детального изучения тепломассообмена на третьем уровне иерархии под система 2.2. расчленена на подсистемы 2.2.1 и 2.2.2. Элементами подсистемы являются нагреватель и твердая фаза. Выбор нагревательного элемента осуществлен на основе изучения ТФХ и ТРХ винограда. Процесс нагрева твердой фазы в под системе 2.3 осуществляется под воздействием системы 2.2.1. Механизм действия излучения на облучаемые вещества (твердую фазу) касается превращения лучистой энергии в тепловую.




Рис. 1.а. Иерархическая структура процесса предварительной обработки винограда

На четвертом уровне иерархии подсистема 2.2.2 (твердая фаза) расчленяется на подсистемы твердая и локальная сплошная фазы.

Подсистема локальная сплошная фазы представляет собой ленту транспортера. При анализа этого объекта рассматривается механизм движения транспортера, процесс нагрева и механизм пропускания T_λ, отражения R_λ материала ленточного транспортера. Однако при этом основным является равномерность распределения лучистого потока на поверхности облучаемого продукта. Оптимальная обработка винограда состоит в обеспечении времени пребывания ленточного транспортера в зоне облучения. В процессе обработки винограда за счет проникновения и поглощения ИК - лучей происходит нагрев под системы, в связи, с чем частично удаляется влага из продукта.

Таким образом, элементами четвертого уровня иерархии являются твердая и локальная сплошная фазы.

Управление процессами осуществляется за счет регулирования равновесия в системе, выражаемого в виде разности температур и скорости воздуха.

Улучшение организации процесса достигается за счет обеспечения равномерного распределения твердой фазы в сплошной. Математическая модель подсистемы включает в себя математические описания процессов, протекающих в системах с твердой фазой, уравнения равновесной влажности, коэффициента и скорости сушки.

На пятом уровне иерархии происходит совокупность химических и теплофизических явлений имеющих место в элементах твердой фазы. Структурными элементами здесь выступают белки, сахара, витамины и микроэлементы, находящиеся в составе твердых частиц.

Анализ результатов, проведенных на компьютерных моделях, показывает возможность интенсификации процесса сушки виноградных материалов. Продолжительность процесса сушки может быть уменьшена до 12-14 суток. Это является в настоящее время предельным, меньше этого времени при обычных условиях осуществить процесс нормальной сушки невозможно.

Вместе тем уровень развитие научных исследований пока не может осуществить количественную оценку явлений и процессов. Однако представленное определение иерархической структуры процессов переработки сельхозпродуктов позволяет анализировать представляемых явлений и процессов и дать оценку им.

Литература

1. Маматкулов А.Х., Юсупов М.Т. Системный анализ сушки винограда // Узбекский химический журнал. - Ташкент, 2006. - №6. - С.46-50 (02.00.00; №6).

2. М.Т. Юсупов, А.Х. Маматқулов. Узумни қуритиш жараёнини жадаллаштириш усуллари // «Вестник ТГТУ. – Ташкент, 2009. - № 1-2. -С.151-154 (02.00.00;№11).

3. Х.Ф. Джураев, Н.Р. Юсупбеков, А.А. Артиков и др. Промышленные испытания способа сушки дыни по схеме вяление — конвективная сушка, «Хранение и переработка сельхозсырья», 2002. № 3. с.36-

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА БУНЁДКОРЛИК ЭҲТИЁЖЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Қувватова Феруза
Андижон машинасозлик институти “Иқтисодиёт” мутахассислиги 2-босқич магистранти

Аннотация. Мақолада янгиланаётган Ўзбекистонда ёш авлодни замонавий билимларга эга бўлган рақобатбардош кадрлар қилиб шаклланишларида бунёдкорлик эҳтиёжларини ўрни ва аҳамияти тўғрисида маълумотлар таҳлил қилинган. Шу билан бирга мақолада аҳамиятга молик мулоҳазалар ва таклифлар берилган.

Калит сўзлар. Янги авлод, ахборот коммуникация технологиялари, ахборот асри, интернет, бунёдкорлик эҳтиёжлари, рақамли иқтисодиёт.

Янгиланаётган Ўзбекистонда ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, мафкуравий соҳаларда инсон капиталига, айниқса, ёшлар тарбиясига беқиёс эътибор берилмоқда. Республикамиз аҳолисининг 60 фоиздан кўпроғи ёшларни ташкил этиши туфайли ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш ва уларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган.

Янгиланаётган Ўзбекистонда бугунги кунда ёшларнинг тарбиясига ва уларнинг камол топишига катта аҳамият қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Ёшларни замонавий билим ва тажрибалар, миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида мустақил ва мантиқий фикрлайдиган, эзгу фазилатлар эгаси бўлган инсонлар этиб вояга етказамиз” деб таъкидланган[1. 6-б.]. ёш авлодни ва унинг эҳтиёжларини тадбиркорлик руҳида шакллантириш ва ривожлантиришнинг имкониятлари ва амалиёти бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримов “Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори авваламбор фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир” – деган эди. [2.28-бет]. Инсон тарбияси – шахсни ижтимоийлаштириш, жамият тараққиётининг фаол ижодкори қилиб тайёрлаш мақсадида жисмоний ва маънавий баркамол бўлиб етишишига таъсир кўрсатиб борадиган ижтимоий жараёндир. Мамлакат миқёсида бўлаётган ислоҳотларни ва ўзгаришларни онглай оладиган, ўзи истиқомат қилаётган оиласи, маҳалласи, қишлоғи, шаҳарининг ривожига ҳисса қўшишга интиладиган даражада таълим ва тарбия олган жисмонан соғлом ва маънавиятли етишиб келаётган авлод ижтимоий фаол шахс бўлиб шакллана олади. Ривожланган илғор жамиятларгина шундай ижтимоий муҳитни яратиш имкониятига эгадирлар.

БМТ Бош Ассамблеясининг 2017 йил 19 сентябрь кунидаги 72-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир” [3] - деб айтган даъвати глобал аҳамият кашф этиб янгиланаётган мамлакатимизда кенг миқёсда амалга оширилмоқда ва ижобий натижалар бермоқда.

Инсон тирик организм бўлганлиги учун ҳам унга эҳтиёжлар хосдир. Шаклланган туғма ва ижтимоий эҳтиёжлар инсонни ҳаракатга чорлайдиган ички кучидир. Инсон эҳтиёжлари, одатда, ўз мазиунига кўра 1) табиий, 2) маънавий (интеллектуал), 3) социал характерда бўлади.Табиий эҳтиёжлар бу – инсоннинг озиқ-овқатга, кийим-кечакка, уй-жойга, уйқуга, дам олишга, иссиқликка ва шу кабиларга бўлган эҳтиёжларидир.Табиий эҳтиёжларга хослик шундан иборатки, улар миқдор ва сифат жиҳатидан чегарага эга, ҳажмга боғлиқ. Масалан, озиқ-овқатга, уйқуга бўлган эҳтиёжлар каби. Маънавий (интеллектуал) эҳтиёжлар инсоннинг маънавий ҳаёти билан боғлиқ бўлиб, инсоннинг билим олишга, илму фанга, маданиятга, динга ва шу кабиларга бўлган эҳтиёжларидир. Ижтимоий тараққиёт маҳсули бўлган инсонга социал эҳтиёжлар ҳам хосдир.Социал эҳтиёжлар бу инсоннинг жамиятда яшашга, ҳамжиҳатлик ёки рақобатга, бир-бири билан муносабатда ва мулоқотда бўлишига, қисқаси, инсоннинг инсонга бўлган эҳтиёжларидир. Маънавий ва социал эҳтиёжлар чегарасиз, ҳажмсиз бўлиб, улар жамият ва давлат томонидан қонунлар, қоидалар, урф-одатлар, расм-русумлар, анъаналар, менталитет, аҳлоқ, одоб, дин, эътиқод ва шу кабилар орқали тартибга солинади, назорат

қилинади. Инсон маънавияти унинг маънавий эҳтиёжларини қондириш орқали шаклланади. Маънавий эҳтиёжлар эса маънавий ноз-неъматлар билан қондирилади. Маънавий ноз-неъматлар моддий ва номоддий бўлади.

Ёшларнинг ижтимоий фаоликка бўлган эҳтиёжларининг шаклланиши жараёнига бу сифатларга хос фазилатларни сингдириш психологик ва педагогик жиҳатдан мураккаб, кўп қиррали ва узоқ муддат талаб қилгувчи, шу билан бирга, янги вазифаларни белгилаб берадиган ниҳоятда долзарб муаммолардан биридир. Яхши тайёргарлик билан амалга оширилган ушбу услублар ижобий натижалар беради.

Рақамли иқтисодиётни амалда қўллай бошлаган Янги Ўзбекистонда замонавий технологияларга мос ёш авлодни тарбиялаш, дунё бозорида рақобатбардош бўла оладиган малакали мутахассисларни тайёрлаш устувор вазифалардан қилиб белгиланиб олинган ва ҳаётда ўз аксини топмоқда. Шунинг учун ҳам инсон омилига ва унинг ривожланишига мамлакатимизда катта инвестициялар киритилмоқда ҳамда юксак даражада эътибор қаратилмоқда. Яна шуни таъкидлаш мумкинки, бугунги кун баркамол авлод ёшларнинг тарбиялашда ахборот-комуникация технологияларини ўрганиш етакчи ўринни эгаллайди. Яъни, бугунги куннинг замонавий малакали мутахассиси бўлиши учун замонавий билимдан орқада қолмаслигимиз кераклигини келажак авлод ёшлари онгига сингдиришимиз зарур бўлади.

Ilmiy rahbar: i.f.n., dotsent M.Axunov

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29 декабрь 2021 йил.
2.Ш.Мирзиёев. Инсон манфаатлари ва ҳуқуқларини таъминлаш-демократик жамиятнинг асосидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи. 2017 йил 19 сентябрь. 1. Ш.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. Т., “Ўзбекистон” нашриёти, 2021 й. 82-бет.
3. **“**Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”. Тошкент ш., 2017 йил 7 сентябрь,ЎРҚ-443-сон.
4. Замонавий таълимда рақамли технологиялардан фойдаланиш истиқболлари. Хашимова Д.П., Парпиева Р.А. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 3, may-iyun, 2020 yil.

5. М.Ахунов. Инсон эҳтиёжлари ва ёшларнинг маънавий тарбияси. “Илмий хабарнома” журнали,№4, Андижон, 2013 йил.

6. М.Ахунов. Инсон омили - ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг етакчи кучи ва бош мақсади. “Илмий хабарнома” журнали,№ 1, Андижон ,2016 йил, 50-бет.

4-Sho‘ba

EFFECTIVE PERSONNEL MANAGEMENT IN INDUSTRIAL ENTERPRISES

Zanabitdinov Sanjarbek Vladimirovich
Andijan Mechanical building Institute "Economics"
1st stage graduate student

Abstract: This article presents opinions on the issues of effective personnel management in industrial enterprises.
Key words: industrial enterprise, personnel, efficiency, labor productivity, scientific management.

One of the most important factors is that companies focus on their personnel in the conditions of globalization. Systematic application of personnel management functions is the way to economic stability. Because the mood of the business is proportional to the mood of the staff. Therefore, providing the right motivation to personnel is one of the most important tasks in ensuring the organizational and socio-economic stability of enterprises. Currently, in the conditions of effective economic reforms implemented in our Republic, it remains clear that the basis of the success of enterprises is to constantly increase the attention to human resources. The experience of developed countries is a clear proof of this. The process of effective management of employees in enterprises is directly related to the function of motivation. Therefore, in terms of influencing personnel, motivation and the theoretical justification of the ways of influencing personnel through it are important. Personnel management activity and motivational factors affecting it have been constantly in the focus of attention of economists.

As the world progresses, it is necessary to improve the motivational system of influencing employees. Motive is seen as a factor, an incentive to fulfill a certain goal in human activity. Motivation (lat. movere) means to arouse. When analyzing the essence of motivation, we need to consider different theories of scientists. F.Taylor, one of the founders of the school of scientific management, a famous specialist in industry, offered scientific knowledge on scientific organization of work, motivation of personnel through material incentives, effective management of production [1].

This system was aimed at maximum utilization of personnel, which meant that weak workers were forced to quit and perform at a high level regardless of the opportunity. The disadvantages of this system are that each person's unique nature and energy capacity were not taken into account. This has led to the alienation of workers, and in many cases to damage to their health. As a result, the workers who could not meet the specified demand lost their enthusiasm for work. However, efficiency will be high if work is organized based on this system by choosing the average rate of labor.

Another theory that has a motivational impact on personnel belongs to the representatives of the school of human relations. Elton Mayo, the main representative of the school of human relations, conducts research in a textile factory in Philadelphia in 1923-1924. He concluded that the work of the spinners in the factory was not well respected and, moreover, the opportunities for communication with each other were limited due to the working conditions. This gave him the opportunity to suggest that changing working conditions rather than raising wages was the key to reducing turnover. In agreement with the administration, E. Mayo experimented with establishing 10-minute breaks for workers to rest. The result was better than expected, the morale of the workers improved, the volume of production increased, and the inefficient turnover of personnel decreased dramatically.

Later, after the enterprise inspector canceled these breaks, the situation returned to its old state. This proved that E. Mayo's experience paid off. The goal of the representatives of the school of human relations was to eliminate the alienated system of labor and introduce a system based on the principles of mutual respect, and they achieved this. The shortcoming of this school-based system was that all personnel were treated equally humanely. But since the nature of all the employees of the enterprise is different, it is necessary to apply human relations based on individual character and interests. Another representative of management theories is prof. D. McGregor also put forward a unique theory of personnel motivation [2]. According to him, leaders should use theories XII and VII to influence subordinates. According to the XII theory, although a certain person knows that work is necessary, based on his nature, he does not like it and tries to avoid it whenever possible. Such passive personnel do not want to take responsibility.

Therefore, it is emphasized that they should be strictly controlled and used strictly. According to theory VII, work is a hobby for personnel. Therefore, he continues to work with great enthusiasm even if he is not controlled. It is emphasized that the appreciation of such personnel, appropriate treatment and appropriate encouragement will further develop their activities. After the 30s of the 20th century, meaningful concepts of personal motivation began to appear.

On the basis of this theory, an attempt was made to determine the motivation that drives the personnel and to influence the personnel based on this. The most widespread concept based on the content theory is considered to belong to Abraham Maslow, according to which it is emphasized that the motivations of the personnel come from their own needs. According to this theory, all externalities can be arranged in the form of a strict hierarchical structure [3]. According to him, needs have the following order: 1. Physiological needs 2. Stability needs 3. Social needs 4. Respect and recognition needs 5. Self-expression needs. Physiological needs are of primary importance and include food, clothing, water, shelter and other essential needs.

Stability needs, i.e., the stability of the workplace where the staff is present, security needs, the necessary length of service and security against other internal and

external influences. On the basis of social needs, the personnel wants to be a member of a relevant group in the enterprise, to feel the need to be accepted by others, to be loved and supported by the team and the leader. The need for respect, that is, the need that occurs in most workers, and by satisfying it, the personnel achieves self-esteem in the workplace. The need for self-expression, that is, the need for personal growth, self-improvement and work. According to D. Greenberg and R. Baron, A. Maslow's theory provides several effective ways to satisfy needs while doing work [4]. That is, the system of motivating personnel based on their existing needs.

Even now, the systematic use of Maslow's pyramid of needs in personnel motivation improves work motivation. A. Maslow's theory has been criticized a lot. But this concept is the starting point for the development of a motivational system in the management of enterprise personnel. David McClelland is another scientist who saw the motivation of personal activity based on needs. According to his scientific opinion, the staff feels the need for power, success, and belonging. Makklel and power success affiliation personal theory according to McClelland's theory. The scientist emphasizes that the desire to influence others, to have one's say, to draw others' attention to oneself, and to be eloquent comes from the desire for power. The need for achievement is the need to enjoy one's work and the pursuit of victory based on doing it with interest and interest.

Those who feel the need for success among the existing personnel in the company tend to take responsibility, take risks based on knowledge in work, and solve problems effectively. Individuals with a need for belonging tend to care about their team, are helpful, prefer friendship, and have other social traits. Of course, if the team is well formed, most of the personnel who are members of this team feel the desire to be an integral part of this team. It is effective to motivate him based on this desire. In the second half of 1950, F. Hertzberg and his colleagues created a unique model of motivation. F. Hertzberg and a group of experts conducted a survey on the employees' satisfaction with their work and when they were not satisfied with the work of the Lac-paint company. After the conducted studies were scientifically justified, F. Hertzberg divided the factors affecting personnel activity into ―Hygienic factors and ―Motivational factors.

Groups of "hygienic factors" and "motivational factors"[5] Hygienic factors Motivational factors Company and administration policies Success Working conditions Promotion in the service ladder Salary Recognition and approval of work results Interpersonal relations with superiors, colleagues and subordinates High level of responsibility Direct work control over control. Opportunities for growth in the creative field and work field. According to F. Hertzberg, the lack of hygienic factors in the personnel gives him job dissatisfaction. Therefore, he emphasizes that motivational factors and hygienic factors should be given equal attention.

Above we talked about the most common theories of personnel motivation. In the current globalization conditions, the use of these theories by the managers of the

enterprise will bring positive results to the enterprise. Because these theories are being used in practice in enterprises worldwide. In our opinion, the application of these theories, enriched with additional modern factors, will improve the system of working with personnel in the digital economy. For example, according to A. Maslow's pyramid of needs, in the enterprise, with the help of programs working with MS Access or other databases, an appropriate database is created based on the existing needs of employees, and their needs are controlled based on this.

The HR (human resource) department updates the database as a result of daily studies. Based on the weekly analysis of the database, the manager develops and implements a motivational system for effective personnel management. Currently, there are effective systems of motivational management of personnel based on world experience, but we need to develop a motivational system suitable for the conditions of Uzbekistan, having studied foreign experience. Because every nation has its own customs, nature, interests, and beliefs. Taking these factors into account, it is necessary to enrich the above theories and introduce improved systems to enterprises.

List of used literature:

1. Taylor F.U. Nauchnaya organization is working. - M.: NKPS - Transpechat, 1924; Taylor and Taylorism: technique.
2. Travin V.V., Magura M.I., Kurbatova M.B. Motivational management. - S. 4345; Classical management. Encyclopedia... - S. 473-479.
3. Maslow A. Self-actualization. // Psychology lichnosti: texty. - M.: izd-vo Moskovskogo universiteta, 1982. - S. 108-117.
4. Greenberg D., Byron D. Organizational behavior: theory and practice. - M.: Vershina, 2004. - S. 299.
5. Travin V.V. Management personnel of the enterprise: Ucheb. - practice. posobie.- M.: Delo, 2003.c 135. Macroeconomic stability

SANOATDA BIZNESNI REJALASHTIRISHNI IQTISODIY AXAMIYATI VA VA UNING KO’RINISHLARI

O.X.Maxmudov

TDIU Andijon fakulteti

“Ijtimoiy-gumanitar fanlari kafedrasi” proofessori i.f.d

Abduraximova Jayrona

“MMT” yo’nalishi 1-kurs talabasi

Jamiyatimizni rivojlantirishda iqtisodiy munosabatlarni tartibga keltirish kerak. Chunki iqtisodiy munosabatlarni xarkatisiz xech qanday rivojlanishni ko’z

oldimiga keltira olmaymiz. Biznesni rejalashtirish ishlab chiqarish munosabatlarini rivojalantiradi, va har qanday loyihaning zarur tarkibiy qismiga aylanadi. Bunda tadbirkorlikning maqsad va vazifalari, ularga erishish uchun zarur bo’lgan harakatlar bilan bir qatorda aniq yo’l xaritasini ishlab chiqish kerak bo’ladi. Bunda tadbirkorlar o’z maqsadlariga erishish uchun foydalanishi mumkin bo‘lgan biznes-rejalashtirishning bir nechta turlari mavjud.

Biznesni rejalashtirish haqiqatan ham har qanday muvaffaqiyatli tashabbusning zarur tarkibiy qismidir. Bu tadbirkorlarga o‘z biznes maqsad va maqsadlarini bayon qiluvchi aniq yo‘l xaritasini qo‘yish, ularga erishish bo‘yicha amaldagi rejalarni ishlab chiqish imkonini beradi. Biznesni rejalashtirish bir nechta shakl va turlarini olishimiz mumkin, jumladan operativ rejalashtirish, moliyaviy rejalashtirish, marketingni rejalashtirish va strategik rejalashtirish urlariga ajratiladi. Rejalashtirishning har bir turi o’z navbatida juda muhim xisoblanib , u ishlab chiqarishni turli jihatlari bilan shug’ullanadi. Masalan, operatsion rejalashtirish biznesning kundalik faoliyatiga qaratilgan bo’lsa, strategik rejalashtirish uzoq muddatli maqsadlarni va ularga qanday erishishni ko’rib chiqadi. SHunga qaramay, biznesni rejalashtirishning barcha turlari birgalikda korxonaning umumiy muvaffaqiyati va barqarorligini ta’minlash uchun ishlaydi.

Biznesni rejalashtirishning birinchi turi bo’lgan strategik rejalashtirishdir. Rejalashtirishning bu usuli odatda uzoq muddatli nuqtai nazarga ega bo’lib, sanoat va tashkilot maqsadlarining umumiy ko’rinishi va missiyasini uyg’unlashtirishni ko’zda tutadi. Ushbu turdagi rejalashtirish tashkilotlarga yangi imkoniyatlarni aniqlash, xavflarni baholash va maqsadlariga erishish uchun o’z resurslarini tekislash orqali oldindan ko’ra biladi va tartibga keltirishga yordam beradi.

Biznesni rejalashtirishning ikkinchi turi operativ rejalashtirishdir. Rejalashtirishning bu turi taktikroq bo’lib, kundalik ishlar rejasini tuzishdan iborat. Ushbu reja odatda aniq va o’lchovli bo’lgan va kengroq strategiyaga erishishga yordam berish uchun mo’ljallangan maqsad va maqsadlarni o’z ichiga oladi.

Biznesning umumiy muvaffaqiyatida operativ rejalashtirish juda muhim rol o’ynaydi. Rejalashtirishning bu turi tashkilotning kun tartibidagi faoliyatiga qaratilgan bo’lib, ularning kengroq strategiyaga mos kelishini ta’minlaydi. Operativ rejalashtirishning maqsadi aniq va o’lchovli bo’lib, jamoalarga o’z kelajagini bashoratini (prognozini) aniqlash va o’z yondashuvini shunga moslashtirish imkonini beradi. Ushbu rejalashtirishning taktik mohiyati jamoalarning yuzaga keladigan har qanday qiyinchiliklarni bartaraf etish uchun jihozlanishini,o’z maqsadlariga erishishga yaxshi tayyorligini ta’minlaydi. SHunday qilib, operatsion rejalashtirish

har qanday muvaffaqiyatli biznes strategiyasining muhim tarkibiy qismi ekanligi aniq.

Biznesni rejalashtirishning uchinchi turi moliyaviy rejalashtirishdir. SHu o’rinda moliyaviy rejalashtirish korxonaning mablag’larini bir necha yil davomida prognoz qilishni nazarda tutadi. Ushbu turdagi rejalashtirish korxonalarga potentsial moliyalashtirish bo’shliqlarini aniqlashga, investitsiya qarorlarini qabul qilishga va samaradorlikni oshirishga yordam beradi.

Moliyaviy rejalashtirish biznesni rejalashtirishning e’tiborsiz qoldirib bo’lmaydigan muhim jihatidir. Yaxshi ishlab chiqilgan moliyaviy reja korxonalarga bir necha yil mobaynida korxonaning mablag’larini prognoz qilish orqali o’z moliyaviy maqsadlariga erishishga yordam beradi. Bu kompaniyalarga naqd pul oqimi, daromad va xarajatlar tahminlari kabi muhim moliyaviy ma’lumotlarni tahlil qilish orqali ehtimoliy mablag’ bo’shliqlarini aniqlash imkonini beradi. Moliyaviy rejalashtirishning asosiy maqsadi korxonalarga investitsiya qarorlarini qabul qilishga va samaradorlikni oshirishga yordam berishdir. SHunday qilib, uzoq muddatli muvaffaqiyatni ta’minlash uchun umumiy biznes strategiyasiga mos keladigan aniq moliyaviy rejaga ega bo’lish zarur.

Biznesni rejalashtirish turidan qat’i nazar, bu jarayonga proaktiv tarzda kirishish zarur. Bu sizning erishmoqchi bo’lgan narsalaringiz haqida o’ylash uchun vaqt ajratish, muvaffaqiyat uchun yo’l xaritasini ishlab chiqish va rejalaringizni bajarish uchun intizomga ega bo’lish demakdir. Bu orqali tadbirkorlar muvaffaqiyatga erishish imkoniyatlarini oshirishlari, raqobatchilardan oldinda qolishlari va uzoq vaqt ichida o’z maqsadlariga erishishlari mumkin.

Qanday biznes turini rejalashtirayotganingizdan qat’i nazar, jarayonda faol rol o’ynaydi. Buning uchun siz nimani amalga oshirishni maqsad qilganingizni ko’rib chiqishga vaqt ajratishingiz, ushbu maqsadga erishish uchun aniq va oqilona reja tuzishingiz va o’zingiz yaratgan rejalarni amalga oshirishga intilishingiz kerak. Agar siz ushbu bosqichlarni bajara olsangiz, biznes sohasida g’alaba qozonish imkoniyatingizni oshirishingiz, raqobatchilar oldida turishingiz va oxir-oqibat uzoq muddatli maqsadlaringizga erishishingiz mumkin. Sizning biznesingizning kelajagi rejalashtirish jarayoniga qo’ygan vaqtingiz va harakatingizga tayanadi, shuning uchun proaktiv tarzda ta’qib qilishga arziydi.

Xulosa qilib aytganda, biznesni rejalashtirish barcha tadbirkorlar jiddiy qabul qilishlari kerak bo’lgan hayotiy faoliyatdir. Turli xil rejalashtirish usullarini qo’llash orqali maqsadlarga erishish, mablag’larning ustiga turish va raqobatbardosh korxnlarni saqlab qolish mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar

1.Maxmudov E.X., Isoqov M.YU. Biznes - rejalashtirish. O’quv qo’llanma. – T.: O’zbekiston yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg’armasi

2.Isakov M.YU. «Biznes-rejalashtirish» fani bo’yicha ta’lim texnologiyasi / «Iqtisodiy ta’limda o’qitish texnologiyasi» seriyasidan. -T

3.Isakov M.YU. «Biznes-rejalashtirish» fani bo’yicha o’quvuslubiy majmua

4. https://e-library.namdu.uz/

5.**Biznesni rejalashtirish — Biznes reja - Profes.uz**

O‘ZBEKISTONDA QISHLOQ XO‘JALIGINI RIVOJLANTIRISHDA AGROKLASTER FAOLIYATINI O‘ZIGA XOS JIHATLARI

O.X.Maxmudov
TDIU Andijon fakulteti
“Ijtimoiy-gumanitar fanlari kafedrasi” proofessori i.f.d
I.Xolmirzayev
Andijon mashinasozlik instituti tadqiqotchisi
X. Sarimsaqov
TDIU Andijon fakulteti BIA 60/23 talabasi

Respublikamiz iqtisodiyoti rivojlanishida qishloq xo‘jaligi bugungi kunda tarkibiy jihatdan o‘zgarib bormoqda. Qishloq xo‘jalik tarmoqlarini rivojlanishi ishlab chiqarish va unga xizmat ko‘rsatuvchi sohalarining bir-biri bilan o‘zaro ta’siri orqali sodir bo‘ladi**. Bunday ta’sir uzviy bog‘langan t**exnologik jarayonlarga xosdir. Insoniyat tarixi va taraqqiyoti bo‘lgan qishloq xo‘jaligi hozirgi kunda ham alohida ahamiyatga ega. Iqtisodiy sohada ham, jamiyatning boshqa sohalarida qishloq xo‘jaligi ijtimoiy rivojlanishning eng muhim sohalaridan biri bo‘lib kelayotganligini ko‘rishimiz mumkin.

Ayni paytda, Respublikamizdagi tarkibiy qismi hisoblangan qishloq xo‘jaligini barqaror rivojlanishini ta’minlash, iqtisodiyotni modernizatsiyalash jarayonida qishloq xo‘jaligi ishlab chiqarish sohalari integratsiyasini rivojlantirishni talab etmoqda.

Shu jumladan, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 23 oktyabrdagi «O‘zbekiston Respublikasi qishloq xo‘jaligini rivojlantirishning 2020 — 2030 yillarga mo‘ljallangan strategiyasini tasdiqlash to‘g‘risida»gi PF-5853-son Farmoni ijrosini ta’minlash maqsadida: kadrlar salohiyatini oshirish bo‘yicha

kasbiy rivojlanish dasturlarini ishlab chiqish nazarda tutilgan bo‘lib bunda agrosanoat majmuiga tegishli barcha vazirlik va idoralar axborot tizimlarining Yagona dastur bilan integratsiyasini ta’minlashni keltirib o‘tilgan[21].

Qishloq xo‘jaligi tarmoqlarini rivojlantirish maqsadida ekinlarni joylashtirish va qishloq xo‘jaligi mahsulotlari ishlab chiqarishni nazorat qilish tizimidan boshlab fermer va dehqon xo‘jaliklari mahsulotlarini qayta ishlab chiqish, ularni iste’molchilarga yetkazib berish xizmatlari soxalarini rivojlantirish qishloq xo‘jaligi korxonalari integratsiyasini asosiy jarayoni hisoblanadi.

O‘zbekistonda davlat qishloq xo‘jaligi korxonalari faoliyatini tartibga solish va balanslashtirish bo‘yicha mustahkam huquqiy-me’yoriy mexanizmlarni tashkil etdi. Bunga O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi, "fuqarolik kodeksi", "yer kodeksi", "soliq kodeksi"," fermer xo‘jaligi to‘g‘risida"," dehqon xo‘jaligi to‘g‘risida"," tadbirkorlik faoliyati mustaqilligini kafolatlash to‘g‘risida", va boshqalar kirishi mumkin. O‘zbekiston Respublikasining "fermer xo‘jaligi to‘g‘risida" gi Qonuni 1998 yil 30 aprelda qabul qilingan. Bu Qonunga 10 marta o‘zgartirishlar kiritilgan (2001, 2004, 2006, 2007, 2008, 2009, 2011, 2012, 2013 va 2015yy).

Ayni paytda O‘zbekiston qishloq xo‘jaligida qishloq xo‘jaligi hamkorligi sohasida huquqiy-me’yoriy baza shakllantirildi. Jumladan, "hamkorlik to‘g‘risida" gi, "qishloq xo‘jaligi kooperativlari (shirkatlari) to‘g‘risida" gi va boshqa qonunlarni o‘z ichiga oladi.

Qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini ishlab chiqarish va qayta ishlash, avvalo, shu tarmoq ichidagi raqobatga mahalliy va jahon bozorlarida bardosh beradigan klasterlarni shakllanishi amalga oshirildi. Shuning uchun iqtisodiyotni innovasion taraqqiy ettirishda, ayniqsa, iqtisodiy rivojlanishning an’anaviy usullari yetarli darajada foyda bera olmayotgan hozirgi davrda, klaster nazariyasini amaliyotga tatbiq etish eng maqbul yo‘l hisoblanmoqda. Qishloq xo‘jaligi ishlab chiqarishi va unga xizmat ko‘rsatuvchi agrosanoat majmuasi sohalari o‘rtasida xo‘jalik aloqalarining tobora rivojlanib va mustahkamlanib borishi ta’sirida tarmoqlararo integratsiyalashuv jarayonlari kuchayib bormoqda. Rivojlangan mamlakatlarda iqtisodiyotning raqobatbardoshligini oshirish usullaridan biri sifatida klaster usulidan keng foydalanadi. Klaster strategiyasi Yevropa Ittifoqi tomonidan keng targ‘ib qilinadi.

[21] Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4575.28.01.2020 ҚАРОРИ. ПҚ-4575.28.01.2020 Ўзбекистон Республтикасинин қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси

Yevrokomissiya ittifoq hududida klaster rivojlanishini yanada qo‘llab-quvvatlamoqda.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 14 dekabrdagi “To‘qimachilik va tikuv-trikotaj sanoatini jadal rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi farmoni bilan paxta-to‘qimachilik klasterlarini o‘rta muddatli istiqbolda rivojlantirish konsepsiyasi ishlab chiqilgan[22]. 2018 yil 25 yanvarda esa Vazirlar Mahkamasining “Paxta-to‘qimachilik ishlab chiqarishini tashkil etishning zamonaviy shakllarini joriy etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori qabul qilindi[23]. Mazkur qarorga muvofiq respublika hududlarida 16 ta paxta-to‘qimachilik klasteri tashkil qilinib, ularga fermer xo‘jaliklarining qariyb 159 ming gektardan ortiq ekin maydoni biriktirildi. Bunda:

1. Davlat xo‘jaliklari, jamoa xo‘jaliklari va boshqa korxonalar birgalikda hamkorlikni amalga oshirish uchun ixtiyoriy ravishda birlashadilar.

2. Xo‘jaliklarning ishlab chiqarish tuzilmasi va iqtisodiyotini hisobga olgan holda tashkiliy shakllar, yo‘nalishlar va ishlar ketma-ketligini tanlashga ilmiy yondashuv amalga oshiriladi.

3. O‘zaro xo‘jalik birlashmalari tarkibiga kiruvchi barcha korxona va tashkilotlarning iqtisodiy mustaqilligi to‘la saqlanib qoladi.

4. Asosiy shartlardan biri ishlab chiqarish samaradorligini oshirishni rivojlantirishda ham, umuman assosiatsiya hamda har bir korxonaning barcha ishtirokchilarning moddiy manfaatidir.

5. Katta hajmda mahsulot ishlab chiqarish va sotishni ko‘paytirish, ularning sifatini yaxshilash, mehnat unumdorligini oshirish va ishlab chiqarish xarajatlarini kamaytirish.

6. Birlashmalar va korxonalar faoliyatini boshqarish demokratik markazlashuv tamoyillariga asoslanadi.[24]

[22] Ш.Мирзиёев. Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида ПФ 5285 сонли фармони 14.12.2017 й.

[23] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 744-сон 19.09.2018й. Қарори пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришларини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора- тадбирлари тўғрисида

[24] Тошматов, Р. Х. Фермер хўжаликлари кооперацияси ва бозор инфратузилмалари ривожланишини бошқариш. Номзодлик диссертаияси, Ташкент.2009й

Klaster strategiyasi jozibadorligi, yo‘nalishlarning turli-tumanligi bois innovasion klasterlarni davlatning o‘zi shakllatirishini taqozo etmoqda. Shu bilan birga ayni paytda qishloq xo‘jaligi korxonalarining integratsiyalushuvi bilan bog‘liqdir.

«Integratsiya» atamasi Farbiy Yevropa mamlakatlari davlatlararo institutlarni yarata boshlaganida, shuningdek iqtisodiy siyosatni koordinatsiyalash va savdo erkinligini ta’minlash maqsadida iqtisodiy birlashmalarni tuzish vaqtida xalqaro munosabatlarda ishlatila boshlandi. Shu nuqtai nazardan kelib chiqib, qishloq xo‘jaligi taromoqlarini integratsiyallashuvi ularning iqtisodiy jihatdan rivojlanishi uchun zamin yaratadi. Ayni paytda agroklasterlarni rivojlanishi uchun integratsiyallashuvida ularning o‘ziga xos xususiyatlarini inobatga olish zarur deb xisoblaymiz. .

Bulardan biri, bu hududning joylashuvi , shu hududda resurslar bilan ta’minlanganlik darajasi hisobga olinib, klasterlarni rivojlanishiga keng imkon yaratiladi. Shu hududda agroklasterlarni rivojlanishiga ta’sir etuvchi omillardan logistika, tashkiliy boshqaruv, innovasion va texnologik omillarni qamrab olish darajsi kiradi. Bu turli tashkilotlarning qishloq xo‘jaligi ishlab chiqarishning texnologik jarayonlarini (xarajatlarni taqsimlash, soliqni optimallashtirish, innovatsiyalar) boshqarishning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmini yaratilishini talab etadi.

Qishloq hududlarini ijtimoiy rivojlantirishi uchun imkon yaratiladi. Klasterlarni rivojlanishi bilan hududning mehnatga layoqatli mehnat resurslari ish bilan ta’minlanadi. Shu bilan birga hududning ijtimoiy infratuzilmasini rivojlanishini o‘z ichiga oladi.

Klasterlarni yaratishda tizimliylikka asoslangan . Klaster tuzilmasida turli xo‘jalik sub’yektlarining o‘zaro bog‘ligi bilan har bir xo‘jalik sub’yekti tashkiliy –iqtisodiy faoliyatini o‘zi boshqaradi. Kichik va o‘rta agrobiznesning saqlanib qolishi va rivojlanishining barqarorligi, iqtisodiy faoliyatini rivojlantirish maqsadida kafolatlar asosida kredit olish imkoniyati yaratiladi.

Korxonalarning zanjirli bog‘liqligi asosida infratuzilma ob’yektlaridan samarali foydalanish imkoniyatini paydo bo‘ladi. Korxonalarga investisiyalarni jalb etishda investisiya dasturlari va loyihalarda erkin ishtirok etish imkoni yaratiladi.

Ushbu omillardan kelib chiqib, agroklasterlani rivojlanishi natijasida erishiladigan natijalarga V. A Kundius quyidagicha fikr bildiradi”.... agrosanoat majmuasidagi klasterlar hududlar iqtisodiyotini diversifikatsiya qilish va hududlarning ijtimoiy

muammolarini hal etish orqali biznes bilan o‘zaro hamkorlik qilish, vertikal tashkil etilgan biznes guruhlariga qaramlikni kamaytirish uchun qulay vositadir.”[25]

O‘zbekiston Respublikasi qonunchiligiga ko‘ra, tadbirkorlik yuridik shaxs yoki to‘g‘ridan – to‘g‘ri jismoniy shaxs (yakka tartibdagi tadbirokor) tomonidan qonun hujjatlarida belgilangan tartibda ro‘yxatdan o‘tkazilgandan keyin amalga oshiriladi. Shunga asoslangan holda klasterlar tarkibidagi xo‘jalik sub’yektlari biznesda erkin faoliyat yuritish tizimliyligi yaratildi.

Qishloq xo‘jaligi klasterining iqtisodiy o‘zagi odatda ishlab chiqarish faoliyati jarayonida o‘zining istiqbolliligini, mintaqa uchun ahamiyatini va raqobatbardoshligi oshishini isbotlagan yirik sanoat korxonasidan iborat bo‘ladi. Yadro atrofida o‘rta va kichik korxonalar, yetkazib beruvchilar va infratuzilma jamlangan bo‘linmalardan tashkil topadi[26].

Bizning fikrimizcha, yuqoridagi fikrlardan kelib chiqib, qishloq xo‘jaligi korxonalari integratsiyasi,ya’ni qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini yetishtirish va uni qayta ishlash soxa yo‘nalishlari bo‘yicha tizimlashishi natijasida agroklasterlarni o‘ziga xos xususiyatlaridan biri bu sinergetik samaraga erishish hisoblanadi. Ayni paytda qishloq xo‘jaligi va qayta ishlash sanoatining mutanosib rivojlanishini, mahsulotlarni saqlash va ularni sotishni iqtisodiy jihatdan rag‘batlantiruvchi harakatlantiruvchi kuchga aylantiradi. Natijada nafaqat ishlab chiqarish hajmini oshirish va mahsulot sifatini yaxshilash, balki xomashyodan oqilona foydalanish, uni chuqur qayta ishlashni ta’minlash va oziq-ovqat tovarlari turini kengaytirish uchun ham shart-sharoitlar yaratiladi. Bularning barchasi qishloq xo‘jaligi integratsiyasini samarali rivojlanishi natijasida amalga oshadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Глотко А. Модель агропромышленного кластера региона // АПК: экономика, управление. 2013. №.
2. Тошматов, Р. Х. Фермер хўжаликлари кооперацияси ва бозор инфратузилмалари ривожланишини бошқариш. Номзодлик диссертаияси, Ташкент.2009й
3. Кундиус В. А. Формирование кластеров на селе базис инновационного развития агропромышленного производства // Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий. 2012. № 2. С. 56–60

[25] Кундиус В. А. Формирование кластеров на селе базис инновационного развития агропромышленного производства // Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий. 2012. № 2. С. 56–60.

[26] Глотко А. Модель агропромышленного кластерарегиона // АПК: экономика, управление. 2013.

SANOAT KORXONALARI RAQOBATDOSHLIGINI OSHIRISHDA MAHSULOT SIFATINI BOSHQARISHNING AHAMIYATI

Abduraxmonov Valijon G‘ofurovich
TDIU Andijon fakulteti, “Ijtimoiy-gumanitar fanlar”
kafedrasi dotsenti, i.f.n.
Kamoliddinov Ozodbek Ziyoyiddin o‘g‘li
TDIU Andijon fakulteti,
Iqtisodiyot 60/23- guruxi, 1-bosqich talabasi.

Ishlab chiqarish korxonalari faoliyatini raqobatdoshligini oshirishda mahsulot ishlab chiqarish va realizatsiya qilishni tartibga solish mustahkam o‘rin egallaydi. Bunda asosiy omil bo‘lib ishlab chiqarilayotgan mahsulotlar sifati hisoblanib, bu omil jahonning rivojlangan davlatlarida keng tarqalgan va iqtisodiyotning yangidan-yangi tarmoqlarini o‘ziga qamrab olmoqda. Mamlakatimiz sanoat majmui tarmoqlarida amalga oshirilayotgan tarkibiy o‘zgarishlarning rivojlanishi ularga hizmat ko‘rsatuvchi korxonalarning rivojlantirishga qaratilgan chora-tadbirlar tufayli ishlab chiqarish korxonalari faoliyati rivojlanishi bevosita ishlab chiqarish va bozor aloqalariga bog‘liq holda amalga oshirilmoqda.

Yangi O‘zbekistonda sanoat tarmog‘ini rivojlantirish asosida raqobatdosh mahsulotlar sifatini ahamiyati yuqori bo‘lib, 2022–2026 yillarga mo‘ljallangan taraqqiyot strategiyasida «aholi jon boshiga to‘g‘ri keladigan yalpi ichki mahsulotni 1,6 baravar ko‘paytirish »[1] vazifasi belgilangan. Bundan kelib chiqqan holadi iqtisodiyotni modernizatsiyalash sharoitida korxonalarda mahsulot ishlab chiqarish tuzilmasini takomillashtirish va jaxon andozalari talablariga mos keladigan ishlab chiqarilayotgan raqobatdosh mahsulotlarni sifatliligini ta’minlash, hamda ishlab chiqarish imkoniyatlaridan foydalanish samaradorligini oshirish zarur.

Sifat deganda keng qamrovli tushuncha nazarda tutiladi va u faoliyatning barcha qirralarini ifodalaydi. Sifatning butun tizimidagi muhim tarkibiy kismlarining jumlasi mahsulot sifatidir. Sifat-korxona yoki firmani avtoriteti, brendi, foydani oshirish imkoniyati, korxona faoliyatini rivojlanishi asosi hisoblanadi.

Iqtisodiy adabiyotlarda mahsulot sifatiga quyidagicha ta’riflar keltirilgan:

«Mahsulot sifati - bu shu mahsulotdan ma’lum maqsadda foydalanish uchun uning yaroqlilik darajasi, mahsulotning xalq xo‘jaligi ehtiyojlarini, iste’molchilarning talab va didlarini qondirish qobiliyatidir»[2].

«Tovar sifati – shartlangan yoki taxmin qilingan extiyojlarni qondirish qobiliyatini beradigan mahsulot yoki xizmatlar xususiyati va tavsiflarining majmui»[3].

«Mahsulotlar sifati deganda-mahsulotni tashkil qilgan barcha xossalari, ya’ni ko‘rsatma bo‘yicha uni iste’molga loyiqligi tushiniladi»[4]. Demak mahsulot sifati iqtisodiy kategoriya bo‘lib, ishlab chiqaruvchi va iste’molchilarning munosabatlarini, raqobatdosh, sifatli mahsulot ishlab chiqarish, reja topshiriqlarini bajarish hamda mahsulotga baho belgilash bo‘yicha korxonaning iste’molchilarni extiyojlarini qondira olish munosabatlarini ifoda etadi. Raqobatdosh mahsulotlar sifatliligini ta’minlashda sifatni boshqarish tizimi muhim hisoblanadi.

O‘zbekistonda milliy korxonalarida sifatni boshqarish tizimini jahonda e’tirof etilgan sifat tizimlariga uyg‘unlashuvini ta’minlash nafaqat samarali boshqarishni tadbiq etishi, balki raqobatdosh mahsulotlar ishlab chiqarish imkoniyatini beradi.

Mahsulot sifatini boshqarish jarayoni quyidagi operatsiyalardan iborat:

- mahsulot sifati darajasini belgilash;
- mahsulot sifatiga ta’sir ko‘rsatuvchi buyum va uni ishlab chiqarish jarayonining faoliyati to‘g‘risidagi axborotlarni yig‘ish va o‘rganish;
- mahsulot sifatini boshqarish to‘g‘risida qaror qabul qilish va ob’ektga ta’sir ko‘rsatishga tayyorlanish;
- boshqaruvga tegishli buyruqlarni berish;
- ishchi xodimlardan foydalanish darajasi mehnat unumdorligi
- boshqarish natijasida mahsulot sifatining o‘zgarishi haqidagi axborotlarni yig‘ish va tahlil qilish.

Demak, bizningcha korxona faoliyati samaradorligi va raqobatdoshligini oshirish xamda mahsulotlar sifatliligini ta’minlash uchun mahsulot sifati va boshqarishda sifat to‘garaklarini tashkil etish, standartlashtirish qoidalariga qat’iy amal qilish, standartlashtirish bo‘yicha halqaro hamkorlikni tashkil etish, andozalar, sifat kursatkichlariga ega bo‘lgan namunalarga yo‘naltirilgan ilmiy-tadqiqot, tajriba-konstruktorlik, standartlarga rioya kilinishida o‘z-o‘zini nazorat qilishni amalga oshirish, mahsulot sifatining darajasini istiqbollash va me’yorlash zarur.

Foydalanilgan adabiyotlar:

4. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvarda “2022-2026 yilarga mo‘ljallangan yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida” gi PF-60-sonli Farmoni.

5. Abduraxmonov K.X Imomov V “O‘zbekistonda mehnat potensialidan samarali foydalanish va uni boshqarish” T:. Akademiya 2008 yil. 22-bet.

6. Abdukarimov.I.T, Pardaev.M.K Isroilov B.I “Korxonaning iqtisodiy salohiyati tahlili” T:. Iqtisodiyot va huquq dunyosi 2003 yil. 149-bet.
7. Ortikov.A «Sanoat iqtisodiyoti» T.: TDIU, 2004 y. 193 bet.
8. Peregudov. L.V «Mahsulot sifati va raqobatbardoshligini boshqarish» T.: «Moliya», 2002 y. 31 bet.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КООПЕРАТИВЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аблазов Шохрухбек Абдуқаххорович,
АКХАИ таянч докторанти

Annotatsiya: *Ушбу тезисда кўп тузилмали иқтисодиёт, қишлоқ хўжалигида кооперативларнинг тамойиллари, уларни ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган ва тадқиқот жараёнида олинган натижалари хусусида сўз юритилган, шунингдек, ўрганиш натижалари асосида фикр ва мулоҳазалар берилган.*

Kalit so‘zlar: *глобаллашув, экспорт, халқаро стандартлар, Organic, Global G.A.P. талаблари, кўп тузилмали иқтисодиёт, қўшма тадбиркорлик, сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, ишлаб чиқариш воситалари, нархларнинг номутаносиблиги, қишлоқ хўжалиги кооперативлари, янги авлод кооперативлари.*

Бугунги глобаллашув шароитида етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини яхшилаш, экспортбоб маҳсулот ишлаб чиқаришда халқаро стандартлаштирилган қишлоқ хўжалиги амалиёти Organic, Global G.A.P. талаблари доирасида сертификатлашни жорий қилиш ва экспорт ҳажмини мунтазам ошириб бориш, ишлаб чиқарувчиларнинг истеъмолчилар эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилганлигини ошириш ҳамда илғор хорижий давлатлар тажрибаларини фаол қўллашни тақазо этмоқда.

Бундай шароитда иқтисодий таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим омили сифатида ҳудудий табиий-иқлим ва ижтимоий-иқтисодий шароитларга асосланган хўжалик юритишнинг турли шаклларидан самарали фойдаланиш муҳим бўлиб ҳисобланади.

Кўп тузилмали иқтисодиётга ўтиш, шахсий ва қўшма тадбиркорлик тамойиллари бўйича турли хил хўжалик юритиш шаклларининг мавжудлигига тенг ҳуқуқларнинг қонун ҳужжатларида мустаҳкамланиши иқтисодий фаолиятнинг шартлари ва шаклларини эркин танлаш имкониятини очиб беради. Жамиятни сифат жиҳатидан ўзгартиришнинг умумий занжирида қишлоқ хўжалиги кооперациясининг турли шакллари муҳим ўрин тутади. Қишлоқ хўжалигида иш ҳақининг паст даражаси, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва

ишлаб чиқариш воситалари нархларининг номутаносиблиги қишлоқ аҳолисини шахсий ёрдамчи хўжаликларида ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтиришга туртки бўлди, бу қишлоқ хўжалиги кооперативларини шаклланишига туртки берди.

Кооперативлар ижтимоий-иқтисодий фаолиятнинг тарихан вужудга келган ва доимий равишда такомиллашиб борадиган шакли сифатида ижтимоий тараққиётнинг турли босқичларида жамиятнинг иқтисодий эҳтиёжларини қондириш усулидир.

Қўшма Штатлар (АҚШ) Миллий кооператив бизнес уюшмаси бошқа (инвесторларга йўналтирилган) корхоналарга нисбатан кооперативларнинг ўзига хос хусусиятларини таъкидлайди:

- Кооперативлар ўзларининг аъзолари томонидан (яъни кооперативнинг хизматларидан фойдаланувчи ёки унинг маҳсулотларини сотиб оладиган) ташқи инвесторларнинг эмас, балки ўз аъзолари томонидан демократик тарзда бошқарилади. Аъзолар ўзларининг директорлар кенгашини ўз сафларидан сайлайдилар. Асосий сиёсий қарорлар ҳар бир аъзонинг кооперативга киритган сармоясидан қатъи назар, битта аъзога, битта овозга асосланган тамойилга асосланади;
- Кооперативлар ортиқча даромадни (харажатлар ва инвестисиялардан келадиган даромад) улардан фойдаланиш ёки ҳомийлик қилишларига мутаносиб равишда аъзоларига қайтарадилар, лекин уларнинг инвестициялари ёки эгалиги улушига мутаносиб эмас;
- Кооперативлар фойда билан эмас, балки аъзоларнинг арзон ва сифатли товарларга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун хизмат кўрсатади;
- Кооперативлар ўз аъзоларига хизмат кўрсатиш учун мавжуд;
- Кооперативлар инвестиция ва захиралар учун сақланиб қолган даромаддан солиқ тўлайдилар[27].

Кооператив- (лот. ҳамкорлик) – маҳсулотни ҳамкорликда ишлаб чиқариш ва сотиш, товар ёки хизматларни сотиб олиш ва истеъмол қилиш, уйларини қуриш ва эксплуатация қилиш ва бошқа мақсаддаги шахслар бирлашмасидир.

Кооператив – ихтиёрий ташаббускор ва ўз-ўзини бошқарувчи жамоат ташкилоти бўлиб, ўз олдига аъзоларининг ҳаёт ва меҳнат шароитларини яхшилашга кўмаклашиш мақсадини қўяди ва жамоа (гуруҳ) мулкига асосланган корхона шаклида ижтимоий-оммавий фаолият кўрсатиш билан бирга юридик шахс сифатида ҳаракат қилади.

Кооперацияга бирлашиш орқали агросаноат мажмуасида замонавий

[27] GF Ortmann & RP King. Agricultural Cooperatives I: History, Theory and Problems//Agrekon, Vol 46, No 1 (March 2007)// http://citeseerx.ist.psu.edu/viewdoc/download?doi

техника ва тежамкор технологиялар билан таъминлашни жадаллаштириш, ишлаб чиқариш харажатларини тежаш ва тежамкор инновацион технологияларни қўллаш имконияти, маҳаллий озиқ-овқат ва бошқа истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш имконияти туғилади.

Қишлоқ хўжалигида кооперация 4 хил йўналишда мавжудлигини айтиш мумкин[28]:

1. Кооперация ишлаб чиқарувчи фирма (корхона) шаклида мавжуд бўлиб, бунда корхона (кооператив) аъзоларини аниқ мақсад йўлида бирлаштирган бўлиб, у аъзоларининг биргаликдаги меҳнатига асосланади. Натижада уларнинг манфаатлари ва фойда олишларини кўзлайди.

2. Қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатлари вертикал интеграстияга асосланади. Бунда қишлоқ хўжалиги корхоналари, уларни сақловчи ва қайта ишловчи корхоналарнинг ўзаро келишуви асосида ташкил этилади ва фаолият юритади. Бунда корхоналарнинг мустақиллиги сақланиб қолади.

3. Ҳамкорликда ишлайдиган корхона (хўжалик) ва фирмаларнинг иттифоқи (коалистияси) шаклида фаолият юритади.

4. Қишлоқ хўжалиги корхоналари ва унга алоқадор ташкилотлар билан шартномавий муносабатлар асосида фаолият юритиши тушунилади.

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашув жараёни кооператив ташкилотларнинг давлат, манфаатли ташкилотлар ҳамда хусусий секторнинг ҳамкорлигини кенгайтириш; хўжаликлар фаолиятини диверсификациялаш ва бошқарувни такомиллаштириш зарурлигини келтириб чиқаради.

Янги авлод кооперативларида мулкчилик ҳуқуқи етказиб бериш ҳуқуқи шаклида яъни аъзо-мижоз гуруҳи ўртасида сотиб бўладиган даражада бўлади. Мулкчилик ҳуқуқида кооператив бирашмаси аъзолари (иштирокчилари) чегараланган бўлади, аъзолик ёпиқ кўринишда, аъзоларга “етказиб бериш ҳуқуқи”га пропорционал тарзда инвестицияларига киритиши талаб этилади. Ва таъминот бозор келишувлари асосида назорат қилинади. Асосий афзаллиги шундаки, бу модел риск капиталини кооперативга бериш орқали аъзоларни рағбатлантиришни такомиллаштиради.

Бизнинг фикримизча, кооператив – бир гурух инсонларнинг ихтиёрий ташаббускор ва ўз-ўзини бошқарувчи жамоат ташкилоти бўлиб, улар ўз олдига аъзоларининг ҳаёт ва меҳнат шароитларини яхшилашга кўмаклашиш мақсадини қўяди ва шериклик мулкига асосланган корхона шаклида ижтимоий-оммавий фаолият кўрсатиш билан бирга юридик шахс сифатида ҳаракат қилади.

[28] Туробова Ҳ., Мадаминова З. Бухоро вилоятида фермер хўжаликларини ривожлантириш йўллари//Эл. Ж.Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. Т.: 2018.№2 www.iqtisodiyot.uz

Кооператив – тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ўзларининг тенг ***(бир хил ва тенг миқдорда қўшган улуш ҳисобига шакллантирилган бўлиши шарт)*** пай улушлари асосида шахсларнинг ихтиёрий бирлашуви орқали ташкил этилади ва ўз-ўзини молиялаштириш асосида фаолият кўрсатади.

Шу билан бирга кооперациялашган хўжаликларнинг ўзлари ўз фаолиятининг ҳуқуқий шаклини оқилоналик мезони бўйича танлайди.

Шу сабабли, бизнинг фикримизча, қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг алоҳида муаммоси замонавий шароитда қишлоқ хўжаликларининг кооператив бирлашмаларининг шаклланиши ва фаолияти билан боғлиқ масалаларнинг етарли даражада назарий ва услубий жиҳатдан ўрганилмаганлиги бўлиб, бу кўпинча уларнинг ролини етарлича баҳоламаслик ёки ортиқча баҳолашга олиб келади. Қишлоқ хўжалигида кооперация асосида фаолият юритувчи қишлоқ хўжалиги кооперативларнинг ўрни ва ролини, уларни шакллантириш ва янада ривожлантириш йўлларини ўрганиш ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан долзарбдир.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI

1. O‘zbekiston Respublikasi qishloq xo‘jaligini rivojlantirishning 2020-2030 yillarga mo‘ljallangan strategiyasi hamda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Qarori PQ-4863-son 15.10.2020 y
2. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021 yil 15 martdagi “Ichki iste’mol bozorini asosiy turdagi oziq-ovqat maxsulotlari bilan kafolatli ta’minlashga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi №135 qarori.
3. Mirziyoyev Sh.M. Meva-sabzavotchilik tarmog‘ini yanada rivojlantirish va eksportini oshirish, aholi tomorqalaridan samarali foydalanishni ta’minlash masalalariga bag‘ishlangan videoselektor yig‘ilishi. 05.11.2019. www.xabar.uz.
4. Modeli upravleniya nauchno-innovatsionnoy deyatelnostyu vuza”/ avtorы mejdunarodnoy kollektivnoy monografii: Sh.Sh. Shoxa’zamiy, D.V. Puzankov, A.V. Vaxobov, V.M. Kutuzov, A.V. Muravev, M.Yu. Shestopalov, N.G. Rыjov, I.S. Terenteva. - T.: Iqtisod-moliya, 2006. – 242 s.
5. Shoxa’zamiy Sh.Sh. Traktat o smart tsifrovoy respublike. Monografiya. -T.: Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi, 2020. -352 s.
6. Shoxa’zamiy Sh.Sh. Puti povыsheniya konkurentosposobnosti gosudarstvennыx vыsshix uchebnыx zavedeniy.// “Oliy ta’lim taraqqiyoti istiqbollari” O‘zbekistondagi Erasmus+ milliy ofisi hamda Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligining tashkiliy ko‘magi asosida nashr etiladigan ilmiy-metodik jurnal, 13-son. - T.: NTM “NEO Hamkor”, 2023. -b.15-47.
7. To‘ychiyev A.G‘. Kichik biznesga innovatsiyalar transferini moliyalashtirish. Monografiya. “Fan” nashriyoti. Toshkent 2020. -224 b.

To‘ychiyev A.G‘. Agrobiznesni tashkil etish va boshqarish. O‘quv uslubiy majmua. Andijon 2020. 235 bet.

IQTISODIYOTNI BARQAROR RIVOJLANISHIDA TURIZM SOHASINI AXAMIYATI

Abduraxmonov Valijon G‘ofurovich
TDIUAF “Ijtimoiy-gumanitar fanlar” kafedrasi dotsenti, i.f.n.
Anvarov Akmaljon Akbarjon o‘g‘li
TDIUAF “Bank ishi audit” yo‘nalishi, 2-bosqich talabasi

Bugungi kunda O‘zbekistonda ijtimoiy hayotning barcha sohalarida keng ko‘lamli islohatlar amalga oshirilmoqda va ushbu islohotlarning asosiy maqsadi mamlakat iqtisodiyotini yanada rivojlantirish va o‘zbek xalqining turmush farovonligini oshirish ko‘rsatkichidir. Turizm rivojlanayotgan iqtisodiyotlar va rivojlanayotgan mamlakatlar uchun katta imkoniyatlar yaratadi. Turizm o‘z o‘rnida ish o‘rinlarini yaratadi, mahalliy iqtisodiyotni mustahkamlaydi, mahalliy infratuzilmani rivojlantirishga hissa qo‘shadi va tabiiy muhitni, madaniy boyliklar va an’analarni saqlashga, qashshoqlik va tengsizlikni kamaytirishga yordam beradi. Shuning bilan birgalikda mamlakatlar o‘rtasidagi o‘zaro bag‘rikenglikni, millatlar aro totuvlikni mustahkamlaydi va fuqorolar o‘rtasida madaniy almashinuv tuyg‘usini uyg‘otadi. Iqtisodiyotning turli sohalarida turizm tomonidan yaratilgan ish o‘rinlari soni sezilarli ravishda ortadi. Bu ish o‘rinlari nafaqat turizm sektorining bir qismi, balki qishloq xo‘jaligi, aloqa, sog‘liqni saqlash va ta’lim sohalarini ham o‘z ichiga olishi mumkin. Ko‘plab sayyohlar mezbonlik qiladigan joyning madaniyati, turli urf-odatlari va o‘ziga xos tomonlari bilan tanishish uchun sayohat qilishadi. Bu mahalliy restoranlar, savdo markazlari va do‘konlar uchun juda foydali hisoblanadi. Avvalambor turizm orqali mamlakat YaIM ning o‘sishiga o‘z ta’sirini ko‘rsatadi, mamlakatga chet el valyutalarining oqimini ko‘paytiradi va aholi turmush darajasini yaxshilaydi.

,,Hozirgi kunda milliy iqtisodiyotga yuqori daromad keltiradigan istiqbolli tarmoqlardan biri bu milliy turizmdir, O‘zbekiston ham turizm sohasida o‘z salohiyatini yaxshilashga harakat qilmoqda va turizm sohasi rivojlangan Italiya, BAA, Misr, Turkiya kabi rivojlangan mamlakatlar qatoriga qo‘shilib bormoqda. Mamlakatimizda 7 ming 300 dan ortiq madaniy meros ob’ektlari mavjud va ularning aksariyati YUNESKO ro‘yxatiga kiritilgan. Shu bilan birga, mamlakatimizning o‘ziga xos tabiati, go‘zal dam olish zonalari imkoniyatlaridan foydalangan holda yangi sayyohlik yo‘nalishlarini ochish mumkin” – deb aytib o‘tgan Prezidentimiz Sh. Mirziyoyev.

Shuningdek, Prezidentimiz 2022-yil 20 dekabrda xalqimizga yo‘llagan murojaatnomasida turizm sohasini rivojlantirish masalalari bo‘yicha quyidagi mulohazalarni bildirgan. “Samarqand shahri dunyo taniydigan megapolisga, xalqaro turizm va biznes markaziga aylanmoqda. Namangan ham sanoat, tadbirkorlik, ta’lim, madaniyat sohalarida mintaqaviy markaz sifatida o‘z o‘rnini topmoqda. Shu bois, Samarqand va Namangan shaharlarini alohida ma’muriy-hududiy birliklar sifatida respublika bo‘ysunuviga o‘tkazishni taklif qilaman.

Bu poytaxtimiz Toshkent bilan bir qatorda «o‘ziga tortuvchi markazlar»ni ko‘paytirish bo‘yicha boshlagan siyosatimizda yangi amaliy qadam bo‘ladi, jon boshiga daromad, ish joylarini ko‘paytiradi, ikkala viloyatda ham tumanlarni rivojlantirishga ko‘proq e’tibor qaratiladi. Endi ushbu viloyat hokimlari faqat yirik shaharlar bilan emas, tumanlarda sharoitlarni yaxshilash bo‘yicha ham ishlashi talab etiladi.

Har ikkala shaharni rivojlantirish dasturi Vazirlar Mahkamasida tasdiqlanib, ularning ijrosi uchun bevosita Bosh vazir javob beradi”. Davlatimiz rahbari ham turizm sohasini yanada rivojlantirish va bu soha orqali aholining daromadlarini oshirish, qashshoqlik darajasini kamaytirish masalalarini ilgari surmoqda.

Turizm qashshoqlikni turli yo‘llar bilan kamaytirish imkoniyatiga ega, ammo bu qashshoqlikni kamaytirishning kafolatlangan echimi emas. Turizm qashshoqlikni kamaytirishga yordam beradigan ba’zi usullar:

1. Ish bilan ta’minlash: Turizm mahalliy hamjamiyatda to‘g‘ridan-to‘g‘ri (turistik gidlar, mehmonxona xodimlari va restoran ishchilari kabi) va bilvosita (turizm biznesiga tovarlar va xizmatlar etkazib beruvchilar kabi) ish o‘rinlarini yaratishi mumkin. Bu ishsizlikni kamaytirish va daromadlarni oshirishga yordam beradi, bu esa o‘z navbatida qashshoqlikni kamaytirishi mumkin.

2. Daromadlarni diversifikatsiya qilish: Ko‘pgina rivojlanayotgan mamlakatlarda turizm boshqa yo‘l bilan qishloq xo‘jaligi yoki norasmiy sektor ishiga tayanishi mumkin bo‘lgan odamlar uchun muqobil daromad manbai bo‘lishi mumkin. Bu daromad manbalarini diversifikatsiya qilishga va iqtisodiy zarbalarga zaiflikni kamaytirishga yordam beradi.

3. Tadbirkorlik imkoniyatlari: Turizm mahalliy tadbirkorlarga hunarmandchilik, esdalik sovg‘alari va madaniy tajribalar kabi sayyohlarga xizmat ko‘rsatadigan biznesni boshlash imkoniyatini berishi mumkin. Bu yanada xilma-xil va barqaror mahalliy iqtisodiyotni yaratishga yordam beradi.

4. Infratuzilmani rivojlantirish: Turizm yo‘llar, aeroportlar va jamoat ob’ektlari kabi infratuzilmaga sarmoya kiritishi mumkin. Bu iqtisodiy o‘sish va rivojlanish uchun yanada qulay muhit yaratishga yordam beradi.

Biroq, turizmni rivojlantirishning mumkin bo‘lgan salbiy tomonlari ham mavjud, jumladan, atrof-muhitning buzilishi, madaniy tovarlar va ijtimoiy dislokatsiyasi shular jumlasidandir. Turizm qashshoqlikni kamaytirishning barqaror va samarali vositasi bo‘lishi uchun uni qamrab oluvchi, mas’uliyatli va adolatli tarzda

rivojlantirish kerak. Bu puxta rejalashtirish, manfaatdor tomonlarning ishtiroki va ta’sirlarni kuzatish va baholashni talab qiladi.

Shuning bilan birgalikda, mamlakatimizda turizm sohasini rivojlantirish bo‘yicha ko‘plab dasturlar amalga oshirilmoqda. Bulardan biri sifatida 2022-2026 yilarga mo‘ljallangan “ Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi” ni olishimiz mumkin. Ushbu strategiyada avvalombor mamlakatimiz hududida turizmni rivojlantirish, xalqimizni turizm sohasiga qiziqtirish va bu orqali millatimizning o‘tmishini yanada chuqurroq anglab etishi uchun zamin hozirlamoqdamiz ya’ni:

- "O‘zbekiston bo‘ylab sayoxat qiling" dasturi doirasida maxalliy sayyohlar sonini 12 million nafardan oshirish hamda Respublikaga tashrif buyuradigan xorijiy turistlar sonini 9 million nafarga etkazish, to‘siqsiz turizm infratuzilmasini mamlakatning asosiy turizm shaxarlarida keng joriy qilish, 2026 yilgacha turizm soxasida band bo‘lgan axoli sonini 2 baravar oshirib, 520 ming nafarga etkazish, turizm va madaniy meros ob’ektlari infratuzilmasini rivojlantirish xamda 8 mingdan ortik madaniy meros ob’ektlaridan samarali foydalanish bo‘yicha davlat dasturini kabul qilish, Zomin, Forish, Baxmal tumanlari va "Aydar-Arnasoy" ko‘llar tizimida qo‘shimcha turistik zonalar va dam olish maskanlarini barpo etish, 300 million AQSh dollariga teng loyixalarni amalga oshirish, 25 ming ish o‘rinini yaratish;
- Samarqandni "Turizm darvozasi"ga aylantirish orqali kelgusi besh yilda turizm xizmatlari xajmini kamida 10 baravarga oshirish;
- Turizm soxasida 40 ming kishi bandligini ta’minlash; 2022 yilda "Abadiy shaxar" tarixiy majmuasini o‘z ichiga olgan Samarqand turizm markazini va zaruriy infratuzilmani tashkil etish;
- Qoraqalpog‘iston Respublikasi va Orol bo‘yida ekoturizmni rivojlantirish bo‘yicha aloxida dasturni amalga oshirish; Bunda, Mo‘ynokning yangi aeroporti imkoniyatlaridan keng foydalanish;
- Xorazm viloyatida turizm yangi ish o‘rinlarini yaratishda asosiy drayver soxa bo‘lishi uchun aloxida dastur qabul qilish;
- Buxoro viloyatida turizmni jadal rivojlantirish bo‘yicha aloxida dasturni amalga oshirish;
- Navoiy viloyatida ziyorat va ekoturizm saloxiyatidan samarali foydalanish;
- Toshkent shaxrida turizm infratuzilmasini yanada yaxshilash;
- Toshkent viloyatida turizm salohiyatini yangi bosqichga olib chiqish bo‘yicha alohida dastur ishlab chiqish rejalari ilgari surilgan.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati.

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M. Mirziyoyevning 2022 yil 20 dekabrdagi murojaatnomasi

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi PF-60-son Farmoniga 1-ilova 2022-2026 yillarga muljallangan yangi O‘zbekistonning tarakkiyot strategiyasi

MARKETINGDA ZAMONAVIY MOTIVATSIYA NAZARIYALARI

Boyqobilov Akbar Panji o‘g‘li
O‘zDJTSU, Menejment va sport tadbirlarini tashkil etish kafedrasi o‘qituvchisi
Baxtiyorov Umidjon Baxtiyorovich
O‘zDJTSU, Menejment va sport tadbirlarini tashkil etish kafedrasi o‘qituvchisi

Kalit so‘zlar. marketing, motivsiya, inson munosabatlari, psixologik extiyojlar

Marketingning rivojlanishi bozor va undagi faoliyat turlari to‘g‘risida yangicha nazariy oqimlarning shakllanishiga olib keldi. Aslida tovar ayiraboshlash munosabatlari amaliy ko‘rinishlari eramizdan oldingi asrlarga borib taqaladi. O‘rta Osiyo hududlarida savdo–sotiqning tarixiy rivojlanishi Buyuk Ipak yo‘li bilan bog‘liqdir.

Inson motivatsiyasi tadqiq qilish har bir marketolog uchun muhim o‘rin egallaydi. Bu muammoni o‘rganishdan maqsad iste’molchilarni tovar va xizmatlarga bo‘lgan qiziqishlarini orshirishdan iborat bo‘ladi. Shuni inobatga olgan holda iste’molchi motivatsiyasi paydo bo‘lishi va iste’molchiga yo‘naltirilgan motivatsiya nazariyalariga to‘xtalib o‘tmoqchimiz.

Amerikalik olimlar F. Kotler va Keller “Marketingni boshqarish” nomli asarida iste’molchilarga yo‘naltirilgan motivatsiya nazariyalarining asosan 3 ta ko‘rinishiga to‘xtalib o‘tganlar.

1. Zigmund Freyd yondashuvi.
2. A.Maslou yondashuvi.
3. F.Gersberg yondashuvi[35] .

Golubkov Ye.P. tomonidan motivatsiya nazariyalarini o‘rganishda inson xulq-atvori va qadriyatlariga ta’sir etuvchi tashqi omillarga katta e’tibor berilgan[36] .

G.L.Bagiyev, V.M.Tarasevich va X.Annning “Marketing” kitobida iste’molchilar marketing kompleksini tashkil qilgan tovar, narx, reklama va tarqatish kanallari ta’siri ostida bo‘ladi deb izohlaganlar. Bular shaxsning psixologik

xususiyatlariga e’tibor qaratmaganlar. Ushbu olimlar tomonidan motivatsiya nazariyalarini motivatsiya modellari sifatida 2 ko‘rinishga ajratganlar.

1)Mazmunli modellar, ichki inson ehtiyojlarini aniqlash asosida. (A.Maslou, D.Mak_Klelland, Dj. Atkinson, F. Gersberg, D. Mak_Gregor);

2) Jarayonli modellar, jarayonlarga qaratilgan, maqsad va ehtiyojlar orqali inson xulq-atvoriga ta’sir etish bo‘yicha (V. Vrum, L. Porter, E. Louler, G. Dj. Bolt).

Ushbu olimlar motivatsiya nazariyalarida ehtiyojlar psixologik va ijtimoiy yondashuvlarni bir-biriga bog‘liq holda rivojlanish bosqichlari ketma-ketligini e’tiborga olmaydilar.

Motivatsiya mohiyatini chuqur anglash va talqin eta olishdagi keyingi muhim masala, bu motivatsiyaning rivojlanishi va takomillashish yo‘nalishlaridir. Olib borilgan tadqiqot natijalari asosida motivatsiyaning rivojlanishi va takomillashib borishidagi nazariyalarni kuyida keltiramiz:

1. Motivatsiyada psixologiya usullarini qo‘llash.
2. Kutishlar nazariyasi.
3. Motivatsiyaga xulq atvorli yondashuv.
4. Motivatsiyaga ehtiyojlar asosida yondashuv ta’limotlari.
5. Maqsadlar qo‘yish nazariyasi.
6. Tenglik nazariyasi.
7. Adolatlilik nazariyasi.
8. Porter va Louler modeli.

Motivatsiyaning psixologik nazariyasi Zigmund Freyd tomonidan vujudga keltirilgan.

Z.Freydning mulohazalari bo‘yicha shaxs uchta kuchning ta’siri ostida bo‘ladi:

id (u) – hamma xoxish-istaklar va orzu-niyatlarning amalga oshishini istaydi.

yego (men) - id harakatini nazorat qiluvchi va boshqaruvchi kuch.

superego (oliy-men) – shaxs axloqini ijtimoiy qonun-qoida va qadriyatlarga moslashtirishga harakat qiluvchi kuch.

Motivatsiyadagi yana bir nazariyasi - kutishlar nazariyasidir. Kutish deganda shaxs tomonidan biron-bir voqea bahosi tushuniladi. Kutish nazariyasi o‘z ildizi bilan 30-yillarga taalluqli va asosan Viktor Vrum ishi bilan bog‘liq. V.Vrumning fikricha, aktiv extiyojning mavjudligi bir kishini biror - bir maksad sari yo‘naltirishda yagona motivatsiya usuli bo‘la olmaydi.

Motivatsiyaga xulq atvorli yondashuv. Xatti-harakatlar ta’limoti asrimizning 30-yillarida G‘arbda yuzaga keldi. "Xatti-harakatlar" fanlari ta’limoti - bixeyviorizmning dastlabki nuqtai nazari shundaki, inson ongini o‘rganish emas, balki inson axloqi, fe’l-atvori va xatti-harakatini o‘rganish zarur.

Xatti-harakatlar ta’limoti inson munosabatlari ta’limotidan ancha chuqurlashib ketdi. Inson munosabatlari faqat shaxslar orasidagi munosabatlardan kelib chiqib yondashgan bo‘lsa, tashkiliy xatti-harakatlar maktabi - inson motivatsiyasi o‘z aql-idroki, qobiliyati bilan his etishi zarurligiga undaydi.

Bu ta’limot tarafdorlarining o‘z oldiga qo‘ygan maqsadi-xo‘jalik yurituvchi sub’yekt samaradorligiga uning xodimlari saviyasini oshirish hisobiga erishishdir. Ya’ni xo‘jalik yurituvchi sub’yekt muvaffaqiyati asosida malakali, tajribali insonlar yotadi.

Motivatsiyaga ehtiyojlar asosida yondashuv nazariyasi birinchidan odamlarni faollikka undovchi ehtiyojlarni aniqlashga harakat qiladi. A.Maslou barcha inson ehtiyojlarining qondirilish ketma-ketligiga ko‘ra, ularning 5 ta darajaga bo‘linishi va ular o‘rtasida albatta bosqichmabosqichlik mavjudligini asoslagan.

Maslou nazariyasining asosiy kamchiligi, u inson ehtiyojlarini aniqlab berdi, ammo har bir kishining indivudial ehtiyojini hisobga olmagan. Maslou tomonidan yuqori pog‘onadagi ehtiyojlar insonni intensivroq bo‘lishga undashi ta’kidlangan.

Yuqori pog‘onalar ehtiyojlarini o‘rgangan yana bir olim Devid Makkleland edi. Uning fikricha kishilar 3 xil ehtiyojga ega: hokimiyat, muvaffaqiyat va tegishlilik.

50-yillarning ikkinchi yarmida F.Gersberg o‘z yordamchilari bilan extiyojlarga asoslangan motivatsiya modelini yaratdi. Lak-bo‘yoq zavodida o‘tkazilgan so‘rovlar natijasida F.Gersberg “gigiyenik omillar” va “motivatsiya omillari”ni ajratdi.

Gersberg motivatsiya nazariyasining Maslou nazariyasi bilan o‘xshashligi katta. Gersbergning gigiyenik omili Maslouning birlamchi ehtiyojlar bilan motivatsiya esa ikkilamchi extiyojlar bilan mos kelsa, ammo bir joyda ular o‘zaro qarama-qarshi bo‘ladi. Gersbergning bu nazariyasi ko‘pgina xo‘jalik yurituvchi sub’yektlarda muvaffakiyatli amalda qo‘llanilgan bo‘lsa, kamchiliklari ham bor edi. Kishining extiyojlari turli xil bo‘lganligi sababli motivatsiyalovchi omillar ham turlicha bo‘ladi.

Motivatsiyadagi yana bir nazariya maqsadlar qo‘yish nazariyasidir. Uning mohiyati shundan iboratki, unda inson fe’l-atvori o‘z oldiga qo‘ygan maqsadlarga qarab aniqlanadi va u bu maqsadlarga albatta erishish ishtiyoqida ma’lum bir faoliyatlarni amalga oshiradi. Bu nazariya ildizlari ma’lum ma’noda F.Teylor ishlanmalariga borib taqaladi. Holbuki, bu nazariyaning mohir tadqiqotchisi Edvin Lok hisoblanadi.

Maqsadlar qo‘yish nazariyasi joriy etilishi tarixi haqida so‘zlaganda, ta’kidlash lozimki, Lokgacha 1950 yillarda maqsadlar yordamida boshqarishning qator qonun-qoidalari P.Druker va Mak Georgning maqsadlari yordamida boshqaruv doirasidagi ishlarida ilgari surildi.

Piter Druker o‘z tadqiqotlarida maqsadni aniq belgilash muhim mezon ekanligi va undan to‘g‘ri foydalanish kerakligini taklif etdi. Piter Druker - maqsad aniq va ravshan berilgan va shakllantirilgan, olish kerak bo‘lgan natijalar esa, uning erishilishi bilan bog‘langan bo‘lsa, barchaga tushunarli bo‘lishi kerak, deydi. Aks holda, o‘ylanganidan ahamiyatli darajada farq qiluvchi natijalar qo‘lga kiritilgan bo‘ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Ashirov D.A. Xodimlarni boshqarish: darslik, nafaqa. - M .: TK Velby, Prospekt nashriyoti, 2006. - 432 p.
2. Bazarov T.Yu. Xodimlarni boshqarish: Talabalar uchun darslik. o'rtacha prof. darslik muassasalar / T.Yu. Bazarov. - 4-nashr, M .: "Akademiya" nashriyot markazi, 2006. - 224 b.

3. Barkov S. A. Xodimlarni boshqarish. - M .: Yurist, 2001, - 451 b.

4. Belyatskiy N. P., Velesko S. E., Piter Reush. Xodimlarni boshqarish. - Minsk: Interpressservice, Ecoperspective, 2002. - 352 b.,

5. Belyatskiy N. P., Reusch P., Susha N. V. Menejer ishining texnikasi. - Minsk: Book House, 2002. - 255 p.

6. Biryuk A.N. Xodimlarni doimiy ishlashga qanday rag'batlantirish kerak // Muammosiz biznes - Xodimlar.-2002.-№5.

TURIZM VA UNING TAXLILI

Nazarova B.O’
Iqtisodiyot bo’yicha falsafa doktori (PhD),dotsent.
Andijon turizm kolleji direktori

Dunyo miqyosida turizm tizimi va uni takomillastirish masalasi murakkab, dolzarb masalalardan biridir. Ushbu muammoni xal qilish jarayonini tashkil etish boyicha qator ilmiy va nazariy ishlar amalga oshirilmoqda.

Jahonda global o‘zgarishlar bo‘lgan davrda dunyo mamlakatlarida turizm sohasining yalpi ichki mahsulot tarkibidagi o‘sish sur’ati sezilarli darajada ortib borayotganligiga alohida e’tibor qaratilmoqda. Jahon ichki turizm xizmatlari bozorini tahliliga ko‘ra 2019 yilda jahon miqyosida turistik faoliyatdan olinayotgan daromadlar hajmi 1478 mlrd. AQSH dollarini, yillik turistik aylanma hajmi esa 4700

mlrd. AQSH dollaridan iborat bo‘lgan. Turizm sohasining jahon yalpi mahsulotidagi ulushi 10,4 foizni (9,2 trln. AQSH dollari), sohada bandlarning ulushi 10,0 foizni va sohada asosiy kapitalga kiritilayotgan investitsiyalar esa 4,4 foizni tashkil etgan. Jahon iqtisodiyotida pandemiya ta’sirida ichki turizm sohasini mavjud salohiyat doirasida rivojlantirish hamda boshqaruv jarayonlarini takomillashtirish muhim ahamiyat kasb etmoqda.

Jahonda kirish turizmidagi yo‘qotishlarni ichki turizm faoliyatini rivojlantirish orqali kamaytirish, sohaning yalpi ichki mahsulot va aholi jon boshiga to‘g‘ri keluvchi xizmatlar hajmidagi ulushini oshirish, hududlarda aholini yangi ish o‘rinlari bilan ta’minlash hamda soha korxonalarida boshqaruvning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmlarini takomillashtirish bo‘yicha bir qator ilmiy Turizm soxasilar olib borilmoqda. Shu jihatdan ichki turizm faoliyatiga ixtisoslashgan korxonalardagi gorizontal va vertikal boshqaruv tuzilmalarini kengaytirish, xizmatlardan foydalanishni raqamli tizimlar asosida qulaylashtirish, ichki turizm faoliyati tuzilmalarida boshqaruv mexanizmlarini takomillashtirish yo‘nalishida ilmiy Turizm soxasilar olib borish ustuvor yo‘nalishlardan hisoblanadi.

O’zbekistonda turizm xizmatlari sohasini keng qamrovli rivojlantirish borasida tarkibiy o‘zgarishlar amalga oshirilayotgan sharoitda ichki turizm faoliyatini rivojlantirishga alohida e’tibor qaratilmoqda.“Yangi O‘zbekistonning Taraqqiyot strategiyasida ichki turizm sohasini rivojlantirish mahalliy sayyohlar sonini 12 million nafardan oshirish hamda respublikaga tashrif buyuradigan xorijiy turistlar sonini 9 million nafarga yetkazish va ...2026 yilgacha bo‘lgan davrda sohada band bo‘lgan aholi sonini 2 baravar oshirib, 520 ming nafarga yetkazish, turizm va madaniy meros ob’yektlari infratuzilmasini rivojlantirish hamda 8 mingdan ortiq madaniy meros ob’yektlaridan samarali foydalanish” kabi keng ko‘lamli muhim vazifalar belgilangan. Mazkur vazifalarning muvaffaqiyatli ijrosi, mamlakatimizda ichki turizm sohasi faoliyatini boshqarish jarayonida turistik komponentlaridan samarali foydalanish, hududiy iqtisodiyotni rivojlanishiga ta’sir etuvchi samaradorligini baholash, yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan risklarni boshqarish va ijtimoiy-iqtisodiy inqirozlar sharoitida sohaning tiklanish strategiyalarini ishlab chiqish bilan bog‘liq jarayonlarning takomillashda muhim ahamiyat kasb etadi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2016-yil 2-dekabrdagi PF-4861-son «O‘zbekiston Respublikasining turizm sohasini jadal rivojlantirishni ta’minlash chora-tadbirlari to‘g‘risida», 2017-yil 5-dekabrdagi PF-5273-son «Chorvoq» erkin turistik zonasini tashkil etish to‘g‘risida», 2021-yil 9-fevraldagi PF-6165-son «O‘zbekiston Respublikasida ichki va ziyorat turizmini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida», 2022-yil 28-yanvardagi PF-60-son «2022–2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning Taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida»gi farmonlari, 2018-yil 7-fevraldagi PQ-3514-son «Ichki turizmni jadal rivojlantirishni ta’minlash chora-tadbirlari to‘g‘risida», 2019-yil 5-yanvardagi PQ-4095-son «Turizm tarmog‘ini jadal rivojlantirishga oid chora-tadbirlar to‘g‘risida»gi qarorlari hamda

mazkur sohaga tegishli boshqa me’yoriy-huquqiy hujjatlarda belgilangan vazifalarni amalga oshirishda muayyan darajada xizmat qiladi.

Turizm va uning tarkibidagi ichki turizm faoliyatini rivojlantirish, soha korxonalari faoliyatini boshqarish tizimini takomillashtirish bo’yicha xorijlik U.Martini, Crouch G. I, T.Mixaylik, Akis.S, Athiyaman. A, Мескон М., Альберт М, Shewhart. W, Deming. W, Портер. М, Чесбро. Г, Moore P. G., Тейлор. Ф, P.Druker va MDH davlatlarida ichki turizm faoliyati, uning boshqarish jarayonlarini rivojlantirish, o’ziga xos xususiyatlari hamda uslubiy jihatlari И.В.Зорин, В.А.Квартальнов, Н.В.Пенкина, А.Трубин, Т.Ю.Иваницкая, А.Д.Чудновский, Н.В.Королев, Е.А.Гаврилова, М.А.Жукова, Н.А.Зайцева, С.В.Кибальников, О.Н.Кострюкова, В.И.Кружалин, В.Б.Фридман, Ю.В.Яковец, С.Г.Демченко, Я.Качмарек, М. Б. Биржаков, Т.Е.Карманова, Т.А.Федорова, А.А.Быкова kabi shuningdek O‘zbekistonda turizm sohasini rivojlantirish va boshqarish jarayonlari bo’yicha М.К.Пардаев, И.С.Тухлиев, Н.Т.Тухлиев, Б.Н.Навруз-зода, Н.С.Ибрагимов, О.Ҳ.Ҳамидов, М.Т.Алиева, М.Т.Алимова, А.А.Эштаев, Б.Ш.Сафаров, А.Т.Мирзаев, А.Н.Норчаев, Ш.Р.Файзиева, Б.Олланазаров kabi olimlarning ilmiy ishlarolib bormoqdalar.

Biroq, ular tomonidan ichki turizm sohasini rejali va tizimli boshqarish, soha faoliyatini hududlar kesimida rivojlantirish, ichki turizm sohasi samaradorligini oshirish, asosiy va yondosh infratuzilma tizimlarini rivojlantirish va soha faoliyatini klasterli yondashuv asosida rivojlantirish kabi masalalar yetarli darajada o‘rganilmagan.

Turizm soxasi natijalarining ilmiy ahamiyati turizm soxasida ishlab chiqilgan nazariy va uslubiy taklif hamda tavsiyalarni iqtisodiyotni erkinlashtirish sharoitida ichki turizm xizmatlari sohasini boshqarishni va respublikamizda turizm industriyasining samarali faoliyat olib borishiga, ichki turizm xizmatlari bozorida soha korxonalari raqobatbardoshligini boshqaruv strategiyalari asosida ta’minlashga qaratilganligi, shuningdek, mamlakatimiz turistik xizmatlari sohasida amalga oshirilayotgan iqtisodiy islohotlarni yanada chuqurlashtirish jarayonida boshqaruv tizimi samaradorligini oshirishda hamda pandemiya sharoitida ichki turizm faoliyatini rivojlantirish asosida kirish turizmi yo‘nalishidagi yo‘qotishlarni qoplash va sohaning ehtimoliy tiklanish strategiyalarini ishlab chiqishda foydalanilishi mumkinligi bilan izohlanadi.

Ichki turizm xizmatlari bozorida turistik korxonalar faoliyatini boshqarish tizimini takomillashtirish bo‘yicha olingan turizm soxasilar asosida:

Ichki turizm boshqaruvi asosiy quyi tizimlari va funksiyalarini tasnifiy modelini turistik mahsulotlarini yaratish va uni taqsimlash, sotish asosida ichki turizmni rivojlantirish hamda moliyaviy oqimlarni prognoz qilish va rejalashtirishning quyi tizimlarini hisobga olgan holda takomillashtirilgan taklifi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 30 apreldagi PQ-232–son “Ichki turizm xizmatlarini diversifikatsiya qilishga oid qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qarorining 1-

ilovasida foydalanilgan (O‘zbekiston Respublikasi Turizm va madaniy meros vazirligining 2022 yil 30-noyabr 04-18/7423-sonli ma’lumotnomasi). Natijada ichki turizm faoliyati bilan shug‘ullanuvchi korxona va tuzilmalarda boshqaruv jarayonlaridagi kompetensiyalarning optimal taqsimlanishi bilan boshqaruv samaradorligini 2,1 % ga ijobiy o‘zgarishiga erishilgan;

Andijon viloyatining Xo‘jaobod tumanidagi Imom ota qishlog‘ini" turizm qishlog‘i"ga aylantirish hamda bu yerda oilaviy mehmon uylarini ko‘paytirish, milliy mahsulotlar, suvenir do‘konlari va umumiy ovqatlanish shoxobchalari faoliyatini yo‘lga qo‘yish hamda ekoturizm dam olish maskanlarini tashkil etish taklifi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 30-apreldagi PQ-232-son “Ichki turizm xizmatlarini diversifikatsiya qilishga oid qo’shimcha chora–tadbirlar to’grisidagi qarorining 1-ilovasini 6-bandini tayyorlashda foydalanilgan, O’zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 21-apreldagi VMQ-204-son “2022-2026 yillarda Andijon viloyati xududlarini kompleks ijtimoiy –iqtisodiy rivojlantirish va aholi turmush darajasini yanada yaxshilashga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qarorining 2-ilovasining 6-bolimini 79.2-bandini tayyorlashda foydalanilgan (O‘zbekiston Respublikasi Turizm va madaniy meros vazirligining 2022 yil 30-noyabr 04-18/7423 - sonli ma’lumotnomasi). Natijada Xonobod shahri, Xo‘jaobod tumanidagi Imom ota qishlog‘ini "turizm qishlog‘i"ga aylantirish hamda bu yerda oilaviy mehmon uylarini ko‘paytirish hisobiga ishlab chiqarish hajmi 5 foizli ijobiy samarasini oshirishga ва ichki turizm faoliyati bilan shug‘ullanuvchi korxonalarda risklarni baholash aniqligi 12-14 % ga ijobiy o‘zgarishiga erishish imkoni yaratilgan;

pandemiya sharoitida ichki turizmni ustuvor rivojlantiruvchi hududlarni aniqlash matrisasi asosida soha faoliyatini rag‘batlantirish orqali turistik faoliyatning ehtimoliy (tez tiklanish, sekin tiklanish, bosqichma-bosqich tiklanish, tarkibiy o‘zgarishlar orqali tiklanish va ikki marta pasayish bilan tiklanish) tiklanish ssenariylari ishlab chiqilgan taklifi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 30 apreldagi PQ-232–son “Ichki turizm xizmatlarini diversifikatsiya qilishga oid qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi qarorining 1-ilovasida foydalanilgan (O‘zbekiston Respublikasi Turizm va madaniy meros vazirligining 2022 yil 30-noyabr 04-18/7423-sonli ma’lumotnomasi). Natijada kirish turizmi sohasidagi yo‘qotishlarni ichki turizm faoliyatini rivojlantirish orqali qoplash, shu bilan birga turizm sohasining rivojlanish trendlarini tiklash samaradorligini oshirish imkonini bergan.

Xulosa shuki Jahon miqyosida so‘nggi yillarda turizm sohasining rivojlanish tendensiyalari sohaning barqaror rivojlanishi faqatgina kirish turizmi orqaligina ta’minlanmasdan, hududda ichki turizmning alohida turlarini ham ustuvor rivojlantirish orqali amalga oshirish talab etilmoqda. Turizm sohasi, xususan, ichki turizm faoliyatini rivojlantirish tadbirkorlik faolligini rag‘batlantirish, aholi bandligi va real daromadlar darajasini oshirish hamda hududlarni mutanosib rivojlantirish kabi keng ko‘lamli ijtimoiy-iqtisodiy masalalarni hal etish imkonini beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Nazarova, B. U. Improving the management system of tourism enterprises through domestic tourism. // Theoretical &Applied Science Philadelphia, USA. ISSN: 2308-4944, Issue 04, Volume 120 published 04.04.2023. 17-21 (5) GIF (0.564), (23) Impact Factor (SJIF 2021: 7.184), http://www.t-science.org/conf/2023/04-2023-4.pdf
2. Назарова Б.У. Ички туризм корхоналарини фаолиятини бошқаришда туристик рискларни бошқариш. // Изд. «Научно-технический журнал машиностроение». №1, 2022 г. -С.280-288.
3. Назарова Б.У. Ички туризм корхоналарида бошқариш жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари. // Ж. «Хоразм Мамун академияси ахборотномаси». – 2022-5/2. С. 80-84.

INCREASING FOREIGN INVESTMENT THROUGH BONDS

Umarova Gulzoda Kodirbekovna
Teacher assistant. “Department special sciences”,
Andijan branch of the Tashkent financial institute,
Andijan, Republic of Uzbekistan**.**

Abstract: the task of any investor is to correctly choose an instrument for investing. In the process of buying bonds, it is important to take into account the prescribed criteria for choosing assets. In addition, do not forget about the classification of the instrument, because it determines both risks and profitability indicators.

Keywords: investors, payments, important, obligation, management activities, financial costs, investments.

Аннотация: задача любого инвестора – правильно выбрать инструмент для инвестирования. В процессе покупки облигаций важно учитывать установленные критерии выбора активов. Кроме того, не забывайте о классификации инструмента, ведь он определяет как риски, так и показатели доходности.

Ключевые слова: инвесторы, платежи, важные, обязательства, управленческая деятельность, финансовые затраты, инвестиции.

Annotatatsiya: har qanday investorning vazifasi investitsiya uchun vositani to'g'ri tanlashdir. Obligatsiyalarni sotib olish jarayonida aktivlarni tanlashning belgilangan mezonlarini hisobga olish muhimdir. Bundan tashqari, moliyaviy instrument tasnifi haqida unutmang, chunki u risklarni ham, rentabellik ko'rsatkichlarini ham belgilaydi.

Kalit so'zlar: investorlar, to'lovlar, muhim ko’rsatkichlar, majburiyat, boshqaruv faoliyati, moliyaviy xarajatlar, investitsiyalar.

Investing in bonds is considered one of the stable ways of passive income. At the moment, securities offer lower yields than stocks, but are highly reliable. Bonds are debt securities. They are issued by the issuer and sold to investors at a set price. Trades are held on stock exchanges. When investors buy bonds, they provide issuers with a certain amount of money as a loan. The securities have a maturity date, after which the issuer undertakes to return the borrowed funds to the investor in full. Both large companies and individuals can invest in this group of financial assets.

The main advantages of bonds:

- guaranteed coupon payments are interest dividends on the face value of an asset;
- availability of maturity – the moment of obligatory redemption of the bond;
- the investor does not act as an active participant in management activities. Debts to creditors are repaid first. Types of bonds:
- municipal, state: characterized by a minimum level of risk and relatively low profitability;
- bonds from representatives of medium-sized businesses: characterized by high risk, but also capable of providing an impressive amount of profit.

The main systems for calculating the payment of profit:

- discount - the discount at the time of acquisition of the asset or its nominal value is taken into account;
- interest - the investor receives a profit at a fixed rate;

The effectiveness of investment activities directly depends on the economic climate. Reliable and trusted issuers always remain solvent as they struggle with banks in an attempt to maintain optimal rates. Bonds with a higher level of risk are suitable for investors who want to earn the maximum amount of money without making any effort.

The main purpose of issuing debt securities is to cover the budget deficit or cash gap. Sometimes companies issue bonds to raise money from investors to carry out global projects.

Investing in government bonds is much safer than investing in corporate bonds. All debt obligations are covered by municipal or state bodies.

Investments in government bonds involve a certain level of financial risk. The market price of a financial asset at the time of the transaction may change in relation to nominal indicators.

In order to profit from investing in any asset, you need to understand the intricacies of this process. It is necessary to analyze all parameters from reliability, profitability to credit rating, repayment period.

Now we are talking about the profitability of this instrument. So, how much can you get from investing in such an asset? It must be remembered that profitability happens:

- Valid - set for the period of purchase of the bond;
- To maturity is the overall performance of the investment;
- Full - takes into account different indicators of the instrument.

To determine the profitability of a particular issue of securities, the average market yield is used. When the profitability is very high, this is a signal of increased risk. When an investor uses the yield to maturity to evaluate the performance of a deposit, we pay attention to the period prescribed by the issuer. Yield to maturity is calculated as a percentage. If 12% is indicated, then the maturity will be about 2 months, we get that the actual profitability is 2%. We get that the more left to maturity, the higher the profitability of securities.

Let's go through the benefits of buying bonds:

- Price movements in the market are insignificant, the investor keeps a benchmark for the percentage of profitability;
- The percentage of profitability is higher than on deposits;
- Bonds are a good tool for conservative investors who are looking for low risks. So, about the disadvantages:
- The return is not always high;
- There is no protection under the investment insurance system.

In general, investing in bonds is a stable passive income. The investor just needs to correctly collect an investment portfolio and analyze a security before adding it to himself.

At the moment the priority areas for investment are: the fuel and energy complex, agribusiness, infrastructure, including transportation, telecommunications, and social infrastructure. Promising forms of attracting foreign capital represented such as financial leasing, the sale of shares of large enterprises to foreign companies, foreign investment in the venture capital industry.

References

1. Denisenko M.P. Basics of investment activity. - K., 2003. 178 p.
2. Ivanilov O.S. Business economics. Textbook.
3. Moiseyenko I.P. Investment. [Electronic resource] - 16th century

O‘ZBEKISTONDA XALQARO TRANSPORT YO‘LAKLARI TIZIMINI RIVOJLANTIRISH

Axunov Muxammadamin
Andijon mashinasozlik instituti
“Iqtisodiyot” kafedrasi dots.nti, i.f.n.
E-mail: axunov@gmail.com
Phone: +998972736877
Shukurov Umidbek
Andijon mashinasozlik instituti
“Iqtisodiyot” kafedrasi o‘qituvchisi

Annotatsiya: Mazkur maqolada Xalqaro savdoda transport koridorlarining ahamiyati qay darajada Ekanligi borasidagi tadqiqotlar bayoni keltirilgan. Transport yo‘laklari iqtisodiy o‘sish, kambag‘allik, ish o‘rinlari, tenglik, atrof-muhit sifati va iqtisodiy barqarorlik kabi rivojlanish natijalarining potensial to‘plamiga ta’siri orqali kengroq iqtisodiy foyda va xarajatlarni keltirib chiqarishi mumkin. Transport koridorlarining qanday ahamiyatga Ega Ekanligini tushunish uchun ushbu tadqiqot yirik transport koridorlarini ahamiyatini baholovchi adabiyotlarni miqdoriy ko‘rib chiqishni o‘z zimmasiga oladi. Bunda yo‘llar, relslar va havo yo‘llariga E’tibor beriladi.

Kalit so‘zlar: Xalqaro savdo, eksport, import, bojxona siyosati, ta’rif to‘siqlar, nota’rif to‘siqlar, CAREC, iqtisodiy o‘sish.

Har bir davlatning iqtisodiy-ijtimoiy infratuzilmasining rivojlanishi ko‘p tomondan ularning transport kommunikatsiyalarining qay darajada rivojlanganligiga bog‘liq. Sharq va G‘arb davlatlarini bog‘lovchi xalqaro karvon yo‘llari kesishgan, Buyuk Ipak yo‘li markazida joylashgan Markaziy Osiyo davlatlari jumladan, O‘zbekistonning undagi joylashuvi mamlakatning logistik jihatdan rivojlanishiga turtki bo‘lmoqda. Bizga ma’lumki, har qanday davlat xalqaro munosabatlar subyekti sifatida shaxs, jamiyat va davlatning muhim ehtiyojlaridan kelib chiqqan holda mintaqaviy va xalqaro maydonda o‘z faoliyatini olib boradi.

Bugungi kunda mintaqa davlatlarining dengizga to‘g‘ridan-to‘g‘ri chiqa olmasliklari natijasida eksport-import operatsiyalarida qo‘shimcha transport xarajatlari yuzaga kelmoqda. Mazkur xarajatlarni qisqartirish maqsadida mintaqa davlatlari o‘zlarining transport strategiyalarini qabul qilgan holda, jahon bozorlariga chiqish uchun qulay va muqobil hisoblangan transport koridorlarini shakllantirmoqda.

Davlatimiz rahbari Shavkat Mirziyoyev Prezident lavozimidagi faoliyatining ilk kunlaridanoq Markaziy Osiyoni yagona mintaqa sifatida rivojlantirishning ahamiyati va dolzarbligini e’tiborga olgan holda, faol mintaqaviy siyosat yuritish, Markaziy Osiyoda qulay siyosiy muhit yaratish, mintaqadagi mamlakatlar bilan

barcha yo‘nalishlarda, jumladan, O‘zbekiston tashqi siyosatining ustuvor tarmoqlaridan bo‘lgan transport sohasi bo‘yicha konstruktiv va o‘zaro manfaatli munosabatlarni yo‘lga qo‘yish kabi vazifalarni belgilab bergan edi.

Mamlakatimizda transport infratuzilmasini yanada rivojlantirish va tranzit yuk tashish hajmini oshirish masalalariga alohida e’tibor qaratilmoqda. Hozirgi kunda O‘zbekistonda 2015-2019 yillarda muhandislikkommunikatsiya va yo‘l-transport infratuzilmasini rivojlantirish va modernizatsiya qilish dasturi amalga oshirilmoqda. Dastur milliy transport tarmog‘ini rivojlantirish sohasida xalqaro talablar va standartlarga javob beradigan yaxlit kompleks 6 Carecprogram.org sayti ma’lumotlari asosida muallif tomonidan tayyorlandi 24 strategiyani ishlab chiqish hamda mahalliy ishlab chiqaruvchilarning mahsulotlarini hududiy va jahon bozoriga olib chiqishni hisobga olgan holda ushbu strategiyani xalqaro transport tizimiga keng integratsiyalashni ta’minlashni ko‘zda tutadi.

Ta’kidlash joizki, bugungi kunda mamlakatimizda transport-tranzitsalohiyatini yanada rivojlantirish uchun barcha zarur sharoitlar yaratilmoqda. Transport tizimining o‘tkazuvchanlik qobiliyatini oshirish, O‘zbekiston hududidan o‘tish uchun mavjud to‘siqlarni bartaraf etish ishlari amalga oshirilmoqda, bu esa Markaziy Osiyoda xalqaro transport yo‘laklarini rivojlantirishda muhim ahamiyat kasb etadi. Mintaqani rivojlantirishga qaratilgan muhim loyihalarni amalga oshirish maqsadida o‘tgan yil noyabr oyida Samarqandda “Markaziy Osiyo: yagona tarix va umumiy kelajak, barqaror rivojlanish va taraqqiyot yo‘lidagi hamkorlik” mavzuida xalqaro konferensiya o‘tkazildi. Prezident Shavkat Mirziyoyev ushbu tadbirdagi nutqida hozirgi kunda mintaqaviy hamkorlikni barcha muhim sohalar bo‘yicha rivojlantirish tendensiyalari haqida so‘zladi va Markaziy Osiyo bo‘yicha qator tashabbuslarni ilgari surdi.

Davlatimiz rahbarining asosiy tashabbuslaridan biri – Markaziy Osiyo bo‘yicha BMT rezolyutsiyasini qabul qilish taklifi xalqaro hamjamiyat tomonidan keng qo‘llab-quvvatlandi, joriy yil iyun oyida BMT Bosh Assambleyasi “Markaziy Osiyo mintaqasida tinchlik, xavfsizlikk va barqaror ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotni ta’minlash bo‘yicha mintaqaviy va xalqaro hamkorlik” rezolyutsiyasini qabul qildi. Rezolyutsiyada transport infratuzilmasi va tranzit yo‘laklarini rivojlantirish, yangi avtomobil va temir yo‘llar, aviaqatnovlarni ochish orqali barcha transport turlarining o‘zaro hamkorligini kuchaytirishga alohida e’tibor qaratilgan. Yirik xalqaro bozorlarni o‘zaro birlashtiruvchi eng qisqa yo‘nalishlar mintaqamiz orqali o‘tadi. Hududimizning transport-tranzit salohiyati uning tarixan Sharq va G‘arb, Shimol va Janub o‘rtasida ko‘prik vazifasini o‘tagan Buyuk ipak yo‘lining markazidagi geostrategik joylashuvi bilan belgilanadi. Prezident Shavkat Mirziyoyev 2018-yil mart oyida Ostona shahrida bo‘lib o‘tgan Markaziy Osiyo davlat rahbarlarining maslahat uchrashuvidagi nutqida mintaqani 25 yirik dengiz portlari va dunyo bozorlari bilan bog‘lash imkonini beradigan transportkommunikatsiya loyihalarini amalga oshirish ustuvor vazifa ekanini ta’kidlagan edi.

Markaziy Osiyoda mavjud transport yo‘laklarini takomillashtirish va yangilarini shakllantirish dolzarbligini e’tirof etgan holda, davlatimiz rahbari Samarqandda bo‘lib o‘tgan tadbirda Toshkent shahrida transport yo‘laklari bo‘yicha xalqaro konferensiyani tashkil etish tashabbusini ilgari surgan edi. Markaziy Osiyoda qo‘shimcha yuk tashish oqimlarini jalb etish imkonini beradigan yangi transport va tranzit yo‘laklarini shakllantirish, transport va logistika sohasida kadrlar tayyorlash bo‘yicha xorijiy tajribani o‘rganib, xalqaro logistika markazlari tarmog‘ini yaratish, mintaqa transport-logistika salohiyatini rivojlantirish uchun xorijiy mamlakatlarning portlaridan samarali foydalanish uslublarini shakllantirish, Markaziy Osiyoda Janubiy va Janubi-Sharqiy Osiyo, Yevropa, Yaqin va O‘rta Sharq mamlakatlarini birlashtiruvchi muhim tranzit yo‘l bo‘lib xizmat qiladigan yagona integratsiyalashgan xabni yaratish masalalari mintaqamiz uchun dolzarb ahamiyat kasb etadi. Maqsad - mintaqa tranzit salohiyatini birgalikda rivojlantirish, xalqaro transport yo‘laklaridan foydalanish CAREC transport koridorlarining kunlik xizmat ko‘rsatish qobiliyati samaradorligini oshirish, xalqaro tashuvlar jarayonidagi turli to‘siqlarni bartaraf etishga qaratilgan chora-tadbirlarni ishlab chiqish, me’yoriy-huquqiy baza va tarif siyosatini takomillashtirish hisoblanadi. Ma’lumotlarga ko‘ra, Markaziy Osiyo mamlakatlari temir yo‘llarining uzunligi 22 ming kilometrga teng.

Qozog‘iston eng yirik va eng ko‘p foydalaniladigan temir yo‘llar tizimiga ega, uning hissasiga mintaqadagi temir yo‘llarning 66 foizi va barcha yuk tashishlarning 84 foizi to‘g‘ri keladi. Mintaqadagi temir yo‘llarning qariyb 18 foizi O‘zbekiston hududidan o‘tadi va barcha tashishlarning qariyb 11 foizi mamlakatimiz hissasiga to‘g‘ri keladi. Turkmaniston taxminan 12 foiz mintaqaviy temir yo‘llarga egalik qiladi va barcha tashishlarning 4 foizini ta’minlaydi. 1993 yilda Belgiya poytaxtida Ozarbayjon, Armaniston, Gruziya, Qozog‘iston, Qirg‘iziston, Tojikiston, Turkmaniston va O‘zbekiston ishtirokida Bryussel deklaratsiyasi qabul qilingan edi. Mazkur hujjat Yevropadan Qora dengiz, Kavkaz, Kaspiy dengizi orqali o‘tib, Markaziy Osiyo mamlakatlariga chiqish bo‘yicha transport yo‘lagini rivojlantirish maqsadida YEI tomonidan moliyalashtiriladigan TRASEKA texnik ko‘mak bo‘yicha mintaqalararo dasturining amalga oshirilishini boshlab berdi. 1996 yilda Markaziy Osiyo mamlakatlaridan Eron va Turkiya hududlari orqali dunyo bozoriga chiqish imkonini beradigan yangi Transosiyo yo‘lagi – Tejon – Seraxs – Mashhad temir yo‘li ochildi. So‘nggi yillarda Markaziy Osiyoda o‘zaro ishonch va do‘stona muhit sharoitida transport loyihalarini ro‘yobga chiqarish bo‘yicha amaliy choralar ko‘rilmoqda.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1 Ҳеалей, П. 2004. Тҳе Треатмент оф Спасе анд Пласе ин тҳе Hew Стратегис Спатиал Планнинг ин Эуропе. Интернатионал Ж. Урбан анд Регионал Ресеарч, 28(1): 45–67. Февруарй

2 Говернансе, Инекуалитиес анд Урбан Ланд Маркетс, УН-Ҳабитат, 2010

3 Арнолд, Ж., Оливиер, Г. анд Арвис, Ж-Ф. (2005) Бест П
4 Де Беер, ГРМ, Регионал Девелопмент Сорридорс Анд Спатиал Девелопмент Инитиативес – Соме Суррент Перспестивес Он Потентиалс Анд Прогресс
5. O‘zbekiston Respublikasi “Transport to‘g‘risida”gi qonuni 2021-yil 9-avgust.
6. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 2-dekabrdagi “2018-2022 – yillarda transport infratuzilmasini takomillashtirish va yuk tashishning tashqi savdo yo‘nalishlarini diversifikatsiyalash chora tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-3422-sonli qarori
7. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Transport sohasida davlat boshqaruvi tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” 2019-yil 1-fevraldagi PF-5647-son farmoni
8. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Yuk va yo‘lovchi tashish tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” 2019-yil 6-martdagi PQ-4230-son qarori
9. A.T. Shermuhamedov, N.S. Ismailova - XALQARO TRANSPORT KORIDORLARI (O‘quv qo‘llanma). T.: IQTISODIYOT, 2019. – 128 bet.
10. David A. Hensher, John D. Nelson, and Phil Goodwin - «Transport Corridor Management: Principles and Practice» (2017)
11. Uddin and Barter - «Transport Corridor Planning and Development: A Multimodal Approach» (2014)

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА БУНЁДКОРЛИК ЭҲТИЁЖЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Қувватова Феруза
Андижон машинасозлик институти “Иқтисодиёт” мутахассислиги 2-босқич магистранти

Аннотация. Мақолада янгиланаётган Ўзбекистонда ёш авлодни замонавий билимларга эга бўлган рақобатбардош кадрлар қилиб шаклланишларида бунёдкорлик эҳтиёжларини ўрни ва аҳамияти тўғрисида маълумотлар таҳлил қилинган. Шу билан бирга мақолада аҳамиятга молик мулоҳазалар ва таклифлар берилган.

Калит сўзлар. Янги авлод, ахборот коммуникация технологиялари, ахборот асри, интернет, бунёдкорлик эҳтиёжлари, рақамли иқтисодиёт.

Янгиланаётган Ўзбекистонда ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, мафкуравий соҳаларда инсон капиталига, айниқса, ёшлар тарбиясига беқиёс эътибор берилмоқда. Республикамиз аҳолисининг 60 фоиздан кўпроғи ёшларни ташкил этиши туфайли ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш ва уларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган.

Янгиланаётган Ўзбекистонда бугунги кунда ёшларнинг тарбиясига ва уларнинг камол топишига катта аҳамият қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Ёшларни замонавий билим ва тажрибалар, миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида мустақил ва мантиқий фикрлайдиган, эзгу фазилатлар эгаси бўлган инсонлар этиб вояга етказамиз” деб таъкидланган[1. 6-б.]. ёш авлодни ва унинг эҳтиёжларини тадбиркорлик руҳида шакллантириш ва ривожлантиришнинг имкониятлари ва амалиёти бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримов “Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори аввалambор фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғликдир” – деган эди. [2.28-бет]. Инсон тарбияси – шахсни ижтимоийлаштириш, жамият тараққиётининг фаол ижодкори қилиб тайёрлаш мақсадида жисмоний ва маънавий баркамол бўлиб етишишига таъсир кўрсатиб борадиган ижтимоий жараёндир. Мамлакат миқёсида бўлаётган ислоҳотларни ва ўзгаришларни онглай оладиган, ўзи истиқомат қилаётган оиласи, маҳалласи, қишлоғи, шаҳарининг ривожига ҳисса қўшишга интиладиган даражада таълим ва тарбия олган жисмонан соғлом ва маънавиятли етишиб келаётган авлод ижтимоий фаол шахс бўлиб шакллана олади. Ривожланган илғор жамиятларгина шундай ижтимоий муҳитни яратиш имкониятига эгадирлар.

БМТ Бош Ассамблеясининг 2017 йил 19 сентябрь кунидаги 72-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир” [3] - деб айтган даъвати глобал аҳамият кашф этиб янгиланаётган мамлакатимизда кенг миқёсда амалга оширилмоқда ва ижобий натижалар бермоқда.

Инсон тирик организм бўлганлиги учун ҳам унга эҳтиёжлар хосдир. Шаклланган туғма ва ижтимоий эҳтиёжлар инсонни ҳаракатга чорлайдиган ички кучидир. Инсон эҳтиёжлари, одатда, ўз мазиунига кўра 1) табиий, 2) маънавий (интеллектуал), 3) социал характерда бўлади.Табиий эҳтиёжлар бу – инсоннинг озиқ-овқатга, кийим-кечакка, уй-жойга, уйқуга, дам олишга, иссиқликка ва шу кабиларга бўлган эҳтиёжларидир.Табиий эҳтиёжларга хослик шундан иборатки, улар миқдор ва сифат жиҳатидан чегарага эга, ҳажмга боғлиқ. Масалан, озиқ-овқатга, уйқуга бўлган эҳтиёжлар каби. Маънавий (интеллектуал) эҳтиёжлар инсоннинг маънавий ҳаёти билан боғлиқ бўлиб, инсоннинг билим олишга, илму фанга, маданиятга, динга ва шу кабиларга бўлган эҳтиёжларидир. Ижтимоий тараққиёт маҳсули бўлган инсонга социал эҳтиёжлар ҳам хосдир.Социал эҳтиёжлар бу инсоннинг жамиятда яшашга,

ҳамжиҳатлик ёки рақобатга, бир-бири билан муносабатда ва мулоқотда бўлишига, қисқаси, инсоннинг инсонга бўлган эҳтиёжларидир. Маънавий ва социал эҳтиёжлар чегарасиз, ҳажмсиз бўлиб, улар жамият ва давлат томонидан қонунлар, қоидалар, урф-одатлар, расм-русумлар, анъаналар, менталитет, аҳлоқ, одоб, дин, эътиқод ва шу кабилар орқали тартибга солинади, назорат қилинади. Инсон маънавияти унинг маънавий эҳтиёжларини қондириш орқали шаклланади. Маънавий эҳтиёжлар эса маънавий ноз-неъматлар билан қондирилади. Маънавий ноз-неъматлар моддий ва номоддий бўлади.

Ёшларнинг ижтимоий фаоликка бўлган эҳтиёжларининг шаклланиши жараёнига бу сифатларга хос фазилатларни сингдириш психологик ва педагогик жиҳатдан мураккаб, кўп қиррали ва узоқ муддат талаб қилгувчи, шу билан бирга, янги вазифаларни белгилаб берадиган ниҳоятда долзарб муаммолардан биридир. Яхши тайёргарлик билан амалга оширилган ушбу услублар ижобий натижалар беради.

Рақамли иқтисодиётни амалда қўллай бошлаган Янги Ўзбекистонда замонавий технологияларга мос ёш авлодни тарбиялаш, дунё бозорида рақобатбардош бўла оладиган малакали мутахассисларни тайёрлаш устувор вазифалардан қилиб белгиланиб олинган ва ҳаётда ўз аксини топмоқда. Шунинг учун ҳам инсон омилига ва унинг ривожланишига мамлакатимизда катта инвестициялар киритилмоқда ҳамда юксак даражада эътибор қаратилмоқда. Яна шуни таъкидлаш мумкинки, бугунги кун баркамол авлод ёшларнинг тарбиялашда ахборот-комуникация технологияларини ўрганиш етакчи ўринни эгаллайди. Яъни, бугунги куннинг замонавий малакали мутахассиси бўлиши учун замонавий билимдан орқада қолмаслигимиз кераклигини келажак авлод ёшлари онгига сингдиришимиз зарур бўлади.

Ilmiy rahbar: i.f.n., dotsent M.Axunov

Адабиётлар

1.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29 декабрь 2021 йил.
2.Ш.Мирзиёев. Инсон манфаатлари ва ҳуқуқларини таъминлаш-демократик жамиятнинг асосидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи. 2017 йил 19 сентябрь. 1. Ш.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. Т., “Ўзбекистон” нашриёти, 2021 й. 82-бет.
3.“Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”. Тошкент ш., 2017 йил 7 сентябрь,ЎРҚ-443-сон.
4.Замонавий таълимда рақамли технологиялардан фойдаланиш истиқболлари. Хашимова Д.П., Парпиева Р.А. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 3, may-iyun, 2020 yil.
5.М.Ахунов. Инсон эҳтиёжлари ва ёшларнинг маънавий тарбияси. “Илмий хабарнома” журнали,№4, Андижон, 2013 йил.

6.М.Ахунов. Инсон омили - ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг етакчи кучи ва бош мақсади. “Илмий хабарнома” журнали,№ 1, Андижон ,2016 йил, 50-бет.

СИСТЕМНЫЙ ПОДХОД К ПРЕДВАРИТЕЛЬНОЙ ПОДГАТОВКИ СУШКИ ВИНОГРАДА

Юсупов М.Т.
доцент Андижанского факультета ТГЭУ
Тожибоев Абдумумин Мухторжон угли
Андижанский машиностроительний институт, Студент 3-курса по специальности “Информационные системы и технологии”

Известно, что изучение процесса и явлений на уровнях иерархии требует дальнейшего развития этого принципа применительно к сельхозпродуктам при наличии их живых клеток на стадиях переработки.

Поэтому на втором уровне иерархии элементом системы является рабочая камера, где происходят межфазные – межсистемные процессы. Рабочая камера сушильных установок обеспечены вспомогательными оборудованиями (вентилятор, вакуум-насос и фильтр). В данном уровне иерархии улучшение организации процесса сушки достигается путем подбора конструктивных элементов рабочей камеры, такие как тип нагревателя, отражателя, а также определением длины волны ИК-излучением.

С целью совершенствования процесса сушки винограда, изучения тепло- и массообменных явлений, протекающих в продуктах при их обработке, и определения влияния различных факторов на качество сушеного продукта проведен комплексный анализ технологической линии и обоснована ее иерархическая структура.

Высокая температура и большая продолжительность сушки способствуют развитию окислительных процессов.

Целесообразность применения новых физических методов подвода энергии в поле ИК- диапазона обусловлено высокой эффективности при предварительной обработки и сушки сельскохозяйственных продуктов. Следовательно в качестве источника ИК- излучения необходимо использовать генераторы, длина волны излучения которых находится в диапазоне соответствующем наибольшей пропускательной способности продукта в зоне предварительной обработки а в зоне сушки наиболее поглощательной способности влаги. С этой точки зрения, на основе проведенных экспериментальных и теоретических исследований определены оптимальные значение тепловых потоков в процессе переработки сельхозпродуктов.

Таким образом, выбранные режимы для предварительной обработки и сушки, является целенаправленным для интенсификации процесса сушки. Применение новых физических методов сушки дает возможность получить следующие результаты:

- сократить продолжительность процесса сушки;
- уменьшить затраты энергии на единицу готовой продукции за счет эффективности процесса сушки на этапе ИК- воздействия;
- повысить качество сушеных продуктов в результате сохранения ценных компонентов.

С этой точки зрения для разработки энергосберегающей технологии по переработке винограда нами разработано нетрадиционный способ сушки новым физическим методом подвода энергии. Однако для широкой реализации предлагаемой способ сушки необходимо решить проблемы воздействия источника ИК- излучателей и ее распределение на поверхности высушиваемого продукта.

На основе экспериментальных и теоретических предпосылок определены пропускательные и поглощательные способности высушиваемого продукта в области ИК- диапазона.

Путем математического моделирование изучены взаимовлияния всех систем в процессе сушки и определены оптимальные значение влияющих факторов такие, как длина волны излучения λ, плотность теплового потока q, толщина слоя продукта δ, удельная нагрузка σ на единицу площади F сушильной камеры а также режим сушки в области ИК- диапазона.

При этом задача состоит в том, чтобы в процессе предварительной ИК - обработки и сушки, в первую очередь, максимально сохранить состав винограда.

Для этого построена линия первичного обработки сушки винограда.

На этот основе разработана рациональная технологическая схема, которая призвана позволить получать высококачественную сушеную продукцию.

Технологическую линию переработки винограда можно представит в виде большой системы. Здесь технологические процессы можно представить в виде подсистемы получения высушенного продукта из винограда. Данная система подвергается к декомпозиции и на втором этапе анализа имеет место ряд под систем, состоящих из следующих аппаратов:

Подсистема 2.2.1. – аппарат для мойки. В этом объекте протекают процесс очистки поверхности продуктов от наружных примесей с помощью промышленной воды, а также частичная сортировка и удаление наружных сопутствующих веществ[3].

Подсистема 2.2.2.- аппарат для предварительной обработки винограда, котором происходит обработка продуктов под ИК -воздействием с

соответствующей длиной волны. Благодаря этому существенно возрастает коэффициент диффузии влаги в материале.

Подсистема 2.2.3.- аппарат для сушки. Здесь протекает процесс удаления влаги в воздушную среду.

Подсистема 2.4. представляет собой в процессе расфасовки и упаковки высушенного продукта.

В рассмотренных подсистемах второго уровня иерархии основные тепломассообменные процессы происходят в системах 2.2. и 2.3.

С целью комплексного анализа процесса сушки винограда нами составлена технологическая схема с детализацией по уровням иерархии (рис.1.).

На втором уровне иерархии нами рассмотрена под система 2.3., которая представляет собой аппарат для предварительной обработки. Совершенствование организации процесса достигается за счет конструктивных параметров аппарата, а управление процессом осуществляется путем изменения технологических параметров.

Для детального изучения тепломассообмена на третьем уровне иерархии под система 2.2. расчленена на подсистемы 2.2.1 и 2.2.2. Элементами подсистемы являются нагреватель и твердая фаза. Выбор нагревательного элемента осуществлен на основе изучения ТФХ и ТРХ винограда. Процесс нагрева твердой фазы в под системе 2.3 осуществляется под воздействием системы 2.2.1. Механизм действия излучения на облучаемые вещества (твердую фазу) касается превращения лучистой энергии в тепловую.




Рис. 1.а. Иерархическая структура процесса предварительной обработки винограда

На четвертом уровне иерархии подсистема 2.2.2 (твердая фаза) расчленяется на подсистемы твердая и локальная сплошная фазы.

Подсистема локальная сплошная фазы представляет собой ленту транспортера. При анализа этого объекта рассматривается механизм движения транспортера, процесс нагрева и механизм пропускания T_λ, отражения R_λ

материала ленточного транспортера. Однако при этом основным является равномерность распределения лучистого потока на поверхности облучаемого продукта. Оптимальная обработка винограда состоит в обеспечении времени пребывания ленточного транспортера в зоне облучения. В процессе обработки винограда за счет проникновения и поглощения ИК - лучей происходит нагрев под системы, в связи, с чем частично удаляется влага из продукта.

Таким образом, элементами четвертого уровня иерархии являются твердая и локальная сплошная фазы.

Управление процессами осуществляется за счет регулирования равновесия в системе, выражаемого в виде разности температур и скорости воздуха.

Улучшение организации процесса достигается за счет обеспечения равномерного распределения твердой фазы в сплошной. Математическая модель подсистемы включает в себя математические описания процессов, протекающих в системах с твердой фазой, уравнения равновесной влажности, коэффициента и скорости сушки.

На пятом уровне иерархии происходит совокупность химических и теплофизических явлений имеющих место в элементах твердой фазы. Структурными элементами здесь выступают белки, сахара, витамины и микроэлементы, находящиеся в составе твердых частиц.

Анализ результатов, проведенных на компьютерных моделях, показывает возможность интенсификации процесса сушки виноградных материалов. Продолжительность процесса сушки может быть уменьшена до 12-14 суток. Это является в настоящее время предельным, меньше этого времени при обычных условиях осуществить процесс нормальной сушки невозможно.

Вместе тем уровень развитие научных исследований пока не может осуществить количественную оценку явлений и процессов. Однако представленное определение иерархической структуры процессов переработки сельхозпродуктов позволяет анализировать представляемых явлений и процессов и дать оценку им.

Литература

- Маматкулов А.Х., Юсупов М.Т. Системный анализ сушки винограда // Узбекский химический журнал. - Ташкент, 2006. - №6. - С.46-50 (02.00.00; №6).
- М.Т. Юсупов, А.Х. Маматқулов. Узумни қуритиш жараёнини жадаллаштириш усуллари // «Вестник ТГТУ. – Ташкент, 2009. - № 1-2. - С.151-154 (02.00.00;№11).
- Х.Ф. Джураев, Н.Р. Юсупбеков, А.А. Артиков и др. Промышленные испытания способа сушки дыни по схеме вяление — конвективная сушка, «Хранение и переработка сельхозсырья», 2002. № 3. с.36-37.

Ўзбекистон агросаноат мажмусида логистика тизимини ривожлантириш.

Холматов Диёрбек Усмонович.
Андижон кишлок хужалиги ва агротехнологиялар институти
“Агробизнес ва маркетинг”кафедраси ассистенти.

Дунёнинг ҳар қандай мамлакатида миллий иқтисодиётининг тараққиёт даражаси, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларининг қай тарзда ҳал этилиши, ижтимоий-иқтисодий барқарорликни мустаҳкамланишига энг аввало озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласини ҳал этиш орқали эришилади. Мамалакатда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш эса кўп жиҳатдан агаросаноат мажмуасининг, хусусан унинг етакчи тармоғи ҳисобланган қишлоқ хўжалиги соҳасининг ривожланганлик даражасига, маҳсулотларни етиштиришнин гфизик ҳажм-миқдор кўрсаткичларига, қайта ишлаш саноатининг мавжуд шароитларига, тармоқ маҳсулотларининг сифати, уларнинг сақланиши, агротехнологик жараёнларни талаб даражасида ташкил этилиши,шунингдек, аграр бозорларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларнинг узлуксизлигини ва доимийлигини таъминланганлик даражасига боғлиқдир.

Мамлакатимиз томонидан ўтган йиллар давомида озиқ-овқат соҳасини ривожлантириш борасида бир қатор кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилиб, аграр соҳага ички ва ташқи инвестицияларни жалб этган ҳолда,замонавий технологияларни мева-сабзавот, гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиниши, ишлаб чиқариш технологик базасининг янгиланиши эвазига ички бозорни сифатли маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш имконияти яратилиб, қайта ишлаш саноатида мазкур тармоқ улушининг тобора ошишига замин яратди. Маълумки, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, шунингдек озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ўсиш суръати йилига ўртача 9-10 фоизни ташкил этмоқда. Шу билан бирга маҳсулотнинг экспорт ҳажми ҳам йилдан-йилга ортмоқда. Бу борада давлатимиз томонидан муҳим фармон ва қарорлар, давлат дастурлари қабул қилиниб, уларнинг ижроси изчил таъминланмоқда. Сўнгги 5 йилда мамлакатда озиқ-овқат соҳасини жадал ривожлантириш ва диверсификациялаш унинг хом ашё базасини кенгайтириш ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имконини берди. Жумладан, мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1,6 бараварга, гўшт маҳсулотлари–1,4 бараварга, сут маҳсулотлари – 1,4 бараварга ошди. Бугунги кунда республикада 9760 дан ортиқ озиқ-овқат корхоналари фаолият кўрсатиб келмоқда. Йилига

ўртача 1,74 млн.тонна мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш имкониятига эга бўлган 270 дан ортиқ корхона фаолият юритмоқда, шунингдек, 479 минг тонна озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш қувватига эга совутиш камералари билан жиҳозланган 994 тазамонавий сиғимлар мавжуд[29].

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясининг 3.3-банди, яъни «Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш”га мувофиқ, Ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида қишлоқ хўжалиги экин майдонларини мақбуллаштириш кўзда тутилган.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти 2021 йилда 2016 йилга нисбатан 2,3бараварга, қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти ҳажми эса 2 бараварга ошиши таъминланди.

Соҳада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун, қишлоқ-хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, логистика ва экспорт қилиш инфратузилмасини яратиш мақсадида тижорат банклари орқали Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ва бошқа қатор халқаро молия институтларининг 650 млн.доллар миқдоридаги имтиёзли кредитларини жалб этиш кўзда тутилган.Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув ҳамда глобализация жараёнларини кучайиб бориши, мамлакатимизда иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари сингари қишлоқ хўжалиги соҳага замонавий инновацион техника ва технологиялар жалб этилиши натижасида қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган маҳсулотлар саноат корхоналари томонидан жаҳон бозорида рақобатбардош тайёр маҳсулот сифатида қайта ишлаб чиқарилмоқда.Шунга қарамай ҳозирда республикада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи ва қайта ишловчи корхоналар фаолиятини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини талаб даражасида сақлаш, уларнинг етказиб бериш ва реализация қилиш, маҳсулотлар сифатини ҳамда рақобатбардошлигини ошириш,маҳсулотларни бозор сиғими мувозанатини доимийлигини таъминлаш ҳамда улар борасида ечимини кутаётган айрим муаммолар мавжуд. Улар жумласига фермер хўжаликлари, қайта ишловчи корхоналар томонидан етиштирилаётган ва қайта ишланаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнида маҳсулот сифатини бошқариш тармоқ бўйича логистик тизимининг етарли даражада ривожланиши, маҳсулотларни сақлаш ва ташиш талаблари тўғрисида маълумотлар оммага

[29]Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари: www.stat.uz.

тўлиқ етказилиши даражаси ҳамда сақлаш ва ташиш талаблари белгиланган миллий стандартларнинг халқаро меъёрлар билан мувофиқлаштирилмаганлиги, жумладан, сифатини яхшилаш ва уларнинг жаҳон талаблари даражасига етказишни таъминлаш имкониятини берувчи механизм ва тузилмаларнинг талаб даражасида эмаслиги ёки мавжуд бўлганлари тўғрисидаги ахборотларнинг етишмаслиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва сотиш билан боғлиқ инфратузилманинг талаб даражасида эмаслиги ва бошқаларни киритиш мумкин.Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2016 — 2020 йилларда мевасабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларининг хом ашё базасини янада ривожлантириш,уларни қайта ишлашни чуқурлаштириш, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш в экспорт қилишни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори асосида:

- келажакда янги ва қайта ишланган маҳаллий мева-сабзавот маҳсулотларига бўладиган талабларни аниқлаш бўйича тизимли асосда маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, шунингдек янги сотиш бозорларини ўзлаштиришда маҳаллий экспортёрларга кўмаклашиш;


- жойларда мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш, бирламчи қайта ишлаш ва экспорт қилиш бўйича ихтисослашган комплекс савдологистика марказлари, шунингдек музлатиш қувватларини ташкил этиш ишларини мувофиқлаштириш;

- мева, сабзавот, полиз ва уларни қайта ишлаш маҳсулотларини транспортда ташиш, божхона расмийлаштируви ва уларни юклаб жўнатиш бўйича ҳисобот тақдим қилишни ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни тезкор кўриб чиқиш;

- экспорт қилинадиган янги ва қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш бўйича кўзда тутилган прогноз параметрларининг бажарилиши устидан мониторинг олиб боришни ташкил этиш;

- зарур ҳолларда, мазкур қарор билан тасдиқланган инвестиция лойиҳалари рўйхатига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш вазифалари белгиланди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташиш жараёни логистикасини ички ваташқи бозорлар кесимида ўрганиш мақсадга мувофиқ. Ички бозорда логистика тизими асосан автомобиль ҳамда темир йўл транспортидан ташкил топади. Ташқи бозорда логистика жараёнида автомобиль транспортининг махсус турларидан,шунингдек темир йўл ва ҳаво йўлларидан кенг фойдаланилади.

1-расм. Транспорт воситаларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари



Юқорида қайд этилганидек, агрологистика ўта мураккаб тизим бўлиб, қишлоқ хўжалигидаги барча ҳаракат жараёнларини ўз ичига олади. Ушбу ҳолатни инобатга олган ҳолда, ҳар бир логистика йўналиши ўзининг хусусиятига эга эканлигини, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик мавжудлигини инобатга олиш мақсадга мувофиқ бўлади.Қишлоқ хўжалиги тармоғидаги ҳар бир логистик тизимни фаолияти тармоқ маҳсулотлари хусусиятларидан келиб чиқади. Шундан келиб чиқиб, уларнинг иқтисодий самарадорлиги ҳар бир логистик самарадорлигининг йиғиндисидан эмас,балки уларнинг ўзаро боғлиқлик даражасини ҳам инобатга олиш лозим бўлади.

Агросаноат мажмуаси ва унинг асосий тармоғи ҳисобланувчи қишлоқ хўжалиги миллий иқтисодиётнинг устувор сектори саналалиб, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденциялари бевосита таъсир кўрсатади Агросаноат мажмуаси тараққиёти қишлоқ хўжалиги секторида банд бўлган қишлоқ аҳолиси фаровонлиги даражаси; аҳолига сифатли озиқ-овқат билан таъминлаш; иқтисодий хавфсизлик ва давлат экспорт салоҳияти, ва бошқаларга тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Шунинг учун, бозор муносабатлари шароитида ва умуман ҳар қандай мамлакатга хос бўлган интеграцион жараёнларнинг ривожланиши шароитида қишлоқ хўжалиги соҳасининг рақобатбардошлигини ошириш учун барча шарт-шароитлар яратиш масаласи муҳим аҳамият касб

етади. Замонавий илмий тадқиқотларда мамлакатимиз олимларнинг қишлоқ хўжалиги рақобатбардошлигини ошириш муаммосини ҳал этиш йўналишлари ва йўлларига оид бир қатор ишланмалари келтирилган. Уларнинг салмоқли қисми қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг рақобатбардошлигини оширишга, яъни сифат ва нарх омилларидан тааллуқлидир. Бироқ моддий оқимлар (ишлаб чиқариш ва товар заҳиралари-уруғ, ўғит, озуқа, экин ва чорвачилик саноати маҳсулотлари ва бошқалар) нинг етказиб берувчилардан ўз истеъмолчиларига бўлган ҳаракатини оқилона ташкил этиш масалаларига етарли эътибор қаратилмаган. Бугунги шароитларда логистика ёндашувидан фойдаланиш долзарб аҳамият касб этади. Логистик ёндашув изчиллик тамойилига асосланган бўлиб, улар ҳаракатининг умумий харажатларини минималлаштириш мақсадида моддий ва кузатувчи оқимлар ҳаракати бўйича фаолиятни ташкил этишни таъминлайди. Логистик ёндашувдан фойдаланиш тадбиркорлик субъектларининг самарадорлигига ва демакки уларнинг рақобатбардошлигига боғлиқдир ва бевосита таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларининг самарадорлиги: омбор логистикаси, транспорт менежменти, молиявий менежмент, маркетинг фаолияти, корхона имиджининг PR тизимлари, сотиш рентабеллиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг рақобатбардошлиги ва бошқалар каби омилларнинг синергетик ўзаро таъсири билан белгиланади. Шунга кўра, логистика замонавий хўжалик юритувчи субъектнинг қишлоқ жойларда рақобатбардошлигини таъминлаш жараёнининг ажралмас қисми ҳисобланади. Моддий оқимларни бошқаришдаги жаҳон тажрибасини ўрганиш логистик ёндашувни қўллашнинг пировард самараси қуйидагича кўриниш олишини белгилаб олиш имконини беради:

- ишлаб чиқариш тўғридан-тўғри бозорга йўналтирилади. Бу самарали кичик ва индивидуал ишлаб чиқаришга ўтиш имконини беради;
- таъминотчилар билан узвий ҳамкорлик йўлга қўйилади;
- асосий воситалардан фойдаланишдаги узилишларга барҳам берилади.Зарур хом ашё, материалларнинг доимий иш жойида мавжудлиги таъминланади.
- ишлаб чиқилган маҳсулот сифати ортади;
- ишлаб чиқариш цикли узлуксизлиги таъминланади ва харажатлар минималлаштирилади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарирақобатбардошлигини ошириш учун логистик ёндашувдан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлигини белгиловчи асосий омиллар икки гуруҳга - ташқи ва ички гуруҳларга бўлиш мумкин. Улар орасида, бу борадаги етакчи экспертларнинг баҳолашларига кўра, қуйидаги кўрсатиганлар етакчи ўрин тутади:

1)ташқи омиллар гуруҳига кирувчи омиллар:

- мавжуд рақобатчилар агрессив сиёсати – респондентларнинг 73%и;
- бозорга янги кучли рақобатчилар келиши – респондентларнинг 30%и;
- хизмат даражаси жиҳатидан асосий мижозлар талабларининг ўзгариши – респондентларнинг 95%и;
- олдиндан белгиланган эҳтиёжларини аниқлиги билан боғлиқ етказиб берувчилар шартлари – респондентларнинг 42% ;
- таъминотчиларга қарамлик – 23% респондентлар;

2) ички омиллар гуруҳига кирувчи омиллар:

- бошқарув тизимининг ўзгариши – 50% респондентлар;
- харажатларни камайтириш бўйича заҳираларини излаш – 80% респондентлар.

Моддий ва ёндош оқимлар (молиявий, ахборот ва бошқалар) ҳаракатини ташкил этишда логистик ёндашувдан фойдаланиш қишлоқ хўжалиги корхоналаридан, биринчи навбатда, логистика мажмуаси таркибий қисмларида хўжалик юритувчи субъектларнинг эҳтиёжларини қондира оладиган самарали логистика инфратузилмасини шакллантиришни талаб этади. Бундай турдаги логистика инфратузилма логистиканинг барча субъектлари ўртасида интеграцияни таъминлаши зарур(1-расм).

Агросаноат мажмуасининг логистика инфратузилмаси бир қатор хусусиятларга эга:

- унинг маҳсулотлари моддий шаклга эга эмас(хизмат кўрсатиш), шунинг учун уларни сақлаш ва тўплаш мумкин эмас;

- логистика инфратузилмаси фаолиятининг самараси унинг чегарасидан ташқарида, яъни хизмат кўрсатадиган тармоқларда намоён бўлади;

- ривожланиш даражаси асосий ишлаб чиқариш эҳтиёжлари билан белгиланади;

- кўпгина логистика инфратузилмаси объектларининг ҳаракатчанлиги ва маневрлиги жуда паст (хусусан, омбор иншоотлари).

Агрологистика инфратузилмасининг марказий элементи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига юқори сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш ва истеъмолчиларнинг эҳтиёжларига мувофиқ сотиш, якуний ва қайта ишлаш ҳамда уни хом-ашё сифатида ишлатадиган саноатнинг бошқа корхоналари учун бир қатор хизматларни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратувчи ва таклиф этувчи агрологистика марказлари бўлиши лозим

Агрологистик марказлар моддий, ахборот ва молиявий оқимларнинг ҳаракатини бошқариш, шунингдек, логистик оқимларининг истеъмолчилар томонга ҳаракатини таъминлаш маҳсулотларни сақлаш, ташиш ва ҳужжатлаштириш амалга ошириладиган махсус объектлар, таъбир жоиз бўлса интеграция ҳужайралари деб аталади.

2-расм. Агрологистик инфратузилмадан фойдаланишнинг интеграцион жараёнлари иштирокчилари




Агрологистика маркази (АЛМ) остида, биз қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш учун пул ва вақт харажатларни камайтиришга ёрдам беради бир қатор логистика хизматлар билан таъминлаш шунингдек, ички ва ташқи бозорларда уларнинг маҳсулот сифати ва корхона ва рақобатбардошлигини ошириш мақсадида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига хизмат қилиш учун мўлжалланган, маълум бир ҳудудида қишлоқ жойларда жойлашган ихтисослашган корхоналарни тушунамиз.Техник жиҳатдан агрологистика маркази (АЛМ) омбор ва транспорт иншоотларига, шунингдек, офис бинолари, муҳандислик-техник коммуникациялар ва ҳ.к. бўлинган бино ва иншоотлар мажмуи ҳисобланди. Бундай АЛМ ларни йўл, темир йўл, сув ва бошқа йўналишлар, терминаллар ва бошқаларга яқин жойларга жойлаштириш мақсадга мувофиқдир.

АЛМнинг алоҳида хусусияти унинг марказ иштирокида ўз фаолиятини юритишни истаган янги қишлоқ хўжалиги обектлари учун очиқлиги ва барча мижозлар учун ишлаб чиқариш обектларининг мавжудлигидан иборат

(уларнинг кўламидан қатъий назар).Жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда агрологистик марказни шакллантириш жараёнини схематик тарзда қуйидагича ифодалаш мумкин (2-расм).

3-расм. Агрологистик марказ(АЛМ)ни яратиш алгоритми ва босқичлари



Агрологистик марказни шакллантириш жараёни давлатнинг бевосита иштироки руй бериши ва бу режалаштириш босқичидан, яъни соҳада фаолиятни тартибга солиш учун меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни шакллантириш

тортиб, лойиҳани амалга ошириш (махсус давлат дастурларидан фойдаланиш орқали, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги соҳасида логистика фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги) ва ишга туширишга қадар давом этиши кўзда тутилади. АЛМларни қўллаб-қувватлашнинг бир кўриниши сифатида давлат заҳираси учун харид килинадиган маҳсулотлар, айнан шу тизим орқали ўтиши мақсадга мувофивиқ. Ушбу расмдан кўриниб турибдики, АЛМ яратиш лойиҳасида иштирок этиш учун хусусий ва давлат секторлари, турли тармоқлар ва ташкилий-ҳуқуқий шакллардаги кўплаб иштирокчилар жалб этилади.

Ҳар бир иштирокчига ишнинг бориши, бажарилган вазифалар ҳажми ва ҳоказолар ҳақидаги ахборотдан эркин фойдаланишни таъминлаш орқали АЛМ яратиш жараёнининг шаффофлигини таъминлаш таклиф этилади.

Агрологистик марказнинг вазифаси қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг ички ва ташқи бозордаги самарадорлиги ва рақобатбардошлигини оширишга ёрдам беришдан иборат. Юқорида кўрсатиб ўтилган вазифаларни бажариш моддий, товар ва ахборот оқимларини ўз истеъмолчиларига тақдим этиш учун сарфланадиган харажат ва вақтни минималлаштиришга қаратилган ва юқори малакали мутахассислар томонидан кўрсатиладиган логистик хизматлар орқали эришилади. Ушбу миссияни бажаришга эришиш учун қуйидаги мақсад ва вазифаларни бажариш талаб этилади:

- қишлоқ жойларда муҳандислик-техник инфратузилмани ривожлантиришга кўмаклашиш ва рағбатлантириш, комплекс логистика хизматларини самарадорлигини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

- қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ва маркетинг жараёнининг хусусиятларидан хабардор бўлган, логистика фаолияти соҳасида юқори малакали мутахассисларни танловини ўтказиш, танлаб олиш ва ишга қабул қилишни ташкил этиш;

- қишлоқ хўжалиги учун моддий-техника ресурсларини етказиб берувчилар билан яқин ва барқарор интеграцион алоқаларни ўрнатиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилишдан манфаатдор харидорларни излаб топиш;

- маҳсулот ва унинг сифат кўрсаткичларини транспортировка давомида минимал йўқотишлар билан етказиб берувчи,маҳсулотларни ташиш, сақлаш бўйича ишлаб чиқарувчиларга сифат хизмат кўрсата оладиган транспорт ва омбор муассасаларини шакллантириш;

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг аутсорсинг логистика хизматларининг ихтисослашган тузилмалар бўйича афзалликлари ҳақида хабардорлигини ошириш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорининг ҳолати ва тенденциялари, талаб, таклиф, нархлар динамикаси ва бошқалар тўғрисидаги маълумотлар жамланган ахборот базасини шакллантириш. Таъминотчилар, харидорлар ва транспорт компанияларининг маълумотлар базаларини яратиш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари учун логистика хизматларини излаш ва ташкил этиш учун сарфланадиган вақтни камайтиради.

Кейинги босқичда агрологистик марказ иштирокчилари рўйхати аниқлангандан сўнг унинг фаолият доираси, ваколатлар тақсимоти ва ташкилий бошқарув тузилмасини шакллантириш амалга оширилади. Бу агрологистика маркази ва бошқа манфаатдор томонлар, ҳам иштирокчилари учун юқори сифатли логистика хизматларини тақдим этишни, танспорт, омбор ва бошқа логистика хизматлари учун талабни кенгайтириш, потенциал мижозларни танлаб олиш, уларга кўмак бериш, юқоридан санаб ўтилган саъй-ҳаракатларини жамлаган ҳолда харажатларни камайтириш имконини беради.

Адабиётлар рўйхати

1.“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. – Халқ сўзи, 2017 йил 8 февраль.

2. “Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. – Халқ сўзи, 2017 йил 2 февраль.

3.“Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. – Халқ сўзи, 5 октябрь 2016 йил.

4.ЎзбекистонРеспубликасиПрезидентиШавкатМирзиёевнингОлийМажлисгаМурожаатномаси// Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабрь.

5.ЎзбекистонРеспубликасиПрезидентининг“2017–2021йилларда ЎзбекистонРеспубликасиниривожлантиришнингбештаустуворйўналишибўйичаҲаракатларстратегиясиникелгусидаамалгаоширишчора-тадбирларитўғрисида”гиФармони.2017йил15 август.

6.Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган Стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. // Халқ сўзи,2020 йил 20 май. // Халқ сўзи,2019 йил 25 октябр.

7.Адылова З.Д. Халқаро бозорларда маркетинг стратегияси: назария ва амалиёт. –Т., 2009. -282 б.

8.Ансофф И. Стратегическое управление / Пер. с. англ. – М.: Экономика, 2002.

9.Багиев Г.Л., Тарасевич В.М., Анн Х. Маркетинг: Учебник для вузов. - СПб.: Питер, 2006.

ЭКОНОМИКА УЗБЕКИСТАНА: РЕАЛЬНО ЛИ ДЕДОЛЛАРИЗАЦИЯ

К.К.Нумонов – к.э.н., доцент, АндИСХА
Р.Р.Солиев- ассистент, АндИСХА

В настоящее время использование иностранной валюты (в основном доллара США) преимущественно перед национальной валютой помимо международных расчетов внутри республики создает серьезные проблемы перед национальной экономикой. Это проявляется в снижении уровня экономического развития, минимизации доходности бюджетов, что снижает размеры вложений в важные отрасли экономики и социальной сферы, предотвращает монетарных методов контроля инфляции, повышении волатильности обменного курса и стимулировании теневой экономики. Вдобавок к этому необходимо отметить, что все средства, которые накапливаются в иностранной валюте не могут быть использованы в реальном экономическом процессе, что приводит к снижению экономического роста, стагнации производства.

Здесь возникает вопрос, какие факторы повлияли на то, чтобы уровень долларизации экономики республики оказалось очень высокими на сегодняшний день? И самое главное, какими способами возможно снизить негативное влияние иностранной валюты на национальную экономику?

В республике за годы независимости старались чтобы денежно-кредитная и финансовая политика нацеливались на то, чтобы обеспечить твердый устойчивый обменный курс сума по отношению другим иностранным валютам, в первую очередь к доллару, не допустить роста цен и инфляции, снизить дефицита государственного бюджета, в общем на все что в целом называется денежно-финансовой стабилизацией. Это вроде верное направление. Но с

другой стороны как эта политика обеспечивается. Несмотря на высокопарные лозунги с трибун о преимуществах социально ориентированной «узбекской модели», потребительские цены в республике росли и растут, инфляция высокая, допускается дефицит государственного бюджета, торгового и платежного балансов, покупательная способность и обменный курс национальной валюты непрерывно снижаются.

По нашему мнению главной причиной этого явилось то, что после введения национальной валюты в 1994 году Центральным банком в республике действовало два курса сума: фиксированного государственного, к которому обычные предприятия не имели никакого доступа и рыночного «черного» - разница с которым составляла почти трехкратный размер. Это в свою очередь привело к ненадежности и неустойчивости сума, его крайне малой связи с собственной национальной экономикой. Вдобавок к этому очень высокие ставки налогов привели к тому, что к 2000 году реальный сектор экономики в Узбекистане практически перестал существовать.

Впоследствии этого экономика республики превратилась сырьевого придатка остального мира. К сожалению, этот процесс дальше усугубляется, и учитывая нынешнюю состоянию национальной экономики ожидать положительных тенденций в ближайшем будущем не реально.

Необходимо отметит, что на сегодняшний день национальная экономика все еще остается высокодолларизованной по элементу замещения активов, но учитывая волатильность обменного курса сума и высокие темпы инфляции, в ближайшем будущем эти тенденции будут только усугубляться. Процесс долларизации вызывает серьёзные угрозы в валютно-финансовой сфере для национальной экономики, которые затрудняют реализацию кредитно-денежной политики в государстве. Как правило, долларизация экономики считается характерным для кризисных ситуаций, переходных периодов развития государства. Уход от нее требует, прежде всего, оздоровления национальной экономики, поднятия уровня ее развития, разработки оптимальной системы валютного регулирования и управления инфляционными процессами. Именно поэтому главным вопросом в решении проблем банковского и финансового регулирования становится дедолларизация национальной экономики. В этой связи особо остро обсуждаются методы ограничения иностранной валюты во внутреннем обращении и стимулирования доверия населения и инвесторов к отечественной валюте.

На сегодняшней день ход интеграции экономики Узбекистана в мировое хозяйство выявил ограниченность возможностей приспособления к мировым тенденциям национального хозяйства республики. Как видно, из истории развития мировой экономики, страны, специализированные на развития ресурсопроизводящих отраслей экономики не имеют сильного иммунитета против конъюнктурных колебаний мирового рынка. Для них всегда существует

внешняя угроза нарушения внутреннего экономического равновесия. Естественно прочное будущее на подобной основе, влекущей за собой рост финансовой и технологической зависимости, неустойчивые бюджетные доходы и многие другие негативные последствие, не построишь.

Как видно из графика в последние годы в республиканском внешнеторговом обороте наблюдается негативные тенденции: превышение импорта над экспортом. Это показывает, что основная часть обрабатывающих отраслей, аграрный сектор и сфера услуг не в состоянии удовлетворять потребность внутреннего рынка по номенклатуре, качеству или количеству производимых товаров и услуг.




График. Динамика внешнеэкономической деятельности Р. Узбекистан за 2000-2023гг. (В млн. долл.)

Источник: Агентство по статистике Р. Уз.

Сопоставление динамики структуры внешней торговли товарами и услугами республики с данными по мировой торговле и экспорту наглядно показывает, что по своей структуре внешнеторговый оборот Узбекистана кардинальным образом отличается от международного экономического обмена. В мировой торговле значительный удельный вес приходиться на готовую продукцию и услуги, в которых воплощены достижения научно-технического прогресса. А в структуре республиканского экспорта преобладают базовые товары и простейшие виды услуг, импорте заметное место занимают товары и услуги, связанные с удовлетворением потребительского спроса (таблица)

Таблица

Динамика структуры внешней экономической деятельности республики Узбекистан за 2000-2022 гг. (в долл. США)

Структура	2000	2005	2010	2015	2018	2019	2020	2021	2022	2023
ЭКСПОРТ										
Хлопок-волокно	897,1	1033,3	1572,7	736,1	222,1	281,6	146,9	136,5	3,5	-
Продовольственные товары	176,4	206,1	1260,5	1316,4	1097,7	1517,5	1443,8	1471,8	1823,5	1770
Химическая продукция и изделия из нее	93,4	285	661,3	613	904,6	876,9	873,2	1225,3	1426,2	1310
Энергоносители и нефтепродукты	335,2	623	2973,8	2685,2	2666,2	2524,9	659	889,9	1215,2	939,50
Черные и цветные металлы	216,7	499,9	894,4	824,2	1167,1	1300,9	1241,9	1653,4	1658	1696
Машины и оборудования	111,8	452,8	715,4	159,3	214,1	451,4	442	702,8	989,3	1300
Золото	554,2	1164,7	2618,1	1920,6	2909,5	4918,3	5804,4	4109,8	4110,3	8150
Текстильная продукция	235,6	203,5	637,2	883,7	1603,1	1626,6	1578	1326,2	1521,5	2050
Услуги	449,1	659,3	1335,5	3061,3	3029,9	3560,3	2005	2547,4	4017,8	4425,3
Прочие	195,2	281,2	354,5	307,8	438,6	843,5	908,1	**3 229,7**	**2528,4**	**2779,2**
Всего	**3264,7**	**5408,8**	**13023**	**12507,6**	**14252,9**	**17901,7**	**15102,3**	**16610,6**	**19293,7**	**24420**
ИМПОРТ										
Продовольственные товары	361,1	287,2	963,2	1585,3	1581,6	1885,1	2159,6	2 926,2	3953,2	3490
Химическая продукция и изделия из нее	399,5	558,7	1265,7	2108,2	2554,8	3200,4	3436,7	4 260,1	5046,5	4860
Энергоносители и нефтепродукты	112,7	103,7	654,6	725	879,5	928,1	1106,9	1 541,0	1795,1	2630
Черные и цветные металлы	253,5	419,4	742,1	919,4	1773,3	2116,9	1751,3	2312,8	2821,1	2550
Машины и оборудования	1044,1	1770,4	4032,5	5026,7	8321,7	10635,2	8904,2	9 454,4	11018,4	14930
Услуги	251	424,7	490,4	954,1	2242,9	24241,8	1221,4	**1 736,8**	**2547,5**	**3158,7**
Прочие	525,5	527,2	1027,3	1097,9	2201,4	3088,7	2573,7	**3 229,7**	**3586,0**	**6521,3**
Всего	**2947,4**	**4086,3**	**9175,8**	**12416,6**	**19555,2**	**24276,1**	**21153,8**	**26203,7**	**30767,8**	**38140**

Источник: Агентство по статистике Р. Уз.

Сложившаяся к настоящему времени состояния узбекской экономики, основанная преимущественно на экспорте сырья, энергоносителей, полуфабрикатов и импорте машин, оборудования, узлов, компонентов содержат в себе очевидные экономические и торгово- политические угрозы. Топливно-сырьевая специализация сдерживает рост конкурентоспособности республики и делает нестабильным ее экономическое позиционирование в мире. В условиях глобализации и интеграции мирохозяйственной системы, государство должно направлять усилия на развитие взаимовыгодного внешнеэкономического сотрудничества со странами ближнего и дальнего зарубежья и принимать участие в глобальных и региональных торговых процессах с целью обеспечения устойчивого экономического развития. Т.к. в современных условиях конкурентоспособность экономики страны является показателем состояния и перспектив развития хозяйственной системы, обуславливает характер ее участия в международном разделении труда, выступает гарантом

экономической безопасности и способность производить товары и услуги, удовлетворяющие требованиям мирового рынка, реализация которых способствует росту благосостояние населения. Учитывая этого можно сказать, что изменить характер участия республики в международном разделении труда невозможно, не развивая ресурсопотребляющие и обрабатывающие отрасли, то есть без новой индустриализации. Только таким образом можно диверсифицировать экспорт за счет готовых изделий, в т. ч. конкурентоспособной в мировом рынке продукции высокотехнологичных отраслей. Индустриализация экономики республики ослабила бы ориентацию потребителей на импорт и укрепила бы позиции местных производителей на внутреннем рынке.

В нынешних условиях, для того чтобы перейти на инновационный путь развития, вырваться из зависимого положения доноров сырьевых ресурсов, войти в мир развитых стран с высокотехнологичным производством и диверсифицированной экономикой, улучшения инвестиционного климата причем не только для зарубежных но и для отечественных предпринимателей для Узбекистана является объективной необходимостью. Для привлечения инвестиций в экономику республики правительство Узбекистана в последние годы ввело ряд важных мер, включая бесплатную конвертацию национальной валюты, снижение торговых барьеров и таможенных платежей. В рамках дополнительных преференций Узбекистан предоставляет налоговые льготы участникам специальных экономических зон, налоговые льготы организациям с участием иностранного капитала, а также освобождение дохода от экспортных продаж от налога на прибыль. Несмотря на эти меры, из-за сложности существующей налоговой системы, высокой налоговой нагрузки для бизнеса и высокого уровня коррупции в государственном аппарате, инвестиционная привлекательность национальной экономики на сегодняшний день остается очень низкой. Здесь необходимо отметить, что, по мнению большинства экспертов, сформировать благоприятный инвестиционный климат в республике можно за счет надлежащей защиты прав собственности, независимости судебной системы, серьезного сокращения масштабов коррупции, а также уменьшения административного давления на бизнес. Но на наш взгляд этого недостаточно, т.к. привлекательный инвестиционный климат невозможно создать без формирования полноценной конкурентной среды, наращивания капитализации банковской системы, уменьшения стоимости заимствований, снижения темпов инфляции, благодаря которым экономика нашей республики могла бы подняться до мирового уровня и интегрироваться в мировое хозяйство.

Мировая практика доказывает, что глобальные экономические катаклизмы наименее болезненно воздействует на страны, для которых характерны: сбалансированное развитие важнейших отраслей экономики, здоровая

финансовая система, невысокие темпы инфляции, сбалансированный бюджет, активное сальдо торгового и платежного баланса по текущим операциям, отсутствие значительного внешнего долга, достаточно высокий объём золотовалютных резервов, реалистичный курс национальной валюты, эффективное государство как макрорегулятор экономики. Учитывая этого мы предлагаем конкретные меры, которые позволили бы , чтобы нашей республике войти в мир развитых стран с высокотехнологичными производствами и диверсифицированной экономикой за счет устойчивого роста национальной экономики:

- На сегодняшний день в республике уровень коррумпированности властных структур остается очень высокими из-за низкого уровня демократизации общества. Вследствие этого разбазаривается не только государственный бюджет но и вдобавок к этому кредиты полученных от международных организаций. Из-за этого в последние годы наблюдается тенденция увеличения дефицита государственного бюджета. Чтобы заполнит этот брешь правительство вынуждено брать кредиты, которые приводят к дальнейшему увеличению государственного долга. Учитывая этого, мы предлагаем сократить государственных расходов за счет: а) сокращения аппарата управления на 70-80% во всех уровнях власти, б) уменьшение не обоснованных субсидий.
- В годы независимости в республике в среднем два раза в год правительства прибегало к увеличению заработной бюджетникам. К сожалению, эти меры не давали ожидаемых результатов. Наоборот привели дальнейшему росту инфляции и ухудшению жизни основного части населения. Исходя из этого, мы предлагаем минимум на 3-4 года заморозить рост заработной платы и пособий, что позволит стабилизировать уровень цен на товары и услуги в республике.
- для того, чтобы помочь встать на ноги отечественным производителям, особенно для тех отраслей, создающие продукцию с высокой добавленной стоимостью, мы предлагаем снизить НДС до 10% для всех предприятий вне зависимости от их форм собственности;
- в настоящее время в республике для защиты собственных производителей применяются высокие таможенные пошлины на импортируемую продукцию, но к сожалению эти меры не принесли ожидаемых результатов. Учитывая этого, мы предлагаем другие способы, чтобы ослабить ориентацию потребителей на импорт и укрепить позицию отечественных производителей на внутреннем рынке. По нашему мнению в условиях, когда внешнеторговый оборот отрицательный, целесообразно использовать

эффективную тарифную защиту, т.е. обнуление пошлин на импортируемое сырье и материалов, которые необходимы для стимулирования и поддержанию собственного производства и не могут быть обеспечены отечественными поставщиками.

- В нынешних условиях ставка рефинансирование центрального банка остаются очень высокими и составляют 14%. А это в свою очередь приводит к подорожанию кредитов коммерческих банков и для бизнеса и населению. Это означает, что если мы не снизим ставку рефинансирования, последствия могут быть негативными для всей экономической системы республики.
- В данное время тарифы для энергоносителей (электроэнергия, газ) очень высокие для бизнеса и населения, что в свою очередь приводить к подорожанию товаров и услуг, тем самим, снижая конкурентоспособность отечественных производителей во внутренних и внешних рынках. Исходя из этого, мы предлагаем пересмотреть тарифов на энергоносители в сторону снижения.

Применение этих мер позволит в конечном итоге снизить темпов инфляции, что дает возможность повышать конкурентоспособность экономики республики, снизить влияния теневой экономики за счет увеличения заработной платы, пенсий и иных фиксированных доходов. Это в свою очередь приводит к улучшению покупательной способности национальной валюты, что дает возможность, улучшит качества денег и выполняемых ими функций. С помощью этого снижаются масштабы долларизации экономики нашей республики.

Использованная литература

1.Е Дудкова. Дедолларизация в государствах-членах ЕАЭС. Научно-аналитический вестник ИЕ РАН, 2019.№5
2.Жариков .М. В. Проблемы дедолларизации Российской экономики.
3.К.К.Нуманов. Р.Р.Солиев Возможности повышение инвестиционной привлекательности экономики узбекистана в современных условиях
4.К.К.Нуманов. Повышение конкурентоспособности экономики Республики Узбекистан в условиях глобализации. Т.Агроиктисодиет.2019.
5.Мустакимов Р.Р. О «косвенных» особенностях интеграции // Таможня. 2011. № 6 (269). С. 12.
6.Оболенский В.П. Глобальный кризис и внешняя торговля России // Рос. Внешнеэконом. вестник. 2012. № 1. С.5-6.
7.Якорева А.Е. Эффект интеграции [Электронный ресурс]. URL:http://expert.ru/2012/01/25/effect-integratsii/ (дата обращения: 25.01.2012).
8.Темирова А. Б Конкурентнособность продукции как показатель развития внешней торговли государства Астана, Сборник Евразийский национальный университет

УЗУМНИ ҚУРИТИШДА НАМЛИКНИ ТАРҚАЛИШИНИ КОМПЬЮТЕР МОДЕЛИ

Юсупов М.Т.
Тошкент иқтисодиёт университети Андижон факультети доценти
Тожибоев Абдумўмин Мухторжон ўгли
Андижон машинасозлик институти
“Ахборот тизимлари ва технологиялари” йўналиши 3-курс талабаси

Таълим тизимида амалиёт, ишлаб чиқариш ва аудиториянинг бир бири билан боғланиши хозирги куннинг долзарб муаммоларидан хисобланади. Шунингдек мамлакатимизнинг барча йўналишларида бўлгани каби қишлоқ хўжалигида махсулотларни ахолига сифатли холда етказиб бериш шу куннинг долзаб муаммоларидандир. Ушбу муаммони хал қилиш усулларидан бири бу махсулотни ахолига қуритилган холда етказиб бериш ва уларни қуритувчи қурилмаларини яратиш ва соҳа бўйича сифатли кадрларни етказишдан иборат.

Унинг учун қишлоқ хўжалиги махсулотларини истемолчиларга сифатли холатда етказиб бериш учун биз томонимиздан таклиф қилаётган қурилмамиз ва узумни қуритишнинг оптимал усулларини ишлаб чиқиш жараёнини автоматлаштирилган тизимини ўқиш, ўрганиш ва амалиётга тадбиқ этишдан иборат.Ушбу жараённи тингловчи, талабаларга тушунтириб ўтамиз.

Узумни қуритиш жараёни мураккаб жараён бўлиб, унда намлик ва унинг махсулот таркибидаги ўрни ахамиятлидир. Махсулот таркбидаги намликни қатламлари бўйича тарқалишини ўрганиш, қуритиш қурилмаларини рационал лойихалаштириш имконини беради. Ушбу жараённи компьютер моделини яратиш учун махсулот бир нечта қатламга бўлиб ўрганилади.

1) Махсулотнинг қатламлари учун қуйидаги математик формулалардан фойдаландик:

$$\frac{dm_p}{d\tau} = Q_{вх} - Q_{вых} \qquad (1)$$

унда:

$$Q_{вх} = -\beta * Fs * (x_K - x_p) \qquad (2)$$

$$Q_{вых} = kDt * (x_1 - x_K) \qquad (3)$$

β - масса узатиш коэффициенти, ($\frac{кг}{м^2 * с}$);

Fs- махсулот юзаси, ($м^2$);

x_K- махсулотнинг намлик миқдорини бошланғич қиймати;

x_p – махсулот қатлами остидаги мувозанат намлиги;

x_1 – намликнинг концентрацияси;

kDt – масса алмашинуви коэффициенти, ($\frac{кг}{с}$).

$$kDt = \frac{Fs * D}{dh} \qquad (4)$$

унда: D – диффузия коэффициенти, $\frac{м^2}{с}$;

ρ - махсулот зичлиги, $\frac{кг}{м^3}$;

dh – махсулот қатламлари қалинлиги, м;

hk – узум пўстлоғи қалинлиги, м;

mk- узум пўстлоғи вазни;

m-вазн.

Юқоридагилардан фойдаланиб, қуйидагини оламиз:

$$\frac{dX_K}{d\tau} = \frac{\left(-\beta * Fs * \left(x_K - x_p\right) + kDn * \left(x_1 - x_K\right)\right)}{mk}$$

2) узумни биринчи қатламининг математик ифодаси:

$$\frac{dX_1}{d\tau} = \frac{\left(-\beta * Fs * \left(x_1 - x_K\right) + kDt * \left(x_2 - x_1\right)\right)}{m}$$

3) қатламларга ёзилган математик ифодалардан фойдаланиб i – қатламни қуйидагича ифодалаймиз:

$$Q_{вх} = kDt * (x_{i-1} - x_i)$$

$$Q_{вых} = kDt * (x_i - x_{i+1})$$

унда: x_{i-1} – юқори қатлам намлигининг концентрацияси;

x_i –i – қатлам намлигининг концентрацияси;

x_{i+1} –i +1 –қатлам намлигининг концентрацияси;


Натижада қуйидаги ифодани хосил қиламиз:

$$\frac{dX_i}{d\tau} = \frac{\left(kDt * \left(x_{i-1} - 2x_i + x_{i+1}\right)\right)}{m}$$

4) ўрта қатлам математик ифодаси қуйидагича:


$$\frac{dX_5}{d\tau} = \frac{kDt * \left(x_{i+1} - x_5\right)}{m}$$

Узумдаги намликнинг тарқалишини ўрганиш учун юқоридаги математик ифодаларга асосланиб MATLAB дастуридаги қуйидаги Simulink моделини яратдик.



Ушбу модель учун бошланғич қиймат махсулот холатидан келиб чиқиб берилди.

Яратилган математик модел ва бошланғич маълумотлар асосида қуйидаги натижани олдик.



Узумни қуритиш жараёнида компьютер моделлари орқали ўтказилган назарий тадқиқотлар натижаси, ушбу жараённи жадаллаштириш имконини беришлилигини кўрсатади. Олинган натижага кўра қуритиш жараёнига кетган вақт 18-20 соатгача камаяди. Бу эса хозирги холат учун мейёрий хисобланади, чунки ундан кам вақтда узумни қуритиб бўлмайди.

Намлик бериш коэфициенти ошиши билан махсулот қуриш вақти камаяди.

Махсулот қобиғининг термодиффузия коэфициенти ошиши қуритиш жараёнининг самарали кечишини таъминлайди.

Фикримизча жараённиматематик моделлаштириш, қурилмаларни таснифини ўқув жараёнида ўрганиб хаётга тадбиқ этса бўлади деб ўйлаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар.

- Маматкулов А.Х., Юсупов М.Т. Системный анализ сушки винограда // Узбекский химический журнал. - Ташкент, 2006. - №6. - С.46-50 (02.00.00; №6).
- М.Т. Юсупов, А.Х. Маматқулов. Узумни қуритиш жараёнини жадаллаштириш усуллари // «Вестник ТГТУ. – Ташкент, 2009. - № 1-2. -С.151-154 (02.00.00;№11).
- Х.Ф. Джураев, Н.Р. Юсупбеков, А.А. Артиков и др. Промышленные испытания способа сушки дыни по схеме вяление — конвективная сушка, «Хранение и переработка сельхозсырья», 2002. № 3. с.36-37.

УДК: 338

Қишлоқ хўжалигида маркетинг коммуникациялари самарадорлигини баҳолаш

Сотволдиев Эгамберди
Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ассистенти
Нажмоддинова Меҳринисо
Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти талабаси

Аннотация. Мақолада маркетинг коммуникациялари самарадорлигини баҳолаш маҳсулот, товар, компания ва бошқалар оммавийлиги каби мезонлар бўйича тахлиллар қилинган. Маркетинг коммуникацияларининг самарадорлигини баҳолаш учун, аввало, маркетинг тадқиқотларидан фойдаланиш керак. Бунинг учун тасодифий танланган аудиторияларнинг сўровлари тез-тез ўтказилади. Маълумотлар одатда сотиш нуқталарида тельефон ва кичик тузилган анкеталар орқали олинди.

Аннотация. В статье проанализирована оценка эффективности маркетинговых коммуникаций по таким критериям, как популярность продукта, бренда, компании и др. Чтобы оценить эффективность маркетинговых коммуникаций, в первую очередь следует использовать

маркетинговые исследования. Для этого часто проводятся опросы случайно выбранной аудитории. Данные обычно получали по телефону и с помощью небольших структурированных анкет в точках продаж.

Annotation. In the article, the evaluation of the effectiveness of marketing communications was analyzed according to such criteria as the popularity of the product, brand, company, etc. To evaluate the effectiveness of marketing communications, marketing research should first be used. For this, surveys of randomly selected audiences are often conducted. Data were usually obtained by telephone and small structured questionnaires at the points of sale.

Калит сўзлар. маркетинг коммуникациялари, маҳсулот, товар, компания, сегментация. реклама

Ключевые слова. маркетинговые коммуникации, продукт, бренд, компания, сегментация, реклама

Key words. marketing communications, product, brand, company, segmentation.

Ташкилот фаолиятининг самарадорлиги турли хил ҳолатлар ва омилларга, шу жумладан, маркетинг коммуникациялари мажмуасидан фойдаланиш самарадорлигига боғлиқ. Шу билан бирга, маркетинг экспертларининг фикрича, ҳозирги кунда маркетинг коммуникациялари самарадорлигини баҳолашга ягона ёндашув мавжуд эмас.

Қишлоқ хўжалигида маркетинг коммуникацияларининг самарадорлиги бевосита товар сотиш ҳажмига боғлиқ деган кенг тарқалган фикр мавжуд. Шу билан бирга, бу қарамлик табиий эмаслигини унутмаслик керак, чунки бир томондан, маркетинг коммуникациялари мажмуасининг реклама ва бошқа элементлари истеъмолчилар ва товар харидорларига мурожаат қилишлари ва маҳсулот, товар ва ташкилот ишлаб чиқарувчисига харид қилиш тайёргарлиги ва муносабатини ўзгартирмасликлари мумкин. Бошқа томондан, маҳсулот сотиш ўсишига унинг шошилинч эҳтиёжи сабаб бўлиши мумкин (масалан, чекланган ишлаб чиқариш ва сотиш шароитида озиқ-овқат, қурғоқчилик пайтида маҳсулот, сув, эпидемия пайтида дори-дармонлар, байрам ва дам олиш кунларида совғалар сифатида турли хил товарлар ва бошқалар.) ва самарали реклама кампанияси натижаси эмас. Бундай ҳолларда, фавқулодда эҳтиёж ва фавқулодда эҳтиёжни қондириш устувор бўлади ва маркетинг коммуникациялари мажмуаси элементларининг таъсир даражаси билвосита ва иккиламчи бўлади, аксинча, нархга, бу ҳолда маълум бир маҳсулотни танлашда янада муҳим омил бўлади.

Шу билан бирга маркетинг алоқа мажмуаси элементларининг истеъмолчилар ва харидорларнинг хулқ-атворига таъсири сезиларли. Маркетинг коммуникациялари самарадорлигини савдо (алоқа таъсиридан фойдаланишдан олдин ва кейин товар сотиш ҳажмининг ўзгариши) ва алоқа

(маҳсулот, товар тан олиш даражасининг ўзгариши ва бошқаларга ажратиш мақсадга мувофиқдир.). Бундан ташқари, ҳар бир харидор ва истеъмолчининг мураккаб маркетинг коммуникациялари элементларининг таъсирини қўллаш реакцияси индивидуал ва субъективдир, чунки у ҳар бир мижознинг шахсий хусусиятларига, маркетинг коммуникациялари турига, реклама таъсирини амалга ошириш давридан бошлаб (куннинг қайси вақти, ҳафтанинг куни, мавсумда ва ҳоказо.) маркетинг коммуникацияларини кўллаш усулларидир.

Шунингдек,стандарт маркетинг тадқиқотларида статистик хатолик даражасини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Қишлоқ хўжалигида маркетинг коммуникациялари самарадорлигини баҳолаш маҳсулот, товар, компания ва бошқалар оммавийлиги каби мезонлар бўйича ҳам амалга оширилиши мумкин.Фирманинг машҳурлигиактив (ишорасиз) ёки пассив (ишора билан) бўлиши мумкин. Маркетинг коммуникацияларининг самарадорлигини аниқлаш учун баҳолаш керак:

- товарнинг ва брендниг таниқлилиги. Яъни, ушбу маҳсулот ва брендниг мавжудлиги ҳақида қанча потенциал харидорлар билишади (ёки эслашади);
- рекламанинг машҳурлиги, яъни бу рекламанинг мавжудлиги ҳақида қанча потенциал харидорлар билади (ёки эслаб қолади) ;
- ишлаб чиқарувчининг машҳурлиги; маҳсулотлар, яъни қанча потенциал мижозлар ишлаб чиқарувчининг мавжудлиги ҳақида билишади (ёки эслашади);
- реклама матнлари, логотиплар ва ҳоказоларнинг оммавийлиги.

Маркетинг коммуникациялари самарадорлигини баҳолашда бозорда маҳсулотларни (маркаларни) идрок этиш харитаси тузилади.

Бозор, маркетинг муҳити ва истеъмолчилар хоҳишини ўрганишнинг асосий услуби сўров, кузатиш, тест ва тақлид ҳисобланади. Кенг миқёсли ва сермашаққат маркетинг тадқиқотининг асосий шарти – компьютер техникаси, банк маълумотларидан фойдаланган ҳолда яхши жиҳозланган ва тўлиқ ишлаб чиқилган информацион тизимдир.

Сегментация ва мақсадли бозорни аниқлаш қишлоқ хўжалиги корхоналарининг бир турдаги истеъмол хоҳишлари характери ва маркетинг таъсир чораларига бир типли реакцияси билан ажралиб турувчи истеъмолчилар гуруҳини аниқлашда намоён бўлади. Асосий мақсад – рақобатчи қишлоқ хўжалиги фермерлари билан таққослаганган пайтда устунликларга эришиш, ўз харакатларининг самарадорлигини ошириш, ихтилофларни ва бозорда тўғридан-тўғри рақобат кураши кучайишининг олдини олиш. Ундан ташқари, қишлоқ хўжалиги фермери имкониятларига мос келадиган мақсадли бозор сегментининг танлови ҳам кўзда тутилади. Бу танлов қишлоқ хўжалиги маҳсулотларинининг ҳаракатига қараб интенсив маркетинг фаолиятини амалга оширадиган истеъмолчиларнинг аниқ гуруҳига нисбатан бўлади. Сегментация ва мақсадли бозорни танлаш сотув бозорларининг ўзлаштирилиши ва кенгайтирилиши шароитида қишлоқ хўжалиги фермерининг харажатларни

оптималлаштириш ва рақобатдошликни кучайтириш вазифалари билан боғликдир.

Инновация бошқарувнинг маркетинг концепцияси тамойили таркиби сифатида ишлаб чиқариш ва сотишни ташкил этиш фаолиятини қамраб олади. Биринчи навбатда у ишлаб чиқариладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини доимий мукаммаллаштириш, ташқи кўринишини ўзгартириш ва уни янгилаб бориш, янада мукаммалроқ технология ишларининг янги йўналишларини ишлаб чиқишни назарда тутади.

Инновацион сиёсатга янги бозорларга чиқишнинг янги шакл ва услубларининг жорий қилиш, сотишни рағбатлантириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун реклама фаолиятига янгиликлар киритиш, қишлоқ хўжалиги фермери, ширкат хўжалиги бошқарувида янги хизматларни шакллантириш, товар харакати ва сотишни ташкил этиш тармоғида янги каналларни аниқлаш кабилар киради.

Маркетинг фаолиятининг тамойили сифатида стратегик режалаштириш мослашув тамойили билан чамбарчас боғликҳамда унинг мантиқий давоми ва тўлдирувчиси ҳисобланади. Стратегик режалаштириш тамойили бозор башоратлари ва илмий-техникавий тараққиёт ривожининг башоратларига асосланган ишлаб чиқариш-сотишни ташкил этиш маркетинг дастурларини тузишни назарда тутади.

Маркетинг дастурлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари хўжалигининг олдига қўйган мақсадларни амалга оширишга қаратилган стратегиялар ва меъёрларни ўзида мужассам этади. Улар муҳим даражада тадбиркорларни ноқулай бозор муносабатлари шароитида ишдаги риск даражасини камайтирадиган, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ривожланишига қулайлик ва барқарорлик яратадиган ва ишлаб чиқариладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сотилиш кўламининг кафолатли ўсишини таъминлайдиган режали бошқарувнинг янги усулларини шакллантириш нуқтаи назаридан ўзига жалб қилади.

Бундан ташқари, маркетинг коммуникацияларининг самарадорлигини баҳолаш учун потенциал ва реал истеъмолчилар ва харидорларнинг эътиборини жалб қилиш, шу жумладан, ҳиссий таъсир орқали, шунингдек, муайян вазият учун тегишли бўлган маркетинг коммуникациялари комплексининг турли элементларидан фойдаланишга асосланган эксперт баҳолаш шкаласидан фойдаланишингиз мумкин.

Мижозлар ва истеъмолчиларнинг брендга бўлган садоқати уларнинг садоқати деб аталади.

Бундан ташқари, рентабелликни ҳисоблаш учун анъанавий ёндашув ёрдамида маркетинг коммуникациялари самарадорлигини баҳолаш мумкин:

$$Р=\frac{П*100}{З}$$

бу ерда Р- маҳсулотни реклама қилиш рентабеллиги, %; П — реклама натижасида олинган фойда, сўм; 3-бу маҳсулотни реклама қилиш қиймати, сўм.

Алоҳида формулалар ёрдамида телевидение, транспорт ва даврий нашрларда товарлар рекламасидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш мумкин.

Ташкилот менежерлари маркетинг коммуникациялари ва хизматлари самарадорлигини баҳолаш учун ташқи ва ички омиллар таъсирини ҳисобга олган ҳолда миқдорий ва сифат усулларини моҳирона бирлаштириш муҳим аҳамиятга эга эканлигини ёдда тутишлари лозим.

Адабиётлар рўйхати

1. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. – Халқ сўзи, 2017 йил 8 февраль.

2. “Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. – Халқ сўзи, 2017 йил 2 февраль.

3. ЎзбекистонРеспубликасиПрезидентининг“2017–2021йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини келгусида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. 2017йил15 август.

4. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган Стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. // Халқ сўзи,2020 йил 20 май. // Халқ сўзи, 2019 йил 25 октябр.

БОШҚАРУВ ҚАРОРЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШДАГИ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАР

Рустамова Сайёра Хатамовна
Иқтисодиёт фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD),
“Иқтисодиёт” кафедраси катта ўқитувчи
Андижон давлат университети

Қарор- бу имкониятлардан энг мақбулини танлаб олишдир. Бошқарувчиларнинг кунлик ишининг бир қисми бўлган қарор қабул қилиш менежерларга катта ма`сулият юклайди. Чунки менежерлар биргина тўғри қабул қилган бошқарув қарорлари орқали бутун жамиятнинг билвосита тақдирини ижобий томонга ҳал қилади.[1]

Қуйида келтирилган жадвалда биз бошқарув қарорларининг турлари ва шаклларини келтирамиз.

1-жадвал.

Бошқарув қарорларининг турлари[2]

Бошқарув қарорларининг турлари	Шакллари
Бошқарув функциялари бўйича:	-режалаштириш бўйича; -ташкил этиш бўйича; -рағбатлантириш бўйича
Юридик қайд этиш бўйича:	-режа; -буйруқ; -йўриқнома;
Қабул қилиш субъекти бўйича (иштирокчилар миқдори бўйича):	-якка шаклда; -жамоавий (ташкилот аъзолари); -коллегиал(кенгаш)
Бошқарув қарорларини қабул қилишда вазият турлари	- аниқлик вазияти; - таваккалчилик вазияти; - ноаниқлик вазияти
Пайдо бўлиш манбаси бўйича	-ташаббусли; - пастки бўғин таклиф билан; - рецепт бўйича
Вазифавий соҳаси бўйича:	-молиявий; -кадрлар бўйича; -ишлаб чиқариш бўйича
Таъсир жиҳатидан:	-умумий; -ҳусусий; - тажрибага асосланган;
Таъсир йўналиши бўйича	-ички; -ташқи
Амалга ошириш йўли бўйича	-ёзма; -оғзаки
Қарор қабул қилиш ҳолати бўйича:	-ҳукмга асосланган; -интуитив; -рационаллаикка асосланган
Ривожланиш усуллари бўйича	-миқдорий(математик дастурлаштирилган, статистик усуллар) -эвристик (мантиқ, тажриба,ҳис-туйғу асосида)
Вазифаларни тузиш даражаси бўйича	-дастурлаштирилган; -дастурлаштирилмаган

Менежер ёки бошқарувчи томонидан қабул қилинган қарорларнинг мураккаблиги ва жавобгарликнинг ортиши, бажариладиган ишлар турли-туманлиги улардан вақтни унумли тақсимланишини талаб қилади. Ўз фаолиятини режалаштиришни билмайдиган, фақат жорий масалалар билан шуғулланадиган менежерлар бошқарув жараёнида вужудга келувчи у ёки бу вазият натижаларини тахлил қилишгагина улгириб, келажакда қилиниши лозим

бўлган ишларни ҳал этиш учун вақт тополмай қоладилар. Раҳбар қарорлар қабул қилишини назоратни амалга ошириш ҳам жуда муҳим. Берилган вазифани тўлиқ бажарилганлигни раҳбар ўз назорати остига олмас экан, ходимларда ўз ишига совуққонлик билан ёндашиш бошланади.

Ҳар қандай қарорни қабул қилишда 3 ҳолат мавжуд:

-интуитив, ёки ҳис-туйғуга асосланган қарор қабул қилиш;

- ҳукмга асосланган қарор қабул қилиш;

- рационалликка асосланган қарор қабул қилиш.

В.И. Хавроничев [3]ўз илмий ишларида интуитив қарор- бу унинг тўғри эканлигини ҳис этиш асосида қилинган танловдир деб айтган. Менежерлар фаолиятини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, агар қарор қабул қилувчи шахсий тажрибага, сезги ёки фикрга таянса, у кўпинча нотўғри қарорларни келтириб чиқаради. Қарор қабул қилишнинг бундай усуллар менежерларнинг вақт ресурслари чекланганлиги сабабли кенг тарқалган деган фикрни келтириб ўтган.

Интуитив, ёки ҳис-туйғуга асосланган қарор қабул қилиш асосан ҳар қандай инсонда ички бир ҳис туйғуга асосланади. Вазиятли ёндашув пайтида раҳбар асосан ўз ички ҳис туйғуларига асосланиб қарор қабул қилади. Фикримизча, аксарият ҳолларда ички ҳис туйғуга асосланиб қарор қабул қилиувчиларни муваффақияти, уларни онг остидаги онгида мавжуд бўлган фикрлар асосида вужудга келадиган яхши танловлар жамланмасидан иборат бўлади.

Рейтинг менежментида ягона қарор қабул қилиш жараёнини ташкил этадиган муайян бошқарув муаммоларининг кетма-кетлигини аниқлаш доминант хусусиятларни ёки айрим хусусиятлар комбинациясини кетма-кет танлашга мувофиқ амалга оширилади.[4] Демак ҳис-туйғуга асосланган қарор қабул қилишда ҳам аввало бошқарувчида илмийлик тамойили бўлиши даркор экан.

Тизимли таҳлил интуитив қарор қабул қилишларда қўлланилмайди ва кўпинча муоммони ҳар томонлама ўрганиш, ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва моделлаштириш ёрдамида қарор қабул қилиш жараёнларида қўлланилади.[5]

Ва албатта бошқарув қарорларини қабул қилишда катта тажрибага асосланиш керак. Ёш раҳбар илмли бўлиши билан тажрибали раҳбарлар билан маслаҳатлашиб қарор қабул қилиши керак. Тажрибага асослананиш ҳукмга асосланган бошқарув қарорларини ифодалайди. Масалан ҳориж тажрибасига назар ташласак, менежментнинг япон моделига кўра ходимни раҳбарлик лавозимига илгари суришда ёши ва иш стажига афзаллик берилади. "Узоқ вақт меҳнат қилганлик учун" ҳақ тўлаш тизими "катталиги бўйича илгарига силжиш" тизими ("синоризм тизими")га катта таъсир кўрсатади.[6]

Юқорида қайд этилган назарий фикрларини ўрганган ҳолда қуйидаги хулосаларга келдик ва қуйидагиларни таклиф қилмоқчимиз:

1. Қарор қабул қилишдак муҳим аҳамиятга молик бўлган жараённи ўзбўларчилик билан эмас, ходимларнинг фикрларини инобатга олган ҳолда амалга ошириш даркор.
2. Раҳбарликка шундай инсонларни танлаш керакки, улардаги шаҳсий фазилатлари бу лавозимга қўйилганлиги учун ходимлар ёки халқ норизо бўлмаслиги ва ундан аъзият чекмаслиги керак.
3. Биз ўзбек халқига муносиб бўлган хусусиятларидан бири ҳам аждодларни, катта ва тажрибали инсонларни фикрларини албатта инобатга олишдир.
4. Қарор қабул қилиш жараёнида раҳбарнинг раҳбарлик услублари муҳимлик даражаси юзасидан авволо илғор ўринларни эгаллайди.
5. Қарор қабул қилиш жараёнида мақсадни аниқ қўя олиш, ходимларга тўғри мотивация бериш ва вақтида танбеҳни ҳам бериш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. С.Х.Рустамова “Буюк аждодларимизнинг бошқарув қарорларини қабул қилишда ўзига хос босиб ўтган йўллари ” “Иқтисод ва молия” №4(124), 2019, 59-бет
2. Л. Т. Ткачук, под. ред. М.И. Щадова “Менежмент ” Ростов н/Д: “Феникс” -2012, 208-бет
3. В.И.Хавроничев Принятие управленческих решений как основа менежмента “Вестник Гхереповецкого государственного университета” 1/2010, 24-ст
4. Львович Я.Е, Б.А.Чернышов, О.Н.Чопоров Оптимизационная модель и алгоритм интеллектуальнойподдержки процесса управления распределением ресурсного обеспечения в организационной системе, // Научный журнал «Моделирование, оптимизация и информационные технологии».–2019.Т.7.–№4.
5. А.Худойназаров Тизимли таҳлил асослари Дарслик Тошкент-2016,12-б
6. Н .К.Йўлдашев, Г.Е.Заҳидов “Менежммент” “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти” Тошкент 2018, 23-бет

TAQSIMLANGAN MA`LUMOTLAR BAZASI

Yusupov M.T.
TDIU, Andijon fakulteti dotsenti
Tojiboev Abdumo’min
Andijon mashinasozlik instituti talabasi

MBni hisoblash tizimlarida qo`llanilishi natijasida ma`lumotlarni qayta ishlashning eski usullari o`rniga yangi usullar paydo bo`lishiga sabab bo`ldi. Yangi usulda har bir ilova uchun alohida ma`lumotlar to`plami aniqlanadi va qo`llab – quvvatlanadi. Eski usulda esa barcha ma`lumotlar markazlashgan holda aniqlangan va qo`llab quvvatlangan.

So`nggi paytlarda tarmoq orqali ma`lumot almashish texnologiyalari shiddat bilan rivojlanmoqda. Bular Internet tarmog`i, mobil va simsiz hisoblash vositalari hamda “intellektual” qurilmalardir. Taqsimlangan MBBT axborot texnologiyalarining MB sohasidagi eng katta yutuqlardan biri hisoblanadi. Taqsimlangan MB texnologiyasi ma`lumotlarni qayta ishlashning markazlashgan turidan, unga teskari bo`lgan markazlashmagan turiga o`tishga zamin yaratmoqda.

Taqsimlangan MB bilan bog`liq muammolarni tahlil qilishdan oldin taqsimlangan MB nima ekanligini aniqlab olish zarur.

Taqsimlangan MB – bu o`zaro mantiqan bog`langan va kompyuter tarmog`ida jismoniy jihatdan tarqoq joylashgan taqsimlangan ma`lumotlar to`plamidir.

Taqsimlangan MB. Ma`lumotlarni qayta ishlashning bu kesishuvchi va hatto takrolanuvchi ma`lumotlar saqlanadigan bir nechta serverlardan foydalanishni talab etadi. Bunday MB bilan ishlash uchun taqsimlangan MBBT ishlatiladi.


Taqsimlangan MBBT – taqsimlangan MBlarini boshqarish uchun mo`ljallangan va foydalanuvchilarga taqsimlangan ma`lumotlarga oson murojaat usulini ta`minlab beruvchi dasturiy majmuadir.

Taqsimlangan MBBT bir qancha fragmentlarga bo`lingan va mantiqiy jihatdan yagona bo`lgan MB dan iborat. MBning har bir fragmenti alohida MBBT boshqaruvchi ostida va o`zaro aloqa tarmog`i orqali bog`langan bitta yoki bir nechta kompyuterda saqlanadi. Tarmoqdagi har bir tugun foydalanuvchilarning lokal saqlanayotgan ma`lumotlarga bo`lgan so`rovlarini o`zi mustaqil qayta ishlash (ya`ni, har biri ma`lum darajadagi avtonomlikka ega) hamda tarmoqning boshqa kompyuteridagi ma`lumotlarni qayta ishlash imkoniga ega.

Taqsimlangan qayta ishlash.

Markazlashgan MBni qayta ishlashni turli kompyuterlardan turib amalga oshirilishidir.

Taqsimlangan MBBTni ta`riflashda bu tizim jismoniy jihatdan tarmoqda taqsimlangan ma`lumotlar bilan ishlashi asosiy hisoblanadi. Agar ma`lumotlar markazlashgan holda saqlanayotgan bo`lsa, u holda hatto ixtiyoriy foydalanuvchi bu ma`lumotlarga tarmoqdagi ixtiyoriy kompyuterdan murojaat etayotgan bo`lsa ham, bu tizim taqsimlangan qayta ishlashni qo`llab quvvatlovchi hisoblanadi, ammo taqsimlangan MBBT sifatida qaralmaydi. Taqsimlangan qayta ishlash topologiyasi sxemasi rasmda tasvirlangan. Bu sxemada tasvirlangan 2-tugundagi markazlashgan MBni rasmdagi MB bilan solishtiring



Taqsimlangan qayta ishlash topologiyasi.

Taqsimlangan MBga kompyuter tarmog`i orqali kiriladi va u bir biridan ancha masofada joylashgan bir necha MBdan tashkil topgan bo`ladi. Demak, bu MBga bevosita internet orqali kirish lozim bo`ladi. Bu MB larining ish jarayonini tashkil qilish va ularga oson kirishni ta`minlash vazifasini taqsimlangan MBBT bajaradi.

Taqsimlangan MBBT tarkibi (eng kamida) quyidagi komponentlardan tashkil topgan bo`lishi lozim:

- tarmoq tizimini tashkil qiluvchi kompyuter ishchi stantsiyalari (saytlar yoki
- tugunlar). Taqsimlangan MB asbob-uskunalarga bog`liq bo`lmasligi lozim;
- har bir ishchi stantsiyaning tarmoq uskunalari va dasturiy ta`minoti
- komponentalari;
- tarmoq komponentalari barcha saytlarning bir-biri bilan o`zaro hamkorlikda harakat qilishini va qiymat almashishini ta`minlaydi.
- Bu komponentlar (kompyuterlar, operatsion tizimlar, tarmoq va h-zolar) turli xil muassasalar tomonidan taqdim qilinadi. Shuning uchun, taqsimlangan MB funktsiyalari turli xil platformalarda ishlashi maqsadga muvofiq bo`ladi:
- qiymatlarni bir ishchi stantsiyadan boshqasiga o`tkazuvchi kommunikatsiya qurilmalari. Taqsimlangan MBBT kommunikatsiya qurilmalariga bog`liq bo`lmasligi lozim, ya`ni u turli xil kommunikatsiya qurilmalarini qo`llabquvvatlashi lozim;
- so`rov bajariladigan har bir kompyuterda mavjud bo`lgan va dasturiy komponentni ifodalovchi tranzaktsiya protsessori (transaction processor, TR).;
- saytda joylashgan qiymatlarni chaqirib olish har bir kompyuterda mavjud bo`lgan va dasturiy komponentni ifodalovchi ma`lumotlar protsessori (data processor, DP).

Ma`lumotlar protsessorini ma`lumotlar menedjeri (data manager, DM) deb ham atashadi. Ma`lumotlar protsessori hatto markazlashgan MBBTni ifodalashi mumkin.

Ma`lumotlar hamda ularga ishlov berish funktsiyalari kompyuter tarmoqlari tizimlarining bir nechta saytlarlariga joylashtirilgan bo`lib, ushbu ma`lumotlarni saqlash va mantiqan bog`langan ma`lumotlarga ishlov berish funktsiyalari ishini

boshqarish vazifasini taqsimlangan MBBT bajaradi. Foydalanuvchi MB qaysi uzelda joylashganini bilmaydi.

Taqsimlangan MBBT quyidagi funktsional imkoniyatlarga ega bo`lishi lozim:

- foydalanuvchi yoki amaliy dasturlar hamda taqsimlangan MB doirasida
- boshqa MBBT bilan bog`lanishni ta`minlovchi amaliy interfeys;
- so`rovlarni tahlil qilishda ishonchlilik tekshiruvi;
- So`rovni, qaysi komponentlari lokal, qaysilari esa taqsimlangan ekanligini
- aniqlash uchun o`zgartirish;
- kirishning eng yaxshi strategiyasini aniqlash kafolati bo`yicha so`rovni optimallashtirish;
- qiymatlarning lokal va uzoqdagi qismlarini aniqlash imkonini beruvchi akslantirish;
- qiymatlarning doimiy saqlanadigan o`rnidan o`qish/yozishni ta`minlovchi kirish/chiqish interfeysi;
- qiymatlarni foydalanuvchiga taqdim qilish yoki amaliy dasturga uzatish uchun tayyorlash formatlari;
- xavfsizlik, ya`ni qiymatlarni lokal va uzoqdagi MBlar uchun maxfiyligini ta`minlash;
- ishdan chiqqan hollarda qiymatlarni tiklash va kirish imkonini yaratishni kafolatlash uchun zahira nusxalarni olinishi;
- bir vaqtning MBBTning MBlari qismlariga kirish va qiymatlar yaxlitligi kafolatini ta`minlovchi parellel bajarilishni boshqarish;
- o qiymatlarni bir turgun holatdan boshqasiga o`tishini ta`minlovchi tranzaktsiyalarni boshqarish.

Bundan tashqari lokal va uzoqdagi tranzaktsiyalarni sinxronlash hamda bir necha taqsimlangan segmentlarga berilgan tranzaktsiyalar ham qamrab olinadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yhati

5. Butayev, E. H. (2021). Algoritmlar Tizimli Tahlili Va Ularning Takomillashtirish. ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ И Л М И Й–Т Е Х Н И К А ЖУРНАЛИ, 25, 36-41.
6. Khomitjonovich, B. E. (2022). DEVELOPING ALGORITHM FOR CONVERTING INTEGER TYPE VARIABLES INTO STRING VIEW. Academicia Globe: Inderscience Research, 3(04), 105-108.
7. Xoldarboyev, R. A., & Abduvaxobova, R. A. Q. (2022). Kiberxavfsizlik. Science and Education, 3(7), 29-34.
8. Xoldarboyev, R. A., & qizi Abduvaxobova, R. A. (2022). Kiberxavfsizlik. Science and Education, 3(7), 29-34.

ZAMONAVIY AXBOROT KOMMUNIKATSION TEXNOLOGIYALARI VA MENEJMENT.

Umarova Feruzabonu Toshmamat-Qizi
TDIU, Andijon Fakulteti “Menejment” Yonalishi Talabasi
E-mail:feruzabonuumarova9@gmail.com

Bizga ma’lumki iqtisodiy tizimlar va ulardagi boshqaruv jarayoni, tashkil etish usullari davrida zamonaviy kompyuter va tizimlarining o’rni, vazifasi beqiyosdir.

Jarayondagi muammolarni va uning menejment (boshqaruv) tizimidagi muammolar va ularning yechimi kunning dolzarb muammolaridandir.

Ushbu jarayonda, oxirgi o’n yilliklari davomida zamonaviy axborot kommunikatsion texnologiyalari va tizimlari vositalaridan foydalanish tizimli menejmentning xususiyatiga, hajmiga, funksiyalariga sezilarli ta’sir ko’rsatdi.

Zamonaviy menejment bozor iqtisodiyoti sharoitlarida faoliyat yurituvchi firmalar, korxonalar, tashkilotlarni boshqarishning vujudga kelgan tizimi sifatida ularning ishlab chiqarish – xo’jalik faoliyatini samarali rivojlanishi va faoliyat yuritishi uchun zarur sharoitlar yaratilishini ko’zda tutadi. Ushbu ta’sir menejerning zamonaviy axborot texnologiyasi sohasidagi bilimlarini chuqurlashtirishga bo’lgan ehtiyojda namoyon bo’lmoqda.

Bunda tizim menejeri SHEHM uchun vazifalarni qo’yuvchi va ish beruvchi sifatida hamda SHEHM foydalanuvchisi sifatida ishtirok etdi va rivojlandi.

Har bir tizim menejeri nafaqat ma’lumotlarga ishlov berish bo’yicha ish beruvchiga va o’z kompyuter ish stantsiyasining faol foydalanuvchisiga, balki SHEHMning eng yangi imkoniyatlarini o’zlashtirish qobiliyatiga ega bo’lgan mutaxassisga ham aylandi.

Ikkinchi davr SHEHMli tizimlarning boshqaruv tizimlari va jarayonlarining umumiy tarkibiy tuzilishidagi tarkibiy rolini tadqiq etish va tushunish bilan bog’liq.

Uchinchi davr tizim menejeri tomonidan axborot texnologiyasining o’zlashtirilishi bilan tavsiflanadi.

Boshqaruv maqsadlariga qarab kompyuter tarmog’ining tizim administratorlari va ma’lumotlar bazalari orqali boshqaruv jarayoni uchun ishonchli axborotni, boshqaruv ob’ektining to’liq kuzatilishini, shaxsiy ishning axborot uchun qulayligini ta’minlash mumkin.

Tizim menejeri samarali boshqaruv qarorlarining konstruktori sifatida ishtirok etadi, bu unga axborot texnologiyalari va kompyuter tarmoqlarini, ma’lumotlar bazasini, MATni loyihalashtirish va rivojlantirish vositalarini tanlashda ishtirok etish majburiyatini yuklaydi.

Tarmoq administratori boshqaruvchi vazifasini bajaradi va ma’lumotlar bazalari bilan birga u axborot texnologiyasining qabul qilingan qarorlarning ishonchli tarzda amalga oshirilishini ta’minlovchi eng yaxshi variantini shakllantiradi.

Boshqaruv ob’ektlari injeneringi ayniqsa menejer axborot tizimlarini loyihalashtirish va rivojlantirish tizimlaridan foydalanishda o’ta samarali bo’lib, ular axborot va ijro tarkibiy qismlar muvozanatini, samarali boshqarish strategiyasi va taktikasini real tushunishni ta’minlaydi. Bundan tashqari, tizim menejeri ofisda samarali ishlash shaxsiy axborot bilan qo’llab-quvvatlash vositalaridan foydalanishni bilishi kerak.

Axborotning korxonani boshqarish uchun ahamiyati, birinchidan, shu bilan belgilanadiki, u menejerning alohida turdagi eng muhim resursi hisoblanadi. Har qanday darajadagi menejer o’z tasarrufidagi resurslarni oldinga qo’yilgan maqsadlarga erishish uchun o’zgartiradi va rivojlantiradi. Menejerning resurslari jumlasiga an’anaviy resurslar – tabiat, mehnat va jamoa bilan bir qatorda axborot va vaqt ham kiradi.

Axborot to’g’risidagi bilimlarni to’plashning butun tarixini uchta davrga bo’lish mumkin. Ularning asosida olimlarning axborotning tabiatiga nisbatan qarashlari yotadi. Dastlab axborot ijtimoiy tizimlarda aniqlangan, axborot jarayonlari faqat insonga va insonlar hamjamiyatiga nisbatan ko’rib chiqildi.

Amerikalik muhandis K.Shennonning «Aloqaning matematik nazariyasi» nomli maqolasi hamda Massachusset texnologiya institutining professori N.Vinerning keyinchalik mashhur bo’lgan «Jamiyatda va hayvonot olamida kibernetika» nomli monografiyasi chop etilgan 1948 yil axborot tushunchasini ilmiy jihatdan tadqiq etishdagi chegara yili hisoblanadi. Natijada ikkinchi davr – axborot nazariyasini tizimli bayon etish va tuzish davriga asos solindi, axborot tushunchasining o’zi esa, ijtimoiy tizimlardan tashqari, tirik organizmlar va ularning hamjamiyatlariga, shuningdek sun’iy kibernetik tuzilmalarga, aniqrog’i axborotni qayta ishlashga qodir bo’lgan o’zini o’zi boshqaruvchi va o’zini o’zi tashkil etuvchi tizimlarga yoyildi. Axborotni tasniflash korxonani boshqarish tizimining axborot kichik tizimini shakllantirish va takomillashtirish uchun zarur. Axborot turli belgilar bo’yicha tasniflanadi.

Tashqi axborot korxonadan tashqarida, ichki axborot esa uning ichida paydo bo’ladi. Ichki axborot manbalari boshqariladi, shuning uchun axborot oqimlarining davriyligini, muddatlarini va hajmlarini reglamentlash mumkin va axborot kichik tizimlarini yaratishda shunday qilinmoqda.

Faol foydalanish vaqtiga ko’ra shartli-doimiy va o’zgaruvchan axborot ajratiladi. SHartli-doimiy axborot – bu uzoq vaqt mobaynida o’zgarmasdan qoladigan yoki kam o’zgarishlarga duchor bo’ladigan axborot. Undan boshqaruvning bir necha tsikllarida foydalaniladi. Bunday axborot jumlasiga, masalan, reglamentlovchi axborot – korxonaning Ustavi, bo’limlar va xizmatlar to’g’risidagi nizomlar, boshqaruv xodimlarining lavozim yo’riqnomalari, shuningdek korxona kadrlarining tarkibi to’g’risidagi axborot va hokazolar kiradi. O’zgaruvchan axborot, odatda, ishlov berishning bir tsiklida foydalaniladi. Bu, masalan, smenalik-sutkalik topshiriq, kundalik ishlab chiqarish va h.k. to’g’risidagi axborot.

O’zgartirish bosqichlari bo’yicha dastlabki va hosila axborot ajratiladi. Dastlabki axborot – bu turli xildagi iqtisodiy hisob-kitoblarni amalga oshirish va qarorlar qabul qilish uchun asos sifatida foydalaniladigan axborot. U, o’z navbatida, sotuvlar, ishlab chiqarish jarayoni, tashqi muhit monitoringining borishini bevosita kuzatish jarayonida olinadigan boshlang’ich axborot va keyingi ishlov berish uchun to’planadigan oraliq axborotga bo’linadi.

Hosila axborot – bu turli xildagi iqtisodiy hisob-kitoblar natijasida olinadigan tahliliy axborot. Unga, shuningdek, yakuniy axborot, ya’ni amalga oshirilgan boshqaruv qarori ham kiradi.

Korxonani boshqarish tizimi nuqtai nazaridan kirish va chiqish axborotiga ajratiladi.

Xulosa qilib shuni aytishimiz mumkinki taqdim etilish shakliga ko’ra ko’z bilan ko’riladigan, eshitiladigan va ham ko’z bilan ko’riladigan, ham eshitiladigan axborot ajratiladi. Ushbu tasnif menejerning axborot rejimini maqbullashtirish nuqtai nazaridan muhim ahamiyatga ega.

Bildirilgan fikr vav muloxazalar asosida shuni aytishimiz mumkinki ZAKTlarning roli va o’rni boshqaruvchining kundalik ish jarayonida oddiydan murakkabga tomon yetaklaydi. Menejment mutaxassisini ishini tezlashtiradi va kelajakni belgilashiga amaliy ko’nikma va yordam beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Основы менеджмента: учебное пособие. / Л.В. Плахо ва, Т.М. Анурина, С.А. Легостае ва и др.- М.: КНОРУС, 2009.
2. О.С. Виханский Стратегическое управление / М., Гардики, 2002.
3. Р.С. Галькович, В.И. Набоков Менеджмент / Пермь, 2002.
4. Н.Қ.Йўлдошев, О.С.Қозоқов Менежмент / Т, “Фан” 2004.
5. Н.Қ. Йўлдошев, М.Р. Болтабоев, О.Қ. Рихсимбоев, Б.О. Ғаниев Стратегик менежмент / ТДИУ 2003.

MENEJMENT VA UNING TASHKILIY TAMOILLARI

Umarova Feruzabonu Toshmamat-Qizi
TDIU, Andijon Fakulteti “Menejment” Yonalishi Talabasi
E-mail:feruzabonuumarova9@gmail.com

Ishlab chiqarish jarayoninning asosiy elementi bo’lib boshqaruv jarayoni yoki menejment tizimi hisobdanadi.

Ushbu tizimning shakllanish va shakllantirish usullarini bilish xar bir mutaxassisning vazifasidir.Maqolamizda menejment va uning tashkil etish usullari haqida fikr bildiramiz.

Menejment – ko’plab tarkibiy qismlar, ularning xususiyatlari va tomonlariga ega bo’lgan murakkab, ko’p o’lchamli hodisa hisoblanadi.

Menejmentning aniq maqsadga qaratilganligi shu bilan belgilanadiki, u asosiy vazifa sifatida foyda olishga yo’naltirilgan. Menejmentning asosi sifatida turli xildagi ob’ektlarni boshqarish to’g’risidagi fanlar, xususan: kibernetika, tizimlar umumiy nazariyasi, operatsiyalarni tadqiq etish, tarkibiy-funktsional tahlil, shuningdek ishni tashkil etish va personalni motivatsiyalash muammolarini ko’rib chiquvchi boshqaruv nazariyasi ishtirok etadi.

Boshqaruv faoliyatining barcha tomonlari ob’ektiv tarzda o’zaro bog’langan. Shuning uchun qandaydir kichik tizimdagi har qanday o’zgarishlar barcha boshqa kichik tizimlardagi tegishli o’zgarishlarni keltirib chiqaradi. Masalan, personalda zarur ishchanlik xususiyatlarining mavjud emasligi funksiyalarning sifatsiz bajarilishiga, samarasiz usullarning qo’llanilishiga, oqilona boshqaruv tamoyillariga amal qilinmaslikka olib keladi. Natijada maqsadlar ma’lum ma’noda amalga oshmay qoladi.

Menejment nazariyasini bilishning bir qancha bosqichlari mavjud bo’lib, ular quyidagilardir.

Muvaffaqiyatli menejment muvaffaqiyatli boshqaruvni amalga oshirish istagiga ega bo’lish nazariyani amaliyotda qo’llay olish boshqarish shijoatiga, qat’iyligiga ega bo’lish imkonini beradi. Biroq, mazkur o’ziga xos aqliy ishning ko’p qirrariligi uning asosiy belgilarini ochib berishga imkon bermaydi.

“Boshqaruv” tushunchasining ushbu faoliyatning faqat alohida tomonlarini, jihatlarini aks ettiruvchi 300 ga yaqin turli xil ta’rifi mavjud.

Muvaffaqiyatli menejment menejerlarga bog’liq bo’lgan to’rtta asosiy omilning mavjud bo’lishini nazarda tutadi.

Boshqaruv faoliyatida maqsadlar ushbu faoliyatning tizimni hosil qiluvchi omili hisoblanadi.

Maqsad – insonlar faoliyatining istalgan (ko’ngildagi) natijasi. Har qanday tashkilot o’z faoliyatining sohasiga xos bo’lgan ko’plab maqsadlarga ega.

Menejmentda maqsad, o’zining asosiy tizimni hosil qiluvchi funksiyasidan tashqari quyidagi funksiyalarni ham bajaradi:

1. Maqsadlarda tashkilot menejmentining falsafasi, uning faoliyati konsepsiyasi va rivojlanish konsepsiyasi ifodalanadi;

2. Maqsadlar tashkilotning barcha xodimlari uchun faoliyatning asosiy masalalari bo’yicha yagona ko’rsatmalar rolini bajaradi va bu bilan jamoani mustahkamlaydi hamda insonlarni aniq maqsadni ko’zlab harakat qiluvchi hamfikrlar guruhiga birlashtiradi;

3. Maqsadlar firmalar, ularning bo’linmalari, xizmatlari va alohida xodimlari faoliyatini baholash mezonlari hisoblanadi.

Maqsadlar muayyan talablarga javob beradi, shuningdek ular:

1. Davlat va uning atrofidagi mavjud iqtisodiy tizim sharoitida erishiladigan bo’lishi;
2. Firmaning imkoniyatlaridan kelib chiqib real bo’lishi;

3. Firma personalining xususiyatlari nuqtai nazaridan amalga oshiriladigan bo’lishi;
4. Muayyan bo’lishi, ya’ni miqdoriy ko’rsatkichlar bilan ifodalanishi;
5. Moslashuvchan, ya’ni tashkilot faoliyatining tashqi va ichki sharoitlari ta’siri ostida o’zgarishga qodir bo’lishi;
6. Tashkilotning barcha maqsadlari o’zaro monand uyg’unlashishi, ularni amalga oshirish jarayonida personal harakatlarining muvofiqligini ta’minlashi, yaxlit tizimni o’zida namoyon etishi lozim.

Strategiyani ishlab chiqarish jarayonidan oldin firmaning atrofidagi muhitning iqtisodiy, siyosiy, jug’rofiy, demografik, ijtimoiy va boshqa sohalar bo’yicha umumiy holati ssenariysi tuzib chiqiladi. Chunki firmalar nimani sotib olishi va uni qayerdan xarid qilishi mazkur sohalarning xususiyati va holatiga bog’liq.

Strategik boshqarish bir qator bosqichlarga ega:

1) joriy va kelgusi vaziyatni tahlil qilish, modellashtirish;
2) firma faoliyatida o’zgarishlar qilish zarurligini aniqlash;
3) o’zgarishlar strategiyasini ishlab chiqish;
4) ushbu strategiyani amalga oshirish uchun ishonchli usullarni ishlab chiqish va qo’llash;
5) strategiyani hayotga tadbiq etish. Biznesni rivojlantirish strategiyasi firma menejmentining ajralmas qismi hisoblanib, u firma faoliyatining xususiyatini belgilab beradi.

Ushbu boshqaruv turining ruhiy jihati o’zining muayyan vaqt oraliqlarida erishiladigan real natijalarga yo’naltirilganligi bilan muhim. Shuning uchun bunday boshqaruvni kunlar bo’yicha boshqarish sifatida qabul qilish mumkin.

Boshqaruvning umumiy tamoyillari turli tarmoqqa qarashli ob’ektlarni boshqarishda amal qilinadigan qoidalar, ya’ni ular boshqaruvning barcha tizimlariga xosdir, shuning uchun biz ularni umumiy tamoyillar deb nomladik. “Maqsadni qo’yish” funksiyasini shakllantirish va amalga oshirish tamoyillari. Ushbu funksiyaning mohiyati boshqaruv ob’ektining muayyan vaqt oralig’idagi (yil, chorak, oy va h.k.) o’z faoliyatini tavsiflovchi miqdoriy va sifatiy ko’rsatkichlar yig’indisi shaklida faoliyat ko’rsatishi modelini ishlab chiqishdan iborat.

Prognoz qilish – bu boshqarilayotgan ob’ekt rivojlanishining ob’ektiv ehtimol tutilgan tendensiyalarini, holatlarini, ushbu rivojlanishning muqobil yo’llarini va ularni amalga oshirish muddatlarini aniqlash va oldindan ko’ra bilish jarayoni.

Modellashtirish – real ob’ektlar, hodisalar va jarayonlarni turli xildagi nazariy sxemalar va belgilar shaklida qayta tasvirlash, ularning eng muhim xususiyatlarini aks ettiruvchi o’xshashliklarni yaratish jarayoni. Dasturlashtirish – yagona (bir) maqsadga belgilangan muddatlarda erishish bo’yicha bu uchun zarur bo’lgan resurslar bilan ta’minlanadigan tadbirlar majmuini ishlab chiqish.

Direktivlik – ishlab chiqilgan rejalarga amal qilish majburiyati, bu sub’ektlarning hamkorlik, birgalikdagi faoliyat to’g’risidagi shartnomaviy munosabatlari yoki davlatning tegishli qonunchilik hujjatlari bilan belgilab berilgan.

Muvozanatlashganlik – rejalashtirishning eng muhim tamoyili bo’lib, uning mohiyati barcha ulushlar va nisbatlar, parametrlar, ko’rsatkichlar, rejalar va ularni bajarish natijalarining muvazanatida o’z aksini topadi.

Ixtisoslashuv. Mazkur qoida mehnat taqsimotining xususiyati o’rtasida, boshqaruv xodimlari va boshqaruvning samaradorligi o’rtasida ob’ektiv mavjud bo’lgan bog’liqlikni ta’kidlaydi.

Proporsionallik. Boshqaruv tizimlari faoliyat ko’rsatishining uyg’unligi ular alohida qismlari, kichik tizimlarining qanchalik o’zaro muvofiqliligiga bog’liq.

Ritmiklik. Ushbu qoidaning mohiyati shundan iboratki, boshqaruv funksiyalarini amalga oshirishning belgilangan tartibiga qat’iy amal qilinishi, mazkur jarayonning o’zi esa uzluksizligi va o’z vaqtidaligi bilan tavsiflanishi darkor.

Aniqlik. Agar boshqaruvni axborotni to’plash va unga ishlov berish jarayoni sifatida ko’rib chiqadigan bo’lsak, u holda boshqaruv faoliyatining samaradorligi ko’p jihatdan axborot oqimlari o’tishining yo’liga bog’liq bo’ladi.

Xulosa sifatida aytishimiz mumkinki keltirilgan mulohazalar soha mutaxassislariga kerakli ma’lumotlarni bera oladi degan fikrdamiz.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1. Основы менеджмента: учебное пособие. / Л.В. Плахо ва, Т.М. Анурина, С.А. Легостае ва и др.- М.: КНОРУС, 2009.
2. О.С. Виханский Стратегическое управление / М., Гардики, 2002.
3. Р.С. Галькович, В.И. Набоков Менеджмент / Пермь, 2002.
4. Н.Қ.Йўлдошев, О.С.Қозоқов Менежмент / Т, “Фан” 2004.
5. Н.Қ. Йўлдошев, М.Р. Болтабоев, О.Қ. Рихсимбоев, Б.О. Ғаниев Стратегик менежмент / ТДИУ 2003.

V-SHO’BA

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИГА ЎТИШНИНГ СОЛИҚ ОҚИБАТЛАРИ

Э.Муйдинов
ТДИУ доценти, и.ф.н

2020 йилнинг 24 февралида эълон қилинган “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 4611-сонли Ўзбекистон республикаси Президенти қарорининг 1-бандига асосан акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар 2021 йил 1 январдан бошлаб, МҲХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишга ўтдилар. Мазкур корхона ва ташкилотларни МҲХСни қўллашга ўтиши компанияларда бу борада етарли тажрибага эга бўлгунга қадар солиқларни ва айниқса фойда солиғини ҳисоблаш жараёнида ўта эҳтиёткор бўлишни талаб қилади.

Чунки бу борадаги ишлар давлат бюджети билан боғлиқ бўлганлиги учун аудиторлар ва солиқ идоралари ходимлари томонидан мунтазам назорат қилиб борилади.

Молиявий ҳисобот аудитини ўтказиш жараёнида мижоз компания ходимлари томонидан ҳисобланган солиқлар ва йиғимлар аудитор томонидан уларнинг қолдиқларини молиявий ҳисоботда тўғри кўрсатилганлиги нуқтаи назаридан текширувдан ўтказилади.

Ўзбекистон республикасида **солиқ аудити** солиқ органлари ташаббуси билан амалга ошириладиган назорат турларидан бири бўлиб, унда муайян давр учун солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлашнинг тўғрилиги текширилади. Бу борадаги ҳуқуқий асос Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг “Солиқ текширувларининг турлари” деб номланган 137-модданинг 3-бандида келтирилади. Солиқ аудити солиқ тўловчиларнинг (солиқ агентларининг) ***юқори даражадаги таваккалчилик тоифасига мансуб солиқ тўловчига*** (солиқ агентига) нисбатан ўтказилади. Солиқ аудити ўтказилаётган даврда текширилаётган даврнинг солиқ ҳисоботига солиқ тўловчи томонидан ***ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилишига йўл қўйилмайди.***

Шунинг учун МҲХСга ўтган хўжалик юритувчи субьектларни ҳисоб ходимлари халқаро стандартларни солиқ оқибатларини яхши ўзлаштириб олишлари лозим.

Буларни қанчалик муҳим эканлигини фақат битта “Асосий восита-лар” деб номланган 16-сонли МҲХС (IAS) нинг ҳолатларини фойда солиғига таьсири мисолида кўриб чиқамиз.

■ МҲХС 16 га кўра актив келажакда иқтисодий наф келтира олсагина асосий воситалар таркибида ҳисобга олинади. Агар сотиб олинаётган актив-дан телгусида иқтисодий наф олиш даргумон бўлса , унда мазкур активни сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар “Фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот”да жорий давр харажатлари сифатида тан олинади.

■ Эҳтиёт қисмлар, ишлатилмаётган ва ёрдамчи ускуналар каби модда-лар асосий воситалар таърифига жавоб берганда, ушбу БҲХСга мувофиқ тан олинади. Бунда уларни қиймати харажатларга бирданига эмас, балки фойдали хизмат муддати давомида чиқариб борилади. Акс ҳолда, бундай моддалар захиралар сифатида таснифланади.

■ Асосий восита объектини демонтаж қилиш ва олиб ташлаш ҳамда у жойлашган жойдаги табиий ресурсларни қайта тиклаш бўйича дисконтланган харажатларининг бошланғич баҳоси сотиб олинган асосий воситалар қийматига, қолган суммаси эса резерв ташкил қилган ҳолда бошқа молиявий фаолият бўйича харажатлар таркибига киритилади.

■ Актив сифатида тан олинганидан сўнг, ҳаққоний қиймати ишончли тарзда баҳоланиши мумкин бўлган асосий восита объекти кейинги жамға-рилган эскириш ва қадрсизланишдан кейинги жамғарилган зарарларни чегирган ҳолда, қайта баҳолаш санасидаги ҳаққоний қийматни акс эттирадиган қайта баҳоланган қийматда ҳисобга олиниши лозим.

Агар қайта баҳолаш натижасида активнинг баланс қиймати ошадиган бўлса, у ҳолда ушбу ошган сумма бошқа умумлашган даромадлар таркибида тан олиниши ҳамда хусусий капитал таркибидаги “Қайта баҳолаш натижасида қийматнинг ўсиши” моддасида жамғарилиб бориши лозим. Лекин бундай ўсиш суммаси олдин фойда ёки зарарларда тан олинган айни шу активни қайта баҳолаш натижасида қийматнинг камайиши суммасини тиклайдиган суммада фойда ёки зарарларда акс эттирилиши лозим.

Солиқ кодексининг 297-моддаси 9-қисмида белгиланганидек қайта баҳолашдан олинган даромад фойда солиғи ҳисоблаш базасига киритил-майди.

Агар қайта баҳолаш натижасида активнинг баланс қиймати камаядиган бўлса, у ҳолда ушбу камайиш суммаси фойда ёки зарарлар таркибида тан олиниши лозим. Лекин бундай камайиш суммаси бошқа умумлашган

даромадлар таркибидаги айни шу активга тегишли “Қайта баҳолаш натижасида қийматнинг ўсиши” моддаси кредит қолдиғи суммаси миқдорида дебетланиши лозим. Умумлашган даромадлар таркибида тан олинган камайиш суммаси хусусий капитал таркибидаги “қайта баҳолаш натижасида қийматнинг ўсиши” моддасида жамғарилган суммани камайтиради.

Солиқ кодексининг 305-моддаси 10-қисмида белгиланганидек активларни қайта баҳолашдан олинган камайиш суммаси фойда солиғини ҳисоблашда харажатлар сифатида қаралмайди.

■ Қадрсизланишдан зарар бевосита фойда ёки зарар таркибида тан олиниши лозим, бундан актив бошқа стандартга мувофиқ (масалан, 16-сон БҲХСдаги қайта баҳолаш моделига мувофиқ) қайта баҳоланган қийматда ҳисобга олинадиган ҳолатлар мустасно. Қайта баҳоланган актив бўйича ҳар қандай қадрсизланишдан зарар ушбу бошқа стандартга мувофиқ қайта баҳолаш суммасининг камайиши тарзида ҳисобга олиниши лозим.

■ Асосий восита объектларини қадрсизланиши, йўқотилиши ёки ўтказиб берилиши натижасида учинчи шахслар томонидан тақдим этиладиган қоплаш суммаси бундай коплаш суммасини олиш ҳуқуқи юзага келганда фойда ёки зарар таркибига киритилиши лозим.

■ Асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш учун асосий воситаларнинг тугатиш қиймати чегириб ташланган дастлабки ёки тиклаш қийматини унинг **“фойдали хизмат муддати”**га бўлиш лозим. Бунда фойдали хизмат муддати деганда – компания активидан фойдаланишнинг кутилаётган даври ёки компания ушбу активдан фойдаланган ҳолда амалга оширишни назарда тутадиган буюмлар сони тушунилади. Бу ерда компания ходимлари олдида фойдаланишда бўлган хар бир асосий воситани фойдали хизмат муддатини аниқлашдек жуда катта иш турибди.

■ Актив бўйича эскириш ҳисоблаш ушбу активдан фойдаланиш имконияти мавжуд бўлган, яъни у раҳбарият томонидан назарда тутилган мақсадда фойдаланиш учун зарур бўлган жой ва ҳолатга келтирилган пайтдан бошланади. Эскириш қуйидаги икки санадан олдингисида тўхтатилади: 5-сон МҲХСга мувофиқ сотиш учун мўлжалланган (ёки сотиш учун мўлжалланган ҳисобдан чиқариладиган гуруҳ таркибидаги) актив сифатида таснифланган сана ёки уни актив сифатида тан олиш бекор қилинган сана. Фойдали хизмат муддати ва тугатиш қиймати қайта кўрил-гач, эскириш суммаси ҳам қайта кўриб борилади. Сотиш учун мўлжалланган ва чиқиб кетувчи гурухга киритилган узоқ муддатли активларга эскириш ҳисобланмайди.

■ Асосий воситаларни тан олишни бекор қилишдан юзага келадиган фойда ёки зарар асосий восита объектини тан олишни бекор қилиш пайтида фойда ёки зарар таркибида акс эттирилиши лозим . Бундай фойда асосий фаолиятдан тушум сифатида таснифланмаслиги лозим. Асосий восита объектини тан олиш бекор қилиниши натижасида юзага келадиган фойда ёки зарар активнинг чиқиб кетишидан олинадиган соф пул маблағлари тушуми билан активнинг баланс қиймати, агар мавжуд бўлса, ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

■ Асосий воситаларни қайта баҳолаш натижасида юзага келган Захира суммаси асосий восита обьектини фойдаланиш муддати тугагач, фойда ва зарарлар ҳисобварағини чеклаб ўтиб, тўғридан тўғри ҳисобот йилининг тақсимланмаган фойдаси ҳисобварағига ҳисобдан чиқарилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. 2020 йилнинг 24 февралида эълон қилинган “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 4611-сонли Ўзбекистон республикаси Президенти қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси.2024 й
3. 10- сонл МҲХС (IAS). Асосий воситалар

СОТИШ ҲАЖМИНИ ОШИРИШНИНГ МОЛИЯЛАШТИРИШ ОМИЛЛАРИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ

Салиев Баходир Комилович
ТДИУ доценти, и.ф.н.

Анотация: Мақолада хўжалик юритувчи субъектларнинг махсулотлар, товарлар, иш ва хизматларининг сотиш хажмига таъсир этувчи ички хўжалик омилларини молиявий ҳисоботлари маълумотларига асосланиб эконометрик моделини тузишга харакат қилинган.

Калит сўзлар: Бухгалтерия баланси, активлар, хусусий капитал, мажбуриятлар, сотиш хажми, молиялаштириш манбалари, молиявий боғлиқлик, капитал рентабеллиги

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг устивор йўналишлари орасида “Барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш” алоҳида муҳим ахамиятга эга бўлган масалалар қаторида кўрсатиб ўтилган. Унга мувофиқ “Ялпи ички маҳсулот ҳажмини 160 миллиард долларга ва унинг жон бошига кўрсаткичини 4 минг долларга етказиш”[1] назарда тутилган.

Ялпи ички маҳсулот ҳажмини ошириш хар бир хўжалик юритувчи субектлар фаолиятини рационал ташкил қилиш, янги техника ва технологиялардан оқилона фойдаланиш, мехнат унумдорлигини ошириш ва материаллардан самарали фойдаланиш ва бошқалар эвазига маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини кескин оширишни талаб қилади.

Маълумки, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш хажмини ошириш юқорида номлари келтириб ўтилган омилларни алоҳида холда ўрганиш албатта муҳим ахамиятга эга. Лекин уларни ўзоро боғлиқликда ўрганиш ва барча ички ва ташқи омиллар эвазига фойдаланмаётган имкониятларни аниқлаш янада муҳимроқ аҳамиятга эга.

Хўжалик юритувчи субъектларни маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини ошириш имкониятларини чуқур ва атрофлича ўрганишдан асосий мақсад унинг ўсиш суръатини объектив баҳолашни таъминлашдир. Бу масалани хал килишда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия баланси асосий маълумотлар манбаи бўлиб ҳисобланади. Чунки, унда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг моддий асосини ташкил килувчи мавжуд ресурслари (моддий ва молиявий ресурслари) ва уларни ташкил топиш манбалари акс эттирилади. Шу нуктаи назардан иқтисодий ресурслар (хўжалик юритувчи субъект активлари - **А**) ва уларни ташкил топиш манбалар (ўз –**Хс** ва қарз - **М** сармояси) орасидаги қатъий детерминистик боғланиш бўлиб, уни қуйидаги кўринишда ифодалаш мумкин:

$$\mathbf{A = Xc + M} \ ; \qquad (1)$$

Келтирилган баланс моделига асосан хўжалик юритувчи субъектнинг ресурс солоҳиятини ошириш бир томондан, маблағлар манбасини кўпайтириш ва, иккинчи томондан улар орасидаги нисбатни ўзгатириш орқали амалга оширилиши мумкин. Баланс унсурлари орасида юқори (1) да кўрсатиб ўтилгандай катъий функционал боғланиш мавжудлигини ҳисобга олиб, уларни ўзгаришини – ўсиш ёки камайиш (**Δ**) суръатини қуйидагича ифодалаймиз:

$$\mathbf{\Delta A = \Delta Xc + \Delta M.} \qquad (2)$$

Агар хўжалик юритувчи субъект ҳусусий капитали хажмининг ўзгариши асосан двиденд сиёсати (тўланадиган двидендлар ва кайта инвестицияланган фойда – **Иф** кўрсаткичлари нисбатига) ва акционерлик капитали ўзгаришларига боғлиқлигини ҳисобга олсак, у ҳолда юқорида келтирилган моделни бироз ўзгартириб,

$$\mathbf{A = Xc + Иф + M} \qquad (3)$$

кўринишга келтиришимиз мумкин.

Юқорида келтирилган моделдан кўриниб турибдики, хўжалик юритувчи субъект ўз фаолиятини молиялаштириш учун учта манбадан фойдаланиши мумкин бўлиб, булар: **(а)** ўз хўжалик фаолиятининг натижаси (кайта инвестицияланган фойда); **(б)** устав капиталаини кўпайиши (қўшимча акциялар

чиқариш, пай ва бадаллар киритиш); **(в)** четдан жалб килинган маблағлар (банк кредити олиш, облигация чиқариш ва х.к).

Молиялаштиришнинг асосий манбалари сифатида қаралаётган ва юқорида санаб ўтилган манбаларини қайси бири афзал ва қайси бири камроқ жозибадорлиги кўпчиликка маълум. Бизнинг максадмиз уларни баҳолаш эмас, балки улар ўзгаришига таъсир кўрсатадиган кўп сонли омилларни ҳисобга олган ҳолда молиялаштириш манбаларни моделлаштириш имкониятларини кўриб чиқишдан иборат.

Моделлаштиришнинг бошланғич унсури бўлиб тахминлаштирилаётган бухгалтерия ҳисоботини тузиш ҳисобланади. Бунинг учун қуйидаги усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ: (а) хўжалик юритувчи субъект фаолиятини нисбатан тўлиқ тавсифлаш имкониятини берадиган алоҳида кўрсаткич динамикасидан келиб чиқиб, ҳисоботнинг алоҳида моддаларини тахминлаштириш; (б) ҳисоботнинг хусусий моддаларининг динамикаси ва ўзоро боғлиқлигидан келиб чиқиб унинг алоҳида моддаларини тахминлаштириш.

Хўжалик юритувчи субъект фаолиятини умумлаштирувчи, натижавий кўрсаткичларидан бири сотиш хажми (**Q**) бўлиб, унинг ўсишига қараб хўжалик юритувчи субъектнинг ривожланишига баҳо бериш мумкин. Чунки, сотиш ҳажмини ўсиши, маълум маънода хўжалик юритувчи субъект активларини пропорционал ўсишига олиб келади. Шу нуктаи назардан, **сотиш хажмини ўсиш суръати** (**t**) ва активларни ўсиш сурати (∆**A**) ўртасидаги ўзоро боғланишни

$$\Delta A = A*t \qquad (4)$$

кўринишида ифодалаш мумкин.

Активлар ўсишини таъминлаш учун зарур бўлган молиявий ресурслар манбаи - хусусий капитали ҳисобланади. Хусусий капитал таркибида эса асосий эътибор, қайта инвестицияланадиган фойда (**Иф**)га қаратилиши лозим, чунки, устав капиталини кўпайтиришнинг ҳамма вақт ҳам имкони бўлавермайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, хусусий капитални кўпайишига таъсир этувчи омилларни – қайта инвестицияланадиган фойда улуши (**d**), сотиш рентабеллиги (**p**) ва сотиш хажми (**S**)ни ҳам ҳисобга олиб унинг ўсишини

$$\Delta Xc = d * p * S (1 + t) \qquad (5)$$

кўринишида тасвирлаш мумкин. Демак, активларни ўсишини таъминлаш учун зарур бўлган қўшимча маблағлар манбасин **(ҚММ)** ни қуйидагича ҳисобланиши мумкин:

$$ҚММ = \Delta A - \Delta Иф = A*t - d * p * S (1 + t) \qquad (6)$$

Агар хўжалик юритувчи субъект молиялаштириш манбаларининг катъий тузилмасига эга бўлса, яъни ўз ва қарз капитали ўртасидаги нисбатларни оптимал даражасига эришган бўлса, у холда хўжалик юритувчи субъектнинг ўз маблағлари манбасини кўпайиши билан қарз маблағлари манбалари ҳам

пропорционал ошиб боради, яъни молиявий боғлиқлик коэффиценти **C= M/Xc** (катъий нисбатда) бўлса, у холда

$$\Delta M = c * \Delta Xc \qquad (7)$$

бўлади. Ушбу ўзоро боғлиқликни юқоридаги формулага қўйиб, уни математик жиҳадан бироз ўзгартирсак, у ҳолда қуйидаги формулага эга булишимиз мумкин:

$$t = \frac{d*Rx}{1-d*Rx} \qquad (8)$$

Келтирилган моделдан кўриниб турибдики, хўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодий салохиятини ошириш иккита асосий омил: хусусий капитал рентабеллиги (**Rx**) ва фойдани кайта инвестициялаш коэффиценти(**d**) га боғлик. Агар хусусий капитал рентабеллигини ўзи сотиш рентабеллиги (**Rs**), ресурс қайтими (**Қа**) ва молиявий боғликлик коэффиценти (**C**) каби омилларга боғлиқлигини ҳисобга олсак, у ҳолда юкоридаги моделни куйидаги кўринишга келтириш мумкин:

$$t = \frac{\mathrm{d} * \mathrm{C} * \mathrm{Rs} * \mathrm{Qa}}{1 - \mathrm{d} * \mathrm{C} * \mathrm{Rs} * \mathrm{Qa}} \qquad (9)$$

Келтирилган модель қатъий детерминистик характерга эга бўлиб, у махсулот хажмини ўсиш суръати оркали ифодаланувчи хўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодий салохияти ва уни белгиловчи омиллар ўртасидаги боғланишни ўзида акс эттиради. Бу омиллар хўжалик юритувчи субъект молиявий-хўжалик фаолиятини турли томонларини – ишлаб чикариш (ресурс кайтими), молиявий (маблағлар манбалари), мулкдорлар ва хўжалик юритувчи субъект рахбар ходимлари орасидаги мунасабат (двиденд сиёсати) ва хўжалик юритувчи субъект фаолияти самарадорлиги (сотиш рентабеллиги) кабиларни тавсифлаш имкониятлари беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Йёрг Вёльтье. Коллекция формул для анализа экономики предприятия. М., Финансы и статистика», 2010
2. Маклейни Э. Финансовый менеджмент и управленческий учет для руководителей и бизнесменов / Э. Маклейни-«Альпина Диджитал», 2008
3. Финансовый анализ под общ. ред. И. Ю. Евстафьевой, В. А. Черненко. — М. : Издательство Юрайт, 2016. — 336 с.
4. Савиных, В.Н. Математическое моделирование производственного и финансового менеджмента / В.Н. Савиных. - М.: КноРус, 2018. - 256 с.

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИ ҲИСОБ СИЁСАТИДА ЁРИТИБ БЕРИШ МАСАЛАЛАРИ

Холматова Нодирахон Қуддусовна
ТДИУ, Андижон факультети “Мутахассислик фанлари” кафедраси ўқитувчиси
Emali: nodirahonholmatova74@gmail.com

Маълумки, рақамли иқтисодиёт даври молиявий ҳисоботларни тузишда мутлоқ янги талабларни қўймоқда. Сабаби, бугунги рақамлаштириш даври республикамизда фаолият юритаётган акциядорлик жамиятларида молиявий ҳисоботларни тузиш ва уни тақдим этиш концепциясини халқаро стандартлар талабларига (МҲХС) мувофиқлаштиришни тақозо этмоқда, бу эса молиявий ҳисоботларни тузишнинг янги архитектураси шаклланиб келаётганлигидан далолат беради. Биз бу билан нима демоқчимиз, яъни соддароқ қилиб мазмунига тўхталадиган бўлсак, тижорат банклари ўзларининг тезкор ва стратегик бошқарув қарорларини қабул қилишда ҳам қатор муаммоларга дуч келмоқдалар, жумладан:

Биринчи, тадбиркорлик субъекти муомалалар бўйича юзага келган муаммолар ёки кўрилаётган зарарлар миқдори молиявий ҳисоботларда қандай очиб берилади (молиявий ҳисоботларга берилаётган иловалар ёки тушунтириш хатларида);

Иккинчи, рақамлаштириш шароитида тадбиркорлик субъектининг молиявий ҳисоботларида акс эттирилган маълумотларни қай даражада ишончли деб баҳолаш мумкин;

Учинчи. бугунги кунда тадбиркорлик субъектларининг молиявий ҳисоботларни тузишга қандай минимал талаблар қўйилади.

Ушбу саволларнинг ижобий ечимини топиш бугунги кунда ҳар бир тадбиркорлик субъекти раҳбари ёки менежери ҳамда бухгалтер мутахассислари учун долзарб масалага айланди. Молиявий ҳисоботларни тузишда аввао, унинг тамойиллари ва қоидаларини ўзида акс эттирадиган ягона ҳужжат банк ҳисоб сиёсатини тўғри шакллантиришга эътиборни қаратиш лозим.

Рақамлаштириш шароитида молиявий ҳисоботларда очиб бериладиган маълумотларни шакллантиришда ҳисоб сиѐсатининг зарурияти нимада намоён бўлади. Аввало, шуни таъкидлаш керакки, ҳисоб сиёсатига бағишланган халқаро стандартнинг мақсадида қуйидагилар алоҳида белгилаб қўйилган: “...тадбиркорлик субъектининг молиявий ҳисоботларида акс эттирилган ахборотнинг ўринлилиги ва ишончлилиги ҳамда бу молиявий ҳисоботларнинг

даврлараро ва бошқа тадбиркорлик субъектларининг молиявий ҳисоботлари билан қиёсланувчанлигини оширишга қаратилган”[30].

Натижада, хозирги рақамлаштириш шароитида тадбиркорлик субъектларида тузилаётган молиявий ҳисоботлар ишончли ва ўринли эканлиги ҳам уларга баҳо беришда маълумотларнинг таққослаш имконини бериши керак бўлади.

Тадбиркорлик субъектларида молиявий ҳисоботларни тузишда халқаро стандартларда белгиланганидек, ҳисоб сиёсатига эътибор қаратиш лозим бўлган яна бир жиҳати бу банкларда ҳисоблаб чиқилган баҳодаги ўзгаришдир. Лекин, бу тушунча бизнинг амалиётимизда ёки Молия вазирлиги меъёрий ҳужжатларида ўз аксини топмаган. Ҳисоблаб чиқилган баҳодаги ўзгаришлар асосан банк иқтисодий фаолиятида янги маълумотлар олиниши ёки янги ҳодисалар рўй бериши натижасида юзага келади. Натижада, бу жараён ҳисоботдаги хатоларни тузатиш деб ҳисобланмайди. Бизнинг фикримизча ҳисоблаб чиқилган баҳодаги ўзгаришлар тушунчасини амалдаги миллий стандартлар ёки Молия вазирлиги томонидан чиқарилаётган меъёрий ҳужжатларда акс эттириш лозим бўлади. Сабаби, рақамлаштириш таъсирида содир бўлган ходисалар ва ҳолатларни аниқ ҳисоб сиёсатида кўрсатиб берилиши керак. Демак ҳисоб баҳодаги ўзгаришлар – тадбиркорлик субъектларида активлар ва мажбуриятларнинг жорий ҳолатини ҳамда уларнинг баланс қиймати суммасини тузатишдир.

Молиявий ҳисоботларни тузиш ва уларни шакллантиришда ҳисоб сиёсатида ёритиб берилиши керак бўлган яна бир муҳим масалалардан бири муҳим тушиб қолдиришлар, яъни бузиб кўрсатишларни акс эттириш ҳисобланади. Афсуски, бу қоида ҳам миллий бухгалтерия қонунчилигимизда ифодалаб берилмаган. Ушбу қоидага мувофиқ агар тижорат банкларининг молиявий ҳисоботларидан фойдаланувчилар учун тақдим этилган маълумотлар, улар томонидан иқтисодий қарорларни қабул қилишга ўз таъсирини кўрсата олса, демак буни муҳим тушиб қолдириш ёки бузиб кўрсатиш дейишимиз мумкин. Муҳим тушиб қолдиришлар кўп ҳолатларда банк операцияларининг ҳажми ёки хусусиятларига боғлиқ бўлади. Бундай шароитда субъект бухгалтери томонидан фойдаланувчиларнинг иқтисодий қарорларига таъсир эта олиши ҳамда муҳимлилигини кўриб чиқишни талаб этади.

Тадбиркорлик субъектларида ҳисоб сиёсати қуйидаги ҳолларда ўзгартириши мумкин:

биринчи, субъектнинг ҳисоб сиёсатига ўзгартириш киритиш халқаро стандартлар (МҲХС) томонидан талаб этилганда;

иккинчи, субъект ҳисоб сиёсатига киритилган ўзгартириш натижасида молиявий ҳисоботларда уларнинг молиявий ҳолатига, молиявий натижаларига

[30] IAS 8 Accounting Policies, Changes in Accounting Estimates and Errors/ https://www.ifrs.org/issuedstandards/list-of-standards/ias-8-accounting-policies-changes/

ёки пул оқимларига таъсир кўрсатиши ва улар бўйича ишончли маълумотларни олиш имконияти яратилганда.

Бизнинг фикримизча тадбиркорлик субъекти ҳисоб сиёсатига жавобгар шахсларнинг (бош бухгалтер) алмашиши натижасида ҳам ўзгартириш киритиш мумкин бўлади. Шунингдек, Молия вазирлиги меъёрий ҳужжатларидаги ўзгаришлар ҳам ҳисоб сиёсатига ўз таъсирини кўрсатиши табиий албатта.

Бугунги кунда субъектларнинг жорий молиявий ҳисоботларини тузиш жараёнида ноаниқликлар мавжуд бўлиши мумкин. Натижада молиявий ҳисоботлардаги кўпгина моддаларни аниқ баҳолаш имкониятига эга бўлмайди, аксарият ҳолатда молиявий ҳисобот элементлари фақат тахминий (ҳисоблаб чиқиб) баҳоланиши эхтимолдан холи эмас.

Тадбиркорлик субъектларининг молиявий ҳисоботлардаги тахминий баҳолашлар охирги ишончли бўлган ахборотларга таянган ҳолда мулоҳаза қилишни қамраб олади. Масалан, субъектда қуйидагиларни тахминий баҳолаш зарур бўлади: субъект товар-моддий захираларининг қадрсизланиши, субъектнинг умидсиз қарзлари, субъект молиявий активлари ёки молиявий мажбуриятларнинг ҳаққоний қиймати, субъект кафолат мажбуриятлари ҳамда амортизацияланадиган субъект активларининг фойдали хизмат муддати ёки келгусида олинадиган иқтисодий наф (даромад).

Тадбиркорлик субъектларида хатолар молиявий ҳисоботнинг элементларини тан олиш, баҳолаш, тақдим этиш ёки маълумотларни очиб беришда пайдо бўлиши мумкин. Субъектларнинг молиявий ҳолати, молиявий натижалари ёки пул оқимларининг ўзгача тақдим этишга эришиш мақсадида атайлаб қилинган муҳим хатолар ёки муҳим бўлмаган даражадаги бўлган хатолар мавжуд бўлса молиявий ҳисоботлар МҲХСларга мувофиқ тақдим қилинган бўлмайди. Жорий даврда топилган эҳтимолли хатолар молиявий ҳисоботларни чиқаришга рухсат этилишидан олдин тузатилади. Демак ҳисоб сиѐсатини белгиланган талаблар асосида шакллантирилиши молиявий ҳисоботларнинг ўз вақтида тўғри ва ишончли тузилишини таъминлайди.

Тадбиркорлик субъектлари халқаро стандартлар асосида ҳисоб сиѐсатини танлашда ҳар бир қўлланиладиган стандартлар ва шарҳларга (интерпретация) мос келадиган тарзда танланиши ва қўлланилиши тамойилига асосланиши керак. Бизнинг фикримизча ҳисоб сиёсатига асосан субъектларда молиявий ҳисоботларни тузиш тартиби қуйидагиларни қайта кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқдир:

биринчидан, молиявий ҳисоботни тузиш даврлари (масалан, тижорат банклари йилнинг чораклари ёки ярим йиллиги бўйича кўрсаткичларни шакллантиради);

иккинчидан, оралиқ ёки йиллик ҳисоботини тайёрлаш санаси.

Халқаро стандарт қоидаларига (БҲХС 8) мувофиқ субъект ҳисобот даври бошида тасдиқланган ўз ҳисоб сиѐсатига, бухгалтерия ҳисоб-китобларидаги

ўзгаришлар ва хатоларни тузатиш имкониятига эга бўлади. Бу эса бугунги кунда субъектлардаги ҳисоб сиёсатига мажбурий равишда ўзгартишлар киритишни ва қайта тасдиқлашини талаб этмоқда. Демак, рақамлаштириш шароитида субъектлар томонидан тақдим этиладиган молиявий ҳисоботларини ишончлилиги ва тўлиқлилигини таъминлашда, улардаги ҳисоб сиёсати қуйидагиларни акс эттириши лозим:

биринчи, келгуси даврлар учун банклар ўз фаолиятини давом эттириш қобилиятини баҳолай олиши;

иккинчи, субъект томонидан рақамлаштириш даврида молиявий ҳисоботда ошкор қилиниши керак бўлган маълумотларнинг аҳамиятлилигини кўриб чиқиши ҳамда янги маълумотларни тақдим этиши;

учинчи, субъектлар томонидан тақдим этилган молиявий ҳисоботларда берилган ҳаққоний маълумотлар ҳамда тушунтиришлар фойдаланувчиларни тушуниши учун етарли бўладими èки йўқлигини баҳолаши.

Умумий хулоса қилиш мумкинки, тадбиркорлик субъектларидаги мавжуд ҳисоб сиёсатини халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштириш, уларда молиявий ҳисоботларини тузиш ва тақдим этишнинг янги архитектурасини шакллантиради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4611-сон қарори. 2020 йил 24 февраль.
2. Каримов А., Курбанбаев Ж., Жуманазаров С. – Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик /;- Т.. “Иқтисод- молия’’
3. Каримов А., Муқумов З., Тулаев М., Курбанбаев Ж., Раҳмонов Ш.– Бухгалтерия ҳисобининг ахборот тизимлари. Ўкув қўлланма. Т..‘’Иқтисод-молия’’
4. Нарбеков Д . Тўраев А . Раҳмонов Ш. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. Ўқув қўлланма. –Т.. ‘’Иқтисод-молия.’’

Интернет сайтлари:

http://www.buh.uz
http://www.accounting.com

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА ЎТКАЗИШ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЁТГА ТАСИРИ

Салиев Баходир Комилович
ТДИУ доценти, и.ф.н.
Сатторалиев Толибжон
ТДИУ 2 курс талабаси

Аннотатсия: Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бойича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги № 4611 сонли қарорини бажарилишини кечиктирмасдан ортга сурмасдан бажарилиши, унинг бир қатор афзалликлари ва иқтисодиётимизни ривожланишига таъсирларини ўрганишга қаратилган.

Таянч сўз ва иборалар: Молия, стандарт, ҳисобот, экспорт, импорт, бухгалтерия, инвестиция, инфляция, ишсизлик, сармоя, самарадорлик, интегратсия, бизнес, товар, талаб, таклиф, бозор.

Молиявий ҳисоботни миллий стандартлари (МҲХС)ни ҳалқаро стандартлари (ИФРС) га мослаштириш бир қанча афзалликларни бериши мумкин, жумладан:

a) Яхшиланган таққослаш: Халқаро стандартларга риоя қилиш турли мамлакатлардаги компанияларнинг молиявий ко'рсаткичларини солиштиришни осонлаштириши мумкин. Бу глобал савдо ва инвестицияларни осонлаштиради.
b) Аниқликнинг ошиши: Халқаро стандартлар компаниялардан батафсилроқ ва шаффоф молиявий ма'лумотларни тақдим этишни талаб қилади. Бу компаниянинг ҳақиқий молиявий манзарасини акс эттирувчи аниқроқ молиявий ҳисоботларга олиб келиши мумкин.
c) Ишончлиликни ошириши: Халқаро миқёсда тан олинган стандартлардан фойдаланиш шаффофлик ва аниқлик мажбуриятини билдириш ва жаҳон миқёсида қабул қилинган илг'ор тажрибаларга мослашиш орқали молиявий ҳисоботларнинг ишончлилигини ошириши мумкин.
d) Хавфларни яхшироқ бошқариш: Яхши тайёрланган молиявий ҳисобот манфаатдор томонларга компаниянинг молиявий аҳволи ҳақида муҳим ма'лумотларни тақдим этиши ва потентсиал хавфларни аниқлашга ёрдам бериши мумкин.
e) Харажатларни тежаш: Халқаро стандартларни қабул қилиш ҳисобот бериш жараёнларини соддалаштириш ва турли юрисдиктсиялар ёки манфаатдор томонлар учун бир нечта молиявий ҳисоботларга бо'лган эҳтиёжни камайтириш орқали молиявий ҳисоботларни тайёрлаш харажатларини камайтириши мумкин.

Умуман олганда, халқаро молиявий ҳисобот стандартларини жорий этиш молиявий ма'лумотни ишончли, таққосланадиган ва шаффоф бо'лишига ёрдам беради, натижада инвестиция қарорлари то'г'рисида ко'проқ ма'лумотга эга бо'лади ва глобал молиявий бозорларни мустаҳкамлайди.

Бизнинг фикримизча, Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш жараёнида барча ривожланган давлатлардаги каби кенг қоʻлланилаётган усулларни шаклларни, тоʻла ва тоʻлиқ қабул қилиш мақсадга

мувофиқ бо‘лар эди, Масалан О‘збекистон ҳудудида тақиқланган бартер муомалалари вексел ва қимматбаҳо қоғ‘озлар билан боғ‘лиқ муомалалар ва бошқаларга рухсат берилиши.

О'збекистон ҳудудида тақиқланган бартер операцияларига қо'йилган тақиқни бекор қилишнинг ба'зи потентсиал афзалликлари ҳам мавжуд. Хусусан, у кичик бизнес ёки қишлоқ жойларда фаолият юритувчи ан’анавий молиявий хизматлардан фойдаланишда қийналаётган корхоналар учун айирбошлаш воситаси бо‘лиши мумкин. Бартер операциялари барқарор валюта ёки фаолият юритаётган молиявий тизимга таянмайдиган муқобил айирбошлаш воситасини тақдим этиши мумкин.

Шунингдек, у бошқа ҳолларда транзактсиялар билан шуг'уллана олмайдиган корхоналар о'ртасидаги савдони ривожлантириши мумкин. Масалан, кичик фермер накд пулга таянмасдан, ўз маҳсулотларини маҳаллий ҳунарманд билан керакли маҳсулот ёки хизматларга алмаштириши мумкин.

Бартер операцияларига қо'йилган тақиқни бекор қилиш иқтисодиётда инновациялар ва ижодкорликни ривожлантириши мумкин. Корхоналар товарлар ва хизматларни алмашишнинг янги ва ижодий усулларини топишга кўпроқ рағбатлантирилиши мумкин, бу эса янги бизнес моделлари ва иқтисодий ўсишга олиб келиши мумкин.

Бизнинг фикримизча, макроиқтисодий беқарорлик шароитидан чиқиш ва макроиқтисодий барқарорликга эришиш учун ҳам аввало молиявий ҳисоботни халқаро стандартларига о'тказиш керак ва бу иқтисодий ўсишга ёрдам беради. Биринчидан, у молиявий ҳисоботларнинг аниқлиги ва ишончлилигини ошириши мумкин бо'лган мамлакатлар ва компаниялар бо'йлаб молиявий ма'лумотларнинг шаффофлиги ва солиштирилишига ёрдам беради. Бу инвесторлар ва бошқа манфаатдор томонларга оптимал қарорлар қабул қилишда ёрдам беради ва молиявий фирибгарлик ёки нотўғри бошқарув хавфини камайтиради. Юқорида айтиб ўтилганидек ҳисоботларни аниқ, шаффоф ва тушунарли тузилганлиги инвесторларни ўзига жалб қилади ҳамда инвесторларга оптимал қарорлар қабул қилишга ёрдам беради.

Иккинчидан, халқаро стандартларни қабул қилиш мамлакат молиявий ҳисобот тизимининг ишончлилигини ошириши ва инвесторларнинг ишончини ошириши мумкин, бу эса хорижий инвестицияларни жалб қилади ва иқтисодий о'сишга ёрдам беради.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлар асосида тузилиши эса улардаги ахборот ёрдамида молиявий таҳлилларни амалга ошириш ва иқтисодиётни таҳлил қилишни осонлаштиради. Бу эса молиявий ресурсларни тўлақонли бошқариш имконини беради.

Халқаро стандартларга ривоя қилиш молиявий ҳисоботлар узлюксизлик ва транспаренсияни оширади. Шундай қилиб, молиявий тизимнинг

ислоҳотларини мустаҳкамлашга ёрдам беради ва молия ходимлари билан фуқаролар ортасидаги ишончни оширади ва ишончсизликни камайтиради.

Ниҳоят, халқаро стандартлардан фойдаланиш турли мамлакатларда турли бухгалтерия талабларига риоя қилиш харажатлари ва мураккабликларини камайтириш орқали трансчегаравий савдо ва инвестицияларни осонлаштириши мумкин. Бу халқаро иқтисодий интегратсияни ривожлантиришга ёрдам беради ва молиявий юқумли ёки беқарорлик хавфини камайтиради.

Халқаро иқтисодий интегратсия ривожланганса бир нечта мамлакатларнинг иқтисодий шартномалар ёки келишувлар орқали о'заро иқтисодий алоқаларни о'рнатиш ва мустаҳкамланади. Бу, савдо, сармоя, хизматчилик ва бошқа соҳаларда мамлакатлар о'ртасидаги иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришни мақсад қилади. Халқаро иқтисодий интегратсия орқали мамлакатларнинг о'заро савдо-муомалалари, инвестициялар, технологиялар о'сишини та'минлаш, о'заро иқтисодий муҳитни янада о'рганиш ва о'сиш имкониятини яратишга интилади.Халқаро иқтисодий муносабатлар йўлга қўйилганда эса, ўзаро олди сотди яни Экспорт ва Импорт ривожланади.

Экспорт ва импорт, иқтисодий фаолиятнинг асосий хусусиятларидан ҳисобланади. Экспорт - бир мамлакатнинг маҳсулотларини бошқа мамлакатларга сотишдир, импорт эса бошқа мамлакатлардан маҳсулотларини олиб келишдир. Бу мамлакатлар о'ртасидаги савдо-алмаштириш фаолиятининг асосий қисмларидир. Экспорт даромад олиш учун бир манба сифатида ишлайди, Импорт эса мамлакатнинг савиясини ошириш учун ва мамлакатдаги қо'шимча талабларини қондириш учун хизмат қилади. Бу иқтисодий жараёнлар мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишига муҳим та'сир қилади ва глобал иқтисодиятнинг қисмларидан биридир.

Мамлакатда Экспортни ривожлантириш, бунда мамлакатдаги ишлаб чиқариш ҳажмини ортишига олиб келади ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сифатини янада яхшиланишига туртки бўлади. Ишлаб чиқариш ҳажми ошганидан сўнг бўш иш ўринлар яратилади ва иш билан таминланганлар сонини кўпайишига, ишсизликни эса камайишига, олдини олишга замин яратади. Шу билан биргаликда айтиб ўтиш лозимки ишсиз аҳолини иш билан таминланганидан сўнг аҳолини ижтимоий ҳаёт кечириш шароити яхшиланади, аҳолини даромади ошади ва бозордаги товарларга эҳтиёжҳам тўғридан тўғри ортади ва бунинг натижасида бозордаги ишлаб чиқарилган товарларга талаб ортади ва талаб ортгандан сўнг таклифҳам талабга тўғри мутаносибликда ортиши рўй беради бунда эса талаб ва таклиф қонуни юзага келади.Талаб (яни бозордаги харидор) кўпайса таклиф (бозордаги ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот) тўғри мутаносибликда ортади, Таклиф(бозордаги ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот) ортса талаб (яни бозордаги харидор) тескари мутаносибликда камаяди. Талаб ва таклиф бозорнинг асоси ҳисобланади, талаб ва таклиф тенг бўлганда бозор мувозанати вужудга келади.

Импорт эса мамлакатнинг иқтисодиётига қисқача вақт ичида катта та'сир қиладиган муҳим жараёндир. Импорт билан мамлакатга келиб тушадиган маҳсулотлар ва хизматлар, о'з мамлакатимизда исте'мол қилинадиган, ишлаб чиқаришга ёрдам берадиган ва исте'молчиларимиз учун зарурий бо'лган маҳсулотлардир.

Импортнинг иқтисодиётга тасири бир неча ё'налишда ко'ринади. Импорт мамлакатнинг савиясини ошириш, маҳсулотлар ва хизматлар портфели кенгайтириш ва ҳар бир сектор учун зарур материалларни та'минлашга имкон беради. Бу эса ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантириш, инновацияларни қо'ллаб-қувватлаш ва янги иш о'ринларини яратиш имконини очади.

Импорт мамлакатнинг иқтисодий тараққиётида муҳим рўл о'йнайди. У мамлакатга қо'шимча ресурслар, инновация ва технологиялар, сифатли маҳсулотлар ва хизматлар та'минлайди. Импортнинг ривожланиши учун изчил стратегиялар, сифатли шартномалар билан ҳамкорлик ва мамлакатнинг иқтисодий муҳитига та'сир қиладиган иқтисодий соҳаларни ривожлантириш зарур. Шунингдек, импорт хорижий валютага эга бо'лиш имконини беради ва мамлакатнинг валюта тулов балансини та'минлашга ёрдам беради. Бу эса хорижий капитални мамлакатга жалб этиш ва экспорт ривожланишини оширишга имкон беради.

Хулоса.

Молиявий ҳисоботни халқаро стандартларга ўтказиш молия соҳасидаги ишларни янада ривожлантиради ва ишлаб чиқариш, инвестициялар ва бизнес фаолияти уюшмаларини ко'плаб ма'мурий органларни бог'лашга имкон беради. Шунингдек молиявий ҳисоботларни ишончли, тўлиқ, очиқ, шаффоф ва узлюксиз бўлишини таминлайди. Бунинг натижасида, кўплаб мамлакатлар билан иқтисодий муносабатларни йўлга қойишимизга имкон яратилади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Дусмуратов Р.Д., Ризаев Н.К., Назаров Х.Ҳ–Молиявий ҳисобот ва аудитнинг халқаро стандартлари / Ўқув қўлланма – Т.: «», 2020 – б.
2. Б.А.ХАСАНОВ ва бош. Бухгалтерия ҳисоби, Т.: 2020. – 1025 б.
3. Каримов А, Ибрагимов А, Ризаев Н. Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари. Дарслик. - Т.: ТМИ. «Iqtisod-Moliya», 2020 й. - 392 б.
4. Kuljonov O., Xusinov I., Jumanazarov S. Buxgalteriya hisobi nazariyasi. O’quv qo’llanma. –T.: Iqtisod-moliya, 2018. –237 b.

Интернет сайтлар.

https://lex.uz
https://e-library.namdu.uz

KORXONALARDA BUXGALTERIYA HISOBINI TASHKIL ETISHNING ME’YORIY-HUQUQIY ASOSLARI

Qo’chqarov Xabibullo
“University of Economy and Pedagogy” NOTM dotsenti
Zafarjonov Murodjon
“University of Economy and Pedagogy” NOTM talabasi

ANNOTATSIYA: Jahonning moliyaviy-iqtisodiy rivojlanishida mamlakatimizda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni jadal rivojlantirish iqtisodiy o‘sishni ta’minlash, yangi ish o‘rinlarini tashkil qilish, aholining daromadlari va farovonligini oshirishning muhim omili sifatida amal qilmoqda. Shuning uchun ham kichik biznes korxonalarida buxgalteriya hisobini tashkil etish mavzusini o‘qitishda yangi pedagogik texnologiyalarni qo‘llash muhim masalalardan biri bo‘lib qolmoqda.

Kalit so’zlar: kichik biznes, tadbirkorlik, buhgalteriya hisobi, soliq siyosati, buhgalteriya reestri, kassa hisobotlari.

Buxgalteriya hisobining maqsadi foydalanuvchilarni o‘z vaqtida to‘liq hamda aniq moliyaviy va boshqa buxgalteriya axboroti bilan ta’minlashdir. Buxgalteriya hisobining vazifalari: buxgalteriya hisobi hisobvaraqlarida aktivlarning holati va harakati, mulkiy huquqlar va majburiyatlarning holati to‘g‘risidagi to‘liq hamda aniq ma’lumotlarni shakllantirish; samarali boshqarish maqsadida buxgalteriya hisobi ma’lumotlarini umumlashtirish; moliyaviy, soliqqa doir va boshqa hisobotlarni tuzishdan iboratdir. Asosiy va joriy aktivlar, majburiyatlar, xususiy kapital, zaxiralar, daromadlar va xarajatlar, foyda, zararlar hamda ularning harakati bilan bog‘liq xo‘jalik operatsiyalari buxgalteriya hisobining obyektlaridir. Buxgalteriya hisobining obyektlari jamlama hisobvaraqlarda aks ettiriladi. Analitik hisobni yuritish tartibi buxgalteriya hisobi subyekti tomonidan mustaqil ravishda belgilanadi. Buxgalteriya hisobi va hisobotini tartibga solish, buxgalteriya hisobi standartlarini ishlab chiqish va tasdiqlash O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi zimmasiga yuklanadi. Buxgalteriya hisobini yuritish qoidalari buxgalteriya hisobi standartlari bilan, shu jumladan kichik va xususiy tadbirkorlik subyektlari uchun soddalashtirilgan buxgalteriya hisobini yuritish standarti bilan belgilanadi. Buxgalteriya hisobining asosiy qoidalari quyidagilardir: buxgalteriya hisobini ikki yoqlama yozuv usulida yuritish; uzluksizlik; xo‘jalik operatsiyalari, aktivlar va passivlarning pulda baholanishi; aniqlik; hisoblash; oldindan ko‘ra bilish (ehtiyotkorlik); mazmunning shakldan ustunligi; ko‘rsatkichlarning qiyoslanuvchanligi; moliyaviy hisobotning betarafligi; hisobot davri daromadlari va xarajatlarining muvofiqligi; aktivlar va majburiyatlarning haqiqiy baholanishi. Buxgalteriya hisobi va hisobotini tashkil etishni korxona, muassasa va tashkilot rahbari amalga oshiradi. Pul, tovar-moddiy va boshqa boyliklarni qabul qilish va berish uchun asos bo‘lib xizmat qiladigan hujjatlar,

korxona, muassasa va tashkilotning kredit va hisob-kitob majburiyatlari, shuningdek buxgalteriya hisobotlari va balanslari rahbar tomonidan yoki u belgilaydigan shaxslar tomonidan imzolanadi. Rahbar imzolash huquqiga ega bo‘lgan shaxslarning ikkita ro‘yxatini tasdiqlaydi. Birinchi ro‘yxatga - rahbarlik vazifalarini amalga oshiruvchi shaxslar, ikkinchisiga - buxgalteriya hisobi va moliyaviy boshqarish vazifalarini amalga oshiruvchi shaxslar kiradi. Bu shaxslarning imzosi bo‘lmagan hujjatlar xaqiqiy hisoblanmaydi. Hisobot davriga tegishli bo‘lgan xo‘jalik operatsiyalari, agar ular amalga oshirilganligini tasdiqlovchi hujjatlar olinmagan bo‘lsa, tegishli boshlang‘ich hujjat rasmiylashtirilib, buxgalteriya hisobida aks ettiriladi. Boshlang‘ich hisob hujjatlarining majburiy rekvizitlari quyidagilardir: korxonaning (muassasaning) nomi; hujjatning nomi va raqami, u tuzilgan sana va joy; xo‘jalik operatsiyasining nomi, mazmuni va miqdor o‘lchovi (natura holida va pulda ifodalangan holida); mas’ul shaxslarning shaxsiy imzolari. Boshlang‘ich hisob hujjatlarini tuzgan hamda imzolagan shaxslar ularning o‘z vaqtida to‘g‘ri va aniq tuzilishi, shuningdek buxgalteriya hisobida aks ettirish uchun ularning belgilangan muddatlarda topshirilishiga javobgardirlar. Boshlang‘ich hisob hujjatlariga xo‘jalik operatsiyasi qatnashchilari tomonidan tasdiqlanmagan tuzatishlar kiritilishiga yo‘l qo‘yilmaydi. Bank va kassa-pul hujjatlarida tuzatishlar va o‘chirib yozishlarga yo‘l qo‘yilmaydi. Buxgalteriya hisobi registrlari ikki yoqlama yozuv qoidalariga muvofiq yuritiladigan jurnallar, qaydnomalar, daftarlar, tasdiqlangan blankalar (shakllar)dir. Registrlar texnika vositalaridan foydalanishda olingan mashinogramma ko‘rinishidagi yozuvlar yo‘li bilan, shuningdek magnit tasmalari, disklar, disketlar va boshqa mashinalarda bajarilishi mumkin. Registrlarni shakllantirish tartibi buxgalteriya hisobi standartlari bilan belgilanadi. Buxgalteriya hisobi registrlariga tasdiqlanmagan tuzatishlarning kiritilishiga yo‘l qo‘yilmaydi. Buxgalteriya hisobi milliy valyuta - so‘mda yuritiladi. Buxgalteriya hisobini yuritishda maxfiylikka rioya qilinadi. Buxgalteriya hisobi registrlarining mazmuni bilan tanishishga ma’muriyat ruxsati bilan yoki qonun hujjatlarida nazarda tutilgan hollarda yo‘l qo‘yiladi.

Birinchi darajaga, O‘zbekiston Respublikasini «Buxgalteriya hisobi to‘g‘risida»gi qonuni keltirish mumkin. Ikkinchi darajaga, hozirgi vaqtda ishlab chiqilgan 23 ta standartni misol qilish mumkin. Uchinchi darajadagi mehnyoriy tartibga solish tizimiga Moliya vazirligi tasdiqlangan buxgalteriya hisobi va hisoboti bilan bog‘liq Nizomlarni, shuningdek, O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi, Uzdavistiqbolstat va Davlat Soliq qo‘mitasi tomonidan qabul qilingan va 1995 yil 1 yanvarda amalga kiritilgan, Vazirlar Mahkamasining 1999, 2003 yillardagi qarorlari bilan tuzatishlar kiritilgan «Mahsulot (ish, xizmatlar) tannarxiga kiritiladigan mahsulot (ish, xizmatlar)ni ishlab chiqarish va sotish bo‘yicha xarajatlar tarkibi hamda moliyaviy natijalarni shakllantirish haqida Nizom» misol bo‘la oladi. To‘rtinchi darajaga esa, korxonalarda qabul qilinadigan, buxgalteriya hisobini tartibga solish bilan bog‘liq hujjatlarni keltirish mumkin. Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan tub iqtisodiy islohotlarning natijasida iqtisodiyotda xususiy sektor

vujudga keldi va tobora mustahkamlanib bormoqda. Ma’lumki, xususiy sektorning asosini kichik biznes va xususiy tadbirkorlik tashkil etadi.

Shuning uchun O‘zbekistonda kichik biznesni va xususiy tadbirkorlikni davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlab kelinmoqda va buning ijobiy natijalari yaqqol sezilib turibdi. Kichik biznes subyektlari o‘z xo‘jalik-iqtisodiy faoliyatini mustaqil ravishda olib boradi. Ularning ko‘pchiligining tashkiliy-huquqiy shakli biznes egalarining korxona majburiyatlari bo‘yicha to‘la javobgarligini nazarda tutadi. Faqat aksiyadorlik jamiyatlari yoki mas’uliyati cheklangan jamiyat ko‘rinishidagi korxonalarda ularning egalari iqtisodiy mas’uliyati kapitalga qo‘shilgan ulush doirasida cheklab qo‘yilgan. Korxona faoliyati natijalari bo‘yicha to‘la moddiy mas’uliyat korxonani boshqarish jarayoniga nisbatan yuksak talablar qo‘yadi. Menejment korxonaning mol-mulkini asrashga va ko‘paytirishga, bozordagi mavqeini saqlab qolish va mustahkamlashga, korxona daromadlarini oshirishga qaratilgan bo‘lishi lozim. Kichik biznesning yana bir xususiyati shundaki, unda boshqaruvchilar bilan ishchi xodimlar o‘rtasida hech qanday oraliq bo‘g‘inlar mavjud emas, ko‘pincha boshqaruvning o‘zi ham ishchi xodimlarga xos funksiyalarni ham bajaradi. Kichik biznes korxonalarida buxgalteriya hisobi yuritilishining rasmiy tartib-qoidalari 1999 yil 23 noyabrda O‘zbekiston Respublikasi moliya vazirligining 87-sonli buyrug‘i bilan tasdiqlangan va 2000 yil 24 yanvarda Adliya vazirligi tomonidan ro‘yxatdan o‘tkazilgan 20-sonli «Kichik tadbirkorlik subyektlari tomonidan soddalashtirilgan tartibda hisob yuritish va hisobotlar tuzish to‘g‘risida»gi buxgalteriya hisobi milliy standarti (BHMS)da o‘z ifodasini topgan. Ma’lumki, buxgalteriya hisobining ikki jihati mavjud: moliyaviy va boshqaruv hisobi. Moliyaviy hisobning tartib-qoidalari davlat tomonidan rasmiy ravishda belgilab qo‘yilgan bo‘lib, ular birinchi navbatda «Buxgalteriya hisobi to‘g‘risida»gi +onunda va buxgalteriya hisobi milliy standartlarida ifodalangan. Moliyaviy hisobning natijalari moliyaviy hisobotlarda jamlanadi. Bu hisobotlar davlat manfaatlari ifodachisi bo‘lgan soliq organlariga taqdim etiladi va oshkora moliyaviy axborot hisoblanadi. Moliyaviy hisob ma’lumotlari korxonani boshqarish uchun juda muhim ahamiyatga ega, lekin yetarli emas. Shuning uchun ham korxonada buxgalteriya hisobining moliyaviy hisob talablariga nisbatan kengroq va chuqurroq olib borilishi zaruriyati tug‘iladi. Korxonani boshqarish uchun zarur axborot bazasini ta’minlovchi buxgalteriya hisobi boshqaruv hisobi deb ataladi. Moliya vazirligi tomonidan bu takliflarning umumlashtirilishi, kichik biznes korxonalari uchun soddalashtirilgan hisoblar rejasini, boshlang‘ich hujjatlarning eng muhim turlarining tavsiya etiladigan namunalarini, kichik korxonada buxgalteriya hisobining tashkiliy tuzilmasi va vazifalar taqsimotini, hujjatlar aylanishini namunaviy sxemasini o‘z ichiga olgan kichik korxona namunaviy hisob siyosati ishlab chiqilishi zaruriyati sezilmoqda. Shuningdek, kichik korxonalar hisob siyosatini ishlab chiqishda boshqaruv hisobi doirasidagi maslalarga alohida e’tibor qaratish zarur. Bu vazifalar oqilona bajarilishi uchun tannarxni tashkil etuvchi xarajat moddalari klassifikatsiyasini belgilab olish, ustama xarajatlarni

taqsimlashdagi mezonlarga, korxona budjeti o‘z ichiga oladigan jadvallar va natural-moddiy va qiymat balanslarining shakllariga nisbatan bir xil talablar qo‘yilishi ham kichik biznesda qarorlar qabul qilinishi jarayoni puxtaligini yaxshilashga yordam berishi mumkin. Kichik biznes va tadbirkorlikni rivojlantirish davlatning asosiy siyosiy, ijtimoiy-iqtisodiy yo’nalishlarida asosiy o’rinni egallamoqda.

Foydalanilgan adbiyotlar:

1.O‘zbekiston Respublikasi “Buxgalteriya hisobi to‘g‘risida” gi Qonuni. Toshkent, 1996 yil 30 avgust.

2.O‘zbekiston Respublikasi “Auditorlik faoliyati to‘g‘risida” gi Qonuni. 2000 yil 26 may.

3. O‘zbekiston Respublikasining 1992 yildagi «Korxonalar to‘g‘risida»gi Qonuni.

4. O‘zbekiston Respublikasining 1998 yil 30 apreldagi «Xorijiy investitsiyalar to‘g‘risida»gi Qonuni.

5. http://www.mf.uz

6. http://www.gov.uz/uzbekistan/transportation

7. http://www.gov_stat.uz

8. http://www.referat.ru/economy/management

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА ХАРАЖАТЛАР ВА ДАРОМАДЛАР ҲИСОБИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ.

Холматова Нодирахон Қуддусовна-
ТДИУ, Андижон факультети “Мутахассислик фанлари” кафедраси ўқитувчиси,
Фарходов Дилшоджон Шерзод ўғли-
ТДИУ Андижон факультети талабаси

Аннотация*: ушбу тезисда бугунги кунда республикамизда энг долзарб муаммолардан бири йирик корхоналар ва акциядорлик жамиятларида харажатлар ва даромадларнинг ҳисобини юритиш ва уни назорат қилиш ҳақида фикрлар келтириб ўтилган. Харажатлар ва даромадларни шакллантириш бўйича замон талаби бўлиб турган халқаро стандартлар ва рақамли технологияларни тадбиқ этиш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.*

Калит сўзлар: *Харажат, даромад, таннарх, фойда, зарар, баланс, стандарт.*

Ҳар қандай маҳсулотни ишлаб чиқариш (бозорга таклиф қилиш учун мўлжалланган) муайян иқтисодий ресурсларнинг нархини, уларнинг оптимал танловини талаб қилади. Харажатлар даражаси бозорда рақобатни

шакллантиришга ва даромадни оширишда энг муҳим омил ҳисобланади. Худди шундай экан акциядорлик жамиятларида ҳам харажатларни тўғри шакллантириш асносида унинг фойда ёки зарар кўрганлигини кўришимиз мумкин бўлади. Акциядорлик жамияти қандай фаолият тури билан шуғулланишидан қатъий назар унинг, хох у ишлаб чиқариш хох хизмат кўрсатиш билан шуғуллансин барибир унинг харажатлар ва даромадларини ҳисобга олиш тизимини янгилаш ва янгиланишнинг амалдаги қонун хужжатларига мослигини назорат қилиш керак бўлади.

Бугунги кунда иқтисодиётимизга бозор элементлари ва халқаро тажрибаларнинг тадбиқ этилиб борилиши, барча хўжалик тармоқларини модернизациялаш негизида, уларни ахборот таъминотининг асоси бўлган бухгалтерия ахбороти билан таьминлаш асносида уларнинг даромадлар ва харажатлари ҳисобини назорат қилиш янада муҳимдир. Хусусан, иқтисодиётимизнинг муҳим бўғини бўлган йирик саноат корхоналари, ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи акциядорлик жамиятларининг бухгалтерия ахборотининг энг асосий қисми бўлган даромадлар ва харажатлари ҳисобини назорат қилиш ва ушбу ахборотлар асосида уларга чет эл инвесторларини жалб этиш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Хеч иккиланмай айтишимиз мумкинки акциядорлик жамиятларида бундай муаммолар пайдо бўлганда уларнинг даромадлари ва харажатларининг ҳисобини назорат қилиш керак бўлади ва шу асносида уларнинг бухгалтерия ҳисобини янада такомиллаштириш ва уларнинг молиявий ҳисоботларини халқаро миқёсда тан олинган стандартлар асосида трасформация қилиш ва бу стандартларни амалий иш жараёнларида жорий қилиш керак бўлади. Бунинг учун эса албатта малакали кадрларни жалб қилиш ва қайта тайёрлаш зарур бўлади. Тан олиш керак, мутахассисларнинг билим ва малака жихатдан йирик корхоналарнинг мустақил трансформация қилиш учун техник имкониятлари етарли даражада эмаслиги барчамизга аён. Шуни инобатга олган ҳолда хорижий тажрибани ўрганиш ва зарур бўлса хорижий мутахассисларни чақириб амалиётчи мутахассислар билан тажриба алмаштириш керак бўлади.

Ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект ўз фаолиятининг асоси фойда олишга қаратилган ҳисобланади. Шундай экан акциядорлик жамиятларида хам фойдага чиқиш ёки чиқмаслиги кўп жихатдан уларда олиб борилаётган бухгалтерия ҳисобидаги харажатлар ва даромадларнинг тўғри шакллантирилаётганлигига боғлиқ ҳисобланади. Даромад ва харажатлар даражаси фойда ва зарарни баҳолашнинг асосидир, улар сотиш ҳажми, маҳсулот нархи, хизматлар, товарлар ва харажатлар билан белгиланадиган сотиш рентабеллиги кўрсаткичлари ҳисобланади. Маҳсулот турларини оптималлаштириш, маркетинг тадқиқотлари, нархларни белгилаш ва харажатларни бошқариш каби фаолиятларни амалга оширишда масъулият

марказларини ташкил этиш билан амалга оширилса корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга кетаётган харажатларни оптималлаштиришга эришилиб харажатларнинг фойдалилик даражасини юксалтиришга эришиш мумкин бўлар эди.

Ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи корхоналарда харажатларнинг асосий қисмини хом-ашё ва ишлаб чиқаришдаги меҳнат ҳаки харажатлари ташкил этса, хизмат кўрсатиш корхоналарида эса сотиш харажатлари ва маъмурий харажатлар асосий ўринни ташкил этади. Шундай экан корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархига киритиладиган ва киритилмайдиган ишлаб чиқариш, сотиш ва маьмурий харажатларини масъулият марказларида таснифлаш, ҳисобга олиш, бошқариш ва режалаштириш керак бўлади. Бу орқали эса биз нафақат харажатларни шу билан бир қаторда даромадларимизни хам таснифлашга эришишимиз мумкин бўлади. Бу билан эса корхонамизда фаолият олиб бораётган бўлимларнинг фойдалилик даражасини ва хаттоки ходимларнинг иш эффективлик даражасини хам баҳолашимиз мумкин бўлади. Бу йиғилган бухгалтерия маьлумотлари корхона раҳбарлари ва бўлажак инвесторлар учун ҳам энг муҳим ва қимматли маьлумот хисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.

1. Ризаев Н., Ҳотамов К. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этишда Япония тажрибаси. “Молия ва банк иши” электрон-илмий журнали. Тошкент, №1. 2020.
2.Даромадлар ва харажатлар ҳисоби ҳақида тахлилий услубиёти (автотранспорт корхоналари мисолида) [Матн]/М.Б.Колонов.-Тошкент: Akademnashr, 2019.-352 б.
3. Rizaev. N.K. INTERNATIONAL FINANCIAL REPORTING STANDARDS IN THE AGRICULTURAL SECTOR AND THEIR INTRODUCTION TO THE PRACTICE OF UZBEKISTAN. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар, 2021 йил 2-сон.
4. 2022 йил якуни бўйича давлат бюджетининг даромад ва харажатлари. .. - UzNews.uz.
5.https://president.uz/uz/lists/view/4424
LEX.UZ ЎРҚ

MA’SULIYAT MARKAZLARI BO‘YICHA XARAJATLARNI BOQARISHNING TAHLILIY MASALALARI

Saliev B. K.
TDIU dotsenti, i.f.n.
Baxodirov M.N.

Toshkent Bucheon Universiteti talabasi

Anotatsiya: Maqoladi korxonalarning iqtisodiy salohiyatini oshirishning eng dolzarb masalalaridan biri ma’suliyat markazlari bo‘yicha xarajatlarni boshqarishni amalga oshirishning tahliliy masalalari ko‘rib chiqilgan.

Kalit so‘zlar: Xarajat, ma’sulyat markazi, daromad, foyda, investitsiya, doimiy xarajat, o‘zgaruvchi xarajat, marjinal daromad.

Ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiyotning xozirgi bosqichida xo‘jalik yurituvchi sub’ektlarning asosiy maqsadi o‘z faoliyatlari natijasida imkon qadar ko‘proq foyda olish, o‘zining moliyaviy barqarorligini ta’minlash va raqobatbardoshligini oshirib borish orqali bozorda o‘z o‘rnini topish va mustaxkamlab borishdan iborat.Bu maqsadga erishish uchun ular albatta moliyaviy natijalarning yahshilashning eng muhim omillaridan biri, operatsion, investitsion va moliyaviy faoliyatlari bilan bog‘liq xarajatlarini muntazam tahlil qilib borishlari, ularni kamaytirish imkoniyatlarini qidirib topishlari va bu imkoniyatlardan to‘liq foydalanish tadbirlarini ishlab chiqishlari hamda amaliyotga tadbiq qilishlari lozim.

Keyingi yillarda korxonalar o‘z daromadlari va xarajatlarini atroflicha tahlil qilish, ularni boshqarish va hisobga olishni takomillashtirish asosida o‘z foydasini oshirish masalalariga alohida e’tibor qaratilmoqdalar. Chunki, korxona ishlab chiqarilayotgan maxsulotlar bilan ichki bozorni sekin-asta to‘yinib borishi va tashqi bozordaga kuchli raqobat kurashi maxsulotlar bahosini biroz bo‘lsada kamaytirishni taqazo qiladi. Bunga esa faqat olinayotgan foyda miqdorini kamaytirmagan holda maxsulotlar tannarxi va boshqa xarajatlarni kamaytirish orqaligina erishish mumkin.

Korxona xarajatlari tahlili va boshqaruv hisobini takomillashtirish, ya’ni ichkizovod boshqaruvini ta’minlash maqsadida “Moliyaviy ma’suliyat markazlari” (MMM) bo‘yicha boshqarish tizmiga tashkil qilishga alohida e’tibor berish lozim. Bu tizim korxona faoliyatining yakuniy natijasiga har bir bo‘limning hissasini baholash, xarajatlarning boshqarishni bo‘limlarga yuklash, xarajatlarni shakillanishi kuzatish imkonini beradiki, bu o‘z navbatida xo‘jalik yuritishning iqtisodiy samaradorligini oshishiga olib keladi.

Korxonasida tashkil qilinadigan “Moliyaviy ma’suliyat markazi”ning yakuniy maqsadi foydani optimallashtirishga qaratilgan operatsiyalarni amalga oshiruvchi, foydalilik darajasiga bevosita ta’sir ko‘rsatishga qobil, belgilangan limit doirasida xarajatlar darajasini saqlay oladigan va belgilangan maqsadni amalga oshirish uchun yuqori boshqaruv organi oldida javob bera oladigan tuzilmaviy bo‘limdir. Bu markazning tarkibiga bir qator markazlar kiritilgan bo‘lib, ular *xarajatlar markazi, daromadlar markazi, foyda markazi va investitsiya markazini* o‘z ichiga oladi.

Har bir markazning o‘ziga xos mas’uliyati bo‘lib, unga belgilangan funksiyalarni amalga oshirish bilan shug‘illanadi. Xususan, *xarajatlar markazi* ishlab chiqarish sexi xarajatlari bo‘yicha javob beradi va ular asosan maxsulotlar tannarxini

shakillanishini nazorat qiladilar. *Daromadlar markazi* tayyor maxsulotlar, tovarlar, ish va xizmatlarni sotish va ular anashu jarayonda yuzaga keladigan xarajatlarning nazorati uchun ham javob beradi. *Foyda markazi* korxonaning yakuniy moliyaviy natijalarini shakillanishiga ta’sir ko‘rsatuvchi jarayonlarni nazorati bilan shug‘illanadi. *Investitsiya markazi* korxonaning investitsion faoliyatini – uning vaqtincha bo‘sh pul mablag‘larini daromad olish maqsadida qimmatli qog‘ozlar va boshqa uzoq muddatli aktivlarni sotib olish va sotish maqsadida joylashtirish bilan bog‘liq faoliyatini amalga oshirish uchun javobgardir.

“Moliyaviy ma’suliyat markazi” bo‘limlari korxonalarda hozircha alohida funksional tizimlarga ajratilmagan va tizim osti bo‘limi shaklida tashkil qilinayotgan bo‘lsada, ular ishini faollashtirishga jiddiy ahamiyat berilmoqda. Bu bilan korxona, bir tomondan, “Moliyaviy ma’suliyat markazi” bo‘limlarining optimal tuzilmasini shakillantirish masalasini o‘rganish bo‘lsa, ikkinchi tomondan, xozircha sinovdan o‘tmagan yangi bo‘limlarni saqlash bilan bog‘liq xarajatlarni iqtisod qilib turishdir.

Korxonalarda moliyaviy ma’suliyat markazini samarali ishlashini ta’minlash, uning bo‘limlari ta’sir doirasini aniqlab olish va keyinchalik uning asosida samarali boshqarish tizimini tashkil qilish uchun, uning amalga oshirish tartiblari o‘rganilmoqda va ishlab chiqilmoqdi. Uning tarkibiga quyidagilarni kiritish maqsadga muvofiq deb hisoblaymiz:

- moliyaviy ma’suliyat markazini yaratish va uni statusini aniqlash;
- markazning xuquq va majburiyatlarini tartibga soluvchi ichki nizomni ishlab chiqish;
- markaz va uning bo‘limlari orasidagi o‘zaro aloqalarni aniqlash;
- har bir markaz bo‘yicha tuziladigan reja va hisobotlar ro‘yxatini yaratish;
- markaz faoliyati samaradorligini baholovchi ko‘rsatkichlar tizmini ishlab chiqish;
- markaz faoliyati samaradorligiga bog‘liq xolda ularning raxbarlarini moddiy rag‘batlantirish tizimini ishlab chiqish.

Korxonaning tashkiliy tuzilmasiga muvofiq “Moliyaviy ma’sulyat markazi”ni yaratish uning xar bir bo‘limi faoliyatini aniq shaxs ma’suliyati bilan bog‘lash, xar bir bo‘lim faoliyati natijalari baholash va ularni korxona umumiy natijasiga qo‘shgan xissasini aniqlash imkonini beradi.

Ma’lumki, xarajatlarni boshqarishning asosiy vazifalari bo‘lib, ta’luqli kalkulyatsion moddalar bo‘yicha xaqiqatdagi xarajatlarni o‘z vaqtida va to‘g‘ri aks ettirish, ishlab chiqarish resurslari foydalanish darajasini baholash bo‘yicha boshqaruv qarorlari qabul qilish uchun zarur bo‘lgan axboratlarni taqdim qilish, resurslar sarfini belgilangan ma’erlarga muvofiq amalga oshirilishini tezkor nazorati tashkil qilish, unumsiz xarajatlarni oldini olish va bartaraf etish, maxsulotlar tannarxi va davr xarajatlarini kamaytirish imkoniyatlarini aniqlash hisoblanadi.

Xarajatlarni kamaytirish va shu asosda maxsulotlar tannarxini arzonlashtirish imkoniyatlari o‘rganilar ekan, shu narsaga alohida e’tibor qaratish lozimki,

maxsulotlar bo‘yicha xarajatlarni taqsimlash orqali ularni tannarxga qo‘shish tamoyili ba’zan ularni nazorat qilish imkoniyatlarini bermaydi. Ayrim hollarda, maxsulotlar ishlab chiqarish bir necha ishlab chiqarish bosqichlaridan iborat bo‘lib, xar bir bosqich uchun aniq shaxslar javob beradi. Shuning uchun ham, garchi maxsulot tannarxi xaqida aniq ma’lumotga ega bo‘linsada, xarajatlarni ishlab chiqarishning ayrim bosqichlari (ma’sulyat markazlari) bo‘yicha qanday taqsimlanayotganligini aniq hisoblash imkoni bo‘lmaydi. Shuning uchun ham korxonada xar bir bosqich uchun xarajatlar sarflanishiga ma’sul shaxsini biriktirish maqsadga muvofiq degan fikrdamiz.

Xarajatlarni boshqarish bilan shug‘illanuvchi shaxslar albatta ular xaqida chuqur va atroflicha bilimga ega bo‘lishlari, xarajatlar tabiatini yaxshi o‘rganishlari va ularni tarkibini yaxshi tushunishlari lozim. Shu nuqtai nazardan analitik maqsadlar uchun xarajatlarni bir qator belgilari bo‘yicha turkumlash maqsadga muvofiq: ishlab chiqarishdagi ishtrokini aniqlash maqsadida (ishlab chiqarish va noishlab chiqarish xarajatlari); nazorat qilish va boshqarish maqsadida (nazorat qilinadigan va nazorat qilinmaydigan); sotilgan maxsulotlar bilan hisobdan chikarish davrini aniqlash maqsadida (ishlab chiqarish tannarxi va davr xarajatlari); kalkulyatsiya qilish va ishlab chiqarilgan maxsulotni baholash maqsadida (to‘g‘ri–bevosita va egri–bilvosita xarajatlar); maxsulot hajmini o‘zgarishiga bog‘liqligi va rejalashtirish maqsadida (o‘zgaruvchi va doimiy xarajatlar) va boshqalar.

Korxonalarda “Moliyaviy ma’sulyat markazi” orqali xarajatlarni boshqarish bo‘limlarning daromad va xarajatlar uchun ma’suliyati belgilanib, ularning yakka yoki gurx boshqaruvchilariga vakolatlarini taqsimlash asosida tashkil qilish maqsadga muvofiq. Bunda markaz orqali xarajatlarni boshqarishning mohiyatidan kelib chiqib, xar bir markaz uchun qat’iy belgilangan tartib bo‘yicha xarajatlarni maxsulot, ish va xizmatlarga olib boriladi va marjinal daromad aniqlanadi.

Marjinal daromad korxonaning birinchi tartibli ishlab chiqarish bo‘linmalarining xar biri uchun alohida-alohida va korxona bo‘yicha ularning yig‘indisi sifatida aniqlanadi. Marjinal daromad (Md)ni aniqlash uchun xar bir sex hisobiga to‘g‘ri keladigan daromad (Ct), o‘zgaruvchi xarajatlar (Ux) va asosiy ishlab chiqarish bo‘yicha to‘g‘ri doimiy xarajatlar (Tdx) bo‘yicha ma’lumotlar bo‘lishi lozim. Ushbu ma’lumotlar asosida xar bir ishlab chiqarish bo‘linmasining marjinal daromadni quyidagi tartibda hisoblashni taklif qilamiz:

$$\mathbf{Md = Ct - Ux - Tdx} \qquad (1)$$

Formulaga kiritilgan o‘zgaruvchi xarajatlar (Ux) tarkibiga, xar bir ishlab chiqarish bo‘linmasi bo‘yicha asosiy materiallar, xom ashyo va butlovchi buyumlar bo‘yicha xarajatlar (Cm), asosiy ishchilarning ish xaqi xarajatlari (Zp), ijtimoiy sug‘urta xarajatlari (Ss) boshqa o‘zgaruvchi xarajatlar (Rx) va o‘zgaruvchi noishlab chiqarish xarajatlari (Hi) kiritilishini hisobga oladigan bo‘lsak, u xolda xar bir ishlab chiqarish bo‘linmasining o‘zgaruvchi xarajatlarini quyidagicha hisoblash mumkin:

$$\mathbf{Ux = Cm + Zp + Ss + Rx + Hi} \qquad (2)$$

Demak, xar bir ishlab chiqarish bo‘linmasining marjinal daromadlarini hisoblash formulasi, yuqorida keltirilgan xarajatlar tarkibini hisobga olgan holda quyidagi ko‘rinishni oladi:

$$\mathbf{Md = Ct – (Cm + Zp + Ss + Rx + Hi) – Tdx} \quad (3)$$

Xar bir ishlab chiqarish bo‘linmasining marjinal daromadlarini hisoblash xarajat markazlarining daromadlarni ko‘paytirish va xarajatlarini kamaytirish borasida olib borayotgan faoliyatlarini baholash imkonini beradi. Xarajat markazlari faoliyatini to‘liq baxolash uchun esa “Moliyaviy ma’sulyat markazi” bo‘yicha marjinal foyda (MP)ni hisoblash lozim. Buning uchun, dastavval umumiy doimiy xarajatlar (Dx) aniqlab olinadi va quyidagi foruladan foydalanadi:

$$\mathbf{MP = \sum Ct – \sum Ux – \sum Tdx - \sum Dx} \quad (4)$$

Umumiy marjinal foydani aniqlash orqali xar bir ishlab chiqarish bo‘linmasini va demak xarajat markazini uning shakillantirishdagi rolini aniqlash imkonini beradi. Demak, “Moliyaviy ma’sulyat markazi” bo‘yicha xarajatlarni boshqarish uslubiyotini ishlab chiqish, xarajatlarni turkumlashni ilmiy asosini yaratish, boshqarish qarorlari qabul qilish uchun rejalashtirish va nazorat usullarni to‘g‘ri tanlash korxona xarajatlari tabiatini yaxshi tushinib olish va ularni samarali boshqarish uchun mukammal asos yaratadi.

Korxonalarda “Moliyaviy ma’sulyat markazi” bo‘yicha xarajatlarni boshqarish uslubiyotini ishlab chiqish bilan bir qatorda foydani boshqarish asoslarini ham yaratishga zarur. Bunday markaz orqali foydani boshqarish uni shakillanishi, taqsimlanishi va ishlatilishining turli tomonlari bo‘yicha u yoki bu darajada boshqaruv qarorlarini ishlab chiqish va qabul qilish bilan bog‘liq bo‘lgan korxonaning barcha ichki tuzilma xizmatlari va bo‘linmalari faoliyatiga tegishlidir.

Bizning nuqtai nazarimizda, “Moliyaviy ma’sulyat markazi” bo‘yicha foydani boshqarish uslubiyotini qo‘llashning asosiy maqsadi – uning qisman va korxonani umuman maksimal foyda olish, samaradorlik va rentabellikka erishishga qaratilgan faoliyati istiqbolini belgilash va baholash hisoblanadi.

Korxonalarda “Moliyaviy ma’sulyat markazi” tashkil qilish orqali foydani boshqarishni kuyidagi tartibda amalga oshirish lozim:

- foydani shakillanishi va ishlatilishi ayrim tomonlariga u yoki bu darajada ta’sir ko‘rsatish nuqtai nazardan korxonaning ayrim tuzilmaviy bo‘limlarini ishlash xususiyatlarini o‘rganish;
- korxona tuzilmaviy bo‘limlari doirasida ma’sulyat markazlarining asosiy turlarini aniqlab olish;
- ma’sulyat markazi sifatida aniqlangan tuzilmaviy bo‘limlar raxbarlarini huquq, majburiyat va ma’sulyat darajasi tizmini shakillantirish;
- budjet shaklidagi reja yoki normativ topshiriqlarini ishlab chiqish va ularni ma’sulyat markazlariga yetkazish;

- ta’luqli axborotlarni (hisobotlarni) olish, ularni tahlil qilish va tafovutlar sabablarini o‘rganish orqali ma’suliyat markazi tomonidan belgilangan ma’suliyatni bajarilishi ustidan nazoratni ta’minlash.

“Moliyaviy ma’sulyat markazi” orqali foydani boshqarish uslubiyoti asosida ham, xarajatlarni boshqarish uslubiyotidek, marjinal tahlil yotadi va bu yerda ham xar bir ma’sulyat markazlari bo‘yicha marjinal daromad va foyda aniqlanadi:

$$\sum \mathbf{Ct} - \sum \mathbf{Ux} = \sum \mathbf{Md} - \sum \mathbf{Dx} = \mathbf{P} \qquad (5)$$

Ko‘rinib turibdiki, korxonaning foydasini shakillanishi va unga ta’sir etuvchi omillar o‘zaro bog‘liqlikda ifodalanmoqda. Bu foydani o‘zgarishiga xar bir omilni – maxsulotlar ishlab chiqarish xajmi va sotishdan tushgan sof tushumni, maxsulot, ish va xizmatlar bahosini, doimiy va o‘zgaruvchi xarajatlar ta’sirini bemolol o‘lchash imkonini beradi.

O‘rni kelganda, shuni ham ta’kidlash lozimki, korxonalarda yuqorida keltirilgan ko‘rsatkichlardan foydalanib “Moliyaviy ma’suliyat markazi”da zarar ko‘rmay ishlash (zararsizlik) nuqtasi (***Zn***) ham muntazam o‘rganib boriladi. Uni quyidagi tartibda hisoblashni taklif qilamiz:

$$\boldsymbol{Зн} = \frac{\boldsymbol{Dx}}{\boldsymbol{sp}-\boldsymbol{ux}}, \qquad (6)$$

bu yerda *sp* – maxsulot birligini sotish bahosi;

ux – maxsulot birligiga to‘g‘ri keladigan o‘zgaruvchi xarajatlar;

Yuqorida keltirilgan iqtisodiy ko‘rsatkichlar zarar kurmay ishlash nuqtasidagi maxsulotlar xajmini, doimiy va o‘zgaruvchi xarajatlar tuzilmasini, marjinal daromad va foydani shakillanishini korxona va uning bo‘linmalari bo‘yicha tahlil qilish va shu asosda uning xarajatlari va moliyaviy natijalarini boshqarish tizimini takomillashtirish imkonini beradi.

Korxona xarajatlari va foydasi tahlil qilinar ekan albatta ularning o‘zgarishi atroflicha o‘rganiladi. Bu borada korxonalarga “Tafovutlar tahlili” uslullaridan keng foydalanish va korxonalar uchun anashunday usulларn qo‘llash bo‘yicha uslubiy qo‘llanmalar yaratib berish ham tahlilchi olimlar olddida turgan asosiy masalalardan biridi. Aynan tafovutlar tahlili xarajatlar nazoratiga yo‘naltirilgan va, demak, moliyaviy natijalarni optimallashtirishga qaratilgan. Tahlil jarayonida xarajatlar markazining xar bir bo‘limi, maxsuloti yoki operatsiyasining xaqiqiy va rejalashtirilgan (me’yoriy) xarajatlarni solishtirish orqali ularni samarali boshqarish mumkin.

Xullas, korxonalarda “Moliyaviy ma’sulyat markazi”larini tashkil qilish xar bir ma’suliyat markazi bo‘yicha xarajatlar, daromadlar va foyda xaqida mukammal ma’lumotlar olish, olingan ma’lumotlar asosida atroflicha tahlil o‘tkazib, yuzaga kelayotgan tafovutlarni sabablarini o‘rganish va salbiy ta’sir ko‘rsatayotgan omillar ta’sirini bartaraf qilish imkonini beradi. Maxsulotlar miqdori va bahosini, doimiy va o‘zgaruvchi xarajatlar xajmini o‘zgarishiga bog‘liq xolda foyda va rentabellikni istiqbolli belgilash albatta korxona moliyaviy xolatini mustaxkamlash borasida katta imkoniyat yaratadi.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1. Qurbonov Z.N., Misirov K., Moliyaviy va boshqaruv hisobi. Darslik. –T.: Iqtisod-moliya, 2019. –756 b
2. Assessment in Accounting: Concept and Tools Monograph General editorship Doctor of Economic Sciences, Professor O. Fomina December, 2018
3. ACCA Management Accounting (MA/FMA) Study Text: Published by: Kaplan Publishing UK Unit 2 The Business Centre Molly Millars Lane Wokingham Berkshire RG41 2QZ ISBN 978-1-78740-855-5 © Kaplan Financial Limited, 2021

АУДИТНИНГ ТАШКИЛИЙ-УСЛУБИЙ ШАКЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Қосимова Зиёда Ҳакимовна
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
2-курс магистранти

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг молиявий назоратнинг замонавий шакли бўлган - аудиторлик хизматининг ривожлантиришга эътибор кучайди. Сўнгги йилларда мамалакатимизда аутсорсинг хизматларига талаб ортиб бормоқда. Жумладан бухгалтерлик хизматларига, аудитор маслаҳатларига хам талаб ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармонида белгиланган 2017– 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоийиқтисодий ислоҳотлар даврида аудиторлик фаолиятининг норматив-ҳуқуқий ва услубий базаси такомиллаштирилмоқда, шунингдек, аудиторлик фаолиятини лицензиялашнинг соддалаштирилган ва муддатсиз тизими жорий этилмоқда, бу аудиторлик хизматлари бозорининг шаклланишига ва маҳаллий аудиторлик ташкилотлари аудиторлик компанияларининг йирик халқаро тармоқларига киришини таъминлашга имкон яратади.[31]

Ички назорат хдкида гапирганда шуни х.ам англаш керакки, у факат аник максадларга эришишга йуналтирилгандагина фойдали хисобланади ва назорат натижаларини бахолашдан аввал бу максадни аниклаш зарур. Ички назоратнинг бешта асосий максади бор:

[31] Ш.М.Мирзиёев 2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Парламентга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь.

- ахборотларнинг ишончлилиги ва тулалиги;
- хисоб сиёсатига, бизнес режаларга, конунчиликка мослиги;
- активларнинг бутлигини таъминлаш;
- ресурслардан тежаб ва самарали фойдаланиш;
- компания булинмалари томонидан куйилган максадлар ва вазифаларга эришиш.

Ички назорат концепцияси узига бир канча таркибий кисмларни камраб олади:

Биринчидан, бу - корхонанинг ички мухити, яъни этика талаблари, бошкарув услуби, карор кабул килиш жараёни, ваколатларнинг узгариши ва масъулиятни хис килиш, ходимларга нисбатан сиёсат, ходимларнинг ваколатлилиги ва энг мухими, корхона бошкарув аппаратининг ички назоратга муносабати;

Иккинчидан, корхонанинг уз максадларига эришиши йулида турган рискларни аниклаш, тахдил килиш ва бошкариш;

Учинчидан, назоратнинг хар куни амалга оширилиши: хисоб ва хисоботлар, ваколатларнинг табакаланиши, активларга булган хукук ва мониторинг;

Туртинчидан, ахборот олишга имконият - мос келувчи ахборот ким унга эхтиёж сезса, унга эга булиши ва бу унга юкланган функциялар/мажбуриятлар доирасида булиши лозим;

Бешинчидан, ички назорат тизимининг самарадорлигини аниклаш учун зарур мониторинг.

Ички назорат тизими - хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти томонидан молиявий-хўжалик фаолиятини назорат қилиш ва самарали юритиш, активлар ва ҳисоб ҳужжатларининг сақланишини таъминлаш, хато ва фирибгарлик ҳолатларини олдини олиш ва аниқлаш, бухгалтерия ёзувларининг аниқ ва тўлиқлиги ва ўз вақтида ишончли молиявий маълумотларни тайёрлаш мақсадида қабул қилинган ташкилий тадбирлар, усуллар ва амаллар (ички назорат воситалари) йиғиндиси”[32]

Татьяна Рыбак и Мария Лаврентьеваларнинг фикрича, аудитнинг умумий стратегиясининг айрим йўналишларини амалиётга татбиқ этиш учун аудиторлик ташкилоти аудит режасини ишлаб чиқади ва ҳужжатлаштиради. Режалаштиришнинг асосий босқичида аудиторлик ташкилоти:

– бухгалтерия (молиявий) ҳисоботларининг муҳимлик даражасини белгилайди ва аудиторлик рискларини баҳолайди;

[32] Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2007 йил 12 апрелда 1673- сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2006 йил 29 декабрдаги 108-сон бўйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолиятининг 12 сонли «Аудиторлик текширувлари жараёнида бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини баҳолаш» номли стандарти. WWW: lex.uz. 3.

– бухгалтерия маълумотларини сегментларга ажратади ва ҳар бир сегмент учун текшириш топшириқларини яратади; – аудит процедураларининг табиати, муддати ва ҳажмини танлайди.[33]

Ички назорат тизими корхонанинг фақатгина молиявий ёки бухгалтерия тизимини қамраб олмай, корхонанинг барча фаолият сохаларини ўз ичига олади. Мисол учун: харид қилиш, ишлаб чиқариш, сақлаш, сотиш, этказиб бериш. Ички назорат тизими корхона раҳбариятига корхона фаолиятининг хар бир соҳаси бўйича ишончли, ўз вақтида ва зарурий маълумотлар этказиб берилишини таъминлайди. Бунинг натижасида раҳбарият корхона фаолияти устидан доимий равишда назорат олиб бориш асосида корхона фаолиятини тартибга солади ва белгиланган мақсадларга эришилишини таъминлайди. Йиллик бюджет, корхона ички ишлаб чиқариш стандартларининг жорий этилиши, ишлаб чиқариш ва сақалаш жараёни устидан назоратни ташкил этиш хам ички назорат тизимининг бир кўринишидир.[34]

Ғарб мамлакатларида ички аудит XX асрнинг бошларида пайдо булди ва иккинчи жахон урушидан кейин компанияларнинг кайта марказлаштириш хажмининг усиб боришига жавоб сифатида ривожланиш учун туртки олди. 1941 йилда АҚШда ички аудиторлар института ички аудитор касбини ривожлантириш ва оммалаштиришни, касбий фаолият стандартларини ишлаб чикишни уз олдига максад килиб куйган ички аудиторларнинг профессионал ассоциацияси барпо этилди. Хозир институтнинг 72 мингтага якин аъзоси ва 120 та мамлакатда ваколатхонаси мавжуд. Жахон буйича эса ички аудит билан у ёки бу даражада бир миллиондан ортик мутахассис шугулланади.[35]

Мустақил аудиторлар учун ички назорат тизимининг аҳамияти шундан иборатки, у, аудитор томонидан ўтказилиши лозим бўлган текширув ҳажми ва вақтини олдиндан белгилаш имконини беради. Сифатли ички назорат тизимига эга бўлган корхонада аудит текширувини камроқ ҳажмда ўтказиш мумкин. Чунки сифатли ички назорат тизими натижасида аудитор текширган маълумотлар тўғри ва шу сабаб қолган шу тур маълумотларни текшириб ўтиришга ҳожат йўқ. Аксинча, сифатсиз ички назорат тизимига эга корхонада эса текширув кўламини кенгайтириш ва иложи борича кўпроқ маълумотларни текшириб чиқиш зарурати юзага келади. Сабаби, ички назорат тизими сифатсиз ишлаши сабаб корхонада тайёрланган бухгалтерия маълумотларида камчиликлар, хатоликлар мавжуд. Демак, ички назорат тизими сифати ва аудит текшируви кўлами ўртасида тескари боғлиқлик мавжуд.

Ички назорат тизими корхонанинг фақатгина молиявий ёки бухгалтерия тизимини қамраб олмай, корхонанинг барча фаолият соҳаларини ўз ичига

[33]Татьяна Рыбак и Мария Лаврентьева. Планирование аудита и порядок его проведения. https://www.minfin.gov.by/upload/audit/sm i/2021_11_gk.pdf 5. Khosiev B. N., Bot

[34] Сатторов Алишер Хасан ўғли. Аудиторлик текширувларини режалаштириш ва ички назорат тизимини баҳолашнинг аҳамияти. Moliya va Bank ishi Jurnali 4 (2022), 97-104

[35] К.Б.Ахмеджанов. Ички аудит. Ўқув қўлланма. Тошкент-Иқтисодиёт-2019 й

олади. Мисол учун: харид қилиш, ишлаб чиқариш, сақлаш, сотиш, етказиб бериш. Ички назорат тизими корхона раҳбариятига корхона фаолиятининг ҳар бир соҳаси бўйича ишончли, ўз вақтида ва зарурий маълумотлар етказиб берилишини таъминлайди. Бунинг натижасида раҳбарият корхона фаолияти устидан доимий равишда назорат олиб бориш асосида корхона фаолиятини тартибга солади ва белгиланган мақсадларга эришилишини таъминлайди. Йиллик бюджет, корхона ички ишлаб чиқариш стандартларининг жорий этилиши, ишлаб чиқариш ва сақлаш жараёни устидан назоратни ташкил этиш ҳам ички назорат тизимининг бир кўринишидир. Ички назорат тизимининг аҳамияти айниқса йирик, мураккаб ишлаб чиқариш тизимига эга бўлган корхоналар учун катта аҳамиятга эга.

Бир қатор ривожланган давлатлар, хусусан АҚШда йирик корпорацияларда ички назорат тизимини ташкил этиш Хорижда Коррупцион Фаолиятга Қарши Қонун билан белгиланган ва мажбурийдир. Бу қонуннинг қабул қилинишига сабаб, ўтган асрнинг 70-йилларида АҚШнинг бир қатор йирик корпорациялари хорижий давлатлар бозорларида ўз ўринларини мустаҳкамлаб олиш мақсадида шу давлатлар юқори мансабдор шахсларига катта миқдордаги маблағларни ажратганликлари маълум бўлди. Бу маблағлар шу давлатлар қонунларига кўра қонуний, аммо АҚШ қонунчилигига кўра пора бериш ҳисобланган. Баъзан бу маблағлар шу корпорациялар бош раҳбарларига ҳеч қандай хабар бермасдан ажратилган. АҚШ Конгресси томонидан 1977 йилда қабул қилинган Хорижда Коррупцион Фаолиятга Қарши Қонун бу ишга чек қўйди. Хорижий мамлакатлар бозорларида ўз ўрнини мустаҳкамлаб олиш учун шу давлатлар юқори мансабдор шахсларига маблағ ажратиш қонун билан қатъиян таъқиқланди. Шу билан бирга, бу қонунга кўра АҚШ қимматли қоғозлар ва биржа бўйича комиссиясидан рўйхатдан ўтган ва фонд биржаларида сотиладиган акцияларига эга корпорацияларда ҳар қандай операция фақатгина юқори раҳбарият қарори ва розилиги билан амалга оширилиши лозим. Шунингдек, корпорация активлари доимий равишда бухгалтерия маълумотлари билан таққосланиши, яъни инвентаризация ўтказилиши шарт. Бундан кўзланган мақсад, корпорацияларда яширин резервлар ташкил этилиши ва активлардан самарасиз фойдаланилишининг олдини олишдан иборат. Бу қонунга амал қилмаслик корпорация учун 1 млн. АҚШ доллари 135 миқдоридаги жарима ва масъул шахсларнинг жиноий жавобгарликка тортилишига олиб келиши мумкин.[36]

Ички назорат тизимини такомиллаштириш орқали қуйидагиларга эришилади:

1. Ички назорат тизими корхона раҳбариятига корхона фаолиятининг хар бир соҳаси бўйича ишончли, ўз вақтида ва зарурий маълумотлар этказиб берилишини таъминлайди.

[36] Ахмеджанов К.Б.”Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари” ўқув қўлланма Тошкент-2019

2. Зарурий маълумотлар асосида корхоналарни молиявий томондан қўллаб-қувватлаш учун бошқарув қарорларини қабул қилиш енгиллашади.

3. Корхона хисоботларини ишончлилигини тасдиқлаш

Ички назоратдан кўзланаётган мақсад ҳам берилган маълумотлар асосида корхона ва ташкилотлардаги четга оғишларни ўз вақтида бартараф этиш, керакли тавсия ва хулосалар беришдан иборат ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ш.М.Мирзиёев 2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Парламентга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2007 йил 12 апрелда 1673- сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2006 йил 29 декабрдаги 108-сон бўйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолиятининг 12 сонли «Аудиторлик текширувлари жараёнида бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини баҳолаш» номли стандарти. WWW: lex.uz. 3.

3. Татьяна Рыбак и Мария Лаврентьева. Планирование аудита и порядок его проведения. https://www.minfin.gov.by/upload/audit/smi/2021_11_gk.pdf 5. Khosiev B. N., Bot

4. Сатторов Алишер Хасан ўғли. Аудиторлик текширувларини режалаштириш ва ички назорат тизимини баҳолашнинг аҳамияти. Moliya va Bank ishi Jurnali 4 (2022), 97-104

5. К.Б.Ахмеджанов. Ички аудит. Ўқув қўлланма. Тошкент-Иқтисодиёт-2019 й

6. Ахмеджанов К.Б.”Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари” ўқув қўлланма Тошкент-2019

QURILISH KORXONALARI HISOBOTINI MHXS ASOSIDA TUZISH VA TAQDIM ETISH.

Xolmatova Nodiraxon Quddusovna-
TDIU, Andijon fakulteti “Mutaxassislik fanlari” kafedrasi o’qituvchisi.
Jumaboyeva Mahliyo Mirzohid qizi-
TDIU, Andijon fakulteti BHA-61/23 guruh talabasi

Bugungi kunda respublikamizda har bir sohada rivojlanish ishlari hamda islohotlar olib borilmoqda, bu o’rinda qurilish sohasida ham keng ko’lamli ishlar amalga oshirilmoqda.

Bu sohani takomillashtirishga qaratilgan hukumat va davlat rahbarining farmon hamda qarorlari, qabul qilingan davlat dasturlari, ular ijrosini ta’minlash, tarmoqda islohotlar samaradorligini oshirish bo‘yicha olib borilayotgan tadbirlar natijasida bunyodkorlik ko‘lamlari tobora kengayib bormoqda. Biz bunga misol qilib qurilish sohasi rivojlantirishning 2021-2025 yillargacha mo’ljallangan strategiyasini keltirishimiz mumkin. Shuni ham ta’kidlab o’tishimiz kerakki, qurilish sohasida faoliyat yuritayotgan korxona va tashkilotlar soni (Respublika bo‘yicha) ham jadal ravishda o‘sib kelmoqda. 2020 yil 1 yanvar holatiga 22 mingtani tashkil etgan bo‘lsa, 2023 yilga kelib bunday tashkilotlar soni 1,8 barobar o‘sib, 40,3 mingtaga yetdi. Bu esa o’z navbatida qurilish tashkilotlarida investitsiya jalb qilishga hamda hisobotlarni xalqaro standartlar asosida tuzish va taqdim etishga olib keladi. Bizga ma’lumki xalqaro moliyaviy hisobot standartlari qat'iy ravishda belgilangan qoidalarda emas, balki prinsiplarga asoslangan standartlardir. Bu esa o’z navbatida qurilish korxonalari hisob siyosatini MHXS asosida shakllantirishlari lozim bo’ladi. Ular hisob siyosatida qay usulda xom-ashyo materiallarini kirim qilishi va hisobdan chiqarish, daromadlarni qurilish ishlari yoppasiga tugagandan so‘ng, bosqichma-bosqich, qurilish navbatlari bo‘yicha tan olish va hisobga olish aniq ifodalangan bo’lishi lozim. Hamda qurilish ishlarining bir necha yillarga ncho‘zilib ketishi hisobot yilining oxirida tugallanmagan qurilishni inventarizatsiya qilish va qiymatini baholashni, shuningdek unga sarflangan xarajatlarni to‘g‘ri taqsimlashni taqozo etadi. Shu sababdan qurilish tashkilotlari hisob siyosatida tugallanmagan qurilish hajmini inventarizatsiya qilib chiqish, uning qiymatini baholash tartibini aniq belgilashni talab qiladi. Qurilish ishlari bo‘yicha hisob-kitoblarni o‘z vaqtida amalga oshirilishi buyurtmachi tashkilotlarning to‘lov qobiliyati va moliyaviy barqarorligiga bevosita bog‘liqdir. Bozor iqtisodiyoti sharoitida buyurtmachi korxonalar to‘lov qobiliyatini yo‘qotish riskining mavjudligi sabab qurilish tashkilotlarida dargumon debitorlik qarzlarni bevosita yoki tashkil qilinadigan maxsus rezerv evaziga hisobdan chiqarish usullaridan birini hisob siyosatida belgilab qo‘yishi lozimdir. Bajariladigan ishlar (xizmatlar) qurilish tashkilotlari bo‘linmalarida (qurilish maydonchalari, sexlar, omborlar va shunga o’xshash javobgarlik markazlarida) turli boshlang‘ich hujjatlarni tuzishni, ular aylanishini tashkil qilishni, shuningdek boshlang‘ich hujjatlar asosida tegishli hisob registrlarini yuritishni talab etadi. Qurilish tashkilotlarida buxgalteriya hisobini yuritishda xalqaro standartlarga asoslangan zamonaviy kompyuterli texnologiyalarga asoslangan hisob-kitoblardan foydalanilsa maqsadga muvofiq bo’lardi. Bu dasturda pudratchi, mijoz, investor, joyida hisob- kitoblar tizimini o’z ichiga olishi lozim. Bu esa o’z navbatida:

- qurilish maydonchalarida qurilish-montaj ishlarini, xarajatlar, pudratchilarni hisobga olishi;
- buyurtmachi xarajatlar smetalari, bo'limlari, moliyalashtirish manbalari bo'yicha xarajatlarni rejalashtirishi va hisobga olishi;

- qurilish loyihalari, qurilish obyektlari, qurilish xarajatlari moddalari, texnologik xarajatlar tarkibida qurilish-montaj ishlarini amalga oshirishni hisobga olish;

- mahalliy smeta, mehnat va moddiy resurslar varaqasini tuzish, smeta bo'yicha marjinal daromadni hisoblash imkoniyati bilan qurilish-montaj ishlarining rejalashtirilgan qiymatini shakllantirish;

- uchinchi tomon pudratchilari tomonidan bajarilgan qurilish-montaj ishlarini alohida hisobga olish;

- hisob siyosatining parametrlariga qarab, qurilish loyihalari bo'yicha materiallarni Aveco yoki FIFO usuli bo'yicha hisobdan chiqarish;

- yordamchi mahsulot yordamida ishlab chiqarilgan yoki bajarilgan mahsulot (ish, xizmatlar) ning hisobi;

- pudratchi tashkilotlar ishtirokida bajarilgan ishlar to'g'risida hisobot berish;

-buyurtmachi tomonidan qurilish shartnomalarini amalga oshirishning qabul qilingan bosqichlari bo'yicha to'lovlarni nazorat qilish imkoniyati;

- qurilish obyektlari va saqlash joylari sharoitida jihozlar va qurilish materiallarini hisobga olish;

- uskunalar va materiallarni xarid qilish va saqlash xarajatlarini hisobga olish;

- pudratchidan pudratchiga qabul qilingan, pudratchining bosh pudrat xizmatlarining buyurtmachiga amalga oshirilishini aks ettirgan xizmatlarini hisobga olib, ularning hajmini qurilish-montaj ishlarining foizi sifatida ham, to'g'ridan-to'g'ri miqdorida ham hisoblash imkoniyati;

- qabul qilingan subpudrat ishlarini qurilish obyektlarida buyurtmachiga topshirishda qabul qilingan hujjatlardan foydalanish imkoniyati hisobga olingan holda hisobga olish;

-pudratchilarga materiallarni xom ashyo sifatida berish va sarf qilingan vaqtdan boshlab ularni hisobdan chiqarish kabi imkoniyatlarni beradi.

Dasturiy mahsulot qonun hujjatlariga muvofiq xodimlar va ma'muriyatning ishini sezilarli darajada yaxshilash, tashkilotning samaradorligini oshirish va tartibga solinadigan hisobotlarni tuzishni avtomatlashtirilgan holda taqdim etadi. 15-MHXS asosida daromadlarni va xarajatlarni hisobga olish orqali qilingan moliyaviy hisobotlar kompaniya rahbarlari va investorlar uchun juda muhim ma'lumotdir.

Shunday qilib, qurilish tashkilotlari buxgalteriya hisobini xalqaro standartlarga muvofiqlashtirish yo'nalishi bo'yicha zamonaviy dastur ishlab chiqilsa yuqorida sanab o'tilgan usullar hamda qurilish tashkilotlarining xarajatlarini hisobga olish va xom-ashyo materiallarni kirim qilish va hisobdan chiqarishga yordam beradi va ishning samaradorligini oshiradi. Bundan tashqari, qurilish korxonalari xalqaro standartlarga muvofiq tuzilgan hisob siyosatida barcha ma’lumotlar aniq ko’rsatilgan bo’lsa buxgalteriya hisobini yuritish ancha oson bo’ladi va bu maqsadga muvofiq bo’lardi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati

1. 8-BHXS “Hisob siyosati, hisoblab chiqilgan baholardagi o’zgarishlar va xatolar”
2. 15-MHXS “Xaridorlar bilan shartnomalar bo’yicha tushum”, 2018-yil
3. Stat.uz 4. Ziyonet.uz 5. mc.uz

PERSPECTIVE DIRECTIONS OF INCREASING EFFICIENCY IN THE TRANSPORT SECTOR

Kholmirzayev Furqatbek
Teacher of "University of Economy and Pedagogy"
Mukhtorova Madina
Student of "University of Economy and Pedagogy"

Abstract: *Railway transport is the foundation of modern economy. In this sense, it acts as an object of market relations, the efficient operation of which determines the functioning and development of all the economic sectors, enterprises, their associations and complexes served by it.*

Key words: *railways, railway transport, transport company, transport processes, infrastructure*

Rail transport is the foundation of modern economy. In this meaning, it acts as an object of market relations, from whose effective activity depends on the functioning and development of all sectors of the economy, enterprises, their associations and complexes. Despite its significant contribution to the country's economy, railway transport is experiencing certain difficulties: up to of the present time, the problem of moral and physical wear and tear of its fixed assets.

Increasing production efficiency is based on scientific and technical achievements, introduction of new methods of production organization, improvement of economic mechanisms for regulation of internal processes in the organization, and interaction with external entities.

Improving economic management of process efficiency should affect all stages: planning and forecasting, accounting, analysis and control, regulation, motivation.

A decisive moment in the organization of the transport production process is the precise expression of the characteristics necessary for its input and output data. Input data for carrying out the transportation of goods can be the availability of fixed assets, i.e. locomotives, wagons, devices of road transport infrastructure in working condition. Wagons and containers must be suitable for the type of cargo and its quantity. To implement the production process, labor is required - workers with appropriate professions and qualifications.

Transport production is the foundation of a market economy. IN In this sense, it acts as an object of market relations, from effective whose activities depend on the normal

functioning and development of all sectors of the economy, enterprises, and their associations served by transport and complexes. Transport production acts as a subject regulated market relations, especially when creating demand for transportation and distribution between interacting modes of transport, when establishing mutually beneficial economic and legal relations between transport and cargo owners, transport and passengers.

The indicators of the transport production results include the volume indicators of the transport and the fulfillment of the quality indicators of the transport product, the level of consumer satisfaction or the level of unsatisfied demand and, ultimately, the size of the economic effect obtained as a result of the production. transport production process.

Currently, fundamental approaches to measuring the efficiency of transport production, such as systematic, complex, technological approaches, have been formed and are widely used. The systematic approach represents research and is based on the study of objects as complex systems consisting of individual elements with many internal and external relationships. A systematic approach to the analysis of the activity of economic units means understanding that each such unit is a complex system of elements connected with each other and with the external environment.

Improving the quality of transport is the most important component of the problem of increasing the efficiency of transport production. Economic and social aspects of the study of the quality problem in the economy, including in the field of transport, constitute a whole field of scientific research. The development of the transport network of this direction theoretically requires that it reflect both the general quality and the special quality unique to transport.

Table 1. Measures to increase the economic efficiency of production facilities, processes in railway transport	Expected (positive) the result
Improvement of work and rest regimes, professional development employees, the use of scientific organization, the organization of the work of quality groups, increasing the level of motivation of employees, the results of work	Reducing human impact factor influencing course outcomes production processes; increase labor productivity
Improvement of technical and economic indicators, new products, current state of timely diagnostic technical means; use of modern	Technical tools to reduce the number of failures that lead to technological failures

diagnostic systems; progressive	

Improving the quality of transport is the most important component of the problem of increasing the efficiency of transport production. Economic and social aspects of the study of the quality problem in the economy, including in the field of transport, constitute a whole field of scientific research. The development of the transport network of this direction theoretically requires that it reflect both the general quality and the special quality unique to transport.

REFERENCES:

1.Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PF-94 dated June 14, 2023 "On measures to effectively organize state management in the field of transport within the framework of administrative reforms"
2. UTEPBERGENOV A. O. (2023). EFFICIENCY OF RAILWAY TRANSPORT INFRASTRUCTURE DEPARTMENTS ECONOMIC EVALUATION, On the birthday of Academician Charjaw Abdirov 90 years have been dedicated to the treatment of wages "Nowadays, I'm still educated Internationalization in the term "Important Practices". scientific-practical conference, volume 2023, December 12.
3. REIMBAEVICH, I. A. (2023). Ensuring stable economic development of enterprises in modern conditions. International Journal of Formal Education, 2(7), 22–26. http://journals.academiczone.net/index.php/ijfe/article/view/1088

MENEJMENTDA KORXONALAR MOLIYAVIY MUNOSABATLARNING AHAMIYATI

Sotvoldiyev Egamberdi Mo‘minjon o‘g‘li
Andijon qishloq xo’jaligi va agrotexnologiyalar instituti. Agrobiznes va marketing kafedrasi o‘qituvchi-stajyori, telefon +998-91-150-27-17.

Annotatsiya. Respublikamiz mustaqillikka erishgan dastlabki kunlardanoq, jamiyat taraqqiyotining barcha jabhalarida, eng avvlo, iqtisodiy sohada iqtisodiy islohotlarni yanada chuqurlashtirish va erkinlashtirish borasida aniq dasturlar ishlab chiqilgan. Ushbu dasturlarda belgilangan vazifalarning hayotga samarali tatbiq etilishi natijasida iqtisodiyotda turli mulkchilik shaklidagi korxonalar, firma va kompaniyalar vujudga kela boshladi. Albatta, mamlakatimiz iqtisodiy va moliyaviy barqarorlikka erishishida muhim omillar, ishlab chiqarish hajmining o‘sishi, pul qadrsizlanishini pasaytirish, eksport hajmini oshirish va boshqa shu kabi makroiqtisodiy o‘sishni ta’minlash bilan birga respublikamizda faoliyat yuritayotgan har bir korxona, firma, kompaniyalarning ham xo‘jalik subyekti sifatida rivojlantirishni taqozo etadi.

Kalit so‘zlar: Korxonalar faoliyati, xorijiy investitsiyalar, zamonaviy marketing, moliyaviy munosabatlar, bankning krediti, lizing operatsiyalari, xo‘jalik subyektlari, iqtisodiy ko’rsatkichlar.

Bizga ma’lumki, iqtisodiyotda faoliyat yuritayotgan har qanday korxona uning xo‘jalik-moliyaviy faoliyatidan qat’iy nazar bir xil tarzda faoliyat yuritishi mumkin emas. Korxonalar ishlab chiqarish, xizmatlar ko‘rsatish, ishlar bajarish va mahsulotlar sotish jarayonida, bevosita ikkinchi tomon bilan hamkorlikda iqtisodiy munosabatlarni yuritish natijasida o‘z oldiga qo‘ygan maqsadlariga erishadi va buning natijasida korxonalarning moliyaviy faoliyati shakllanadi. Korxonalarning moliyaviy faoliyati bevosita moliyaviy munosabatlar tizimi vositasida amalga oshiriladi. Bozor munosabatlarining rivojlanishi sharoitida turli mulkchilik shakllarining paydo bo‘lishi, korxonalarning tashqi iqtisodiy faoliyatlarini yuqori sur’atlar bilan rivojlanishi, ularda boshqaruvning zamonaviy tizimini yaratilishi kabi omillar korxonalar moliyaviy munosabatlar tizimini yanada rivojlanishiga hamda ularning ko‘lamini kengayishiga olib keldi. Korxonalarning moliyaviy munosabatlarini ikki guruhga ajratish mumkin: tashqi moliyaviy munosabatlar va ichki moliyaviy munosabatlar. Korxonalarning ta’sischilari bilan yuzaga keladigan moliyaviy munosabatlarni, korxona dastlabki tashkil qilinayotgan davrda ustav kapitalini shakllantirish va ularning ma’lum qismini korxonada ishlab chiqarish va xizmatlar ko‘rsatishni moliyalashtirishga yo‘naltirish yoki taqsimlash hamda korxonaning yakuniy moliyaviy natijalariga asoslangan holda ta’sischilarning ustav kapitalidagi ulushlariga qarab yoki ular egallab turgan aksiyalarning foizlardagi ulushiga qarab dividendlarning to‘lanishida yuzaga keladigan munosabatlarda ko‘rishimiz mumkin bo‘ladi.

Korxonalar xo‘jalik faoliyatining uzluksizligini ta’minlash, ularda ishlab chiqarish va xizmatlar ko‘rsatish samaradorligini oshirish va shu kabi iqtisodiy barqarorlik ko‘rsatkichlarining yuqori bo‘lishida korxonalarda faoliyat yuritayotgan ishchi xodimlar va xizmatchilar vazifalarining va ish jarayonlarining yuqori saviyada tashkil qilinganligi, ularning mehnatini moddiy va ma’naviy rag‘batlantirish tizimini yaratilishi alohida ahamiyatga ega. Korxonalar va uning ishchi xodimlari o‘rtasida yuzaga keladigan moliyaviy munosabatlarni samarali tashkil qilinishi yuqoridagi maqsadlarga erishishda va mehnat resurslaridan oqilona foydalanishda dolzarb hisoblanadi[37]. Korxonalarda ishchi xodimlar o‘rtasida, olingan daromad yoki foydani bir qismini taqsimlash, ish haqlari va mukofot pullarni to‘lash, agar ma’lum turdagi qimmatli qog‘ozlarga ega bo‘lsa ular bo‘yicha dividendlarni to‘lash, moddiy yordam ko‘rsatish hamda korxona faoliyatiga moddiy va ma’naviy zarar yetkazsa, ushbu zarar miqdorini qoplash, ish haqi va unga tenglashtirilgan to‘lovlar bo‘yicha tegishli

[37] O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga murojaatnomasi –T.: O‘zbekiston, 22.12.2017 y.

soliqlarni ushlab qolish va shu kabi jarayonlar natijasida moliyaviy munosabatlar yuzaga keladi[38].

Hozirgi kunda davlat budjet daromadlarini tarkibida mamlakatimizda faoliyat yuritayotgan turli mulkchilik shaklidagi korxonalar to‘laydigan soliqlar va majburiy to‘lovlar salmoqli o‘rinni egallaydi. Har qanday davlatning iqtisodiy rivojlanishining asosiy omillaridan biri korxonalar faoliyatini rivojlantirish ularni davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlash, bir so‘z bilan aytganda davlatning moliyaviy siyosatini samarali yo‘lga qo‘yilganligi, ham iqtisodiy ham ijtimoiy jihatdan muhim ahamiyatga ega. Korxonalarning mulkchilik shakli va xususiyatlaridan kelib chiqqan holda davlat budjetiga to‘laydigan soliqlar va majburiy to‘lovlar, davlat budjetidan korxonalarnimoliyaviy sog‘lomlashtirish va boshqa maqsadlarda ajratilgan moliyaviy yordamlar, ularga turli xil soliq imtiyozlarini berish yoki korxonalarga nisbatan qonunchilikka asosan jarimalar va sanksiyalar qo‘llash kabi munosabatlar jarayonida korxonalarning davlat bilan yoki budjet va budjetdan tashqari fondlari bilan moliyaviy munosabatlari kelib chiqadi. Korxonalarning tijorat banklari bilan yuzaga keladigan moliyaviy munosabatlari, korxonalarning barcha turdagi moliyaviy, iqtisodiy munosabatlarini amalga oshirishda markaziy bo‘g‘inni egallaydi desak ham bo‘ladi. Korxonaning moliyaviy munosabatlari, tijorat banklardagi maxsus hisob raqamlaridagi pullarni saqlash va foydalanish tizimini yaratilishi, bankning kredit va lizing operatsiyalaridan foydalanish, ya’ni kredit bo‘yicha asosiy qarz va hisoblangan foiz to‘lovlarini to‘lash jarayonida yuzaga keladigan munosabatlar, barcha turdagi pul o‘tkazmalari va valuta oldi-sotdi operatsiyalarini amalga oshirish va boshqa bank xizmatlaridan foydalanish jarayonida yuzaga keladi.

Bozor munosabatlari sharoitida korxona, firma va kompaniya rahbarlari yoki moliyaviy menejerlar ular ixtiyoridagi mol-mulkdan va barcha moliyaviy resurslardan samarali foydalanish uchun harakat qilish bilan cheklanib qolmasdan, favqulotda va tasodifiy zararlarning natijasida yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan zararlarni qoplash tadbirlarini ko‘rishi ham lozim[39]. Bunda sug‘urta munosabatlari katta ahamiyatga ega. Korxonalarning sug‘urta kompaniyalari bilan moliyaviy munosabatlari mol-mulklarni, risklarning barcha turlari, ishchilarning alohida toifadagilarini, ularning ishlari va majburiyatlaridan kelib chiqqan holda va shu kabilarni sug‘urtalash jarayonida yuzaga keladi. Korxonalarning kontragenti yoki boshqa-boshqa xo‘jalik subyektlari bilan yuzaga keladigan moliyaviy munosabatlari, mahsulot va xizmatlarrealizatsiyasi, yangi qiymatni yaratish va ishlab chiqarish bilan bog‘liq bo‘lgan munosabatlar jarayonida yuzaga keladi. Korxonalarning xo‘jalik

[38] O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi “O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha harakatlar strategiyasi to‘g’risida” gi PF-4947-sonli Farmoni. O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2017 y., 6-son, 70-modda.

[39] Adair John. Decision making and problem solving strategies. 2nd. ed. Printed and bound in India by Repulik Press Pvt Ltd, 2010.

faoliyatida ushbu munosabatlar asosiy o‘ringa ega, chunki ushbu moliyaviy munosabatlarning asosida moddiy ishlab chiqarish yotadi, ushbu jarayon mamlakatda yalpi ichki mahsulot va milliy daromadning shakllanishi va vujudga kelishiga bevosita ta’sir ko‘rsatadi. Bundan tashqari korxonalarda barcha turdagi to‘lovlarning ko‘p qismi aynan shu bo‘limga to‘g‘ri keladi, o‘z navbatida korxonalar faoliyatining moliyaviy va iqtisodiy ko‘rsatkichlari ko‘p jihatdan ushbu moliyaviy munosabatlarini samarali tashkil qilinishiga bog‘liq bo‘ladi.

Ko‘rib o‘tilgan barcha moliyaviy munosabatlar, korxonalar xo‘jalik faoliyatida o‘zlarining alohida muhim jihatlari va realizatsiya qilish usullariga ega. Lekin barchasi ushbu jarayonda ishtirokchi subyektlar nuqtai nazaridan, ikki tomonlama tavsifga ega bo‘lib, ularning moddiy asosini pul mablag‘larining harakati tashkil qiladi, ulardan foydalanish jarayonida pul oqimlari shakllanadi, moliyaviy munosabatlar jarayonida korxonalarning korxonalar ustav kapitali tashkil qilinadi, moliyaviy mablag‘larning aylanish davri boshlanadi va yakunlanadi, korxonada turli xil maqsadli pul fondlar, jamg‘armalar va barcha turdagi moliyaviy resurslar tashkil qilinadi va foydalaniladi. Korxonalarning moliyaviy munosabatlari va moliyaviy faoliyatlari bevosita moliyaviy menejmentning funksiyalari vositasida boshqariladi, shuning uchun ham moliyaviy menejmentning zamirida, xo‘jalik subyektlarining moliyaviy resurslarini shakllantirish, taqsimlash va ulardan foydalanishni boshqarish tizimi yotadi deb tushuniladi.

Bozor iqtisodiyoti sharoitida korxonalar ishlab chiqarish faoliyatining turlari, amalga oshiradigan xizmatlar, bajaradigan ishlarning hajmidan kelib chiqqan holda boshqaruv tizimini yaratadilar. Albatta, har qanday xo‘jalik faoliyati dastlab tashkil qilinayotgan davrda undagi bo‘linmalarning quyi va yuqori darajalari, huquq va majburiyatlari, javobgarligi, amalga oshiradigan ishlar tartibi va vazifalari belgilab olinadi. Moliyaviy menejmentning funksiyasi sifatida tashkil etishning asosiy maqsadi - boshqaruvchi va boshqariluvchi tizimlarni, shuningdek, ularning o‘zaro aloqa va munosabatlarini shakllantirishdir.

Mutanosiblik, uzluksizlik, parallellik, barqarorlik, egiluvchanlik, shuningdek, bir turdagi mehnat predmetlarini bir joyda jamlash, hamda korxonalar faoliyatiga ta’sir qiluvchi omillar va tashqi muhitning o‘zgarishiga mos holda, ularda boshqaruvning tashkiliy tizimini ushbu o‘zgarishlarga mutanosib holda o‘zgartirish va takomillashtirib borish kabilar tashkil etishning asosiy shartlari bo‘lib hisoblanadi.

Korxonalarda moliyaviy boshqaruvni samarali tashkil etilishi ko‘p jihatdan tahlil ishlarini aniq va to‘g‘ri yo‘lga qo‘yilganligiga bog‘liqdir, uning yordamida korxonalarning to‘lov qobiliyati, likvidliligi va moliyaviy barqarorligini, barcha moliyaviy-xo‘jalik jarayonlarining sodir bo‘lishi va hodisalarni davriy kuzatish, umuman moliyaviy-iqtisodiy holatini baholash imkoniyatiga ega bo‘lish mumkin. Tahlil yordamida korxonaning barqaror rivojlanishiga to‘sqinlik qilayotgan kamchiliklar aniqlanadi va ushbu kamchiliklar bartaraf etiladi, xo‘jalik subyektini

yanada rivojlantirish yo‘llari belgilanadi yoki samarali ishlashni ta’minlaydigan yo‘nalishga o‘tkaziladi.

Bozor munosabatlari sharoitida har qanday xo‘jalik subyektlarining o‘z oldiga qo‘yilgan maqsadlarini samarali amalga oshirish, ishlab chiqarish va xizmat ko‘rsatish sohasini yanada rivojlantirishda ushbu korxona, firma va kompaniyalarida faoliyat yuritayotgan ishchi xodimlarning roli va xizmati muhim ahamiyat kasb etadi. Korxonalarda rag‘batlantirish funksiyasini amalga oshirish jarayonida, korxona boshqaruv tizimining turli bo‘limlarida faoliyat yuritayotgan xodimlarning korxona tomonidan belgilangan moliyaviy rejalarni, vazifalarni to‘liq bajarganligi, xizmat ko‘rsatish va servis sohasini rivojlantirishda o‘z hissasini qo‘shgan hamda mavjud moddiy resurslardan tejamkorlik bilan foydalangan holda ishlab chiqarish hajmini oshirganliklari uchun ushbu xodimlarni rag‘batlantirish va mukofotlash yoki aksincha, ushbu vazifalarni amalga oshirishda sustkashlikka yo‘l qo‘ygan va befarqlik bilan yondashgan xodimlarga nisbatan ma’lum bir choralar ko‘rish, tizimi yaratiladi. Moliyaviy menejmentning rag‘batlantirish funksiyasini to‘g‘ri tashkil etilishi, korxonada mahsulot va xizmatlar sifatini yaxshilanishiga, xodimlar malakasini oshishiga olib keladi, bu esa o‘z navbatida, bevosita korxona xo‘jalik faoliyatining rivojlanishiga ta’sir ko‘rsatadi.

Nazorat funksiyasining mohiyatini quyidagicha ifodalash mumkin: korxonada belgilangan reja ko‘rsatkichlarini haqiqatda qay darajada amalga oshirilayotganligi yoki bajarilmayotgan bo‘lsa bunday holatlarni o‘z vaqtida aniqlash, hamda ushbu holatlarni paydo bo‘lish sabablarini batafsil o‘rganish va bunday kamchiliklarni bartaraf etishda tezkor choralar ko‘rishdan iborat. Moliyaviy menejmentning ushbu funksiyasini amalga oshirilishi korxonalarda ichki nazoratni tashkil qilish tizimi, nazorat qilinadigan ko‘rsatkichlarning ko‘lamini aniqlash bilan bog‘liqdir.

Moliyaviy menejmentning keyingi guruh funksiyalari uning alohida boshqaruv faoliyati xususiyatlarini tasniflaydi. Uning tarkibi quyidagilardan iborat:

- aktivlarni boshqarish;
- kapitalni boshqarish;
- investitsiyalarni boshqarish;
- pul oqimlarini boshqarish;
- moliyaviy risklarni boshqarish.

Aktivlarni boshqarish. Korxonalar xo‘jalik faoliyatining hajmi va amalga oshirilayotgan operatsiyalar ko‘lamidan kelib chiqqan holda uning turli xildagi aktivlarga bo‘lgan talabini aniq o‘rganish, korxona aktivlaridan samarali foydalangan holda ularning tarkibini optimallashtirish va likvidliligini ta’minlash, amortizatsiya hisoblashning eng maqbul yo‘llarini ishlab chiqish va amalga oshirish, ularni

moliyalashtirishni optimal yo‘llari va manbalarini tanlash, aktivlarni boshqarish funksiyasining mohiyatini ifodalaydi.

Kapitalni boshqarish. Bozor munosabatlari sharoitida har qanday korxonaning o‘z oldiga qo‘ygan maqsad va vazifalarini amalga oshirishda moliyaviy resurslarni optimal yo‘llarini izlab topish va ulardan samarali foydalanish asosiy vazifalardan biri hisoblanadi. Korxonaning hozirgi va kelgusidagi faoliyat turlarini amalga oshirishda foydalaniladigan moliyaviy resurslar bilan ta’minlash, kapitalni boshqarish funksiyasining mohiyatini ifodalaydi. Bu asosan, korxonaning kapitalga bo‘lgan jami talabini o‘rganish va ulardan samarali foydalanish, moliyalashtirishning eng maqbul yo‘llari va manbalarini aniqlash, qayta moliyalashtirish bo‘yicha kompleks tadbirlarni amalga oshirish kabilarni o‘z ichiga oladi.

Investitsiyalarni boshqarish. Korxonalarni moliyaviy barqaror faoliyat ko‘rsatishlari va ularni faoliyatlarini rivojlantirish investitsiyalardan foydalanish samaradorligini oshirishga bevosita bog‘liqdir. Investitsiyalarni boshqarish funksiyasi, korxonaning taktik va strategik maqsadlarini amalga oshirishga yo‘naltirilgan investitsiya siyosatini ishlab chiqishdan iborat. Bunda asosan, korxonaning faoliyat turi va moliyaviy imkoniyatlarini inobatga olgan holda unga ko‘proq moliyaviy manfaat keltiruvchi va eng maqbulini tanlash maqsadida, investitsion loyihalarning samaradorligi va qaytimini baholash, kapital qo‘yilmalar budjetini ishlab chiqish, qimmatli qog‘ozlar portfelini tashkil qilish, boshqarish va boshqalar amalga oshiriladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI

1. Prezident Sh.Mirziyoyevning Mamlakatimizda turizmni izchil rivojlantirish istiqbollari, sayyohlik ob’yektlaridan samarali foydalanish, ko’rsatilayotgan xizmat turlari sifatini oshirish, yurtimizga tashrif buyurayotgan sayyohlar oqimini ko’paytirish borasida amalga oshirilayotgan ishlar tahliliga bag’ishlangan yig’ilishdagi ma’ruzasi // 2017 yil. 3oktabr. www.uza.uz
2. O’zbekiston Respublikasi preidentining 2016 yil 2 dekabrdagi “O‘zbekiston Respublikasining turizm sohasini jadal rivojlantirishni ta’minlash chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-4861-sonli farmoni.
3. O’zbekiston Respublikasi prezidentining 2017 yil 7-fevraldagi PF-4947 – son farmoni bilan tasdiqlangan 2017-2021 yillarda O’zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo’nalishi bo’yicha Harakatlar strategiyasi.
4. Ergashev F., Raximova D., Sagdullaev A., Parpiev O., Zaynutdinov Sh. «Innovatsion menedjment» Darslik. Toshkent, «Akademiya»2017

BULUTLI BOSHQARUV VA BULUTLI TAHLIL

O‘smonjonov Muxammadisxoq O‘tkirbek o‘g‘li

University of Economics and Pedagogy IIF assitenti

Annotatsiya: Hozirgi kunda bulut resurslaridan va xizmatlaridan foydalanish har bir tashkilot uchun qulaylik tug’dirmoqda. Ayniqsa ma’lumotlar bazasini saqlash va havfsizligi ta’minlashda bulutli texnologiyalar o’z so’zini aytmoqda. Shu sababli ushbu maqola orqali bulutli bohsqaruv va tahlilni yoritib beriladi.

Kalit so’zlar: bulutli texnologiyalar, bulutli hisob – kitob, monitoring, provayder, internet, aloqa.

Bulutli boshqaruv tizimlari, qo'llab-quvvatlaydigan bulut provayderlar orqali ta'minlanadi va odatda paydo bo'lgan xizmatlar orasida ma'lumotlarni saqlash, serverlarni boshqarish, tarmoqni o'rnatish va boshqa IT xizmatlarni o'z ichiga oladi. Bu, kompaniyalar va tashkilotlar uchun ma'lumotlarni saqlash, ulashish va tahlil qilishda yengil va qulay yechimlar taklif etadi. Bulutli boshqaruv, tashkilotlarga ilovalarni tezroq ishlab chiqish, ta'mirlash va yangilash imkoniyatlarini ham beradi.Bulutli boshqaruv yoki bulutli hisob-kitob, ma'lumotlar, ilovalar va resurslarga onlayn ravishda kirish, ulashish va ularni boshqarishni anglatadi. Bu, internet orqali aloqa qilish, ma'lumotlar saqlash, va o'z ichiga tashkil etilgan infrastruktur orqali ma'lumotlarni boshqarishga yo'l qo'yadi. Bulutli boshqaruv davlat, xususiy yoki gibrid bulutli infratuzilma resurslari va xizmatlari ustidan nazoratni amalga oshirishni anglatadi. Bu bulut resurslari va xizmatlarini taqdim etishdan tortib, ish yukini joylashtirish va monitoring qilish, resurslar va unumdorlikni optimallashtirishgacha, nihoyat, ish yuki va resurslarni iste'mol qilish yoki qayta taqsimlashgacha bo'lgan butun bulutli hayot aylanishini qo'lda va avtomatlashtirilgan nazoratni o'z ichiga oladi. Yaxshi ishlab chiqilgan bulutni boshqarish strategiyasi IT mutaxassislariga dinamik va kengaytiriladigan bulutli hisoblash muhitlarini boshqarishga yordam beradi.

Bulutli hisoblash boshqaruvi samaradorlik, xavfsizlik, masshtablilik va iqtisodiy samaradorlikni ta'minlash uchun bulutli resurslar, xizmatlar va ilovalarni nazorat qilish va optimallashtirishni o'z ichiga oladi. U ta'minlash, monitoring, ish faoliyatini optimallashtirish, xavfsizlikni boshqarish, xarajatlarni nazorat qilish, muvofiqlikka rioya qilish va falokatlarni tiklashni rejalashtirish kabi vazifalarni o'z ichiga oladi. AWS Management Console, Azure Portal va Google Cloud Console kabi turli vositalar va platformalar avtomatlashtirish va orkestratsiya uchun uchinchi tomon yechimlari bilan birga ushbu boshqaruv vazifalarini osonlashtiradi.

Bulutli boshqaruv tashkilotlarga uchta maqsadga erishishda ham yordam berishi mumkin:

O'z-o'ziga xizmat ko'rsatish bulutli foydalanuvchilarning bulutli resurslarga kirishi, yangilarini yaratishi, foydalanish va xarajatlarni kuzatishi va resurslar taqsimotini sozlashi - IT mutaxassislari yoki bulutli xizmat ko'rsatuvchi provayderlarning aralashuvisiz erishilgan moslashuvchanlikni anglatadi.

Ish jarayonini avtomatlashtirish operatsion guruhlarga bulutli misollarni inson aralashuvisiz boshqarish imkonini beradi. Bu ish yukini joylashtirish va monitoring

qilish uchun foydalaniladigan har qanday avtomatlashtirish infratuzilmasining asosiy elementidir.

Bulutli tahlil bulutli ish yuklari va foydalanuvchi tajribasini kuzatishga yordam beradi. Bu bulut xarajatlari va ishlashini boshqarish va optimallashtirish uchun juda muhimdir. Vakolatli IT xodimlarisiz bulutni boshqarish bo'yicha har qanday strategiya muvaffaqiyatli bo'lishi qiyin. Bu shaxslar bulutli texnologiyalarni yaxshi bilishlari kerak. Bundan tashqari, ular biznesning bulutli boshqaruv maqsadlariga erishish uchun tegishli vositalar va eng yaxshi amaliyotlar haqida bilimga ega bo'lishlari kerak. Bulutlar ko'plab korxonalar uchun tobora muhim hisoblash infratuzilmasi komponentidir. Bulutdan foydalanish pul talab qiladi va bunday uzoq uchinchi tomon infratuzilmasiga tayanish boshqaruvga bo'lgan ehtiyojga katta e'tibor beradi. Bulutli foydalanuvchilar ish yukini joylashtirish har xil sharoitlarda mavjud va har doim to'g'ri ishlashini bilishlari kerak. Muammo ish yukiga yoki bulut mavjudligining biron bir qismiga ta'sir qilganda, mijozlar buzilishlarni tanib olishlari va bartaraf etishlari kerak. Tegishli bulutli budjetlarni belgilash va endi kerak bo‘lmagan qimmat resurslarni chiqarish uchun bulutli foydalanuvchilar bulut xarajatlari va xarajatlarning o‘zgaruvchanligi haqida to‘liq tushunchaga ega bo‘lishi kerak. Bularning barchasi ehtiyotkorlik va vijdonli boshqaruvni talab qiladi.

Bulutli boshqaruvga yondashishning ko'plab usullari mavjud va ular kontsertda ideal tarzda amalga oshiriladi. Xarajatlarni monitoring qilish vositalari IT-guruhlariga sotuvchining murakkab narxlari modellarini boshqarishda yordam berishi mumkin. Ilovalar ishlashni optimallashtirish vositalaridan foydalanganda va tasdiqlangan metodologiyalar bilan ishlab chiqilgan arxitekturalar bilan samaraliroq ishlaydi. Ushbu vositalar va strategiyalarning aksariyati energiya sarfini kamaytirish uchun ekologik barqaror arxitektura strategiyalari bilan bog'liq. Bulutli boshqaruv qarorlari oxir-oqibatda individual korporativ ustuvorliklar va maqsadlarga bog'liq bo'lishi kerak, chunki yagona yondashuv yo'q. Kompaniyalar bulutni optimallashtirishning sinab ko'rilgan va haqiqiy amaliyotlariga rioya qilgan holda, bulutli hisoblash samaradorligini, ishonchliligini, xarajatlarni cheklash va atrof-muhit barqarorligini oshirish ehtimoli ko'proq .

Samarali bulut boshqaruvi ikkita muhim elementga tayanadi: asboblar va amaliyotlar. Asboblar nuqtai nazaridan, bulut boshqaruvi mijoz tashkiloti tomonidan foydalaniladigan bulut resurslari va xizmatlarini aniqlash, ta'minlash, foydalanishni kuzatish, samaradorlikni o'lchash va hisobotlarni ishlab chiqarish uchun mo'ljallangan bir yoki bir nechta dasturiy vositalar (boshqaruv platformasi) sifatida ishlaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yhati:

1. https://www.techtarget.com/searchcloudcomputing/definition/cloud-management
2. https://www.ibm.com/topics/cloud-computing

EFFECTIVE PERSONNEL MANAGEMENT IN INDUSTRIAL ENTERPRISES

Zanabitdinov Sanjarbek Vladimirovich
Andijan Mechanical building Institute "Economics"
1st stage graduate student

Abstract: This article presents opinions on the issues of effective personnel management in industrial enterprises.

Key words: industrial enterprise, personnel, efficiency, labor productivity, scientific management.

One of the most important factors is that companies focus on their personnel in the conditions of globalization. Systematic application of personnel management functions is the way to economic stability. Because the mood of the business is proportional to the mood of the staff. Therefore, providing the right motivation to personnel is one of the most important tasks in ensuring the organizational and socio-economic stability of enterprises. Currently, in the conditions of effective economic reforms implemented in our Republic, it remains clear that the basis of the success of enterprises is to constantly increase the attention to human resources. The experience of developed countries is a clear proof of this. The process of effective management of employees in enterprises is directly related to the function of motivation. Therefore, in terms of influencing personnel, motivation and the theoretical justification of the ways of influencing personnel through it are important. Personnel management activity and motivational factors affecting it have been constantly in the focus of attention of economists.

As the world progresses, it is necessary to improve the motivational system of influencing employees. Motive is seen as a factor, an incentive to fulfill a certain goal in human activity. Motivation (lat. movere) means to arouse. When analyzing the essence of motivation, we need to consider different theories of scientists. F.Taylor, one of the founders of the school of scientific management, a famous specialist in industry, offered scientific knowledge on scientific organization of work, motivation of personnel through material incentives, effective management of production [1].

This system was aimed at maximum utilization of personnel, which meant that weak workers were forced to quit and perform at a high level regardless of the opportunity. The disadvantages of this system are that each person's unique nature and energy capacity were not taken into account. This has led to the alienation of workers, and in many cases to damage to their health. As a result, the workers who could not meet the specified demand lost their enthusiasm for work. However, efficiency will be high if work is organized based on this system by choosing the average rate of labor.

Another theory that has a motivational impact on personnel belongs to the representatives of the school of human relations. Elton Mayo, the main representative of the school of human relations, conducts research in a textile factory in Philadelphia in 1923-1924. He concluded that the work of the spinners in the factory was not well respected and, moreover, the opportunities for communication with each other were limited due to the working conditions. This gave him the opportunity to suggest that changing working conditions rather than raising wages was the key to reducing turnover. In agreement with the administration, E. Mayo experimented with establishing 10-minute breaks for workers to rest. The result was better than expected, the morale of the workers improved, the volume of production increased, and the inefficient turnover of personnel decreased dramatically.

Later, after the enterprise inspector canceled these breaks, the situation returned to its old state. This proved that E. Mayo's experience paid off. The goal of the representatives of the school of human relations was to eliminate the alienated system of labor and introduce a system based on the principles of mutual respect, and they achieved this. The shortcoming of this school-based system was that all personnel were treated equally humanely. But since the nature of all the employees of the enterprise is different, it is necessary to apply human relations based on individual character and interests. Another representative of management theories is prof. D. McGregor also put forward a unique theory of personnel motivation [2]. According to him, leaders should use theories XII and VII to influence subordinates. According to the XII theory, although a certain person knows that work is necessary, based on his nature, he does not like it and tries to avoid it whenever possible. Such passive personnel do not want to take responsibility.

Therefore, it is emphasized that they should be strictly controlled and used strictly. According to theory VII, work is a hobby for personnel. Therefore, he continues to work with great enthusiasm even if he is not controlled. It is emphasized that the appreciation of such personnel, appropriate treatment and appropriate encouragement will further develop their activities. After the 30s of the 20th century, meaningful concepts of personal motivation began to appear.

On the basis of this theory, an attempt was made to determine the motivation that drives the personnel and to influence the personnel based on this. The most widespread concept based on the content theory is considered to belong to Abraham Maslow, according to which it is emphasized that the motivations of the personnel come from their own needs. According to this theory, all externalities can be arranged in the form of a strict hierarchical structure [3]. According to him, needs have the following order: 1. Physiological needs 2. Stability needs 3. Social needs 4. Respect and recognition needs 5. Self-expression needs. Physiological needs are of primary importance and include food, clothing, water, shelter and other essential needs.

Stability needs, i.e., the stability of the workplace where the staff is present, security needs, the necessary length of service and security against other internal and

external influences. On the basis of social needs, the personnel wants to be a member of a relevant group in the enterprise, to feel the need to be accepted by others, to be loved and supported by the team and the leader. The need for respect, that is, the need that occurs in most workers, and by satisfying it, the personnel achieves self-esteem in the workplace. The need for self-expression, that is, the need for personal growth, self-improvement and work. According to D. Greenberg and R. Baron, A. Maslow's theory provides several effective ways to satisfy needs while doing work [4]. That is, the system of motivating personnel based on their existing needs.

Even now, the systematic use of Maslow's pyramid of needs in personnel motivation improves work motivation. A. Maslow's theory has been criticized a lot. But this concept is the starting point for the development of a motivational system in the management of enterprise personnel. David McClelland is another scientist who saw the motivation of personal activity based on needs. According to his scientific opinion, the staff feels the need for power, success, and belonging. Makklel and power success affiliation personal theory according to McClelland's theory. The scientist emphasizes that the desire to influence others, to have one's say, to draw others' attention to oneself, and to be eloquent comes from the desire for power. The need for achievement is the need to enjoy one's work and the pursuit of victory based on doing it with interest and interest.

Those who feel the need for success among the existing personnel in the company tend to take responsibility, take risks based on knowledge in work, and solve problems effectively. Individuals with a need for belonging tend to care about their team, are helpful, prefer friendship, and have other social traits. Of course, if the team is well formed, most of the personnel who are members of this team feel the desire to be an integral part of this team. It is effective to motivate him based on this desire. In the second half of 1950, F. Hertzberg and his colleagues created a unique model of motivation. F. Hertzberg and a group of experts conducted a survey on the employees' satisfaction with their work and when they were not satisfied with the work of the Lac-paint company. After the conducted studies were scientifically justified, F. Hertzberg divided the factors affecting personnel activity into ―Hygienic factors and ―Motivational factors.

Groups of "hygienic factors" and "motivational factors"[5] Hygienic factors Motivational factors Company and administration policies Success Working conditions Promotion in the service ladder Salary Recognition and approval of work results Interpersonal relations with superiors, colleagues and subordinates High level of responsibility Direct work control over control. Opportunities for growth in the creative field and work field. According to F. Hertzberg, the lack of hygienic factors in the personnel gives him job dissatisfaction. Therefore, he emphasizes that motivational factors and hygienic factors should be given equal attention.

Above we talked about the most common theories of personnel motivation. In the current globalization conditions, the use of these theories by the managers of the

enterprise will bring positive results to the enterprise. Because these theories are being used in practice in enterprises worldwide. In our opinion, the application of these theories, enriched with additional modern factors, will improve the system of working with personnel in the digital economy. For example, according to A. Maslow's pyramid of needs, in the enterprise, with the help of programs working with MS Access or other databases, an appropriate database is created based on the existing needs of employees, and their needs are controlled based on this.

The HR (human resource) department updates the database as a result of daily studies. Based on the weekly analysis of the database, the manager develops and implements a motivational system for effective personnel management. Currently, there are effective systems of motivational management of personnel based on world experience, but we need to develop a motivational system suitable for the conditions of Uzbekistan, having studied foreign experience. Because every nation has its own customs, nature, interests, and beliefs. Taking these factors into account, it is necessary to enrich the above theories and introduce improved systems to enterprises.

Associate Professor, scientific supervisor M. Akhunov,

List of used literature:

1. Taylor F.U. Nauchnaya organization is working. - M.: NKPS - Transpechat, 1924; Taylor and Taylorism: technique.
2. Travin V.V., Magura M.I., Kurbatova M.B. Motivational management. - S. 4345; Classical management. Encyclopedia... - S. 473-479.
3. Maslow A. Self-actualization. // Psychology lichnosti: texty. - M.: izd-vo Moskovskogo universiteta, 1982. - S. 108-117.
4. Greenberg D., Byron D. Organizational behavior: theory and practice. - M.: Vershina, 2004. - S. 299.
5. Travin V.V. Management personnel of the enterprise: Ucheb. - practice. posobie.- M.: Delo, 2003.c 135. Macroeconomic stability

AXBOROT XAVFSIZLIGI VA UNI SHAKLLANTIRISH JARAYONI

Yusupov M.T.
“Mutaxassislik fanlari” kafedrasi dotsenti
Xabibullayeva Feruzabonu
“Iqtisodiyot” yo’nalishi birinchi kurs talabasi
feruzabonuxabibullayeva30@gmail.com

Annotatsiya

Hozirgi kunda axborot va unga nisbatan tashqi, turli ko’rinishdagi ta’sirlarni oldini olish shu kunning dolzarb masalalaridan biridir. Ushbu muammoni hal qilish

maqsadida dunyo olimlari va mutaxasislari tomonidan turli tadbirlar tashkil etilmmoqda. Maqolamizda axborot xavfsizligiga nisbatan taxdidlar va ulardan ximoyalanish usullari haqida fikr bildiramiz.

Kalit so’zlar: Axborot xavfsizligi, axborot xavsizligiga bo’lgan taxdidlar va axborot muhofazasi.

Biz bilamizki, hozirgi kunda hayotimizni axborot texnalogiyalarisiz tassavur eta olmaymiz va albatta dunyoning axborot texnalogiyalari kirib kelmagan davlatni o’zi bo’lmasa kerak.

Bizga ma’lumki axborot xavfsizligi (inglizcha: *Information Security*, shuningdek, inglizcha: *InfoSec*) — axborotni ruxsatsiz kirish, foydalanish, oshkor qilish, buzish, o‘zgartirish, tadqiq qilish, yozib olish yoki yo‘q qilishning oldini olish amaliyoti hisoblanadi. Ushbu universal kontseptsiya ma’lumotlar qanday shaklda bo‘lishidan qat’iy nazar (masalan, elektron yoki jismoniy) amal qiladi. Axborot xavfsizligini ta’minlashning asosiy maqsadi ma’lumotlarning konfidensialligi, yaxlitligi va mavjudligini muvozanatli va qo‘llashning maqsadga muvofiqligini hisobga olgan holda va tashkilot faoliyatiga hech qanday zarar yetkazmasdan himoya qilishdan iborat. Bunga, birinchi navbatda, asosiy vositalar va nomoddiy aktivlar, tahdid manbalari, zaifliklar, potensial ta’sirlar va mavjud xavflarni boshqarish imkoniyatlarini aniqlaydigan ko‘p bosqichli xavflarni boshqarish jarayoni orqali erishiladi. Bu jarayon xavflarni boshqarish rejasining samaradorligini baholash bilan birga olib boriladi.

Hozirgi kunda ushbu faoliyatni standartlashtirish maqsadida ilmiy va kasbiy hamjamiyatlar texnik axborot xavfsizligi choralari, yuridik javobgarlik va shuningdek, foydalanuvchi va ma’murlarni tayyorlash standartlari sohasida asosiy metodologiya, siyosat va tarmoq standartlarini ishlab chiqishga qaratilgan doimiy hamkorlik asosida ish olib borilmoqda. Ushbu standartlashtirishga asosan ma’lumotlarga kirish, qayta ishlash, saqlash va uzatishni tartibga soluvchi keng ko‘lamli qonunlar va qoidalar ta’sir ko‘rsatilyapti. Biroq, tashkilotda agar doimiy takomillashtirish madaniyati to‘g‘ri shakllantirilmagan bo‘lsa, har qanday standartlar va metodologiyalarni joriy etish yuzaki ta’sir ko‘rsatishi mumkin. Shuningdek axborot bor joyda unga bo’lgan tahdid ham bo’ladi va axborot xavfsizligiga bo’lgan tahdidlar turli shakllarda bo‘lishi mumkin. 2018-yil uchun eng jiddiy tahdidlar „xizmat ko‘rsatish usulidagi jinoyatlar“ (inglizcha *Crime-as-a-Service*), Internet mahsulotlari, ta’minot zanjirlari va tartibga solish talablarining murakkabligi bilan bog‘liq bo‘lgan tahdidlar edi . „Xizmat ko‘rsatish usulidagi jinoyatlar“ yirik jinoiy hamjamiyatlar uchun darknet bozorida jinoiy xizmatlar paketini yangi paydo bo‘lgan kiberjinoyatchilarga arzon narxlarda taqdim etishning bir namunasidir. Bu yuqori texnik murakkablik yoki yuqori narx tufayli ilgari erishib bo‘lmagan hakerlik hujumlarini amalga oshirish imkonini beradi. Bu esa kiberjinoyatni ommaviy hodisaga aylantiradi. Ko‘pgina tashkilotlar Internet

mahsulotlarini faol tatbiq qilmoqdalar. Bu qurilmalar ko‘pincha xavfsizlik talablarisiz ishlab chiqilganligi bois, kiberhujumlar uchun qo‘shimcha imkoniyatlar yaratadi. Bundan tashqari, internet xizmatlarining jadal rivojlanishi va murakkablashuvi uning shaffofligini pasaytiradi, bu esa noaniq belgilangan huquqiy qoidalar va shartlar bilan birgalikda tashkilotlarga qurilmalar tomonidan to‘plangan mijozlarning shaxsiy ma’lumotlaridan o‘z ixtiyoriga ko‘ra, ular bilmagan holda foydalanish imkonini beradi. Bundan tashqari, tashkilotlarning o‘zlari IOT qurilmalari tomonidan to‘plangan ma’lumotlarning qaysi biri tashqariga uzatilishini kuzatishi esa mushkul masaladir. Ta’minot zanjirlariga tahdid shundaki, tashkilotlar o‘zlarining yetkazib beruvchilari bilan turli xil qimmatli va nozik ma’lumotlarni almashishadi va natijada ular ustidan bevosita nazorat yo‘qoladi. Shunday qilib, ushbu ma’lumotlarning maxfiyligi, yaxlitligi yoki mavjudligini buzish xavfi sezilarli darajada oshadi. Bugungi kunda regulyatorlarning tobora ko‘payib borayotgan yangi talablari tashkilotlarning hayotiy axborot aktivlarini boshqarishni sezilarli darajada murakkablashtirmoqda. Masalan, 2018-yilda Yevropa Ittifoqida qabul qilingan „Umumiy ma’lumotlarni himoya qilish qoidalari“ har qanday tashkilotdan istalgan vaqtda o‘z faoliyati yoki ta’minot zanjirining istalgan qismida joylashtirilgan shaxsiy ma’lumotlarning mazmuni, ularni qayta ishlash usullari, saq lanish va himoyalanish tartibi va qanday maqsadlar uchun xizmat qilishini ko‘rsatishni talab qiladi. Bundan tashqari, ushbu ma’lumot nafaqat vakolatli organlar tomonidan tekshirish paytida, balki ushbu ma’lumotlar egasining birinchi talabiga binoan ham taqdim etilishi lozim. Bunday muvofiqlikka rioya qilish muhimdir. Byudjet mablag‘lari va resurslarini tashkilotning boshqa axborot xavfsizligi vazifalaridan chetlashtirishni talab qiladi. Shaxsiy ma’lumotlarni qayta ishlashni soddalashtirish uzoq muddatli istiqbolda axborot xavfsizligini yaxshilashni nazarda tutsa ham, qisqa muddatda tashkilotning xatarlari sezilarli darajada oshadi.

Bugungi kunda aksariyat odamlar u yoki bu kabi axborot xavfsizligi tahdidlariga duchor bo‘lishmoqda. Masalan, ular zararli dasturlar (viruslar va kompyuter qurti, troya oti(kompyuter virusi) va firibgarlik dasturlari), fishing yoki identifikatorni o‘g‘irlash qurboni bo‘lishyapti. Bunda agar biz “Fishing” haqida aytadigan bo’lsak bu (inglizcha: *Phishing*) — maxfiy ma’lumotlarni (masalan, hisob, parol yoki kredit karta ma’lumotlari) olishga qaratilgan firibgarlik harakati hisoblanadi. Odatda, ular internet foydalanuvchisini har qanday tashkilotning (bank, internet do’kon, ijtimoiy tarmoq va h.k.) asl veb-saytidan ajratib bo‘lmaydigan soxta veb-saytga jalb qilishga harakat qiladilar . Qoida tariqasida, bunday urinishlar tashkilot nomidan soxta veb-saytlarga havolalarni o‘z ichiga olgan soxta elektron pochta xabarlarini ommaviy yuborish orqali amalga oshiriladi. Foydalanuvchi brauzerda bunday havolani ochib, o‘z hisob ma’lumotlarini kiritib firibgarlarning o‘ljasiga aylanadi .Bu 1964-yilda ingliz tiliga Andoza Tr kiritilgan bo‘lib, unda kimningdir shaxsiy ma’lumotlari (masalan, ko‘pincha fishing yo‘li bilan olingan ism, bank hisobi yoki kredit karta raqami) firibgarlik va boshqa jinoyatlarni sodir etishda foydalaniladi. Jinoyatchilar

nomidan noqonuniy moliyaviy imtiyozlar, qarz olgan yoki boshqa jinoyatlarni sodir etgan shaxs ko‘pincha ayblanuvchining o‘zi bo‘lib qoladi va bu uning uchun jiddiy moliyaviy va huquqiy oqibatlarga olib kelishi mumkin. Axborot xavfsizligi shaxsiy hayotga bevosita ta’sir qiladi va bu holat turli madaniyatlarda turlicha ta’riflanishi mumkin.

Bu axborotga bo’lgan taxdidning bir turi holos, agar biz bu to’g’risida izlanishlar olib borsak bundan tahdidlarning ko’piga duch kelishimiz mumkindir.

Albatta tahdid bo’lgan joyda, unga nisbatan xavfsizlik choralari ko’riladi. Bizning mavzuyimizda bu axborot muhofazasi deb yuritiladi va bu keng ma’noda axborot xavfsizligiga bo’lgan tahdidni oldini olish va ularning asoratlarini yo’q qilishga qaratilgan tashkiliy ,huquqiy va texnik choralar kompleksini bildiradi. Axborotni muhofaza qilish bu axborotga bo’lgan salbiy ta’sir manbalarini hamda sabab va sharoitlarini aniqlash va bartaraf etish ma’nosini anglatadi.Bu manbalar esa axborot xavfsizligiga tahdidlarni tashkil etadi. Buning oldiini olish uchun bugungi kunda ko’plab chora tadbirlar ko’rilmoqda va bundan foydalanilmoqda.

Demak, biz aytishimiz mumkinki hozirgi kunimiz bevosita axborot texnalogiyalari bilan chambarchas bog’liqdir va bunda axborot xavfsizligini ham ro’li muhim hisoblanadi deya olamiz.

ADABIYOTLAR

1. Stewart, James Michael; Mike, Chapple; Darril, Gibson. *CISSP® Certified Information Systems Security Professional Study Guide*. Canada: Seventh Edition,John Wiley & Sons, Inc., 2015. ISBN 978-1-119-04271-6.
2. *Жизнь двенадцати цезарей*. M.: publisher «Наука», 1964.
3. Анин Б.Ю.: Радиоэлектронный шпионаж
4. Samonas, S.; Coss, D.. *The CIA Strikes Back Redefining Confidentiality, Integrity and Availability in Security*. Washington DC, USA: Information Institute Publishing, 2014

ISTE’MOLCHINING BOZORDAGI HARAKATI

Qurbonov Jasurbek Pozilovich
“Mutaxassislik fanlari” kafedrasi mudiri, i.f.f.d.
Maftuna Aliasqarovna Yigitaliyeva
Toshkent moliya instituti talabasi

Annotatsiya: Iste’molchilarning xatti-harakatlarini o’rganish, masalan, individual fazilatlarni rasmiy ravishda tekshiradi demografiya, shaxsiyat turmush tarzi va xulq-atvor o’zgaruvchilari. Ushbu tezisda bozordagi iste’molchilarning xatti-harakatlariga turli omillar, jumladan, psixologik, ijtimoiy va iqtisodiy jihatlar ta’sir qiladi, ular oxir-oqibatda xarid qilish qarorlari va iste’molchilarning xohish-istaklarini shakllantirish haqida so’z yuritilgan.

Abstract: The study of consumer behavior formally examines individual attributes such as demographics, personality, lifestyle, and behavioral variables. This thesis states that consumer behavior in the market is influenced by various factors, including psychological, social and economic aspects, which ultimately shape purchasing decisions and consumer preferences.

Аннотация: При изучении потребительского поведения формально исследуются отдельные атрибуты, такие как демография, личность, образ жизни и поведенческие переменные. В этом тезисе говорится, что на поведение потребителей на рынке влияют различные факторы, включая психологические, социальные и экономические аспекты, которые в конечном итоге формируют решения о покупке и потребительские предпочтения.

Kalit so’zlar: xulq-atvor, psixologik omillar, motivatsiya, idrok, ijtimoiy omillar, iqtisodiy omillar, daromad, marketing.

Iste’molchilarning xulq-atvori odamlarning bozorda qanday tanlashlarini tushunishda muhim o’rganish sohasidir. Ushbu dissertatsiya iste’molchilarning xulq-atvorini shakllantiradigan turli omillarni va bu omillarning xarid qilish qarorlari va iste’molchilarning xohishlariga qanday ta’sir qilishini o’rganishga qaratilgan. Psixologik, ijtimoiy va iqtisodiy jihatlarni o’rganish orqali biz iste’molchi xatti-harakatlariga ta’sir qiluvchi murakkab dinamika haqida tushunchaga ega bo’lishimiz mumkin.

Psixologik omillar:

- Idrok: iste’molchilarning mahsulotlar, brendlar va marketing xabarlari haqidagi tasavvurlari ularning xarid qilish qarorlarida muhim rol o’ynaydi. Tanlangan e’tibor, izohlash va ushlab turish kabi psixologik jarayonlar iste’molchilar turli takliflarni qanday qabul qilishlari va baholashlariga ta’sir qilishi mumkin.
- Motivatsiya: iste’molchilarning ehtiyojlari, istaklari va motivatsiyasini tushunish ularning xarid qilish xatti-harakatlarini bashorat qilishda juda muhimdir. Maslouning ehtiyojlar ierarxiyasi inson ehtiyojlarini fiziologik, xavfsizlik, sevgi/mansublik, hurmat va o’zini o’zi anglash kabi guruhlarga ajratadi, bu motivatsiyalar iste’molchi xatti-harakatlarini qanday qo’zg’atayotganini tushunishga yordam beradi.
- Munosabatlar va e’tiqodlar: iste’molchilarning mahsulotlar, brendlar va marketing xabarlariga bo’lgan munosabati va e’tiqodlari ularning xarid qilish qarorlariga katta ta’sir ko’rsatadi. Xulq-atvor qanday shakllanayotgani va ularga qanday ta’sir qilish mumkinligini o’rganish iste’molchi xatti-harakatlari haqida qimmatli tushunchalar beradi.

Ijtimoiy omillar:

- Madaniyat: Madaniy me’yorlar, qadriyatlar va an’analar iste’molchi xatti-harakatlarini sezilarli darajada shakllantiradi. Madaniy tafovutlar va ularning iste’molchilarning xohishlariga ta’sirini tushunish samarali marketing strategiyalari uchun zarurdir.

- Ma’lumot guruhlari: Oila, do’stlar va ijtimoiy media tarmoqlari kabi ma’lumot guruhlari ta’siri iste’molchilarning xatti-harakatlarini shakllantirishda muhim rol o’ynaydi. Shaxslar o’z tanlovlarini o’zlarining referent guruhlari bilan moslashtirishga moyil bo’lib, muvofiqlik va ijtimoiy qabul qilishni izlaydilar.
- Ijtimoiy sinf: Turli xil ijtimoiy tabaqalarga mansub iste’molchilar o’ziga xos afzal ko’rish va sotib olish xatti-harakatlariga ega. Ijtimoiy toifa iste’molchilar sotib oladigan mahsulot turlari, ular afzal ko’rgan brendlar va ular qidirayotgan xarid tajribasiga ta’sir qilishi mumkin.

Iqtisodiy omillar:

- Daromad va narx sezgirligi: iste’molchilarning daromad darajasi ularning xarid qobiliyati va afzalliklariga ta’sir qiladi. Daromad taqsimoti va narxlarning sezgirligini tushunish korxonalarga o’z takliflari va narx strategiyalarini moslashtirishga yordam beradi.
- Iqtisodiy sharoitlar: inflyatsiya, ishsizlik va iqtisodiy barqarorlik kabi iqtisodiy omillar iste’molchi xatti-harakatlariga bevosita ta’sir qiladi. Noaniq iqtisodiy davrda iste’molchilar o’zlarining sarf-xarajat odatlarini o’zgartirishi, ehtiyojlarni birinchi o’ringa qo’yishi yoki xaridlarni kechiktirishi mumkin.

Iste’molchilarning xatti-harakatlarini o’rganish, masalan, individual fazilatlarni rasmiy ravishda tekshiradi demografiya, shaxsiyat turmush tarzi va xulq-atvor o’zgaruvchilari.masalan,foydalanish stavkalai,foydalanish. vaqti, sadoqat, tovarni targ’ib qilish va ta’minlashga tayyorlik tavsiyanomalar), odamlarni tushunish uchun istaydi va iste’mol.Shuningdek, iste’molchiga oila, do’stlar, sport va ma’lumotnoma guruhlari kabi guruhlardan tortib umuman jamiyatga bo’lgan ta’sir, shu jumladan o’rganiladi. tovar ta’sir ko’rsatadiganlar va fikr rahbarlari hisoblanadi. Iste’molchi xulq-atvorining kelib chiqishi 1940 va 50-yillarda marketingda so’zda yuritilganlar ustunlik qildi klassik fikr maktablari Ular juda tavsiflovchi va faqat vaqti-vaqti bilan intervyu usullarini qo’llagan holda amaliy tadqiqotlar yondashuvlariga asoslangan. 1950-yillarning oxirida ikkita muhim hisobotda marketingni uslubiy qat’iyligi yo’qligi, ayniqsa matematik yo’naltirilgan xulq-atvori bo’yicha ilmiy tadqiqot usullarini o’zlashtirmaganligi tanqid qilindi.Marketing uchun iste’molchilarning xulq-atvori nuqtai nazarini qabul qilish orqali intizomlararo bo’lishish bosqichi belgilandi. 1950-yillardan boshlab marketing marketingga bo’lgan ishonchni o’zgartira boshladi iqtisodiyot va boshqa fanlarga, xususan, xulq-atvor fanlariga, shu jumladan sotsiologiya, antropologiya va klinik psixologiya. Buning natijasida mijozga tahlil birligi sifatida yangi e’tibor berildi. Natijada marketing intizomiga yangi mazmunli bilimlar qo’shildi, shu jumladan, shu kabi g’oyalar fikr rahbarligi, ma’lumot guruhlari va tovarga sodiqlik hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati:

1. Pindayk Robert. Mikroiqtisod: Inglizchadan qisqartirib tarjima qilingan/ Pindayk Robert, Rubinfeld Daniel. – T.; 2002.
2. E.Egamberdiev. Mikroiqtisodiyot. O’quv qo’llanma. T.: 2005 y.

3. Bakieva I, Nazarova G. “Makroiqtisodiyot” fanidan seminar darslari uchun uslubiy qo‘llanma. T: "IQTISOD - MOLIYA", 2015 -225 b
4.Vikipediya.uz
5. www. http://el.tfi.uz/pdf/mddj22.uzk.pdf - Toshkent moliya instituti elektron kutubxonasi

O’ZBEKISTONDA SOLIQ SIYOSATINI TAKOMILLASHTIRISHNING USTIVOR YO’NALISHLARI

Saydakbarova Madinaxon Anisbekovna
TDIU Andijon fakulteti, “Mutaxasislik fanlari” kafedrasi o’qituvchisi,
Alijonov Mavlonbek Abdusamad o’g’li
TDIU Andijon fakulteti “Bank ishi va audit” yo’nalishi 2-kurs talabasi

Annotatsiya: Maqolada soliq yukini izchillik bilan kamaytirish, soliq solish tizimini soddalashtirish va soliq ma’muriyatchiligini takomillashtirish iqtisodiyotni jadal rivojlantirish hamda mamlakatning investisiyaviy jozibadorligini yaxshilashda soliq siyosatini ustivor yo’nalishlari bayon etilgan. Shu bilan birga, mazkur sohada bir maromda iqtisodiy o’sishga, ishbilarmonlik va investisiyaviy faollikni oshirishga, sog’lom raqobat muhitini shakllantirishga, shuningdek, soliqlar va boshqa majburiy to’lovlar yig’iluvchanligining zarur darajasini ta’minlashga to’sqinlik qilayotgan bir qator tizimli muammolar ochib berilgan hamda zamonaviy axborot-kommunikasiya texnologiyalarini keng joriy etish hisobiga soliq qonunchiligini soddalashtirish yuzasidan aniq tavsiya va xulosalar ilmiy jihatdan asoslab berilgan.

Kalit so’zlar: soliqlar, soliq siyosati, soliq kodeksi, investisiya, majburiy to’lovlar, axborot-kommunikasiya, imtyozlar, erkinlashtirish, soddalashtirish.

Soliq yukini izchillik bilan kamaytirish, soliq solish tizimini soddalashtirish va soliq ma’muriyatchiligini takomillashtirish iqtisodiyotni jadal rivojlantirish hamda mamlakatning investisiyaviy jozibadorligini yaxshilash - soliq siyosatini takomillashtirishning ustivor yo’nalishlari hisoblanadi.

Shu bilan birga, mazkur sohada bir maromda iqtisodiy o’sishga, ishbilarmonlik va investisiyaviy faollikni oshirishga, sog’lom raqobat muhitini shakllantirishga, shuningdek, soliqlar va boshqa majburiy to’lovlar yig’iluvchanligining zarur darajasini ta’minlashga to’sqinlik qilayotgan bir qator tizimli muammolarni ko’rsatdi, xususan:

-birinchidan, umumbelgilangan soliqlarni to’lovchilar uchun soliq yuki darajasining yuqoriligi, shuningdek, soliq solishning soddalashtirilgan va umumbelgilangan tizimida soliqlarni to’laydigan xo’jalik yurituvchi sub’ektlar o’rtasidagi soliq yuki darajasidagi farqning sezilarliligi;

-ikkinchidan, qo’shilgan qiymat solig’ini undirishning samarasiz tizimi, soliq to’lovchilarning aylanma mablag’larini jalb qiladigan, shuningdek, iste’mol

mahsulotining oraliq va yakuniy qiymati qimmatlashishiga olib keladigan hamda yirik va kichik biznes o’rtasidagi kooperasiyaning rivojlanishiga to’sqinlik qiladigan majburiy to’lovlarning mavjudligi;

-uchinchidan, soliq to’lovchilar tomonidan xodimlarning Real sonini va mehnatga haq to’lash fondini yashirishga olib keluvchi mehnatga haq to’lash fondi soliq stavkalarining yuqoriligi;

-to’rtinchidan, imtiyozlarning samaradorligini monitoring va nazorat qilish bo’yicha ta’sirchan tizimning mavjud emasligi sababli sog’lom raqobatni ta’minlashga salbiy ta’sir ko’rsatuvchi, xo’jalik yurituvchi sub’ektlarni soliq va bojxona, shu jumladan individual xususiyatga ega bo’lgan imtiyozlar hisobiga qo’llab-quvvatlash amaliyotining keng tarqalganligi;

-beshinchidan, davlat organlari va tashkilotlari o’rtasida axborot almashish mexanizmlarining, elektron soliq ma’muriyatchiligi hamda soliq nazoratini amalga oshirish shakl va uslublarining takomillashmaganligi;

-oltinchidan, o’tkaziladigan nazorat tadbirlarining sifatiga salbiy ta’sir ko’rsatuvchi va insofli tadbirkorlik sub’ektlarining faoliyatiga aralashishlarni kamaytirishga to’sqinlik qiluvchi nazorat faoliyatini amalga oshirishda xavf-xatarlarni tahlil qilish va boshqarishning aniq tizimi yo’qligi;

-yettinchidan, mahalliy soliq va yig’imlarning ma’muriyatchiligi mexanizmlarining samarasizligi oqibatida ularning yig’iluvchanlik darajasi etarli emasligi, shuningdek, ko’chmas mulk va er uchastkalarini to’liq hisobga olish va qiymatini ob’ektiv aniqlashning mavjud emasligi.

Mavjud tizimli muammolarni bartaraf etish, O’zbekiston Respublikasi Prezidentining "O’zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo’yicha harakatlar strategiyasi to’g’risida"gi 2017 yil 07-fevral PF-4947-sonli va "2022-2026 yillarga mo’ljallangan yangi O’zbekiston taraqqiyot strategiyasi to’g’risida"gi 2022 yil 28-yanvar PF-60-sonli Farmonilari asosida belgilangan soliq yukini kamaytirish va soliq solish tizimini soddalashtirish, soliq ma’muriyatchiligini takomillashtirish vazifalarini amalga oshirish maqsadida, shuningdek, keng jamoatchilik muhokamasi natijalari hamda xalqaro valyuta jamg’armasi, Jahon banki va xalqaro ekspertlarning tavsiyalaridan kelib chiqib quyidagilar O’zbekiston Respublikasining soliq siyosatini takomillashtirish asosiy yo’nalishlari etib belgilandi;

-iqtisodiyotga soliq yukining darajasini kamaytirish, shuningdek, soliq solishning soddalashtirilgan va umumbelgilangan tizimi bo’yicha soliqlarni to’laydigan xo’jalik yurituvchi sub’ektlar o’rtasidagi soliq yuki darajasidagi nomutanosibliklarni bartaraf etish;

soliqlarni unifikasiya qilish orqali ularning sonini optimallashtirish, shuningdek, o’xshash soliq solish bazasiga ega bo’lgan soliqlarni birlashtirish, soliq hisobotlarini qisqartirish va soddalashtirish, operasion xarajatlarni minimallashtirish;

-makroiqtisodiy vaziyatning barqarorligini, O’zbekiston Respublikasi Davlat byudjeti va uning daromadlarini shakllantirishning mustahkamligini ta’minlash;

-soliq qonunchiligini soddalashtirish, soliq munosabatlari sohasida normative huquqiy hujjatlardagi qarama-qarshiliklar va ziddiyatlarni bartaraf etish, insofli soliq to’lovchilarning huquqlari va qonuniy manfaatlari himoyasini kuchaytirish;

-soliq solish masalalarini tartibga soladigan havolaki normalar va qonun osti hujjatlarini maksimal darajada cheklagan holda, soliq qonunchiligining barqarorligini hamda O’zbekiston Respublikasi soliq kodeksi normalarining to’g’ridan-to’g’ri amal qilishini ta’minlash, shu jumladan Kodeksda soliqlar va boshqa majburiy to’lovlar stavkalarining miqdorlarini belgilash;

-xorijiy investorlar va investisiyalar uchun qulay rejimni saqlab qolish, ularni har tomonlama qo’llab-quvvatlash va ishonchli huquqiy himoyalash;

-soliq nazoratining shakl va mexanizmlarini, shu jumladan soliq solish ob’ektlari hamda soliq to’lovchilarni yanada to’liq qamrab olish va hisobini ta’minlaydigan zamonaviy axborot-kommunikasiya texnologiyalarini keng joriy etish hisobiga takomillashtirish, transfer narxlarni shakllantirish bilan bog’liq operasiyalarga soliq solish tartibini joriy etish, kabi soliq siyosatining eng muhim asosiy yo’nalishlari belgilab olindi.

Dunyo tajribasidan ma’lumki, iqtisodiyotni soliq siyosatini takomillashtirish orqali tartibga solish instrumenti har qanday mamlakatning eng muhim yo’nalishi hisoblangan moliyaviy siyosatning dolzarb masalalardan hisoblanadi. Chunki sof fiskal funktsiyadan tashqari soliq siyosati ijtimoiy ishlab chiqarishga, uning tarkibiy tuzilishiga va dinamikasiga, joylashishiga, ilmiy-innovasiya taraqqiyotini jadallashtirishga iqtisodiy ta’sir ko’rsatuvchi asosiy mexanizm bo’lib ham xizmat qiladi.

Mamlakatimizda keng qamrovli ijtimoiy-iqtisodiy islohotlarni izchil da’vom ettirish, milliy iqtisodiyotni rivojlangan zamonaviy bozor iqtisodiyoti darajasiga ko’tarish, eksportga yo’naltirilgan ishlab chiqarish tarmoqlarini vujudga keltirish, jahon iqtisodiyoti integrasiyasiga jadal kirib borishda moliyaviy siyosatning asosiy ustivor yo’nalishi bo’lgan soliq siyosati dolzarb ahamiyat kasb etadi.

Soliq siyosatining o’zi nima, uning asosini nima tashkil etadi, tarkibiy qismlari nimalardan iborat, bu siyosat ishlab chiqilayotgan paytda nimalarga e’tibor berish kerak, uning zamonaviy dolzarb muammolari nimalar va ularni qanday qilib hal qilish maqsadga muvofiq?

Shu munosabat bilan ushbu masalaga aniqlik kiritishda, bizningcha, uning quyidagi jihatlariga e’tibor bermoq lozim:

-makroiqtisodiy siyosat iqtisodiy siyosatning tarkibiy bir qismi. Uning bunday ko’rinishi iqtisodiy siyosat tur (ko’rinish)larining ma’lum bir belgilarga iqtisodiy siyosatning qaysi darajada ketayotganligiga qarab turkumlarga ajratish natijasi hisoblanadi;

-moliyaviy siyosat ham iqtisodiy siyosatning tarkibiy bir qismi. Uning bunday ko’rinishi iqtisodiy siyosat tur (ko’rinishlarining boshqa bir belgi iqtisodiy siyosatni amalga oshiruvchi instrumentlarga) qarab turkumlarga ajratish natijasidir;

-ma’lum ma’noda va ba’zi bir istisnolarni hisobga olgan holda, bir vaqtning o’zida moliyaviy siyosatni iqtisodiy siyosatning va makroiqtisodiy siyosatning ham tarkibiy qismi sifatida e’tirof etish mumkin;

-xalqaro amaliyotda makrodarajada fiskal siyosat to’g’risida gap ketganda, uning konkret mazmuni byudjet-soliq siyosati orqali namoyon bo’layotgan bo’lishiga qaramasdan, bu narsa byudjet-soliq siyosatining faqat va faqat makroiqtisodiy siyosatning tarkibiy qismi sifatida e’tirof etilishiga etarli darajada asos bo’laolmaydi. Chunki aslida, o’shanda ham makrodarajadagi fiskal siyosatni moliyaviy siyosatdan ajratib bo’lmaydi.

Ko’p hollarda, haqiqatdan ham xorij amaliyotida "fiskal siyosat" deyilganda "moliyaviy siyosat" nazarda tutiladi va aksincha;

-byudjet-soliq siyosati moliyaviy siyosatdan ajralgan holda, mustaqil ravishda, iqtisodiy siyosatning ham va makroiqtisodiy siyosatning ham tarkibiga bevosita (to’g’ridan-to’g’ri) kiraolmaydi;

-iqtisodiy siyosat doirasida soliq siyosati xususida gap ketayotganda moliyaviy siyosat to’g’risida gap ketmayapti, deb bo’lmaydi;

-makroiqtisodiy siyosat doirasida ham soliq siyosati to’g’risida gap ketganda uni moliyaviy siyosatdan ajralgan holda tasavvur etish mumkin emas

-har bir mamlakatda soliq siyosatining ishlab chiqilishi va hayotga tadbiq etilishi, o’z-o’zidan emas, balki ob’ektiv reallikka asoslanadi. Bu erda, eng avvalo, inobatga olinishi lozim bo’lgan narsa shu mamlakatda bozor munosabatlari unga o’tishning qanday modeliga borib taqalishi bilan belgilanadi.

Soliq siyosati o’rganishda zamonaviy soliq siyosatini ishlab chiqish va uni hayotga tadbiq etishning fundamental asoslariga jiddiy e’tibor qaratilishi muhim o’rin tutadi.

Ular soliqlar,

-soliq tizimi va soliq siyosatidagi vaziyat;

-soliqqa tortish nazariyasining eng dolzarb muammosi va soliq siyosati;

-soliq tizimi, soliqqa tortish va soliq to’g’risidagi qonun hujjatlarining printsiplari, ularning soliq siyosati hayotiychanligiga ta’siri;

-iqtisodni tartibga solish instrumenti sifatida soliqlar va soliq siyosati;

-soliq siyosati va xorijiy investisiyalarni jalb qilish masalalari kesimida bayon qilindi.

Soliq siyosatining zamonaviy dolzarb muammolari, ularga nisbatan bildirilayotgan e’tirozlar, muammolarni hal etish va e’tirozlarni yumshatish yo’llari ham hozirgi sharoitda soliq siyosatinig dolzarb masalalaridan biri hisoblanadi.

Xulosa

Hozirgi global sharoitda zamonaviy soliq siyosatini ishlab chiqish va uni hayotga tadbiq etishni uning fundamental asoslarini aniqlab olishsiz tasavvur etib bo’lmaydi. Soliqlar muammosi bizning mamlakatimizda amalga oshirilayotgan iqtisodiy islohotlar amaliyotidagi eng murakkab muammolardan biri hisoblanadi.

Bugungi kunda juda keskin tanqidga uchrayotgan, juda qaynoq munozaralarga sabab bo’layotgan, isloh qilish bo’yicha tahlil ob’ekti va qarama-qarshi g’oyalarga ega bo’layotgan soliqlardan bo’lak islohotlarning boshqa bir yo’nalishi yo’q. Tabiiyki, ideal (benuqson) soliq tizimini jamiyatdagi iqtisodiy munosabatlarning o’ziga xos xususiyatlari, undagi yaratilgan ilmiy va ishlab chiqarish salohiyatini hisobga oluvchi muhim nazariy asos yordamidagina yaratish mumkin.

iqtisodiyotga soliq yukining darajasini kamaytirish, shuningdek, soliq solishning soddalashtirilgan va umumbelgilangan tizimi bo’yicha soliqlarni to’laydigan soliq to’lovchilar o’rtasidagi soliq yuki darajasidagi nomutanosibliklarni bartaraf etish;

soliqlarni unifikasiya qilish orqali ularning sonini optimallashtirish, shuningdek, o’xshash soliq solish bazasiga ega bo’lgan soliqlarni birlashtirish, soliq hisobotlarini qisqartirish va soddalashtirish, operasion xarajatlarni minimallashtirish;

makroiqtisodiy vaziyatning barqarorligini, davlat byudjeti va uning daromadlarini shakllantirishning mustahkamligini ta’minlash;

Foydalanilgan adabiyotlar

7. O’zbekiston Respublikasining 2021 yil 30 dekabr "2022 yil uchun O’zbekiston Respublikasi Davlat byudjeti to’g’risida"gi O’RQ-742-sonli Qonuni. https://www.lex.uz/uz/docs/5801127
8. O’zbekiston Respublikasining Soliq kodeksi. 2020 yil, 01 yanvar. https://lex.uz/docs/-4674902
9. O’zbekiston Respublikasining Budjet kodeksi. 2014 yil, 01 yanvar. https://lex.uz/docs/-2304138
10. O’zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksi. 1997 yil 01 mart. https://lex.uz/docs/111189
11. Moliya: nazariy asoslar: O’quv qo’llanma / T.S.Malikov; –T.: "Iqtisod-Moliya", 2021.
12. Tilabov N.T. “Moliya” fanidan o’quv uslubiy qo’llanma

RAQOBATLASHGAN MONOPOL BOZOR, USTUN JIHATLARI VA KAMCHILIKLARI

Qurbonov Jasurbek Pozilovich
TDIU, “Mutaxassislik fanlari” kafedrasi mudiri, i.f.f.d.
Rayxona Xasanovna Xusanova
TDIU, Andijan fakulteti talabasi

Annotatsiya: Raqobat – bu ikki kishi yoki guruhning doimiy raqobatbardosh munosabatlardagi holati. Monopolistik raqobat bozori o‘zining ba’zi bir xususiyatlari bilan mukammal raqobatlashgan bozorga o‘xshaydi. Bu yerda ham harakat qiluvchi firmalar ko‘p, yangi firmalarni bozorga kirib kelishi yoki unda harakat qiluvchi

firmalarning undan chiqib ketishi cheklanmagan. Shuningdek uning afzal jihatlari va kamchiliklari borasida so‘z yurutilgan.

Abstract: Rivalry is a state of constant competitive relationship between two people or groups. A monopolistically competitive market is similar to a perfectly competitive market in some of its features. There are many companies operating here, and there is no restriction on the entry of new companies into the market or the exit of existing companies. Its advantages and disadvantages are also discussed.

Аннотация: Соперничество – это состояние постоянных конкурентных отношений между двумя людьми или группами. Рынок монополистической конкуренции по некоторым своим характеристикам аналогичен рынку совершенной конкуренции. Здесь работает множество компаний, и нет никаких ограничений на вход новых компаний на рынок или выход существующих компаний. Также обсуждаются его преимущества и недостатки.

Kalit so‘zlar: bozor, monopolistik raqobat bozori, raqobat, raqobatlashgan monopol bozor, firmalar, samaradorlik, innovatsiyalar, yuqori foyda, barqarorlik, Suiste’mol qilish potentsiali, tanlovning yetishmasligi, yuqori narxlar.

Raqobat so‘zi ilmiy yo‘nalishda raqobatlashgan bozor, o‘zaro raqobatlashuvchi firmalar kabi so‘z birikmalari ko‘rinishada ko‘p duch kelganmiz. Raqobat – bu ikki kishi yoki guruhning doimiy raqobatbardosh munosabatlardagi holati. Raqobat – bu raqobatlashayotgan ikki tomon o‘rtasidagi „bir-biriga qarshi“ munosabati.

Monopolistik raqobat bozori o‘zining ba’zi bir xususiyatlari bilan mukammal raqobatlashgan bozorga o‘xshaydi. Bu yerda ham harakat qiluvchi firmalar ko‘p, yangi firmalarni bozorga kirib kelishi yoki unda harakat qiluvchi firmalarning undan chiqib ketishi cheklanmagan. Lekin bu mukammal raqobatlashgan bozordan farq qiladi. Farq shundan iboratki, monopol raqobatlashgan bozordagi mahsulot differensiallashgan, ya’ni bir xil ehtiyojni qondiruvchi tovarni har bir firma o‘ziga xos ravishda ishlab chiqarib sotadi va uning mahsuloti boshqa firmalarning mahsulotidan sifati, bezagi, tarkibi va sotuv markasi obro‘yi bilan farq qilishi mumkin. Tovarning differensiallashuvi deganda bozorda sotiladigan tovarni standartlashtirilmaganligi tushuniladi. Har bir firma o‘zining tovar markasini ishlab chiqarish bo‘yicha monopol hisoblanadi va u bozorda ma’lum darajada monopol hokimiyatga ega bo‘ladi. Firmaning monopol hokimiyati uning mahsulotining boshqa firmalar mahsulotidan qanchalik farq qilishga bog‘liq. Masalan, tish yuvish pastalari monopol raqobat bozorida sotiladigan «Kolgeyt», «Pepsodend» va «Lesnoy balzam» pastalari bir-biridan qadoqlanishi, bezagi, davolash xususiyatlari bilan bir-biridan ajralib turadi. Monopol raqobat bozorga misol sifatida tish yuvish pastasi, kir yuvish paroshogi, xar-xil chanqov bosdi ichimliklari bozorlarini, kiyim-kechak bozorini keltirish mumkin. Raqobatlashgan monopol bozor quyidagi xususiyatlari bilan xarakterlanadi: Birinchidan, firmalar differensiallashgan, bir-birini o‘rnini bosish normasi yuqori bo‘lgan, mahsulotlarini sotadi va bir-biri bilan raqobatlashadi. (Boshqacha aytganda bunday tovarlarning narxga ko‘ra elastikligi yuqori, lekin

cheksiz emas). Ikkinchidan, bozorga yangi firmalarni o‘z markasi bilan kirishi va undan faoliyat ko‘rsatayotgan firmalarni chiqishi cheklanmagan. Agar firmalarning mahsulotiga talab yetarli darajada bo‘lmay qolsa ular bozordan to‘siqsiz chiqishi mumkin. Raqobatlashgan monopol bozorning o‘ziga xos xususiyatini poyafzal va avtomobil bozorini taqqoslaganda ko‘rish mumkin. Poyafzal bozori raqobatlashgan monopol bo‘lsa yengil avtomobil bozori oligopolik bozor sifatida xarakterlanadi. Agar, poyafzal bozorida foyda yuqori bo‘lsa, boshqa firmalar yangi poyafzal ishlab chiqarish o‘z markasi bilan bozorga kirish uchun kerakli bo‘lgan mablag‘ni sarflashi ular uchun katta qiyinchilik tug‘dirmaydi. Avtomobil bozoridagi avtomobillar ham differensiyallashgan (ya’ni uning turlari ko‘p). Lekin, bu bozorga yangi firmalarning kirib kelishiga masshtab samarasi katta qiyinchilik tug‘diradi. Nima uchun deganda samarali miqdordagi avtomobillarni ishlab chiqarish uchun juda katta mablag‘ talab qilinadi. Uchinchidan, bozorda nisbatan katta miqdordagi firmalar faoliyat ko‘rsatadi va ularning har biri sotiladigan umumiy turdagi tovarga bo‘lgan bozor talabining ma’lum darajadagi ulushini qanoatlantiradi. To‘rtinchidan, firmalar o‘z mahsulotlariga narx belgilashda va sotish hajmini aniqlashda raqiblarining aks harakatlarini e’tiborga olmaydilar. Masalan, biror sotuvchi o‘z mahsuloti narxini 20 % ga tushursa uning mahsulot sotish hajmi oshadi va oshish alohida bir firma hisobidan emas, balki ko‘p firma hisobidan sotiladi, lekin bu siyosatning boshqa bir raqib firmaning bozordagi ulushini keskin qisqartirib yuborishi ehtimoli nihoyatda kichikdir. Shuning uchun ham raqobatchi firmalar birinchi firmaning narx siyosatiga nisbatan biror chora ko‘rmaydi va bu siyosat kuchli ta’sir qilmaydi.

Raqobatbardosh monopoliya bozorining afzalliklari:

- Samaradorlik: Monopoliya bozorlari miqyosda iqtisodga olib kelishi mumkin, bu esa ishlab chiqarish xarajatlarini kamaytirishga va iste’molchilar uchun narxlarni pasaytirishga olib keladi.
- Innovatsiyalar: Raqobatchilarsiz monopoliyalar ilmiy-tadqiqot va ishlanmalarga ko‘proq sarmoya kiritish imkoniyatiga ega bo‘lib, texnologik taraqqiyot va innovatsiyalarga olib keladi.
- Yuqori foyda: Monopoliyalar bozordagi qudrati va raqobatning yo‘qligi tufayli yuqori daromad olish imkoniyatiga ega.
- Barqarorlik: Monopoliyalar bozorda barqarorlikni bashorat qilinadigan narxlar va tovarlar yoki xizmatlarning doimiy mavjudligi bilan ta’minlashi mumkin.

Raqobatbardosh monopoliya bozorining kamchiliklari:

- Yuqori narxlar: raqobatsiz monopoliyalar iste’molchilarga yuqori narxlarni qo‘yishi mumkin, bu esa sotib olish imkoniyati va iste’molchilar farovonligini pasayishiga olib keladi.

- Tanlovning etishmasligi: monopoliyalar iste’molchilarning tanlovini cheklaydi, chunki ular ma’lum bir mahsulot yoki xizmatning yagona provayderi bo‘lib, iste’molchilar uchun imkoniyatlarni kamaytiradi.
- Suiste’mol qilish potentsiali: Monopoliyalar iste’molchilar va boshqa bizneslarga zarar etkazadigan narxlarni belgilash yoki taklifni cheklash kabi raqobatga qarshi amaliyotlarni qo‘llash orqali o‘z bozor hokimiyatini suiiste’mol qilish imkoniyatiga ega.
- Innovatsiyalar uchun rag‘batning kamayishi: raqobatning kamligi yoki umuman bo‘lmaganligi sababli monopoliyalar innovatsiyalar kiritish va o‘z takliflarini yaxshilash uchun bosimning pasayishiga duch kelishi mumkin, bu esa taraqqiyotni bo‘g‘ib, iste’molchi manfaatlarini cheklashi mumkin.

Ushbu afzalliklar va kamchiliklar monopoliya bozorining o‘ziga xos sharoitlariga qarab farq qilishi mumkinligini ta’kidlash muhimdir.

Xulosa qilib aytadigan bo‘lsak, raqobatbardosh monopoliya bozorining afzalliklari ham, kamchiliklari ham bo‘lishi mumkin. Ijobiy tomoni shundaki, monopoliyalar samaradorlik va miqyosda tejamkorlikka erishishi, innovatsiyalarga sarmoya kiritishi, barqaror narxlarni saqlab turishi, patentlar va intellektual mulkni himoya qilishi mumkin. Biroq, iste’molchilarning cheklangan tanlovi, yuqori narxlar, potentsial pasaygan sifat va yangi korxonalarga kirish uchun to‘siqlar kabi kamchiliklar ham mavjud. Raqobatbardosh monopoliya bozorining umumiy ta’sirini baholashda ushbu omillarni tortish va muayyan soha va kontekstni hisobga olish muhim belgi hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Pindayk Robert. Mikroiqtisod: Inglizchadan qisqartirib tarjima qilingan/ Pindayk Robert, Rubinfeld Daniel. – T.; 2002.
2. E.Egamberdiev. Mikroiqtisodiyot. O‘quv qo‘llanma. T.: 2005 y.
3. Bakieva I, Nazarova G. “Makroiqtisodiyot” fanidan seminar darslari uchun uslubiy qo‘llanma. T: "IQTISOD - MOLIYA", 2015 -225 b
4.Vikipediya.uz
5. www. http://el.tfi.uz/pdf/mddj22.uzk.pdf - Toshkent moliya instituti elektron kutubxonasi.

ISHLAB CHIQARISH HAJMI SAMARASIGA KO’RA FIRMANING OPTIMAL O’LCHAMINI ANIQLASH

Qurbonov Jasurbek Pozilovich
TDIU, Andijon fakulteti, “Mutaxasislik fanlari” kafedrasi dotsenti, PhD
Qodirova Gulnoza
TDIU, Andijon fakulteti “Axborot tizimlari va

texnologiyalari” yo’nalishi,2-kurs talabasi

*Annotatsiya:*Ushbu tezisda firmaning optimal hajmi uning samaradorligi, unumdorligi va rentabelligini aniqlashda hal qiluvchi rol o‘ynaydi. Ushbu dissertatsiya firma hajmi va ishlab chiqarish hajmi o'rtasidagi bog'liqlikni o'rganishga qaratilgan bo‘lib, pirovardida maksimal ishlab chiqarish samaradorligiga erishadigan optimal firma hajmini aniqlashga qaratilgan. Mavjud adabiyotlarni tahlil qilish, empirik tadqiqotlar o‘tkazish va statistik usullardan foydalanish orqali ushbu tadqiqot korxonalar va siyosatchilar uchun firma hajmini optimallashtirish bo‘yicha asosli qarorlar qabul qilishda qimmatli tushunchalar berishga intiladi.

Abstract: In this thesis, the optimal size of the firm plays a decisive role in determining its efficiency, productivity and profitability. This dissertation aims to study the relationship between firm size and production capacity, and ultimately to determine the optimal firm size that achieves maximum production efficiency. By analyzing existing literature, conducting empirical research, and using statistical methods, this study seeks to provide valuable insights for businesses and policymakers to make informed decisions about optimizing firm size.

Аннотация: В данной диссертации оптимальный размер фирмы играет решающую роль в определении ее эффективности, производительности и прибыльности. Целью этой диссертации является изучение взаимосвязи между размером фирмы и производственными мощностями и, в конечном итоге, определение оптимального размера фирмы, обеспечивающего максимальную эффективность производства. Анализируя существующую литературу, проводя эмпирические исследования и используя статистические методы, это исследование направлено на предоставление ценной информации предприятиям и политикам для принятия обоснованных решений об оптимизации размера компаний.

Kalit so’zlar: Uzoq muddatli oraliqda ishlab chiqarish hajmini tanlash, Xarajatlari o‘zgarmas bo‘lgan tarmoq

Uzoq muddatli oraliqda firma foydalanadigan barcha omillarini o‘zgartiradi, shu jumladan ishlab chiqarish quvvatlarini ham. Uzoq muddatli oraliqda firma o‘z kapitali hajmini o‘zgartirishi, ya’ni ishlab chiqarish quvvatini o‘zgartirishi mumkinligi firmaga ishlab chiqarish xarajatlarini kamaytirishga imkon beradi. Firma ishlab chiqarish xarajatlarining qanday o‘zgarishi ishlab chiqarish masshtabi samaradorligining o‘sishi, o‘zgarmasligi va kamayishi bilan aniqlanadi. Yana shuni eslatib o‘tish kerakki, firmaning uzoq muddatli oraliqdagi faoliyatini tahlil qilganimizda uning o‘rtacha xarajatlari muhim ahamiyat kasb etadi. Faraz qilaylik, firmaning ishlab chiqarish jarayonida barcha ishlab chiqarish hajmlari uchun o‘zgarmas masshtab samarasiga ega. Bunda ishlab chiqarish omillari sarfi ikki barobar oshganda ishlab chiqarish hajmi ham ikki barobarga o‘sadi. Demak, ishlab chiqarish hajmi oshgani bilan o‘rtacha ishlab chiqarish xarajatlari o‘zgarmaydi.

Endi faraz qilaylik, masshtab samarasi o‘suvchi bo‘lsin. Ishlab chiqarish omillaridan fodalanishni ikki barobar oshirganimizda, ishlab chiqarish hajmi ikki barobardan ko‘proqqa oshadi (masalan, uch barobarga oshirishi mumkin). Bunday holda o‘rtacha ishlab chiqarish xarajatlari qisqaradi, nima uchun deganda, ishlab chiqarish hajmining o‘sish sur’ati, omillar sarfi sur’atidan ko‘p. Xuddi shunday, masshtab samarasi_pasayganda, ya’ni ishlab chiqarish omillari sarfini o‘sishi sur’atidan ishlab chiqarish hajmining o‘sish sur’ati kichik bo‘lganda *ATC* ortib boradi. Odatda, ishlab chiqarishning boshida masshtab samarasining oshishi,undan keyin o‘zgarmas va keyinchalik kamayishi ko‘pgina firmalarga xosdir. Shuning uchun ham uzoq muddatli oraliqda umumiy o‘rtacha xarajatlar chizig‘i botiq ko‘rinishga ega bo‘ladi.

Tarmoqning uzoq muddatli oralidagi umumiy taklifi. Qisqa muddatli oraliqda bozor taklifi firma taklif chiziqlari yig‘indisi orqali topilardi. Uzoq muddatli oraliqdagi taklifni firma takliflarini qo‘shish orqali aniqlab bo‘lmaydi. Nima uchun deganda, uzoq muddatli oraliqda bozor narxining o‘zgarishiga ko‘ra firmalar bozorga kiradi yoki undan chiqadi. Bu o‘z navbatida firmalar taklif chiziqlarini qo‘shib bo‘lmasligini ko‘rsatadi (qaysi firmalar bozorda qolayotganligini biz bilmaymiz).

Uzoq muddatli oraliqdagi taklifni aniqlashda ishlab chiqarish hajmining kengayishini faqat resurslardan foydalanishning kengayishi hisobidan bo‘ladi, deb faraz qilinadi. Ixtiro va texnologiyaning ishlab chiqarishga ta’siri o‘zgarmas deb qabul qilinadi. Uzoq muddatli oraliqdagi umumiy taklifning shakli tarmoqda ishlab chiqarish hajmi o‘sishining yoki kamayishining foydalaniladigan ishlab chiqarish omillari narxiga ta`siri darajasiga bog‘liqdir. Shuning uchun ham uch turdagi tarmoq xo‘jaligi qaraladi: xarajatlari o‘zgarmas, o‘suvchi va kamayuvchi tarmoqlar.

Xarajatlari o‘zgarmas bo‘lgan tarmoq. Tarmoqda ishlab chiqarish hajmining o‘sishi foydalaniladigan resurslarning narxiga ta`sir qilmasa, biz yuqorida ko‘rdikki, tarmoqning kengayishi va qisqarishi muvozanat narx ga ta’sir qilmaydi. Biror sabab bilan (masalan, iste’molchi didining o‘zgarishi) talab oshganda mahsulot narxi oshadi va tipik firma musbat iqtisodiy foyda ola boshlaydi. Bu foyda boshqa firmalarni ushbu tarmoqqa kirib kelishiga sabab bo‘ladi. Boshqa firmalarning kirib kelishi taklifni oshiradi, natijada oshgan narx o‘zining oldingi muvozanat holati ga qaytadi. Bundan kelib chiqadiki, xarajatlari o‘zgarmas bo‘lgan tarmoqning uzoq muddatli oraliqdagi taklif chizig‘i narx uzoq muddatli o‘rtacha ishlab chiqarish xarajatlarini minimumiga teng bo‘lganda gorizontal chiziqdan iborat bo‘ladi. Narx muvozanat narx R_0 dan yuqori bo‘lsa iqtisodiy foyda musbat bo‘ladi va bozorga yangi firmalar kirib qisqa muddatli taklifni oshiradi va bu narxni oldingi muvozanat holatiga qataradi. O‘zgarmas xarajatga ega tarmoqning uzoq muddatli o‘rtacha xarajatlar chizig‘i gorizantal bo‘ladi.

Ishlab chiqarish hajmidan kelib chiqqan holda firmaning optimal hajmini aniqlash har xil omillarni sinchiklab tahlil qilish va hisobga olishni talab qiladigan murakkab vazifadir. Nazariy asoslarni, empirik tadqiqotlarni va tavsiya etilgan

yondashuvlarni tushunish orqali korxonalar va siyosatchilar firmalarning samaradorligi va raqobatbardoshligini oshiradigan asosli qarorlar qabul qilishlari mumkin. Optimal firma hajmiga erishish tashkilotlarga iqtisodlar va miqyosdagi iqtisodsizliklar o‘rtasida muvozanatni saqlash, natijada ularning ishlab chiqarish samaradorligi va uzoq muddatli barqarorligini maksimal darajada oshirish imkonini beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1.Milliy hisoblar(Stat.uz)
2.Lex.uz.
3.Ish bilan ta’minlash-Vikipediya.
4.Pindayk Robert. Mikroiqtisod: Inglizchadan qisqartirib tarjima qilingan/ Pindayk Robert, Rubinfeld Daniel. – T.; 2002.
5. E.Egamberdiev. Mikroiqtisodiyot. O‘quv qo‘llanma. T.: 2005 y.

IQTISODIYOTDA KORXONALARINING IQTISODIY BARQARORLIGINI TA’MINLASH

Saydakbarova Madinaxon Anisbekovna
TDIU,“Mutaxassislik fanlari” kafedrasi o’qituvchisi
Omonillo Hayotbekovich Zokirjonov
Toshkent Davlat Iqtisodiyot Universiteti Andijon fakulteti talabasi

Annotatsiya: Mamlakatda o’zaro bir birining ishlab chiqarish faoliyatiga bog’liq bo’lgan tarmoqlarning o’zaro bog’liqlikni (aloqani) tashkil etish bilan qo’shimcha qiymatning butun zanjiriga samarali ta’sir ko’rsata oladigan innovatsiyani alohida turini – “Yalpi innovatsion mahsulot” ni yaratish imkoniyati yuzaga keladi. Tarmoqlararo balans asosida tarmoqlarning o’zaro ta’sirini baholashni amalga oshirish mumkin. Shuningdek, ilmiy-tadqiqot va tajriba-konstruktorlik ishlarini tashkil etish va ishlab chiqarish jarayonida band bo’lgan kadrlarning malakasini oshirish uchun zaruriy xarajatlarni kamaytirishga imkon yaratiladi. Tarmoqlararo kooperatsiya natijasida investitsiyalarni jalb etish shart-sharoitlari, investitsiyalarni faoliyat sohalari bo’yicha taqsimlash jarayoni yaxshilanadi, yuqori sifatli inson kapitali shakllantiriladi.

Tayanch so’zlar: Tarmoq, tarmoqlararo balans, Leontev modeli, yalpi innovatsion mahsulot, investitsiya multiplikatori.

O’zbekiston 2030 yilgacha bo’lgan davr ichida sanoati rivojlangan mamlakatlarga xos bo’lgan turmush darajasi standartlariga (hayot darajasiga) ega mamlakat darajasiga chiqish vazifasini o’z oldiga maqsad qilib quydi. Belgilangan maqsadga erishishdagi muvaffaqiyat ko’rsatkichlaridan biri aholi jon boshiga to’g’ri

keladigan YaIMning o’sishi hisoblanadi, ushbu ko’rsatkich bugungi kunda aholining o’rtacha daromadi yuqori bo’lgan o’rtacha statistik mamlakat darajasiga teng bo’lib, 2030 yilda iste’molchilarning xarid pariteti, xalqaro dollar va joriy narx darajasi kabi ko’rsatkichlarni e’tiborga olgan holda hisoblanganda 10600 AQSH dollarni tashkil etishi belgilangan. Buning uchun esa, YaIMning yillik 8 foizga teng bo’lgan o’sish sur’atini ta’minlash zarur. So’nggi 10 yillik makroiqtisodiy ko’rsatkichlarning joriy tahliliga ko’ra mamlakat yalpi ichki mahsulotining o’rtacha yillik o’sish sur’ati 108 foizga teng. Yalpi ichki mahsulot tarkibida sanoat alohida o’ringa ega bo’lgan holda, mamlakatda iqtisodiy barqarorlikni ta’minlovchi asosiy drayver hisoblanadi. Xususan, oziq-ovqat sanoati, to’qimachilik sanoat, mashinasozlik va metalni qayta ishlash kabi sanoat tarmoqlari rivojlanishning asosi sifatida belgilangan. Mamlakatni rivojlantirishshning keyingi bosqichiga o’tish tarkibiy o’zgarishlarni va innovatsion rivojlanishni talab etadi, bularni amalga oshirish bilan esa O’zbekistonni rivojlangan mamlakatlar guruhiga kirib borishiga zamin yaratiladi. O’tgan 20 yil mobaynida O’zbekistonda asosiy e’tibor qishloq xo’jaligidan asta sekin yuqori qo’shimcha qiymatga ega bo’lmagan xom-ashyo va yarim-tayyor mahsulotlarni ishlab chiqarishga yo’naltirildi, natijada esa mamlakatning rivojlanish (o’sish) modeli diversifikatsiyalandi. Ushbu holatda o’sish asosan kapital jamg’arishga asoslangan bo’lib, inson kapitalining sifati va jami omil unumdorligi kabi ko’rsatkichlar (tushunchalar) nisbatan ahamiyatsiz edi. Investitsiyalar sanoatning ustuvor tarmoqlariga, asosan, kapital va energiya sig’imi yuqori bo’lgan tarmoqlarga yo’naltirilgan bo’lib, ushbu vaziyatda xom-ashyoning jahon narxlaridagi ijobiy tendentsiyalaridan samarali foydalanilgan. Natijada, mehnat sig’imi yuqori bo’lgan, ekologik jihatdan toza sanoat tarmoqlari, Shuningdek, mikroiqtisodiyot va sanoatdagi kichik xususiy korxonalar rivojlanmadi. O’z navbatida, amal qilgan o’sish modeli samarali va yuqori ish haqini ta’minlovchi barqaror ish o’rinlarini yaratishni chekladi. Yuzaga kelgan salbiy natijalarni bartaraf etish, sanoat korxonalarining ishlab chiqarish faoliyatiga doir xatarlarni kamaytirish hamda sanoatni rivojlantirishga qaratilgan davlat siyosatining samaradorligini oshirish maqsadida iqtisodiyotni modernizatsiyalash bo’yicha yangi davlat siyosati belgilab olindi. 2015 yilda Prognozlashtirish va makroiqtisodiy tadqiqotlar instituti tomonidan respublikani iqtisodiy rivojlantirishning uzoq muddatli maqsadlariga erishish uchun iqtisodiyotni modernizatsiyalash jarayonida tayanilishi lozim bo’lgan O’zbekistonning ustuvor tarmoqlarini aniqlash bo’yicha tadqiqot o’tkazildi. Ushbu tadqiqot taniqli iqtisodchilar Dj.Lin va S.Mong tomonidan rivojlanayotgan mamlakatlarda iqtisodiy o’sishni ta’minlash uchun sanoat tarmoqlarini aniqlash va ular faoliyatini yengillashtirish maqsadida ishlab chiqilgan usulga asosan shakllantirilgan. Iqtisodchi olimlar tomonidan shakllantirilgan tadqiqot usuli uzoq davr mobaynida yuqori va barqaror iqtisodiy o’sish ko’rsatkichlarini namoyon etgan mamlakatlarning tajribalariga asoslangan. Ushbu mamlakatlar tajribasiga ko’ra, mamlakatda ma’lum bir tarmoqni rivojlantirish uchun yetarli shart-sharoit bo’lmasa yoki ushbu tarmoqni

yetarlicha rivojlantirgan mamlakatlar kabi ustunlik mavjud bo’lmasa mamlakatning sanoatni rivojlantirish uchun olib borgan siyosati muvaffaqiyatsizlikka uchraydi. Xususan, O’zbekiston iqtisodiyotini barqaror rivojlantirish yo’nalishlarini hamda mamlakat sanoatining ustuvor tarmoqlarini aniqlash uchun amalga oshirilgan tadqiqot natijalariga ko’ra O’zbekiston to’qimachilik, charmpoyabzal, oziq-ovqat, bolalar o’yinchoqlari va boshqa plastmassa mahsulotlarini ishlab chiqarish, sport jihozlari, qurilish materiallari kabi yuqori mehnat sig’imini talab qiluvchi tarmoqlarni rivojlantirishni jadallashtirishi lozim. O’tgan davrda Respublikaning rivojlanish strategiyasi asosan kapital va resurs sig’imi yuqori bo’lgan sanoat tarmoqlarini rivojlantirishga qaratilgan bo’lib, mehnat sig’imi yuqori bo’lgan sanoat tarmoqlarining rivojlanishi esa e’tibordan chetda qolgan. Natijada, ko’proq ish o’rinlarini yaratish imkoniyati mavjud bo’lmagan. Shuning uchun, industrial va innovatsion rivojlanishga o’tishda ishlab chiqarish jarayonida ham mehnatning ham kapitalning o’zaro faoliyatini ta’minlaydigan to’qimachilik sanoatini rivojlantirishga urg’u bergan holda, barcha e’tiborni tayyor mahsulotlarni ishlab chiqarishga qaratish lozim. Bu esa o’z navbatida, barcha mavjud tarmoqlar o’rtasida o’zaro integratsiyani talab etadi (masalan, neft-kimyo sanoatidan boshlab sun’iy kimyoviy tolani ishlab chiqarishgacha).

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Davlyatova, G. M., & Abdullaeva, S. H. (2020). Economic perspectives of using the model" UNIVERSITY 3.0" in the education system of Uzbekistan. Экономика и бизнес: теория и практика, (2-1).

2. Davlyatova, G. M., & Kurpayanidi, K. (2020). Marketing as the main factor in introducing innovative products to the market. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. Volume: 10, Issue, (5), 430.

3. Davlyatova, G. M. (2022). Jadidlar qarashlarida ijtimoiy-iqtisodiy islohotlar va ularning iqtisodiyotni rivojlantirishdagi o’rni. Nazariy va amaliy tadqiqotlar xalqaro jurnali, 2 (4), 16-34. doi: 10.5281/zenodo.6656676 4. Ivanovich, K. K. (2020). About some questions of classification of institutional conditions determining the structure of doing business in Uzbekistan. South Asian Journal

YALPI TALAB - YALPI TAKLIF MODELIGA KIRISH

Saydakbarova Madinaxon Anisbekovna
TDIU, Andijon fakulteti o’qituvchisi
Shuhratbekov Sohibjon Qahramonjon o’g’li
2-kurs ATT 70/22 guruh talabasi

Annotatsiya: Biz bu yerda yalpi talab va yalpi taklif modellariga ta’luqli omillar bilan tanishamiz va qayday tasir ko‘rastishini ko‘ramiz.

Здесь мы рассмотрим факторы, влияющие на модели совокупного спроса и совокупного предложения, и посмотрим, как они влияют друг на друга.

Here we will look at the factors involved in the aggregate demand and aggregate supply models and see how they affect each other.

Kalit so‘zlar: Yalpi talab - yalpi taklif modeliga kirish, Yalpi talab egri chizig'ining asosiy komponentlari, Yalpi talabga ta'sir etuvchi omillar, Yalpi taklifni tushunish, Yalpi taklif egri chizig'idagi siljishlar, AD-AS modelidagi muvozanat, AD-AS modelidagi iqtisodiy tebranishlar, AD-AS modelida davlat siyosatining roli, AD-AS modelida uzoq muddatli va qisqa muddatli muvozanat, Yalpi talab va taklifni bashorat qilishdagi qiyinchiliklar.

Bir xil turdagi tovarlarga bo‘lgan talab va taklif modeli tovar va xizmatlarni ishlab chiqarish va ularning narxlari o‘rtasidagi farqlarni tushunish imkonini byeradi. SHuningdek, ishlab chiqarilgan biror mahsulotning barqaror narxlari va hajmi turli yillarda turlicha bo‘lishini tushunishga imkon yaratadi. Ammo bir xil turdagi tovarlarga bo‘lgan talab va taklif modeli bir nechta zaruriy iqtisodiy muammolar haqidagi savollarga, chunonchi, nima uchun narxlar oshadi va kamayadi; nima uchun narxlar darajasi ayrim davrlarda o‘zgarishsiz qoladi va boshqa davrlarda zudlik bilan o‘sadi;nima uchun ayrim vaqtlarda milliy ishlab chiqarishning real hajmi kamayadi yoki ko‘payadi va shuningdek, boshqa savollarga javob byermaydi.

Yalpi talab – yalpi taklif (AD-AS) modeli makroiqtisodiy tahlilning asosiy vositasi bo‘lib, umumiy narx darajasi va real YaIM o‘rtasidagi bog‘liqlikni ko‘rsatadi.

Yalpi talab iqtisodiyotda turli narxlar darajasidagi tovarlar va xizmatlarga umumiy talabni ifodalaydi, yalpi taklif esa ishlab chiqaruvchilar etkazib berishga tayyor bo'lgan tovarlar va xizmatlarning umumiy miqdorini ko'rsatadi.

AD-AS modelini tushunish siyosatchilar va iqtisodchilarga iqtisodiy tebranishlarni tahlil qilish va bashorat qilish, tegishli pul-kredit va fiskal siyosatni aniqlash hamda tashqi zarbalarning iqtisodiyotga ta'sirini baholashga yordam beradi.

Yalpi talab egri chizig'ining asosiy komponentlari

Yalpi talab (AD) egri chizig'i har xil narx darajalarida tovarlar va xizmatlarga umumiy xarajatlarni ko'rsatadi. U boylik effekti, foiz stavkasi effekti va chet el bahosi effekti tufayli pastga egiladi.

Yalpi talab egri chizig'ining asosiy komponentlariga iste'mol, investitsiyalar, davlat xarajatlari va sof eksport kiradi. Ushbu komponentlardagi o'zgarishlar AD egri chizig'ini siljitishi mumkin, bu real YaIM va narx darajasiga ta'sir qiladi.

Yalpi talab egri chizig'ini tushunish umumiy iqtisodiyotni tahlil qilish va barqarorlikni saqlash va o'sishni rag'batlantirish uchun iqtisodiy siyosatni shakllantirishda juda muhimdir. U iqtisodiyotdagi narxlar darajasi va umumiy xarajatlar o'rtasidagi munosabatni aks ettiradi.

Yalpi talabga ta'sir etuvchi omillar

Yalpi talabga iste'mol xarajatlari, investitsiyalar, davlat xarajatlari va sof eksport kabi omillar ta'sir ko'rsatadi va umumiy iqtisodiyotga ta'sir qiladi. Ushbu omillarning o'zgarishi YaIM va narxlar darajasiga ta'sir qiladi.

Yalpi taklif mehnat bozori sharoiti, unumdorlik, texnologiya va ishlab chiqarish narxlari kabi omillar bilan belgilanadi. Bu omillar iqtisodiyotning turli narx darajalarida tovar va xizmatlar ishlab chiqarish qobiliyatiga ta'sir qiladi.

AD-AS modelidagi muvozanat yalpi talab yalpi taklifga tenglashganda yuzaga keladi, bu esa barqaror narxlar darajasi va YaIMga olib keladi. Ta'sir etuvchi omillarning o'zgarishi AD va AS egri chiziqlarini siljitib, iqtisodiyotga ta'sir qilishi mumkin.

Yalpi taklifni tushunish

Yalpi talab-yalpi taklif modeli iqtisodiyotning umumiy ishlab chiqarish va narx darajasini tushunishga yordam beruvchi makroiqtisodiy asosdir.

Yalpi taklif ishlab chiqaruvchilar iqtisodiyotda turli narx darajalarida etkazib berishga tayyor bo'lgan tovarlar va xizmatlarning umumiy miqdorini ifodalaydi.

AD-AS modelini tahlil qilib, siyosatchilar va iqtisodchilar iqtisodiyotni barqarorlashtirish va uzoq muddatli iqtisodiy o'sishga erishish uchun asosli qarorlar qabul qilishlari mumkin.

Yalpi taklif egri chizig'idagi siljishlar

Yalpi talab - yalpi taklif modelidagi yalpi taklif egri chizig'idagi siljishlar ishlab chiqarish xarajatlari yoki texnologiyadagi o'zgarishlar kabi ko'plab omillar tufayli yuzaga kelishi mumkin.

Ish haqi yoki materiallar narxlari kabi ishlab chiqarish xarajatlarining oshishi yalpi taklif egri chizig'ining chapga siljishiga olib kelishi mumkin, bu esa narxlarning yuqori darajasiga va real ishlab chiqarishning pasayishiga olib keladi.

Aksincha, ishlab chiqarish xarajatlarining pasayishi yoki texnologiyaning rivojlanishi yalpi taklif egri chizig'ini o'ngga siljitishi mumkin, bu esa narxlarning pasayishiga va real ishlab chiqarishning oshishiga olib keladi.

AD-AS modelidagi muvozanat

Yalpi talab-yalpi taklif (AD-AS) modeli iqtisodiyotda talab va taklif etilayotgan tovarlar/xizmatlarning umumiy miqdori o‘rtasidagi muvozanatni ifodalaydi.

AD-AS modelidagi muvozanat yalpi talab yalpi taklifga teng bo‘lganda yuzaga keladi, bu esa iqtisodiyotning to‘liq bandlik va barqaror narxlarda ishlayotganligini ko‘rsatadi.

Iste'mol xarajatlari, davlat siyosati va xalqaro savdo kabi omillarning o'zgarishi AD va AS egri chiziqlarini siljitishi mumkin, bu esa AD-AS modelidagi muvozanatga ta'sir qiladi.

AD-AS modelidagi iqtisodiy tebranishlar

Yalpi talab-yalpi taklif modeli iqtisodiy tebranishlarni tasvirlaydi. AD egri chizig'i narx darajasi va talab qilinadigan tovarlar miqdori o'rtasidagi bog'liqlikni

ko'rsatadi. AS egri chizig'i narx darajasi va etkazib berilgan tovarlar miqdori o'rtasidagi bog'liqlikni ko'rsatadi.

AD yoki AS egri chiziqlaridagi siljishlar real YaIM va narxlar darajasining o'zgarishiga olib kelishi mumkin. Ushbu model biznes tsikli, inflyatsiya va retsessiyani tushunishga yordam beradi. AD-AS modeli siyosatchilarga asoslangan iqtisodiy qarorlar qabul qilishda yordam beradi.

AD va AS o'rtasidagi o'zaro ta'sirlarni tahlil qilib, iqtisodchilar davlat xarajatlari yoki iste'molchilar ishonchi kabi omillarning o'zgarishi iqtisodiyotga qanday ta'sir qilishini taxmin qilishlari mumkin. AD-AS modelini tushunish samarali iqtisodiy tahlil va siyosatni shakllantirish uchun juda muhimdir.

AD-AS modelida davlat siyosatining roli

Yalpi talab – yalpi taklif (AD-AS) modelida davlat siyosati umumiy iqtisodiyotga ta’sir etishda hal qiluvchi rol o‘ynaydi. Davlat xarajatlari, soliqqa tortish va pul-kredit siyosati AD va ASga ta'sir qilishi mumkin.

Kengaytiruvchi fiskal siyosat, masalan, davlat xarajatlarini oshirish yoki soliqlarni kamaytirish, ADni kuchaytirishi va iqtisodiy o'sishni rag'batlantirishi mumkin. Aksincha, qisqarish siyosati ADni pasaytirish orqali inflyatsiya bosimini kamaytirishi mumkin.

Moliyaviy va pul-kredit siyosatini nazorat qilish orqali hukumat istalgan o'sish, inflyatsiya va bandlik darajalariga erishish uchun AD va ASni manipulyatsiya qilish orqali iqtisodiyotni samarali boshqarishi mumkin.

AD-AS modelida uzoq muddatli va qisqa muddatli muvozanat

Yalpi talab-yalpi taklif (AD-AS) modeli umumiy narx darajasi va iqtisodiyotda talab va taklif qilinadigan tovarlar va xizmatlarning umumiy miqdori o'rtasidagi bog'liqlikni ko'rsatadi.

AD-AS modelining uzoq muddatli muvozanatida iqtisodiyot o‘zining potentsial ishlab chiqarish darajasida ishlaydi, bu yerda yalpi talab va yalpi taklif egri chiziqlari mahsulotning to‘liq bandlik darajasida kesishadi.

AD-AS modelining qisqa muddatli muvozanatida talab inflyatsiyasi yoki xarajat inflyatsiyasi davrlari bo'lishi mumkin, chunki iqtisodiyot yalpi talab yoki taklifning o'zgarishiga moslashadi.

Yalpi talab va taklifni bashorat qilishdagi qiyinchiliklar

iqtisodchilar tomonidan iqtisodiyotni tahlil qilish uchun qo‘llaniladigan kuchli vositadir. Biroq, eng katta muammolardan biri yalpi talab va taklifning o'zgarishini aniq bashorat qilishdir.

Iste'molchi xatti-harakatlaridagi o'zgarishlar, hukumat siyosati va global voqealar jami talab va taklifga oldindan aytib bo'lmaydigan darajada ta'sir qilishi mumkin. Bu esa iqtisodiy barqarorlikni prognoz qilish va samarali rejalashtirishni qiyinlashtiradi.

Iqtisodchilar kelajakdagi yalpi talab va taklif haqida bilimli bashorat qilish uchun doimiy ravishda ma'lumotlar va tendentsiyalarni tahlil qilishlari kerak.

Qiyinchiliklarga qaramay, AD-AS modeli iqtisodiyotni tushunish va boshqarish uchun muhim bo'lib qolmoqda.

Adabiyotlar:

1. Nurmuxamedova B., Xamdamov Sh. Davlat moliyasi: Darslik. – T.: “Iqtisod-Moliya”, 2021 y. – 436 bet. 104032 so‘m. 92 nusxa.
2. Шодмонов Ш., Рахматов М. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. “Замин нашр”, 2021 й. – 856 бет. Ҳадя. 5 нусха.
3. 3. Malikov T. Moliyaviy savodxonlik asoslari. O‘quv qo‘llanma. – T.: “Iqtisod-Moliya”, 2021 y. – 404 bet. 74755 so‘m. 192 nusxa.
4. Тешабоев Т., Гулямов С., ва бошқ. Рақамли иқтисодиёт ва дастурлаш асослари: Изоҳли луғат. – Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2021 y. – 276 бет. 99900 сўм. 50 нусха.
5. N. Gregory Mankiw. Macroeconomics. 8 th edition. Harvard University. (NY.: Worth Publishers, 2013). 605 p.
6. Абель Э., Бернаке Б. Макроэкономика. 5-е изд.-СПб.:Питер, 2009-544 с.
7. Агапова Т.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика. Учебник. М.: «Дело и Сервис», 2005. -464 стр.
8. Axmedov D.Q., Ishmuxamedov A.E., Jumaev Q.X., Djumaev Z.A. Makroiqtisodiyot. T.: «O‘zbekiston yozuvchilar uyushmasining Adabiyot jamg‘armasi nashriyoti», 2004. -240 bet.
9. Вечканов Г.С., Вечканова Г.Р. Макроэкономика; Учебник для вузов. СПб.: Питер, 2009. -350 стр.

UNLOCKING EFFICIENCY: KEY FACTORS INFLUENCING THE SUCCESS OF SMALL BUSINESSES

Egamberdieva Barnakhon Gulamjanovna
Andijan Machine building institute, Ph.D. doctoral student

b.egamberdiyeva19@gmail.com

Annotation:

This study aims to explore the ever-changing terrain of small businesses and private enterprises in Uzbekistan, investigating their economic importance, obstacles, and possibilities for expansion. Through a thorough analysis, the research endeavors to reveal the crucial impact of these entities on molding the country's economy, encouraging innovation, and participating in the broader socio-economic progress of Uzbekistan. By examining essential aspects like regulatory structures, market dynamics, and the entrepreneurial environment, the study aims to offer valuable

insights into approaches for unlocking and optimizing the inherent economic potential of small businesses and private enterprises in the nation.

Key Words: small businesses and private enterprises, Economical Potential, The Economical Potential of Small Businesses and Private Enterprises, innovation potential

Introduction:

In the dynamic landscape of entrepreneurship, small businesses play a crucial role in driving economic growth, fostering innovation, and creating employment opportunities. However, their success is often influenced by a myriad of factors that impact their efficiency and overall performance. This article explores the key factors that significantly influence the efficiency of small businesses, shedding light on the intricate interplay between internal and external elements.

Strategic Planning:

Efficient small businesses are built on a foundation of strategic planning. A well-defined business plan outlines objectives, strategies, and a roadmap for achieving goals. This strategic foresight enables businesses to adapt to market changes and make informed decisions.

Financial Management:

Effective financial management is paramount for small business efficiency. Proper budgeting, financial forecasting, and prudent resource allocation contribute to sustainable operations and growth. Access to funding, whether through loans or investments, further supports financial stability.

Market Research and Targeting:

Small businesses must understand their target market and industry landscape. Conducting thorough market research helps identify opportunities and potential challenges. Tailoring products or services to meet specific market needs enhances efficiency and competitiveness.

Innovation and Adaptability:

Embracing innovation and remaining adaptable are key to efficiency. Small businesses that continuously seek ways to improve processes, products, or services stay ahead of the curve. Being adaptable allows them to navigate changes and seize new opportunities.

Customer-Centric Approach:

Customer satisfaction is central to the efficiency of small businesses. Understanding customer needs, providing excellent service, and fostering strong relationships contribute to customer loyalty. Satisfied customers often translate to repeat business and positive word-of-mouth.

Technology Integration:

Leveraging technology enhances operational efficiency. Small businesses that invest in digital tools, automation, and online platforms streamline processes, reduce costs, and improve overall productivity.

Human Resources Management:

Efficient management of human resources involves hiring skilled individuals, providing continuous training, and fostering a positive work environment. A motivated and well-trained workforce positively impacts productivity and innovation.

Networking and Collaborations:

Building a network within the industry and collaborating with other businesses can open new avenues for growth. Partnerships, collaborations, and shared resources contribute to increased efficiency and market reach.

Regulatory Compliance:

Understanding and adhering to relevant regulations ensures the smooth operation of small businesses. Compliance minimizes legal risks and fosters a trustworthy reputation, positively influencing efficiency.

Environmental and Social Responsibility:

Small businesses that embrace environmental and social responsibility enhance their image. Meeting sustainability goals not only attracts socially conscious consumers but also contributes to long-term efficiency and positive community relationships.

Conclusion:

The efficiency of small businesses is a complex interplay of various factors, each contributing to their overall success. By strategically addressing these key elements, small businesses can unlock their full potential, driving efficiency, and contributing to the broader economic landscape. As the entrepreneurial ecosystem evolves, understanding and adapting to these factors become integral to the sustained success of small businesses.

REFERENCES

1. Egamberdieva B. (2023). HOW TO ASSESS THE ECONOMICAL POTENTIAL OF SMALL BUSINESSES AND PRIVATE ENTERPRISES IN UZBEKISTAN / Innovations in technology and science education. Volume 2, Issue 9.

2. Gorfinkel, V.Ya. (2013). Enterprise Economics. V.Ya. Gorfinkel, O.V. Antonov, A.O. Blinov, I.N. Vasilieva. M.: Yuniti-Dana. 2013. 663 p.

3. Karlik, A.E. (2010). Economics of Enterprises (Organizations) / A.E. Karlik, A.I. Nechitailo. M.: Prospekt. 2010. 304 p.

4. Levkovich, O.A. (2017). Accounting / O.A. Levkovich, I.N. Burtseva. Minsk: Amalfeya, 2017. 607 p.

5. Razinkov, P.I. (2018). Analysis of the Effectiveness of the Enterprise's Potential / P.I. Razinkov. Publishing House of the TvSTU. 2018. 256 p

AHOLI TURMUSH DARAJASINI OSHIRISH VA HUDUDLARNI IQTISODIY RIVOJLANTIRISH OMILLARI.

Yo’ldashaliyev Baxodirjon Iqboljon o’g’li
TMI Andijon fakulteti “Moliya va moliyaviy texnologiyalari“
yo’nalishi 2-kurs talabasi

Annontatsiya. *Ushbu maolada O’zbekiston Respublikasi hududida yashovchi aholi o’rtasida “Moliyaviy savodxonlik”ni yanada rivojlantirish va soxaga oid takliflar hamda bu borada davlatimiz tomonidan olib borilgan islohotlar haqida hamda moliyaviy savodxonlikni oshirish bilan aholi turmush darajasini oshirish va hududlarda iqtisodiy rivojlanish uchun Prezidentimiz tomonidan chiqarilgan bir qator farmonlar va ularning ijrosi haqida so’z boradi.*

Kalit so’zlar: *Moliyaviy savodxonlik, Avto 60 oy, norma, biznes reja, iqtisodiy hamkorlik, quvnoq do‘mboqchalar, iqtisodiy rivojlanishini reytingi, moliyaviy savodsiz.*

Aholining moliyaviy savodhonligi va iqtisodiy bilimimlarini oshirish, jamiyatda huquqiy ong va huquqiy madaniyatni yuksaltirish hamda jamiyatning yuksak ma’naviyatini shakllntirish kabi muhimdir.

O’zbekiston Respublikasi hududida yashovchi aholini albatta hozirgi zamon talabi bo’lgan “Moliyaviy savodxonlik” kabi bilimlar bilan ta’minlash. Aholini boy qatlamidan boshlab kambag’al qatlamigacha kerakli moliyaviy bilimlar bilan ularni kelajakdagi boshlamoqchi bo’lgan tadbirkorligini yoki bizneslarini yaratib yo’lga qo’yib olishlari uchun kerakli chora tadbirlar olib borish ularni tom ma’noda turmush darajasini yaxshilanishiga sabab bo’lishi mumkin.

Hozirgi kundagi biz guvoh bo’layotgan ayrim holatlar yani oddiy aholi qatlamiga mansub bo’lgan odamlarning bankdan qanday kredit olishni bilmay yurganlari, turli yolg’onchi firma va tashkilotlarga osongina aldanib qolayotganlari, “Axmatboy” voqeasi, “Avto 60 oy”MCHJ kabi holatlar aholi ortasida moliyaviy savodxonlik darajasi anchagina past ekanligidan dalolat beradi.

Bu borada hukumatimiz tomonidan ham kerakli chora tadbirlar allaqachon boshlab yuborilgan. Masalan Vazirlar Mahkamasining 2014 yil 11 iyuldagi qaroriga muvofiq, “O‘zbekistonda aholining moliyaviy savodxonligini oshirish” loyihasi ijrosiga kirishilgani bunga misol bo‘la oladi. Bundan tashqari O‘zbekiston Savdo-sanoat palatasi Jahon Banki Guruhi moliyalar va bozorlar bo‘yicha departamentining Markaziy Osiyo va Ozarbayjonda moliyaviy infratuzilmani mustahkamlash bo‘yicha loyihasi (ACAFI) hamkorligida SSP trenerlari va xodimlarining moliyaviy

savodxonligini oshirish bo‘yicha dastur, 2018 yildan boshlab O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki, Xalqaro moliya korporatsiyasi, Savdo-sanoat palatasi va «Norma» professional rivojlanish markazi tomonidan «Tadbirkorlar va aholining moliyaviy savodxonligini oshirish» dasturi yo‘lga qo‘yilgan. Bu borada ham tizimli ishlar amalga oshirilayotganini hozirgi kunga kelib ham ko’rishimiz mukin. Aholi turmush tarzini yaxshilash ularni moliyaviy savodxonligini oshirish maqsadidia Respublikamiz Prezidenti tomonidan “Xususiy mulkni himoya qilish va mulkdorlar huquqlarining kafolatlarini kuchaytirish, tadbirkorlik tashabbuslarini qo’llab-quvvatlash borasidagi ishlarni tashkil qilish tizimini tubdan takomillashtirish bo’yicha qo’shimcha chora-tadbirlar, shuningdek, tadbirkorlik subyektlarining moliyaviy resurslar va ishlab chiqarish infratuzilmasidan foydalanish imkoniyatlarini kengaytirish to’g’risida“gi farmonlari ijrosi bilan aholining tadbirkorlik tashabbuslarini qo’llab quvatlash maqsadida kichik hududlarda ham aholini moliyaviy savodxonlikka o’qitish ularga “Biznes reja” tuzishlarida soha mutaxasislari tomonidan kerakli yordam va ko’maklar berib kelinmoqda. [1]

Iqtisodiy hamkorlik va rivojlanish tashkiloti (IHRT) hujjatlarida moliyaviy savodxonlikka quyidagicha rasmiy ta’rif berilgan: “Moliyaviy savodxonlik – bu shaxsiy moliyaviy farovonlikka erishish uchun asoslangan moliyaviy qarorlar qabul qilish imkonini beruvchi xabardorlik, bilim, ko‘nikma, qadriyatlar (hayotiy yo‘nalishlar) va xulq-atvor kabi elementlarning majmui” [3].

Mazkur tushunchalar O.Kuzina tomonidan nisbatan batafsil va yetarli darajada tushunarli holda bayon etilgan [4]. Shuningdek, S.Xaston tomonidan moliyaviy savodxonlikka tegishli 52 ta ma’lumotlar bazasida to‘plangan 71 ta tahlil asosida ayrim dastlabki ta’riflar ham belgilab berilgan [5].

Bu mavzu juda keng va ko’plab insonlar tomonidan turlicha lekin mazmunan o’xshash ma’noda ta’riflangan. A.Sudakovaning ta’kidlashicha “Hozirgi vaqtda moliyaviy savodxonlik tushunchasi moliyaviy ma’lumot, kompetentlik, xabardorlik va boshqa atamalar bilan uzviy bog‘liq. Moliyaviy savodxonlikning ko‘rsatib o‘tilgan tushunchalar bilan asosiy farqi unga tegishli bo‘lgan asosiy elementlarning tatbiq etilish kengligi va bayon etilishining chuqurligida namoyon bo‘ladi. Shaxsning moliyaviy savodxonligi tushunchasini o‘z farovonligini oshirish uchun moliyaviy jihatdan asoslangan to‘g‘ri qarorlar qabul qilish imkonini beruvchi kompetensiyalar yig‘indisi sifatida talqin etish mumkin.

“Moliyaviy savodxonlik” – aholining kundalik hayotdagi oddiy iqtisodiy voqea va jarayonlar (masalan, oziq-ovqat va uy-ro‘zg‘or buyumlarini xarid qilish, turli resurslar (elektr energiyasi, tabiiy gaz, ichimlik suvi) va kommunal xizmatlardan foydalanganlik uchun to‘lovlarni amalga oshirish, xususiy yoki davlat sektorida mehnatda band bo‘lish, ish haqi yoki nafaqa olish va h.k.) dan tortib nisbatan murakkab jarayonlar (masalan, tadbirkorlik faoliyati bilan shug‘ullanish, tijorat banklari kreditlaridan foydalanish, qimmatli qog‘ozlar sotib olish va boshqalar)da ishtirok etishigacha bo‘lgan jihatlarni qamrab oladi [8].

Mamlakatimizda moliyaviy savodxonlikni rivojlantish orqali aholi turmushni yanada yaxshilash bilan bir qatorda hududlarda iqtisodiy rivojlanishga ham e’tibor berib kelinmoqda. Prezidentimizning “Hududlarda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishini reyting baholash tizimini joriy etish to’g’risida”[10]gi qarorlari bilan qaysi hududda iqtisodiy o’sish rivojlanish boshqa hududlarga qaraganda tezroq roy beryotganini endi joriy qilingan reyting baholash tizimi orqali bilib borish imkoni yaratildi. Bu bilan qaysidir hudud iqtisodiy rivojlanishi past holatda va aholi qatlamini daromadlari ko’tarilmasdan bir joyda qotib qolishini oldini olish maqsadida va reytingda yuqoriroq pog’onadan joy olish, iqtisodiy o’sishni barqarorlashtirish maqsadi ilgari surilgan. Tabiiyki bunday olib borilgan kuchli siyosat natijasida aholi turmush darajasi oshishiga ham ma’lum darajada o’z hissasini qo’sha oladi.

Biz yuqorida ko’plab keltirgan fikr mulohazalarga qo’shimcha qilib shuni keltirishimiz mumkinki moliyaviy savodxonlikka erishish bu faqat insonning o’ziga va irodasiga bog’liq. Chunki inson o’zi istasagina bu bilimlarni egallashi mumkin. Tajriba shuni ko’rsatyabdiki, bu ishlarni tizimli amalga oshirish, aholi moliyaviy savodxonligining yoshi, yashash joyi va hattoki mentalitetu-qadriyatlariga xam bog’langan holda o’rgatib borilishi muhimroq. Aks holda, xarajatni daromadiga qarab belgilamaydigan, qarz va kreditlar girdobida botib qolgan, oddiy moliyaviy xizmatlardan foydalanishda ham birovlarning yordamiga muxtoj, firibgarlarga bemalol aldab keta oladigan, qisqasi “moliyaviy savodsiz” qatlam kengayib boraveradi”[7]. Bu so’zlardan shuni anglash mumkunki har bir shaxs o’ziga yetarli ravishda moliyaviy savodxonlik bilimini egallamas ekan u albatta hozirgi shiddat bilan rivojlanayotgan zamonda juda ko’plab qiyinchiliklarga va hattoki oddiy firibgarlarga aldanib qolishdek holatlarni boshidan o’tkazishi mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Measuring Financial Literacy: Core Questionnaire in Measuring Financial Literacy: Questionnaire and Guidance Notes for conducting an Internationally Comparable Survey of Financial literacy, Paris, OECD, 2011, 31 p.
2. Судакова А.Е. Финансовая грамотность: теоретическое осмысление и практическое исследование // Финансы и кредит, 2017, т. 23, вып. 26, стр. 1563–1582
4. Huston S.J. Measuring Financial Literacy. The Journal of Consumer Affairs, 2010, vol. 44, no. 2, pp. 296–316.
5. Улуғмуродов Д. Молиявий саводхонлик нима? - http://old.xs.uz/index.php/homepage/zhamiyat/item/10461-moliyavij savodkhonlik-nima.
6. Кузина О. Финансовая грамотность и финансовая компетентность: определение, методики измерения и результаты анализа в России // Вопросы экономики. 2015. № 8. С. 129-148.
7. И. Туропов. Молиявий саводхонлик ўзи нима, у нима учун долзарб?
8. Bankers.uz

9. Finlit.uz

BOZOR IQTISODIYOTI SHAROITIDA TALAB VA TAKLIF MUVOZANATIGA TA’SIR ETUVCHI OMILLAR

Orifjonov Boburjon Abdulla o‘g‘li,
TDIU Andijon fakulteti, Bank ishi va audit yo‘nalishi,
2-bosqich talabasi

Annotatsiya*: Ushbu maqolada bozor iqtisodiyoti sharoitida talab va taklif muozanatiga tasir etuvchi omillar organilgan , shuningdek ,narxlarning oshishiga ichki va tashqi omillarning tasiri bayon etilgan*
Abstract*: In this article, the factors affecting the balance of supply and demand in the conditions of the market economy are organized, as well as the influence of internal and external factors on the increase in prices.*
Аннотация*: В данной статье систематизированы факторы, влияющие на баланс спроса и предложения в условиях рыночной экономики, а также влияние внутренних и внешних факторов на рост цен.*

Kalit so’zlar: talab va taklif, tanqislik, profist, narxlar va shiftlar , bozor, mijoz, narx, marketing, reklama, resurs, oligopoliya, monopoliya,narx tenglashtirilishi,iqtisodiy samaradorlik, tijorat siyosati, talabning qondirilishi, ilg’or yangiliklar,xarajatlar.

Bozor iqtisodiyoti sharoitida talab va taklif muozanatiga ta’sir etuvchi omillar va ularning tasirini o’rganish muhum ahamiyat kasb etadi Bozor muvozanatidagi talab va taklifning roli raqobatbardosh bozorda narxlar qanday belgilanishini tushunishda muhim ahamiyatga ega. Bozor tizimida ishlab chiqaruvchilar o'zlari ishlab chiqaradigan tovar va xizmatlarni etkazib beradilar, iste'molchilar esa o'z ehtiyojlari va ehtiyojlarini qondirish uchun tovar va xizmatlarni talab qiladilar. Ishlab chiqaruvchilar va iste'molchilarning o'zaro ta'siri bozor talab va taklif kuchlarini yaratadi.

Taklif qonuni shuni ko'rsatadiki, ishlab chiqaruvchilar tovar yoki xizmat narxining oshishi bilan ko'proq etkazib berishadi. Talab qonuni shuni ko'rsatadiki, iste'molchilar tovar yoki xizmat narxining oshishi bilan kamroq talab qiladi. Ushbu ikki qonunning kesishishi bozor muvozanat nuqtasiga olib keladi, bu yerda talab miqdori ma'lum bir narxda taklif qilingan miqdorga teng bo'ladi.Agar taklif yoki ortiqcha bo'lsa, ishlab chiqaruvchilar taklifni kamaytirish va taklifni oshirish uchun narxlarni pasaytiradi, shu bilan bozorni muvozanatga qaytaradi. Aksincha, agar taklif yetishmasa, ishlab chiqaruvchilar o‘z foydalarini oshirish uchun narxlarni ko‘taradilar va bozor muvozanat tomon harakatlanadi.Bozor muvozanatida talab va taklifning rolini tushunish korxonalar va siyosatchilar uchun juda muhim, chunki u bozor xatti-

harakatlari haqida tushuncha beradi va resurslarni taqsimlash, narxlar va ishlab chiqarish bo'yicha asosli qarorlar qabul qilishga yordam beradi. Talab va taklif dinamikasini tahlil qilib, narxlar sun’iy ravishda oshirilmasligi yoki tushkunlikka tushmasligiga ishonch hosil qilish orqali bozor muvozanati ijtimoiy farovonlikni, iqtisodiy samaradorlikni ta’minlaydi va resurslarning optimal taqsimlanishi va maksimal iqtisodiy profitsitni ta’minlashga yordam beradi.Bozor muvozanatiga talab va taklif egri chiziqlari kesishganda erishiladi, natijada bozorda tovarlar yoki xizmatlarning maqbul narxi va miqdori almashtiriladi. Biroq, bu muvozanatni buzadigan va bozorda muammolarga olib keladigan bir qancha omillar mavjud. Ushbu muammolardan ba'zilari quyidagilardir:

1. Tanqislik: Agar ma'lum bir mahsulotga bo'lgan talab taklifdan oshib ketgan bo'lsa, u tanqislikka olib kelishi mumkin. Bu narxni oshirishi va ba'zi iste'molchilar mahsulotni xarid qila olmaydigan vaziyatni keltirib chiqarishi mumkin.

2. Profisit: Aksincha, taklif talabdan oshib ketganda, bu mahsulot yoki xizmatlarning ortiqcha bo'lishiga olib kelishi mumkin. Bu narxning pasayishiga olib kelishi va resurslarning isrof qilinishiga ham olib kelishi mumkin.

3. Narxlar va shiftlar: Hukumatlar ayrim tarmoqlar yoki iste'molchilarni himoya qilish uchun narxlarning pastki yoki shiftini belgilashi mumkin. Biroq, bular bozor muvozanatini buzishi va tanqislik yoki ortiqchalik kabi muammolarga olib kelishi mumkin.

4. Tashqi omillar: Tabiiy ofatlar, siyosiy beqarorlik va boshqa tashqi omillar bozor muvozanatini buzishi va narxlarning o'zgarishiga va ta'minot zanjiri uzilishiga olib kelishi mumkin.

Bizneslar, siyosatchilar va iste'molchilar bozor muvozanatini buzishi mumkin bo'lgan ushbu omillardan xabardor bo'lishlari va ularni bartaraf etish uchun tegishli choralarni ko'rishlari muhim.Bozor muvozanati kontseptsiyasi bozorning barcha ishtirokchilari mukammal ma'lumotlarga ega bo'lishlarini va shu ma'lumotlar asosida oqilona qarorlar qabul qilishlarini nazarda tutadi. Biroq, haqiqatda bozor muvozanati modelida bozorning optimal muvozanat holatiga erishishiga to'sqinlik qilishi mumkin bo'lgan turli xil kamchiliklar mavjud. Ushbu kamchiliklardan ba'zilari quyidagilardir:

1. Mukammal ma'lumot: Bozor ishtirokchilari bozorda ayirboshlanayotgan mahsulot yoki xizmatlar haqida mukammal ma'lumotga ega bo'lmasligi mumkin, bu esa mantiqsiz qarorlar qabul qilishga olib keladi.

2. Tashqi ta'sirlar: Ba'zi bozor operatsiyalari mahsulot yoki xizmat narxida aks ettirilmaydigan ifloslanish yoki boshqa salbiy ijtimoiy xarajatlar kabi tashqi ta'sirlarga ega bo'lishi mumkin, natijada bozor muvaffaqiyatsizlikka uchraydi.

3. Monopol hokimiyat: Ba'zi firmalar sezilarli bozor kuchiga ega bo'lishi va bozorning optimal muvozanat holatiga erishishiga to'sqinlik qiluvchi raqobatga qarshi amaliyotlar bilan shug'ullanishi mumkin.

4. Iste'molchilarning noto'g'ri qarashlari: Iste'molchilar oqilona qarorlar qabul qilishlariga to'sqinlik qiladigan noto'g'ri fikrlarga ega bo'lishi mumkin, masalan, ayrim xususiyatlar yoki brendlarni ortiqcha baholash.

5. Hukumat aralashuvi: Hukumat siyosati va qoidalari soliqlar yoki subsidiyalar kabi bozor muvozanatini ham buzishi mumkin.

Bozor muvozanat modelidagi bu kamchiliklarni tan olish va yanada samaraliroq va samaraliroq bozor tizimini rivojlantirish uchun ularni bartaraf etish choralarini ko‘rish muhim.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Mankiw, N. G. (2014). Mikroiqtisodiyot tamoyillari. Cengage Learning.
2. Frank, R. H., & amp; Bernanke, B. S. (2019). Makroiqtisodiyot tamoyillari. McGraw-Hill Education